ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Р.Т. Шамсутдинов, А.А. Исҳоқов

АНДИЖОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ–2013

УЎК: 94(575.122)
КБК 63.3(5Ў)
Ш – 21

Масъул муҳаррир:

Толибжон Абдумаликович Мадумаров – Андижон давлат университети ректори, биология фанлари доктори, профессор.

Илмий муҳаррир:

А. Нурмонов – Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори.

Тақризчилар:

М.Ғ. Абдуллаев – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент;

М.О. Алихожиев – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

Ш – 21

Шамсутдинов Р.Т.

Андижон тарихидан лавҳалар. / Р.Т.Шамсутдинов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бобур номидаги Андижон давлат университети. – Т.: «Sharq», 2013 – 592 б.

ISBN 978-9943-26-076-4

УЎК: 94(575.122)
КБК 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-26-076-4

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013 й.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланади.

Муқаддима

«Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланган, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этишимиз керак[1]».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2013 йил 26 апрель куни Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида байроғида Амир Темур ордени хилпираб турган қадимий ва ҳамиша навқирон Андижон ва унинг ўтмиши, бугуни ва келажагига даҳлдор пурмаъно ғоя ва фикрлар, илҳомбахш маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатди. Ҳар бир андижонликнинг қалби ва онгида ўчмас из қолдирган, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига даъват этувчи сўнгги етти йилликдаги эришган ютуқларни юксак баҳолаб, вилоятимиз халқи шаънига кўпдан-кўп илҳомлантирувчи, эзгулликка, бунёдкорликка чорловчи фикрларни баён этди. Президентимиз мамлакатимиз қўлга киритаётган, жаҳон ҳамжамияти тан олаётган ютуқ ва марраларга эришиш йўлида бутун Ўзбекистон аҳолиси қатори Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани, кўп соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини эътироф этиб, вилоят маркази, барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора обод бўлиб, халқнинг ҳаёт сифати ва даражаси юксалиб бораётганидан қувонаётганини мамнуният билан изҳор этди. **«Андижон аҳли**, – деб кўрсатди Юртбошимиз, – **ўз юртига бўлган меҳри ва садоқатини, ғурур**

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан. «Халқ сўзи», 2013, 19 июнь.

ва ифтиҳорини, ор-номусини юксак қадрлаб, ўз кучи ва қудратига ишониб яшайдиган халқ».

Юртбошимизнинг вилоят аҳолиси шаънига айтилган қуйидаги сўзлари ҳам ҳар бир андижонлик учун фахрлидир: **«Андижон вилоятининг маркази, шаҳар ва турар жойларнинг кўринишини бутунлай ўзгартириш, гўзал ва ўзига хос майдонлар, кўча ва уйларга барчанинг ҳавасини тортадиган янги қиёфа бериш, обод ва бетакрор ўлкага айлантириш, бундай олийжаноб ва улкан ишларга қўл урган барча-барча Андижон аҳлига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта.**

Кўп йиллар, балки юз йиллар ўтар, лекин Сиз, азизларнинг амалга оширган ишларингиз абадий сақланиб қолур...

Андижон аҳли бундай ишлари билан таъбир жоиз бўлса, ўзига ҳайкал қўйди. Бу баландпарвоз гап эмас, айни ҳақиқат ва бу билан ғурурлансак арзийди»[1].

Буюк истиқлол инсон фаолияти ва ҳаётининг барча соҳалари бўйича ўхшаши йўқ ижобий ўзгаришлар учун мустаҳкам пойдевор яратди. Хусусан, маънавий ҳаётимизда асрлар давомида юз берган ўзгаришлардан ҳам буюк эзгулик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортгани ҳақида тўхталиб, мана бундай деб ёзганди: *«Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган».*[2]

[1] // Халқ сўзи. 2013, 10 май.

[2] *Каримов Ислом*. Юксак-маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. – Б. 4.

Миллий мустақил давлатнинг барпо қилиниши билан Ўзбекистоннинг хақиқий, чин янги тарихини тиклаш учун зарурият ва имконият яратилди ва бу масала республикада давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш бўйича илмий марказ ташкил этилди. 2000 йилдаёқ уч жилдлик Ўзбекистоннинг янги тарихи нашрдан чиқди. Вилоятлар, шаҳарлар тарихини тиклаш ва уларнинг тарихий саналарини ўтказиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон каби қадимий шаҳарларнинг тантанали юбилейлари ўтказилди. Ҳозирда Андижон ва яна кўплаб шаҳарларнинг ёшини аниқлаш бўйича археологик, этнографик ишлар олиб борилмоқда. Хуллас, мустақил Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳукумати шаҳар ва вилоятлар тарихини ўрганишга ва уни оммалаштиришга, уларда истиқомат қилган аҳолининг мамлакат, жаҳон цивилизациясига қўшган хизмати ва ҳиссаларини ўрганиш, бу шаҳар ва вилоятларнинг кундалик ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг барча соҳаларидаги улкан ютуқларини ўрганишга, тарғиб-ташвиқ этишга жуда катта эътибор бермоқда.

Башарият тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимги кентлар қаторида Андижон шаҳри ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга. Бу азим шаҳар дунёга буюк давлат арбоби, бетакрор шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, ҳассос шоира Нодирабегимни, афсонавий лашкарбоши, саркарда Амирлашкар Алимқулни, истиқлолнинг яловбардор курашчиси, буюк шоир ва адиб, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган Сулаймон ўғли Абдулҳамид Чўлпонни, академик, шоир, ёзувчи, драматург Комил Яшинни, бетакрор шоир Муҳаммад Юсуфни, театр ва кино санъатининг ёркин юлдузлари Аббос Бакировни, Сойиб Хўжаевни, бастакор Тўхтасин Жалиловни, буюк математик олим Тошмуҳаммад Саримсоқовни, жаҳон ва Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев каби машҳур инсонларни етказиб берган.

Андижон кўплаб синов ва қийинчиликларни бошдан кечирди. Аммо ҳар қандай мушкул аҳволдан чиқиш учун ан-

дижонликлар ўзларига бўлган ишончни йўқотмаганлар, барча қийинчиликларни мардона бартараф қилганлар, ўз аждодлари хотирасига ҳамиша содиқ қолганлар, ҳеч қачон ўз ғурури ва виждонига қарши турмай, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келганлар, эртанги ёруғ кунларига ҳамиша ишонганлар.

Ана шундай буюк бунёдкорлик йўлидан бориб, оламолам зафарлар юксаклигидан туриб босиб ўтилган тарихий йўлга боқарканмиз, биз андижонликлар ҳақли равишда ўтмишимиз, бой ва бетакрор тарихимиз билан ҳақли фахрланамиз.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Андижоннинг ҳозирги кунгача бўлган тарихи яхлит, бир бутун ҳолатда ёритилган эмас. Бу кўҳна замин тарихининг фақат айрим даврларига, баъзи бир масалаларга бағишланган кичик-кичик рисола, мақолалар бор, холос. 1980 йилда Ўзбекистон ФА Тарих институти томонидан рус тилида нашр этилган «История Андижана» китоби коммунистик ғоя ва мафкура руҳида ёзилган бўлиб, қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача бўлган давр учун бор-йўғи 5–6 бет ажратилган. Унда чор Россияси босқини бузиб кўрсатилиб, Андижоннинг Россияга қўшиб олиниши деган мутлақо нотўғри концепция асосида 9–10 бет хажмда талқин этилган. Китобнинг қолган қисми шўро даврига бағишланган бўлиб, тарихий жараён бузиб кўрсатилган, совет режими сунъий равишда мадҳ этилган.

1977 йили «Ўзбекистон» нашриётида рус ва ўзбек тилларида чоп этилган «Халқлар дўстлиги байроғи остида» номли мақолалар тўпламида Андижон тарихига оид бир қанча фактик материаллар берилган бўлсада, бироқ улар совет режими ғояси ва мафкураси руҳида таҳлил қилинган, тарихий воқеалар бир томонлама тавсифланган, фақат ижобий ҳолатлар, воқеаларга ўрин берилган.

XX асрнинг 80-йилларида М.Х.Муҳиддинов, К.М.Наринский, Р.Т.Шамсутдиновларнинг вилоят газеталари саҳифаларида Андижон вилояти сиёсий ташкилотининг совет давридаги фаолиятини шарҳловчи бир туркум мақолалари эълон қилинди. Улар ҳам коммунистик руҳда ёзилган эди.

Совет даврида ва мустақиллик йилларида Андижон тарихининг айрим даврлари, воқеалари, таниқли кишилари,

иқтисодий, маданий, маънавий ҳаёти ҳақида бир қанча китоб, рисола, тўплам ва мақолалар эълон қилинди[1].

Яқин вақтларга қадар Фарғона водийси ҳудудидаги урбанизация жараёни, жамият ривожланишида шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, шаҳар маданиятининг шаклланиш жараёни етарли даражада ўрганилмай келинган эди. Оқибатда, биз бу минтақадаги қадимги шаҳарларнинг дастлабки генезиси, келиб чиқиши масалалари бўйича деярли маълумотларга эга эмасдик. Бундай ҳолатнинг асосий сабабини совет даврида бу ҳудудни ўрганишга бўлган алоҳида ёндашувидан ахтармоқ лозим. Чунки бу заминга Ўрта Осиё цивилизациясининг чекка периферияси ва тарихий тараққиётдан орқада қолиб кетган ҳудуд деб қараб келинганди. Баъзан мавжуд археологик комплексларга баҳо беришда шаҳарларнинг қадимий эканлигига шубҳа билдирилиб, асосий эътибор уларнинг ёшини имкони борича камайтиришга қаратилганди. Санкт-петербурглик таниқли археолог олим Ю.А.Заднепровскийнинг тадқиқот ишлари туфайли Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг қадимий эканлиги тўғрисидаги масала қўйилди. Водийдаги шаҳарлар ҳақиқатан ҳам қадимги шаҳарлар эканлигини исботлаш учун бешта археологик мезон аниқландики, улар ўз аҳамияти ва муҳимлигини ҳозирда ҳам йўқотган эмас.

Водийнинг қадимги, республиканинг энг шарқий қисмида жойлашган шаҳарларидан бири Андижондир. У ўзининг

---

[1] *Нурмуҳаммедов Х.* Возрождённый Октябрем. Т.: Фан, 1979.: *Жалилов Сайфиддин.* Бобур ва Андижон. Т.: Ўзбекистон. 1993, Б. 101.; *Муҳиддинов З., Султонов А.* Андижонлик қаҳрамонлар. Андижон нашриёти, 1995, Б.111.; *Шокаримов С., Султонов А.* Жаннатмакон Андижон. Т.: Ислом университети нашриёти. 2002, Б. 158.; Бугунги Андижон. Т.: Ўзбекистон, 2006, Б. 183.; Ватанимиз ўтмишидан. «Andijon nashriyot-matbaa» очиқ акциядорлик жамияти. 2007, Б.199.; Андижон тарихидан лавҳалар. «Andijon nashriyot-matbaa» очиқ акциядорлик жамияти. 2008, Б.258.; История Андижана в документах и материалах (1876–1917 г.г). Том первый. «Andijon nashriyot-matbaa». 2009, Б.199.; *Алимов И.А. Тўхтабоев Б.А. Тўхтабоев, Эркаев Э.* Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан. Т.: «VEKTOR-PRESS», 2009. Б. 23.; *Шамсутдинов Р., Матбобоев Б., Жумабоев И.* Кўҳна ва навқирон Андижон. Т.: «Шарқ», 2010, Б. 155.; *Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З.* Древний и средневековый Андижан. Т.: «Sharq», 2011. С. 254.; История Андижана документах и материалах (1876–1917 г.г). Том второй. «Andijon nashriyot-matbaa». 2012; *Алихожиев М.О.* Қўқон хонлигида таълим тизими ва унда вақф мулкларининг тутган ўрни. (1800-1876 йиллар). Т.: 2013, Б. 114.

жўғрофий жойлашиши ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўзига хос ва қадимий тарихига эгадир. Унинг қадимги даври тарихини ўрганишда Я.Ғуломов, М.Е.Массон, А.К. Писарчик, Б.Абдулғозиева, Г.Дадабоев, С.Жалилов, Б.Х.Матбобоев каби тадқиқотчиларнинг асарларини кўрсатиш мумкин. Айниқса, 2000–2008 йиллар мобайнида Б.Х.Матбобоевнинг археологик қазишмаларидаги топилмаларини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, айни шу олимнинг тадқиқотлари асосида шаҳарнинг қадимги ва ўрта асрлар давридаги ривожи тарихи, шаҳарнинг тузилиши тўғрисида қимматли материаллар тўпланди. Андижоннинг қимматли топографияси бўйича дастлабки тадқиқотлар этнограф А.К.Писарчик томонидан 1938, 1944 ва 1947 йилларда олиб борилган. Бунинг натижасида шаҳарнинг тарихий планини яратиш, дарвозалари ва масжидларини аниқлаш мумкин бўлди.

Ҳозирги вақтда Андижоннинг ўрта асрлар даври (IX–XIX асрлар) тўғрисида ва айниқса, унинг XIV–XVI асрлардаги тарихи ҳақида етарли даражада маълумотлар тўпланди. Хусусан, шаҳар жойлашган манзил, Арки-аъло, Шаҳристон, работ чегаралари аниқланди.

Арки-аълонинг майдони С.Жалилов фикрича 10 гектар, Шаҳристоннинг майдони Б.Абдуғозиеванинг ҳисобича 100 гектар бўлган. Аммо мана шу ҳудудда ҳозирча энг қадимги қатлам топилганича йўқ. Умуман, Андижоннинг қадимги тарихини ўрганишда ҳал қилинмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Улардан бири қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиши ва унинг қадимги ривожланиш босқичлари бўлиб, уни ҳал этиш, асосан, археологик тадқиқотлар билан боғлиқдир. Масалан, шаҳар маданиятининг илк босқичлари ривожланишини ўрганиш учун ёзма манбалар етарли эмас. Таъкидлаш лозимки, Андижонда 10 дан кўп мавсум мобайнида археологик қазишмалар ўтказилди ва амалга оширилди. 2000 йилгача бўлган даврдаги уларнинг натижалари шаҳарнинг сўнгги антик даври ва илк ўрта аср босқичларини тавсифлаб берувчи илк қатлам борлигини очиб берди. Бу ишларни олиб борган илгариги тадқиқотчиларнинг асосий эътибори арк ичи ва Шаҳристоннинг ўрта асрлардаги шаҳар атрофидаги

ҳудудларига қаратилганди. Бунга сабаб эҳтимол Андижондаги археологик ёдгорликларининг бузиб ташланганлиги ёки замонавий уй-жой қатламланишларининг таъсири кучлилиги оқибатида қазиш ишларини олиб бориш қийин ва мураккаблиги бўлган. Бироқ 2000 йилдан Андижондаги археологик тадқиқотларда сифат ўзгариши юз беради. Бунинг сабаби республика Фанлар Академияси археология институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника Маркази ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Халқаро жамғарманинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлди. 2000–2008 йилларда Андижонни археологик ўрганишда унинг ҳудудидаги қулаб бузилиб кетган ва қисман сақланиб қолган ёдгорликларнинг жойлашувини аниқлашга эришилди. Бунинг учун 1893 ва 1913 йилларда тузилган шаҳарнинг тарихий топографик харитаси асос қилиб олиниб, ҳозиргача сақланиб қолган баъзи бир ёзма манбалар ва маълумотлар билан солиштириб чиқилди. Шундан келиб чиқиб, XX аср бошларида шаҳар ҳудудида 8 та археологик объект, 11 та шаҳар қабристони, 39 та масжид борлиги аниқланди.

Андижон тарихи ҳақида ўша тузум мафкураси руҳида ёзилган «Ўзбек совет энциклопедияси»да жуда қисқа маълумотлар берилган. Унда Андижоннинг ўтмишига қисқача тарихий экскурсия қилинган[1]. Янги Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса Андижон тўғрисида, унинг тарихи ва ҳозирги вақтдаги ҳолати, қиёфаси ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган, Андижон тарихи бўлими Бахтиёр Зиёев томонидан ёзилган. Доно Зиёева, Алиназар Эгамназаровлар 1898 йилги Андижон қўзғолони тафсилотларини ёзганлар. Маълумотлар характеридаги қолган материаллар Салоҳиддин Сирожиддинов, Абдуғулом Султонов, Собиржон Шокаримов, Шуҳрат Каримовлар томонидан ёзилган[2].

Ушбу мақолалар энциклопедиянинг аввалги нашридан кескин фарқ қилади. Бу ерда биз Андижон ҳаёти ва тарихи-

[1] Ўзбек совет энциклопедияси 1. «Ўзбекистон Давлат энциклопедияси Бош редакцияси». Тошкент, 1971, 359–367-бетлар.

[2] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1- жилди. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти», Тошкент. 2000, 323–341- бетлар.

даги асосий жиҳатларни очиб беришга янгича ёндашилганини кўрамиз.

Мустақиллик йилларида нашр этилган бир қатор шарҳли асарлар ва ўқув қўлланмаларда ҳам XVIII асрдан XX асргача бўлган даврдаги Андижон тарихининг айрим қирралари кўрсатилган. Ана шундай асарларда Қўқон хонлиги тарихи, жумладан, унинг чор Россияси қўшинлари томонидан босиб олиниши, чет эл босқинчиларига қарши кураш, Туркистон тупроғида мустамлакачилик ҳукмронлигининг ўрнатилиши, ўлкадаги чор ҳукуматининг олиб борган мустамлака сиёсати, унинг зулмига қарши кураш, 1898 йилдаги Андижон қўзғолони, демократик миллий озодлик ҳаракатларининг юзага келиши ва ривожланиши, жадидлар ҳаракати, 1916 йилги қўзғолон каби масалалар Ўзбекистон тарихининг ҳозирги янги методологияси ва концепцияси талаби даражасида мутлақо янгича талқин этилмоқда[1].

Ўзбекистоннинг совет даври тарихи ҳам янгича нуқтаи назардан ўрганилмоқда. Мазкур муаммо бўйича ҳозирги вақтда махсус монографиялар, рисолалар, ҳужжатли материаллар тўпламлари, кўплаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар мавжуд. Бу мавзу бўйича номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Улар қаторида Ўзбекистоннинг янги тарихининг иккинчи китоби – «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» китоби алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушбу мавзуда 2004 йили Андижонда нашр этилган[2], 2010 йили «Шарқ» нашриётида лотин имлосида чоп этилган «Vatan tarixi» ўқув қўлланмаларида ҳам Андижон тарихига оид айрим маълумот ва материаллар келтирилган.

Бутун Туркистон ўлкасида бўлганидек, Андижонда ҳам Октябрь тўнтариши, яъни инқилоби юз бермаган ва бунинг учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароити ҳам йўқ эди. Маҳаллий аҳоли бундай инқилобни хоҳламаган, бу ғоя улар

[1] Бу ўринда Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» (Х.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов) китобини таъкидлаш лозим.

[2] *Шамсутдинов Рустамбек. Каримов Шоди.* Ўзбекистон тарихидан материаллар. (Учинчи китоб). Андижон, 2004, 651- бет.

учун бегона бўлган. Инқилоб ғояси, большевиклар йўли, жумладан, социализм ва коммунизм сиёсати ўлканинг туб аҳолиси томонидан қабул қилинмаган. Шунинг учун бу ерда фуқаролар уруши эмас, балки советларга ва қизил армияга қарши миллий озодлик учун кураш олиб борилган.

Эндиликда одамлар онгидан босмачилик аксилинқилобий куч эмас, аксинча большевиклар диктатурасига қарши миллий озодлик ҳаракати деган тушунча мустаҳкам жой олмоқда. Биз «босмачилар», қўрбошилар деб атаганларнинг аксарияти қалбида Ватан туйғуси мужассам эди, улар қўлда қурол билан миллий мустақиллик учун кураш олиб борганлар.

Собиқ Иттифоқда ривожланган социализм эмас, ҳатто социализмнинг ўзи ҳам қарор топмаганини яхши биламиз. Андижон ҳам ҳеч қачон на социализм, на унинг юқори босқичи – ривожланган социализмни ўз бошидан кечирган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, совет тузуми шароитида тарихимизнинг кўплаб муҳим жиҳатлари, саҳифалари онгли равишда қалбакилаштирилган, сохталаштирилган, бузилган. Масалан, Қўқон мухторияти, яъни Туркистон мухторияти буржуа-миллатчи, халққа қарши аксилинқилобий давлат сифатида талқин этилган. Аслида эса у биринчи миллий демократик давлат эди. Бу давлат узоқ йиллар мобайнида ўлка халқларининг сарварлари, мунавварлари, илғор кишилари, тараққийпарварлари, миллатнинг етакчилари бўлмиш жадидларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли бунёд этилганди. Аммо большевиклар бу давлатни бешикдалиги чоғидаёқ бўғиб ўлдирди. Бунга жавобан эса жадидлар советларга қарши кураш йўлига ўтди. Қуролга қарши қурол билан жавоб бериш сари йўл тутилди. Бу жараён 16 йил давом этди. Совет режимига, қизил армия босқинига, большевистик диктатурага қарши Андижонда ҳам катта кўламда миллий кураш олиб борилган.

Ёки бўлмаса Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегаралаш масаласини олиб қарайлик. Амалда большевиклар ўйлаб топган айёрона сиёсий ўйин ишга солинган эди. Улар асрлар давомида бир юрт, бир қавм бўлиб келган Ўрта Осиё халқлари бирлигини бузиб, йўқ қилиб, уларни миллий

ҳудудларга «бўлиб ташлаш сиёсати»ни қўллаб, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқларни «миллий квартиралар»га бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида идора этиш, уларга ўз эркини мажбурлаш, уларни пролетариат диктатураси исканжасида сақлаш, эзишни мақсад қилиб олганлар. Бу «ўйинлар»нинг барчаси «ленинча миллий сиёсатнинг ҳаётдаги ғалабаси», «миллатлар тақдирини ўзлари белгилаш сиёсатининг амалга оширилиши», «халқлар дўстлиги» каби сохта шиорларга бурканган большевиклар тактикаси эди.

Большевикларнинг «ўйинлар»идан яна бири 1926–1927 йилларда Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган ерсув ислоҳоти бўлди. Улар ер ислоҳоти тадбирлари билан ниқобланиб, ўз олдиларига миллий қишлоқда ижтимоий антогонизмни авж олдириш, кучайтириш, миллий адоват, низони юзага келтириш, деҳқонларнинг совет ҳокимиятига қарши курашидан эътиборини бошқа ёққа тортиш, мустақиллик учун курашларнинг ижтимоий базасини йўқ қилишдан иборат ғалати ва мудҳиш мақсадни қўйганлар ва уни амалга ошириш учун жон-жаҳди билан курашганлар.

1929–1933 йилларда зўрлик билан коллективлаштириш, деҳқонларни қулоққа тортиш амалга оширилди. Деҳқонларга қарши уруш эълон қилинди. Амалда уларга нисбатан социалистик геноцид қўлланилди. Бу сиёсат фожиали оқибатларга олиб келди. Шунга қарамасдан совет тарихшунослиги бу фожиани коммунистик партия аграр сиёсатининг зафари деб талқин этди.

Қонли репрессиялар, «Катта қирғин», «1937–1938 йиллардаги «Қулоқлар операцияси» тадқиқотчиларнинг ўрганиш объекти бўлмай қолганди. Бу фожиалар ҳақида мутлақо жимлик ҳукм сурарди. Тарихнинг бу сюжети ҳам ёпиқ ҳисобланган. Ҳукуматнинг юқори эшелонларида қатағон сиёсатини социализм учун ва халқ душманларини тугатиш учун қилинган тадбир деб тушунилган.

Хуллас, тарихимизда бу каби «оқ» доғлар жуда ҳам кўпдир. Буларнинг барчаси ҳақида бу ерда сўз юритиш, фикр билдириш имкони йўқдир. Бу тўғрида батафсил тўхташнинг мавриди эмас ҳам. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, «тарихий воқеаларни большевикларча идеаллаш-

тириш, сохталаштириш, бузиш» совет тоталитар режимининг натижаси, маҳсули ва мевасидир. Шунинг билан ана шу нуқтаи назардан Андижон тарихига ёндашган муаллифларни айблай олмаймиз, бунга ҳақ-ҳуқуқимиз ҳам йўқ. Уларнинг барчаси ўз замонида коммунистик, марксистик лабораторияларда тайёрланган «дори-дармонлар» билан заҳарланган эдилар. Улар фақат социалистик идеология доирасидагина фикрлаш ва ёзиш имконига эга эдилар. Барча тарихий асарлар совет даврини мақташга ва коммунистик тарбия ишига хизмат қилиши керак эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари раҳбарлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг янги тарихини ва ҳозирда эса унинг энг янги тарихини яратиш, унинг янги концепциясини ишлаб чиқиш масаласини ўртага қўйди. Бу вазифа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Андижон тарихи бугун жаҳонга юз тутган, тенглар орасида тенг бўлган Ўзбекистон умумий тарихининг ажралмас таркибий қисми, бир бўлагидир. Андижонни чоризм томонидан босиб олиниши, мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари, совет режими даврида андижонликларнинг меҳнат фаолияти билан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётдаги ютуқларини ҳамда бу даврнинг салбий жиҳатларини, оқибатларини, фожиали воқеаларини ҳам ҳозирги ва келгуси авлод билиши керак. Совет тузумини бошдан-оёқ қоралаш билан чекланиб қолмай, у даврдаги халқимиз яратган буюк иншоотларни муносиб қадрлашимиз лозим. Ўша даврдаги тарихий жараён қандай кечган бўлса, уни ўшандай тарзда ёзиш ва уни танқидий, ҳолисона баҳолаш зарур. Хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин ўша бунёдкорлик ишларида халқимизнинг меҳнати, кучи борлигини унутмаслигимиз керак. Ўша тарих халқимиз хотирасида, келгуси авлодлар қалбида сақланиб қолиши лозим.

Халқимизнинг бунёдкорлик қудрати Мустақиллик йилларидаги тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига бевосита тааллуқлидир. Ана шу босқичда республикамизнинг бошқа

вилоятлари қатори Андижон ҳам гуркираб ривожланмоқда, унинг иқтисодий салоҳияти юксалмоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий, маънавий, ахлоқий ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Байроғида буюк Амир Темур ордени хилпираб турган Андижоннинг ўтмиши, бугуни ва келажагига ҳар бир юртпарвар, миллатпарвар инсон, ёшу-қари, каттаю-кичик, эркагу-аёл, барча-барча андижонликлар, шу заминда яшаётган, жонажон Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳаёт кечираётган юртдошларимиз ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади.

Андижон саноат ва қишлоқ хўжалиги гуркираб равнақ топган, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий қадриятлари барқ уриб ривожланган ҳозирги замон билангина эмас, балки у ўз тарихи билан ҳам бой ва кўркамдир.

Вилоятдаги мислсиз чуқур ва кенг қамровли, катта кўламли ўзгаришларнинг энг асосий омилларидан бири, энг асосийси бу Андижон халқидир. Вилоят аҳолиси жуда ҳам ориятли, диёнатли, лафзи ҳалол, қалби пок, ташаббускор, ишнинг кўзини биладиган, каттаю-кичикнинг ҳурматини жойига қўядиган, узоқ ва яқин ўтмишини англаб, келжакни олиндан кўра биладиган, бори-йўққа сабр қилувчи, ўзидаги борини бошқаларга илинадиган, баҳам кўрадиган бағрикенг, танти, саховатли халқдир. Шу фазилатларнинг барчаси азми Андижоннинг шону-шуҳратини тараннум этадиган асосий омилдир.

Андижон вилояти раҳбариятининг Юртбошимиз Ислом Каримовнинг республикага биринчи раҳбар бўлиб келганидан ҳозирги кунга қадар Ватанимиз равнақи, фаровонлиги, камолоти йўлида қилаётган буюк ишлари, илҳомбахш кўрсатма ва ғояларини ҳаётга татбиқ этиш борасида тинмай меҳнат қилаётгани ҳам асосий омиллардандир. Истеъдодли кадрлар давлатимизнинг бебаҳо бойлиги, мулкидир. Аввал собиқ совет даврида, сўнгра истиқлол йилларида Андижон вилоятида ҳам раҳбар кадрларнинг бутун бир янги авлоди етишиб чиқди. Шу боис уларни асраб-авайлаш лозим. Чунки, халқ ва омма етакчиси, сардори мақомига эга бўлган ҳар бир раҳбар ҳақида бор ҳақиқат, у хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ

салбий бўлсин, сиёсат учун, тарих учун, кенг омма учун қимматли ва ибратли ҳисобланади. Чунки сиёсий арбоб ва омма етакчисининг ҳаёти, фаолияти келажак авлод учун ҳамиша ибрат бўлиб келган. Уларнинг беминнат халқ манфаати йўлида қилган эзгулик ишлари Андижон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажак.

Халқ ҳурмати ва эҳтиромини қозониб, республика миқёсида самарали, баракали фаолият кўрсатган андижонликлардан баъзилари ҳозир орамизда, халқимиз ардоғида азизу-мукаррам бўлиб ҳаёт кечирмоқда, бугунги тинчлик, осойишталик, фаровонликка шукроналар келтириб, ёшуқарига ибрат бўлмоқда. Улар ҳақида ҳам китобда айрим лавҳалар келтирилган.

Энди ушбу китобнинг яратилиш тарихига келсак. 2009 йили Андижон давлат университети ректори Т.А.Мадумаров 2010 йилда Андижонда ўтказиладиган республика «Универсиада»си муносабати билан шаҳримизга ташриф буюрган мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларга эсдалик учун совға сифатида тақдим қилинадиган Андижоннинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида оммабоп рисола тайёрлаб нашр этиш кераклигини айтиб, бу вазифани Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири сифатида бизга топширганди. Биз топшириқни бажаришга киришиб, шошилинч тарзда рисолани тайёрладик ва у 2010 йил «Шарқ» нашриётида чоп этилди. Китоб-альбомнинг бир қисми меҳмонларга, универсиада қатнашчиларига совға қилинди. Андижонда ўтказилаётган қатор тадбирлар муносабати билан Андижонга ташриф буюрган меҳмонларга, расмий кишиларга ҳам бу китоб совға қилинди. Китобга нисбатан талаб орта бошлади.

Ҳозирга келиб Андижоннинг ёшини аниқлаш борасида чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Шуни ҳисобга олиб 2010 йилда нашр этилган «Кўҳна ва навқирон Андижон» китобини тезкорлик билан тўлдириш, кенгайтириш, янги ҳужжатли материаллар, фотосуръатлар, Андижонда сўнгги вақтларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи лавҳаларни жалб қилиб, Андижонни қадимги давридан ҳозирги кунгача бўлган тарихини илмий-оммабоп тарзида тайёрлаш ва нашр этиш масаласи кўтарилди. Айни

вақтда вилоят телевидениесида, «Андижоннома» газетаси саҳифаларида унинг тарихи ҳақида «Андижон: кеча ва бугун» рукни остида туркум кўрсатув ва мақолалар бериб бориш мақсадга мувофиқлиги айтилди. Бундан мақсад аҳолиси қарийб 3 миллионга яқин бўлган Андижон вилояти аҳолисини шу диёрнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан яқиндан таништириш, босиб ўтган шонли ҳаёт йўлини, турмуш кечинмаларини, бунёдкор ва эзгулик ишларини, меҳнат матонатини, душманга қарши кўрсатган жасоратини, унинг юртпарвар инсонлари, қаҳрамонлари ҳаётини акс эттириш, кексаю-ёшда юртга бўлган ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, ривожлантиришдан иборатдир. Қолаверса, вилоятдаги умумий таълим мактабларида, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида Андижоннинг қадимги давридан то ҳозирги кунгача бўлган тарихини ўқитиш, ўргатиш ҳозирги вақтда ниҳоятда зарурдир. Бунинг учун Андижон тарихидан тегишли дастурлар, ўқув қўлланмалари, ҳужжатли фильмлар яратиш керак. Ана шу вазифаларни амалга оширишда ушбу «Андижон тарихидан лавҳалар» номли илмий-оммабоп китоб муҳим манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Китобда Андижон тарихининг бир қатор масалаларини илмий-оммабоп тарзда, энг сўнгги янги маълумотлар, тарих фани эришган ютуқлар, ўлкашунослик материаллари асосида ёритишга ҳаракат қилинди. Андижон тарихининг бир қанча саҳифалари ҳозиргача фанда ўрганилмаганлиги туфайли ушбу масалалар бўйича китоб муаллифлари ўз фикрларини муфассал баён эта олмаганликларини ҳам эътироф этадилар ва бу муаммоли масалалар кейинги тадқиқотларда, жамоавий муаллифлар саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиниши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Асарнинг юзага келиши учун Бобур номидаги Андижон давлат университети раҳбарияти зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб берди. Мавзуга оид айрим ҳужжатларни топиш ва улардан нусхалар олишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Андижон вилоят бўлими архиви ва Андижон вилоят давлат архиви раҳбарияти ва ходимлари катта ёрдам беришди. Шунингдек, 1990–1993 йилларда Ан-

дижон вилоятининг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Қаюм Ҳолмирзаевнинг тақдим этган ҳужжатли материаллари, вилоятимизнинг табаррук нуронийларидан Пўлатжон ота Қаюмов, Абдулхай Рўзиев, Жўра Ҳасанов, Абдуғани хожи Ҳамидов, Машариф Юсупов, Мадамин Ҳасанов, профессорлардан Боқижон Матбобоев, Тоҳиржон Иминов, Эркин Жумабоев, Толибжон Худойбердиев, доцент Баҳодиржон Раҳмонов, тарих фанлари номзоди Дурбек Мўминов, Ҳусан қори Яҳёхон қори ўғли ва бошқаларнинг шахсий архиви ва эсдаликларидан фойдаланилди. Ушбу китобга интернет материалларини жалб қилишда ҳамда матнни электрон ҳолатда тайёрлашда университетнинг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчиси Иқболжон Джумабоев, ташкилий ишларни бажарган «Мерос» жамғармаси ходими Фарруҳ Холиқовлар яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Биз юқорида номлари зикр этилган юртдошларимизнинг барчасига чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

ҚАДИМГИ АНДИЖОН

«Андижон тупроғида неча асрлик маданият ва тараққиёт намуналарини ўз бағрида асраб келаётган Далварзинтепа ва Эйлатон, Мингтепа ва Шўрабашот каби тарихий жойлар, қўҳна ёдгорликларнинг борлиги бу заминнинг юртимиздаги қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлганини эслатади».

Ислом КАРИМОВ

Буюк ипак йўлида жойлашган Андижон шаҳри Ўзбекистоннинг гавҳари деб аталган Фарғона водийсининг шарқий дарвозаси ҳисобланади. Шаҳар денгиз сатҳидан 450 метр баландликда географик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган бўлиб, уни жанубий шарқдан Отчопар, Хакан адирлари ва тепаликлари ўраб туради. Ғарбдан эса у водийнинг марказигача чўзилган паст-текисликлар, унумдор экин майдонлари, боғ-роғлар, катта-кичик қишлоқлар билан туташиб кетган. Шаҳарнинг шимолий-шарқидан Қорадарё ва Андижонсой оқиб ўтади.

Улуғ саркарда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида қайд этилганидек, ўрта асрларда Андижон Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш шаҳарлари каби етакчи ўринда турган. Бироқ у юқори сейсмик ҳудудда жойлашганлиги боис бу ерда барпо этилган улкан иншоотлар, мачит ва мадрасалар, ноёб обидалар 1902 йилда ва ундан олдинги даврларда рўй берган кучли зилзилалар туфайли вайронага айланган. Уларнинг айримларигина бугун шаҳар қиёфасига ўзгача кўрк бағишлаб, унинг олис ўтмишидан шоҳидлик бериб турибди. Андижоннинг шаҳар бўлиб шаклланиш тарихи эса мозийнинг энг олис қатларига бориб тақалади.

Неолит даври охирига келиб одамзод энг буюк кашфиётни яратди. Яъни, металлдан меҳнат қуроллари ясашни ўрганди. Дастлаб мис, кейинчалик бронза ва темирдан тайёрланган меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши илгари асосан ёввойи ҳайвонлар ва қушларни овлаш, меваларни териб ейиш билан кун кечириб келган одамларни ерга ишлов беришга, экин экиб, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришга ўргатди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу жараён қадимги Фарғона водийсида, жумладан, унинг шарқий ҳудудидаги Қорадарё ҳавзасида тахминан милоддан аввалги 2 мингинчи йилликнинг охири ва бир мингинчи йилликнинг бошларига бориб тақалади. Кўчманчиликдан ўтроқ ҳолда деҳқончилик қилишга ўтилиши деярли 145 километрга чўзилиб кетган Қорадарёнинг юқори ва ўрта оқимларида одамлар истиқомат қилувчи илк яшаш манзилларининг пайдо бўлишига хизмат қилди. Ўшанда ушбу ҳудудда жойлашган Далварзинтепа, Эйлатон археологик ёдгорликлари ўрнида энг йирик шаҳарлар мавжуд эди.

Географик жиҳатдан олиб қаралганда Андижоннинг айнан шу ҳудудда, Қорадарёнинг ўрта оқимида жойлашганлиги бу ерда ҳам илк шаҳар маданиятининг пайдо бўлишига олиб келди.

Эрамиздан аввалги 138 йилда Хитой императорининг топшири билан қадимги Даван давлатига келган элчи Чжан Цзян ушбу ҳудудда 70 га яқин катта-кичик шаҳарларнинг мавжудлигини ёзган. Эрамиздан аввалги 3–2 асрларда Мингтепа қалъаси атрофида қадимги Фарғона водийсининг каттакичик шаҳар ва қишлоқларини ўзида бирлаштирган Давань давлати ҳамда унинг пойтахти Эрши шаҳри вужудга келган эди. Хитой йилномаларида Давань – қишлоқ хўжалиги юксак тараққий топган давлат эканлиги қайд этилган.

Ўша пайтда Эрши атрофи боғ-роғлар ва узумзорлардан иборат бўлган. Бу ерда хитойликлар «мусо ўти» деб атаган бедапоялар ястаниб ётарди. Ушбу давлат хитойликлар «самовий отлар» деб таърифлаган учқур арғумоқлари билан ҳам машҳур эди. Хитойда Даван отлари ҳақида, ҳатто қасидалар битилган. Эрамиздан аввалги 104 йили айнан

ушбу отларни қўлга киритиш учун Хитойнинг 60 минг нафарлик аскари Эршига ҳужум қилади. Бироқ истилочилар мағлубиятга учраб, яна ортига қайтишга мажбур бўлишади.

Эрши шаҳри Андижондан унча узоқ бўлмаган жойда, бор-йўғи 30 чақирим нарида жойлашган эди. Шу боис Андижоннинг қадимги тарихини Давань давлати тарихи, Қорадарё бўйида жойлашган Далварзинтепа, Эйлатон маданий ёдгорликлари билан уйғун ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Жалақудуқ туманининг Ойим қишлоғидан бир оз нарида эрамиздан аввалги 9–7-асрларда Фарғона водийсида шаклланган энг қадимги шаҳар харобалари ястаниб ётибди. У Қорадарёнинг юқори оқимида, унинг чап соҳилида жойлашган бўлиб, оралиқ масофа бор-йўғи уч чақиримни ташкил этади. Дарё бўйидаги унумдор ерлар, сувнинг мўлкўллиги туфайли одамлар яшаш тарзини ўзгартириб, ўтроқ ҳолда деҳқончилик қилишга ўтади.

Археологларнинг аниқлашича, Далварзинтепа қадимда деворлар билан ўралган учта қисмдан иборат бўлган. Унинг 18 гектардан иборат асосий қисми турар-жой учун хизмат қилган, қолганлари эса ҳунармандчилик растлари, экин экиладиган ва чорва моллари боқиладиган майдонлардан иборат бўлган.

Бу ерда турли йилларда қазишма ишларини олиб борган археологлар бронза даврида ушбу шаҳарда деҳқончилик билан бир қаторда ҳунармандчилик ва тўқимачилик ҳам ривожланганлигини аниқлашди. Ўтган асрнинг 60-йилларида Далварзинтепада қазишма ишларини олиб борган рус археологи Юрий Заднепровский эрамиздан аввалги 9–7-асрларга мансуб шаҳар харобаларини аниқлаган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олими Боқижон Матбобоев томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бундан 3200–2800 йил илгари, яъни бронза даврида бу ерда Марказий Осиёдаги дастлабки энг йирик шаҳарлардан бири мавжуд бўлганлиги исботланди. Бу ердан қазиб олинган археологик топилмалар қадимги Далварзинтепада нафақат деҳқончилик, балки ҳунармандчилик ва тўқимачилик ҳам ривожланганлигини кўрсатиб турибди.

Орадан юз йилча вақт ўтиб, эрамиздан аввалги 6-асрда Қорадарёнинг қуйи оқимида яна бир кўҳна маскан – Эйлатон маданияти юзага келди. 200 гектардан зиёд майдонни эгаллаган ушбу шаҳар қадимда хом ғишт ва гуваладан қурилган ички ва ташқи деворлар билан ўралган эди. Уларнинг бўйи 4,5–5 метр, қалинлиги 4 метрдан иборат бўлган. Шунингдек, баланд миноралар қурилган бўлиб, улар шаҳарга яқинлашаётган душманни узоқдан кузатиш имкониятини берган.

Худди шу даврда, яъни эрамиздан аввалги 6-асрда Эйлатондан 20 чақирим жанубий-шарқда, Қорадарёнинг чап соҳилида яна бир кишилик маданияти шаклланди. Бу қадимги Андижон эди. Унинг айнан Қорадарё ҳавзасида, Андижонсой бўйида вужудга келиши бежиз эмас. Чунки сув ва унумдор тупроқ, одамлар қўлида темирдан ясалган меҳнат қуролларининг мавжудлиги суғорма деҳқончилик учун энг қулай имконият эди. Археолог олим Бартольд айнан шу даврда Фарғона водийсида сунъий суғориш иншоотларидан фойдаланилганлигини қайд этган.

Илгари кўчманчилик билан шуғулланган одамларнинг ўтроқлашиши турар-жой масканларининг вужудга келишига, ҳунармандчиликнинг ривожланишига туртки бўлди. Бу Андижон шаҳарсозлигининг илк намунаси эди.

1893 йилда яратилган топонимик харитада ўша пайтда Андижон шаҳрида мавжуд бўлган қадимги 20 та мавзе қайд этилган. Арк, Шаҳристон, Култепа, Чордона, Сарвонтепа ва бошқалар.

Андижон юқори сейсмик ҳудудда жойлашганлиги боис ўтмишда ер силкинишлари тез-тез содир бўлиб турган. Айниқса, 1902 йилда юз берган кучли зилзила туфайли Андижон шаҳри бутунлай вайронага айланган. 4 минг нафардан зиёд киши ҳалок бўлган. Ер силкиниши оқибатида унинг ўтмиши ҳақида маълумот берувчи тарихий обидалар бузилиб, шаҳар вайроналари остида қолиб кетади. Ёзма манбалар ҳам сақланиб қолмаган. Ана шу боис Андижоннинг қадимги тарихини унинг асосий ўчоқларида қазишма ишларини олиб бориш орқалигина ўрганиш мумкин. Бундай ҳудудлар Сарвонтепа, Чордона, Арк ичи, Шаҳристон каби

мавзеларида жойлашган. Дастлабки қазишма ишлари жараёнида аниқланган археологик топилмалар шаҳарнинг милоддан кейинги даври ҳақида маълумот берган бўлса, унинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Сарвонтепада олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари Андижон тарихи учун оламшумул янгилик бўлди. Бу ерда қазишма ишларини бажарган олимлар тўрт метр чуқурликда энг қадимги археологик мажмуага дуч келишди. Бу ердан эрамиздан аввалги 6–4-асрларга мансуб нодир буюмлар топилди.

Мингтепа, Далварзинтепа, Эйлатон археологик ёдгорликлари ҳамда Андижон шаҳридаги Сарвонтепа, Чордона, Арк ичи, Шаҳристон каби тарихий мавзеларида аниқланган археологик топилмалар, Хитой йилномаларида қайд этилган ёзма манбалар бундан 2,5 минг йил олдин ҳозирги Андижон шаҳри ҳудудида шаҳарсозлик маданияти вуджудга келганлигини ва ривожланганлигини тасдиқлайди. Одамларнинг ўтроқ ҳолда яшашга ўтиши туфайли бу ерда шаклланган деҳқончилик маданияти, ҳунармандчиликнинг жадал ривожланиши кейинги босқичларида Андижоннинг янада тараққий этишига хизмат қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, археологларимиз томонидан турли даврларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида Фарғона водийсининг шарқий ҳудудида, Қорадарёнинг юқори ва ўрта оқимларида эрамиздан аввалги 9-асрдан бошлаб 2-асрга қадарли бўлган даврда бир қатор ривожланган шаҳарлар мавжуд бўлганлиги аниқланди. Шулардан бири Андижон шаҳридир. Биргина Сарвонтепада олиб борилган қазишма ишлари даврида аниқланган археологик комплекс ушбу шаҳарга эрамиздан аввалги 6 асрда асос солинганлигини исботлади.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ АНДИЖОН

Милоддан аввалги даврда Далварзинтепа, Эйлатон ва Андижон шаҳрининг Сарвонтепа археологик мажмуаси ўрнида мавжуд бўлган қадимги шаҳарлардан сўнг Даван давлати, унинг пойтахти ҳисобланган Эрши шаҳри тараққий топди. Савдо-сотиқ ривожланди. Юқорида милоддан аввалги 138–126 йилларда Хитой элчиси Чжан Цяннинг Давандa бўлганлиги ҳақида маълумот берган эдик. Унинг келиши Хитой билан Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари ўртасида савдо-сотиқ алоқаларининг тикланишига сабаб бўлади. Юртимиздан Хитойга беда, узум, гилам ва учқур отлар олиб кетилган бўлса, у ердан водийга шойи матолар, чинни, чой ва бошқа буюмлар олиб келинади.

Дастлаб Хитойнинг Аноси шаҳридан йўлга чиққан карвон Қашқар, Ўзган, Ўш орқали Даван давлатига кириб келган. Унинг ипак йўли деб аталаши бежиз эмас.Чунки биринчи бўлиб Хитойда кашф этилган ипак, яъни шойи инсоният тарихидаги энг қадимги мато тури ҳисобланади. У ўта енгил ва сифатли бўлиб, олтиндан ҳам қиммат баҳоланган. Ўша пайтда Фарғона водийсига биринчи марта ипак матосини олиб келган элчи Чжан Цзян бу ерда 70 га яқин катта-кичик шаҳарлар борлигини қайд этган. «Даванликлар ўтроқ ҳаёт кечиришади, деҳқончилик билан шуғулланиб, шоли ва буғдой етиштиришади. Уларнинг узуми ва кўплаб арғумоқлари бор», деб ёзган эди Чжан Цян.

Миллоднинг дастлабки йилларидан то ўрта асргача бўлган даврда Хитой билан Фарғона водийси ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланиши янги карвон йўлларининг кашф этилишига хизмат қилди.

Қадимда Фарғона водийсининг шарқий ҳудудларидан Буюк ипак йўлининг иккита муҳим тармоғи ўтган. Биринчи тармоқ Эргаштом, Саритош, Гулча орқали Ўш шаҳрига

келган. Сўнг Мингтепа, Андижон, Қубо (Қува), Симтепа, Хўжанд, Устиршона ва ундан Сўғд орқали Бақтриягача етиб борган. Таниқли археологлар Темир Ширинов ва Боқижон Матбобоевларнинг таъкидлашича, бу йўлга Андижонни қўшиш бежиз эмас. Чунки кейинги олиб борилган археологик қазишмалар даврида қадимги Ипак йўли билан боғлиқ топилмалар аниқланди.

Ипак йўлининг иккинчи тармоғи эса Қорадарёнинг чап соҳили бўйлаб Ўзган, Кампировот, Андижон, Учқурғон, Ахсикент, Поп, Ашт ва Қамчиқ довони орқали Оҳангарон водийсига ўтган. Ундан Қозоғистон ва Сибирь кенгликларига чиқиб кетилган. Тарих фанлари доктори, Андижон давлат университетининг фахрий профессори Сайфиддин Жалилов 20-асрнинг саксонинчи йилларида Ўзган шаҳрининг шарқий ҳудудларида бўлиб, қадимги Ипак йўли билан боғлиқ қимматли маълумотларни аниқлаган.

Кўҳна Андижоннинг карвон йўлида жойлашганлиги бу ерда савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг жадал ривожланишига хизмат қилди. Ипак йўли орқали бу ерга шарқ ва ғарб цивилизациясининг кириб келиши шу ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг онги-шуурини ҳам ўзгартириб юборди.

Археологлар Сарвонтепадан топилган ва миллоддан аввалги даврга тааллуқли бўлган сопол буюмларда мато изларини аниқлашди. Бу қадимги Андижонда пахтадан мато тўқиш йўлга қўйилганлигидан далолатдир. Кейинчалик эса аждодларимиз Хитойда ўта сир сақланган ипак етиштиришни ҳам ўзлаштиришди. У ердан тут дарахти олиб келиниб, ипак қурти парваришланди. Ушбу анъана водийда, хусусан, Андижонда ҳозиргача сақланиб қолган. Ўша пайтда етиштирилган пилладан ипак олиш йўлга қўйилиб, ундан шойи матолари тайёрланган. Кейинчалик эса дунёда қиёси бўлмаган атлас тўқилиб, камалакнинг етти рангида жилоланувчи ушбу мўъжизакор матолар карвон йўли орқали Европа мамлакатларига ҳам етказиб берилган.

Кушон давлати, 5–6-асрларда 100 йил мобайнида ҳукмронлик қилган эфтолитлар ҳамда улардан сўнг 6-асрнинг ўрталарида Марказий Осиёга кириб келган турк хоқонлиги

даврида Андижон янада ривожланди. Мулкчиликка асосланган феодализм тузуми шаклланди. Ташқи дунё билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар таркиб топди. Карвонсаройлар барпо этилди. Турк хоқонлиги Буюк ипак йўлининг тинч ва осойишта бўлишини таъминлаб берди. Бу ушбу йўл ёқасида жойлашган Андижоннинг янада тараққий этишига хизмат қилди.

Демак, Андижон қадимда халқаро алоқалар гирдобига тортилган азим шаҳарлардан биридир. Ипак йўли нафақат иқтисодий муносабатларни, балки маданий-мафкуравий алоқаларни ҳам ривожлантирди. Шаҳарда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ривожланди. Ахоли иш билан таъминланди.

Бугунга келиб ушбу йўлнинг мамлакатимиздан ўтган қисмини қайта тиклаш ва уни Хитой билан боғлаш, темир йўл ўтказиш бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириб, уларни тинч-тотув яшашга ўргатган Буюк ипак йўли 21-асрга келиб тинчлик, ҳамкорлик ва мулоқот йўли сифатида қайта бўй кўрсатмоқда.

АНДИЖОН ТОПОНИМИ

Андижоннинг Андижон деб номланиши худди шаҳар тарихи сингари мозийнинг энг олис қатларига бориб тақалади. Унинг нима учун бундай деб аталиши барчани бирдек қизиқтириши табиий, албатта. Келинг, дастлаб Андижон номининг келиб чиқишини асрлар оша тилдан-тилга ўтиб келган афсона ва ривоятлар асосида кўриб чиқсак, сўнг ёзма манбаларга, тарихчи олимларимизнинг илмий хулосаларига эътиборни қаратсак.

Юқорида айтганимиздек халқ орасида Андижон атамасининг келиб чиқиши билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Улар турли даврларда яратилган бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб, асл моҳиятини йўқота бошлаган. Ана шундай афсоналардан бирида Андижон номининг келиб чиқиши афсонавий Турон подшоси Афросиёбга бориб тақалади. Унинг оғир хасталанган қизи Одинажон Тахти Сулаймон этагидаги тоғли водийга келиб дарддан халос бўлади. Қизининг шифо топгани шарафига Афросиёб Ўш сойининг қуйи оқимидага ушбу мўъжизакор гўшада ўрда барпо этиб, атрофини боғу-роғлар билан ўрайди. Одинажонни узоқ муддат бу диёрда қолдирган Афросиёб «Қолди анда жоним менинг» деган экан. Кейинчалик Одинажон исми халқ тилида Андижон атамасига айланиб қолган деган тушунча мавжуд. Ўзбек маърифатпарвари Исҳоқхон Жунайдуллахўжа Ибратнинг 1916 йилда ёзилган «Тарихи Фарғона» китобида ҳам бу ҳақда эслатиб ўтилган:

«Тарихи «Қутадғу»дан мустафод бўлурки, Андижон тўрт минг йилдан муқаддам, яъни Ўғузхон вақтида шаҳар бўлса, андан аввал ҳам ободон шаҳар экан. Ўғузхон (мил. ав. 200-йилларда фаолият юритган хун саркардаси) ҳазрати Нух алайҳиссаломнинг тўққузунчи ўғилларидур. Валҳосилки, Андижон Фарғона шаҳарлари ичинда энг аввалги ва қадимийдур. Андин Афросиёб вақтига келганда Афросиёб Турон подшоҳи бўлиб, Андижонни пойтахт қилиб, Кўникдар

шаҳридин гоҳо Тошканд ва Андижон келур экан. Аммоки, афвоҳи носда қариялар сўзидурки, Андижон асли Одинажондур. Одинажон Афросиёбнинг қизидурки, анга ўрда ва боғ бино қилиб бериб, анинг исмига тасмия қилиб эди. Одинажонни тилда бузуб, ағлоти авом ила Андижон қилган, дейдурлар. Бар ҳар боб бир эски шаҳар бўлуб, неча мартаба бузулуб, яна обод бўлуб, табодули замон ва инқилоби овон илан тузалуб, бузулуб, обод бўлган эски шаҳардур.

(Исҳоқ тўра ИБРАТ, «Тарихи Фарғона»).

Яна бир ривоятда Андижон топониминиг келиб чиқиши қадимда бу ерда яшаган «Анд» қабиласи, яъни ҳиндлар билан боғланса, бошқа бир ривоятда шаҳар номи унга илк пойдевор қўйган шахс – Анди исмидан келиб чиққан дейилади.

Турли даврларда тарихчи олимлар, мутафаккирлар, географлар томонидан Андижон топонимикасининг келиб чиқиши бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, чоризмнинг Ўрта Осиёга қилган ҳарбий юришларида қатнашган рус тарихчиси Владимир Петрович Наливкин «Андижон» сўзи ҳозирги шаҳар ҳудудида яшаган **«анди»** қабиласи номидан олинган деб кўрсатади. У **«Анди»** сўзига **«гон»** қўшимчасининг қўшилиши билан **«Андигон»** ясалган ва кейинчалик бу Андижонга айланиб кетган деган нақлни келтиради. Бироқ 92 та ўзбек уруғи рўйхатида «Анди» деб номлангани учрамайди.

Андижон илк бор ёзма манбаларда араб сайёҳлари Ибн Хавқал ва Муқаддасий асарларида **Андукан** шаклида қайд этилган. Жумладан X асрда яшаб ўтган араб географи ва сайёҳи Ибн Ҳавкал Андижон шаҳри тўғрисида шунда ёзган: **«Деҳқончилиги ривожланган шаҳар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳам ривожланган, катта ҳунармандлар шаҳри Андукан».**

Демак, Андижон араб халифалиги даврида Андукан деб аталган. Андижон шаҳрининг қадимийлиги ва унинг топоними хусусида Ибрат юқорида қайд этилган «Тарихи Фарғона» асарида қуйидаги фикрларни илгари суради: **«Андижон аввалда Андигон бўлиб, арабийга олганда Андижон бўлур, чунончи, «қофи» форсий арабда «жим» ўқилур. Мана, фаранги лафзи арабда афранжи, бангни**

банч. Кофи форси арабда «ж» бўлиб, Андигон араб лафзаларида Андижон бўлган бўлса керак. Озарбойгон арабда Озарбайжон ёзиладур ва ўқиладур. Шунга ўхшаш Андижон лафзи асли Андигон бўлса керак».

Машҳур тарихчи, шарқшунос, академик Василий Владимирович Бартольд кўплаб қўлёзма асарларни чуқур таҳлил қилиб, Андижон ҳақида шундай ёзади: **«XII аср охири – XIII асрда Фарғона водийсининг янги пойтахти Тува ва Ҳайду томонидан бунёд этилган Андижондир. Шаҳар араб географлари томонидан Андукан деб номланиб... бошқа бир уйғур ҳужжатида Султон Умаршайх даврида Андиган деб номланган».**

Яна бир таниқли тарихчи олим А.Набиев ўз тадқиқотларида IV асрдан V асргача Андукан, XII асрдан то XIX асргача Андижон деб юритилади, деган хулосага келган.

Ўрта асрлар (IX–XVI) даври тарихини ёритувчи бир неча ёзма манбалар бор. Шаҳар номи X асрдан кейинги ёзма манбаларда **«Андукан», «Андуган», «Андиган», «Андикан»** кўринишларида учрайди. Андижон топономикаси хусусида кўплаб фикр ва мулоҳазалар бор. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғат ут-турк» асарида **«Азғиш (Адғиш)» жой номи дейилган. Буларнинг барчасида «ад» ўзаги бўлиб, у «адоқ», «азоқ» маъносидаги ўзбекларнинг 92 уруғидан бирининг қадимги туркча номидан келиб чиққан,** деб ёзилади.

Андижон атамасининг келиб чиқиши ҳақида тарих фанлари доктори Сайфиддин Жалилов қатор йиллардан буён илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Сайфиддин .Жалилов **«Шаҳарнинг Андижон ёки Андигон деб аталиши масаласига қайтсак, бу атама қабила, уруғ номидан олинмай, балки бошқа бирон қадимий жойнинг ёки маълум касбдаги кишилар гуруҳининг номи бўлиши мумкин, деган мулоҳазада жон бор»,** деб ҳисоблайди.

Олим фактларга мурожаат қилиб шундай ёзади: **«1881 йили Станбул шаҳрида Шайх Сулаймон Афанди Ўзбакий – Бухорийнинг «Луғоти чиғатойи ва турки усмони» номли луғати нашр этилиб, унда «Адоқ» сўзига шундай таъриф берилган: «Адоқ – Туркистонда воқеъ Андижон шаҳрининг номи қадимийсидир».**

Сўнг ушбу сўз таърифига қуйидаги шеърий мисол келтирилган.

Юз-икки юзча киши бирла қазоқ,
Ки бири Хоразм эрди, бири Адоқ.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида **«Азғиз» (ёки «Адғиш»)** жой номига изоҳ берилиб, у Ўзганнинг ғарб томонида дейилади. Тил тарихи тадқиқотчилари бу сўзларнинг барчасида битта **ад** ўзаги бўлиб, у **адоқ, адғиш, азғиш** маъносида уруғ номини билдиришини маълум қилишган.

«Туҳфат ат таворихи хони» номли қўлёзма асарида келтирилган 92 та ўзбек уруғи рўйхатида **азоқ** номи бор. Ушбу уруғларнинг Сергей Абрамзон тузган рўйхатида эса **адоқ (азоқ)** деб берилган. Тилнинг фонетик қоидасига кўра, сўз талаффуз этилаётганда унинг айрим ҳарфлари ўзгариши, алмашиниб кетиш ҳодисаси бор. Чунончи;

адоқ – азоқ – аёқ, азғин – арғин, қадоқ – қазоқ,
қузуқ – қудуқ каби.

Шунга кўра С.Жалилов фикрича, Андижоннинг ҳозирги номи аслида Андигон бўлиб, **ад** ўзагига кейинча талаффузда **к** ва **н** ҳарфи қўшилган. Сўнгра **А(н)дгон** ёки **А(н)дигон** шаклига келиб қолган. Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур «Девони луғат ут-турк» асарида Андижон шаҳрига қадимда Алп Эл Арслон асос солган, деган маълумотни келтирган.

Энди эътиборингизни Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Абдулахат Муҳаммаджоновнинг «Буюк ипак йўли ва «Фарғона» гидротопониминиг этимони ҳақида»ги илмий мақоласига қаратсак. Ушбу мақола олимнинг 2004 йили «Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси» мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида ўқилган маърузасидан олинган бўлиб, унда Фарғона шаҳри билан бир қаторда Андижон топонимини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиб берган. Агар яна тарихий ёзма манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, араб географ олими Ибн Ҳавқал 977–78-йилларда ёзган «Китоб суратал-Ард (Ернинг суръати китоби)» китобининг «Мовароуннаҳр» қисмидаги «Фарғона вилоятлари» бўлимида бошқа шаҳарлар билан бир қаторда Андукан ҳам тилга олинган. Араб тилидан таржима қилган ва изоҳларни тузиб чиққан профессор Ш.С. Камолиддинов

Андуконни шарҳлаб ва изоҳлаб шундай ёзган: Андукон – XII асрда қишлоқ сифатида қайд этилган (ас-Самъоний 1:364; LACUT). Сўнгги асарларда унинг номи Андижон (Бобур-наме: 29,30,40,153,206; Маҳмуд ибн Вали), тангаларда эса Андикон ёки Андигон шаклида қайд этилган (Шпенева 1991: 207; Тўхтиев 2006:68). Бу шаҳар номининг иккинчи қисми эроний кон (гон) жон – «сув», «дарё» сўзидан ясалган. Унинг биринчи қисми ҳақида бир нечта фикрлар айтилган. Бир фикрга кўра, у туркий анди/анду этнонимидан (Обзор, 1901: 42:) Ҳасанов 1965: 43; История 1980:7) ёки анди – «орол» сўзидан ясалган (Турғунов 1987: 130–136). Бошқа фикрга кўра «дўст тутиниш», «ака-ука тутиниш» (Аҳмадалиев 1997:24) ёки «сув бўйидаги шаҳар» маъносини билдиради (Муҳаммаджонов 2002: 23). Яна бир фикрга кўра, бу ном луғдча – «ҳинд» сўзидан ясалган бўлиши мумкин (Лурье 2004:69). Бу шаҳар ҳозир ҳам ўзининг қадимги номини сақлаб қолиб, Андижон деб аталади (Абдулғозиева 1990: 91–96; Абдулгазиева, Абдуллаев, Матбобоев 2002: 4–12; Абдулғозиева 1994: 28–29) у ҳақда яна қаранг: al-idrisi; 707; Ворожейкина 2002: 37; Бартольд 1965: 326[1].

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» китобида **«Андижон»** деб уч хил шаклда ёзилган. Кўриниб турибдики, **«Андижон»** топоними икки ўзакли сўз бўлиб, **«Анда»** сўзи қадимги турк-мўғул тилида **«яқин»**, **«дўст»**, **«тутинган биродар»** каби маъноларни билдиради. Кейинги бўғиндаги **«жон»** лексемаси **«дарё»** ёки **«сой»** маъносини англатади.

Шундай қилиб, сой бўйи маъносини англатган Андижон шаҳри қадимда «ҳиндулар» деб талқин этилган «анди»лар томонидан эмас, Андижонсой бўйларидан сув чиқариб ўз музофотини обод этган туб жой, андижонликларнинг асрий меҳнати билан бунёд қилинган ва Андижонсой бўйи деб маънодор ном билан улуғланган.

Жаҳон тамаддунида улкан ўрин эгаллаган «Буюк ипак йўли» йўналишидаги Андижон шаҳри қадимги даврдан, бундан деярли 2,5 минг йилдан бери тарих саҳнасида ўз ўрнига, бой ва кўркам ўтмишига эга бўлган, келажаги порлоқ ва буюк азим шаҳардир.

[1] *Ҳавқал Ибн.* Китоб сурат Ал – Ард. Моваройннаҳр. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Т. 2011, 80, 291-бетлар.

АНДИЖОН ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАРДА

Юқорида сўз юритилганидек, «Андижон» атамаси «сой бўйидаги шаҳар» деган маънони англатади. Қадимда суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли сув ёқасида жойлашган Андижон милоддан аввалги даврлардаёқ шаҳар сифатида шаклланди. Фарғона водийси ҳудудидаги Даван давлати таркибига киргач янада тараққий топди. Ушбу давлат шу қадар қудратли эдики, ҳатто Марказий Осиёнинг бир қатор жанубий вилоятлари аҳмонийлар ва юнонлар томонидан бўйсундирилган даврларда ҳам у ўз сиёсий эркинлигини сақлаб қолди.

Милодий 1 асрдан бошлаб Андижон Кушон давлати, ундан сўнг ҳукмронлик қилган эфтолитлар ҳамда VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёга кириб келган Турк хоқонлиги даврида ҳам ривожланишдан тўхтамади. Бу ерда мулкчиликка асосланган феодализм тузуми шаклланди. Ташқи дунё билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар таркиб топди. Турк хоқонлиги Хитой, Эрон ва бошқа ҳукмрон давлатларнинг Марказий Осиёга, жумладан, Фарғона водийсига бостириб киришига йўл бермади. Буюк ипак йўлининг тинч ва осойишта бўлишини таъминлаб берди. Карвонсаройлар барпо этилди. Бу ушбу йўл ёқасида жойлашган Андижоннинг янада тараққий этишига хизмат қилди.

Бироқ VI асрнинг охирларига келиб «Буюк ипак йўли»нинг ривожланишига катта ҳисса қўшган Турк хоқонлиги шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Уммавийларнинг Хуросондаги ноиби Қутайба ибн Муслим (705–715) 706 йили Мовароуннаҳрга бу ердаги халқларни ислом динига киритиш мақсадида лашкар билан кириб келади. Бу пайтда Андижон шаҳри йирик савдо марказларидан бирига айланган эди. Араблар 714 йили Фарғона водийсининг пойтахти бўлган Андижонни, сўнг Қашқаргача бўлган ерларни фатҳ этади. Шунда Андижон халқи ҳеч қандай қаршилик

кўрсатмасдан ислом динини қабул қилади. Шундан бошлаб Андижон аҳолисининг мафкуравий ҳаёти, турмуш тарзи ислом шариати асосига қурилади.

Бунга қадар Андижон аҳолисининг аксарияти зардуштийлик динига эътиқод қиларди. Араблар ушбу ҳудудга исломни кенг ёйиш мақсадида дастлаб зардўштийликнинг айрим удумларини ислом дини билан мувофиқлаштирадилар. Ҳозир ҳам Андижонда хонадонга янги келин тушганда уни олов атрофида айлантириш удуми сақланиб қолган бўлиб, у оташпарастлик давридан буён бажариб келинади. 715 йили Сулаймон араб халифалиги тахтига кўтарилади. Қутайба ибн Муслим билан янги халифа ўртасида фитначилик уюштирилади. Натижада унга қарши исён кўтарилади. Тамим (Тамимий) қабиласи вакили Вақи ибн Абу Суд бошчилигидаги исёнчилар Қутайба ибн Муслимнинг чодирига бостириб кириб, у билан биргаликда Абдураҳмон, Абдуллоҳ, Солиҳ, Ҳусайн, Абдулкарим номли укаларини, ўғли Касир ибн Қутайба ва жиянларини (жами 11 эркакни) ўлдиришган. Қутайба ибн Муслим Қоҳ қишлоғидаги Работи Сарҳанг (ҳозирда Мозорбува) қабристонида дафн этилган. Айрим ривоятларга кўра, бу фожиа ҳозирги Қирғизистоннинг Новқат тумани, Саҳоба қишлоғида юз бериб, у ердан майит Андижон вилояти, Жалақудуқ туманига келтирилиб дафн этилган.

Араб халифалигида, умуман ислом динини қабул қилган юртларда, жумладан, Мовароуннаҳрда, Андижонда илм-фан, савдо ва маданий алоқалар барқ уриб ривож топа бошлаган. Ўлкамизда ҳам араблар қаттиққўллик билан юртни исломлаштириш сиёсатини олиб бордилар. Бу борада ислом дини, Қуръони карим, Ҳадиси шарифдан усталик билан фойдаланилган. Юртимизда ислом дини билан бир қаторда араб тили, араб алифбоси жорий қилинди, араб тили давлат тили, ислом дини тили ва фан тили даражасига кўтарилди. Араб тилини, ислом динини, Қуръони каримни, ҳадиси шарифни эгаллаган ва билган шахсларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошиб борган. Араб тилига нисбатан ҳаётий, диний эҳтиёж кучайган. Андижонда ҳам, ҳатто ўз она тилига нисбатан араб тилини яхши билган, шариатни, исломий

ибодатни яхши билган толиби илмлар тобора кўпайиб борган. 16-аср тарихчиси Хамдуллоҳ Қазвинийнинг «Нузхат ул-қулуб» (Қалблар роҳати) китобида Андижон шаҳрига «Қуббат ул ислом» деган ном берилиб, Фарғона мулкига подшоҳ бўлганлар номи Тувахон (Дувахон) қурдирган масжидда хутбага қўшиб ўқилганлиги қайд этилган. Бу анъана бундан кейинги тарихий жараёнда янада бойиб борган, такомиллашган. Айниқса, Қўқон хонлиги, чор Россияси мустамлакачилиги ва советлар ҳукмронлиги даврида ҳам Андижон ислом дини бўйича муаттар қорилар тайёрлайдиган марказ бўлиб қолди. Бу заминда катта Қуръон мактабига асос солган кўплаб олимлар, ҳофизу-қуръонлар ўтган. Андижон шаҳри эса «Қорилар шаҳри» деб танилган. Ҳозирги мустақиллик йиллардаги Ўзбекистон қориларининг кўпчилиги айни Андижондаги «Қорилар мактаби»нинг авлодлари ҳисобланадилар. Андижон қорилари ҳақида китобнинг бундан кейинги тегишли қисмларидан бирида алоҳида сўз юритилади.

8-аср охирига келиб Араб халифалиги Мовароуннаҳрда танг аҳволга келиб қолди. Исмоил Сомоний томонидан асос солинган сомонийлар сулоласи бундан фойдаланиб, ушбу ҳудудни бошқаришни ўз қўлига олди. IX–X асрларда улар тасарруфида бўлган Фарғона водийси иқтисодий ва маданий жиҳатдан қайта ривожлана бошлайди. Андижон водийнинг йирик шаҳарларидан бирига айланади. Савдо-сотиқ йўлга қўйилади. «Сомоний», «Исмоилий», «Муҳаммадий» номлари билан кумуш дирхамлар зарб этилади.

X аср ўрталарида Шарқий Туркистонда шу ерда яшаган туркий халқларнинг қудратли Қорахонийлар давлати вужудга келди. Унга ислом динини қабул қилган Султон Абдул Карим Қорахон (859–955) асос солган эди. «Қора» сўзи қадимий туркий тилда улуғ, буюк деган маъноларни англатади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак Қорахонийлар – Улуғ хонлар деганидир. Кейинчалик ушбу давлатга Шош ва Фарғона бирлашган, сўнгра Бухоро ҳам қўшиб олинган.

Ўша пайтда Шарқий Туркистонда истиқомат қилувчи аҳоли, асосан, турк қабилаларидан иборат эди. Ана шу боис Қашқардан тортиб Амударёгача чўзилган катта ҳудудда

туркий тил ривожланди. Туркий урф-одатлар кенг ёйилди. Андижонга яқин бўлган Ўзган шаҳри Қорахонийлар давлатининг иккинчи пойтахти деб эълон қилинади. XII аср бошида бу ерда баландлиги 44 метрдан иборат бўлган минора барпо этилади. Унинг ёнида эса масжид, мадраса ва хонақоҳ қурилади. Хонақоҳга Қорахонийлар сулоласи дафн этилган. Ушбу меъморий обидалар орадан 9 аср вақт ўтган бўлсада Ўзганда ҳамон сақланиб турибди.

Андижон шаҳри Қорахонийлар даврида Ўзганнинг ғарбида, ундан унча узоқ бўлмаган ерда, қолаверса, Буюк ипак йўли бўйидаги муҳим стратегик ҳудудда жойлашганлиги боис Фарғона водийсининг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бирига айланади. Бироқ XI асрнинг 40-йилларида сулолавий курашлар туфайли хонлик иккига бўлинади. Бу ўз навбатида Қорахонийлар давлатини инқирозга олиб келади.

XIII–XIV асрларда Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Мовароуннаҳрга бостириб киришди. Улар дастлаб Бухоро ва Самарқандни, сўнгра Фарғона водийсидаги шаҳарларни, жумладан, Андижонни эгаллаб, шу вақтгача барпо этилган бино ва иншоотларни, шаҳар қўрғонларини ер билан яксон қилишди.

Фақат 14-асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғул хонлари Дувахон ва Хайдулар даврида Андижон қайта тиклана бошлайди. Чунки уларга Қашқар йўлини ўз қўлларида сақлаб туриш учун Андижон ўта зарур эди. Мўғуллар даврида Андижон Мовароуннҳрдаги йирик шаҳарлардан бирига айланади. Бу ҳақда В.В. Бартольд қуйидагича ёзади: «Андижон шаҳар сифатида IX–X асрларда учрайди ҳамда Тува (айрим адабиётларда Дувахон деб ҳам берилган) ва Хайду даврида (XIII аср) қайтадан қурилган[1]. Хақиқатан ҳам Кайду-Сахин ўғли Дувахон даврида шаҳарда сезиларли қурилишлар бўлган. Дувахон Андижонга Ўрта Осиё ва Хитой ўртасидаги кўприк, стратегик пункт сифатида қараган. Бу тўғрида Муин ад-Дин Натанзийнинг «Искандар анонимй» асарида келтирилишича, Дувахон «кўпгина катта

[1] *Бартольд В.В.* Работы по исторический географии. III том. Москва. 1965. С.326.

шаҳарлар, жумладан, «қуббот-ул-Исломи Андижон»ни[1] ҳар томонлама ривожлантирди ва у келажакда Фарғона пойтахти бўлди[2]. Айнан шу даврдан шаҳарга айрим мўғул уруғлари кўчиб келган. Буни Андижон шаҳри доирасида қайд этилган ва ушбу уруғлар билан боғлиқ Қирлик, Жувалачи (Жубалачи), Қўнжи, Бўғра, Сарой, Найман каби атамаларини учраши исбот этади. Балким, Чордонани юқори қатламларидан ковлаб ўрганилган мозор айнан шу аҳолининг бирор гуруҳига тегишли бўлиши керак. Чунки қабрлардан учтаси кўмиш урф-одатлари бўйича шу даврдаги бошқа қабрлардан кескин фарқ қилади. Улар ёғоч тобутга солиниб, ёнига буюмлар (темирдан камон ўқи, сопол идиш ва кумуш тангалар) қўйилиб дафн этилган. Кумуш суви юритилган бу тангалар нумизмат А.Х. Отахўжаев фикрича, XIII асрнинг охири XIV асрнинг бошларида зарб этилган ва «чиғатойлар пули» гуруҳига киради. Афтидан, бу мозорга дафн этилганлар ўтроқлашган кўчманчилар бўлиши керак, қабрларга қўйилган буюмлар эса марҳумларни ҳали ислом динини қабул қилмаганини кўрсатади. Бунга қўшимча этиб бу ердан Б.Абдулғозиева ўрганган бир қабрни келтириб ўтиш ҳам ўринлидир[3]. Унда марҳум ёнига от анжомлари қўйиб дафн этилган ва бу одат ўрта аср кўчманчиларига хос ва қипчоқлар билан боғлиқ деб ҳисобланади[4].

1370 йили мўғуллар ҳукмронлиги барҳам топгач, Андижон тарихида янги босқич – темурийлар салтанати даври бошланади.

---

[1] Материалы по истории... С. 115–116.

[2] *Бартольд В.В.* Работы по исторический географии. III том. Москва. 1965. С.534.

[3] *Абдулгозиева Б.* Могильник XIII–XIV вв. Чордона в Андижане //Новое о древном и средневековом Кыргызстане. Вып. 2. Бишкек. 1999. С.99–100.

[4] *Заднепровский Ю.А.* Кочевнические погребения XIII-XIV вв. в Фергане // Советская археология. 1975. №4. С.276–280.

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА АНДИЖОН

Темур ва темурийлар даврида Андижон йирик иқтисодий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган. Ўрта Осиёнинг вилоятлари ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Маълум даражада ўзини-ўзи бошқарган, мустақилликка эга бўлган. Бу ерда зарб қилинган пуллар бошқа жойларда ҳам қабул қилинган[1].

Маълумки, Амир Темур Мовароуннаҳр ҳокимиятини эгаллаш ва бу ҳудудда тинчлик, осойишталик ўрнатиш учун унинг турли вилоятларига бир неча мартадан ҳарбий юришлар қилиб, ўзига бўйсунишдан бош тортган бир қанча вилоят амирларининг ўзбошимчаликларига чек қўйган. «Тарихи Рашидий»нинг биринчи дафтари маълумотлари билан танишар эканмиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳудудларини бирлаштириш учун олиб борган фаолиятида Фарғона водийси, хусусан, Андижон вилояти ўзига хос стратегик мавқега эга бўлганига гувоҳ бўламиз.

Амир Темур Шарқий Туркистонни ўз ҳокимиятига киритиш учун Жета улусига беш маротаба ҳарбий юриш қилган. Бу ҳарбий юришлар чиғатой амирларидан бўлган Қамариддинга қарши қаратилган бўлиб, бу юришларнинг барча тафсилотлари «Тарихи Рашидий»да батафсил баён қилинган.

Соҳибқирон 1375 йил бошида Жета улусига қилган учинчи ҳарбий юришида Фарғона водийси ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини чиғатой мўғулларидан тозалаган эди. Лекин Амир Темур қўшинига дуғлот уруғидан бўлган, Жета улуси ҳукмдорлигига даъво қилаётган Қамариддин жиддий қаршилик кўрсатади. Соҳибқирон Жета улусига қилган учинчи юришида Қамариддин қўшинларини мағлуб этиб, уларни Қошғар тарафларига суриб чиқаришга муваффақ

[1] *Абулғозиева Б.* Андижон Бобур даврида, Андижон 1993. 7–10-бетлар.

бўлади. Лекин Қамариддин томонидан содир этилиши мумкин бўлган хавф тўла бартараф этилмаган эди.

Амир Темур бу юришидан кейин Фарғона водийси ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз тасарруфига киритиб, 1375 йил бошида Фарғона водийсининг бош шаҳри бўлган Андижонга амир Ҳамидни доруға, яъни ҳоким этиб тайинлайди[1].

Амир Темур 1376 йилнинг март ойида Хоразмга қилажак учинчи юришидан олдин амирлардан Сори Буғо, Одилшоҳ, Хитойи Баҳодир ва Элчи Буғони 30 минг кишилик қўшин билан Жета улусига – Қамариддинга қарши юборади. Қўшин Фарғона водийсига келгач, Сори Буғо билан Одилшоҳ фитна уюштириб, қолган икки амир Хитойи Баҳодир билан Элчи Буғони ҳибсга оладилар. Фитначиларга Андижон ҳокими амир Ҳамид ҳам қўшилади ва улар жалойир ва қипчоқ уруғидан бўлган қўшинни жамлаб, Амир Темурнинг Хоразм юришидалигидан фойдаланиб пойтахт Самарқандни эгаллаш учун ҳарбий юриш бошлайдилар. Фитначилар Самарқанд шаҳрини қамал қилишни бошлаганида Амир Темур Хоразмнинг Кот шаҳри яқинидаги Хос деган мавзеда эди. Самарқанд шаҳри мудофааси учун қолдирилган амир Оқ Буғо кўп сонли душман олдида ожиз қолиб, зудлик билан Амир Темурга хабар жўнатади. Амир Темур Хоразм юришини тўхтатиб, ортга қайтишга мажбур бўлади, ўзидан илгарироқ амирзода Жаҳонгирни асосий қўшин билан Самарқандга – фитначиларга қарши йўллайди.

Амир Темурнинг катта қўшин билан келаётганидан хабар топган фитначилар Самарқанд шаҳри қамалини тўхтатиб, Дашти Қипчоқ томон чекинадилар ва бу ерларнинг ҳукмдори Ўрусхондан паноҳ топадилар.

Фитна бостирилгач, Амир Темур 1376 йилнинг ёзида икинчи ўғли Умаршайх Мирзони Андижон вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. Чунки бу пайтда Андижон Фарғона водийсидаги асосий шаҳар бўлиб, ҳали тўла бўйсундирилмаган Шарқий Туркистон ва Қошғар ҳудудларини забт этиш-

[1] *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий.* Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Жалилов Омонбек Хусайнбек ўғли. – Т.: «O‘zbekiston», 2011. – 106-бет.

да Андижон вилояти асосий плацдарм вазифасини бажарар эди. Шу сабабли ҳам, Соҳибқирон Андижон вилояти ҳокимлигига ўғли Умаршайхни тайинлаган эди. Амирзода Умаршайх Андижонга ҳоким бўлиб келгач, шаҳар ва унинг атроф ҳудудларида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шаҳар қалъаси ва истеҳкомларни таъмирлаш ишларини бошлаб юборади.

Амир Темурга қарши бош кўтариб, фитна барбод бўлганидан кейин Дашти Қипчоққа қочиб бориб Ўрусхондан паноҳ топган амирлар Сори Буғо ва Одилшоҳлар ўз қўшини билан Жета улусига келиб, амир Қамариддин билан иттифоқ тузадилар. Бу эса Амир Темурнинг Фарғона водийсидаги ҳокимиятига жиддий хавф солади. Сори Буғо билан Одилшоҳнинг маслаҳати билан Қамариддин Андижон вилоятига ҳужум қилиб, кўп жойларни вайрон қилади. Бунинг устига Андижон вилоятидаги қозоқ ҳазорасининг ҳам Умаршайх Мирзодан юз ўгириб, душман томонига ўтиб кетиши вазиятни янада мураккаблаштириб юборади. Кўп сонли душман олдида ожиз қолган Умаршайх Мирзо шаҳарни ташлаб чиқиб, Андижоннинг шарқидаги тоғлик ҳудудга чекинишга мажбур бўлади. Умаршайх Саман исмли бир кишини Самарқандга Амир Темур ҳузурига юбориб, душман «Андигонни зер-забар қилгани» хабарини етказишга муваффақ бўлади.[1]

Амир Темур бу хабарни олгач, зудлик билан Самарқанддан чиқиб, Андижон томон йўл олади. Бу Соҳибқироннинг 1376 йилда Жета улусига қилган тўртинчи юриши эди. Бундан огоҳ бўлган Қамариддин Андижондан чекинишга мажбур бўлади. Лекин Амир Темур бу юришида ҳам Қамариддинни тўла мағлуб эта олмайди. Амирзода Жаҳонгирнинг тўсатдан вафот этиши Амир Темурнинг бу ҳарбий юришни вақтинча тўхтатишига сабаб бўлган эди.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда Қошғар ва Шарқий Туркистон дуғлот амирлари тасарруфида эди. «Тарихи Рашидий»га кўра, бу даврда Қошғар «Манғлай субе» деб юритилган. Дуғлот амирларининг ўзаро қирғинбарот урушлари натижасида Иссиққўл

[1] *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий.* Тарихи Рашидий. 107-бет.

ҳудудлари ва қисман Фарғона водийси (асарда Андижон вилояти деб аталади) вайрон қилинган эди. Бу эса, Мирзо Улуғбек даврида (1409–1449) Моваруннаҳр ҳокимияти марказлашмагани, унинг Фарғона водийси ва Шарқий Туркистон қисмида сиёсий бошбошдоқлик ҳукм сурганидан далолат беради. Вайсхоннинг ўғли Эсан Буғахон Мўғулистон тахтига ўтирганидан кейин, унинг душманларидан бўлган Мир Абдукаримберди дуғлот «Андижон ва Фарғона тарафда Алобуқа деган ерда» қалъа қуради ва тез-тез Андижонга ҳужум қилиб, бу вилоятга катта зарар етказиб туради[1].

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини таржимонлари ўз изоҳларида Соҳибқирон Амир Темир 1375 йил баҳори ва ёзида Фарғона водийсининг шарқидан ғарбигача биринчи марта кесиб ўтганини қайд қилганлар. Сайфиддин Жалилов шундай ёзган: «Бу ерда изоҳ талаб нуқталардан бири – Амир Темур Самарқандга қайтишда ҳам Андижонда бўлганми», деган саволдир. Юқорида ёзганимиздек, Соҳибқирон мўғулларга қарши набираси Жаҳонгир бошчилигида Фарғонага қўшин юбориб, ўзи ҳам Андижонга келган эди. Бу 1375 йил бошига тўғри келади. Соҳибқирон «Пайтак» (ёки «Байтак») мавзеида 53 кун туриб, қишни шу ерда ўтказгани иккала «Зафарнома»да таъкидланган. Баҳор ва ёзда водий бўйлаб Самарқандга қайтишда қайси шаҳарларда бўлгани манбаларда кўрсатилмаган. Аммо шу нарса аниқки, Хўжанд ҳокими, сертакаллуф Одилшоҳ Соҳибқиронни Марғилонга келиб кутиб олган. Шундай бўлгач, Амир Темур Андижонга кетган икки йўлдан бири бевосита Андижондан ўтиб, «Бобурнома»да тилга олинган Банди Солор карвон йўлига чиқар эди. Амир Темур Самарқандга қайтишда қайси шаҳар ва қишлоқларни босиб ўтганини аниқлаш ҳам ўлкашуносликнинг муҳим вазифаларидандир».[2]

Соҳибқироннинг набираси, Моваройуннаҳр ҳукмрони (Муҳаммад Торағай) Мирзо Улуғбек Андижонда 1413–1414 йилларда бўлгани манбаларда акс эттирилган. Абдураззоқ

[1] *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий.* Тарихи Рашидий. 138-бет.
[2] *Жалилов С.* Шарқ манбаларида Андижон тавсифи... 54-бет.

Самарқандийнинг маълумотига қараганда, Улуғбекнинг амакиваччаси Искандар Мирзо (Умаршайхнинг ўғли) 1413 йилда Улуғбекка қарши исён кўтаради. Бу қўзғолонни бостириш учун Шоҳруҳ Мирзонинг шахсан ўзи қўшин билан боради. Чунки Мовароуннаҳрнинг ўзида ҳам вазият тинч эмас эди. Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзонинг яна бир ўғли Аҳмад Мирзо Улуғбекка итоатсизлик билдирган эди. Улуғбек кенгаш баҳонасида Аҳмад Мирзони Самарқандга чақиради. Бироқ у Самарқандга келмайди. Шундан сўнг Улуғбек Мирзо Аҳмад Мирзо билан музокара юритиш мақсадида Боязид парвоначини Андижонга юборади. Музокарадан натижа чиқмайди. Улуғбек Фарғона водийсига қўшин ториб боради. Аҳмад Мирзо тоғларга қочиб кетади, у ердан Қашғарга ўтади. Улуғбек Андижон ва Ахсини жанг билан эгаллайди. 1416 йилда эса Қашғар ҳам Улуғбекка таслим бўлади[1].

1451 йилда темурий ҳукмдор Султон Абу Саид Мовароуннаҳр тахтига ўтиради. У тахтни эгаллашда Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхондан катта ёрдам олади. 1457 йилда Хуросон ҳукмдори темурий Абулқосим Бобур вафотидан кейин Абу Саид Хуросонни ҳам эгаллаш ҳаракатига тушади. Унинг Хуросонни эгаллаш йўлида Султон Ҳусайн Бойқаро билан зиддиятга киришуви Мўғулистон хони Эсан Буғахонга қўл келади. У фурсатдан фойдаланиб Андижонга ҳарбий юриш қилади. Бу пайтда Андижонда Мирзо Али Кўчак исмли амир ҳоким эди. Эсан Буғахон лашкари Андижон қалъасини уч қаватли ҳалқа қилиб, қамалга олади. Мирзо Али Кўчак шаҳарни қаттиқ мудофаа қилишга киришса-да, душман қўшинлари лаҳим қазиб, қалъа деворларининг бир қисмини вайрон қилганидан кейин у душманга таслим бўлишга мажбур бўлади. Шу тариқа Эсан Буғахон Андижоннни забт этиб, шаҳарни талайди ва халқининг бир қисмини асир қилиб Қошғарга олиб кетади. «То бу замонғача хон асир қилғон халқнинг наслидин Қошқарда ва Мўғулда бордур», деб қайд этади тарихчи ўз асарида[2].

---

[1] *Ш.Каримов. Р.Шамсутдинов.* Ватан тарихи (биринчи китоб). Тошкент 1997. 415-бет.

[2] *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий.* Тарихи Рашидий. 139-бет.

Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саид бу воқеадан хабар топса-да, тегишли чора кўрмайди. Чунки «Эсан Буғахоннинг қуввати ул нав эдики, умаролари Султон Саид мирзонинг уддасидан чиқар эди». Бу ҳолат Абу Саиднинг темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро билан олиб борган ўзаро кураши давомида ҳарбий жиҳатдан анча заифлашганини ва мамлакат сиёсий жиҳатдан парокандаликка юз тута бошлаганидан дарак беради. Бу эса Фарғона водийси шаҳар ва вилоятларига мўғул хонлари ҳужумининг кучайишига сабаб бўлган.

«Тарихи Рашидий»да Абу Саид Мирзонинг Андижонни қачон ва қандай қилиб Эсан Буғахондан қайтариб олгани ёритилмаган. Лекин бошқа тарихий манбалардан маълумки, Абу Саид Мирзо Фарғона вилоятини яна эгаллаб, уни тўртинчи ўғли Умаршайх Мирзога мулк қилиб беради[1].

Самарқандда Султон Аҳмад (1469–1494), Фарғонада Умаршайх Мирзо ҳукмронлик қилган йилларда ҳам бу темурийлар ўртасида ўзаро кураш давом этган. Ҳолбуки улар ака-ука эди. Бобур ҳам қайд қилиб ўтганидек, Умаршайх Мирзо Самарқанд ҳокимиятини қўлга олиш учун қайин отаси – мўғул хони Юнусхоннинг ҳарбий кўмагида ўз акасига қарши кураш олиб борган. Бу ўзаро юришлар натижасида Сайрам ва Тошкент вилоятлари Мўғулистон хонлари тасарруфига ўтиб кетади, Фарғона водийси ҳам доимий хавф остида қолади. Чунки бу пайтда мўғул хони Юнусхон Тошкентни ўз пойтахтига айлантирган эди.

«Тарихи Рашидий»нинг 56-фаслида Фарғона ҳукмдори, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг сиёсий фаолиятига оид муҳим маълумотлар берилган. Умаршайх Мирзо акаси Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмадга қарши курашда қайнотаси Юнусхондан доимо ҳарбий ёрдам олиб турган. Бу ёрдамлар эвазига Умаршайх Мирзо ўз қўли остидаги бирор вилоятни Юнусхонга тортиқ қилиб турган. Жумладан, Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам ва Ўш вилоятлари ўз вақтида Юнусхонга берилган бўлиб, кейинчалик Умаршайх Мирзо Ўш вилоятини яна қайтариб олишга эришган.

[1] Қаранг: *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. – Тошкент: «Юлдузча», 1989. – 9-бет.

Фарғона мулкининг пойтахти Андижонда Умаршайх вафотидан сўнг Султон Абу Саиднинг икки ўғли, Умаршайхнинг меросхўрлари Бобур подшоҳ билан ўсмир Жаҳонгир Мирзонинг ўртасида тўқнашувлар бўлиб, кўплаб ғалаба ва мағлуб бўлишлар юз бергани асарда кўрсатилган.

Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий»да ёзишича, Бобур туғилганида чақалоққа исм қўйиб беришни сўраб Умаршайх Мирзо ўз пири Хожа Ахрор Валига махсус одам юборган. Айрим хабарларга қараганда, исм қўйиб бериш муносабати билан Хожа Аҳрор Андижонга келган (чақалоққа «Заҳириддин Муҳаммад» деган исмни Хожа Аҳрор қўйгани тарихдан маълум). Ҳатто Абдураҳмон Жомийнинг ҳам Андижонга Хожа Ахрор билан бирга ташриф буюргани ҳақида айрим маълумотлар бор. Булар ва умуман, Фарғона ва Андижоннинг XV аср охири ва XVI аср бошидаги маданий-маънавий муҳити махсус тадқиқот олиб бориш учун алоҳида мавзудир.

Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси – Қутлуғ Нигорхоним Мўғулистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқилона бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларига фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арки ичида яшар эди. Ҳоким ёз ойларида Сирдарё бўйида, Ахсида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди[1].

[1] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси... 2 жилд, 83-бет.

БОБУРНИНГ ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК ВА САРКАРДАЛИК ФАОЛИЯТИ

Умаршайх Мирзо вафоти ва Бобурнинг тахтга ўтириши ҳақидаги хабар барча томонга тарқалади. Шунда Тошкентдан Маҳмудхон, Самарқанддан Аҳмадхон Фарғонани босиб олиш мақсадида Сирдарёнинг икки томонидан қўшин тортиб келадилар. Бундан хабар топган Бобур бу хавфни қайтариш чорасини кўришга мажбур бўлган. Бобур яқинларининг бир гуруҳи Фарғона вилоятининг мустаҳкам қалъаси Ўзганда, бошқа гуруҳдагилар Андижон қалъасида мустаҳкам мудофаа иншоотларини ташкил қилиш керак, деган таклифни ўртага ташлайдилар. Шунда ўз замонасининг доно кишиси Хожа Мавлоно қози иккинчи гуруҳ фикрини маъқул кўради. Улар Бобур билан бирга Андижон қалъасини мустаҳкамлашга қарор қиладилар. Бутун кучни қурол-аслаҳани, озиқ-овқатни жамлаб Андижон қалъасини, унинг ичидаги ҳарбий иншоотни мустаҳкамлашга, барча захираларни мудофаа йўлида сафарбар қилишга фармон берилади. Шаҳарни мардонавор мудофаа қилишни бирон дақиқа ҳам пайсалга солмаслик, кечикмасдан шошилинч чоралар кўришга якдиллик билан аҳд қилинади. Инсоннинг қўлидан келадиганки барча тадбирларни душманга қарши қўйиш, Андижонни мустаҳкам қалъага айлантириш учун барча имкониятларни ишга солиш борасида бутун шаҳар аҳолиси жипслашди, ҳарбий қўшиннинг жанговарлигига эришилди. Андижон енгилмас, жанговар, мустаҳкам қалъа ҳолатига келтирилди.

Самарқанд хони Аҳмадхон Сирдарёнинг жанубий соҳилидаги ҳарбий иншоот ва қалъани забт этиб, Андижоннинг жанубидан тўрт фарсаҳ масофадаги Қубода тўхтайди. Шунда Бобур ва Хожа Қози Аҳмадхонга элчи юбориб, бу вилоят Аҳмадхонга қарашлигини, ўз мулозимларидан бирига вилоятни бошқаришни топшириши, Бобурни ўзининг

ўғли сифатида қараб иш кўришни таклиф этишдан иборат фикрни изҳор этади. Аммо Султон Аҳмадхон, унинг яқинлари, амирлари бундай таклифни қабул қилмасдан Андижон қалъасига яқинлашиб, уни забт этишга астойдил киришадилар. Бутун бир ой давомида икки томон ўртасида қонли жанглар бўлади. Шунда Бобур Мирзога тасодифан омад кулиб боқади. Аҳмадхон қўшини ғалла, емак-ичмак йўқлигидан очликка маҳкум этилади, отлар ва моллар орасида ўлат касали тарқалиб, ҳайвонлар қирилиб кетади. Оғир аҳволга тушган Аҳмадхон Бобурга элчи юбориб сулҳ тузиш учун таклиф киритади, улар ўртасида яраш битими тузилади. Аҳмадхон Самарқандга қайтишга мажбур бўлади, босиб олган барча қалъаларни Бобурнинг мулозимларига қайтариб беради, ўзи эса йўлда вафот этади. Бу воқеалар юз бераётган пайтда Тошкент хони Маҳмудхон Сирдарёнинг шимолий соҳили бўйлаб Фарғонага юриш қилиб, айрим қалъаларни қўлга киритади, Ахсини қамал қилишга киришади. Унинг акаси Аҳмадхон Андижондан кетиб, йўлда вафот этганини билгач ваҳима ва саросимага тушиб, барча чодир ва қурол-аслаҳаларни ўз жойида қолдириб, қочишни лозим кўради.

Шундай сиёсий танглик вақтида Қошғар ҳукмдори Абу Бакир Фарғонани забт этишни мақсад қилиб олган эди. У бутун қўшини билан Фарғонанинг шарқий томонида пайдо бўлади. У бир неча кун чираниб, кеккайиб, мағрурланиб юрди. Аммо Фарғона қўшинлари ва шаҳар аҳолиси уни мудофаа қилишда бир тан, бир жон бўлиб ўз ҳукмдорларига садоқат билдириб, ҳар қандай кучга зарба беришга тайёр турганлигига ишонч ҳосил қилиб, бу ерга келганидан пушаймон еб, боши берк кўчадан чиқиб кетиш учун Қошғарга кетишга мажбур бўлди[1].

Бобур тахтга ўтирганининг тўртинчи йилида Бойсунғур амирзода ҳукмдорлигидан азоб-уқубат тортган Самарқанд аҳолиси рўзаи-рамазон ойида Бобурга мурожаат қилиб, уни таклиф этади. Бунга мувофиқ Бобур Андижондан чиқиб Самарқандни қамал қилади. Айни вақтда Султонали Мирзо Бухородан чиқиб Хожа Казарун деган жойда Бобур би-

[1] *Худаярханзаде*. Анджум Ат –Таварих (Звезды истории). Т.: «Янги аср авлоди», 2011, стр. 13–14.

лан учрашади ва улар бирлашиб Самарқандни қамал қила бошлайди ва Бойсунғур Мирзо билан уруш олиб боради. Қиш кириши билан Султонали Мирзо қамал чўзилиб кетганлигидан қўрқиб Бухорога қайтиб келади. Самарқандни қамал қилишда Бобур мустаҳкам туради ва қўшинларини қишлаши учун Хожа Дехдор деган жойда қароргоҳида туради. Шу вақтда Туркистондан Бойсунғур Мирзога ёрдам учун Шайбонийхон келади ва Самарқанд қалъаси яқинида ўз қўшинини жойлаштиради. Бундан хабар топган Бобур ўз қўшинини тўплаб, ўз байроғи билан Дехдар, ҳозирги Дахбеддан чиқиб Самарқанд дарвозаси сари отланади. Шайбонийхон ҳам ўз қўшинларини Самарқанд остонасига олиб келиб, бу ерда манзил қуради. Бойсунғур Шайбонийхон жангга киришмаганлиги боис улар олдидаги шаҳар дарвозасини беркитади. Шайбонийхон қўшинини ўзининг сарҳадига буради. Бойсунғурхон ўз мақсадига эришмаганлигидан афсусланиб, Бобурнинг ҳузурига таниқли амалдор ва олимларни юборади. Бир қанча урушлардан сўнг ҳар икки томон келишади. Унга кўра Бойсунғур Самарқандни қолдириб, ўзи истаганча мулк ва бойликларни олиб, ўзининг яқинлари билан Хисори Шодмон ва Қундуз тарафга кетади, бунда унга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Шундан сўнг Бобур Самарқандга кириб келади. 1497 йил ноябрь ойининг охирида шаҳарнинг мансабдор кишилари, олимлар Бобурга пешвоз чиқиб, катта ҳурмат билан кутиб оладилар ва шарафли ва қувончли садолар остида хонлик тахтига ўтқазадилар.

Амирзода Бойсунғур Қундузга келганда уни Хусрафшоҳ қароргоҳида катта ҳурмат билан кутиб олади, унга ҳар қандай эътиборини қаратади. Бироқ 1499 йил августида Хусрафшоҳ Бойсунғур Мирзони қийнаб қатл этади.

Муҳаммад Бобур Самарқандни эгаллаганда у 16 ёшда эди. Биринчи марта Самарқанд ва унинг атрофини 3 ой-у 10 кун идора этади. Шу вақтда у оғир бетоб бўлади, иситмаси кўтарилиб, бир неча кун хотирасини йўқотади ва ҳеч нарса емайди. Шунда Бобур қўшинидаги кекса Узун Ҳасан ва Аҳмадбек Танбал Бобурнинг соғайиб кетишига умид қилмасдан Ахсига қочиб келадилар. Улар Бобурни Самарқандда вафот этгани ҳақида миш-миш тарқатиб,

энди Фарғонада ҳокимият Бобурнинг кичик укаси Жаҳонгирмирзога ўтиши кераклигини айтадилар. Бир неча фитначилар тўпланиб, Жаҳонгирни хон қилиб кўтаришни, қўшин тўплаб Фарғонанинг бошқа шаҳарларини ҳам босиб олишни мўлжаллайдилар. Бу вақтда Жаҳонгирмирзо 14 ёшда эди. Ҳукмронликни Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал ва бошқа исёнчилар ўз қўлига оладилар. Жаҳонгирхонни ҳокимиятдан маҳрум қилиб, уни Андижонга олиб келиб, шаҳарни қамал қилишни бошлайдилар. Бобурнинг ишончли кишиларидан Али Дўст Тоғай ва Хўжа Қози шаҳар қалъасини ҳимоя қилиш учун кўп куч сарфладилар ва жангу-жадаллар билан шаҳарни эгалладилар. Охир-оқибатда ҳукумат пешволари Жаҳонгирни қалъага жўнатиб, у орқали «Муҳаммад Бобурхон вафот қилди, сизлар кимга ва ким учун қаршилик кўрсатасизлар? Бобурхондан кейин сизлар унинг укаси Жаҳонгирга итоат қилишингиз керак», деган хабарни етказадилар. Қалъадагилар бунга жавобан шундай деганлар: **«Бобурхоннинг даҳшатли ўлимини келтиринглар, шунда унинг укасига бўйсунамиз».** Бунга мувофиқ қалъа ҳимоячиларидан икки киши Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан одамларидан икки киши аниқ маълумот олиб келиш учун Самарқандга жўнатилади. Улар Самарқанд вилоятига келиб, пойтахтга кириб, Бобурхоннинг эс-ҳушини йўқотган ва ҳатто томчи сувни юта олмаётганлигини кўриб, мулоҳаза қилганлар ва орқага қайтганлар. Бу хабарни қалъадагиларга алдаш учун жўнатадилар. Бундай шармандали ва ёлғон хабар Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасандан чиққан эди. Улар қалъага кириб, Бобурхоннинг ўлими ҳақидаги «исбот»ни етказадилар. Қалъа ҳимоячилари саросимага тушади. Айримлари бу хабарни эшитиб, зудлик билан қалъа дарвозасини очиб, Жаҳонгирхон ҳузурига йўл олдилар. Хўжа Қози эса бу хабарга ишонмасдан ўзининг қўл остидагилар билан кучли қаршилик кўрсатиб жангга киришади. Охир-оқибатда у бир неча жойидан яраланиб йиқилади, асир олинади ва қатл қилинади. Қўшинлар шаҳарни босиб олади ва Жаҳонгирхон Андижон пойтахтида ўрнашади.

Фарғона вилояти хонлиги фақат сўздагина унга ўтади. Бу орада Бобур Самарқандда соғаяди, Андижонда юз бер-

ган воқеалардан бохабар бўлади, Самарқандни бошқариб туришни шаҳардаги амалдорлар ва олимларга топширади, ўзи эса Хўжанд томонга отланади. Бобур ўз байроғи остида бутун қўшинни йиғиб Хўжандга келади. Тоғаси Султон Маҳмудга ёрдам беришни илтимос қилиб, элчи юборади. Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон бу хабарни олиши биланоқ ўз қўшини билан йўлга чиқади. Қурама дарёси соҳили ва Оҳангаронда улар учрашадилар. Биргаликда Қандир довонидан ўтиб, фарғоналик исёнчиларни жазолаш учун Хуррамсарой, ҳозирги Ғуррамсаройда тўхташади ва жойни ҳарбий лашкаргоҳга айлантирадилар. Султон Маҳмудхон ҳузурига Жаҳонгирхон номидан кўплаб совғасаломлар билан элчилар келади, келишув сулҳ ҳақида музокара бўлади. Аҳмад Танбалнинг укаси Султон Маҳмудбек Телбанинг энг яхши ва ишончили кишилари ва Хўжа Абдул Макаримлар турли хил йўл ва баҳоналарни ишга солиб, анча кўнгилчанг ҳукумат пешволари ёрдамисиз бошқаришга қобилияти бўлмаган Султон Маҳмудни сулҳ тузишга кўндира оладилар. Натижада, Самарқанд Бобурхон тасарруфида, Фарғона тахти эса Жаҳонгирхон қўлида бўлишлигига келишилади. Жаҳонгиршоҳ элчилари мақсадга эришгач Андижонга қайтиб келадилар. Улар билан бирга Бек Телба ҳам акаси Аҳмад Танбал билан кўришиш учун Фарғонага йўл олади. Султон Маҳмуд эса Тошкентга жўнайди, шунда Бобурхон Султон Маҳмудхондан кутилган ёрдам олиш амри маҳоллигини тушуниб, ундан ажралиб, зудлик билан Хўжандга келади. У бу ерда Султон Али Мирзо Бухоро қўшинлари билан келиб, Самарқандни босиб олгани хабарини эшитади. Бобурхон Тошкент хони Султон Маҳмудхон номидан Ўратепани бошқараётган Муҳаммад Ҳусайнга чопар юборади ва ундан қўшинларни ҳар икки томондан ҳаракат қилишлари учун йўл очиб беришларини сўрайди. Бобурнинг ўзи Самарқандни озод қилиб, ўз қўлига олиш учун чопар ортидан йўлга чиқади. Пишагор қалъасида тўхтайди, маълум вақтгача шу жойда яшайди, қўшинларини ҳар тарафга йўналтириб туради, бироқ ғалабага эриша олмайди. Бу орада қиш кириб келади, Пишагор қалъасида озиқ-овқат захираси қишлов учун етарли эмасди, қалъага

барча ҳарбийлар сиғмас эди. Бу аҳволни билган Бобур ҳарбий қўшин ва отларни озиқ-овқат, беда, ғалла билан таъминлаш мақсадида Ўратепа ва Хўжанд атрофидаги қишлоқ, яйлов, ўтлоқларни топиб ўша жойларда яшай бошлайди. Ўша кунлари Бобур ниҳоятда оғир қийинчиликларни бошдан ўтказади. У кўпдан-кўп куч сарфлаб, мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлида мужассамлаштириш учун ҳаракат қилади. Бироқ Самарқандни қўлга ололмади, Андижон эса қўлдан кетди, бундан кейин мақсадга эришиш йўлида нима қилиш керак деган фикрлар устида кўп ўйларди.

Бахтли тасодиф юз бериб Фарғонанинг айрим амирлари Бобурхон ҳузурига бирин-кетин чопарлар юбориб, унинг Фарғонага қайтишини илтимос қиладилар. **«Агар биз бирон нарсада айбланса к ҳам, бизнинг айбларимизни кечириб юбориш сувлари билан ювиб ташланг ва вилоятга юриш қилиб келинг. Бизлар эса иложимиз борича Сизга хизмат қиламиз ва ўз айбларимизни ювиб ташлашга ҳаракат қиламиз»,**[1] дейилади таклифларнинг бирида. Бундан руҳланган Бобурхон дарҳол Марғилон сари отланди. Бир куннинг ўзида 34 фарсаҳ (252 км) масофадаги йўлни босиб Марғилонга етиб келди.

Марғилон ҳукмдори Али Дўстбек Тоғай ва Бобурхон келганидан хабар топган кўплаб кишилар уни кутиб олишга шошиладилар. Бобурхон шоҳ саройида қабул қилинганидек олий даражада иззат-икром билан кутиб олинади. Бундан хабар топган Жаҳонгирхон ўз яқинлари ва катта қўшин билан Андижондан чиқиб, Марғилонга 1 фарсаҳ (7–8 км) масофадаги Сипонмаҳал қишлоғида тўхтайди. Муҳаммад Бобурхон ҳам қўшини билан Марғилон шаҳридан чиқиб жангга киришади. Икки ўртадаги жанг ҳар куни давом этади, ҳар икки томондан кўплаб одамлар ҳалок бўлади. Ниҳоят 7 кун ўтиб зафар байроғи Бобурхонга насиб этади. Жаҳонгирхон эса ўз яқинлари билан Андижонга қайтади. Андижон халқи ва аҳолиси дарвозани беркитиб олиб, Жаҳонгир Мирзони қалъага қўймайди. Бу хабарни чопар зудлик билан Бобурга етказади. Натижада Бобурхон

[1] *Худаярханзаде*. Анджум Ат-Таварих. (Звезды истории). Т.: «Янги аср авлоди», 2011, С. 17.

қўшини билан Андижонга келади. Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбал Ўшга йўл олади, Узун Ҳасан эса бир гуруҳ исёнчи ва фитначилар билан Ахсига қочади. Муҳаммад Бобурхон Андижонга келганида олиму-фузалолар, уламолар, бутун аҳоли уни катта шоди-ҳуррамлик билан кутиб олади. 1499 йил июль ойининг охирида Бобур Андижон тахтини катта тантанаворлик билан эгаллайди. У кўплаб шаҳар ва қалъаларни забт этиб, Фарғонанинг энг йирик муҳим шаҳри ва қалъаси бўлган Ахсига қўшин тортиб боради. Бобурхон кортежи келиши биланоқ Узун Ҳасан қаршилик кўрсатиш бефойдалигини англайди, у уламо ва шайхларга дарвоза ва хазина калитини бериб юборади. Бу билан ўзининг гуноҳи ва кирдикорларини ювмоқчи бўлади. Унинг шахсан ўзи Бобур ҳузурига келади ва шармандаларча Бобур оёғи остидаги гиламни ўпади. Сиёсий жиҳатдан қаралганда Узун Ҳасан қатл этилиши керак эди. Бироқ унга ўз яқинлари билан бирга Андижонни тарк этиб, Қундузга кетиш учун имкон берилади. Ахсида ишларни сарамжон қилиб, Бобур Андижонга қайтади.

Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбал Ўзган қалъасидан Тошкент хони Султон Маҳмудга ёрдам кўрсатишни сўраб элчи юборади. Султон Маҳмуд ўз ўғли Султони ва Султон Муҳаммадни Хониқ номи остида танилган Аҳмад Танбалнинг тоғаси Ҳамидбек бошчилигидаги 6 минг кишилик мўғул қўшинини Жаҳонгирхонга ёрдамга юборади. Бу ёрдам келгач, Жаҳонгирхон ва Аҳмад Танбал Ўзган қалъасидан чиқиб, Бобурхонга қарши урушга тайёрланади. Аҳмад Танбалнинг фитначилиги, макр-хийласи туфайли бир неча ой давомида икки ака-ука ўртасида ҳокимият учун жанжал ва нифоқлар ҳукм сурди. Ниҳоят уламо ва мутафаккир олимлар Қурони каримдаги «Тинч йўл билан ҳал қилиш яхшироқдир» деган шариат қоидаларига асосланиб, бу икки оға-ини ўртасида тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Қарорга мувофиқ Сирдарёнинг жанубий соҳили, ғарбда Хўжандгача, шарқда Қашқаргача бўлган ҳудудлар Бобурхон тасарруфига, ғарбда Кандир довонидан Кетмонтепа тоғлари бўйларигача бўлган ҳудудлар Жаҳонгирхон тасарруфига ўтган. Бундан кейин улардан

биронтаси ҳам бу ерларни бўлиш учун ҳаракат қилмаслиги, бу икки мулкнинг чегараси Сирдарё эканлигига келишилди.

Баҳорга чиқиб иккала ака-ука Самарқандга юриш қилади. Агар бу вилоят қўлга киритилгудек бўлса, бу вилоятни Бобурхон бошқариши, Фарғона мулки эса Жаҳонгирхон тасарруфига ўтишига келишилди. Бу тинч шартноманинг шартлари 1499 йил муҳаррам ойи, 7 октябрда имзоланган. Уни Муҳаммад Бобурхон ва Жаҳонгирхон имзолаганлар, ўз муҳрлари билан тасдиқлаб қўйганлар. Ҳар икки томоннинг уламо ва амирлари бу ҳужжатга шоҳид бўлдилар. Шундан кейин Жаҳонгирхон Муҳаммад Бобурхонга келиб, унинг кўнглини топади. Шу вақтда Бобурхон Андижонда Султон Аҳмаднинг қизи Ойшабегим билан никоҳдан ўтади ва унга ўз ҳарамидан жой ажратади.

Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзонинг 1494 йил вафот этиши темурийлар ўртасидаги низоларни янада кучайишига туртки берди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон 1497–1499 йилларда ҳужум уюштириб, уни икки марта қамал қилди. 1500 йил 28 июнида Самарқанднинг катта амалдорлари Муҳаммад Мазидбек тархонни вакил қилиб бир неча мулозимларни Андижонга, Бобурхон ҳузурига бирин-кетин чопар қилиб юборади. Улар қаторида Абдулваҳобнинг ўғли Мирмўғул Бобурхонни Самарқанд вилоятига юриш қилишини илтимос қилади. Аммо Фарғона мулки икки ака-ука томонидан бўлиб олингандан кейин ҳам хавфли вазият мавжуд эди. Бобур қалбида ҳам оғриқ қолган эди. Бобур давлат амалдорлари ва маслаҳатчилари билан Самарқандга юриш қилиш масаласида машварат ўтказади. Унда Самарқандга юриш қилишга қарор қилинади. Ҳарбий мулозимлар қўшин тўплайдилар ва Бобур бошчилигида Самарқанд сари йўл олинади. Шаҳарга яқинлашганда Шайбонийхон катта куч билан Бухорони босиб олиб, Самарқандга юриш қилаётганидан хабар топган Бобур ўз йўлини ўзгартириб Кеш томон отланади, Кешда 14 кун бўлади. Самарқанд ҳукмдори шаҳарни Шайбонийхонга жангсиз топширади, онасини эса Шайбонийхон хотинликка олади, ўзини ўғил қилиб қабул қилади. Бухоро ва Самарқанд қўшинлари таслим бўлганини билган Бобур

Кешга, Ҳисор, Шодмон ва Кулобдан ўтиб Кўҳистон ва Бадахшонга бориб, у ердан Қоратегин орқали Андижонга қайтишни маъқул кўради. Бобур Қулобга келиб кучли ёмғирда тоғли ва сўқмоқ йўллардан қўшинни ўтиши қийин ва хавфли эканини билиб, Сурхон дарёсидан ўтади, кўп масофани ортда қолдириб Мосича томон юради. Фан, Кештут қалъаларидан мислсиз азоблар билан ўтиб, Кўҳак (Зарафшон) дарёси соҳилига келади. Самарқанддан 84 км масофада, Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилидаги қишлоғига келади. Бу жойда қисқа пайт бўлиб, ҳозирги Панжакент – Самарқанддан 60 км узоқликдаги Сафидак қалъасига келади. Бу ерд қўшин ва отлар дам олади. Бобур ҳам йўл азобидан қутилиб, бир оз ҳордиқ чиқаради. Эрта тонг саҳарда Самарқанд қалъасига етиб келинади. Бобурнинг буйруғи билан нарвон ва арғамчилар ёрдами билан қалъага шовқин суронсиз жим ҳолатда кириб, шаҳар дарвоза томон юриб, уйқудаги соқчиларга зарба бериб, шаҳар дарвозасини очишга эришилади. Ҳарбийлар шаҳарга кириб боради, жанг билан Шайбонийхон қўл остидаги шаҳарни мудофаа этиб тураётган мўғулларнинг барчаси ўлдирилади. Бу воқеадан хабар топган шаҳар аҳолиси Муҳаммад Бобурхонни қўллаб-қувватлаб ёрдам қўлини чўзади, одамлар ҳар томондан мўғулларга қарши ҳужум қилади ва жангга киради. Мўғуллар Аханен дарвозаси томон қочаётганларида шаҳар ҳукмдори ва мўғуллар амири Вафо Мирза ўз қўшинларини жангга олиб киришга ҳаракат қилади. Муҳаммад Бобурхоннинг ўзи бу жанг майдонида мардлик ва матонат, жасурлик намойиш этади, душман билан астойдил куршади. Эртаси кун пешиндан сўнг мўғулларнинг қолган қисми шаҳарни тарк этади ва душманлардан озод бўлади. Шаҳарнинг барча номдор эркаклари хонни ғалаба билан табриклаш ва унинг хизматида бўлишни билдириб кела бошлайди. Муҳаммад Бобурхон шаҳарга Аханен дарвозаси орқали кириб келади ва шаҳар тахтини эгаллайди, хонлик тахтини безайди.

Шу вақтда Андижондан Бобурнинг волидаси, аҳлиаёли келади. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай сатрлар бор: **«Менинг волидаларим ва кўч ва уруғларим мен Андижондин чиққандин сўнгра юз ташвиш ва**

машаққатлар билан Ўратепа келиб эдилар, киши йиборib Самарқандға келтурдук. Ушул неча кунда Султон Аҳмад мирзонинг қизи Ойиша Султонбегимдинким, аввал менинг ақд никоҳимға кирган бу эди, бир қиз бўлди. Фаҳрунисоға мавсум бўлди. Менинг тўнғуч фарзандим бу эди, ул тарихда мен ўн тўққуз ёшта эдим. Ўшул бир ой–қирқ кунда ўқ Тенгри раҳматиға борди»[1].

Самарқанддан қочган мўғул аскарлари Шайбонийхон қароргоҳига келиб бўлган воқеаларни изҳор қиладилар. Шайбонийхон яна катта қўшин тўплаб жанг учун зарур қурол-аслаҳаларни тайёрлаб катта куч билан Самарқандга отланади. У лашкаргоҳ жойи қилиб Самарқандга яқин Хўжа Казорун манзилини белгилайди. Бундан ҳабар топган Бобур муносиб совғалар билан донишманд элчилардан бирини Ҳиротга, Султон Ҳусайн Бойқарога, унинг ўғли Бадиулзамонга юборади. Мактубда «агар Ҳусайн Бойқаро ёрдам учун ўз ўғилларидан бирининг қўмондонлигида қўшин юборса, у ҳолда Шайбонийхондек кучи душман барҳам топиши мумкинлиги айтилганди. Аммо бу илтимосга совуққонлик билан қаралди. Бу вақтда Султон Ҳусайн ҳокимияти ҳам ўз бошидан чуқур бўҳронни кечираётган ва унинг ҳукмронлиги ниҳоясига етиш арафаси эди. Шу боис бўлса керак Бобур элчисини аниқ бўлмаган баҳона-сабаблар билан қаршилаган. Бобур бир чопар орқали Тошкентдаги тоғаси Султон Маҳмудхондан ҳам ёрдам беришини сўраган. Ундан ҳам мавҳум жавоб келган. Бобур яқин жойлардан ҳеч қандай ёрдам ололмаётганидан афсусланади, надомат чекади. У ўз қўшинларини тартибга келтириб, Шайбонийхонга қарши курашга киришади. Ҳар икки томон ўртасида бир неча кун жанг ва қирғин бўлади, натижада ғалаба сафари Шайбонийхон томонга ўтади. Бобур Самарқанд қалъаси томон чекинади ва қалъани мудофаа қилиш билан шуғулланади, қалъа миноралари ва деворларини тиклашга киришади. Шайбонийхон қалъани забт этиш учун туну-кун барча чораларни кўради. У аскарларни қалъанинг бутун атрофларига жойлаштиради ва барча томондан қалъага ҳужум қилади. Қамалдаги қалъадаги кишилар озиқ-овқат

[1] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* «Бобурнома», Т.: «Шарқ», 2002, 81-бет.

ва сувсиз қолади, очарчилик авжига чиқади. Бобур аскарларининг кўпчилиги қалъани ҳимоя қилишдаги жанглар пайтида ҳалок бўлган ёки яраланган. Қалъани қамал қилиши ва у билан боғлиқ қийинчиликлар мислсиз оғир ва чексиз эди. Шунда Бобур Самарқанднинг машҳур уламо ва мансабдорларини ўз ҳузурига чақириб, уларга қарата: «Шаҳар мудофааси учун Сизлар инсон қўлидан келадиганки барча ишларни қилдингиз, жасурлик, мардлик намойиш этдингиз, бундан сўнг яна азобли ва уқубатли кунлар бўлишига мен йўл қўймайман, мен Сизлар билан хайрлашаман ва шаҳарни тарк этаман, Сизлар шаҳар ва унинг халқини тинч осуда ҳаёт кечиришини тиклашингиз лозим», деб айтди. Тўпланганлар кўзида ёш билан давлатга хизмат қилиш учун охирги томчи қонлари қолгунча кураш олиб боришга ваъда беришдилар. Шунда Бобурнинг кўзлари ёшланди. У шаҳар аёлларининг ҳар бирига миннатдорчилик билдириб, хайрлашиб, тун ярмида яқинлари ва ҳарбий қўшини билан жанубий дарвоза орқали чиқиб, Шайбонийхон аскарларига қарши тунги зарба беради, бир неча соат улар билан жанг қилади. Душман доимий равишда ёрдам олиб турганлигини билган Бобур ўзининг оз сонли ва чарчаган қўшини билан душманга зарба бера олиш имкониятига эга эмаслигини билиб, 1502 йили Самарқанддан чиқиб, Андижонга қараб йўл олади[1].

Хўжандга келганида Бобурга унинг укаси Жаҳонгирхон қўшилади. Бунинг сабаби шу эдики, Шайбонийхон Самарқандни қамал қилиб турганда Аҳмад Танбал қулай пайтдан фойдаланиб яна фитначилик, макр-хийла билан хонлик тахтига Жаҳонгирмирзонинг укаси, Умаршайхнинг учинчи ўғли жуда ҳам ёш бола Муҳаммад Носирни қўяди. Аҳмад Танбалнинг яқинлари ва ёрдамчилари бўлган айрим аблаҳлар Жаҳонгирхонга қарши уруш қиладилар. Бунда Жаҳонгирхон мағлубиятга учраб, Хўжандга келади. Бобур Жаҳонгирни юпантириб, биргаликда Тошкентга, тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига боради. Уларни келишидан хабар топган Тошкент хони кутиб олиш учун уламо ва амирларни жўнатади ва меҳмонлар катта ҳурмат билан кутиб олиниб,

[1] *Худаярханзаде*. Анджум Ат-Таварих. (Звезды истории). Т.: «Янги аср авлоди», 2011, С. 20─21.

қимматли меҳмонларга зиёфатлар уюштирилади. Султон Маҳмудхон ўз укаси Султон Аҳмадхон билан бирлашиб, биргаликда қўшин тўплаб Муҳаммад Бобур ва унинг укаси Жаҳонгирхонга ёрдам бериш учун Фарғонани фитначилар ва босқинчилардан озод қилиб, бу мулкни ўз эгалари бўлмиш Бобур ва Жаҳонгирга қайтаришга ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда кучли қўшин билан Фарғонага йўл олинади. Бир қанча йўл юрилгач Шайбонийхон Фарғона, Тошкент ва Туркистонни босиб олиш учун юриш бошлагани ҳақида ҳабар етиб келади. Шайбонийхон бу вилоятларни босиб олиш шунчаки осон иш деб қараган эди. Шу боис катта қўшин билан Тошкентга юриш қилади. Йўлда Султон Маҳмудхон ўз укаси билан Фарғонага кетганлигини эшитади. Уларнинг йўлини тўсиш учун Сирдарёдан ўтиб, уларнинг қаршисида пайдо бўлишга шошилади. Шайбонийхон тез суръатлар билан етиб келганида Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхон, Муҳаммад Бобурхон ва Жаҳонгирхонларнинг ҳар бири қулай жойларни қўлга киритиб, жангга шай бўлиб турган эдилар. Тақдир тақазоси билан Тошкент ва Туркистон хонлари омади келмай мағлубиятга учрайдилар. Султон Маҳмудхон акаси Султон Аҳмадхон билан асир тушади. Бобур ва Жаҳонгир Шаҳрисабз томон чекинишга мажбур бўладилар. Шайбонийхон Туркистон ва Тошкентни босиб олиб, қўшинни Фарғонага юборади, ҳокимиятни Носирхон қўлидан тортиб олиб, ўзини эса Кобулга кетишига рухсат беради. Шайбонийхон ҳар бир шаҳарга ўзининг ноибларини қўйиб, Самарқандга келади ва Мовароуннаҳр ва Туркистонни мустақил бошқаради. Бобур 200–300 нафар навкари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб, Ғазна ва Кобулни эгаллайди. Бобур Афғонистонда мустақил давлат тузишга эришади.

Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутади. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо 1510 йилда Эрон шоҳи Исмоил I Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрга қўшин

киритиб, шайбонийларга кетма-кет шикаст етказа бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида эса Самақандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 28 апрелда Чўли Малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. 1512 йил кузида Бобур шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний лақабли лашкарбоши билан Балҳда учрашиб, Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Ҳузар (Ғузор) қалъасини олади, сўнг Қаршига юриш қилади, шаҳар узоқ муддатли қамалдан сўнг таслим бўлади, шаҳар ҳимоячилари қаттиқ жазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Ғиждувон жанггида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади[1].

«Тарихи Рашидий»нинг иккинчи китобида Фарғона водийси, хусусан Андижоннинг сиёсий тарихида муҳим ўрин тутган Султон Сайидхон (ибн Аҳмадхон ибн Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туғлуқ Темурхон ибн Эсан Буғахон ибн Дувахон ибн Бароқхон ибн Есун Тува ибн Мутугон ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон)нинг сиёсий фаолиятига анча кенг ўрин берилган.

Султон Сайидхон Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тоғаси Султон Аҳмадхоннинг ўғлидир. Султон Аҳмадхоннинг ўн саккизта ўғли бўлиб, Султон Сайидхон уларнинг учинчиси эди[2]. У 14 ёшида, яъни 1503 йили отаси Султон Аҳмадхон ва амакиси Султон Маҳмудхоннинг бирлашган лашкари сафида Шайбонийхонга қарши жангда қатнашади. Бу қўшин Фарғона водийсидаги Ахси қалъаси яқинида Шайбонийхон томонидан тор-мор этилади ва ака-укалар асир олинади. Бир муддатдан кейин Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон асирликдан озод бўладилар ва Шарқий Тур-

[1] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2- том.... 85-бет.

[2] Қаранг: *Муҳаммад Ҳайдар мирзо*. Тарихи Рашидий. / Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамова таржимаси. – Т.: «Sharq», 2010. 197-бет.

кистонга кетадилар. 1504 йили Султон Аҳмадхон Қошғарда вафот этади.

Ахсидаги жангда ярадор бўлган Султон Сайидхон Ахси ҳокими Шайх Боязид томонидан асир қилинган эди. 1504 йил баҳорида Шайбонийхон Фарғонага қайта ҳужум қилиб, Шайх Боязид ва укаси Аҳмад Танбални мағлуб этганидан кейин Султон Сайидхонни асирликдан озод қилади ва ўзи билан бирга Самарқандга олиб кетади. Шайбонийхон унга ҳурмат кўрсатади ва ҳатто Султон Сайидхон Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларида ҳам иштирок этади.

Шайбонийхон 1505 йили Хоразмга юриш қилган вақтда Султон Сайидхон ундан қочиб Мўғулистонга келади. Отаси вафотидан кейин Шарқий Туркистонда тахт учун кечган курашларда акаси Мансурхон (1485–1544)дан енгилиб чорасиз қолади ва 1508 йили яна Андижонга қайтиб келишга мажбур бўлади. Шайбонийхон Фарғона вилоятини бошқаришни амакиваччаси Жонибек Султонга топширган эди. Бу пайтда Андижон ҳокими Хожа Али Баҳодир исмли киши эди. «Тарихи Рашидий»даги таърифга кўра, «у телбанамо бўлса-да, лекин ҳарбий ва салтанат ишларида билимдон эди».

Бу вақтда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Кобулда ўрнашиб қолган эди. Хожа Али Баҳодир Султон Сайидхон ҳаётини сақлаб қолиб, уни бир гуруҳ андижонликлар ҳамроҳлигида амакиваччаси Бобур олдига қочиб кетишига шароит яратиб беради. Унинг тафсилотлари «Тарихи Рашидий»да шундай баён қилинган: «Хожа Али баҳодир хонни (Султон Сайидхон) бир неча кун олиб ўтирди. Кейин ишончли одамларни топиб келтирди. Улардан бири – Мавлоно Хулуқий бўлиб, қатор фазилатларга эга, толиби илм киши эди. У настаълиқ хатида моҳирона ёзар, яхшигина шеър битар, мусиқада ҳам моҳир эди. Иккинчиси – Хожа Солиҳ бўлиб, Андижон вилояти савдогарларининг улуғи эди, барча йўлларни, одамларни яхши биларди. Бу одамлар учун Хожа барча ишларда ишончли, маслаҳатгўй киши эди. Учинчиси – Мавлоно Юсуф Кошғарий Андижонда муҳтасиб, барча ишларда билимдон киши эди. Яна бири – Гадойберди, бу ҳазилкаш, қувноқ, мусиқани яхши билади-

ган киши эди. Яна бири Андижон туркларидан Мир Аҳмад бўлиб, кўп саёҳатлар қилган, барча йўлу сўқмоқларни яхши биларди. Охиргиси – Жалол бўлиб, хизматдан бўйин товламас эди. Шу одамларни Хожа Али баҳодир хонга ҳамроҳ қилиб, уни иккинчи марта йўлга солди. Хожа Солиҳ билан Мавлоно Юсуф савдогарлар қиёфасида, Мавлоно Хулуқий кекса дарвеш тарзида, Гадойберди ва хон талабалар либосида, Мир Аҳмад билан Жалол савдогарларнинг хизматкорлари қиёфасида йўлга тушишди. Шундай ҳолатда улар омон-эсон, ҳеч бир хавф-хатарсиз Қалъаи Зафарга етиб олишди»[1].

Бобур Мирзо уларни Кобулда иззат-ҳурмат билан кутиб олади. Султон Сайидхон Кобулда давлат бошқарув ишларида амакиваччаси Бобурга кўмаклашади, унинг 1510 йилда Қундузга қилган ҳарбий юришида қатнашади. Ана шу Султон Сайидхонга ҳамроҳ бўлиб Бобур мирзо ҳузурига борган юқорида номлари зикр этилган андижонлик бообрў кишилар Андижон ҳокими Султон Сайидхон атрофида мустаҳкам жипслашиб, унга яқиндан туриб ёрдам берганлар, бу билан Андижонда осойишталик, тинч ҳаётни таъминлашда фидойилик билан иш кўрганлар. Султон Сайидхон уларга суяниб Андижон вилоятини бошқарган.

[1] *Муҳаммад Ҳайдар мирзо*. Тарихи Рашидий. 336-337-бетлар.

СУЛТОН САЙИДХОН – АНДИЖОН ҲОКИМИ

«Тарихи Рашидий» муаллифи Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Сайид Муҳаммад мирзо 1511 йили Андижонни шайбоний Жонибек Султондан қайтариб олади ва Андижон тахтига Бобурни таклиф этади. Бобур Андижон тахтини Султон Сайидхонга бериб, уни 1511 йил май ойида Андижонга жўнатади, ўзи эса Мовароуннаҳр юришига тайёргарлик бошлайди. Султон Сайидхон билан бирга мўғул амирларидан Мир Ғўри барлос, Мир Доим Али дўхтуй, унинг акалари Аҳмад Али ва Маҳмуд Қули, Мирзо Муҳаммад бекчик ва укаси Бек Муҳаммад дуғлат, Шоҳ Назар мирзо, Мирзо Али, Қутлуқ Мирак мирзо, кунжи амирларидан Қулназар мирзо, Жонака мирзо, Ҳайдар кўкалдошнинг ўғли Мир Қанбар ва бошқалар ҳам Андижонга келишади.

Султон Сайидхон Андижонга келган пайтда Бобур Мовароуннаҳрни эгаллаш учун Кобулдан Ҳисорга қўшин тортиб келади. Унга қарши Ҳамза Султон, Маҳди Султон, Темур Султон ва бошқа ўзбек султонлари бирлашиб, Ҳисорда катта қўшин тўплаган эди. Фарғона вилоятида эса Жонибек султон, Кўчкинчихон ва Суюнжик султонлар Ахси ва Андижонни қайтариб олиш учун қўшин тортиб келишади. Бу хабарни олган Султон Сайидхон уларга қарши бир қисм қўшинни Косон қалъасига юборади. Лекин ўзбек султонлари Косон қалъасини қамал қилиб, уни вайрон қиладилар. Шундан сўнг Султон Сайидхон барча қўшинни лашкарбошилари билан бирга Косонга жўнатади.

Андижон қўшини бутунлай Косонга жўнагани ҳақида хабар топган Қашқар ҳокими Абобакр мирзо 20 минг кишилик қўшин билан Андижонни эгаллаш учун юриш қилади. У Ўзган, Ўш, Моду ва унинг атроф ҳудудларини эгаллаб, Андижонни қамал қилиш ҳаракатини бошлайди.

Бу орада Косонни мудофаа қилаётган қўшин шайбонийлар қўшинидан енгилиб, Андижон томон чекинади.

Улар Косон тоғларида Султон Сайидхоннинг мадад учун юборган қўшини билан бирлашиб, Андижонга қайтадилар. Бу қўшиннинг қайтиб келганидан Абобакир мирзо бехабар қолади.

Султон Сайидхон 1,5 минг кишилик қўшинини Андижон қалъасидан олиб чиқиб, Абобакр мирзонинг асосий қўшинига ҳужум қилади. Бу жанг 1511 йилнинг 24 октябрида Андижондан ярим фарсаҳ (4 км) узоқликдаги Тутлуқ деган жойда бўлиб ўтади ва жангда Султон Сайидхоннинг 1,5 минг кишилик қўшини Абобакр мирзонинг 20 минг кишилик қўшини устидан зафар қозонади. Абобакр мирзо қўшини катта талофат кўради, бир қисми асир олинади.

Бобур 1511 йилнинг сентябрь ойи бошларида Ҳисорнинг Пули Сангин деган мавзеида Ҳамза Султон, Маҳди Султон ва Мамоқ Султон қўшинини енгиб, бу султонларни асир олиб қатл этган ва октябрь ойи бошларида Самарқандни қўлга киритган эди. Бу хабар Фарғона вилоятига етиб келгач, Андижонга ҳужум қилиш тараддудида бўлган Косондаги Жонибек Султон бошлиқ ўзбек султонлари Фарғона вилоятидан чекиниб, Туркистон томон кетадилар. Шу тариқа 1511 йилнинг кузида Бобур Самарқандда, Султон Сайидхон Андижонда мустақилликни қўлга киритадилар.

1512 йилнинг апрель ойида Бобурнинг 40 минг кишилик қўшини Бухорога яқин Чўли Малик деган жойда шайбоний Убайдуллохоннинг 3 минг кишилик қўшинидан мағлуб бўлади. Бу мағлубиятдан кейин Бобур Самарқанд тахтидан айрилиб, Ҳисорга кетади.

Бобур Эрон шоҳи Исмоил Сафавийдан ҳарбий ёрдам олиб, Самарқандда яна ўзбекларга қарши юриш бошлаган пайтда – 1512 йилнинг ёзида Султон Сайидхон ўз қўшини билан Андижондан чиқиб Оҳангарон водийсида турган шайбоний Суюнжикхонга қарши юриш қилади. Улар Пискент яқинида тўқнашадилар. Жангда Султон Сайидхон қўшини енгилади ва Султон Сайидхон Андижонга қайтиб келади. Суюнжикхон уни таъқиб этмайди, чунки бу пайтда Бобур Шоҳ Исмоил Мир Нажим бошчилигида юборган 60 минг кишилик қўшин билан Самарқандга қайтадан юриш бошлаган эди. Лекин бу қўшин ҳам Ғиждувонда ўзбеклар томони-

дан мағлуб этилади. Айнан шу кунларда «Тарихи Рашидий» муаллифи Ҳайдар Мирзо Бобур Мирзодан рухсат олиб, Андижонга келади ва Султон Сайидхон хизматига киради.

1512 йилнинг кузида Суюнжикхоннинг Фарғона вилоятига қўшин тортиб келаётгани хабари Андижонга етиб келади. Уч ой аввал ундан мағлуб бўлган Султон Сайидхоннинг уларга қаршилик кўрсатишга кучи етмас эди. Андижондаги амалдорлар узоқ мулоҳазалардан кейин қуйидаги қарорга келишади: «Саид Муҳаммад Андижон қалъасини, Мир Ғўри Барлос Ахси қалъасини, Мир Доим Али Марғилон қалъасини мустаҳкамлаб, қамалга тайёргарлик қилишади. Султон Сайидхон эса қолган лашкар ва оила аъзолари билан Андижон шимолидаги тоғларга чекинади. Тоғларга қор тушиши боис, Суюнжикхон уларни таъқиб эта олмайди. Хоннинг шаҳардан ташқарида бўлиши ўзбекларга қалъалар қамалини олиб боришга имкон бермайди»[1]. Худди шу қарор амалга оширилади ва буни эшитган Суюнжикхон ҳарбий юришни тўхтатади. Шу тариқа 1512 йилнинг қиши Андижонда хотиржамлик билан ўтади.

Султон Сайидхон 1513 йилнинг баҳори ва ёзида Фарғона вилоятидаги қалъаларни мустаҳкамлаш билан машғул бўлди. Айни пайтда у Тошкентга – Суюнжикхонга қарши ҳарбий юришда ёрдам сўраб Шарқий Туркистондаги қозоқ султони Қосимхон билан музокара олиб боради. Султон Қосимхон қиш яқинлашиб қолганини баҳона қилиб, Тошкентга юриш қилишни рад этади.

1514 йил баҳорида шайбоний султонлари учун Андижондаги Султон Сайидхондан бошқа хавотирли киши қолмаган эди. Ўзбек султонлари 1514 йилнинг баҳорида бутун кучларини жамлаб Андижонга юриш бошлашади. Султон Сайидхон шайбонийларга бас кела олмаслигига кўзи етиб, улар Фарғона вилоятига етиб келмасидан, апрель-май ойларида ўз яқинлари ва оиласини олиб Қошғарга жўнаб кетади. Шу тариқа Фарғона вилояти шайбоний султонлари томонидан Мовароуннаҳрга қўшиб олинади. Ҳайдар Мирзонинг гувоҳлик беришича, хонликни бошқариш анъанасига кўра энг ёши улуғ султон Кўчкинчихонга берилган

[1] *Муҳаммад Ҳайдар мирзо*. Тарихи Рашидий. 388–389-бетлар.

бўлсада, давлат бошқарув ишларини амалда Убайдуллохон назорат қиларди.

Султон Сайидхон эса 1514 йили Абобакр мирзони енгиб, Қошғарни эгаллаб олади. 1522 йилда эса бутун Шарқий Туркистонни бирлаштириб, Ёркент хонлигига ёки Саидия давлатига асос солади. Султон Сайидхон мамлакатда тартиб ўрнатишга қаратилган сиёсий ислоҳотлар ўтказади ҳамда Шарқий Туркистонда катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширади. Тарихчиларнинг таърифига кўра, Султон Сайидхон атоқли сиёсатчи бўлибгина қолмай, айни вақтда таниқли олим, шоир, мусиқашунос ҳам эди. У Саъид тахаллуси билан шеърлар ёзган, шунингдек, хаттотлик, мусаввирлик, наққошлик, сартарошлик, заргарлик каби санъатлар соҳасида шуҳрат қозонган, отни безаш, қуймачилик, камон, ханжар, шамшир ясаш, дурадгорлик каби ҳунарларда ҳам донг таратган.

Умуман, «Тарихи Рашидий» асарида Фарғона водийси, хусусан, Андижоннинг Шайбонийхон қўшинлари томонидан забт этилиши, темурий шаҳзодаларнинг Шайбонийхонга қарши олиб борган кураш тафсилотлари ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Бироқ муҳим манбаларидан бири бўлмиш «Тарихи гузида-Нусратнома» асарида келтирилишича, Муҳаммад Шайбонийхон 909 йил шаввал (яъни 1503 йил апрель) ойида Фарғонага ҳужум қилиб, аввал Ахсини, сўнгра пойтахт Андижонни эгаллаган, шаҳарни бутунлай вайрон қилиб, халқни деярли қириб ташлаган. Андижон ҳокими Аҳмад Танбални бутун оиласи билан ўлдириб, ўз бекларидан Жонибек Султонни шаҳар ҳокими этиб тайинлаган.[1]

«Тарихи Рашидий»да Андижоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларига оид кўплаб маълумотлар келтирилган. Улардан айрим парчалар келтириш ўринлидир: **«Абусаид мирзо Хуросонни эгаллаб, ўша ёққа кетгач, Эсан Буғахон Андижонга жўнади. Ўша пайтда Абусаид мирзо томонидан тайинланган Мирзо Али Кучак Андижон ҳокими этиб тайинланган ва у Андижон қалъасини мустаҳкамлаб олган.**

[1] *Жалилов С.* Шарқ манбаларида Андижон тавсифи... 57-бет.

Хоннинг лашкари шу қадар кўп эдики, Андижон қалъасини уч қатор ўраб олиб, ҳамма томондан лаҳим қазишди. Улар ташқи қалъани эгаллашди. Аркда Мирзо Али Кучак ёлғиз қолди. Охир-оқибат туҳфаю тортиқлар қилиб, сулҳ тузишга мажбур бўлди. Хон Андижоннинг бутун аҳолисини аср тушириб, ўзи билан олиб кетди. Ўша асрга олинганларнинг авлодлари ҳозир ҳам Қашқар ва Мўғулистонда истиқомат қилишади».

Андижон ҳокими Султон Сайидхоннинг фазилатлари ҳақида шундай сатрлар ёзилган: «Султон Сайидхон олийжаноб, саодатманд, улуғ, хотиржамлик улашувчи, яхши хулқ-атвору ҳилма-хил фазилатлар ила безанган ҳукмдор эди. У Аллоҳ висолига доҳил бўлган пайтда муборак ёши қирқ саккиз атрофида эди. Унинг ҳайрли ишларида кўз илғаши мумкин бўлган камчилик йўқ эди. Ғоятда илтифотли, ҳушсуҳбат эди, ўзбекча гапирадими, форсчами, беҳад чиройли сўзлар эди. Бирор одамга мурожаат қилмоқчи бўлса, олдин жилмаярди. У ҳамиша қувноқ, меҳрибон, бағрикенг эди.

...Унинг сахийлиги таърифга сиғмайди. Мен унинг хизматида йигирма тўрт йил бўлдим. Султон Сайидхон бор нарсани сахийларча улашганидан омборларда ҳеч нарса қолмас, хон ошхонаси бўм-бўш бўлар эди, ўзи эса харамда овқатланар эди. Шундан кўриниб турибдики, ўз тасарруфидаги жойлардан тушган даромад, ҳатто совға-саломга етмасди... Баҳодирликда тенги йўқ эди. Масалан, бир куни ёнида эдим, унинг ўзи биринчи бўлиб душманга ҳамла қилди, бунинг баёни иккинчи китобда келади.

Мерганликда мўғул, ўзбек, чиғатойдан олдин ҳам, кейин ҳам унга тенг келадигани йўқ эди. Камина неча бор гувоҳ бўлганман, кийик овида ҳам, қуён ёки бошқа жонзод овида ҳам етти-саккиз ўқни бехато жўнатарди. Мўғулистонда қирғизлар ёки бошқалар билан бўлган жангларда отган ўқлари ўша қавмлар орасида машҳур эди.

...Билимдонликда мен унга ўхшаган кишини умримда кўрмаганман... Насталиқ хатида чиройли ёзар эди, имлоси форсийда ҳам, туркийда ҳам, арабийда ҳам тўғри ва бекаму кўст эди. У туркийда чиройли қилиб иншо тузишда беназир эди... Унинг шеър битиш маҳоратига эга одамларни

кам кўрганман. У ўйлаб ўтирмасдан бадиҳа шеър айтарди, йиғинлар ва суҳбатлар пайтида олдидаги қандай девонни очишмасин, ўша шеърларнинг исталган вазни ва қофиясига мослаб, бирданига шеър тўқиб ташларди».[1]

Ҳинд олими Бембер Гасконий ўз асарида Шайбонийлардан чекинишга мажбур бўлган ва Кобулдалиги даврида Бобур ўз амакиваччаси Султон Сайидхонни ўз паноҳида сақлаганини ёзган. Бобурнинг ишлари чаппасига кетиши туфайли Султон Сайидхон Шайбонийлар ҳузурига келишдан бошқа бир илож топа олмаган. Шу тариқа у Андижонга келишга мажбур эди. Бу пайтда Фарғона вилояти Жонибек султон қўлида бўлган, у эса Андижонни Хожа Али Баҳодир исмли кишига берган. Хожа Али Шайбонийхоннинг ишончли кишиларидан бири бўлган, унинг ҳузурида оталиқ мансабини бажарган. Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Андижон ҳокими Хожа Али «телбанома» бўлса-да, лекин ҳарбий ва салтанат ишларида билимдон эди».

Султон Сайидхон Андижонга келганида Хожа Али унинг нимаси бўлса тортиб олади, ўзини Андижон Арк дарвозасининг тепасида жойлашган бир ҳужрага қамаб қўяди. Эртаси куни Хожи Али Султон Сайидхонни боғлаб Жонибек Султон ҳузурига, Ахсига жўнатади. Айни вақтда бундан аввал Андижон ҳокими Хожа Али Жонибек Султон ҳузурига чопар юбориб бундан огоҳ этганида, Жонибек Султон Хожи Алига мана бу фармонни юборади: «Бу ёққа келган мўғул султонини менга ҳеч ким кафилликка бермаган, унинг қонини тўкишга шариатнинг ҳукми йўқ. Шу фармонни олганиданоқ уни тинчлик-омонлик бағрига топширсин, у қаёққа хоҳласа ўша ёққа борсин», деган фармон юборади. Натижада, соқчилар кузатувида Султон Сайидхон Ахсига етиб келай деган бир пайтда Андижоннинг мўътабар зотларидан бири Мавлоно Харсувор отдан сакраб тушиб, Султон Сайидхон отининг узангисини ўпиб, хушхонлик билан шундай деган: «Сизга хушхабар бор. Жонибек Султон Сизни озод қилишга ҳукм қилди. Бахт-иқбол ёрлиғини изимиздан Дўстмуҳаммад Али чўлоқ олиб келяпти». Шунда Андижон ҳокими Хожа Али Баходир шу нишоннинг ўзи ки-

[1] *Муҳаммад Ҳайдар мирзо.* Тарихи Рашидий. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. Тошкент 2010, бет 204–205.

фоя қилади, аммо Жонибек Султон бу қарорида турмаслигини, бу фармонини бекор қилиши мумкинлигини айтади. У Султон Сайидхон шарафига зиёфат ташкил қилади. Султон Сайидхоннинг ички кечирмаларидаги ҳолатни унинг тунд чеҳралари очилиб кетганини Муҳаммад Ҳайдар Мирзо шундай таърифлаган: «Юртимизнинг ранги Шоҳбекхоннинг (Шайбонийхон – Р.Ш.) сафро рангли фармони билан янглиқ сарғайган эди, энди қизил атиргул ранги таъсирида баҳор лоласидек қизарди». Шу зиёфат чоғида Жонибекнинг ясовули Оллоберди келиб Хожа Али Баҳодирга шум ҳабар етказади. Бундан бир оз вақт ўтиб Андижон салтанати Султон Сайидхонга насиб этганди. Ўшанда Султон Сайидхон атрофида Андижоннинг бир қанча табаррук зотлари жипслашган эди. Улар ҳақида Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» асарида маълумотлар келтирган.

«Тарихи Рашидий»да Бобурнинг Самарқандни қўлга олгани тафсилоти ҳам акс эттирилган. Жумладан, шундай ёзилган: «Иккинчи марта жуда катта қийинчиликлар ва қатор мағлубияту ғалабалар билан Бобур подшоҳ Самарқандни ўз тасарруфига олди. Самарқандни ҳимоя қилиш мақсадида у талабгорлар билан кўп жанг қилди, мағлубият ва ғалаба нималигини синаб кўрди. Иш шаҳарда қамалда қолишигача борди. Охири Бобур подшоҳнинг тоқати тоғ бўлиб, Шоҳибекхонга аввал эслатиб ўтганимиз опаси Хонзодабегимни бериб сулҳ тузди-да, кетди. Самарқанд Шоҳибекхон қўлида қолди. Бу қисқа баённинг тафсилотлари ғоятда узун-қисқаси, Самарқанд ҳақида ўйлашни бас қилиб, Бобур подшоҳ яна ўз тоғалари ёнига қайтиб, Андижон ишлари билан машғул бўлди. Хонлар ҳам белларини оталик меҳр-муҳаббати билан боғлаб, Андижонни эгаллаб, уни подшоҳга бериш учун саъй-ҳаракатлар қилишди. Иш айтиб ўтилганидек якун топди».[1]

Андижон вилояти савдогарларининг таянчи, барча одамлар билан келиша оладиган Хўжа Солиҳ, Андижондаги мухтасиб Мавлоно Юсуф Қошғарий, юксак маънавият ва мусиқанинг билимдони Худойберди, Андижон туркларидан Амир Аҳмад каби шахслар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу каби Андижон билан боғлиқ лавҳалар «Тарихи

[1] Ўша асар. 251–252.

Рашидий»да талайгинадир. Улар муҳим ёзма манба сифатида Андижон тарихининг айрим саҳифаларини ёритишга хизмат қилади.

Андижоннинг иқтисодий ривожланишида унинг атрофидаги қишлоқларни сув билан таъминлаб турувчи Оқбўра суғориш системасининг ўрни катта бўлган. Бу ҳақда «Бобурнома»да: «Андижон руди (яъни Оқбўра) Ўш маҳаллотининг ичи бирла ўтиб, Андижонга борур»[1], деб ёзилган.

Тарихчи олим Қобилжон Насритдинов таъкидлаганидек, Оқбўра дарёси Андижон шаҳрини шарқдан айланиб ўтиб, шимолдаги Оқёр жарлиги орқали Қорадарёга тушган. Бу даврда кўчманчи қабилаларнинг Фарғона водийсининг сувга сероб ва суғориш учун қулай бўлган ҳудудларида ўтроқлашиш жараёни тезлашган. Бундай воҳалар таркибига Оқбўра, Аравон дарёларининг этаклари ҳам кириб, бу ҳудудларга аҳолининг келиши натижасида бир қатор қишлоқларга асос солинган[2]. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ёзилган: «Оқбўранинг ҳар иккала жониби боғот тушубдур, тамом боғлар рудка мушрифдтур»[3].

XV асрда Андижон шаҳри Оқбўрадан чиқарилган тўққизта ариқ орқали сув билан таъминланган. Бу ариқлар қуйидагилар: Хокан, Бурхон, Шайх, Хўтан, Жўйибозор, Бўғра, Далварзин, Окробот, Тўқмоқ, Қўшариқ. Бобур тилга олган бу ариқлар ичида энг каттаси Хокан ариғи бўлиб, «улуғ шоҳ жўйдур ва чуқур оқар, ҳар еридан кечиб бўлмас», деб урғу бериш ўша даврда Андижон шаҳри атрофларидаги экин майдонлари ва аҳолининг сув таъминотида қийинчилик бўлмаганлигидан далолат беради[4].

XV асрнинг охири – XVI аср бошларида Мовароуннаҳр Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510) бошчилигидаги ўзбек қабилалари Фарғона водийсига кириб келадилар. Шайбонийхон 1504 йилда Фарғона давлатининг пойтахти Андижонни эгаллайди. Шу вақтдан бошлаб Фарғона водийсида темурийлар ҳокимияти тугатилади.

---

[1] *Бобур*. Бобурнома. – Т.: 1989, -8- бет.

[2] *Насритдинов Қобилжон.* Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи. «Янги аср авлоди», Тошкент, 2009, 27-бет.

[3] *Бобур*. Бобурнома. – Т.: 1989, 6- бет

[4] *Насритдинов Қобилжон*. Кўрсатилган асар. 28- бет.

АНДИЖОН ФАРЗАНДИ БОБУР ВА УНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Темурийлар сулоласи шуҳратини жаҳонга ёйган ҳукмдорлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У 1483 йилда Андижонда туғилган. Бобур Мирзо Умаршайхнинг ўғли, Султон Абусаиднинг невараси, Султон Муҳаммаднинг чевараси, хуллас, Амир Темурга бешинчи авлод эди. Унинг отаси Умаршайх Мироншоҳнинг набираси бўлган. Бобур Мирзонинг онаси Қутлуғ Нигор хоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур темурий шаҳзодалар ўртасида даҳшатли бир тарзда авжга минган тожу тахт ва давлат талашувига жуда эрта аралашишга мажбур бўлади.

«Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобур Мирзонинг Ҳиндистон тарихидаги ўрнига юксак баҳо берилади: **«Бобур Уйғониш даврининг типик вакили, заковатли, довюрак ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган».**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек ва ҳинд халқлари тарихидан буюк лашкарбоши ва давлат арбоби, улуғ шоир, мутафаккир ва тарихчи сифатида муносиб ўрин олган. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру шундай ёзади:

Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди. Санъат ҳаётида, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича серилҳом тараққиёт юз берди»[1].

Заҳириддин Бобур ҳукмронлиги давридаги «Ҳиндистон тарихи»нинг муаллифи, инглиз тилига биринчи бўлиб «Бобурнома»ни таржима қилган машҳур олим Вильям Эрскин Бобур Мирзони қуйидагича таърифлайди: **«Камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, истеъдодлилиги фан-**

[1] *Рустамбек ҳожи Шамсутдинов* ва бошқалар. Буюк бобурийлар сулоласи. – «Андижон» нашриёти. 1993, 21- бет.

га, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар ичида Бобурга тенг келадиган бирон та ҳам подшоҳ топа олмаймиз»[1].

Ж. Неру Бобурнинг набираси Акбарни шундай баҳолаган:

«Унинг набираси Акбар янада кўпроқ дилбар бўлган ва катта инсоний қимматни ўзида мужассам этган эди. Мард, қўрқмас жасур саркарда бўлган, айни вақтда олийҳимматли ва раҳмли, шафқатли, идеалист, орзуҳаёлларга берилувчан бўлган, бир вақтнинг ўзида у ҳаракатчан ва доҳий одам сифатида ўз издошларининг беҳад чексиз садоқатини қозонган эди. Жангчи сифатида у Ҳиндистоннинг бепоён ҳудудларини забт этди, бироқ у одамлар қалби ва онгини забт этишни орзу қилган». Акбар саройида хизмат қилган португалиялик бир арбоб унинг нигоҳи, қараши кишини ўзига тортадиган қудратли жозиба кучига эга бўлган ва кўзлари кўкдаги қуёшнинг денгиз сатҳини қандай ёртиб турганидек ёниб, чақнаб, порлаб турарди, деб тарифлаган.

Акбар бир бутун, ягона Ҳиндистон тўғрисидаги орзуни қайтадан тиклади, фақат сиёсий жиҳатдан бирлашган бутун давлатнигина эмас, балки бир-бирлари билан сингишиб кетган бир халқнинг шаклланишини орзу қилган.

Айни унинг даврида Шимолий Ҳиндистонда ҳиндлар билан мусулмонларнинг маданий қўшилиб кетиши анча илгарилаб кетган. Акбарнинг ўзи, шубҳасиз, ҳам ҳиндлар орасида, ҳам мусулмонлар орасида машҳур эди. Моғоллар (Бобурийлар – Р.Ш.) сулоласи хақиқий ҳинд сулоласи сифатида мустаҳкамланди[2].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган салтанатни унинг авлод-аждодлари Ҳиндистонни инглизлар босиб олгунга қадар – 1858 йилгача, жами бўлиб 332 йил бошқардилар.

[1] Ўша асар.

[2] *Джавахарлал Неру*. Открытие Индии. Книга первая.: Москва. Издальтсво политическая литература, 1989. Ст.407–409.

Ҳиндистон бобурийлар Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон даврларида, айниқса, гуллаб-яшнаган. Ҳудудлари кенгайиб ривожланган. Хусусан, Акбаршоҳ ва унинг набираси Шоҳ Жаҳон ҳинд халқининг қалбидан чуқур жой олган эдилар.

Шоҳ Жаҳонни ҳиндлар ҳурматлаб «Ҳазрати Шоҳжаҳон», «Баҳодир Шоҳ Жаҳон», «Шоҳ Жаҳонобод» номлари билан атаганлар. Ҳиндистонлик олимлар бобурий шаҳзодаларни Амир Темур сулоласидан бўлган «Барлос турклари», «Чиғатой тургонилари» ёки «Мўғул хоқонлари» деб атайдилар.

Хуллас, темурийлар сулоласининг буюк вакиллари ҳисобланмиш бобурийлар тарихи ҳинд халқлари тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга. Ғарбдаги бобуршунос олимлардан бири – инглиз олими Владемар Хансен ўзининг 1986 йилда Деҳлида инглиз тилида чоп этилган **«Товус тожи ёки мўғуллар салтанати қисмати»** китобида бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги 332 йиллик фаолиятига юксак баҳо беради: **«Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожисидир».**[1]

Маънавий маданиятимизнинг улуғ вакиллари орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ўзига хос муносиб ўринга эга. Бобур Мирзо ва бобурийлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Кашмир ва Бангладеш тарихида алоҳида из қолдирдилар. Бу, аввало, бобурийлар қолдирган буюк меросдир. Бу мерос, энг аввало, моддий маданият бойликлари бўлса, иккинчиси маънавий маданият дурдоналаридир.

Бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратувчилик ҳомийси, фан ва маданиятнинг жонкуяр ҳимоячиси эди. Унинг шиори инсониятга яхшилик қилиш ва эзгуликдан иборат бўлган. Буни биз Бобурнинг қуйидаги сатрлари орқали ҳам яққол ҳис этамиз:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

[1] Ўша асар. 8-бет.

Бобур Ҳиндистонда жуда қисқа муддатда у бегона юртнинг шарт-шароитини ўрганиш, ўзининг янги салтанатини мустаҳкамлаш каби ишларга катта куч-матонат ва вақт сарф қилган, бу ишлар билан ҳар қанча банд бўлмасин яратувчилик ва қурилиш ишларига ҳам вақт ва имконият топа олган. «Бобурнома»да унинг ўзи бу ҳақида шундай ҳикоя қилади: «...Нечунким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Чораф мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндистон ва яна ўзга мамолик сангтарошлардин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Аграда ушбу Агранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрийда ва Байнода ва Дўлпурда ва Гавалийарда ва Қўйилда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди...»[1]

Бобур иморатлар қурдиришдан ташқари карвон йўлларини тиклаш, ҳовуз, кудуқ ва ариқлар қаздириш ишлари билан шуғулланган, ҳаммомлар қурдирган. Ҳиндистонда сув тегирмонни биринчи бўлиб қурдирган ҳам Бобурдир.

Бобур вафотидан сўнг авлодлари навбати билан 1858 йилга қадар Ҳиндистонни идора қилганлар. Ана шу йиллар даврида Ҳиндистоннинг турли шаҳарларида барпо этилган буюк қурилиш обидалари Бобурийларнинг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳисобланади. Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, Қизил қалъа ансамбли, Жоме масжид, Градаги қалъа, Тож Маҳал, Фатхпур Секрий шаҳри, Секандарадаги Акбаршоҳ мақбараси, Лоҳурдаги қалъа ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Орадан шунча замонлар ўтган бўлса-да, бу обидалар ўз маҳобатию тароватини йўқотмаган ҳолда ҳали-ҳануз кишиларни мафтун этиб, ўзига лол қолдириб келмоқда.

Бобурий шаҳзодаларнинг Ҳиндистонда турли даврларда қурдирган архитектура ёдгорликларининг нақадар гўзаллиги ва маҳобатига биргина Тож Маҳал мақбараси ёрқин мисол бўла олади. Бу мақбарани Шоҳ Жаҳон (1627–1658) ўзининг севикли хотини Аржуманд Бону Бегим (Мумтоз Маҳал)

[1] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. 209-бет.

ҳотираси эвазига қурдирган. Мумтоз Маҳал вафотининг бир йиллиги муносабати билан мақбарага биринчи тош қўйилади.

Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси унга андоза бўлади, услуб жиҳатдан ўхшашдир. Фарқи шундаки, Ҳумоюн мақбараси боғнинг ўртасида қурилган бўлса, Тож Маҳал мақбараси боғнинг тўрисида жойлашган. Бу улкан ва гўзалликда тенги йўқ архитектура ансамблининг қурилиши 1632 йилда, бошланиб 1653 йилда тугалланган. Инсон ақл-заковати ва моҳир қўли билан яратилган ушбу санъат мўъжизаси қурилишида ҳар куни 20 минг одам ишлаган экан. Олим Ансориддин Иброҳимов[1] берган маълумотларига қараганда, Тож Маҳал шу даражада катта ҳажмдаги беқиёс қурилиш бўлган эканки, 22 йил давомида унга сарф қилинган харажатларнинг ҳисобини чиқаролмаганлар ва шу боисдан бу ҳақда турли маълумотлар тилга олинади. Бу улкан қурилишга сарф қилинган харажатлар бир ерда 6 миллион рупия дейилса, бошқа жойда 60 миллион рупия деб қайд этилади. Яна бошқа манбаларда 5 миллион, баъзиларида эса ҳатто тийинтийингача кўрсатилиб, 31 миллион 748 минг 28 рупия, ёки 3 миллион 174 минг 802 фунт стерлинг деб кўрсатилади.

Тож Маҳал мақбараси қурилиш ашёлари турли мамлакатлардан: сарғиш мармар Ўрта Ҳиндистондан, оқ мармар Ражастханинг Маркана деган жойидан, биллур Хитойдан, ёқут–лаъл Бадахшондан, ложувард Шри-Ланкадан, яшил тошлар Панжобдан, ақиқ Эрондан, маржон ва дурлар Ҳинд уммонидан ва ҳоказолардан келтирилган.

Мўъжизалар мўъжизаси бўлган Тож Маҳалдек санъат дурдонасини яратган лойиҳачи меъморлардан 40 га яқин устанинг номлари ёзма манбаларда тилга олинади, ҳатто уларнинг ойлик маошлари ҳам келтирилади. Жумладан, лойиҳачи меъмор Муҳаммад Исо Афанди – туркиялик, маоши 1000 рупия, Сатторхон-ҳатот, туркиялик, маоши 1000 рупия ва бошқалар. Бир кеча-кундузда бир неча хил рангда тобланиб турувчи Тож Маҳални ҳиндлар ҳақли суратда дунё мўъжизаларидан бири, деб мағрурланадилар.

[1] *Ансориддин Иброҳимов*. Бобурийлар мероси, 60-бет.

Ўз вақтида, ҳатто Шоҳ Жаҳоннинг ўзи ҳам Тож Маҳал гўзаллигига тан бериб: «Ер юзидаги одам боласи буни бунёд этишга қодир эмас, бунинг шакли-шамойили осмондан туширилгандир[1], дейди. Инглиз арбоби Эдвард Лир эса аҳли дунё одамларини иккига бўлади: «биринчи Тож Маҳални қурганлар, иккинчиси қурмаганлар».[2]

Бобурийлар сулоласи томонидан дастлаб Афғонистонда, сўнгра Ҳиндистон, Покистон ва Кашмирда барпо этилган муҳташам ва кўркам боғларнинг кўплари ҳозирача ҳам ўзининг гўзаллиги билан инсонларни мафтун этиб келмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1504 йилда Кобулни эгаллагач то 1509 йилга қадар бу ерда ўнта боғ ташкил қилган: Шаҳарарo боғ, Чорбоғ, Боғи Жиловхона, Ўра боғ, Суврат боғ, Боғи Моҳтоб, Боғи Оҳухона, Одинапур қалъаси ёнидаги Боғи Вафо ва яна учта боғ ана шулар жумласидандир. Бобур Мирзо Ҳиндистонда бир неча боғлар бунёд этди. Булар: Аградаги Ором боғи, Беҳишт, Секридаги Боғи Фатҳ, Дибалпурдаги Нилуфар боғи, Боғи Назаргоҳлардир. Гўзаллик ва гуллар шайдоси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи барпо этган боғларни дунёдаги бор бўлган кўчат–мевалар ва гуллар билан безайди.

«Бобурнома»да фақат Дашти шайх қирлари этагида ўсадиган лоланинг 33 хили номма-ном тилга олинади. Ривоят қилишларича, Ҳиндистонга атиргулни ҳам биринчи бор Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо келтирган экан.

Гўзал боғлар барпо этишдек ажойиб анъанани Бобур Мирзонинг авлодлари ҳам давом эттирганлар. Бобурийлар сулоласининг энг буюк вакили бўлмиш Акбаршоҳ даври (1556–1605)да яратилган боғлар ҳақида Акбаршоҳнинг давлат маслаҳатчиси аллома Абулфазлнинг «Отини Акбарий» асарида қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, Аградан 23 мил масофада Акбаршоҳ Фатхпур Секрида янги пойтахт барпо этиб, унинг чор атрофини гўзал боғларга буркайди. Кашмирда Сринагардаги Дал кўли бўйида «Насим боғи»ни қурдирган. Акбар барпо этган боғлар орасида Аградаги Секандарада Акбар мақбараси атрофидаги энг гўзали

[1] Ўша манба, 61-бет.
[2] Ўша манба, 61-бет.

ва маҳобатлисидир. Бобур Мирзонинг невараси Жаҳонгир Мирзо (1605–1627) Ҳиндистон тарихида тасвирий санъат ва боғ яратишнинг буюк ҳомийси сифатида тилга олинади. Ғарбий Покистондаги, Ҳасан Абдул яқинидаги Ваҳ деган жойда, Аграда қайнотаси Этимодуд давлага атаб ва Лоҳурда эса Дилкушо деб аталувчи у яратган боғлар бири-биридан гўзал ва лобардир. Ҳиндистонликлар Жаҳонгир Мирзони энг улуғ боғ яратувчи деб атаганлар. У яратган барча боғлар орасида Кашмирдаги Шалимар боғи гўзал масканларнинг тенгсизи бўлган. Ҳиндлар бу боғни ҳақли суратда «Севги маскани» деб атайдилар. Жаҳонгир барпо қилган боғлардан яна бири Нишот боғ, яъни жаннат боғидир. Бу боғни Жаҳонгир Шоҳнинг гўзал хотини Нур Жаҳоннинг акаси Асафхон бунёд эттирган.

Анантнаг тоғи яқинида жойлашган Ачҳабал, Ровалпиндидаги Ҳасан Абдал булоқлар яқинидаги Ваҳ боғи ва яна бошқа бир қанча боғлар ҳам Жаҳонгир номи билан боғланган. Жаҳонгир шоҳ вафот этганда (1627) Нур Жаҳон Лоҳурда эрининг васияти ва ҳурмати эвазига Шоҳдара боғини барпо эттириб, у ерда мақбара қурдиради. Мақбара ниҳоятда гўзал ва бетакрордир. Оқ мармардан тўртта минораси узоқдан одамларнинг диққатини ўзига тортади. Боғдан тўртта йўл мақбара сари боради. Бу йўлларнинг учтаси мармардан ишланган панжаралар билан тўсиб қўйилган. Мармар қабр тошлар рангли бир тусда безатилган ва унинг бош томонида форс тилида қуйидаги сўзлар битилган: «Ушбу ер Аъло Ҳазратлари Нуриддин Жаҳонгиршоҳ Подшоҳнинг нур тўла қабрлари, сўнгги манзилгоҳидир».

Бундай гўзал боғлар Шоҳ Жаҳон (Тож Маҳал ҳақида юқорида ҳикоя қилинди) даврида ҳам барпо этилган. Айниқса, 1634 йилда Хон Алимардон бошчилигида қурилган Лоҳурдаги Шалимар боғи Шоҳ Жаҳоннинг энг нодир ижодий маҳсули ҳисобланади. Бу боғни ўз вақтида жаннатнинг поғоналари мисолида таърифу достон қилганлар. Боғдаги ариқ ва ҳовузни безаб турган 450 та фаввора боғнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Мулла Абдулҳамид Лаҳурий «Подшоҳнома» асарида гувоҳлик беришича, боғнинг очилиши муносабати билан бу ерда ҳозир бўлган

маърифатли ва доно шаҳслар бундай гўзал ва ҳашаматли мўъжизани илгари Рум, Ироқ ва Мовароуннаҳрда ҳам ҳеч қачон кўрмаганликларини ҳайратланиб таъкидлаганлар. Бобурийлар фақат Лаҳорда 36 та боғ яратганлар. Бобурийлардан қолган улкан дарвозалар, ажойиб масжид ва мадрасалар шу кунга қадар ўз кўрки, жамоли билан ҳар қандай кимсани ҳам мафтун қилади.

Бобур Мирзо ва бобурийлар сулоласидан фахрлансак, арзигулик маънавий мерос намуналари ҳам қолган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг барча ёзган асарлари бизгача етиб келмаган. Унча тўлиқ бўлмаган шеърий девони, ислом дини асосларини баён этувчи «Мубайин» номли шеърий рисоласи, «Волидия» деб аталган тасаввуфга оид бир китобчанинг назм билан таржимаси, Бобур ихтиро этган ва «Хатти Бобурий» номи билан машҳур бўлган алфавит жадвали ва албатта, унинг шоҳ асари «Бобурнома» улуғ шоир қолдирган маънавий мерос бўлиб, авлод-аждодларимизнинг маънавий камолотига хизмат қилмоқда. Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлган. Уни «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Воқеоти Бобурий» деб ҳам атадилар. Асар кейинчалик «Бобурнома» номи билан шуҳрат қозонди.

«Бобурнома» Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таржимаи ҳолини акс эттирувчи асар десак янглишмаган бўламиз. Унда салкам 36 йиллик воқеалар баёни берилган, лекин шундан ярми – 18 йиллик воқеалар турли сабабларга кўра «Бобурнома»дан ўрин олмаган. Ана шу узилиб қолган Бобурга алоқадор воқеаларни инглиз таржимонлари қуйидаги ёзма манбалар асосида шартли равишда тиклаб чиққанлар: «Тарихи салотини Афғона», «Тарихи Рашидий», «Ҳумоюннома», «Акбарнома», «Табоқоти Акбарий», «Тарихи Фаришта», «Лаббу Таворих», «Тарихи Оламароий», «Тарихи Бадаюний», «Тарихи Синд» ва бошқалар[1].

«Бобурнома»ни қомусий бир асар сифатида таърифланса ҳам ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Зеро унда тарих илми, жуғрофияга оид воқеалар, табиат сарчашмалари, аҳолининг этник таркиби, бадиий шоирона лавҳаларда ўз аксини, садосини топган. Туркий тилда Бобурнинг ўз қўли билан

[1] Ўша манба, 6-бет.

ёзилган бу китобнинг дастлабки сатрлари улуғ шоирнинг насл-насаби темурийлардан эканлигига гувоҳлик беради.

«Бобурнома»ни ўқиган ҳар бир киши асар муаллифи ниҳоятда соғлом ва чиниққан бир йигит бўлганлигига ишонч ҳосил қилади. Чунки 17 ёшли Бобур қиш кунида Бекобод яқинидаги Хачтияк деган қишлоқда тунайди (Бу қишлоқ ҳозир ҳам бор). Сирдарё юзи ўшанда совуқдан музлаган эди. Бобур эрталаб уйғонганидан зарурат сезиб, музни ёриб, сув билан ғусул қилган экан.

Йигирма уч ёшга кирган Бобур кеч кузда Ҳиротда Кобулга қайтаётганда Афғонистоннинг энг баланд қорли довонларидан бири бўлган Қўтали Зарринга қалин қор ёғиб йўл бекилиб қолади. Қор узангидан баланд бўлади, отлар юролмай қолгандан кейин қор тепиб, йўл очишга киришадилар. Лекин баланд тоғ устида ҳаво сийрак бунинг устига қор бўралаб ёғиб кўз очирмайди. Тик йўл юқори қараб кетган, бақувват йигитлар ҳам қор тепа-тепа ҳолдан тоядилар. «Энди шу довонда қор тагида ўлигимиз қолади», деган ваҳима бошланади. Шунда Бобурнинг ўзи олдинга ўтиб, қор тепиб, йўл очишга киришади. Одамларни Қутай деган шамолпана жойга бошлаб чиқишга муваффақ бўлади. Бу воқеада биз Бобурнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий куч-қудратини яққол кўрамиз. Шундай оғир вазиятда у ўз шоирлик истеъдодидан мадад олади. Гўзал бир ғазалга матлаъ, яъни калит бўлган қуйидаги икки сатрни Қўтали Зарринда қор остида тунаганда ёзади. Мана ўша машҳур матлаъ:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму!
Хаста кўнглим тортмаган дарду балоси қолдиму.

«Мен умрим бўйи йўлимда учрган барча дарёлардан сузиб ўтдим», – деб ёзади ўз китобида Бобур. Демак, у Сирдарё, Амурдарё, Кобилу Синд, Жамна ва Ганга дарёларининг ҳаммасидан қулочкашлаб сузиб ўтган. Бу фактларга ҳеч қандай шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки ҳинд олими В.Даттнинг ёзишича, Бобур Ҳиндистонда яшаган даврида, яъни 44–45 яшарлик пайтларида Агра қўрғонининг кенг девори устида икки соқчи йигитни икки қўлтиғига кўтариб

чопиб ўтганини кўпчилик кўрар экан[1]. «Бобурнома» нафақат Фарғона ва Мовароуннаҳр, шу билан бирга Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон халқларининг тарихи, этнографик хусусиятлари, таркиби, мамлакатларнинг жуғрофий тузилиши, маъмурий бўлиниши, табиати, иқлими, тоғлари, сувлари, даштлари, ўсимликлар дунёси ва бошқалар ҳақида моҳирона бир тарзда баён этилган буюк асардир.

«Бобурнома»нинг аҳамияти тўғрисида турли даврда алломалар турлича фикр билдирганлар. Бироқ «Бобурнома»ни инглизчага ўгирган Ф.Телботнинг қуйидаги сўзлари ғоят диққатга сазовордир: «Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси Бобур хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул»[2].

Англиянинг ўзида «Бобурнома»нинг 9 марта чоп этилгани бу асарга инглиз жамоатчилиги нечоғлик катта эътибор бераётганлигини кўрсатади. 1990 йилда «Бобурнома»нинг 460 йиллиги дунё узра кенг нишонланди. Бу ҳол улуғ ватандошимиз, темурийлар сулоласининг атоқли вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон миқиёсида ўз ўрни ва баҳоси борлигига яна бир далилдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур гўзал лирик ғазаллар, фалсафий рубоийлар муаллифидир. У ўз шеърлари, ғазаллари ва рубоийларида ҳаётни, ватанни улуғлайди, соф севги, вафони куйлайди, илмни қадрлайди, одамларни ахлоқ-одобга чорлайди. Шоир:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангани илм толиби, илм керак
Мен толиби илм толиби илм йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак,

рубоийсида илм-маърифатни қадрлаган киши уни ҳавас, иштиёқ билан албатта, эгаллай олишини ифодалайди. Ёшларни илм аҳлидин ўрганишга даъват этади:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидир.

[1] *Пиримқул Қодиров*. Руҳнинг жасорати. «Халқ сўзи», 1991 йил 1 февраль.
[2] *Ансориддин Иброҳимов*. Бобурийлар мероси, 5-бет.

Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидир.

Бу рубоийда шоир одамларни ҳаётда яхшилик қилишга даъват этади, яхшилик қилган киши яхшилик, ёмонлик қилган киши ёмонлик кўришини айтиб огоҳлантиради. «Қилмиш-қидирмиш» деганларидек ҳар яхшилик ва ёмонликнинг ибтидоси инсоннинг ҳулқи, одоби эканлигига ишора этиб, Бобур одамларга яхшилик қилишни насиҳат қилади. У ўзининг:

Ҳулқингни рост этгил ҳар соригаки босанг,
Ахсанта[1] дер бори эл гар яхши от чиқарсанг,
Бори элга яхшилик қилгилки мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ,

деган рубоийсида кишиларни яхши ҳулқли, ахлоқ-одобли бўлишга чақиради.

Хуллас, Бобур ва Бобурийлар – халқимизнинг улуғ ва буюк фарзандлари миллий ифтихоримиз ва ғуруримиздир. Улар ўзларининг серқирра фаолиятлари ва ижод дурдоналари билан жаҳон маданияти тарихига муносиб ҳисса қўшдилар.

Бобурийлар даврида узоқ Туркистон, хусусан, Андижондан ҳам кўплаб бинокорлар, меъморлар, табиблар, олимлар, шоирлар Дехли ва Аграга келишган. Бу табаррук шаҳар билан кўплаб юртдошларимиз номи боғлиқдир. Ўзбек халқининг миллий қахрамони, бутун мустамлака Туркистонини ларзага келтирган, истиқлол байроғини биринчилардан бўлиб кўтарган ва бу йўлда қурбон бўлган машҳур Дукчи (Муҳаммадали) Эшон ҳам ўз даврида бу азим шаҳарда бўлганди. Андижонлик сиёсий, жамоат арбоби, ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан биринчи дипломат Зуҳра Раҳимбобоева собиқ Иттифоқнинг Ҳиндистондаги мухтор элчисининг ўринбосари бўлган. Ўша вақтлари у Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди хоним билан яқиндан дўст ва ўртоқ бўлган. Мен унинг шахсий архивида Индира Ганди, ўғли Раджив Ганди билан биргаликда тушган суратини кўрганман.

[1] *Ахсанта* – жуда соз.

Марҳума Зуҳра опа менга Индира Ганди билан биргаликда ўтказган дамларини, кўплаб ҳаётий лавҳаларини сўзлаб берганди. Замонамизнинг буюк давлат арбобларидан бири Индира Ганди хоним Бобур ва унинг авлодларига чуқур ҳурмат ва эҳтиромда бўлгани, Бобурийлар қолдирган тарихий, маданий обидалар, санъат, адабиёт асарларини юксак баҳолаганини айтиб берганди.

Индира Ганди яшаган, хизмат қилган ва душман ўқидан ҳалок бўлган уй ҳозирда зиёратгоҳ жой – унинг уй музейига айлантирилган. Мана шу уйда юртдошимиз Зуҳра опа Раҳимбобоева ҳам бир-неча бор бўлган. Бу икки шарқ аёл арбоблари кўпдан-кўп суҳбатлар қуришган, катта давраларда бирга бўлишган.

Индира Ганди уй музейи шундай ўзига хос жиҳозланганки, гўё бу ажойиб инсон тирикдай, бирор юмуш билан бир-неча дақиқага бошқа ёққа чиқиб кетган-ку, мана ҳозир кириб келаётгандай[1].

Буюк истиқлол улуғ аждодларимизнинг маънавий мероси орқали ёш авлод қалби ва онгига миллий анъана ва қадриятларимизни сингдириш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш борасида Андижонда ҳам катта ишлар қилинмоқда. Бу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллик таваллуди тўйи юртимизда кенг нишонланганини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ахир шу вақтгача буюк Бобур ва унинг бетакрор меросини алоҳида нишонлаш бўлмаган эди, бунга йўл берилмаган эди. Ана шу қутлуғ сана билан Андижон шаҳрида улкан ободончилик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Бобур ҳайкали ўрнатилди, Боғишамол тепалигида эса улуғ юртдошимизнинг Кобулдаги қабридан олиб келинган муборак хоки қўйилган рамзий мақбараси бунёд этилди. Мақбара ёнида Бобурнинг хотира музейи барпо қилинди.

[1] *Шамсутдин ўғли Рустамбек Хожи.* Бобур излаб. Андижон. 1993. 179–182-бетлар.

Андижондаги тўнғич олий ўқув юрти – Андижон давлат университети унинг номи билан аталадиган бўлди, бу илм-фан даргоҳида Бобурнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилди.

Советлар замонида Бобур ва унинг меросига салбий жиҳатдан ёндашилгани барчага маълум. Унинг номи ўзи туғилган азми Андижонда абадийлашмаганди. Жавоҳарлаъал Неру қизи Индира Ганди билан икки марта собиқ Совет Иттифоқига, Ўзбекистонга ташриф буюрганида Бобур туғилган Андижон шаҳрига ташриф буюриб, унинг номи билан боғлиқ тарихий обидаларни кўриш иштиёқида бўлганида ўша даврдаги совет мулозимлари ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, дипломатик йўл билан рад жавобини берганлар. Чунки Андижонда бирон-бир муассаса, боғ-роғ, ўқув ёки маданий маскан унинг номи билан аталмасди. Айрим миллий зиёлиларнинг Бобурнинг номини она юрти Андижонда абадийлашириш тўғрисидаги саъй-ҳаракатлари кучли танқидга учраганди. Масалан, Андижон давлат педагогика институти ректори, профессор Ғ.Х.Абдуллаев ўша вақтдаги ЎзССР Министрлар Советига ВЛКСМ 30 йиллиги номини олган институтни Бобур номи билан аталишини сўрагани учун маълум тазйиққа учраган эди. Андижон шаҳар ижроқўми раиси Зокиржон Машрабов Москвадаги Мтишова ҳайкаллар яратувчи корхонада Бобурнинг бронзадан ишланган ҳайкалини буюртма асосида тайёрлаб Андижонга олиб келгани учун юқори мансабдорларнинг қаҳри ғазабига учраганди. Оқибатда, у лавозимини тарк этишга мажбур бўлган эди. Ҳатто қайта қуриш, Ўзбекистондаги янги миллий уйғониш даврида ҳам маҳаллий раҳбарлар бу ишга панжа орасидан қараганлар. Бунинг ёрқин мисоли шаҳардаги шоҳкўчани Бобур номи билан аташ тўғрисидаги масала Андижон шаҳар жой номлар ҳайъати йиғилиши кун тартибига қўйилганда ҳам айрим лавозимдор шахслар бунга изн беришга тўсқинлик қилганлар. Лекин ўша шоҳкўча кенг жамоатчиликнинг талаби ва ташаббуси билан Бобур номига ўзгартирилди. Мана, эндиликда бу буюк инсоннинг номига қўйилган шоҳкўча шаҳарнинг Қўшариқ даҳасидан бошланиб, шаҳарнинг эски ва янги даҳаларининг қоқ ўртасидан ўтиб, Мирпўстин ва Машрабжон Қаландаров кўчалари ке-

сишган майдонгача бўлган 12 км масофада чўзилган. Унинг ўртасидан магистрал автомобиль йўли, икки чекаси пиёдалар учун ажратилган йўл, ажойиб, ҳашаматли кўп қаватли бинолар, саноат, савдо, маъмурий, маданий, маърифий, спорт муассасалари жойлашган. Бобурнинг номи беш аср ўтиб киндик қони тўкилган Андижонни деярли янгидан барпо бўлаётганлигига маънавий, рухий, илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг ҳаммасини андижонликлар буюк истиқлолнинг берган имконият ва неъматлари деб ҳисоблайдилар.

Андижонда ташкил қилинган Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан бу буюк зотнинг қадамжолари бўйлаб бир неча бор илмий экспедиция амалга оширилди. Экспедиция аъзолари Жануби-Шарқий Осиё, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ минтақасидаги қатор мамлакатларда бўлиб, улуғ аждодларимизнинг ҳаёт ва фаолиятига оид ноёб ёдгорликлар, илмий далил ва материалларни тўплашга, улар асосида бир қанча асарлар, кўп серияли ҳужжатли фильмлар яратишга эришдилар.

Жаҳон адабиётининг нодир намунаси бўлмиш «Бобурнома» асарининг мукаммал варианти биринчи марта юксак сифат билан нашр этилгани ҳам мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Бобур ва унинг меросига бағишлаб Халқаро симпозиум, анжуманлар ўтказилди.

БОБУРИЙЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ АВЛОДИ

«Қардош Ҳиндистон диёрида бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур сулоласининг вакиллари улуғ аждодлари хотирасини асрлар оша асраб-авайлаб келаётганликлари биз учун беҳад қувонарлидир. Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий гуруридир».

Ислом КАРИМОВ

Шундай қилиб, Ҳиндистонда Бобур асос солган буюк сулола 332 йил умр кўрди. Бу буюк империянинг тугатилиши беш аср давом этган Темурийлар сулоласининг ҳам тугатилиши эди.

Бобурийлар сулоласи тарихида ҳали ечимини кутаётган, ёритилиши, умумлаштирилиши, ўрганилиши ва ўзбек китобхонларига етказилиши зарур бўлган масалалар, мавзулар кўплигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бу ерда сулола тарихига оид баъзи бир лавҳаларнигина келтирдик, холос. Келажакда Бобурийлар сулоласи давридаги Ҳиндистон тарихининг ҳамма жиҳатларини, айниқса, иқтисодиётини, маданиятини, меъморчилигини, тасвирий санъатини, дипломатиясини, ҳарбий фаолиятини, аҳолисини турмуш тарзини, сулола маликалари ҳаётини ўрганиш лозимдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргача Бобур авлодларидан вакил борлиги мавҳум эди. Аксарият ҳолларда унинг хеч бир авлоди қолмаган, деб ҳисоблаб келинарди. Чунки инглизлар Ҳиндистонни забт этгандан кейин Бобурийлар наслини қириб юборишганди. «...1992 йил 2 октябрда самолётда Деҳлидан Тошкентга учиб келаётганда Нажиб ур-

Раҳмон исмли Харьков тиббиёт институтининг аспирантурасида ўқиётган деҳлилик йигит билан танишиб қолгандим. Суҳбатда Нажб ур-Раҳмондан ҳозир бобурийларга мансуб кишилар бор-йўқлиги ҳақида сўраганимда, у шундай жавоб қилганди:

– Деҳлида бир аёл яшайди, унинг исми Покизабегим. Ёши 50–55 ларда. Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш ташкилотига қарашли катта кутубхонага директорлик қилади. Ўзи бева, онаси бор. Мен у билан бирнеча бор кўришганман. Покизабегим холамнинг дугонаси. У Бобур авлодидан эканлигини кўп айтган.

Бобур авлодидан яна бир киши борлигини Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тарих институти директори А.Асқаровдан эшитдик. Унинг айтишича, 1993 йили июнь ойида бўлиб ўтган ва ўзи қатнашган халқаро илмий анжуманда минбарга чиққан бир профессор буюк Бобур авлодиданлигини маълум қилган. Унинг исми шарифи Муҳаммад Мўғули экан.

Ҳайдарободдаги «Буюк Мўғуллар сулоласи» жамияти бош котиби, бобурийлар сулоласининг энг сўнги вакили Баходиршоҳ II нинг набираси Зиёвиддин Тусийдир.

1858 йилда инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонни забт этгандан кейин бобурийлар хонадонига мансуб бўлган катта-ю кичикни, ичкаридаги аёллар, хизматчилар, хуллас, кимки шу хонадонга дахлдор бўлган кишиларнинг ҳаммасини бешафқат қиличдан ўтказишган. Ҳеч бир кимса омон қолган эмас... Тақдирнинг, Яратганнинг қудрати ва кароматини қарангки, бир тасодиф бўлиб ўша пайтда Баҳодиршоҳ Зафарнинг Мирзо Қуёш исмли кичкина ўғли омон қолади. Уни Баҳодиршоҳ II га хайрихоҳ бўлган олийжаноб, яхши ниятли инсонлар яшириб тарбия қиладилар. Улар гўдакка: «Сен энди ўзингнинг кимлигингни, қандай хонадонга мансублигингни унут. Омон қолай десанг, агар бошинга ўлим келмасин десанг, ўзингни насабингни ҳеч қачон бировга билдирма», деб насиҳат қилишади. Шароит тақозоси билан ўша гўдак улғайиб то эсини таниб, оила қургунча ўзининг шу улуғ шоҳлар авлодидан эканини яширишга мажбур бўлади. Замонлар ўтиб Мирзо Қуёшдан Абдуллоҳ деган бир ўғил дунёга келади. У ҳам

ўсиб улғайиб, вояга етиб уйлангач, ўғил кўради. Унга Мирзо Абдулғофир деб исм қўяди. Орадан бир қанча йиллар ўтгач, Мирзо Абдулғофирдан Мирзо Юсуф деган ўғил ва икки қиз қолган. Қизларидан каттасининг исми Ҳусни Жаҳон Оро Бегим. Исмидан ўша аслзода хонадонга мансублиги кўриниб турибди. Ҳозир у Аврангзебобод шаҳрида истиқомат қилади. Ёши 86 да. Синглиси Бегим Соҳиби Лайло Уммон хонимнинг ёши 82 да. Бу нуроний аёлнинг катта ўғли «Мўғуллар сулоласи» жамиятнинг бош котиби Зиёвиддин Тусий, учинчи ўғил Орифиддин Тусий, яна бир ўғли Ғорифиддин Тусий вафот этган. Тўртинчи ўғил Шожамиддин Тусийдир.

Андижон давлат медицина институти профессорлари С.У.Жумабоев ва А.А. Аблазовларнинг таклифи билан Англиянинг Шимолий Манчестр шаҳридаги марказий касалхона радиология департаментининг бошлиғи доктор Али Навоз Хон Бобур Андижонга 1992 йили ташриф буюрганди. Профессорлар С.Жумабоев, А.Аблазовлар эса 1993 йили Шимолий Манчестрга бориб, Али Навоз Хон Бобурнинг меҳмони бўлишди. Биз А.Аблазов билан учрашиб, Англиядаги бу олимнинг исми нима сабабдан Бобур деб аталишини, у бобурийлар авлодига мансубми, деб сўрадик. Биз адашмабмиз. Профессор. А.А.Аблазов Али Новос Хон Бобур чиндан ҳам Бобур авлодиданлигини, бу ҳақда унинг ўзи ҳам бир неча бор айтганлигини, ҳатто унинг уйида Бобур авлоди шажараси борлигини мароқ билан гапириб берди.

Доктор Али Навос Хон Бобур дўстлар таклифи билан 1994 йил октябрида Андижонга иккинчи марта меҳмон сифатида ташриф буюрди. Бу сафар у профессорлар А.Аблазов ва Р.Шамсутдиновларнинг хонадонида меҳмон бўлди. Андижонда Бобур уй-музейининг, жомеъ масжидини, Боғишамолда Бобур миллий боғини кўрди. Буюк бобокалонининг рамзий мақбарасини зиёрат қилди.

Андижон давлат университети ва тиббиёт институти олимлари билан учрашди. Университетда Бобурийлар меросини ўрганувчи «Мерос» илмий маърифий маркази ишлари билан яқиндан танишди. Ректорлар ЎзФА мухбир аъзоси А.Қосимов ва профессор С.Жумабоевлар меҳмонга ўзлари

раҳбарлик қилаётган олий ўқув юртларининг бугунги ва келажаги ҳақида сўзлаб бердилар.

19 сентябрь куни азиз меҳмон дўстлари ҳамроҳлигида «Андижоннома» вилоят газетаси таҳририятига ташриф буюрди. Бу ерда журналистлар билан жонли мулоқот бўлди. Али Навоз Хон Бобур журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб бериш билан бирга Андижон вилоятидан олган таассуротларини сўзлаб берди. Меҳмоннинг юртимиздан олган таассуротлари қуйидаги дастхатида ёрқин ифода этилган:

«Бу сафарим менинг Андижонга иккинчи ташрифимдир. Биринчи ташрифим Ўзбекистон мустақилликка эришуви арафасида, 1991 йили августда бўлган. Мен Андижонни – шаҳарни ҳам, одамларни ҳам, маданияти-ю, тарихини ҳам ёқтириб қолдим. Бу ерда маданиятли, билимли кишилар яшаябди, уларнинг меҳмондўстлигини жуда кўп халқларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Ҳамма жойда менга илиқ, оға-инилардек муомалада бўлишди. Таассуротларимни тўла ифодалаш учун сўз топа олмайман. Ўзбекистон халқига бахт ва омад тилайман, яхши ниятлари ҳамиша рўёбга чиқишини истайман».[1]

2011 йил май ойида Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасига чамаси 55–60 ёшдаги, соқол мўйловли, очиқ чеҳрали, юзида ажойиб нур акс этган одам кириб келди, тавозе билан саломлашди. Самимий кўришгач у: «Мен Бобур авлодиданман, исми-шарифим Зайниддин Мавлонов. Сизга ўз миннатдорчилигимни изҳор этиш учун Тошкентдан келдим», деди.

2008 йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Репрессия 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 г. Декабрь» номли китобимизнинг 274-саҳифасини очиб, мана бу Насриддин Мавлонов менинг падари бузрукворим бўлади, деб қолди, китобда у ҳақида қуйидаги маълумот ёзилган: 1937 йил 7 декабрда Ўзбекистон ССР Ички Ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик (Д.З. Апресян, Усмон Юсупов, Султон Сегизбоев) Республика прокурори В.Шейндлин, давлат

[1] «Андижоннома». 2004, 19 сентябрь.

хавфсизлиги бошқармаси 8-бўлим бошлиғи Бароненко иштирокида Сирдарё округи Ховост район ички ишлар бўлими тақдим этган 61 та айблов хулосани кўриб чиқади. Айбланганлардан 38 маҳбус 10 йилга, 28 маҳбус 8 йилга меҳнат тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинади. Улардан бири Насриддин Мавлонов эди. Ховост район ички ишлар бўлими ходими Ёлкин тақдим этган 8121-сонли айблов хулосасида Насриддин Мавлонов шундай тасвирланган: «Мавлонов Насриддин 1904 йили (аслида у 1896 йилда туғилган) Янги Бухоронинг Нишобут қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, меҳнат кўчкиндиси, ҳибсга олинган пайтда қора ишчи. ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1-қисмида кўрсатилган доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланмоқда.

Қарор қилдик: Н.Мавлонов меҳнат тузатув лагерига саккиз йилга қамоққа тортилсин. Муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисоблансин».

Шундан сўнг, 2009 йили Тошкентда нашр этилган ўзининг «Бобурмирзонинг бугунги авлодлари» рисоласини кўрсатди. Ҳаяжон ва севинч билан рисолани олдим, кўзим қуйидаги сатрларга тушди: «Хўш, мен Тошкентга қандай келиб қолдим? Бу жуда узоқ тарих. Ёстиқдай-ёстиқдай беш олти китоб ёзсангиз ҳам унинг поёнига етказа олмайсиз, аммо шароитдан келиб чиқиб, бу воқеаларни қисқартирилган ҳолда сизга ҳикоя қилишга ҳаракат қиламан, кейинроқ бу тўғрида тўлиқроқ ёзиш насиб қилишига ишонаман. Хуллас, 1857 йилнинг сентябрида инглизлар Хиндистонни тамоман босиб олгач, Бобурийзода аждодларимизни йўқотиш пайига тушадилар. 1862 йилда тутқин бобом шавкатли Абузафар Сирожиддин Муҳаммад Баҳодиршох II алам ва изтиробда вафот этгач, унинг бир эмас уч алп ўғли Мўғул Мирзо, Хизр Султон Мирзо ва Абубабир Мирзолар инглиз зобити Хадсон томонидан судсиз-сўроқсиз шафқатсизларча отиб ташланди. Бошқа аждодларимиз эса Ҳиндистоннинг турли чеккаларига тарқалиб кетадилар. Чунки Деҳли улар учун ажал комига айланган эди. Босқинчиларнинг ҳунрезликларини ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлган машҳур шоир Мирзо Ғолибнинг эсдаликларида шундай даҳшатли сўзлар учрайдики, уларни ўқиб, етмиш томирингизда оғриқ туради:

«...Кўзлари қонга тўлган инглиз аскарлари оч-юпун аҳолининг уйларини ёқдилар, одамларни қўя туринг, ҳатто шаҳардаги ит-мушукларни ҳам отиб ташладилар. Ёвузлик шу даражага бориб етдики, шаҳар ва қишлоқлардаги қудуқлар ёш болалар, уларнинг оналари ва бувилари жасадлари билан тўлиб-тошди...»

Бомбай вилояти губернатори Лорд Элфинстон ўз ватандошларининг хунрезликларидан ташвишга тушиб: «...Биз Нодиршоҳдан ҳам ўтиб кетдик», деб ёзган.

Шундай қирғин кетаётган бир пайтда бобурийзодаларнинг Ҳиндистонда қолишлари, албатта ташвишли ва хавотирли эди».

Бобур Мирзонинг зурриёти бўлган Зайниддин Мавлонов билан «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессор ўқитувчилари, аспирантлари, магистрантлари ва тарих факультетининг 4-босқич битирувчилари ўртасида учрашув ўтказилди. Кафедранинг янги ўқув зали одамлар билан лиқ тўлди. Замонавий техника воситалар ишга туширилди. Буюк юртдошимиз, киндик қони Андижонда туғилган моҳир давлат арбоби, афсонавий саркарда, улуғ шоир ва қомусий олим сифатида жаҳон цивилизациясига, давлатчилигига улкан ҳисса қўшган улуғ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳозирги барҳаёт авлоди Зайниддин Мавлоновни йиғилганларга таништирганимизда зал олқишлардан ларзага келди.

Видеотасвир орқали экранда бобурийлар сулоласи вакиллари Зайниддин ака шарҳи билан бирма-бир кўрсатиб борилди. Бу салтанатнинг сўнгги ҳукмдори Ҳиндистон императори Баходиршоҳ зафарнинг кенжа ўғли 28 ёшлик Мир Хазарнинг Деҳлидан Кашмирга қочиб келгани, бир неча йил ўтиб инглизларнинг қўли бу жойга ҳам етгач, Покистон, Афғонистон орқали Бухорога келгани, бу ерда темурийзода, бобурийзода сифатида Амир Музаффархон томонидан илк кутиб олиниши, Амир унга генерал унвони бергани, унинг кейинчалик Амир Олимхон билан бирга хизматда бўлгани, уларнинг бирга тушган суратлари каби ноёб тарихий ҳужжатлар кўз ўнгимизда намоён бўлди.

Бухорода 1920 йилдаги советлар босқинига қадар Мир Хазарнинг ҳовлисидан меҳмонларнинг кети узилмаган. Бу хонадонга дунёнинг Маккаю Мадина, Бағдод, Дамашк,

Ҳиндистон, Афғонистондан олимлар, сайёҳлар таниш билишлари тез-тез ташриф буюрганлигидан ҳовли файзу тароватга тўлиб, турли мавзуларда суҳбатлар, баҳс-мунозаралар бўлгани, машшоҳлар, ҳофизлар, қизиқчилар, сўз усталари эса меҳмонларга тун ярмигача хизмат қилганликлари ҳақидаги ҳикоялар йиғилганларга жуда катта қизиқиш уйғотди.

1920 йил сентябрида Фрунзе бошчилигида қизил армия кучлари Бухорони босиб олди. Амир Олимхон Афғонистонга ўтиб кетди. Амир хизматидаги бир қанча давлат ва ҳукумат арбоблари қатори Мир Хазар ҳам советлар томонидан таъқиб остига олинди, у ҳам Бухорони тарк этиб Афғонистон сари йўл олди. Лекин Қарши вилоятида у қазо қилди. Унинг набираси Зайниддин кўп йиллар архивларга мурожаат қилиб, бобоси ҳақидаги материалларни топишга кўп уринди. Фақат, бир парча ғижимланган қоғоздан бошқа ҳеч нарса топа олмади. Ўша қоғозда форсий тилда мана бу сатрлар ёзилган эди: «Меҳр-шафқатли Ҳазратим! Мен ким, Қозикалон Мулло Қавмидин хожи дуои саломизда бўлиб, амирингизга биноан тафтиш ўтказдим. Маълум бўлдиким, Қарши вилоятини мишқоқида араблар жамоасида шаҳзода Мир Хазар қазо қилди. Жамоа аъзолари Аббосбой номзодини раҳбарликка лойиқ кўрмоқдалар. Сизни дуо қилувчи мазкур жамоа Фармони Олий юборишингизни илтимос қилиб нома ёзибдурлар». Шундай қилиб, Ҳиндистонга ўзининг меҳр-муҳаббати билан 21 йил императорлик қилган Баҳодиршоҳнинг фарзандларидан бири Мир Хазар Қарши вилояти Касби туманининг Қамаши қишлоғидаги «Мушқоқ» қабристонига дафн қилингани аниқланди. Оқибатда Бобурийлар авлоди вакилларидан бирининг қабри Ўзбекистонда эканлиги маълум бўлди. Маҳаллий аҳолининг айтишича, қабристон бундан 800 йил аввал ҳам бўлган. Мир Хазар қабри ўша ернинг ўзидан орадан 90 йил ўтгач топилди. Қабр устидаги араб ёзувида шундай битик бор: «Бу тош Мир Хазар қабри устига қўйилиши вақф бўлди. Ул зот подшозода эдилар[1]».

[1] http://darakchi.uz/jamiyat-2/2882-zajniddin-za-iriddin-mu-ammad-boburning-toshkentdagi-avlodi.

Мир Хазар вафот этганида унинг ўғли Насриддин Мирзо 23 ёшда эди. Орадан йиллар ўтди, советлар Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини, 1929–1930 йилларда коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш сиёсати ва амалиётини ўтказдилар. Бу мудҳиш ур-йиқитлар Насриддин Мавлонов хонадонини ҳам ўз домига тортди, уй-ҳовлисидан, мол-мулкидан жудо қилиниб қулоққа тортилди, бутун оила Сирдарё вилоятининг олис Боёвут меҳнат посёлкасига, «Қулоқлар қишлоғи»га сургун этилди. Ўшанда советлар чўлни ўзлаштириш, пахтачилик, боғдорчилик, ғаллачиликни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистоннинг бутун ҳудудларидан қулоққа тортилганларнинг бир қисмини Боёвут туманига сургун қилиб келтирган эдилар. Бу ҳўжаликлардан 2 та «Боёвут-1», «Боёвут-2» пахтачилик совхозлари ташкил этилган. Биринчисида 132 оила (528 жон), иккинчисида 319 оила (1312 жон), жойлашган.

1941 йилдаги маълумотга кўра ҳар икки совхозда меҳнатга лаёқатлилар ва ишлаётганлар миқдори 635 киши бўлиб, шундан эркаклар 376 киши, аёллар 202 кишини ташкил этган, 14 ёшгача бўлган болалар 704 тадан иборат эди. Насриддин Мирзо ўз оиласи билан шу совхозда оддий ишчи бўлиб меҳнат қилган.

Бобурийзода бу оиланинг Боёвутдаги ҳаёти, оила соҳиби Насриддиннинг эл-юрт ғамида олиб борган эзгулик ишларини Боёвутда қарилик гаштини сураётган нуроний отахонлар (Абдураҳмон Инотуллаев, Фатҳулло ота Қурбонов, Шарифбой Ахмедовлар) яхши биладилар. Шарифбой Аҳмедов шундай эслайди:

– Мулла ака ўзининг келиб чиқиши тўғрисида гапиришни хоҳламас эди. Ўша замонда бир оғиз гап учун ҳам қамаб юборишлари мумкин эди. Лекин бир гал Ражаббой деган одам «Ҳе, эроний!» дея у кишининг жаҳлига текканида «Мен эроний эмасман, Ҳиндистоннинг Кашмириданман», деганини эшитганман. Бошқа бирор гап айтган эмас.

Насриддин Мавлонов узоқ шимолдаги Архангелскдаги ГУЛАГ лагеридалигида ўғли Аслиддин Мирзо ҳарбий машқни Андижон шаҳрида ўтаб, фронтга шу ердан жўнаб кетиб, урушда ҳалок бўлади. У бундан бехабар қолган эди.

Қамоқ муддати тугаб, уйга қайтиб, умр йўлдоши Хадияхоннинг қадди букилиб қари кампир ҳолига тушиб қолганини кўрганида бутун вужудини зир-зир титроқ босган эди.

Шунда бу фозила аёл қамоқдан келган Насриддинга шундай деган: «Мен касалманд бўлиб қолдим, сиз Бобур Мирзонинг ягона эркак авлодисиз, сиздан фарзандлар қолиши керак, хўп десангиз бухоролик акамнинг қизи Маҳбубахонга совчи бўлиб бораман!..»

Бу гапни эшитгач, Насриддин шундай оқила, доно, вафодор, садоқатли жуфти ҳалолини юзма-юз қилгани учун Яратганга шукроналар айтган эди. Унинг қалбида ҳаётга, одамларга меҳри ортгани, келажакка умид ва ишонч билан боққанлигини сезиш қийин эмасди. «Аслига тортибди, ўзини эмас, келажакни ўйлаяпти, бобурийлар қисмати ташвишини қиляпти», деган ҳаёлга борган эди.

Узоқ Архангелскдаги лагердан келган Насриддин Мавлонов ўз жуфти-ҳалоли Ҳадияхонимнинг ташаббуси ва розилиги билан ўша Маҳбубахонга уйланади. Улар 14 йил умр кечирадилар, фарзанд кўрадилар. Уларнинг исмларини Мир Хазарнинг хизматкори Бобо Мирзо танлаб қўйган экан: Рисолатбиби, Зайниддин, Адолат, Хайриддин, Баҳриддин, Шамсиддин, Нажмиддин, Назокат. Андижонга ташриф буюрган Зайниддин Мавлонов шундай ёзади: «Афсус, падарибузрукворим – шаҳзода Насриддин Мирзо Мавлонов кўп яшамадилар. Саккиз йиллик қамоқ ва турли азоб-уқубатлар кучини кўрсатган эканми, орадан кўп ўтмай 1959 йилнинг декабрида омонатини топшириб, киприкларимизни намлаб кетдилар. Қабрлари Боёвутда...»

Насриддин Мавлоновни қулоққа тортиш, сургун қилиш жараёни, Архангелск лагеридаги аянчли ҳаёти, Аслиддиннинг иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашдаги хизмати, тақдири, бобурийларнинг бугунги авлодлари Зайниддин, Ҳайриддин, Шамсиддин, Нажмиддин, Бахриддин, Рислатхон, Адолатхон, Назокатхонларнинг ҳаёт йўлини ёритиш яқин келажакадаги вазифалардандир[1]. Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Бобур авлодлари

[1] *Шамсутдинов Рустамбек*. Бобурийларнинг ҳозирги авлоди. – «Водий гавҳари» 2012, январь, 34–36-бетлар.

бугунги кунда Хиндистонда, Покистонда, Афғонистонда, Буюк Британияда, Бухоро, Тошкент ва Хўжанд шаҳарларида истиқомат қилишмоқда.

Шундай қилиб, кўпминг йиллик тарихга эга бўлган қадимий, афсонавий Ҳиндистон диёрида буюк Темурийлар наслидан чиққан, киндик қони азми Андижонда тўкилган Захириддин Муҳаммад Бобур асослаган Буюк бобурийлар салтанати деярли уч ярим аср умр кўрди. Кўҳна тарих учун бу унчалик катта давр эмас. Аммо шу қисқа вақт ичида бу салтанат Ҳиндистон тарихига олтин саҳифалар битишга муваффақ бўлди ва бу мамлакатнинг бундан сўнгги тараққиёти ва истиқболи учун улкан ва мустахкам пойдевор қура олди. Бобурийлар сулоласининг вакилларининг ҳар бири ҳам Ҳиндистон равнақи ва камолотига ўзининг салмоқли, ёрқин улушини қўша олди.

Ҳиндистоннинг кўпдан-кўп давлат ва жамоат арбоблари Маҳатма Ганди, Робиндранат Тагор, Жавоҳарлаъал Неру, Индира Ганди, Раджив Ганди, ҳозирги давлат ва хукумат арбоблари бобурийлар салтанатининг Ҳиндистон тарихида тутган буюк хизматларини катта самимият ва мамнуният билан эътироф этганлар, этмоқдалар.

Бобурийлар давлати Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий, маданий тараққиётига жуда катта ҳисса қўшиб, бу мамлакатни жаҳонга танитишда ғоят улкан хизмат қилганини жумалаи-жаҳон аҳли мана ҳозирда ҳам тан олмоқда. Айниқса, меъморчилик, тасвирий санъат, дипломатия, ҳарбий соҳалардаги бобурийларнинг бетакрор мероси ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистонни безаб турибди, унинг шон-шуҳратини оламга ёймоқда. Ўтмиши ва келажаги буюк Ўзбекистон Республикаси Ҳиндистон мамлакати билан мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий, дипломатик алоқалар билан яқиндан боғланган. Бу дўстона ҳамкорлик ўзаро манфаатлар асосига қурилган бўлиб, ҳар икки мамлакатни, икки халқни янада камол топиши учун хизмат қилмоқда. Бу икки давлат раҳбарининг расмий ва норасмий учрашувлари ва уларда имзоланган тарихий ҳужжатлар элчилик, муносабатларининг янада кенг ва мустаҳкам тус олаётгани ҳинд ва ўзбек халқларининг ҳар жиҳатдан ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

АНДИЖОННИНГ ТАРИХИЙ, МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ НЕГА БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛМАДИ?

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарларда қадимги ва ўрта асрлар даврида бунёд этилган кўплаб тарихий обидалар, ёдгорликлар бизгача сақланиб қолинган. Аммо Андижон, умуман водий шаҳарларининг аксарияти бундан истисно. Андижонда нари борса XIX аср ўрталарида яратилган ёдгорликларнинг қолдиқлари, харобаларининг фақат айримлари бизгача етиб келган. Андижондаги Жомъе мажмуаси XIX аср охири XX аср бошида қурилган. Масжид, мадраса ва миноралан иборат меъморий ёдгорлик. Мадраса бош тарзи шарққа қаратиб қурилган. Тарзининг ўртасида пештоқ қад кўтарган. Унинг икки ёнида безакли минора бор. Бурчакларида гумбазли дарсхоналари, уларнинг ўртасида икки қаватли ҳужралар жойлашган. Биринчи қаватнинг текис деворларида тўрт бурчакли дарчаларга панжаралар ишланган. Икки қаватдаги ҳужраларнинг меҳробий равоқлари мадрасанинг бош тарзига кўркамлик бахш этади. Масжид мажмуанинг ғарбий қисмида жойлашган. Унинг тархи тўғри бурчакли хонақоҳ ва уч томони қатор устунли, шифти безакли ишланган. Минора (баландлиги 32 м.) ҳовлида жойлашган. Асоси 8 қиррали, ёзма нақшли, турунжлар ва кошин билан пардозланган. Жомъега бешта (жанубда битта, шимол ва шарқда иккитадан) дарвоза орқали кирилади.

Мажмуа қурилишида Исахон, Ю.Мусаев ва бошқа усталар қатнашган. Бинолар 1902 йилдаги зилзиладан шикастланган ва 1971–1974, 1999–2000 йиллари таъмирланган.[1]

Андижонда XV–XIX асрларга оид тарихий, меъморчилик бино ва обидалари сақлаб қолинмаган. Бунинг асо-

[1] *Хожи Исматуллох Абдуллох*. Марказий Осиёда Ислом маданияти. «Шарқ». Т.: 2005, 353-бет.

сий сабаби XVII–XIX асрлар мобайнида учта катта, кучли, даҳшатли зилзилалар бўлиб, бутун тарихий ёдгорлик, меъморий обидалар, одамлар яшаётган уй бинолари қулаб вайронага айланган, улар ўрнида култепалар пайдо бўлган. Бу зилзилалар тарихини эслаймиз.

Ўша 1902 йилги даҳшатли Андижон зилзиласидан олдин Фарғона водийси, айниқса, Андижонда уч юз йил мобайнида жуда кучли зилзила бўлган. Бу даврдаги биринчи зилзила 1620–1621 йилда бўлган. Бунинг оқибатида темурийлар, Бобур давридаги, улардан олдин яратилган бинолар қулаб, уйлар бузилган. Тарихий обидалар қулаб тушган. 1823 йилда, яъни 1902 йилги Андижон зилзиласидан 80 йил олдин ҳам жуда катта, кучли зилзила бўлган. Оқибатда водийнинг Тошкент чегарасигача бўлган шаҳар ва қишлоқлари, жумладан, Андижон деярли йўқ ҳолатга келтирилган.

Бу зилзилалардан биринчисини Муҳаммад Тоҳирнинг «Ажойиб-ул Тибокат» номли географик асарида батафсил тасвирлаб берган. Бу фожиа шоҳидининг рўй-рост ёзганларини академик В.В.Бартольд ўзининг «Туркистон мўғуллар истилоси давригача» номли асарида келтирган. Бу зилзилада Сирдарё суви атрофидаги қуруқликларга тошиб кетган, сув билан бирга балиқлар ҳам ер юзига чиқиб, типирчилаб, қуруқликдан, иссиқдан ўлиб кетган. Забардаст дарахтлар томирлари билан билан ўпирилиб ерга қулаган. Кучли ва тез-тез бўлиб турган зилзила оқибатида бинолар қулаб туша бошлаган, бинолар, уйлар вайроналари остида кўплаб одамлар қолиб кетиб ҳалок бўлган, кўпларининг қўл ва оёқлари синган. Ҳайвонлар қўрқувдан саҳро ва тоғлик жойларга қочиб кетган. Зилзила олти ой давомида бўлиб турган, зилзиланинг биринчи кунида ер силкинишлари миқдори 70 мартагача етган. Зилзиланинг энг кучлиси Ахси қалъасининг ичкарисида бўлган.

1823 йилда водийда энг кучли зилзила юз берган. Кўплаб халқ уй деворлари остида қолиб ҳалок бўлган. Қулаб тушмаган уй бинолари жуда ҳам оз бўлган. Натижада одамлар қамишдан қилинган капаларда яшаганлар. Айрим тоғли жойлардаги қабилалар ер остида қолиб кетган. Ер шунчалик

кучли қимирлаганки, қулаган уй-бинолар чангидан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Сув фонтан бўлиб атрофга тарқалиб турган. Олти ой давомида ер овоз чиқариб қимирлаб турган.

1902 йил 3 декабрдаги Андижон зилзиласи кучли ер қимирлашнинг учинчиси бўлиб, ўз кучи-даҳшатлилиги жиҳатдан бундан олдинги икки зилзилани тўла эслатарди. Зилзила қатор қишлоқларни, асосан Андижон шаҳрини вайронага айлантирган.

Машҳур рус антропологи, Россия антропология фани асосчиларидан бири, академик Дмитрий Николаевич Анучин (1843.27.8. Петербург – 1923.4.6. Москва) таклифи билан С.А.Мелик-Саркисян «Ферганское землетрясение 3-го декабрья 1902 года. – Москва, 1903.» номли рисола ёзган ва нашрдан чиқарган. Рисолада Андижон зилзиласи батафсил тасвирланган.

Зилзиланинг бир қанча зарбалари остида Ўрта Осиёдаги савдо ва саноат йирик марказларидан бири Андижон ва бир қатор қишлоқлар тўла вайрон бўлган.

30.000 дан ортиқ уйлар бир зумда таг-туги билан қулаб тушган, беш мингга яқин одамлар бевақт даҳшатли ўлимга гирифтор бўлганлар, бошпанасиз қолган.

Ер қимирлаб туриши натижасида, дов-дарахтлар эгилиб-букилиб турарди, ҳаво қулаган бинолар чанги билан тўлиб тошган, ариқлар бузилиб кетган биноларнинг бўлаклари билан тўлиб тошиб, улардаги сувлар кўчаларни босиб кетган эди. Ана шу зилзилалардан талофат кўрган Андижон шаҳридаги бинолар манзараси мана бу суратларда ўз аксини топган.

XIX асрда Андижонда қурилиб, 1902 йил 3 декабрда кучли зилзилада бузилиб, қулаб кетган ва аср бошларида қайта тикланган бинолардан Девонбеги ёки Девонобой масжиди (1862–1865 йиллар қурилган). Уйғур масжиди (1868–1870 йиллар), Жомъе мадрасаси (1882–1892 йиллар) сақланиб қолинган. Улар эндиликда таъмирланиб, халққа қайтариб берилди ва улардан андижонликлар самарали фойдаланмоқдалар.

1902 йилги зилзиладан сўнг Андижонда зилзила оқибатларини бартараф қилиш борасида катта бунёдкорлик ишла-

ри бошланиб кетади. Зилзиладан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш, Андижонни қайта тиклаш учун ёрдам жамғармаси ташкил бўлади. Унга ҳатто император жанобларининг ўзи, рафиқаси маблағ ажратганлар, империянинг турли бурчакларидан андижонликларга ёрдам маблағлари келиб турган. Рус ёзувчиси А.П. Чеховнинг 1903 йил июнида доктор Книперга ёзган мактубида Москва шаҳрида зилзиладан зарар кўрганлар учун театрларда махсус спектакллар қўйилиб, ундан тушган маблағ Андижонга юборилганини қайд этган. Кавказорти, Сибирь ва Узоқ Шарқ минтақаларидан ҳам андижонликлар учун ёрдам маблағлари келиб турган.

Андижонликларнинг ўзи ҳам чуқур ватанпарварлик туйғуси билан шаҳарни қайтадан қуришда жонбозлик кўрсатганлар. Рус, ўзбек, яҳудий бойлари, тадбиркорлари, чор мустамлакачи маъмурлари Андижондаги зилзила офатини бартараф қилиб, Андижонни шаҳар сифатида қайта тиклашга астойдил ҳаракат қилганлар. Ана шу мудҳиш зилзиладан кейин шаҳарда қад кўтарган, ҳозирда ҳам сақланиб қолинган ва мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги 2–3 йилда замонавий таъмирланиб, ўзгача салобат тўкиб турган бинолар анчагинадир.

Маҳаллий бойлардан Миркомилбой Мирмўминбоев бу соҳада катта саховатпешалик қилган. Унинг Андижон уезди бошлиғи Ю.А. Бржезицкийга ёзган хатини айнан келтирамиз:

«Ўз она шаҳрим Андижоннинг маданий ривожланиши ва батамом тартибсиз аҳволда бўлган Гултепа майдонига маданий кўриниш бериш, майдон ҳам шаҳар кўрки бўлсин, ҳам аҳоли фойдалана олсин деб, мен Миркомил Мирмўминбоев ўз ҳисобимдан Андижон шаҳрига тортиқ сифатида қуйидаги иншоотларни қуришни ўз зиммамга оламан:

1. Турли миллат вакиллари – эркак ва аёлларга мўлжалланган, қирқ ўринли намунали шифохона. Унда қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлади: а) жарроҳлик; б) туғруқхона; в) ич касалликлар; г) секцион камералар ва ўлик сақлаш учун ертўла; д) дезинфекцион камера ҳамда шифохона бошлиқлари, ходимлари ва турли хизматчилар

учун махсус бино; е) шифохона биносини марказий иситиш бўлими ҳамда сувларни биологик тозалаш хизмати.

2. 30 ўқувчига мўлжалланган интернат бўлган, мадраса ўқувчиларини рус тилига ўргатиш бўлимига ҳамда зал ва ёрдамчи биноларга эга рус-тузем мактаби.

3. 100 та ўқувчига мўлжалланган мадраса ва хонақоҳи бўлган намунали мактабхона.

4. Европача нусхадаги, ертўла ва қоровулхона, учта хожатхонаси бўлган учта дўконлар тизими. Мана шу дўконлардан келадиган фойда юқорида кўрсатилган муассасаларни таъминлаш ва таъмирлаш учун ишлатилади.

5. Маҳаллий халқ ва европаликлар учун алоҳида бўлимларга эга бўлган ҳаммом.

6. Шу бинолар атрофида йўлкалар очиб, хиёбонлар барпо этиш, майдон марказида манзарали боғ барпо этиш.

Кўрсатилган иншоотларнинг барини мен, Миркомил Мирмўминбоев, менинг назоратимда тузилган ва тегишли ҳокимият томонидан тасдиқланган лойиҳа ва смета асосида уч йил давомида қуриб битказишни ўз зиммамга оламан... Шу билан бирга юқорида кўрсатилган барча бинолар, иншоот ва жиҳозларни қуриш учун ўз шахсий маблағимдан 500 минг сўм ажратаман»[1].

Бироқ мустамлакачи маъмурият маҳаллий сармоядор Миркомилбойнинг бу саъй-ҳаракатини онгли равишда қўллаб-қувватламайди. Чунки Миркомилбойнинг Эски шаҳарни замонавий талаб даражасида янгилашдек бу саховатли, эзгули ватанпарварлик ишларидан мустамлакачи маъмурлар хадиксираб кўрққанлар, улар маҳаллий халқ орасида тобора ортиб бораётган обрўли чоризм мулозимларини обрўйига путур етказиши, афкор оммада уларга нисбатан ишончсизлик, нафрат уйғотиши мумкин бўлиб, ўлкани бошқариш ишига Миркомилбойдек юрт фидойисининг салоҳияти ва обрўйи соя солиши мумкинлигини ҳис этганлар. Шунинг учун ҳам чор маъмурларининг сиёсий фитначилиги билан Миркомилбой тазйиқ-таъқибга учра-

[1] ЎзМДА. 19 – фонд, 1 - ёзув, 27849 - иш, 36 – варақ..

ди, судланиб бегона юртга сургун қилинди. Подшолик қулагач, ҳокимият тепасига келган муваққат хукумат ва ишчи, солдат депутат советлари югурдаклари уни иккинчи бор қатағон қилиб қамоққа олдилар, лекин маҳаллий халқнинг, айниқса, жадидларнинг саъй-ҳаракатлари билан Миркомилбой ҳукмдорлар чангалидан озод қилинади. Большевиклар ҳокимият тепасига келгач эса уни қатағон қилиш пайига тушадилар ва ниҳоят 1918 йил 22–23 февраль кунлари большевиклар ҳарбий қўшин, қизил гвардиячи ва арман дашноқларини бирлашган кучи билан 1917 йил 26–29 ноябрь кунлари жадидлар саъй-ҳаракати билан тузилган Туркистондаги биринчи миллий демократик давлат бўлмиш Туркистон мухториятини қонга беладилар. Қўқон шаҳрининг ўзида 10 минг одам ҳалок бўлди, водийдаги 180 та қишлоққа ўт қўйилди. Ҳамма жойда қирғин бўлди. Натижада 1918 йилнинг мартида Андижонга келган халқ комиссарлар совети раиси Фёдор Колесов буйруғи билан Миркомилбой уйида ҳибсга олиниб, молу дунёси тортиб олиниб, 5 миллион сўм пулини олиб, ўзини янги шаҳарга олиб чиқиб отиб юборадилар. Шундай қилиб, она шаҳри Андижон ва унинг озодлиги равнақи йўлида матонатли кураш олиб борган машҳур Миркомилбойни ҳар учала ҳокимият ёқтирмади, ундан хайиқсиради ва ниҳоят учинчи ҳокимият – советлар уни жисмонан йўқ қилди.

АНДИЖОН ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРКИБИДА

XVII аср бошларида Ўрта Осиёда ўзига хос сиёсий аҳвол юз бериб, Бухоро амирлиги ҳукмдорлиги марказидан ажралиб чиқиш жараёни тезлашди. Натижада Қўқон хонлиги ташкил топди. Бу вақтда бир томондан Жонийлар давлати узил-кесил қулай бошлади, бошқа томондан эса Жунғор давлати Фарғонага доимий равишда хавф-хатар солиб турди, айрим қабилалар бошлиқлари доимий равишда ҳужум қилиб турарди. Буларнинг ҳаммаси Фарғона ички кучларининг бирлашишларини тақозо қиларди. 1709 йили Қўқон хонлиги ташкил топди. Минглар уруғидан бўлган йирик зодагон Шоҳрухбий Чодак хўжалари ёрдамида Фарғона водийсида Бухоро амирлигидан мустақил бўлган мавқени эгаллаб, 1709 йилда Қўқон хонлигига асос солади. Кейинги тадқиқотлар Қўқон хонлари сулоласи Олтин Бешик билан, улар орқали Бобур билан боғлиқ эканини исботламоқда. Қўқон хонлари насабномаси тузиладиган бўлса, уларнинг беистисно ҳаммаси, жумладан, сўнгги хон Саид Муҳаммад Худоёрхон ва унинг аждодлари ҳам Бобур Султонга, у орқали эса Соҳибқирон Амир Темурга бориб боғланади.

Амир Темур ва унинг ўғли Умаршайхдан бошланган сулола Қўқон хони Худоёрхон ва унинг ўғли Насриддинбек-кача давом этиб келган.

Профессор Шариф Юсупов шундай хулоса қилади: «Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Саид Муҳаммад Худоёрхон Соҳибқирон Амир Темурнинг йигирма учинчи авлоди, хоннинг иккинчи ўғли Саид Муҳаммад Аминбек йигирма тўртинчи ҳамда Муҳаммад Аминбекнинг ўғли Саид Исломбек Соҳибқироннинг йигирма бешинчи авлоди бўлиб чиқди».

Темуршунос, бобуршунос, француз олими, Ўзбекистоннинг «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланган профессор Люсьен Керен «Шаҳзода Исломбек» мақоласида

Қўқон хонлари темурий Мироншоҳга бориб тақалади, деган ғояни илгари сурган. Бу ишни ўзбек олими Шариф Юсупов давом эттирган.

Бундан яна бир мантиқий, илмий хулосага келиш мумкин: Андижон фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк бобоси Амир Темурнинг дунё давлатчилиги тарихида тутган ўрни ва ролини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини чуқур англаб, қадрлаб, ҳавас қилиб, ўша эзгулик ишини давом эттирди.

Ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Кашмир, Афғонистон, Бангладеш мамлакатлари ҳудудларида Бобур асос солган, унинг авлодлари давом эттирган буюк бобурийлар салтанати 332 йил (1526–1858) умр кўрди.

Бу салтанатнинг бутун жаҳон цивилизациясидаги тутган ўрни ва ҳиссасини ер юзи аҳли тан олиб, унга эҳтиром бажо келтирмоқда. Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган Қўқон хонлигининг (1709–1876) барча ҳукмдорлари Бобур авлодлари бўлгани ҳам андижонликларнинг фахридир. Ахир бу салтанат 167 йил умр кўрди. Буюк бобурийлар салтанати ва Қўқон хонлиги ўзбек давлатчилигида ўзига хос мавқега эгадир. Ахир бу икки сулола 5 аср, 499 йил умр кўрди! Бобур номи билан ўзбек давлатчилигининг 500 йиллик даври ва тарихи белгиланиши ҳам ҳар бир андижонликка катта фахр, ҳузур бахш этади. Ўрта асрлар даври дунё давлатчилик тарихида бундай кўркам, улкан, ўзига хос мазмун ва анъанага, қудратга эга бўлган бошқа бир салтанат бўлмаган бўлса керак.

Биз 1992 йили Бобур халқаро илмий экспедицияси илмий сафарида Покистоннинг Лоҳур шаҳридаги «Миллат музейи»дан Бобурийлар салтанати ҳукмдорларидан бири, афсонавий Шоҳ Жаҳоннинг давлат бошқаришдаги муҳрини қўлга киритганмиз. Унда Шоҳ Жаҳон ўзининг салтанати шажарасини Соҳибқирон Амир Темурдан бошланганлиги кўрсатилган. Араб имлосида битилган бу муҳрда темурийлар ва бобурийлар бир салтанат эканлиги акс эттирилган, бу муҳр 1858 йилга қадар Ҳиндистонни бошқаришда муҳим давлат ҳужжати бўлиб ҳисобланган. 1526–1858 йиллар мобайнида барча Бобурийлар бобоси Амир Темур яратган

«Темур тузуклар» асосида давлатни бошқарганлар. Ана шу беш асрлик Бобурийлар буюк салтанатини, сўнгра Қўқон хонлигини бошқарганларнинг барчасига биз андижонликлар ворисмиз.

Биз давлатчилигимизнинг ана шу саҳифаларини кенг ва алоҳида янгитдан яратмоғимиз лозим. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида мана бу сатрларни ёзган эди: «Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир»[1].

Ислом Каримов ўша рисолада яна шундай деб ёзган: «Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишидаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикан?

...Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми?.. Лекин фақат мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қайси тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблар бордир?»[2]

Ушбулардан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилигининг Амир Темур даври, Шайбонийлар даври, Бобурийлар даври, Қўқон хонлиги даври, Туркистон мухторияти каби давлатлар тарихини янгитдан тадқиқ этиш, умумлаштириш, бу давлатчиликнинг дунёдаги бошқа давлатчиликлар билан қиёслаш, уларнинг ўзига хос қирраларини очиб бериш тарихчиларнинг ҳозирги авлоди олдида турган муҳим вазифадир. Маълумки, миллатнинг кўрки, саховати, куч-қуд-

[1] *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998, 12- бет.
[2] Ўша асар. 10–11-бетлар.

рати, улканлиги шу миллатнинг давлатчилиги қай даражадалиги, унинг бой ва катта тарихи, босқичлари қандай кечганлиги, дунё давлатчилигидаги салмоғи қандайлигига қараб белгиланади. Шу боис биз ўзбек миллати тарихи билан унинг давлатчилик тарихини яхлит бир тарихий жараён деб қараб, шу миллат ва унинг давлатчилиги жаҳон цивилизациясига, маданиятига, маънавиятига қандай ҳисса қўшгани ва қўшаётганини кенг ва катта режада ёритмоғимиз лозим. Бу ишда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ғояси билан яратилган ўзбек давлатчилиги тарихи концепцияси ўзига хос илмий, назарий компас, дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Қўқон хонлиги 15 та бекликдан, яъни ҳарбий округлардан иборат бўлган. Унинг таркибида бир неча вилоятлар ва шаҳарлар бўлган. Деярли уларнинг ярми хон ўғиллари ёки яқин қариндошлари томонидан бошқарилган. Андижон ана шу бекликлардан бири эди. Хитойлик географларнинг маълумотига кўра, Қўқон хони Эрдонабий ҳукмронлиги даврида, яъни 1759–1760 йилларда хонлик ҳудуди тўрт мулкдан иборат бўлиб, уларнинг бири Андижон мулки бўлган. Андижон беклиги, вилояти Амир Умархон даврида ҳар жиҳатдан тараққий этди.

Хонлик XVIII асрнинг охиригача сиёсий, иқтисодий инқироз ҳолатини ўз бошидан кечиради, бу даврда турли сарой фитналари ва вилоят бекларининг ўзбошимчаликлари бўлиб ўтади. Фақатгина Норбўтабий хонлик даврига келибгина бундай ҳолатга барҳам берилади.

Маълумки, 1770 йилда Қўқон тахтига Норбўтабий ўтиради ва у 1801 йилгача хонликни бошқаради. Унинг даврида марказий хокимият мустаҳкамланади, бўйсунмас хокимлар қаршилиги бостирилади, жумладан, Норбўтабий бир қанча урушлардан сўнг Андижон, Ўш, Хўжанд ва яқин атрофдаги ҳудудларни босиб олади. Тарихий манбаларда Норбўтабий томонидан Андижон вилоятини эгаллаб олиши ҳақида шундай тафсилот берилган: «Норбўтабий валинеъмат бу хабарни эшитгач, кўп сонли қўшин билан Андижон тарафга юриш бошлади. Анча манзилларни орқада қолдиргач, Андижонга етишди ва ул шаҳар қалъасини

паргорнинг доира чизиғи каби қуршов ичига олиб, қамал ишига киришди. Ва икки орада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган уруш рўй берди. Анча уруш ва жанглардан сўнг ғалаба шамоли Норбўтабий байроғи сари эсиб, бир ҳамла билан хўқандликлар қўшини шаҳар ичига кириб олди. Хожибийни асир тушириб, Норбўтабий ҳузурига келтиришди. Ахир айтмишлар:

Тақдир ўқин учирса агар камон,

Тақдир қалқони ушлаб қола олмас, уни ҳеч қачон.

Аммо Норбўтабий валинеъмат укасининг гуноҳидан кечди ва Андижон вилоятини тамомила ўз қўлига олиб, у ер ҳукуматини Мулла девонбеги қўлига топширди. Ўзи эса фатҳу ғалаба билан Хўқандга қайтди»[1].

Қўқон хонлиги аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилган. Шунингдек, аҳоли таркибида тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлар ҳам анча бўлган. Бундай миллий таркиб Андижон беклигига ҳам хос бўлган. Андижонда ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар ва бошқа элат ва қабилалар ҳамкор бўлиб яшаганлар.

Андижон у вақтда хонликнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-стратегик марказларидан бири бўлган. Бу даврда ер-сув масаласи энг муҳим масалалардан бирига айланганди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кун тартибига бевосита асосий сув манбаларидан йирик магистрал каналлари чиқариш вазифасини қўяётган эди.

Бу даврда бутун хонликда қурилган энг йирик суғориш иншооти Андижонсойдир. Бу сой Қорадарёнинг эски ўзанлари ўрнида қурилган. Чунки, қадимги Қорадарё Андижон адирини жанубдан ёриб ўтиб, Андижоннинг ғарбида жойлашган Полвонтош адирини қирқиб оққан, яъни ҳозирги Шаҳрихонсой водийси билан Асака ҳудуди орқали ғарбга Сарисув мавзейи томонга йўналган. Тупроқшунос А.Н.Разанов Сарисувни Қорадарёнинг қадимги рудхонаси бўлиши мумкин, деб кўрсатади[2].

---

[1] *Муҳаммад Хакимхон Тўра.* Мунтахаб Ат-Таворих. «Янги аср авлоди», Т. 2010, 257-бет.

[2] *Насритдинов Қобилжон.* Кўрсатилган асар. 32-бет.

Кейинги даврларда эса дарё шимол томонга силжиган ва жанубий Оламушук ва Андижон адирларининг ўртасидан ёриб ўтиб, ҳозирги Андижонсой ўрнидан оққан. Маълумки, рус олими К.Бэр томонидан Шимолий ярим шардаги дарёлар ўз оқимини шимолга томон силжитиб, ўнг қирғоқни муттасил равишда ювиб туради, деган қонунни кашф этган[1]. Айни Қорадарё ва Андижонсой ҳам ўша қонунга бевосита даҳлдордир.

Қўқон хони Норбўтабек даврида, яъни XVIII асрнинг охирларида Андижон ерларини Кампирровот орқали Қорадарёдан сув келтириб суғоришга эҳтиёж туғилгани ҳисобга олиниб, Қорадарёнинг қадимги ўзанларидан бирини қайта қазиш орқали сув чиқарилган. Ундан асосий мақсад, Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларни суғориш бўлганлиги учун у суғорма деҳқончилик тарихига Андижонсой номи билан кирган. Дастлаб Андижонсойдан оқиб келадиган сув миқдори жуда оз бўлиб, йил сайин эҳтиёжга қараб кўпайтириб борилган. XIX асрнинг бошларига келиб Андижонсой росмона ҳолдаги магистрал каналга айланган[2].

1815 йилда ҳозирги Шаҳрихон шаҳрига асос солинди. Шаҳар Умархон даврида барпо этилгани учун хон шарафига бу шаҳар Шаҳрихон номини олган[3].

1811 йили қарийб 120 километрлик катта Шаҳрихонсой канали қурилди. Тез орада бу шаҳар савдо марказига айланади. Насриддинбек, Ўрмонбек, Сарой, Бўстон, Куйган Кўприк каби йирик аҳоли яшайдиган янги қишлоқлар майдонга келади. Шаҳрихон шаҳри XVIII асрдан бошлаб қишлоқ тарзида маълум бўлган ва Асака, Ходим, Сегеза қишлоқлари билан бирга, Аравонсой ва Оқбўранинг Аравонга қўшиладиган ғарбий тармоғидан суғорилган. Кейинроқ Шаҳрихон шаҳрининг аҳолисининг Қўқон ва Марғилон шаҳарлардан келган аҳоли ҳисобига ортиши эвазига экин майдонларига ва суғориш манбаига эҳтиёжи кескин ортиб кетди. XIX асрнинг бошларида Шаҳрихон атрофидаги

[1] Большая советская энциклопедия. Том 6.– С.448.

[2] *Насритдинов Қобилжон*. Кўрсатилган асар. 32-бет.

[3] Қ а р а н г : *Бейсембиев Т.К.* «Тарих- и -Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата. 1987.

ҳудудга Шарқий Туркистондан келган муҳожирлардан 20 минг кишининг жойлаштирилиши вазиятни янада оғирлаштирди. Натижада, Умархон Оқбўра сувларининг Ўшдан ортган қисмини Андижонга ўтказмай, Аравонсойга ташлашга буйруқ беради. Шу тариқа Фарғона водийсининг Шаҳрихон воҳаси ерларини суғориш ишлари жадаллашиб кетади. Бу ҳудуддаги ерларни ўзлаштириш учун, ҳатто Қўқондан бир гуруҳ маҳбуслар ҳам олиб келиниб, улардан алоҳида қишлоқ ташкил қилинади ва унга «Дориломон» деб ном қўйишади. Бу вақтга келиб Шаҳрихон шаҳри водийнинг йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айланади[1].

Бироқ Худоёрхон даврида Асака шаҳрининг асосланиши билан Шаҳрихоннинг нуфузи тушиб кета бошлайди. Хонлик даврида Андижон Рус-Қўқон муносабатларида муҳим ўрин тутган. Андижондан Россияга пахта, шойи мато, қуритилган мевалар олиб борилган, Россиядан турли ҳил саноат моллари, мўйна ва бошқа нарсалар келтирилган. Бир сўз билан айтганда, хонликнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида Андижон Қўқондан кейин муҳим ўринга эга бўлган. Андижон Қашқар билан чегарадош бўлгани учун бу жойга катта миқдорда қўшин ва қурол-аслаҳалар қўйилган.

Амир Умархон даврида Андижон беклиги кўп жиҳатдан тараққий этади, Андижон шаҳри савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб қолган, ободонлаштириш ишларига ҳам катта эътибор берилган. Буни 1813–1814 йилларда Андижонга ташриф буюрган рус этнографи Ф.Назаров кузатишларидан ҳам яққол билса бўлади. У Андижонни шундай таърифлаган: «Андижон – Қашқар билан чегарадош, атрофи қишлоқлар билан ўралган, ҳар қандай меваларга мўлкўл, аҳолиси ипак қурти боқиб, шойи ва қоғоздан матолар тўқиш ҳамда ғалла экиш билан машғулдир, савдо билан ҳам шуғулланишади. Андижон шаҳридан тўрт томонга чиқиш йўли бўлиб, шаҳар атрофи деворлар билан ўраб олинган, унинг ичкарисида губернатор арки, саройи жойлашган, унда 10000 га етиб қўшин жойлашган. Шаҳар бошлиғи ўз қарамоғидаги келтирилган товар маҳсулотларидан олинган бож тушуми, даромад ҳисобидан ҳарбийлар боқилмоқда...»[2]

[1] *Насритдинов Қобилжон*. Кўрсатилган асар. 36-бет.

[2] *Назаров Ф.* Записка о некоторых народах и землях средней части Азии. Текст подготовил в А.Ромодин. примечания В.А.Рамодина и В.А.Урванова. М., 1968. с. 50.

Амир Умархон Андижоннинг ривожига катта эътибор кўзи билан қараганлиги манбаларда акс эттирилган. У бир неча бор Андижонга ташриф буюрган. Улардан айримларини келтириш жоиздир. Амир Умархоннинг Андижонга шикор учун боргани Муҳаммад Ҳакимхон Тўра томонидан шундай тасвирланган: «Илгаридан расм бўлиб келаётган одатга кўра, Хўқан подшоҳлари ҳар йил қуёш Сунбула ойига кирган пайти дашт паррандалари, бедана овлаш ва Жадий буржида эса (декабрь-январь) шер, оху шикор этиб, дашт қушларини тутиш учун Марғилон ва Андижон тарафларга боришган. Мазкур ойларда Амир Умархоннинг ҳам бу каби одатни канда қилмасдан жаҳонни сақлаш усули ва Кайковус қоидасини қўллаб кўп вақтини овчилик кўнгилхушлиги билан ўтказар ва бу одатини сира канда қилмасди».[1]

1818–1819 йили Амир Умархон Ёрмазорга тушиб, уч кун бу ерда тўхтади ва айшу-ишрат ҳамда халқ арзу-додини сўраш билан машғул бўлди. Тўртинчи куни Андижон ва Марғилондаги пиёда ва отлиқ халқнинг барчаси атрофимда йиғилсинлар, дея фармон берди. Фармонга биноан 40 мингдан зиёд одам гурас-гурас бўлиб келишди. Ўша ов учун йиғилган лочинлар сони уч минг донага етарди. Амирнинг камтарин дуогўйларидан саналмиш бу фақирнинг ўзида қирқ лочин бор эди. Амирнинг ўзининг хос лочинлари уч юздан зиёд эди. Тўққизта шунқор қуши бор эди, қирқ баҳрин, йирик овловчи шоҳин, қирқта оху олувчи чарғ-шунқор икки юз овчи ити, қозоқхонадан келган иккита хумозод ити ҳам бор эди. Барчасининг бўйинбоғи олтин ва кумушдан эди. Устидаги ёпинғичлари бахмалдан...»[2]

Шаҳрихон тўқайидаги ов воқеасини тарихчи шундай тасвирлайди: «Эртаси куни у ердан қўзғалиб, Шаҳрихон тўқайига бордик. Бу ҳам ниҳоятда чексиз тўқай бўлиб, ҳар хил парранда ва даррандага бой эди. Тўқай ичида экин экиладиган ер ҳам бор эди. Шу сабабли буғдой ўримидан қолган донларни ейиш учун шунчалик кўп қуш учиб келган эдики, дала ҳудди лолазор олами ёки даштга қизил мовут ёпилган каби кўринарди. Амир Умархон бу манзара-

[1] *Муҳаммад Ҳакимхон Тўра.* кўрс. асар, Б. 363.
[2] *Муҳаммад Ҳакимхон Тўра.* кўрс. асар, Б. 365.

ни кўргач, ёнидаги қушчиларга овни ман қилди, аммо ўзи отдан тушиб, хос тўфангини кўтарганча шикоргоҳ сари юзланди. Умархоннинг бу ишидан амирлари ва овга қуш солувчилар хафа бўлдилар, бироқ эътироз учун оғиз очишга ҳеч ким журат қилмасди. Фақат рамз ва имо-ишора билан бир-бирларига ичидаги эътирозларини изҳор қилишарди. Ўша пайтда амир мени ва Муҳаммадалихонни (ўғли – Р.Ш.) ўз олдига чақириб, тўфанларингизни олинг ва бир томонда сиз иккингиз овга машғул бўлинг, бир томонда эса биз шикор қиламиз, деди... Гарчи амир истагига қарши бўлса-да, шунга қарамай, тўфангларга кўп дори солиб гуппиллатганча тўфангларни отишга киришдик. Қушлар эса тўп-тўп бўлиб осмонга кўтарилганча ўзларини ўрмон томонга уришди. Бир пастда қуш деган зотдан битта қолмай учиб кетди. Бизнинг бу ўринсиз ҳаракатимиз амирнинг ранжишига сабаб бўлди. Жаҳли чиққанча ғазаб билан ҳушҳиром отига минди ва лочин солиб овлашга мажбур бўлди. Амирлар эса бизнинг бу одобсизларча қилган ишимиздан роса хурсанд бўлишди».[1]

Андижон Қўқон хони Муҳаммадали (Умархон ва Андижон фарзанди Нодирабегимнинг фарзанди) ҳукмронлик қилган 1822–1842 йилларда янада юксалди. Муҳаммадалихон 1826–1831 йиллар давомида Қашқарга юриш қилиб, бу ердаги мусулмонларни хитойликлар зулмидан озод қилади ҳамда 70 минг уйғур мусулмонларини Андижон вилоятига кўчириб келтиради.[2] Уйғурлар Фарғона водийсининг шарқий ҳудудларига – Оқбўра дарё водийсининг юқори қисми, Қуршов водийси, Ўзган атрофлари, Кугарсой водийсининг Жалолобод ва Сузоқ районлари, Шаҳрихонсой, Ёзёвон, Андижон атрофларига жойлаштирилади. Бу муҳожир халқларнинг кўчириб келтирилиши сув хўжалигини ривожлантириш ва унинг асосида ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқлар барпо этилишида катта омил бўлди. Унинг ҳукмронлиги даврида хонлик ҳудуди янада кенгайди. Кулоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масжоҳ каби вилоятлар хонлик таркибига олинган. Хон-

[1] *Муҳаммад Ҳакимхон Тўра.* Кўрс. асар, Б. 366–367.

[2] *Эшов Баходир.* Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тизими. Янги аср авлоди. Т. 2012, Б. 358–360.

лик саройида фитначилик юзага келиб, хонга қарши турли хил суиистеъмолликлар юз берган. Бошқа хон сайлаш мақсадида хонликдаги айрим амалдорлар Бухоро амири Амир Насруллога хат ёзиб, ундан ёрдам сўрашгача етиб борганлар. Бир баҳона топа олмай турган Амир Насрулло бу таклифни қабул қилиб, 1842 йил апрелида Қўқонни босиб олган. Ёв босқинидан ҳимояланиб, Муҳаммадалихон шошилинч равишда йўл босиб, бир кун ичида фарсаҳ йўл юрганча Андижон вилоятидан ўтиб, Бўтақора мавзесига етиб олади ва манғит сарбозлари балосидан қутилишга имкон топади. Аммо Муҳаммадалихон хотинининг ўгай онаси Хон пошшонинг Марғилонда қолганини эшитиб ниҳоятда жаҳли чиқади, Бўтақорадан туриб Хон пошшани қўлга киритиш мақсадида ярим тунда Марғилонга етиб келади. Эрта тонгда Марғилон ташқарисида ўзининг икки маҳрами билан Кўҳна Работга тушади. Аммо аёллар макри ёрдамида Маҳмудхўжа Марғилонга келган Муҳаммадалихонни келганидан хабар топиб, бу ерга келиб, хонни ушлаб Насруллохон олдига кишанлаб олиб келган. Айни вақтда Султон Маҳмудхонни Шаҳрихон халқининг кўрнамак бир гуруҳ кишилари бекинган шаҳрида қўлга тушириб, бошига оғир кулфатлар солиб, Амир Насруллоҳ олдига қўл-оёғини кишанлаб келтирадилар. Ўша тунда Амир Насруллохон фармони билан Муҳаммадалихоннинг боши танасидан жудо қилинади. Султон Маҳмудхон ҳам ўша кечаси қатл этилади. Амир Насрулло истиқболига чиққан Муҳаммадаминхон ҳам шаҳид кетади[1].

Қўқон хонлигини Бухорога қўшиб олган Амир Насрулло Қўқонга ўз ноиби Иброҳим Додҳоҳ Манғитни ҳукмдор қилиб қўяди. Аммо бу ноибнинг хонлик халқига ўтказган жабр-зулмлари ҳаддан ошиб кетиши оқибатида аҳоли қўзғолон кўтаради. Қўзғолонга Муҳаммадалихоннинг қариндоши Шерали бошчилигида қипчоқлар Қўқонга келиб бухороликларга кучли зарба беради, тахтни Шералихон эгаллайди. Шу даврдан бошлаб узоқ вақт қипчоқлар хонликда етакчи мавқега эга бўладилар. Шунда Шералихон

[1] *Муҳаммадҳакимхон Тўра.* Мунтахаб Ат-товорих (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар). Т.: «Янги аср авлоди», 2010, 668–669- бетлар.

қизини Абулқосимбек никоҳига киритиб, Андижон вилояти ҳукуматини унга тақдим этади. Абулқосимбек укаси билан Андижонга келиб, амирлик ўриндиғига ўтириб, ҳукм билан давлат бошқаришга машғул бўлади. Бироқ унинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди, у ҳам фитначилар зарбасига учрайди. Ундан сўнг Андижон ҳокими Каримқул Додҳоҳ бўлади.

1845 йил Олимхоннинг ўғли Муродхон Амир Насруллонинг ёрдами билан Қўқонга келиб, Шералихонни қатл этади ва тахтни эгаллайди. У Қўқонда 11 кун хон бўлиб туради. Бу пайтда Наманганда бўлган мингбоши Мусулмонқули бундан хабардор бўлгач, Шералихоннинг 5 ўғлидан бири Худоёрхонни олиб Қўқонга келади ҳамда уни хонлик тахтига ўтказади (1845–1853, 1863, 1865–1875 йиллар). Худоёрхоннинг ёши 16 да эди. Бундан фойдаланган Мусулмонқули мамлакатни деярли ўзи бошқаради. Шунда Мусулмонқули хонликни тўла эркинлик билан бошқариш мақсадида Муҳаммадназарбекка Андижон вилояти амирлигини таклиф қилади ва таклифга рози бўлганча Андижонга келиб хокимлик лавозимини эгаллайди[1].

Маълумки, ўрта асрларда иқтисодиётнинг асосини ташкил этган деҳқончиликда ер ва сувнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Шу боис ерга ва сувга бўлган талаб тобора ортиб борган. Норин билан Қорадарё ўртасидаги ерларни ўзлаштиришга катта эътибор берилган. Бу ҳудудни маҳаллий халқ «Икки сув ораси» деб атаган.

Бу ҳудудга Мусулмонқул даврида қипчоқлар кўчиб келиб ўрнашиб, чорвачилик, қисман деҳқончилик билан шуғулланишган. Академик К.Шониёзов қипчоқлар Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий қисмларида ўтроқлашиб яшаганлар, деб ёзади. Мусулмонқул бу ҳудудда қипчоқ уруғларининг мавқеини мустаҳкамлаш учун 1838 йили Тентаксойнинг сўнгги қисми бўлган Тошпичансойдан қипчоқларнинг Қулон уруғи иштирокида янги ариқ чиқариб, икки сув орасининг жанубий томонлари ҳисобланган Урганжи, Майгир, Жаҳонобод атрофдаги тўқайзорларни ўзлаштиради. Ушбу ариқнинг ишга

[1] Ўша асар. 685-бет.

туширилиши билан 2700 таноб янги ерлар ўзлаштирилиб, қипчоқлар томонидан бўлиниб олинади. Кейинчалик Мусулмонқул 1844 йили марказий хокимиятдан четлаштирилиб Шаҳрихон ҳокими этиб тайинланганидан сўнг, у Шаҳрихоннинг шимоли-ғарбий, Балиқчининг жанубида жойлашган ерларни ўзлаштириб, қипчоқларга бўлиб бериб, уларнинг бу ҳудуддаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида 1848–1849 йиллари Сиза қишлоғи ёнидан Қорадарёнинг чап қирғоғи бўйлаб ариқ чиқаради. Ушбу ариқнинг умумий узунлиги 34 чақирим бўлиб, тарихга у Мусулмонқул ариғи номи билан кирган. Ариқ қазилган ҳудуднинг тупроқ таркиби тез ювиладиган қум аралаш ғовак бўлгани учун 1870 йилга ўзани чуқурлашиб, ундаги сувнинг миқдори икки баробарга ортиб кетиб 175–180 м сек. га етади. Ушбу ариқ сувлари билан Халфа, Қўшкўприк, Тумор, Сарой, Олимбек каби қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланади[1].

Мирзо Олим Муширифнинг «Қўқон хонлиги тарихи» (Ансоб ус-Салотин ва таворих ул-Хавоқин) номли асарида ҳам Андижоннинг XIX аср воқеалари тарихидан айрим лавҳалар келтирилган. Масалан, Қўқон хони Худоёрхоннинг учинчи ҳукмронлиги даврида (1865–1875 йилларда) унинг Андижонга келиб, бу ердаги фаолиятидан лавҳалар келтирилган: «Замоники Худоёрхон саодатнишон батариқан шикор ва ҳам батариқаи эҳтисоби аҳволи фуқаро ва раиятларидин огоҳ бўлмоқ учун тарафи Андижонға равона айлаб, давлати тамом бирла отланиб Марғилон бориб, бир неча кун истиқомат айлаб, андин бадавлати тамом отланиб Шаҳрихон бориб, андин Андижон бориб, бир неча кун истиқомат қилиб, атроф ва жавонибдин аҳвол олиб арза сўрадилар. ...Андижоннинг Саранжом айлаб, андин Балиқчи бориб, шу тариқа Саранжом айлаб, Наманган бордилар...» (83-бет.)

Қўқон хонлиги таркибидаги Андижон беклигининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва мафкуравий ҳаётида муаян ўзгаришлар юз берган. Айниқса, таълим тизими анча ривож топди. Бу ўринда андижонлик тарихчи олимлари-

[1] *Насритдинов Қобилжон*. Кўрсатилган асар. 41–42- бетлар.

нинг[1] асарларидан айрим фактик материаллар келтириш мумкин. Айниқса, Норбўтабий даврида (1769–1880) савдо, ҳунармандчилик, деҳқончилик, суғориш ишлари, маданият анча ривожланди, кўплаб мактаблар, ҳаттоки айрим мадрасалар бунёд қилинди. Андижон беклигида бу вақтда бир неча мактаблар барпо этилган. Балиқчида 1781 йилда Нурмирзабой мактаби, 1791 йилда Сўфиота мактаби ташкил этилганди. 1806 йили Балиқчининг Хўжаобод қишлоғида Хўжадодҳоҳ мактаби, 1821 йили Тўрткўл қишлоғида Тўрткўл мактаби, 1838 йили Андижон шаҳри Худоёрхон маҳалласидаги Оқмасжид мадрасаси қошида мактаб ўз иш фаолиятини бошлади. Андижон беклигидаги 117 та мактабдан 29 таси Андижон шаҳрида қолган 88 таси эса қишлоқ ҳудудларида ташкил этилганди. 1861 йили Хаканнинг Дархон қишлоғида Мулла Кабир Халифа очган мактабда 5 нафар ўғил бола, 13 нафар қиз бола ўқиган ва 1 нафар отинойи дарс берган. 1865 йили Бўтақора қишлоғидаги Хожарбиби мактабида 20 нафар қизлар ўқиган. 1874 йили Хаканнинг Гулистон қишлоғида қурилган Хўжамбердибой мактабида 2 нафар ўғил бола, 12 нафар қиз ўқиган. Хаканнинг Сариқўй қишлоғида Яқуб Хожибой мактаби очилган. Андижоннинг Қорамулла маҳалласидаги Мулла Сўфи домулла мактабида 1874 йили 20 нафар ўғил бола ва 10 нафар қиз бола ўқиган. Бу вақтда Андижон беклигида жуда кўплаб мадрасалар қурилган. Фақат, 1826–1873 йиллар мобайнида Андижон беклигида 26 та мадраса барпо этилган бўлиб, ундан 16 та мадраса Андижон шаҳрида қолганлари йирик қишлоқларда барпо этилган. Хонлик даврида қуйидаги мадрасалар қурилган ва фаолият кўрсатган: Абдураҳмон Офтобачи, Абдухолиқбой, Азимхўжа Мирзахўжа Эшонов, Бердихўжабек, Боқибой, Жоме, Зулфиқорбек, Зуннунбек, Иса Додҳоҳ, Маҳмудалибой, Мулла Абдусаттор, Мулла Олимқул, Мусулмонқул, Муҳаммад Раҳим, Муҳаммад Холиқ, Насриддинбек, Оқ масжид, Тагишигин, Тоғай Хўжа,

[1] *Алимов Иброҳимжон., Тўтабоев Бахтиёр, Эркаев Эргашали*. Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан.Т: «VEKTOR-PRESS», 2009, Б.24.; *Алихожиев М.О.* Қўқон хонлигида таълим тизими ва унда вақф мулкларининг тутган ўрни (1800–1876 йиллар). Тошкент – 2013. Б. 114.

Чувама, Чукур масжид, Ўринбой, Қўқон қишлоқ, Холбек қушбеги.

Андижондаги хонлик даврида қурилган илк мадрасалардан бири Андижон ҳокими Раҳмонқулибой мадрасаси ҳисобланган. Мадраса 1808 йили Раҳмонқулибой томонидан қурилган. 1841 йили Андижонда Халифа Азиз Эшон томонидан Халифа Азиз мадрасаси қурилган. Андижондаги энг катта мадрасалардан бири – Холбек қушбеги мадрасаси шаҳарнинг Қоримулла маҳалласида 1831 йили қурилган. Мадрасанинг 34 та ҳужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган. Холбек мадрасага вақф қилиб 66 десятина ер, 5 та савдо дўкони, 1 та карвонсарой таъсис қилган. Мадрасада 130 нафар талабага 11 нафар мударис дарс берган.

Қўқон хони Муҳаммад Алихон саройида дастурхончи лавозимида ишлаган Маҳмуд 1838 йили Андижон шаҳрида Оқмасжид мадрасасини қурдирган. Оқмасжид мадрасасининг 25 та ҳужраси ва 1 та дарсхонаси бўлган. Маҳмуд дастурхончи мадрасага 185 десятина ер, ҳаммом вақф қилган. Мадрасанинг масжидидан ташқари мактаби ҳам бўлган. Вақф даромадининг бир қисми мактабга ҳам ажратилган.

Худоёрхоннинг биринчи вазири бўлган Мусулмонқул 1841 йили Андижонда катта мадраса қурдирган. Мадрасанинг 24 та ҳужраси ва 1 та дарсхонаси бўлган. 70 та савдо дўконини ва кўп миқдордаги экин ерларини вақф қилиб берган.

1865–1875 йилларда Андижон ҳокими бўлган Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбек 1867 йили Андижонда мадрасага асос солган. Мадрасанинг 25 та хужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган. Бу мадраса 1876 йилда чор ҳукумати армияси Андижонни босиб олгандан кейин рус аскарлари ётоқхонасига айлантирилган. 1877–1878 йилларда маҳаллий аҳоли ёрдамида Чувалачи даҳасида Насриддинбек мадрасаси қайта бунёд этилган. Мадрасада 60 нафар талаба ўқиган, 10 нафар мударрис ишлаган.

1873 йили Андижон шаҳри Авушка маҳалласида қурилган Абдураҳмон Офтобачи мадрасасининг 2 та дарсхонаси, 24 та ҳужраси, масжиди бўлган. Абдураҳмон Офтобачи

Мусулмонқул мингбошининг ўғли Худоёрхон саройида офтобачи лавозимида хизмат қилган даврида хон унинг хизмати эвазига Андижон беклигининг Олтинкўл қишлоғидан 12 минг таноб ер берган. Бу ерлар Офтобачичек деб номланиб, Мусулмонқул (кейинчалик Улуғнор) ариғидан суғорилган. Бу ерларни Абдураҳмон Офтобачи ўзи қурдирган мадрасага вақф қилиб берган.

1853 йилда Қўқонқишлоқ ҳудудидаги Хайрабод қишлоғида катта ер эгаларидан бири Тоғай хожи Ордоқчи Сўфи ўғли мадраса қурдирган. Мадраса Тоғай хожи мадрасаси деб номланган. Ўша йили мадрасага 2 та ер участкаси вақф қилиб берилган[1].

Андижондаги Раҳмонқулибий мадрасасида ҳар йили ўртача 50–60 нафар талаба таҳсил олган. Уни битирганлар Андижондаги жамоат ва давлат идоралари ишини юритишда хизмат қилган. Баъзилари эса янада чуқурроқ билим олиш мақсадида Қўқон ёки Бухоро мадрасаларига бориб таҳсилни давом эттирганлар[2].

Андижон беклигида ҳам масжид, мактаб ва мадрасалар фаолиятида вақф мулкларининг ўрни катта бўлган. Турли кўринишдаги мол-мулкларни диний ташкилотларга вақф қилиш пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) замонидан мерос бўлиб келган. Вақфлар уч гуруҳга бўлинган. Улардан бири Вақфи махсус (хос) – подшоҳ ва амирлар томонидан мактаб, мадраса, масжид, касалхона, шоир ва ҳаттотлар иш ҳақи учун, йўллар, ҳовузлар ва кўприкларни таъмирлашга таъсис қилинган вақф ҳисобланади.

Андижондаги ҳозиргача маълум бўлган энг қадимги мадраса Раҳмонқулбой мадрасаси ҳисобланади. Бу мадраса ўз замонасининг катта ер эгаларидан бири Раҳмонқулбой томонидан ҳижрий 1223 милодий 1808 йилда қурилган. Мадрасага Хакан даҳасининг Ҳолиқбек Қушбеги қишлоғида 407 десятина ва Майгирнинг Сари-Бош қишлоғида 207 десятина суғориладиган ер ва Андижон шаҳри бозоридаги карвонсаройни вақф қилиб берган.

[1] *Алимов Иброҳимжон., Тўтабоев Бахтиёр, Эркаев Эргашали*. Кўрсатилган адабиёт. 15–16-бетлар.

[2] *Алихожиев М.О*. Кўрсатилган адабиёт. 46-бет.

Вақфномада мадрасанинг жойлашиши қуйидаги баён этилган. «Раҳмонбулбой Имомқулбий Андижоннинг Олайлик томонида мадраса қурдирган. У ғарбга йўл билан, шарқда эски қалъа ҳандағи билан, жанубда кўча, шимолда ҳам кўча билан чегараланган. Унинг ғарб томонида азизлар мозори бор, ғарбда эса Мавлоно Шоҳасан мозори бор». Олайлиқ даҳаси ҳозирги Бобур майдони, Чоргузар, Пиёнбозор, Такавой гузар атрофларини ўз ичига олади. Демак, мадраса шу ҳудудларда бунёд этилган[1].

[1] *Алимов Иброҳимжон., Тўтабоев Бахтиёр, Эркаев Эргашали*. Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан.Т: «VEKTOR- PRESS», 2009, Б.13

АМИРЛАШКАР АЛИМҚУЛ

Подшоҳлик Россияси босқинига, советлар тажовузига қарши Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи қарийб 130 йил мобайнида озодлик, истиқлол уруши олиб борди. Аслида бундай даҳшатли чет эл истилолари кўҳна тарихимизда кўп бора такрорланган. Милоддан аввалги замонлардан бери улуғ аждодларимиз юрт ҳимоясига кўкракни қалқон қилган. Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон заминида душманни ҳайратга солган диловар баҳодирлар жуда кўп бўлган. Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур номлари асрлардан-асрларга озодлик яловбардорлари сифатида ўтиб, абад яшаб келмоқда. Халқ ҳар қандай замонда ҳам ўзининг мард, шижоатли, эрк учун курашган фарзандларини улуғлайди.

Россия мустамлакачилари ва мустабид советлар даврида эрк ва озодлик учун, мустақил ҳаёт учун олиб борилган кураш ва урушларда халқ орасидан ана шундай улуғ сиймолар етишиб чиққанки, улар ҳақидаги тарихий лавҳаларни эслаш, хотирлаш ниҳоятда ҳайрли ва фахрлидир.

Ўшандай халқ қаҳрамонларидан бири, андижонлик амири лашкар Алимқулдир. У 1831 йили Андижон ҳокимлигига қарашли Қўрғонтепа бўлисида қирғиз-қипчоқ оиласида дунёга келган. Алимқул икки ёшга етганда отаси Ҳасанбой вафот этади. Тоғаси мулло Дўст Охун 6–7 ёшигача Қўқондаги Бужунбитганда ўқитиб, саводини чиқаради. Шундан сўнг оила яна Қўрғонтепа бўлисига кўчади, кейин Андижон шаҳрида ўрнашиб, Оқ масжид мадрасасида 2 йил таҳсил олади. Алимқул Ҳўқандда Маҳдум хожи домулло Аёз Махдум қўлида ўқишни давом эттиради. У ўн саккиз ёшга тўлганида опасининг эри – поччаси Тоғайқул додҳоҳ сипоҳгарчилик ишига ўргатади. Шундан кўп ўтмай бир вақтлар отаси бий бўлган Қўрғонтепа бўлисида бийлик қилади. Ақл ва одоби билан тезда шуҳрат, обрў топади. Бир

мунча муддатдан сўнг, чамаси бийлик фаолиятида тўсиқлар ортгач, Андижон ҳокими бўлиб турган аввал Сўфибекда, сўнгра Маллабекда навкар бўлиб хизмат қилади. Яхши хизматлари учун бу жойда ҳам эътибори ортиб боради. қачонки Маллахон 1858 йилда Қўқон тахтини эгаллаганда Алимқулнинг хизмати янада ортиб кетади. Унинг чекига чор Россияси босқинига қарши кураш тушади.[1]

Шимолдан ёв бостириб келаётган бир пайтда Қўқон хони Маллахонга суиқасд қилиниб, тахтга 11 ёшли норасида ўғли Султон Сайидхон кўтарилади. Шу боис мамлакатдаги бутун салтанат ишлари Қўқон хонлиги амир лашкари Алимқул қўлида мужассамлашади. Ҳукумат иши – пул зарб қилишдан тортиб мансаб, амал, молия бошқаруви – ҳаммаси Алимқул тасарруфида эди. Азбаройи унинг сиёсати туфайли тарқоқ қавмлар ўртасида жипслик вужудга келади. Шу сабабли рус истилочиларига қарши курашда Чимкент, Иқон, Тошкент учун бўлган жангларда Алимқул қўмондонлигидаги лашкар, ватан мудофаачилари ғолиб келади. Ўзбек, қипчоқ, қирғиз ва қозоқ аҳолисини жипслаштириб, уларни душманга қарши жангга сафарбар қилган Алимқул беқиёс ватанпарвар сифатида иш тутган ва фикр юритган.

Алимқул бор кучи билан Тошкентнинг Мингўрик мавзеида тўп ва милтиқлардан отиш бўйича машқлар ўтказади. Ниҳоят Чимкент томон юриш бошланади. Алимқул ўз лашкари билан ҳар бир масжид ва маҳалла олдида тўхтаб, халқдан ва уламолардан дуо ва фотиҳа олади. Алимқул саркарда бўлган қўшинлар таркибида Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш йигитлари ҳам бўлиб, улар алоҳида жанговарлик намойиш этдилар. Жанг 1864 йил 14 июлда бошланиб, уч кун давом этди.

Лашкарбоши Мулла Алимқул йигитларининг ҳар бирининг кўнглини кўтариб, ҳаммани отдан тушиб ҳужумга ўтишга фармон берди. Шу равишда карнайлар садоси остида

[1] Алимқулнинг ҳаёти ва фаолияти қуйидаги асарларда батафсилроқ ёритилган: Амир лашкар Алимқул тарихи. Алимқул жангномаси (парча) тузувчилар: Рустамбек Шамсутдинов, Поён Равшанов. Тошкент 1997; Хабибулло, Рустамбек Шамсутдинов. Ёлқин. Тарихий роман. Т. «Шарқ». 2001; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси даврида (Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов,Қ.Усмонов) Т. «Шарқ». 2000, 62–78-бетлар.

тўрт томондан русларга қарши ҳужум қилинди. Жанг шу қадар даҳшатли бўлдики, оқибатда штабс-капитан Мейер ўлик ва ярадорларни майдондан олишни рўкач қилиб, урушни тўхтатиш бўйича музокара бошлашга мажбур бўлади. Душман Авлиёота ва Туркистон томон чекинади. «Бу ғалабани Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий тасвирлайди: «...Мулла Алимқул эшик оғаси қўлига зафар жиловини олиб, иқбол остонасига қадам қўйди, шарафи осмон авжига етиб, фатҳу зафар аскарларга ишорат қилди... Икки томондан ҳарб ноғораси ва уруш найи чалинди. Мусулмонлар тантанаси фазода акс-садо берарди. Довул садоси, ёшу қари фарёди аршдаги малак қулоғини ҳам кар қилди...»

Истилочилар лашкарбоши Алимқул ҳузурига элчи жўнатиб, сулҳ тузишни илтимос қиладилар. Алимқул ватан йўлида жонини тикиб, унинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб душманга бермаслик учун, ўтмишни, келажак авлодни эл-улус номусини ўйлаб, улкан давлат арбоби ва саркарда сифатида иш кўрди.

Унинг яқин сафдоши, шиғовули андижонлик Мулла Юнусжон Мунший рус ҳарбий қўмондонлиги билан Алимқул ўртасида сулҳ тузишга кўп уринганди. Ёв босиб олган Туркистон, Авлиёотани қўлда сақлаб қолиш, хонликнинг бошқа ҳудудларига ҳужум қилмаслик шарти билан сулҳ тузишни таклиф қилганда Алимқул ўз шиғовулига шундай жавоб қилган: «Бу масалиҳани қилсак, Туркистон ва Фарғона халқи Амири лашкар ва шиғовул деган икки малъун ўз осойиш ва айш-ишратларини кўзлаб, бу қадар мусулмонларни Уруссияга ташлаб сулҳ қилдилар, агар булар ғайрат ва ҳамият қилсалар ҳаммамиз ғазотга отланиб, бул тараф Урунбурх, ул тараф Симфулод (Симферопол) ва Шомиғача олур эрдук», деб тирик бормиз ўзимизга лаънат ва таъна юборсалар керак... Энди бизга масалиҳа важҳидан сўз қилманг, токи сафдан қўзғолиб, сафром ғалаба қилмасун».

Алимқул Чимкентдаги ғалабани мустаҳкамлаб, қўшинни кўпайтириб, янги ҳужумга тайёргарлик кўраётган бир пайтда Бухоро амири Музаффархоннинг Қўқон хонлиги ҳудудига бостириб киргани ҳақида ҳабар келади. Бу орқадан урилган ханжардек хоинона иш эди.

Алимқул асосий қўшини билан Қўқон ҳимоясига отланишга мажбур бўлади. У инглизларнинг Ҳиндистондаги ваколатхонасига, Туркияга ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Алимқул Хўжанд ва Ўратепа Музаффархон қўшинлари билан жанг қилаётган бир пайтда Черняев 1864 йил 14 сентябрда Чимкентга иккинчи бир юриш қилади. 22 сентябрда Чимкент яна истилочилар қўлида қолади. 2 октябрда Тошкент учун жанг бошланади. Ватан мудофаачилари Қўқон хони Султон Сайидхон ва амир лашкар Алимқул қўмондонлигида душманга кучли зарба берадилар. Черняев ўз аскарлари билан Чимкентга чекинишга мажбур бўлади. Зафар қучганларни тошкентликлар қутлайдилар.

«Султон Сайидхон ва мулла Алимқул амири лашкар, кўп аскарлар билан Чирчиқдан ўтганда шаҳар аҳли акобирлари, уламолари, фозиллари, саркорлар ва шайҳлар уларнинг қаршисига чиқиб зиёрат этиб, йиғи-сиғи билан кўришиб ва дуога қўл кўтариб, уларни шаҳардаги ҳукумат саройига олиб келдилар. Уларга мужоҳидлар, ғозийлар ва шаҳар аҳолиси қатнашувида зиёфат берилди».

1864 йил ноябрида Алимқул Иқон қалъасини душман қўлидан қайтариб олиб яна бир зафар қучди. Иқон қишлоғига тўрт чақирим қолган жойда Алимқул ўз лашкари билан Серов бошчилигидаги ҳарбий қисм қуршаб олинади. Серовга ёрдамга келган рус аскарларига ҳам зарба берилади. Душман яроғ-аслаҳаларини ташлаб, Туркистон шаҳрига қочишга мажбур бўлади. Орадан кўп ўтмасдан Алимқул бир неча юз рус аскарлари дабдаба билан яқинлашиб келаётганидан хабар топади. У дарҳол душман йўлини тўсиш чорасини кўради. Қору муз отларнинг кўкрагига тегадиган даражада, совуқ ниҳоятда кучли эди. Сарбозлар кечани от устида ўтказадилар, уларнинг кўпчилиги совуққа чалинади. Руслар эса ўзлари ковлаган хандакларга кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз қиладилар.

Ватан мудофаачилари русларга қарши тўрт томондан ўқ ёғдирадилар. Аммо душман тоғдек мустаҳкам эди. Шунда Алимқул маслаҳат қилиб ҳийла йўлини тутади. «Улар бир кеча-кундуздан кейин ҳар хил нарсалар – намат, дарахт шохлари, қору муздан «қора бўйра» ясаб, уни олдиларига

қўйиб юмалатиб кофирлар мавзеига яқинлашдилар. Уларнинг орасида паналаб келган навкарлар тўсатдан душманга ҳужум қилиб, кофирларни паришон ҳолда нобуд этдилар».

Бу Иқон жангида рус аскарлари ва зобитларидан 57 нафари ўлдирилиб, 43 нафари жароҳатланганди.

1865 йил баҳорида генерал Черняев қўмондонлигида Тошкентга иккинчи бор ҳужум қилинди. Тошкент мудофааси учун Алимқул ва хон Султон Сайидхон етиб келадилар. Шунда муаррихнинг ёзишича: «... етти ёшдан етмиш ёшгача эркак-хотин, ёшу-қари хизмат камарини белларига боғлаб пишган таомларни бошларида кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар, ширин меваларни саватларга солиб, аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшларни оқизиб, кўзёшлари суви билан аскарларнинг юзларидаги чанг ғуборни ювиб, артиб, кўзгудай тозалаб, овқатларини еб битиришларини илтижо қилдилар».

Жанг бомдод намози ўқилгач бошланади. Юрт мудофаачилари Афросиёб тепалигида марра эгаллайди. Алимқулнинг ўнг қўли сардори саркарда Кенесарин бошчилигидаги сарбозлар душман тарафга разведкага жўнайди. Рус аскарлари икки томондан – Шўртепа ва Олтинтепага ўрнаша бошлагани маълум бўлади.

Бош қўмондон Алимқул душманга қарши биринчи навбатда қора кийимли сарбозларни, кейин нимча кийимлиларни ва орқасидан темир совут кийган 2000 навкарни, 2000 пулоҳпўш кийганларни, сўнгра милтиқ билан қуролланган отлиқларни юборади. Уларнинг кетидан яна отлиқлардан ва кўнгилли фидойилардан иборат кучлар боради. Алимқул сарбозлар ва ғозийлар орқасидан чопқир отга миниб тезлик билан Афросиёбтепасига чиқади. У шаҳарнинг Қўқон дарвозасига замбарақларни шундай тартиб билан ўрнаштирдики, ҳар бир жанговар саф бошидан охирига қараганда худди бир одам тургандек кўринарди. Сафлар орасида 36 замбарак ўрнаштирилди. Кўп ўтмай душман тўплари садоси янграйди. Ўрислар аскарларига қарши тўп ва милтиқлардан ўқлар отилади. Алимқул ҳар бир жангчи олдига бориб, айниқса, баҳодирларга, сардорларга, сарбозларга ширин сўзлар би-

лан мурожаат этиб, дин ва ватан учун жангга руҳлантириб турди. Отлиқлар уч тарафдан ҳужум қилиб, душман сафини тўзитиб юборади. Олчоқ ва Олтинтепа мавзеи орқали Шўртепагача русларни таъқиб этади. Чекинган рус қўшини тепаликка чиқиб жон сақлайди. Бу тўқнашув юрт мудофаачилари фойдасига ҳал бўлади.

Аммо келгуси жанг режаларини муҳокама қилиш кенгашидан душманга нафас рослашга имкон берувчи хато фикрга келинади. Бу эса хунук оқибатларга олиб келди. Шўртепадаги руслар билан тўқнашув ўша хато рўйиростлигини исботлади. Муаррих Муҳаммад Солиҳ бу жангни шундай тасвирлайди: «Тўплар ва милтиқлар оғзидан думалоқ ўтоловлар чиқиб, ҳавога парвоз этиб, душман устига ёғар эди. Жасур ва фидойи сарбозлар ҳамда мужоҳидлар уруш майдонида душманни ёқасидан ушлаб ва муштлаб, қўлларидаги туғ, қилич ва найзалар билан жанг қилдилар, майдонда ўлаётганлар ва жароҳатланганларнинг оҳ-войлари ва фарёдлари садолари ҳар томондан эшитилиб турарди». Бош қўмондон шахсан ибрат кўрсатиш учун ўзини жанг майдонига уради. Алимқулга дуч келган ҳар бир душман чавандози омон қолмаган. Жанг авжига чиққан бир пайтда душман ўқи Алимқулнинг киндиги пастига тегиб жароҳатланади. қўмондон от устидан йиқилаётганда уни бўйнидан маҳкам ушлаб, ўзини яна от устига олади ва шу ҳолда тўпхона олдига бориб шундай фармон беради: «Тошкент фуқаролари аста-секин орқага қайтиб, ўзларини шаҳар ичига олсинлар, бошқа сарбозлар ва мужоҳидлар эса урушни давом эттирсинлар».

Лашкарбошининг ярадор бўлиб, сафдан чиқиши мудофаачиларни руҳан тушириб юборади. Қўшинда пароканда-лик юз берди. Мудофаа тақдири ўзгарди. Бу эса Алимқул дардига дард қўшди. У вафот қилди. Ватан мустақиллиги йўлида шаҳид бўлди. Тошкентдаги Юсуфхўжа Иноғомхўжа читфуруш ўғли хонадонидан мулла Алимқул жасади чиқарилиб, Шайхонтоҳур қабристонига қўйилди. Алимқул ҳалок бўлганида эндигина 33–34 ёшларда эди. Босқинчи генерал Черняев Тошкентни истило этгач, Алимқул қабрини

кўрибгина чиндан ҳам бош қўмондон ўлганига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли ўрнига тушганди.

Алимқул билан бирга жанг қилган ва унинг жанозасида қатнашган, кейин Сибирга сургун қилинган Мулло Холбек ибн Мусо Андижоний ўша ўзга юртдалиги чоғида «Алимқул жангномаси» номли шеърий достон ёзган.

Алимқулнинг шиғовули андижонлик Мулло Юнусжон Мунший 1902 йили Андижонда «Тарихи Амир лашкар Алимқул» номли тарихий асар ёзган. Бу қўлёзма асар ҳам Шарқшунослик институти жамғармасида сақланмоқда.

Қўмондоннинг ўғли Шермуҳаммадбек бўлган. У Тошкент қушбегиси тарбиясида бўлган. Сўнгра Ойимқишлоқ ва Андижон шаҳрида яшаган. У Андижон шаҳар бош оқсоқоли эди. 1916 йилги қўзғолон даврида бу лавозимдан четлаштирилган. Унинг яқин дўсти Миркомилбойнинг куёви Абдужабборбой Норматбой ўғли бўлган. Улар 1913–1914 йиллари биргаликда ҳаж сафарида бўлганлар.

Алимқулдан уч ўғил фарзанд қолган. Бири Шермуҳаммад Мирзо 1902–1916 йиллари Андижон шаҳар Бош оқсоқоли бўлган, Яна бири Тошмуҳаммад (Тошмат) Қўрғонтепанинг Култепа маҳалласида яшаб ўтган, бошқа бир ўғли Рустамбек эса айрим маълумотларга кўра Америка Қўшма Штатларида яшаб ўтган. Алимқулнинг авлодлари-набира, чевара, эваралари, бошқа авлодлари ҳозирда Тошкент, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Ойим, Ўш ва бошқа жойларда истиқомат қилмоқда.

Мулло Холбек ибн Мусо Андижоний бу халқ қаҳрамони Алимқул жасоратига бағишлаб «Алимқул жангномаси» достон битган. Холбек Қўқон хонлигида юз берган жангу жадаллар иштирокчиси бўлган. У 1873 йилда Ўш, Жалолобод, Кўгартда Маъмурбек бошлиқ қўзғолонга қўшилганликда айбланиб 10 йилга Сибирга бадарға этилган. Достон Сибирь сургуни даврида ёзилган.

1865 йил 15 июнь куни Тошкент чор Россияси қўшинлари томонидан забт этилади. Шундан сўнг чор Россияси қўшинлари 1866 йилдан Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қарши уруш олиб боради. Натижада, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги забт этилади. Бу вақтда Қўқон хонлиги ўз

бошидан чукур сиёсий ва иқтисодий инқирозни кечираётган эди. 1868 йил 13 февралда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ва Қўқон хони Худоёрхон ўртасида шартнома имзоланади. Унга кўра Россия босиб олган ҳудудлар империя тасарруфига ўтади. Бундай вазият Фарғона водийсида Худоёрхонга қарши норозилик ҳаракатлари келтириб чиқаради. Унга ўзини Қўқон хони Олимхоннинг набираси Пўлатхон деб эълон қилган Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли бошчилик қилади. Пўлатхон томонига Исо Авлиё, Абдураҳмон Офтобачи, хоннинг укаси, Марғилон ҳокими Султон Муродбек, хоннинг ўғилларидан Андижон ҳокими Насриддинбек ва Муҳаммад Аминбеклар ўтиб кетганлар. Шунда Андижон ҳокими Насриддинбек 1875 йил 18 июлда 5 минг кишилик қўшини билан Пўлатхон бошлиқ қўзғолончилар сафига қўшилади. Буларнинг ҳаммаси Худоёрхоннинг кейинги тақдирини ҳал этган муҳим сабаблардан бири эди.

Худоёрхон қўзғолончиларни қисман мағлуб этади. Бироқ аҳвол ўзгармайди. 1875 йилнинг ўрталаридаёқ Ўш, Наманган, Андижон, Асака, Марғилон шаҳарлари қўзғолончилар томонидан эгалланади. Бундан Россия ҳукумати саросимага тушади. Қўзғолонни бостириш учун полковник М.Д.Скобелев Туркистонга юборилади. Худоёрхон Кауфмандан ёрдам сўрайди. Бироқ 1875 йилнинг ёзида у Хўжанд орқали Тошкентга қочиб кетади. Кауфман эса Худоёрхоннинг 40 та аравадаги мол-мулкини мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қилади. Кейинчалик Оренбург тутқунлигидан қочиб, Маккаи Мукарамага ҳаж амалларини адо этгани боради. Унинг Қўқондан чиқиб кетишидан олдиноқ юқори табақа вакиллари томонидан Насриддинбек Қўқон тахтига хон этиб ўтказилди. Бунда Абдураҳмон Офтобачи бошчилигидаги гуруҳнинг хизмати катта бўлганди. Насриддинбек Россия ҳукуматининг босқинига қарши куч тўплаш мақсадида фон Кауфман номига мактуб йўллаб, ўзини тахтга ўтирганлигини маълум қилади ва дўстона алоқада бўлиш истагини изҳор этади. Айни вақтда Насриддинбек Бухоро амирига ҳам мактуб билан мурожаат қилади: ***«Отам ўрнига тахтга ўтирган мен Сизга маълум қиламанки, ҳозирда дин ҳимояси учун курашга отланган***

шаҳар ва дашт аҳолиси катта куч-ғайрат билан бош кўтарди. Она-Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳамда дин учун кураш шунча кўп одамларни бир жойга жамладики, сон-саноғи Худодан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Мени Андижондан келтириб, кофирларга қарши курашишни зиммамга юкладилар. Биз тахтга эга бўлдик, шаҳар ва дашт аҳолиси бизни хонлик либоси билан зийнатлади. Ҳозирда кофирлар ўтадиган ҳар бир йўлга ҳарбий қисмлар юбордик. Шахсан менинг ўзим ҳам кофирларга қарши курашиш мақсадида беҳисоб қўшин билан йўлга чиқдим.

Олий ҳазрат! Сизни отам ўрнида ва исломнинг йирик ҳукмдорлардан бири сифатида кўриб, ўзимизнинг ишларимиз ва эзгу мақсадларимизни изҳор этмоқдамиз!»[1]

Ўз навбатида Абдураҳмон Офтобачи ва Исо Авлиёлар ҳам Бухоро амирига хатлар йўллаб, ундан Туркистон генерал-губернаторига қарши уруш олиб боришда ёрдам беришни сўрашган эди. Бундай мазмундаги мурожаат Тошкентнинг нуфузли кишиларига, жумладан, Саидазимбойга ҳам жўнатилган эди. Аммо Бухоро амири ҳам, Саидазимбой ҳам бу мактуб-мурожаатларни фон Кауфманга икки қўллаб топшириб, ўзларининг Оқ пошшо ҳукуматига содиқлигини намойиш этдилар. Хуллас, озодлик курашчиларининг ташқаридан ёрдам олишга қилган умид ва саъй-ҳаракатлари пучга чиқди.

[1] *Зиёев Ҳамид.* Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: «Шарқ», 1998, 339-бет.

АНДИЖОН МАТОНАТИ

(1875–1876)

Юртбошимиз Ислом Каримов 2013 йилнинг 9 майида Тошкент шаҳридаги Хотира майдонида ўтказилган Хотира ва қадрлаш куни тадбирида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашар экан, **«Эл-юртимиз ўз тарихида бошидан кечирган мисли кўрилмаган синов ва суронли кунларни яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, ишончимиз комилки, Ўзбекистон ўз озодлиги, ўз қадр-қиммати учун ҳамиша мардлик ва матонат кўрсатиб келган, ҳеч кимга бош эгмаган ва ҳеч қачон бош эгмайди»**, деб айтди.

– Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бермоқда, – деб таъкидлади И.А.Каримов. – **Яъни тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган хатоларини яна такрорлаши мумкин»[1].**

Ҳа, Ўзбекистон тарихининг ажралмас бир бўлаги, ажралмас бир таркибий қисми Андижон тарихига ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндошмоғимиз лозим. Кўҳна ва ҳамиша навқирон диёримиз, ўлкамиз ўзининг кўпминг йиллик тарихида ўз бошидан катта ва оғир синовларни кечирди. Унинг бой ва кўркам тарихида ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали воқеалар бўлиб ўтган. Улардан бохабар бўлиш, улар моҳиятини англаш, тегишли сабоқ ва хулосалар чиқариш, шу аснода ҳозирги ҳаётни муносиб қадрлаб, шукроналар келтириб, истиқбол сари ҳаракат қилиш биз андижонликларнинг муқаддас бурчимиздир. Биз жонажон Андижонимизнинг кечаги ва бугунини яхши билмоғимиз, англамоғимиз

[1] Халқ сўзи. 2013 йил 10 май.

лозимдир. Андижоннинг ёв босқинчиларига қарши озодлик учун, мустақиллик учун олиб борган кураши ана шу бой ва кўркам тарихимизнинг муҳим лавҳаларидандир. Мазкур мавзу бўйича янги топилмалар, манбалар асосида андижонликларнинг 1875–1876 йиллардаги Россия босқинига қарши курашидан айрим лавҳаларни келтиришни лозим билдик.

Рус истилосига қарши ҳаёт-мамот жангларидан энг кучлиси 1875–1876 йилларда Андижонда юз берди. Ушбу шаҳар эрк ва озодлик учун курашнинг мустаҳкам қалъасига айланганди. Хонлик зулмига ва рус истилочиларига қарши кўтарилган Пўлатхон, Абдураҳмон Офтобачи бошлиқ улкан қўзғолоннинг маркази айни шу шаҳар бўлган. Бу ерда ҳаёт-мамот жанги юз берган. Ўш, Шаҳрихон, Булоқбоши, Асака, Аравон, Марғилон, Қўқондан ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар йиғилиб, ёв босқинчиларига қарши охирги томчи қон қолгунча жанг қилишга қасамёд этадилар.

Барча маҳалла оқсоқоллари қўзғолон раҳбари Абдураҳмон Офтобачига яқиндан ёрдам қиладилар. Хотамбой понсод, Раҳмонқул, Мамаюсуф, Ислом, Қурбонбек Хожа, Дали понсод каби қўзғолон сардорлари шаҳар кўчаларида мудофаа иншоотлари қурадилар. Мирзо Имом раис, понсадбоши Садр, Ғойиб Эшик оғаси, Абдураимжон беги, Султонбой девонбегилар намаганликларни қўзғолонга даъват этиб, уламо ва халққа мурожаат йўллайдилар: **«Аллоҳ амри билан ғазот учун белимизни боғлаб, ўз ҳаётимизни ва молларимизни қурбон қилишга ҳам тайёр қилиб, барча қабила ва уруғлардан минг-минглаб кишилар Қорабоғ мавзеига йиғилдик, бу ерга камбағалу бечоралар кела бошладилар. Биз тез кунда кофирларга қарши юриш қиламиз, сизлар ҳам, Аллоҳ бандалари, биз билан бирга бўлинглар, кўчаларни тўсиб биз етиб боргунимизча ўзларингни ҳимоя этинглар, чунки биз тез фурсат билан етиб борамиз ва лаънатиларга қарши юрамиз».**

Чор қўшинлари томонидан Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қарши берилган кучли зарбалар натижасида бу икки ўзбек давлати ҳукмдорлари подшоҳлик Россияси билан сулҳ тузишга мажбур бўлганди. Битимга мувофиқ Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим мустамлака ҳолатига

келтирилган эди. Бу эса Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб юборган эди. Айниқса, Худоёрхоннинг Туркистон генерал-губернатори фон К.П.Кауфманга ишониб Тошкентга келиши, Тошкентдан эса у Оренбургга сургун қилиниши, унинг ўғли – Андижон ҳокими Насриддинбекни[1] тахтга ўтириши ва 1875 йил 22 сентябрида Кауфман билан таҳқирли ва шармандали битим имзолашга мажбур бўлганлиги сиёсий аҳволнинг янада оғирлашишига олиб келди. 1873 йили Андижон уездининг Хонобод, Жалолобод, Қўгарт бўлисларида Маъмурбек бошчилигида Худоёрхон зулмига қарши бошланган қўзғолон 1875 йил 7 августда халқ озодлик қўзғолонига айланиб кетади. Бу қўзғолонга Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган Абдураҳмон Офтобачи[2] ва Пўлатхон[3] бошчилик қилади. Андижон шаҳри бу галги қўзғолон маркази бўлиб, бу ерга Пўлатхон ўз тарафдорлари билан етиб келади. Абдураҳмон Офтобачи ҳам Андижонга келади. Бундай аҳволдан хабар топган генерал-майор Троицкий Андижонга жазо отрядини юбормоқчи бўлади. У шаҳар хокимига таҳдид билан шундай ёзган: «... мабодо дастурхон юборишса қабул қилмайман... шаҳарни ёқиб ташлаш учун гранаталар улоқтиришни таклиф этаман. Аҳмадбекка, Кун ва Петровларга қарши қўзғолон кўтарган Кўр Қоракўз аминни ушлаб менга топширишни Дарвиш Али (Шаҳрихон ҳокими – Р.Ш.) ваъда қилди. Андижонда уни дорга осиш фойдали бўлади, деб ўйлайман»[4]. Бу мактубда Троицкий қўзғолон «руслар-

[1] Насриддинбек, Насриддинхон (1850–1876 йилдан сўнг Тошкент) 1865–1875 йилларда Андижон ҳокими, Худоёрхоннинг катта ўғли, Андижонда муҳташам мадраса, жомъе масжиди қурдирган ва боғ яратган, 1875 йилнинг июль-октябрида Қўқон хони.

[2] Абдураҳмон Офтобачи (1844–1884) Қўқон хонлигида офтобачи, сўнгра парвоначи, мингбоши. Худоёрхон зулмига, чор Россияси босқинига қарши кўтарилган қўзғолон раҳбарларидан. У Мусулмонқулнинг ўғли эди.

[3] Пўлатхон – Исҳоқ Ҳасан ўғли (1844, Марғилон, 1876), Қўқондаги Тутқатор мадрасасида ўқиган, Андижондаги масжидда имомлик қилган, савдогарлик билан ҳам шуғулланган. У «Пўлатхон» номи билан 1873–1976 йиллардаги хон, унинг амалдорлари зулмига ва чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ қўзғолонига бошчилик қилган. 1876 йил 1 мартда Марғилон шаҳрида дорга осиб ўлдирилган.

[4] *Бобобеков Хайдарбек*. Пўлатхон қўзғолони. *Маъсул муҳаррир Р.Шамсутдинов*. Т.: 1996, 28-бет.

га қарши кўтарилди», деган баҳонани ишлатиб, Андижон шаҳрига қарши жазо тадбирларини қўллайди. Рус мулозимларидан Александр Кун «бу ғалаённинг бошланиш сабаблари, менинг қатъий ишончим бўйича, бизга ҳеч қандай даҳли йўқ эди», деб ёзган. Андижон халқ озодлик курашининг маркази бўлгани, шаҳарни ваҳшийларча қурол билан, қатта қирғин орқали забт этилганлиги, Андижон мудофаачиларининг қаҳрамонликлари ҳақида жазо қўшини қўмондони генерал М.Д. Скобелев томонидан ёзилган ва 1876 йил Санкт-Петербургда нашр этилган **«1875 йил 25 декабрдан 1876 йил 7 февралгача собиқ Қўқон хонлигидаги ҳарбий ҳаракатлар»** ҳамда **«1875–1876 йилларда қўқонликларга қарши ҳарбий ҳаракатлар»** номли расмий маълумотномада Андижон воқеаси тўла-тўкис ва холисона ёритилган. Бу ҳар икки ҳужжатли материал ҳозирда Андижон тарихига бағишланган ҳужжатлар ва материаллар тўпламидан жой олган[1].

1875 йил 26 сентябрда Наманганга келган Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори ва Туркистон ҳарбий округи қўмондони фон Кауфман Андижон шаҳрида ва унга яқин бўлган жойларда Пўлатхон ва Абдураҳмон Офтобачи бошчилигида катта қўшин турганлиги ҳақида хабар топади: **«Андижонликлар шаҳарнинг ўн иккита катта қўчасида турли нарсалардан тўсиқлар ўрнатганлар. Андижон ҳимояси учун шаҳарликлардан ташқари, қишлоқларнинг аҳолиси ҳам келган. Шаҳар ҳимоячиларининг сони 60–70 минг кишидан иборат бўлиб, уларга Абдураҳмон Офтобачи бошчилик қилган. Пўлатхон эса 15 минг қирғиз билан русларга орқа тарафдан зарба бериш мақсадида шаҳар чеккасидаги Афғонбоғида позиция эгаллаб турган».** Шуни таъкидлаш лозимки, Пўлатхон енгилиб қочган Қўқон аскарларини, қипчоқларни ҳам йиққан эди. Унинг атрофида қирғиз ва қипчоқларнинг энг обрўли кишилари тўпланган. Улар

[1] История Андижана в документах и материалах (1876–1917 гг). Андижанский гос. Ун-т. им. Бабура, международный фонд научно-практический экспедиции «Мерос» («Наследие»); сост. *Р.Т.Шамсутдинов, С.Хошимов, К.Базаров*. – Ташкент: «Sharq», 2012, С. 19–200.

Насриддинхондан нафратланиб, Андижоннинг Бўтақора қишлоғида Пўлатхонни оқ кигизга солиб кўтариб, хон деб эълон қилганлар.

Хуллас, хонликда ўрнатилган ҳокимият Пўлатхон ва Абдураҳмон Офтобачидан қўлида мужассамлашган эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам хонликда кучли қабилалар – қипчоқ ва қорақирғизларга таяниб фаолият кўрсатаётган эди.

Абдураҳмон Офтобачининг ёзма таклифи билан Ўш, Шаҳрихон, Булоқбоши, Асака, Аравон, Марғилон ва Қўқондан келган ўзбеклар, қирғизлар ва қипчоқлар Андижонда йиғиладилар. Улар сўнгги томчи қонлари қолгунча шаҳарни ҳимоя қилиш ҳақида қасамёд қиладилар. Андижондаги қўзғолоннинг етакчиси Абдураҳмон Офтобачи эди. Унга барча маҳалла оқсоқоллари ёрдам беришган эди. Қўзғолон бошчилари сафида Хотамбой пансод, Қурбонбек хўжа ва Дали понсодлар бор эди. Улар Андижон кўчаларида мудофаа тўсиқларини қуришга бошчилик қилишган.

Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Андижонда тайёрланаётган қўзғолондан хавфсираб, генерал Троицкий бошчилигидаги 1400 кишилик қўшинни 4 та ракета отув мосламалари ва 8 та тўп билан Андижонга юборади. Қўшин юк ва жанговар қурол-аслаҳалар комплектига эга бўлиб, улар 8 кунлик ҳужумга мўлжалланган эди. Пиёда аскарлар отряди 230 та аравага жойлаштирилганди.

28 сентябрь эрталаб соат 7 да генерал-майор Троицкий Намангандаги лашкаргоҳдан чиқиб, Капа кечувига юриб, Норин дарёсидан Балиқчига ўтади. Шу жойдан Қорадарёнинг чап соҳили бўйлаб, яъни Буюк ипак йўли бўйлаб, отряд Андижон йўлига чиқади. Биз 2013 йил 16 май куни шу йўлдан дарёнинг чап соҳили бўйича чамаси 25–30 км йўл юриб, Хўжаобод қишлоғига келдик. Рус қўшинлари айни шу йўлдан келишганини видеотасвирга олдик. Бу йўл Балиқчи билан Хўжаобод, Чинободни боғловчи бирдан-бир йўл эканига ишонч ҳосил қилдик. Йўл дарё сатҳидан 2–3 метр баланд, бу асрлар оша йўлнинг тобора баландлаб борганидан гувоҳлик беради. Хуллас, рус қўшинлари Андижонга 1875 йил сентябрда ва 1875 йил декабрида шу

йўл орқали келишган. Бу йўл Хўжаобод қишлоғигача дарёнинг чап соҳили, бу жойдан Мирободгача бўлган масофада Қорадарёнинг ўнг соҳили бўйлаб давом этган.

Отряд шундан сўнг Андижон йўлига чиқиб, Чинобод қишлоғида тунайди. 29 сентябрь тонг саҳарда Андижон сари йўл олади. 25 чақирим юриб Қорақалпоқ қишлоғи яқинидаги лашкаргоҳда жойлашади. Мусулмонқул ариғи[1] ва лашкаргоҳдан Андижон шаҳри 6,5 чақирим масофада эди. 29 сентябрдан ўтар кечасидаёқ рус қўшинларига қарши Андижон мудофаачилари қуролланиб, тайёр турганлиги маълум бўлади. Йўл бўйидаги қишлоқлар бўм-бўш эди. У ер, бу ерда мудофаачилар тўдаси кўриниб турарди. Флигель-адютант, полковник Скобелевнинг асосий отрядида отлиқ аскарлар олдинда борарди. Отлиқ колонна Тожик қишлоғига келганида 300 кишининг қаршилигига дуч келади. Улар ўртасида отишмалар бўлади. Ниҳоят, Мусулмонқул лашкаргоҳида Андижонда рус отрядини қурол билан кутиб олишга тайёр туришгани ҳақида аниқ маълумот олинади. Руслар отрядидаги Шаҳрихон беги Дарвиш Али ва андижонлик понсодлардан 4 киши, бешюзликлар бошлиқларидан Андижоннинг энг асосий 12 та кўчаси бўйича тўсиқлар қўйилганлигини аниқланади. Шаҳар аҳолисидан ташқари шаҳарни ҳимоя қилиш учун атрофдаги қишлоқлар аҳолиси ҳам келган. Шундай қилиб, шаҳар мудофаачилари 60 минг 70 мингача етиб борган. Шаҳар мудофааси билан Абдураҳмон Офтобачи, Пўлатхон эса 15 000 қирғизлар билан шаҳардан ташқарида жойлашган. У душманнинг ичидан зарба беришга тайёр турарди. Мудофаачилар Хиванинг катта ариқларига ўхшаган Мусулмонқул ариғини Андижонга келиш йўлини бузиб юборганлар. Бундай ҳолатда отряднинг

[1] Мусулмонқул (1794–1852) Қўқон хонлигидаги Қипчоқлар раҳбарларидан. 1844 йилгача Андижонда қўшинлар бошлиғи (Ботирбоши), 1847 йилдан мингбоши бўлган. 1842 йили Бухоро амири Насуруллохон ҳужумидан мудофаа этиш раҳбарларидан бири. Шералихоннинг солиқ сиёсатига қарши Ўшдаги қўзғолонни бостирган, қизини Шералихоннинг ўғли Худоёрхонга турмушга бериб, у билан бирга Қўқонга келиб, Бухоро амири Олимхон томонидан қўйилган Муродхонни ўлдириб, ёш Худоёрни хон деб эълон қилади. Мусулмонқул муваққат ҳоким бўлган. У Андижондалигида Миробод ёнида ариқ чиқарган, ариқ Мусулмонқул ариғи деб аталган.

шаҳарга яқинроқ жойдан позиция эгаллаши учун тахминий рекогноцировка қилиш (разведка) талаб этилган. Бунинг учун генерал-майор Троицкий 30 сентябрь эрталаб тонгда полковник Скобелевнинг 150 казаклар ва ракета дивизиони таркибидан иборат разведкачиларни юборади. Андижонни ўққа тутиш ва шаҳарга кириш жойини аниқлаш, батареяни жойлаштириш ўрнини белгилаш билан Скобелев шахсан шуғулланади.

Отрядга Мусулмон ариғидан тўппа-тўғри Андижон йўлига ўтиш кўприги бузилганлиги туфайли душман позициясини аниқлаш мақсадида Қорадарёнинг сўл соҳили бўйлаб юришига тўғри келади. Отряд олдида рус казаклари – ҳарбийлари бораётганлигини кўриб, маҳаллий отлиқ мудофаачилар чекиниб борарди. Озодлик курашчилари қулай пайтда уларга қарши ўт очарди. Шаҳарнинг шимолий томонидаги шаҳар боғига келган полковник Скобелев шаҳар бозорига олиб бориладиган йўл бошланишини аниқлайди. Йўл бошловчилардан Қорадарёнинг юқори қисмида лашкаргоҳ учун қулай жой мавжудлиги, Андижонсой орқали шаҳарга ва бозорга етиб бориш, шу йўл орқали ҳарбий колонналарни Андижонга олиб кириш мумкинлиги аён бўлади. Андижонсойга яқин келган Скобелев қароргоҳга жойлашиб, Андижонсойдан шаҳарга бостириб киришни мўлжаллайди. Андижонсой эса шаҳарга кирган сари тобора торайиб борарди. Жарликнинг энг кенг жойи 60 метрдан ортмас эди. Дарёнинг ҳар икки соҳили уйлар, боғлар, деворлар, жўхори далалари билан қопланган эди. Андижонсой жар бўйлаб оқарди. Шаҳар мудофаачилари душман позициясини аниқловчи отряднинг жар ёқалаб жойлашишидан хабар топиб, барча пунктларда отишмалар қилиб турди.

Полковник Скобелев душман позициясини аниқловчи маълумотларни текшириб бергач, генерал Троицкий Андижонни 1 октябрь тонгида икки йўналиш бўйича қамал қилиш ҳақида буйруқ беради. Андижонни штурм қилиш режасига кўра, шаҳарга уч колоннадаги ҳарбий кучлар 1 октябрь эрталаб соат 6 да ҳужум бошлайдиган бўлди.

Биринчи колонна флигель-адъютант, полковник Скобелев бошчилигидаги Оренбург ва Сибирь казаклар қўшин-

лари аскарлари 1 та замбарак, отлиқлар батареяси, 1 та пиёда ракета станоги ҳамда 22 кишилик сапёрлар командасидан иборат бўлган.

Иккинчи колонна полковник барон Меллер-Закомельский бошчилигидаги 2-ва 4-Туркистон ўқчи роталари, 3-Оренбург отлиқ батареясининг 1 та замбарак, 1 та пиёда ракета станоги ва 20 кишилик сапёрлар командасидан иборат эди. Полковник барон Аминов бошчилигида энг асосий кучлар ҳужум қилиши кўзланган. Ҳужум қилувчи колонналарга умумий раҳбарлик қилиш полковник граф Борхуга топширилади.

Биринчи колонна ва асосий кучлар 30 сентябрда бозорга, иккинчи колонна йўлнинг ўнгидан лашкаргоҳ жойдан бозор томонга кириб борган. Барча калонналар учун йиғув пункти сарой майдони олдида бўлиши керак эди. Ҳужумни эрталаб 7 да бошлаш белгиланган. Бутун отряднинг бошлиғи асосий кучлар ҳузурида бўлган. 30 сентябрдан 1 октябрьга ўтар кечаси осойишталик ҳукм сурган, мудофаачилар қўшинни қўзғатмаган. Фақат кечаси Андижон йўналиши бўйича чанглар булути пайдо бўлади, шаҳар томондан шовқин-сурон эшитилади. Афтидан бу шаҳар ҳимоячиларининг тўдаси ва шоҳ-шаббалар уюмидан чиққан товушлар эди. 1 октябрь тонгида мудофаачилар жойлашган позициясига ҳужум бошланади. Пўлатхон бошчилигидаги 15 минг нафар қирғиз навкарлар душманнинг шаҳарга кириб келаётганини кўриб, унга қарши ҳужумга ўтади. Улар рус артиллериясидан отилган ўққа тутилади. Андижон сойидаги сувнинг беҳад кўпайиши натижасида Скобелев ва Аминовлар калонналари шаҳарга киришда кечикиб қолишади. Генерал Троицкий шаҳарга яқинлашиб, отлиқларга тўпдан отишга буйруқ беради. Артиллерия ўтининг тугаши ҳужумкор қисмларни олға қараб ҳаракат қилиши учун огоҳлантириш эди. Артиллерияга отишни тўхтатиш айтилганида Скобелев бошлиқ пиёдалар колоннаси Андижонсой жарлигидан шаҳар ва бозорга қараб тезкор ҳаракат қиларди. Биринчи ҳужумкор колонна эса боғлар оралаб шаҳарнинг тор кўчалари томон интилиб боради.

Скобелевнинг ҳарбий колоннасини мудофаачилар шаҳар девори ортидан ўқ отиб қарши оладилар. Казаклар найзали милтиқлар билан ҳужум қилиб шаҳарга кирадилар ва бозор томон силжий бошлашади. Улар жанглар билан уч тўсиқни эгаллайдилар. Полковник барон Аминовнинг казаклар колоннаси эса қаттиқ жанглар билан кўчалардан марказга қараб юра бошлайди. Ҳар бир боғни, уйни, масжидни қўзғолончилар ҳимоя қилиб жанг қилишади. Ҳужум эрталаб соат 7 да бошланган эди. Соат 9 ларда эса рус қўшинлари шаҳар марказида жойлашган Ўрдани эгаллаб оладилар. Ярим соатдан кейин барон Меллер-Закомельский ҳам ўз колоннаси билан бир неча тўсиқларни жанг билан эгаллаб, Ўрдага етиб келади.

Андижон мудофаачилари Ўрданинг ҳар томонидан ҳужум қиладилар. Рус босқинчилари ва андижонликлар ўртасида қаттиқ жанглар бўлиб, қўзғолончиларнинг ҳужуми қайтарилади. Бир соатдан сўнг генерал Троицкий буйруғига мувофиқ бутун қўшинлар битта колонна бўлиб шаҳар ташқарисига қайтади. Колонна бошида полковник Скобелев казаклари билан йўл очиб бориши лозим эди. Меллер-Закомельскийга эса орқада колоннани ҳимоя қилиб, чекинаётганларида орқада нима учраса барчасини ёндириб бориш вазифаси юклатилди.

Русларнинг чекиниш жараёнлари ҳам жанглар билан бўлади, шаҳар ҳимоячилари уларга ҳужум қилиб туришади. Полковник Скобелев яна тўсиқларга дуч келиб, уларни жанглар билан эгаллашига тўғри келади, орқадан ҳам ўқлар отиб турдилар. Полковник Аминовнинг колоннаси ҳам жанглар қилиб чекинар эди. Шаҳардан чиққанларида Пўлатхоннинг отлиқ отряди кўринади. Троицкий уларга қарата тўплардан ўқ отишни буюради. Ўқлар нишонга етиб боради.

Кундуз соат 14 ларда барча рус қўшинлари шаҳардан чиқиб, белгиланган жойга тўпланишади. Соат 16 да Троицкийнинг буйруғига биноан Андижон шаҳри тўпга тутилади. Шаҳарга тўплардан ва милтиқлардан икки соат давомида ўқ ёғдирилади. 1–2 октябрь кунлари биргина Андижон шаҳрининг ўзига тўплардан 200 дан зиёд снаряд отилган.

Андижонга ҳужум қилиш чоғида рус қўшинлари сони 2821 кишидан иборат эди. Шу жумладан, 1674 та пиёда, 814 та отлиқ ва 333 та тўпчи бор эди. Расмий маълумотларга қараганда, Андижон шаҳрига ҳужум қилинганда рус қўшинларидан 7 киши ҳалок бўлади, 4 нафар обер-офицер яраланади, 1 киши контузия бўлади. Булардан ташқари, кичик лавозимдагилардан 49 киши ярадор бўлади, йигитлардан эса 5 таси жароҳатланади.

Андижонлик яҳудийлардан Арам, Исроил, Борух ва Исҳоқ Боруҳларининг (улар 2 октябрда шаҳардан рус лагерларига қочиб келишган) сўзларига қараганда, шаҳарга рус қўшинлари кирганда Дали понсод ва Абдураҳмонбек (Аҳмадбек ботирбошининг ўғли) шаҳардан қочиб кетишади. Абдураҳмон Офтобачи буни билганидан кейин қочоқларнинг уйларини талон-тарож қилишни буюради[1].

Андижон мудофаачилари руслар шаҳардан чиқиб кетгандан сўнг йиғилиб, юзага келган вазиятни муҳокама қиладилар. Бу йиғинга Афғон боғида турган Пўлатхонни шаҳарга таклиф қилиб, у билан бирлашишни таклиф қилмоқчи бўладилар. Шу мажлис бўлаётган уйга рус тўпларидан отилган снаряд тушиб, мажлис аҳлидан 14 киши ярадор бўлади. Ҳалок бўлганлар ҳам бор эди. Оқибатда, кенгаш иштирокчилари Мирпўстин, Хартум, Завроқ, Хакан, Бобо Содиқ каби қишлоқларига қочиб кетадилар, айримлари эса чекка маҳаллаларга яширинадилар.

Андижон учун бўлган 1875 йил 1–2 октябрдаги жанглар Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиш учун олиб борган барча жанглари ичида энг даҳшатлиси бўлган. Бу жангда босқинчи рус ҳарбийлари енгилади ва шаҳардан қувиб чиқарилади. Шаҳарликлар чекинаётган босқинчиларни хандаклардан, уй томларидан, мудофаа деворларидан, дарахтлардан, масжид, мадраса, боғлардан туриб милтиқдан ўққа тутадилар. Чекиниш чоғида душман уйларга ўт қўядилар ва шаҳарда ёнғин бошланади. Подшо қўшинлари янгидан штурмга ўтадилар. Бунда шаҳар

[1] *Бобобеков Хайдарбек*. Пўлатхон қўзғолони. Масъул муҳаррир Р.Шамсутдинов. Т.: 1996, 29–30-бетлар.

тўласинча вайрон бўлган. Аммо босқинчилар шаҳарга кирганларида шаҳар мудофаачиларининг қаршилигига дуч келади. Мудофаачилар қарши ҳужумга ўтадилар, душман чекинишга мажбур бўлади. Шаҳар мудофаачилари босқинчиларни шаҳар чегарасидан чиқиб кетгунларига қадар қувиб борадилар. Подшоҳлик қўмондонлиги чекиниш тўғрисида буйруқ беради. Ғалабадан илҳомланган шаҳарликлар чекинаётган, тартибсиз ўқ отиб бораётган колоннага қарши ҳужумни давом эттирадилар. Рус қўмондонлиги Андижондаги жангни «Андижонни забт этишдаги хатолик» деб тан олади. Лекин бу босқинни тепасида турган 31 ёшли полковник М.Д.Скобелевни генераллик ҳарбий унвони билан сийлайди, яъни Андижонни забт этиш учун бўлган хизматлари юқори баҳоланади. Шунингдек, Андижон учун бўлган жангда иштирок этган Сибирь казакларидан 33 ҳарбийга «1875 йил 1 октябрида Андижон шаҳрини штурм қилгани учун» Георгиев хочи ва казак папахалари, яъни телпаклар билан тақдирланадилар.

Аммо рус қўмондонлиги Андижонни забт этолмаганидан афсусланиб, бу жангдан тегишли хулоса чиқариб, Андижонни эгаллаш учун 1875 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойлари кучли ва катта тайёргарлик кўради. Бу вақтда Қўқонда қўзғолон янгидан бошланади, бу сафар Қўқон хони Насриддинбек руслар ҳимоясида Хўжандга қочиб кетади. Қўқонликлар Наманганни ва рус гарнизонини босиб оладилар. Наманган бўлими бошлиғи Михаил Скобелев Ботир Тўра томонидан Тўракўрғонда кўтарилган қўзғолонни бостиради. Наманган аҳолиси Скобелевнинг йўқлигидан фойдаланиб, рус гарнизонига ҳужум қилади. Бунинг учун қайтиб келган Скобелев шаҳарни бомбардимон қилади. Энди Скобелев 2800 кишилик отряд билан Андижонга қараб юриш қилади.

Россия ҳарбий вазири Д.Милютиннинг Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманга 1876 йил 16 январда йўллаган ўта махфий хатида шундай ёзилган: **«Қимматли саодати олийлар Константин Петрович! Сиз саодати олийнинг бизга йўллаган, Қўқон хонлигига нисбатан бизнинг келажакдаги хатти-ҳаракатимиз баён этилган**

тақдимнома мазмунини мен давлатпаноҳ императорга етказдим. Олий ҳазратлари Сиз келтирган далилларни, яъни Сирдарё вилояти чегарасида қатъий тадбирлар билан тинчлик ва осойишталик ўрнатиш ва бизнинг Ўрта Осиёдаги мавқеимизни сақлаб қолиш учун Қўқон хонлигининг қолган қисмини ҳам Сиз ҳазрати олийлари қулай ва лозим топганингизда эгаллай олишингизга рухсат берадилар»[1].

Ўз-ўзидан равшанки, Россия императори Қўқон хонлигини тўла равишда ўз таркибига қўшиб олишга фатво берди. Кауфман бу кўрсатмани сир сақлаб, хонликни узил-кесил босиб олишнинг осонроқ режаси ҳақида бош қотирди. Айни шу вақтда генерал Скобелев хонликни тугатишга қаратилган **«Икки сув ораси операцияси»**ни амалга ошириш режасини тақдим қилади. Истилочиларнинг бу мудҳиш режасидан озодлик курашчилари раҳбарлари ҳам хабар топиб, душманга қарши зарба бериш чораларини кўра бошлайдилар. Ҳимоя учун етарли кучлар бор бўлиб, уларнинг асосий қисми Ботир Тўра раҳбарлигида Марғилон шаҳрида, озроқ қисми эса Сирдарё соҳилида жойлашган эди. Абдураҳмон Офтобачининг фикрича, Андижон шаҳри рус қўшинларига қарши мустаҳкам истеҳком ҳисобланарди. Қўзғолончилар икки сув орасига рус қўшинларининг келишини билиб, кучларни тарқатмайди. Қорадарёнинг ўнг соҳилига ўтмай, уларни Андижонда кутмоқчи бўладилар. Қўзғолончиларнинг руслар бу ерда мағлубиятга учраши билан уларнинг орқасига ҳужум қилиб, Намангангача бориш ниятлари бор эди. Наманган аҳолиси ҳам қўзғолончиларнинг келишини кутмоқда эди.

Жазо отряди 26 декабрда Капа қишлоғидан Норин дарёсининг икки қўлтиғидаги кечувдан Чўжа қишлоғи ўтади, Қорадарё соҳилида Балиқчи шаҳри қаршисида лашкаргоҳни жойлаштиради. Айрим маълумотларга қараганда Балиқчидан 400 киши Марғилонга қочиб кетади. Чалай учтепа қишлоғигача чўзилган ҳудудда ҳимоячилар кучлари учратилмаган. Ем-хашак тайёрлов командаси Балиқчи шаҳрига ўт қўядилар.

[1] Ўзбекистон энг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида... 169-бет.

27 декабрь куни лашкаргоҳ ўз жойида қолади, полковник барон Меллер-Закомельский эса 650 отлиқ ўқчилар, икки отлиқ тўп ва ракета батареяси билан Қорадарёнинг чап соҳилидан, Балиқчидан Андижон йўли бўйлаб 17 чақиримлик йўлдаги Сармоқ қишлоғигача кела бошлайди.

Рус ҳарбийлари Сармоқ, ундан сўнг Хўжаобод қишлоғигача бўлган қишлоқларни жазолаб борадилар, одамларни ўлдириб, Андижон томон ҳаракат қиладилар. Бу қишлоқлар Абдураҳмон Офтобачи, Пўлатхон бошлиқ қўзғолончиларга бошпана берганликда айбланганлар. Бу қишлоқ аҳолиси қаршилик кўрсатганлар. Уларга зарба бериб қишлоқлардан қувиб чиқарилгач, қишлоқларни ёндириб юборганлар. Олдинги сафда келаётган ясовул Дубровиннинг 2-Оренбург юзлигига қарши Хўжаобод қишлоғида кучли ўт очилади. Бу юзлик зудлик билан қишлоққа кирганларида ҳам хўжаободлик ҳимоячилар душманни ўққа тутишни давом эттирганлар. 50 нафар отлиқ ўқчилардан иборат ярим рота ёрдамга келганларидан кейингина қишлоқ забт этилади. Босқинчиларга қарши бутун аҳоли уруш олиб борди, улардан 50 киши ҳалок бўлади, аскарлардан бир казак яраланади. Бу ва бошқа қишлоқларга ўт қўйиб, йўлдаги ҳайвонларнинг катта подасини қўлга киритадилар, полковник барон Чўжадаги лашкаргоҳга ўша куни кечқуруноқ қайтиб келади. Шунингдек, Меллер-Закомельский Наманганда айғоқчи, жосуслар маълумотлари ҳам русларга қарши Андижоннинг ўзида асосий зарба беришга тайёргарлик бўлаётгани, Марғилондаги қўзғолончиларнинг Наманганга қарши ҳужум қилиши даргумонлиги аниқланади.

Пўлатхон экспедиция отрядини Марғилонга қарши ҳаракат қилишидан хавфсирарди. Аммо 26 декабрдаги ҳайит намоз байрамининг ўтиши ҳимоячиларни руҳлантириб юборганди. Тўғри, Наманган бўлими аҳолиси ташвиш холатида, кичик-кичик мудофаачилар гуруҳи пайдо бўлсада, бироқ улардан жиддий бир натижа кутиш қийин эди.

28 декабрда экспедиция отряди икки сув оралиғининг бош маркази Пойтуғ йўналиши бўйича ҳаракат қилди, бу йўлда қаршилик кўрсатувчилар бўлиши кутилган эди.

22 чақирим йўл юрилиб, отряд Хақулободда лашкаргоҳ қурди. Йўлдаги қишлоқлардан Тўда ва Хўжаобод қишлоқлари муҳим бўлиб, бу жойлар Ботир Тўра ўз йигитлари билан тўпланадиган собиқ қароргоҳ эди. Шу қишлоқлар ёндириб юборилди.

1875 йил охири 1876 йил январида Андижон бутун хонлик бўйича ёв босқинчиларига қарши курашда бирдан-бир асосий таянч, мустаҳкам қалъа ролини ўйнади. Шаҳар аҳолиси рус қўшинлари ҳужумига қарши шиддат билан тайёргарлик кўрди. Шаҳар ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Ўт очувчи қуроллар, ўқ-дорилар тайёрланди. Андижон шаҳри сари бутун хонликдан озодлик лашкарлари оқими кела бошлади. Шаҳарда қипчоқ ва қирғизларнинг энг сара кучлари тўпланди. Андижон шаҳрида 20.000 минг қуролланган аҳоли, 5000 сарбоз ва 12.000 отлиқ киши душман ҳужумини қайтаришга шай бўлиб турди. Бу кучларнинг барчасига Абдураҳмон Офтобачи бош эди. Шунда, бутун Ўрта Осиё халқларининг нигоҳи, умиди Андижонга қаратилганди. Бу сафар ҳам рус қўшинлари Намангандан Андижонга қараб юриш қилади. Қорадарёдан ўтиб, Балиқчида кучли қаршиликка дуч келади. Икки ўртада даҳшатли жанг бўлади. Бу жанг тафсилотлари ҳақида ҳарбий тарихчи генерал М.А.Терентьев 1906 йили Санкт-Петербургда нашрдан чиққан уч жилдлик **«История завоевания Средней Азии»** китобида шундай ёзади: **«...Балиқчи шаҳрига ёриб кириб, душман лагери ва кўчаларини эгалладилар. Тонг отгандан кейин артиллерия кечувидан ўтиб шаҳарга ўқ ота бошлади. Шу заҳоти Скобелев 2-ёндош батальонига қарашли 2 та рота ва 50 та казак отлиқ ўқчилар билан ҳужумга ўтди, душманнинг чекинишига йўл қўймаслик учун бутун отлиқ аскарларни замбараклар билан шаҳарнинг орқа томонига юборди. Жангга кирган бўлинмалар 3 та истеҳкомни мажақлагандан кейин бозорни ишғол қилдилар ва шу ерда тор кўчадан келаётган қипчоқларнинг катта отлиқ оломонига дуч келиб қолдилар. Даҳшатли ур-йиқит ичида мерганларимизнинг дўлдек ёғдираётган ўқига учган қипчоқлар бор-**

йўғи 20 қадам нарида тўда-тўда бўлиб йиқилар, кўча юзи уларнинг ўлигига тўлиб кетган эди. Бу даҳшатли жаҳаннамдан бир амаллаб қутилиб чиққанлар нариги ёнбошда пойлаб турган казакларнинг чангалига тушар эди. Уларни икки чақирим жойгача қувиб бориб, ҳеч қандай раҳм-шафқат қилмай қиличдан ўтказишди.

Биз томондан бир қуйи амалдаги киши ўлиб, 8 таси ярадор бўлди, шундан 3 таси контузия олган эди. Скобелев душманнинг талофатини 200 киши деб ҳисоблайди»[1].

Генерал-майор Скобелев бошчилигидаги отряд 1876 йил 2 январда Мусулмонқул ариғи ёнида, Мирободдан бир чақирим жойда ўз лашкаргоҳини жойлаштиради. Миробод қишлоғидан Андижонга борадиган катта йўлда рус қўшинларига қарши милтиқлардан кучли ўт очилади, офицер Бояльский кўкрагидан ўқ еганига қарамасдан, ўша заҳотиёқ панада турган казаклар қисмини сафарбар этиб, қутилиб қолади. Лашкаргоҳдан Андижон шаҳрига олиб борувчи унинг ғарбий чеккасидаги Дўнгқишлоқ яқинидаги Мусулмонқул арғига капитан Черепицкий кўприк қуради. Чунки, ариқнинг нариги томонидан душман ўқчилари ҳужум қилиши мумкин эди. Черепицкий пиёда аскарлар ўтадиган эни 9–10 метр кенгликдаги Мусулмонқул ариғига кўприк қуради.

Генерал Скобелев 3 январда подполковник Андросовга Наманганга юбориб, рус гарнизонининг 2-Туркистон ўқчи батальони ва 5-Оренбург юзлигини Андижонни забт этиш учун олиб келишни буюради. Полковник барон Меллер-Закомельский Избосканга келиб, Майлисой дарёси ёнида, Избоскан билан Бўтақора қишлоқлари ўртасида ўз лашкаргоҳини жойлаштиради. Ўша куни совуқ 14 даражага кўтарилганди. Ўтган 1875 йилнинг сентябрида Андижондаги 1-Еттисув юзлиги бу жойда катта талофатга учраганди, казаклардан 3 нафари ўлдирилганди.

4 январь эрталаб капитан Черепицкий сапёрлар командаси ва 160 ишчи билан Андижон шаҳридаги ҳолатни билиш

[1] *Терентьев М.А*. История завоевания Средней Азии.Т 1–3. СПб, 1906, стр. 451.

учун шаҳарнинг 50 километр масофадаги айланаси бўйлаб жосуслик амалиётини бажаради. Шаҳарнинг ҳарбий ҳолати, унга кириб бориш йўлларини чамалаб чиқади.

1875 йил сентябрида Андижонга қилинган ҳужум даврида русларнинг ишончини қозонган андижонлик понсод Орзиқулбек бу сафар ҳам душманга ёрдам қўлини чўзади. У бундан 13 йил аввал, яъни 1862 йили Андижонда Амир Лашкар Алимқул ўз қўшини билан Андижоннинг шарқий қисмидаги Отчиқмас тепалигида лашкаргоҳ қуриб, бу жойда Оқмасжидда (Қизил Ўрда) рус босқинчиларига қарши жанг олиб бориш учун ҳарбий машқ ўтказганини эслатиб, шаҳарга шу жойдан ҳужум қилиш мақсадга мувофиқлигини маслаҳат беради. Отчиқмас тепалигидан туриб шаҳар маркази Гултепа тепалигини, яъни шаҳар марказини, маъмурий бинони, Ўрдани, унга яқин бозорни тўпдан ўққа тутиш қулай экани таъкидланади. Генерал Скобелев ва унинг сафдошлари мана шу маълумотларга асосланиб, шаҳарнинг шарқий сарҳадидан ҳужум қилишни маъқул кўрадилар.

Андижонликлар рус қўшинларининг қайси томондан ҳужум қилишини аниқ билмасди. Улар ҳужум Андижонсой томондан ёки Афғонбоғи томонидан бўлиши мумкинлигини фараз қилишиб, ҳар икки жойда кучли мудофаа иншоотларини қурганлар. Душман кутилмаганда тез ҳаракат қилиб энг кам қурбон бериб, катта натижага эришишга ҳаракат қилган. Беҳуда қон тўкмасдан, аскарларни нобуд қилмасдан уларни сақлаб қолиш мақсадида Андижон аҳолиси қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлишини хоҳлаган босқинчилар ана шундай таклиф билан икки марта вакил юборадилар. Аммо шаҳарликлар бу ультиматумни қабул этмайдилар. Ҳатто кейинги вакилни ўлдириб, шаҳар дарвозасидан ташқарига, Эскиликка яқин жойга ташлаб юборганлар. Бу эса босқинчиларни ғазабга келтирган.

4 январда Скобелев бошчилигидаги бутун кавалерия отряди, отлиқ ўқчилар, ракетачилар батареяси, отлиқ дивизия батареяси шаҳарнинг шимолий ва шарқий чегараларини эгаллайди. Миробод қишлоғидан шаҳарнинг шимолий қисми, Қорадарё қўлтиғи орқали Мусулмонқул ариғи ва Андижонсойга чиқиш ва шу Андижонсой томондан шаҳарга

киришда қаршилик кўрсатадиган кучларга зарба берадиган иншоотлар қуришга киришилади. Босқинчилар Экин-тикин ва Дўнгқишлоқ бўйлаб Андижонсойдан Отчиқмас тепалигига чиқиш ва у ерда ҳужум позициясини мустаҳкамлаш учун аравалардан карвон тузиб, уларни судраб тепаликка олиб чиқишни режалаштиришади. Шу мақсадда от қўшилган халқали карвонни Андижонсой музлигидан олиб ўтиб, Отчиқмас тепалигида лашкаргоҳ қуриб, шу жойдан Андижон шаҳрига ҳужум қилиш операциясини тайёрлайдилар.

Андижонсой водийсидан Дўнгқишлоқ орқали Эскилик қишлоғига яқин бўлган Отчиқмас тепалигига чиқиб, бу ердан шаҳарни замбаракдан ўққа тутиш мўлжалланган. Эскилик ва шаҳар деворини эгаллаб, батареяни «Шиғовул ота» қабристонини мўлжалга олиши мумкин бўлган. Отчиқмасда туриб Гултепа тепалигини кўриш мумкин эди. Генерал-майор Скобелев Андижонни забт этиш учун шаҳарнинг дала ва боғлар билан қопланган ғарбий ва жанубий сарҳадлари билан ҳам танишиб чиқади, бу томондан ҳам ҳужум қилиш шароитини ўрганади. Скобелев отряди 5 январда ўша томон йўл олмоқчи бўлади. Бироқ қалин туман бунга имкон бермайди. 6 январда Дўнгқишлоқ орқали лашкаргоҳдан чиқиб, Андижон шаҳридан ажралиб турган дала ва боғ-роғлар билан қопланган сарҳадлардаги бир қатор қишлоқлар сари юради. Янгичек қишлоғида йўлда кетаётган пайтда 4 киши ушлаб олинади, 14 чақирим йўл юрилгач Кўпакмаргал қўрғонида кучли қаршиликка учрайди. Унга қарши ҳужум қилинади, ватан ҳимоячиларидан бир қанчаси чопиб ташланади. Бундан кейин Кобил қўрғонидан отлиқ ва ватанпарварлардан иборат катта куч 5-Оренбург юзлик артиллерияси билан тўқнашади. Аммо душман жангга кирмай чап қанотга ўтиб олади. Бироқ 5-юзлик тезкорлик билан фронт ташкил этиб, ҳимоячиларни тўхтатиб қолади. Тўпдан ўқлар отилгач, ҳимоячилар орқага чекинади. Отряднинг бошқа кучлари келиб қўшилгач, шаҳар боғлари томон чекинишга мажбур бўладилар. Аммо душман жангни давом эттирмайди. Чунки бу жанг кескин натижага олиб келмасди ва Скобелевнинг Андижонни Афғонбоғ йўналиши бўйича шаҳарга кириб келишидан иборат режасига мос эмасди.

«Афғонбоғи» ҳудуди ва унинг атрофини кучли сув босганди. Бу эса душман артиллерияси ҳаракати учун катта қийинчилик туғдирган. Насриддинбекхоннинг боғига яқин Афғонбоққа етиб-етмас жойда рус отряди бир оз тўхтаб қолади. Сўнгра ҳаракат давом этади. Кавалерия Андижоннинг жануби-шарқий четидаги Угржарга келганида ҳимоячилар шаҳар деворларидан ўт очади. Душман шаҳарга яқинлаша бошлайди, айни вақтда ҳимоячиларнинг қаршилиги кучайиб боради.

Рус отряди Жевачидан Қўшқайрағоч қишлоғи шарқий томони сари жангга киришмасдан ҳимоячиларнинг ўқ узишларига жавоб қайтармай шаҳар томон кела бошлайди. Улар шаҳарга яқинлашган сари ҳимоячиларнинг душманга қарши ўт очишлари кучайиб боради. Душман кучлари 6 январда Қўшқайрағочдан Андижон шаҳрининг 55 чақирим масофадаги атроф қисмини ўраб олади. Қўшқайрағоч билан Эскилик ўртасидаги девор бўйлаб шаҳар ҳимоячилари душманга узлуксиз ўқ уза бошлайдилар. Руслар бу сафар ҳам қаршилик кўрсатмасдан Отчиқмас позициясидан катта ҳужум бошлашга ҳаракат қилади. Отлиқ ҳарбийларнинг бир қисми ҳамда артиллерия отряди шаҳарликларни чалғитиш мақсадида ҳимоячилардан яшириб, шаҳар томон ҳаракатни камайтирадилар.

4 январда отряд Дўнгқишлоқдаги ўз лашкаргоҳига тушади. Уларни йўл-йўлакай андижонликлар таъқиб қилиб борадилар. Флигель-адъютант ротмистр барон Меллер-Закомельский уларни узоқликдан кузатиб борган. Андижонликларнинг бошқа бир қисми шаҳардан чиқиб, Дўнгқишлоқнинг орқа томонидаги боғларни эгаллайди. Андижонликларнинг кучли ўт очиши рус отряди ва ҳарбийларига катта зиён етказмайди, улар Миробод орқасидаги лашкаргоҳига кечаси соат йигирмалар чамасида қайтиб келадилар.

Руслар 6 январь куни Отчиқмас тепалигидан Гултепани тўпга тутиш яхши натижа беришига ишониб ўз отряд лагерини Отчиқмасга ўтказмоқчи бўлади. Отчиқмасга қараб ҳаракат қилиш учун шаҳарнинг шимолий четидаги йўлдан боришга тўғри келган.

7 январь куни эрталаб соат 9 да экспедиция отряди Мусулмонқул ариғидаги лашкаргоҳдан чиқиб, Отчиқмасга қараб йўл олади. Олдинда барон Меллер-Закомельский бошлиқ отлиқ ўқчи дивизион, 2-Оренбург ва 1-Сибирь юзликлари, ракетачи батарея, икки отлиқ замбаракчи борарди. Ҳарбий қисмлар орасида ҳар бирида 50 аравалардан иборат бўлган асосий кучлар жойлаштирилганди. Бундай тартиб ҳаракат қилишнинг энг маъқул усули эди. Аммо бу ҳаракатдан андижонликлар бехабар қолган. Чунки Отчиқмасдаги ҳолатни Гултепадан туриб кузатишнинг иложи йўқ эди. Чунки бу икки тепалик ўртасида қалин боғлар ястаниб ётгани учун у томон билан бу томонни кўриб бўлмасди.

Авангард кучлар Дўнгқишлоқ томон тезкорлик билан ҳаракат қилаётганларида Отчиқмас тепалигидан уларга қарши ўт очилади. Аммо авангард кучлар қўрғончада турган шаҳар ҳимоячиларига зарба бериб, Отчиқмасни эгаллашга ҳаракат қилади. Икки ўртада жанг бўлиб, авангард отрядини Дўнгқишлоққа йўлатмаслик мақсадида қарши ҳужум уюштирилади. Бу жангда 2-Туркистон линия батальони штабс-капитани Садиров бошидан яраланади.

Душман Эскиликка ҳужум қилиб, мудофаачиларнинг орқа томонига хавф солади ва Қўрғончани ташлаб чиқишга мажбур этади. Эскилик ва шаҳар мудофааси мустаҳкам эди. Шаҳардан карнай-сурнай, ноғора ва мусиқа эшитиларди. Бу шаҳар ҳимоячиларининг илҳом ва кўтаринки руҳ билан душманга қарши зарба беришга тайёр турганлигидан далолат эди.

Шунда отряд бошлиғи душман ҳужум қилгудек бўлса, унга жавоб қайтарадиган кичик бир кучни қолдириб, асосий кучни Отчиқмас тепалигига қўйишга қарор қилади. Шу тариқа энг асосий куч Отчиқмасга етиб келади. Бу тепаликка чиқиш бир қатор кечувлар орқали юз беради. Аскарларнинг соғлигини ўйлаб, кечувдан араваларда олиб ўтилади. Бу анча қийин жараён эди. Капитан Черепицкий ўнта кечувда пиёдалар ўтадиган кўчма кўприклар ташкил қилади. Кечув кенглигига тўғри келадиган араваларни бир-бирига арқон билан халқа қилиб боғлаб, отлар ёрдамида тортиб чиқаришади. Бу асосий кучлар ҳаракатини тезлаштириб

юборади. Андижонсой соҳилидан Отчиқмас тепалигига тикка кўтарилиш кийин бўлган. Қолаверса, тепалик муз билан қопланганди. Дастлабки икки тўпни жуда қийинчилик билан олиб чиқишади. Шундан кейин капитан Черепицкий раҳбарлигида бу тепаликка чиқиш йўли бир оз тузатилади. Шунга қарамасдан Отчиқмасга артиллерияни, айниқса, аравалар карвонини судраб чиқиш катта қийинчилик туғдирган. Атрофдаги одамларнинг чираниб ишлашлари туфайли аравалар карвонини судраб чиқиш тунги соат 24 да тугаган. Шундай қилиб 7 январда душман қийинчилик билан Отчиқмас тепалигига чиқиб, Андижон шаҳрини замбаракдан ўққа тутишга тайёр ҳолга келди.

Андижонни забт этиш режасига кўра, **биринчидан**, Отчиқмас тепалигидаги бутун артиллерия отряди Эскиликни ва шаҳар деворларини, унинг орқасидаги қишлоқларни штурм қилиши зарур эди. Бу жойларни қўлга киритгач, артиллерия «Бобо Саъдидин» қабристонига ўтиб, шаҳарни, биринчи галда Гултепа, бозор ва Ўрдани 370 та артиллерия гранатаси билан ўққа тутиш, бир вақтнинг ўзида 4 та штурм қилувчи колоннани Гултепага олиб борувчи кўчалар бўйлаб ҳаракат қилишини таъминлаш кўзда тутилган. **Иккинчидан**, Гултепани забт этилиши билан жанг тугамаслиги, шу боис ана шу тепаликка батареяни жойлаштириш ва шаҳарни узил-кесил ер билан яксон қилиш, душман энг кўп йиғилган пунктларга 600 дона снаряд отиш кўрсатилган.

Андижон 8 январда забт этиладиган бўлди. Буни амалга ошириш учун ҳужумкор колонналар белгиланди. **Биринчи колоннада** барон Меллер-Закомольский бошлиқ сапёрлар командаси, 2-Туркистон батальони 1-ўқчи ротаси, отлиқ ўқчи дивизион 1 та отлиқ батарея замбараги, 2-ротанинг отлиқ ўқчи дивизиони, 1 та замбарак, **иккинчи колоннада** 1-Туркистон ўқчи батальони капитани Ионов бошчилигидаги 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси, 3 та тезкор Оренбург юзлиги, 1 та взвод ракетаси, **учинчи колоннада** бош штаб полковниги Пичугин бошчилигидаги 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ва 2-роталари, отлиқ батареянинг 2-ротаси, 1 та замбарак бўлган. Учала колоннага полковник Меллер-Закомельский умумий бошлиқ бўлган.

Бундан ташқари, захира колонна ташкил қилиниб, уни 2-Туркистон ўқчи батальони командири, подполковник Андросов бошқарган. Унинг ихтиёрида 2-Туркистон линия батальонининг 3-ротаси, 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ва 3-ротаси, 1 та Еттисув юзлиги, отлиқ батареянинг 6 та замбараги, кўчиб юрувчи взвод бўлган. Лашкаргоҳнинг ҳимоя этиб турувчи 2-Туркистон ўқчи батальони майор Ранау бошчилигида тузилган. Шаҳарга ҳужум қилишда барча колонналарнинг йиғилиш пункти Гултепа тепалиги ҳисобланган.

Шаҳарга ҳужум қилувчи ҳарбий отрядлар раҳбарларига ҳимоячилар томонидан Андижон шаҳрининг асосий кўчалари, тор кўчалар, кўча бурилишларида туйнукли тўсиқлар, деворлардан иборат мудофаа иншоотлари қурилгани, ҳар бир кўчадаги ҳовлилар ва уйлар ўзаро боғлангани, улар ўртасида алоқа ўрнатилгани, шу боис шаҳардан чиқиш чоғида уйларни ёқиб юборишлари ҳақида кўрсатма берилган. Генерал-майор Скобелевнинг ўзи резерв калоннада бўлган. Бош штабс офицерлари қилиб гвардия штабс-капитани Боголюбов, капитан Куропаткинлар тайинлаган.

Ҳужумга ўтиш олдидан тунда капитан Церпицкий сапёрлар командаси ҳамда кучайтирилган 100 нафар ишчи билан Дўнгқишлоққа бориб, у ерда тўпланган ёғоч ва темир буюмлардан узунлиги 12, эни 3,5 метр хажмда, оғирлиги 4 пуддан иборат бўлган 4 та штурмчи нарвон, ҳар бири 8 пуд оғирликдаги 8 та таран (қалъани бузиш учун ишлатиладиган учли ёғоч қурол) тайёрлатган. Капитан Церпицкий кўрсатмасига мувофиқ ҳар бир штурмчи колонна 20 та болта, 10 та кетмон, 1 та нарвон, 2 та таран ва 25 та қамиш боғламаси билан таъминланган. Бундан ташқари, заҳира колонна 30 та болта, 60 та кетмон, 10 та чўркич, 2 та парма, 4 пуд мих, 10 пуд чиғир, 5 та искана, 400 та қоп билан таъминланган.

8 январь эрталаб соат 8 да қўшинлар саф тортишдан олдин қисқа ибодат қилинади. Сўнг эрталаб 8–30 да отряднинг 12 та замбаракдан иборат бутун артиллерияси подполковник Юбромпальский бошчилигида лашкаргоҳдан бир чақирим, Эскилик қишлоғидан ярим чақирим жойдаги

позицияга боради. Бундан ташқари, Эскиликни ва шаҳар девори ва унга туташ жойларни эгаллаш учун 1-Туркистон ўқчи батальони ва Еттисув юзлигидан иборат ярим рота, ясавул барон Штакельберг казак ҳарбийлари сафарбар қилинадилар. 5 дақиқа вақт ичида тўплардан уч марта ўқ узилиши умумий ҳужум қилиш учун сигнал бўлиши белгиланган.

Эрталаб соат 9–30 да қисқа отишмалардан сўнг ясовул барон Штакельберг колоннаси ҳужумга ўтади. Олдинда Еттисув юзлиги, ясавул Мариуцнинг ярим юзлиги, улардан кейин штабс-капитан Федеров тасарруфидаги 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси борган.

Эскилик ва шаҳар деворини эгаллаган озодлик курашчилари душман артиллериясидан отилган ўқларга жавоб бермай турди. Бу жой ҳеч ким йўқдек жим-жит эди. Шунда штурмчи колонна Эскилик томон 300 қадам юргач, унга қарши Эскиликдан, айниқса, шаҳар деворидан бирданига кичик калибрли қадимий тўпдан ва милтиқдан ўт очилади. Колоннанинг олдинги сафида бораётган офицерлар тезлик билан югуриб, шаҳар мудофаачиларига қарши ташланади. Уларни Эскиликдан суриб чиқариб, катта талофат етказади. Шошилинч келаётган отряд бошлиғининг колоннага ёрдам бериши туфайли мудофаачиларга кучли зарба берилади.

Ясовул Штакельберг колоннани шаҳар девори томон олиб боради, Эскилик ва шаҳар девори ёнида кучли жанг бўлади. Босқинчилар Штакельберг, ясовул Мариуци, штабс-капитан Федеровлар қаттиқ ҳужумга ўтадилар. Шаҳар мудофаачилари ҳалок бўлганларни ортда қолдириб чекинишга мажбур бўлишади. Душман катта миқдорда ҳарбий ўлжа, жумладан, 20 пуд порох, 100 га яқин отни қўлга киритади.

Деворни эгаллаши биланоқ ўша заҳоти ясовул барон Штакельберг «Шиғовул ота» қабристонини қўлга киритади. Қабристонга келган генерал-майор Скобелев Тахтакўприк кўчасига кириш жойини эгаллашни, шаҳарга ёриб кириш ва артиллерия учун йўл очишни полковник Пичугинга, штабс-капитан А.Н.Куропаткинга эса «Бобо Саъдиддин» кўчасига кириш учун йўл тозалашни буюради.

Артиллерия бу вақтда иккинчи позициядан узлуксиз Гултепа, Ўрда ва бозор йўналишларига қарата ўт очиб туради. Отчиқмас тепалигидан шаҳарда ва боғларда ҳимоячиларнинг зич, қалин ва тиғиз ҳолатдаги ҳаракатини Андижонсойдан «Шиғовул ота» қабристонигача чўзилган масофада кўриш мумкин эди. Уларга қарши гвардия капитани Ермолов 6 та замбаракдан ўт очади, ҳимоячилар оломони тўла саросимага, парокандаликка тушади.

3-штурмчи колоннадаги 50 кишидан иборат команда прапоршик Желябужский бошчилигида «Шиғовул ота» қабристонида мудофаачилар билан тўқнашади. Тахтакўприк йўлига киришдаги уйларда чуқур хандаклар қазилади. Скобелевнинг буйруғига кўра полковник Пичугиннинг 3-штурмчи колоннаси «Шиғовул ота» қабристонидан шаҳар деворининг ички томони 11 та замбаракдан тўпга тутилади. Артиллерия турган жой билан шаҳар ўртасидаги масофаа 333 саж (ҳар бир саж – 2,3 метрга тўғри келади)ни ташкил этарди. 3-позициядаги артиллерия штурмга тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказади. «Шиғовул ота» қабристони атрофидаги уйлардан босқинчиларга қарши узлуксиз ўқ ёғдирилади. Шаҳарнинг муҳим пунктларига қарши ҳужум уюштиришни мақсад қилган подполковник Обрампальский яқин турган душманга қарши изчил ўт очмасликка буйруқ беради.

Капитан Куропаткин эса ўзига юклатилган топшириқни бажара бориб, 1-Туркистон ўқчи батальони 2-ротаси ёрдамида табиий белгилари билан бошқалардан ажралиб турувчи Жевачи ва Қўшқайрағоч қишлоқларининг шарқий томони, бу ердан «Бобо Саъдидин» кўчасигача бўлган ҳудудни босиб олишга киришади. Рота шаҳар деворлари бўйлаб ҳаракат қилади. Шаҳардагилар ротага қарши онда-сонда ўт очиб турган. Ўқчилар занжирига яшириниб олган 1-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси шаҳар девори томон ҳаракатни давом эттиради. «Бобо Саъдидин» кўчасига кириш олдидан шаҳар деворигача 213 метр масофа қолган эди. «Бобо Саъдидин» кўчасига киришда чуқур хандак қазилган ва Хўтанарикдаги кўприк бузиб юборилган. «Бобо Саъдидин» кўчасига киришдан тортиб, унинг ҳар икки томонида-

ги уйлардан душманга қарши ўқлар отилиб турди. Капитан Куропаткин ротани деворлан отилаётган ўқлардан ташқари жойга жойлаштиради, сўнгра уйлар орқали Қашқарқишлоқ йўли бўйигача 300 қадамдан иборат бўлган шох-шаббали жойда кучли пост қолдиради. Бу пост панада жойлашган бўлиб, мудофаачиларнинг ҳар қандай ҳужумини қайтариши мумкин эди.

Куропаткин ушбу маррани қўлга киритгач, шаҳар деворини ҳам эгаллайди. Рота командири, поручик Топчевский учли ёғоч қурол ва чўкич ёрдамида деворда унча катта бўлмаган ўпирилиш қилади ва ундан 2-ротанинг ярим взводи ошиб ўтади. Девор орқасидаги Хўжатака қабристонини эгаллаган, кенг майдон очилган бўлиб, унинг ўртасида «Бобо Саъдидин» кўчаси ўтган эди. Девордан 450 қадам наридаги майдон шаҳар бинолари билан тўташган бўлиб, кўчага кириш шох-шабба уюмлари билан тўсилган эди.

Девордан қочиб келаётган мудофаачилар қабристонда қолишга уринадилар, лекин ўқчилар уларни «Бобо Саъдидин» кўчасига таъқиб қилиб борадилар. Деворни эгаллаган капитан Куропаткин ўша заҳотиёқ унинг бир қисмини вайрон қилади ва Хўтанариқ орқали чиқиш учун 2 та кўприк қуради. Шу жойдаги дарахтлар кесилиб, зовурлар ковланади. Куропаткин шаҳар деворигача бўлган бир қанча зовурларни, шох-шаббаларни қўлга киритади, мудофаачиларга қарши ўт очилади. Мудофаачилар чекинишга мажбур бўлишади.

Подполковник Андросов колоннаси артиллерия билан учинчи позицияга ўтиб, иккинчи позициясига қараб силжийди. 2-Туркистон ўқчи батальони 3-ротани олдинга суриб, «Бобо Саъдидин» кўчасига қараб ҳаракат қилади.

Кўчага олиб чиқадиган шаҳар деворлари бузиб юборилади. Иккита кўприк қурилади. Кундузи соат 12 да шаҳарни ёппасига штурм қилиш учун залп берилади. Босқинчилар учала позициядан туриб, шаҳарга 500 та снаряд отадилар. Бу ҳужумда 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси, 2-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси, 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1-ротаси иштирок этади. 2-позициядан артиллерия отишмалари бўлаётган вақтда ҳужумкор колон-

на бошлиғи полковник барон Меллер-Закомельский бевосита 1 ва 2-колонналарда туриб, уларни шаҳарнинг жанубишарқий чеккасига олиб боради. Чунки, бу колонналарни шаҳар деворларига бориши учун кўпроқ йўл босишга тўғри келарди. Шаҳар боғларидан ўтиб, Оқгўр кўчасига бурилишда Меллер-Закомельский у томонга капитан Ионов бошчилигидаги 2-колоннани юборади. Ўзи эса Яланғочқўрғон кўчаси бўйлаб Қашқарқишоқ дарвозаси томон юради. Ҳандакдан 300 қадам берида кучли соқчилик қолдиради. Бу соқчилик хандакни яшириб, мудофаачиларнинг ҳар қандай ҳужумига ҳалақит бериши кўзланган.

Резервдаги колоннанинг олдинги қисми ўз ҳаракатида мудофаачиларнинг кучли зарбасига дуч келади. Шунга қарамай Хўтанариқ олдидаги учинчи тўсиқни ва 150 қадам наридаги тўсиқни ҳам забт этади. Шу тўсиқдан кейин 1-Туркистон ўқчи батальони 2-ротасидаги аскарлар орасида генерал Скобелев ва бир қанча зобитлар бўлган. Уларга қарши «Бобо Саъдидин» кўчасидаги ҳимоячилар кучли ўт очади. Душман кучи оз сонли эди. Шу боис Оқгўр кўчасидаги 2-штурмчи колонна ёрдамга келади. Бу ерга 1-Туркистон ўқчи батальонининг 3-ротаси ҳам етиб келган эди. Бирлашган ёв кучлари «Бобо Саъдидин» кўчасидаги жангга якун ясайдилар.

Гултепага келган генерал-майор Скобелев ушбу маррада қўшинни мустаҳкам жойлаштириб, полковник Пичур бошчилигидаги 3-штурмчи колонна етиб келгач Тахтакўприк кўчасига кирадиган жойдаги тўсиқни забт этишга буйруқ беради. Зобитлардан Эвертс ва Журавлёвлар полковник Пичурин бошчилигида «Шиғовул ота» қабристонидан Қиллиқ мадрасасигача бўлган кўча ва уйларга ҳужум қилиб, уйларга ўт қўйиб бордилар. Қирлиқ (ҳужжатда шундай берилган – Р.Ш) мадрасасида босқинчилар колоннасини тўхтатиб қолиш учун ҳаракат қилинади. Мадраса ва унга қўшни бўлган уйлар томларидан душманга қарши кучли ўт очадилар. Аммо 3-Туркистон ўқчи батальонининг 2-ротаси кескин ҳужумга ўтиб, ҳимоячиларни чекинишга мажбур қилди. Босқинчилар олдинга боришда йўл бўйи уйларни ёндириб, бир қисмини бузиб ташладилар. Шу

тариқа 3-штурмчи колонна Гултепага етиб келди. Бу ер бошқа ҳарбий қисмлар томонидан кундузи соат 13 да эгалланган эди.

Бозор ва Ўрдада, Ўрдага олиб бориладиган барча йўлларда ҳимоячиларнинг катта қисми йиғилган эди. Скобелев ана шу йўналишлар бўйича ҳаракат қилади. Бозор майдонида отлиқ ва пиёда ҳимоячиларнинг катта гуруҳига қарши штабс-капитани Киркин бочилигидаги 3-рота томонидан жуда яқин масофадан ўт очилади. Ҳимоячилар катта йўқотиш беради. Ўрдага кириб борган Скобелев бошчилигида бозор расталаридаги кўп сонли ҳимоячилар қирғин қилинади. Натижада Ўрдадан ҳамма қочишга мажбур бўлади.

Полковник Пичугин колоннаси отлиқ ва пиёда мудофаачиларга катта талофат етказиб, бозор мадрасасини ҳам қўлга олади. Гултепага қайтишда йўлдаги бозор ва уйларни ёқиб юборади.

Ҳар икки колонна Гултепага қайтиб келган вақтда батарея тайёрлаб қўйилган эди. Шаҳарнинг шимолий қисмига 6 та, шарқий қисимига 1 та, жанубий қисмига 3 та, ғарбий қисмига 1 та тўпдан ўт очишга киришилади. Тўпларни батареяга келтириш учун иккита аппорели қўйилган.

Генерал-майор Скобелев шаҳар аҳолисини оммавий қирғин қилиш учун артиллерия бошлиғи полковник Обромпольскийга Андижон шаҳрини янгидан бомбардимон қилишга буйруқ беради.

Куннинг ўртаси соат 15 га яқин бозор ҳудуди, Ўрданинг икки тарафи, Шаҳрихон ва Асака йўллари нишонга олиниб, артиллериядан ўт очилади. Бу жараён эрталабгача давом этган. Эртаси куни кечқурунга борганда душман Андижонни тўла забт этишга эришгани маълум бўлади. Душманга бошқа жиддий қаршилик кўрсатишнинг имкони қолмаганди.

Андижон шаҳридаги жанглар вақтида отлиқ мудофаачилар русларнинг вагенбургига шиддатли ҳужум қилади. Соат 24 да 1500 отлиқдан иборат мудофаачилар шаҳар боғларидан чиқиб, руслар лагерининг ўнг ён томонига қараб йўл олади. Бироқ 2-Туркистон ўқчи батальони ҳужумни

зўрға қайтаради. Бир соат ўтиб шаҳар боғларидан чиқиб келган 3000 нафарга яқин мудофаачи вагенбургнинг олдинги ён томонига ҳужум уюштиради. Бу хавфни бартараф қилиш учун майор Ранау 1 дан 5 гача бўлган Сибирь юзликларини, 1 ва 2-Туркистон ўқчи батальонларини чор тарафга тарқатиб, душманни ҳалқа билан ўраб олишни буюради. Ҳалқадан мўлжал билан отилган ўт мудофаачиларни Андижон боғларига яшириниб олишга мажбур этади. Шу билан вагенбургга қарши қилинган ҳужум тугайди.

Андижондаги озодлик курашчилари замонавий қуролланган рус қўшинларининг ҳужумини қайтаришда қанчалик мардлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик намойиш этишларига қарамай душман қўли баланд келди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири рус қўшинларидаги замонавий артиллерия қуролларининг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланганликлари бўлди. Ҳужум олдидан артиллериядан отилган ўқлар озодлик курашчиларига катта талофат етказди. Бунда оғир артиллерия, тўп, замбараклрнинг ўрни ва роли катта бўлган эди. Озодлик курашчилари мағлубиятининг бош сабаби уларда кучли маънавий, руҳий саросима, асабий ҳаяжон, кучли изтироб бор эди. Оқибатда шаҳар ҳимоячилари оммавий равишда ғоят кучли, жуда қаттиқ тарзда ҳимоя қилишдан ёппасига саросимага тушиб қолиш ҳолатига ўтиб қолишди. Улар рус қўшинлари шаҳарга киришга ҳаракат қилаётган вақтда шаҳардан чиқиб кетишга ҳам улгурмай қолганди ва бирон бир жабҳада жиддий зарба беролмай қолган эдилар.

Руслар ғалабасида унчалик йўқотиш кўп бўлмаган. 4 январда 2 та зобит яраланган, 7 январда Хоринжий (Бояльский) ва штабс-капитан Садиров яраланган, штурм қилиш учун қуйи мансабдагилардан 2 киши ҳалок бўлган, 6 киши ва 1 йигит яраланган.

Андижон забт этилганидан сўнг тез орада шаҳарни олиш бўйича турли маълумотлар йиғилган. Унга кўра озодлик курашчилари рус қўшинларини шаҳарнинг шимоли – Андижонсойдан келади, деб ҳисоблаганлар. Шу боис Андижонсойга энг асосий кучлар, жумладан, 25000 нафарга етиб сарбозлар ва сипоҳийлар келтирилганди. Шаҳар яқин

қишлоқлардан келганлар билан тўлиб кетганди. Отчиқмас тепалигидан шаҳарни бомбардимон қилиш бошланганда қуролланган аҳоли дарҳол Эскиликка югуриб келади, сой томондан асосий кучлар ҳамда Афғонбоғидаги мудофаачилар ҳам бу жойга кела бошлайди. Руслар ташлаган граната-лар улар сафида даҳшатли руҳий тушкунлик туғдиради ва уларни тўла саросимага, эсанкирашга солади. Ҳар хил ёлғон хабарлар, миш-мишлар бу саросимани янада кучайтириб юборади. Улар русларни шаҳарнинг ғарбидан келади, деб ўйлаганлар. Босқинчилар колоннаси шарқий томондан тўртта йўл бўйлаб шаҳар томон йўл олаётганини кўриб, тўрт томондан қуршовда қолишдан хавфсираганлар. Шу боис Асака йўли бўйлаб чекинганлар.

Асака йўлига чиқиш учун мустаҳкам асос яратилганди. Шаҳар деворини икки томони бузиб ташланиб, чуқур зовур бўйига иккита кўприк қурилган эди. Бу саросимани янада кучайтириб юборади. Денгиз тўлқинидек ғазабланган халқ қилич билан ўзига йўл очарди. Гултепадан ўша йўналиш бўйича отилган гранатлар саросимани янада кучайтириб юборганди. Улар йўлда тун совуғида қолиб, янги мушкулликларга дуч келганлар.

Бу ва ундан кейинги кунларда ҳимоячилардаги йўқотишларнинг умумий миқдорини тахминий аниқлаш қийин. Бироқ ҳар ҳолда йўқотиш жуда катта бўлган. Оқсоқоллар ва кўплаб оилаларнинг кўрсатмаси бўйича вайрон қилинган уйларда ҳалок бўлганлар, ёнғинда, хандакларда ўлганлар бениҳоя кўп бўлган.

Эртаси куни, 9 январда жойлар билан танишиш ва емхашак тайёрлаш учун шаҳарга тўртта колонна кириб келади.

Отряд бошлиғи томонидан учта Сибирь юзлиги ва отлиқ ракета дивизиони Асака йўлига йўналтирилган. Аммо колонналардан биронтаси ҳам қаршиликларга дуч келмади. Аҳоли ҳали таслим бўлиб, итоат қилишни истамаган бир пайтда 9 январь куни кечқурундан то 10 январнинг эрталабигача отряд ҳарбийлари шаҳарни артиллерия тўпларидан ўққа тутиб турди. Отряд ҳарбийлари Гултепада муқим жойлашиб, от-аравалар карвонини ҳам ўзларига қўшиб оладилар.

Полковник барон Меллер-Закомельский колоннасидаги қисмлардан ташқари отряд қўшинлари қуйидаги тартибда жойлаштирилган:

Ўрдада отряд штаби, сапёрлар командаси, 1-Туркистон ўқчи батальонининг 1 ва 2–ротаси, 2-Туркистон батальонининг 1-ўқчи ротаси, отлиқ-ўқчи дивизион, 5-Оренбург, 1 ва 5-Сибирь ва 1-Еттисув юзликлари, ракетачилар батареяси (4-рота, дивизион, 4 юзлик, 8 станок) жойлашган.

Гултепада 3-Туркистон ўқчи батальонининг 1 ва 2-ротаси, Еттисув ярим юзлиги, отлиқ батарея взводи, 2-кўчма взвод, вагенбург аравалари (2 та рота, ярим юзлик, 6 тўп). Бу қўшинлар бош штаб бошлиғи полковник Пичугин тасарруфида бўлган, штаб бошлиғи бўлиб капитан Куропаткин турган. 2-Туркистон ўқчи батальони, 2-Оренбург юзлиги ва батареянинг отлиқ дивизиони Гултепа билан Ўрда ўртасидаги мадрасага жойлаштирилган. Шаҳар коменданти қилиб 2-Туркистон ўқчи батальони майори Ранау тайинланган.

Андижон аҳолиси ўзи истиқомат қилган шаҳарга 10 январдан қайтиб кела бошлаган. Тез фурсатда шаҳарда осойишта ҳаётни тиклашнинг иложи йўқ эди. Шаҳарликлар 11 январдан бошлаб Андижонни эгаллаб турган рус маъмурлари ва қўшинларини уларнинг талабини қондирадиган даражадаги ун, ҳайвон, жўхори, беда, ўтин билан таъминлашга мажбур бўлдилар. Ўша кундан эътиборан андижонликларга солинган контрибуцияни тўлаш бошланган.

Босқинчилар унча катта бўлмаган қўшинни Андижонда қолдирадилар. Чунки бу вақтда хонликда ҳам, Андижонда ҳам босқинчиларга қарши кучлар бор эди ва бир оз вақт ўтгач Андижон шаҳрининг ўзида ҳам жанглар янгидан бошланиши мумкин эди. Отряд бошлиғи генерал-майор Скобелев шаҳарнинг маркази ҳисобланган Гултепада мустаҳкам таянч пунктини ташкил этди. 9 январдаёқ отишмага ҳалақит берувчи 200 туп дарахт кесиб юборилган. Гултепа тепалигига 11 январда 6 замбаракдан иборат батарея жойлаштирилган. Амбразура орқали ўқ узиш учун баландлиги 22 метр (7 фут) бўлган бруствер, яъни окоп тепасидаги тупроқ – ясама дўнглик ташкил этилган.

18 январь куни эрталаб генерал-майор Скобелев катта ҳарбий куч билан шаҳардан чиқиб, Асака йўлидан бораётганида Андижондан 10 чақирим наридаги Эшонқўрғон қишлоғида 300 кишилик отлиқ ҳимоячилар қаршилигига дуч келади, Асака томондан ҳам отлиқ кишиларнинг катта гуруҳи Андижонга қараб келаётган эди. Душман билан бўлган бу жангда ҳимоячилар катта талофатга учрадилар.

Гарчан Андижон замонавий қуролланган рус қўшинлари томонидан забт этилган бўлсада, бутун андижонликлар бор имкониятларини ишга солиб, юрт мустақиллигини сақлаб қолиш учун мардларча курашиб, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Буни, ҳатто Андижон босқинининг тепасида турган генерал-майор Скобелев ҳам эътироф этишга мажбур бўлган эди. Мана, унинг Андижон мудофаачилари ҳақида айтганлари: **«Андижонликлар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, улар ҳар бир тўсиқдан фойдаланар эдилар, томлар устидан туриб ўқ отишар, кўчалар, ҳовлилар, уйлар, мачитлар ичида юзма-юз олишардилар. Уларнинг қаршилик кўрсатишлари олдинда ҳужум қилиб бораётганларни ғазаблантирар, тобора жунбушга келтирарди. Бозор майдонида Скобелев йирик колоннаси хорилардан қилинган тўсиққа дуч келиб қолди. Замбаракларимиз олдинга ўтказилди ва бир неча ўқ узилганидан кейин душман тумтарақай бўлиб кетди. Бешта истеҳкомдан ташқари, мустаҳкам қўрғончага айланган уйларни ҳам жанг билан қўлга киритдилар. Ниҳоят, ҳар учала колонна Ўрдага етиб келди ва саройни исёнчилардан тозалади. Қисқа муддатли ҳордиқдан сўнг манзилгоҳга қайтилди. Дарвоқе, йўл ёқасидаги иморатларнинг ҳаммасига ўт қўйиб борилди. Олд қисмлар қаерда кетаётганини ёнғинга қараб билиб олиш мумкин эди. Отишмалар ҳали тинмаган, андижонликларнинг «Ур!» садолари эшитилиб турарди. Андижонни бутунлай вайрон қилиш учун генерал Троицкий Скобелевга олтита замбарак бериб шаҳарни тўпга тутишга, бозор ва ёнғин бўлаётган томонларни нишонга олишга буйруқ берди»**[1].

[1] Андижон тарихидан лавҳалар. “Andijon nashriyot-matbaa” ОАЖ. 2008, 29-бет.

Генерал Скобелев Андижоннинг кулини кўкка совуриш билан кифояланмай, андижонликларни товон тўлашга мажбур этиб, 33 минг сўм ундириб ҳам олади. Босқинчилар ҳам бу жангда катта талофат кўрди. Фақат, казаклар 1-полкидан ўлдирилганлар ва жароҳатдан ўлганлар 85 киши, ярадор бўлган казаклар 43 киши, яраланган икки офицердан иборат эди. Асирга тушганлардан биронтаси қайтариб берилмаган. Жангларда қаҳрамонлик кўрсатган казаклар 1-полки аскарларидан 348 киши ҳарбий бўлим томонидан тақдирланган. Урушда қатнашганларнинг барчасига **«1875–1876 йилларда Қўқон хонлигини забт этганлиги учун»** сўзлар ёзилган бронзадан қилинган медал берилган.

М.Д.Скобелев Андижонни забт этганидан сўнг Асакани қўлга киритиш учун 2 та рота пиёда аскар, 240 отлиқ, 500 казак, ракета батареяси ва 4 тўп билан Асакага ҳужум бошлайди ва унинг марказини тўпга тутадилар. Асака тепалигида турган Абдураҳмон Офтобачи бошлиқ ҳимоячиларга қарши солдатлар ҳужумга ўтиб, уларни чекинтиришади. 20 январь куни Абдураҳмон Офтобачи рус қўмондонига элчи юборади. 24 январда у ўзининг 12 сафдоши, шу жумладан, Ботир Тўра, Исфандиёр, Холиқ парвоначи, Нормуҳаммад Додҳоҳ ва 700 йигити билан Скобелевга таслим бўлади. Пўлатхон бундан хабар топиб, ҳақиқий Пўлатхоннинг ака-укалари ва келинини ўлдиртиради. Шунингдек, у штабс-капитан Святопол-Мирский, унтер-офицер Ф.Данилов ва 8 рус асрини ўлимга ҳукм қилади[1].

Андижонда содир бўлган қўзғолончилар ҳалокати ва андижонликларнинг мислсиз қаҳрамонликлари фақат Қўқон хонлигини эмас, балки бутун Ўрта Осиёни ларзага солди. Бу тарихий жангда озодлик курашчиларининг моддий ва маънавий кучига жуда катта талофат етказилди.

Халқимизда гуруч курмаксиз бўлмайди, деган нақл бор. Ватан ҳимоячилари орасида ҳам юрт, миллат тақдирига бефарқ қараб, оғир ва мушкул вазиятда ўз манфаати йўлида хоинлик, сотқинлик қилишлари мумкинлиги Андижон мудофаасида исботланди. Генерал-майор Скобелев Наманган-

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида (муаллифлар: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов). Т.: “Шарқ”, 2000, 171-бет.

дан чиқиб Андижонни забт этишни қайси томондан бошлаш кераклиги ҳақида бош қотириб турган бир пайтда, шаҳардаги мансабдор шахсларнинг айримлари сотқинлик қилиб, рус қўшинларини Андижонга ҳужум қилиши на Андижонсой тарафдан, на «Афғонбоғи» тарафидан маъқул эмаслиги, фақат Отчиқмас тепалигидан шаҳарга замбаракдан ўқ узиш орқали кириш мумкинлигини маслаҳат берганди.

Шундай қилиб, чор Россияси истилосига қарши курашда Андижон ва унинг халқи мислсиз қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди.Улкан куч ва қудратга эга бўлган душман катта талофат кўрган бўлса-да, ўзининг ёвуз ниятига эришди. 1876 йилнинг февралида Қўқон хонлиги тугатилди. Унинг ўрнига бутун Фарғонада истиқлолчилар қонини беаёв тўккан Скобелев бошлиқ Фарғона вилоят ҳарбий губернаторлиги ташкил бўлди. Андижон унинг бир уезди бўлиб қолди.

Мустамлакачилар бутун бир бошлиқ Қўқон хонлиги давлатини тугатиб, уни Россия империясининг битта вилоятига айлантириш билан, босқинчиликка қарши кўтарилган халқ ҳаракатларига барҳам бера олмади. Ватан озодлиги учун бўлган бу кураш «Олой маликаси» номи билан шуҳрат топган қирғиз аёли Қурбонжон Додхоҳ ва унинг ўғиллари томонидан 1876 йил охирларигача давом эттирилди.

Босқинчилар ўз ғалабалари ҳақида хотира қолдириш мақсадида Отчиқмас тепалигида катта ва баланд монумент ёдгорлик ўрнатишган. Унда 1876 йил 1–10 январида Андижонни забт этганлиги ҳақидаги тарихий лавҳа битилган. Ҳатто андижонликлардан 25 мингга яқин кишини йўқ қилишда бош-қош бўлган генерал Скобелев номини абадийлаштириш мақсадида шаҳарнинг энг катта кўчасига унинг номи берилган. Деярли 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлган Андижон ўтмишда ўта оғир даврларни бошдан кечирди. Ана шулардан бири 1875–1876 йиллардаги рус босқинидир. Чиндан ҳам 19 асрнинг охирида чор Россияси томонидан Туркистоннинг қўшиб олинганлигини эмас, балки истило қилинганлигини, андижонликлар уларга қарши аёвсиз кураш олиб бориб, қон тўкканлигини тасдиқловчи ушбу монументни тарихий исбот сифатида сақлаб қолишимиз ва келажак авлодга етказишимиз керак.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК БОШҚАРУВИ

Бутун Туркистон каби Андижонда ҳам Россия подшолиги бошқарув тизими ўрнатилди.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асарида қайд қилинганидек, 1876 йили Андижон уезди ташкил бўлиб, унинг бошлиғи Смирнов бўлган (бошқа манбаларда Семёнов). Архив манбаларнинг бирида Андижон уезди бошлиғи подполковник Кошиевский бўлгани, 1866 йил 8 августдан прапоршик лавозимида харбий қисмда хизмат қилгани, 1876 йил 6 мартдан Андижон уезд бошлиғининг катта ёрдамчиси бўлиб хизмат қилгани, ўзбек тилини яхши билгани, маҳаллий тилда эркин ёзишни билгани қайд этилган. Хуллас, Андижон уездининг биринчи бошлиғи рус миллатига мансуб Смирнов бўлган. Уезд ер ўлчовчиси В.Колодовкиннинг 1890 йили тузган (**«Карта Андижанского уезда Ферганской области»**) харитасида Андижон уезди таркибида *Балиқчи, Норин, Хақулобод, Избоскан, Олтинкўл, Хакан, Ёрбоши, Магир, Новкент, Қўқонқишлоқ, Бозорқўрғон, Ойим, Қўрғонтепа, Қорасув, Кўгарт, Жалақудуқ, Чанкент, Жалолобод, Майлисой, Моси, Кенколқорагир, Қоракўлсарисуй* волостлари бўлган.

Андижон уезди таркибидаги волостлар бошқарув органлари тизимига кирган бошқарув маҳкамаси қуйидагича бўлган:

Олтинкўл волости бошқарувчиси Сувюлдуз қишлоғидан Мулла Хакимбек Рўзибеков, халқ судьяси Андижон шаҳар иккинчи қисмидан Мулла Усмон Умарбоев, ариқ оқсоқоли Дўнқайма қишлоғидан Абдулла Умидов бўлган. Олтинкўлда Потеляховга қарашли пахта тозалаш заводи бўлган, унинг раҳбари Вульф Каменев бўлган;

Балиқчи волости бошқарувчиси Гўраввал қишлоғидан Бувахўжа Кенгашхўжаев, халқ судьяси чинободлик Хонтўраев Саид Шарофиддин Тўра Бузрук, ариқ оқсоқоли чин-

ободлик Матёқуб Қодирматов бўлган. Чинободда пахта тозалаш заводи бўлган;

Хакан волости бошқарувчиси Дархон қишлоғидан Абдуллахон Қозоқбоев, халқ судьяси Мирзахон Зокир Хонқориев (Сариқуй қишлоғидан), пахта тозалаш заводи бўлган. Завод Янги ариқ қишлоғида жойлашган, ишончли вакили Б.А. Воронов, тажриба майдони Сариқуй қишлоғида бўлган, унинг аграноми А.Я.Мухин бўлган;

Ёрбоши волости бошқарувчиси Куйганёр қишлоғидан Қамбархожи Беркинбоев, халқ судьяси Бўтақара қишлоғидан Аҳмад Хушвақтов, ариқ оқсоқоли куйганёрлик Даминча Убайдулла Охунов бўлган;

Қўқонқишлоқ волости бошқарувчиси қўқонқишлоқлик Аҳмадқул Қодирқулов, халқ судьяси қўқонқишлоқлик Мулла Ёқубжон Тайлақбоев, ариқ оқсоқоли қўқонқишлоқлик Умархон Мазиёев бўлган. Волостда ака-ука Крафт ширкатига қарашли пахта тозалаш заводи бўлган;

Магир волости бошқарувчиси Чуама қишлоғидан Муҳаммадали Тошболтаев, халқ судьяси чувамалик Мулла Хотам Мирзасўпиев бўлган.

Избоскан волости бошқарувчиси Қодирхожи Дўстбоев (избосканлик), Халқ судьяси Мулла Отахон Алибоев (Бўтақара қишлоғидан), ариқ оқсоқоли, Избоскан сув иншоотлари бўйича избосканлик Рустам Тошмуҳаммедов бўлган. Бундан ташқари, Избоскан участкаси ҳам бўлиб, унинг пристави (полицияси) капитан А.А.Иванов, шифокор Е.А.Трубина, фельдшер И.С.Белан, ўрмон хўжалиги бошлиғи А.А.Наркович бўлган;

Султонобод участкаси пристави С.И.Поляков бўлган, участка шифокори Нина Ивановна Боградзе, акушер Э.В.Кеббель, фелдшер М.М.Бороденко, рус-тузем мактаби ўқитувчиси В.Ф.Баранов бўлган;

Қорасув волости бошқарувчиси Қорасув қишлоғидан Тошмат Содирбоев, Халқ судьяси Мулла Тўрахон Кичикхон Тўраев (Маъмуробод қишлоғидан), Андижонсой иншооти бўйича ариқ оқсоқоли султонободлик В.К.Караффа-Корбут бўлган, юқори Шахрихонсой ариқ оқсоқоли Йўлдошхожи Худоёров, юқори Андижонсой бўйича султонободлик Мулла Маткарим Алимхўжаев бўлган;

Ойим волост бошқарувчиси ойимлик Муллахосил Хўжамёров, халқ судьяси ойимлик Мулла Фахриддин Нуритдинов, Дардоқда Абдураҳмон Ҳамрабоевнинг пахта тозалаш заводи бўлган;

Қўрғонтепа волости бошқарувчиси қўрғонтепалик Мусулмонқул Хушдархоев, халқ судьяси Мулла Болта Норалиев, Қўрғонтепа қишлоғида Миркомил Мирмўминбоевнинг пахта тозалаш заводи бўлган, унинг ишончли вакили Абдулқаюм Хусаинович Бойбеков бўлган;

Жалақудуқ волости бошқарувчиси сўфиқишлоқлик Сулаймон Эгамбердиев, халқ судьяси Мулла Орифхўжа Хонхўжаев бўлган.

Бу даврда Андижон уезди таркибида ҳозирда Наманган вилоятига қарашли Ҳақулобод, Норин туманлари, Жалолобод вилояти таркибидаги Майлисой, Қоракўл-Сарисуй, Кенкўл-Қорагир, Жалолобод участкаси ва волости, Чанкент, Кугарт волостлари, Ўш вилояти таркибидаги Ўзган волости ва участкаси, Ясси волостлари бўлган. Бу ҳудудларнинг бошқарув органлари таркибини келтиришни лозим кўрмадик.

1876 йилдан 1917 йил октябрь тўнтаришига қадар бутун Андижон уезди аҳолиси, ҳудуди уезд бошлиғи томонидан чекланмаган ҳуқуқ ваколатлар орқали бошқарилган. Уезд бошлиғи бевосита Фарғона область ҳарбий губернаторига бўйсунган.

Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Андижон уезди бўйича бошқарув тизими қуйидагича бўлган: уезд бошлиғи уезднинг бош маъмури ҳисобланган. Унинг катта ва кичик ёрдамчиси бўлган. Уезд бошлиғига Андижон шаҳар бошлиғи, бош оқсоқоли, волостлар бошқарувчилари, оберофицер (кичик зобит), участка (даҳа) пристави қараган.

Андижон уезди 5 та маъмурий қисмга бўлинган, ўз навбатида улар 21 волостга бўлинган. Уезд бошлиғи мустамлака бошқарувининг асосий бўғини ҳисобланган. У ўз қўл остида маъмурий, полициячи, солиқлар бўйича суд ҳокимиятини мужассамлаштирган. Уезд бошлиғида полициячи ҳукумат сифатида солиқ тўламаганлар устидан ҳукм чиқариш ваколати бўлган. 1886 йил 12 июнда тасдиқланган

«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомда уезднинг шаҳарларида хўжаликка ва ободонлаштиришга бошчилик қилиш вазифаси юклатилган.

Андижон уезди бошлиғи 1877 йил 25 апрелда Фарғона области ҳарбий губернаторига йўллаган билдиргисида Андижон шаҳрини бўлиш хон ҳукумати давридагидек – Сайдон-Туман, Уйлуқ, Олайлиқ, Қирлиқ каби тўрт даҳага бўлингани, уларнинг таркибида оқсоқоллар бошчилигида 43 та маҳалла мавжудлиги кўрсатилган. Сайдон-Туман даҳасида 11 та маҳалла, 248 хўжалик, Уйлуқ даҳасида 11 маҳалла 2636 хўжалик, Олайлиқ даҳасида 11 маҳалла 2815 хўжалик ва Қирлиқ даҳасида 10 та маҳалла 2635 хўжалик бўлган. Ҳар бир маҳаллада 40 тадан 268 гача хонодонлар бўлган.

1896 йил 7 сентябрда Фарғона области бошқармаси Андижон Эски шаҳрида катта оқсоқоллик лавозимини тугатишни сўраган. Қолаверса, шаҳар пристави (полиция бошлиғи) фақат шаҳарнинг руслар яшайдиган қисминигина бевосита назорат қилгани ҳолда шаҳарнинг мусулмон аҳолиси яшайдиган қисмини шунчаки номигагина назорат қилган. Унинг вазифасига, шунингдек, рус суди ва маъмурий ҳукумат ҳамда муассасалар қабул қилган барча қарорлар ижросини назорат қилиш ҳам кирган. Шу боис маҳаллий аҳолини бевосита назорат қилиш катта ва 2 та кичик оқсоқол томонидан амалга оширилган. Бундан ташқари, уларнинг вазифасига аҳоли мулкини қўриқлаш, Эски шаҳар «осойишталиги»ни ва тинчлигини сақлаб туриш ҳам кирган.

Мустамлакачи ҳукмдорлар ўз ҳукмдорликларини юқори маҳаллий эксплутаторлар ёрдамида мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Шу боис шаҳар катта оқсоқоллигига бевосита полицияга бўйсунувчи қўрбошилар қўйилган. Қўрбоши Эски шаҳар бўйича полициянинг ёрдамчиси бўлган.

1908 йил 3 октябрда Андижон шаҳрининг Боботаваккул даҳаси бўйича сайланган 69 кишидан 47 таси Сой маҳалласидаги Итбозорда тўпланишиб Андижон шаҳар 3-даҳа приставининг таклифи билан Боботаваккул даҳасида қанча оқсоқоллик жорий этиш масаласини кўриб чиқишади. Қирлиқ даҳасини Қирлиқ, Чувалачи, Халимлик,

Чинор, Орзиқулбек оқсоқолликларидан, Боботаваккул даҳасини Сой, Аушкин, Боботаваккул, Қорабура, Чордана оқсоқолликларидан иборат қилиб тасдиқлашга қарор қилинади.

Андижон шаҳрининг катта оқсоқоли лавозимида Шамсиддин хожи Саид Маҳмудхон, Зуннунбой Қутлуқов, Салоҳиддин Мингбоши Ашуралиев, Шермуҳаммад Алимқулов, Рустам Тошматов, Камолиддин Мамарасулов, Абдуғаффорбек Орзиқулбеков ва бошқалар бўлган. Шуни айтиш керакки бундай лавозимга қўйиладиган шахсларга нисбатан мустамлакачи маъмурларнинг талаби кучли ва катта бўлган. Уларнинг ҳар бири орқасидан хуфиявий назоратчи кишилар қўйилган. Оқсоқоллик лавозимига чор маъмурлари аксарият ҳолда ўзларига садоқатли, рус империяси манфаатига хизмат қиладиган, ерли аҳоли орасида обрўга эга бўлган кишилардан қўйганлар.

1909 йил 22 январдаги ҳолатга кўра Андижонинг Эски шаҳар қисми Худоёрлик, Олайлиқ, Уйлуқ, Боботаваккул ва Қирлиқ даҳаларидан иборат бўлган.

1917 йилгача империянинг барча шаҳарларида фаолиятда бўлган шаҳар Низоми жорий этилмаган. Волостлар ва қишлоқлар оқсоқоллигига ҳар уч йилда «сайловлар» ўтказилган. Сайловлар пора бериш йўли билан амалга оширилган. Бунинг устига мустамлакачи ҳукумат амалдорлари ёрдами билан йирик заминдорлар, бойлар, судхўрлар ер эгалари сайланган. Агарда сайланган шахслар ҳукумат талабларини қониқтирмаса улар ўзларига маъқул номзодларни оқсоқолликка ўз билганларича тайинлаганлар.

Волостлар бошқарувчиларини ва қишлоқлар оқсоқолларини сайлаш икки ва ундан кўп талабгарлик ўртасида ўзаро кураши остида бўлиб, улар «сайловчилар» катта миқдорга пора бериш ва уларга зиёфат бериш учун кўп ҳаражат қилардилар. Волост бошқарувчиси, ёки оқсоқоллик лавозимига эга бўлганлар сайловда сарфланган маблағини ҳар хил йўл, баҳоналар билан аҳолидан йиғиб олинган.

Суд муассасалари чор ҳукумати томонидан Андижон уездининг шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилган, назорат қилиб борилган.

Ўтроқ маҳаллий аҳоли учун шариат асосида қозилик суди, кўчманчи аҳоли учун эса бий суди жорий этилган. Улар халқ судлари «сайланган» органлар ҳисобланган. Улар 3 йил муддатга сайланган. Бу лавозимга аксарият маҳаллий бой ва манаплар сайланган. Бу судларнинг ҳуқуқи жуда чекланган бўлган. Маҳаллий аҳоли томонидан жамоат тинчлигига, бошқарувга, мулкчиликка, христиан динига қарши қаратилган шикоятлар, хатти-ҳаракатлар маҳаллий аҳоли билан рус аҳолиси орасидаги келишмовчилик, жанжал масаласида рус аҳолиси учун мавжуд бўлган судларда кўриб чиқилган. Судлар уезд бошлиғи назоратида бўлган. Айрим судьялар кўпинча пора бериш орқали «сайланган» тасодифий, номутасадди кишилар бўлиб чиққан.

Мустамлакачилик даврида меҳнаткашлар оммасининг асосий қисмининг қашшоқлашуви ва хонавайрон бўлиш тенденцияси ортиб борган. Капиталистик муносабатларнинг ривожлангани деҳқонлар, чорвадорлар ва саноатчиларда синфий табақаланишига олиб кела бошлади. Ерсиз ва бошқа яшаш воситаларидан ажралиб қолган, омманинг имтиёзли вакилларигина ўз қишлоқларида иш топа олганлар, улар аксарияти ер эгаларида чорикор, коранда, мардикор бўлиб кун кўрган.

Андижоннинг Эски шаҳар қисми қишлоқ жамоаларига бўлинган, уларни маҳаллий миллат вакилларидан иборат қишлоқ оқсоқоллари бошқарган. Маҳаллий шаҳарларга нисбатан Низомнинг 73 ва 80-моддаларига кўра волостларга нисбатан тартиб жорий этилган. Шунинг учун Фарғона области ҳарбий губернатори 1908 йил 23 июлда уезд бошлиғига икки кун муддатда қайси низом ва қонунга ёки фармойишга асосланиб Андижон шаҳрининг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисми қишлоқ жамоаларига бўлинганини хабар қилиш вазифаси топширилади. Андижон уезд бошлиғи 1908 йил 29 июлда Андижон шаҳрининг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмини қишлоқларга бўлиниши, шаҳар оқсоқоллигининг жорий этилиши Қўқон хонлиги давридаёқ мавжуд бўлганини ёзган[1].

[1] История Андижана. Т.: “Фан”, 1980, стр. 10–11.

Фарғона ҳарбий губернатори, генерал-майор Сусанинниng 1909 йил 24 январидаги буйруғига асосан 2 қисмдан иборат Андижон Эски шаҳари 4 қисмга ажратилди. Худоёрлиқ қисми 2 га бўлиниб, бири Олайлиқ, иккинчиси Уйлиқ қисмдан иборат бўлди. Боботаваккул қисми Боботаваккул ва Қирлиқ қисмига бўлинди. Бу тўртда даҳанинг ҳар бири шаҳар оқсоқоллари томонидан бошқарилган.

Рус қўшинлари Андижонни забт этган давридан рус маъмурияти, ҳарбийлари ва аҳолиси яшайдиган янги шаҳар қад кўтара бошлайди. Андижоннинг эски шаҳарининг жанубишарқий чеккасида шаҳар мудофаа деворининг орқа томонидаги қисмида 1877 йили радиал-концентритик, яъни битта умумий марказга бирлашадиган шуъласимон схемалаштирилган эски шаҳарнинг марказидаги Гултепани мустаҳкамлайдиган кенг ва тўғри 5 та кўча чиқарилган, ўша вақтда бу жойда гарнизон жойлашган эди.

80-йиллар бошида янги шаҳар қисмига яқин жойда қалъа (крепость) қурилган. Шу қалъадан шуъласимон олтита кўча бошланиб, бешта концентрик, яъни битта умумий марказга эга бўлган проспект кўчалари билан кесишган. Шаҳарнинг марказий қисмида ҳарбий плац (ҳарбий машқ ва парадлар ўтказиладиган майдон) қурилган. Янги шаҳар билан эски шаҳарни кенг ва катта кўча ажратиб турган. Бу кўчани яратишда шаҳар мудофаа деворининг бир қисми портлатилган.

Андижон пахта тозалаш саноат марказларидан бири сифатида шаклланиб, жуда тез ўсди ва ривож топди. 1898 йилги қўзғолондан сўнг қўзғолонда қатнашганларнинг ерлари чор маъмурлари томонидан тортиб олинади. Бу эса шаҳар ҳудудини 200 десятинадан кўпроқ ер ҳисобига кенгайишига имкон берган[1].

Андижон тарихининг баъзи бир жиҳатлари шарқий қўлёзмалар ва босма қўлланмалар халқ оғзаки ижоди, ҳикоялар асосида яратилган В.П. Наливкин, А.Л.Кун асарларида ҳам ёритилган. Бу китобларда Андижон шаҳри аҳолиси ҳаёти тавсифланган.

1875 йил Андижон шаҳрида 4000 хонадон бўлган, аҳоли сони ҳам табиий жиҳатдан, ҳам Россиядан савдогарлар,

[1] История Андижана. Т.: “Фан”, 1980, с.230 .

тадбиркорлар ва бошқа қатламга мансуб кишилар келиши билан кўпайиб борган.

XX аср бошларида Андижонга саноат ва банк капитали кириб келди, янги заводлар, йирик банклар бўлимлари, транспорт, савдо фирмалари пайдо бўла бошлайди. Натижада Андижон аҳолисининг ижтимоий ўзгариб боради. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг юзага келиши, ерсиз деҳқонлар ва ҳунарманд усталарнинг инқирози оқибатида миллий буржуазия ва ишчилар шаклланади.

Андижон шаҳар аҳолисининг ўсиш динамикасидаги ўзгариш юз беради. Шаҳар аҳолиси 1899 йили 49045 киши бўлган бўлса, 1914 йилга келиб унинг миқдори 8671 кишига етганди. 26 йил ичида шаҳар аҳолиси 54,8 минг кишига, 64 фоизга кўпайган[1].

Бутун Туркистон каби Андижон ҳам чор Россиясининг соф мустамлакасига айланди. Бутун бошқарув тизгини мустамлакачилар қўлида мужассам топади. Маҳаллий аҳоли бошқарув аппаратига мутлақо яқинлаштирилмайди. Фақат қуйи бошқарув органларида, маҳалла, қишлоқ, овулларда мустамлакачилар томонидан ерли аҳоли вакиллари, қишлоқ оқсоқоли, маҳалла элликбоши лавозимларига қўйиларди, улар мустақил сиёсат олиб боролмасди, мустамлакачи маъмурларнинг буйруқлари, кўрсатмаларини ҳаётга жорий қилиш билан машғул бўларди.

[1] История Андижана. Документах и материалах. Том I. С.15 .

ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бутун Туркистон каби Андижонда ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва йўналишларида «соф типдаги мустамлакачилик» тизими қарор топади. Мустамлакачиликнинг туб моҳиятини давлат мулклари ва зироатчилик вазири шундай ифодалаганди: «Бу марказий масалада уч кўриниш мавжуд. Агар биринчисида ярқираб турган ёзув **«пахта»** бўлса, иккинчисида **«суғориш»** ва ниҳоят, учинчисида унча кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида ҳаммасидан муҳими – **«русларни кўчириб келтириб, ўрнаштириш»** ёзуви турибди»[1]. Демак, мустамлака сиёсатининг асосий йўналишлари мухтасар тарзда «пахта», «суғориш», «русларни кўчириб келтириш» каби уч сўзда аниқ ифодаланган. Андижонда ҳам мустамлакачилик пахта, суғориш, русларни кўчириб келтириш соҳаларида намоён бўлди.

Андижон уездида сунъий суғориш иншоотларини пахтачилик талаби ва ривожига жавоб берадиган даражага олиб чиқишга катта аҳамият берилди. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан А.Ф.Миддендорф бошлиқ махсус экспедиция водийга юборилади. Водийдаги ирригация ҳолатини ўрганиб, суғориш тизимида хонлик даврида бошланиб, чала қолган ишларни давом эттириш ва тугаллаш, Улуғнахр каналини ўрганиш ва уни мўлжалдаги райончача давом эттириш, кенгайтириш, янги суғориш иншоотларини қуриш, янги ерларни суғоришда Норин ва Қорадарёдан янги каналлар чиқаришни тавсия қилади. Тез орада Улуғнахр суғориш иншоотидан 13 та янги ариқлар чиқарилиб, 4610 таноб ер ўзлаштирилди. Шаҳрихонсойнинг 70 фоиз сувидан фойдаланадиган энг йирик районлар Асака ва Шаҳрихон атроф қишлоқлари билан Марғилон уездига

[1] *Кривошеин А.В.* Записка главноуправляюшего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. СПб, 1912, 111-бет.

тобе бўлиб қолди. Каналнинг юқори ва тўғон қисми эса Ўш, Андижон уездлари территориясига кирди. Улуғнахр каналининг ҳам суғориладиган асосий ерлари Марғилон уездига қараб, канал боши ва ўртаси Андижон уездига қолди. Чор маъмурларининг саъй-ҳаракати билан 15 йил давомида Кампировотда водийда энг йирик суғориш тармоқлари бўлган Шаҳрихонсой ва Андижонсойни муттасил сув билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси пахтачиликни ривожлантиришга имкон берарди.

Андижон уездида деҳқончилик қилинадиган ерларнинг катта қисмига пахта экиб, пахта ҳосилини, айниқса, унинг толасини Россиянинг тўқимачилик корхоналарига ташиб кетишга, Россия саноатини арзон хомашё билан таъминлашга мустамлакачи маъмурлар муккасидан кетиб ҳаракат қилганлар. Пахта яккаҳокимлигининг оғир юки Андижон деҳқонлари елкасига тушган эди. Аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалла экинлари камайиб борган, пахта экин майдонлари тобора кенгайтирилиб борилган. Масалан, Андижон уездида пахта экиладиган майдонлари 1890 йилда 8654 десятинани ташкил этган бўлса, 1900 йилда 83 минг десятинага кенгайтирилган. 1913 йилда эса 114 минг гектар ерда 129,4 минг тонна пахта етиштирилган. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 11,4 центнерни ташкил этган.

Пахта навини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. 1890 йили Андижон шаҳри яқинидаги бой Худоёрхонга қарашли катта «Афғон боғи»да Андижон дала тажриба участкасига асос солинган. Унда пахтачилик селекцияси ва пахтанинг янги навларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, менерал ўғитлардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш борасида Б.Шахназаров, Г.Динин, Г.Михалевский, Р.Р.Шредер, А.Я.Мухина, Гуловский, Кандрашов, Навроцкийлар самарали фаолият кўрсатганлар. Айниқса, Б.А.Навроцкийнинг «Навроцкий», «Триумф Навроцкого» навлари катта самара берган. Бу навлар аввал Туркистон, кейин Ўзбекистон бўйича 1925 йилгача экилган. Шунингдек, Асаканинг Лабигардон қишлоғида ҳам тажриба суғориш станцияси ташкил этилган[1].

[1] Андижанский филиал. НПО “Союзхлопок”. Андижан. 1990. с. 4–5.

Пахта ва унинг унумдорлиги Андижонда ҳам сунъий суғоришга асосланган эди. Шу боис сув иншоотларини таъмирлаш, янги сув манбаларини излаб топиш, бўз, қўриқ ерларни ўзлаштириш учун янги ариқлар, каналлар чиқаришга катта эътибор берилган. Андижон уездида ирригация ва мелиорация ишларига чор маъмурлари алоҳида аҳамият берган, пахтачиликда янги техник қуроллар қўлланилган. Пахтачиликни ривожлантиришга маҳаллий аҳоли кенг миқёсида жалб этилган. Айни вақтда Россиядан кўплаб руслар кўчириб келтирилган. Россия қишлоқларидаги ижтимоий зиддиятни юмшатиш, ортиқча ишчи кучини Туркистонга кўчириб келтириш сиёсати кенг қўлланилган. Биргина Фарғона областида кўчирилиб келинган рус деҳқонларининг 60 га яқин посёлкалари ташкил бўлди. Бу посёлкалар маҳаллий аҳолига тегишли бўлган энг ҳосилдор ерларда ташкил этилди. Бундай посёлкалар Андижон уезди-нинг Бозорқўрғон, Жалолобод районларида Ивановка, Архангельск, Дмитровка, Семихатка, Никольский, Благовешенский номлари билан аталган рус посёлкалари ташкил топганди. Асака районига қарашли Марҳаматда «Русское село» посёлкаси ташкил бўлган. Андижон уезди аҳолисининг миллий таркибида рус аҳолисининг миқдори тобора кўпайиб борган.

Маълумки, пахта толаси тўқимачилик саноати учун бирдан-бир муҳим хомашёдир. Кийим-кечак ишлаб чиқариш учун пахта толаси ниҳоятда зарур. Шу боис Андижон уездида пахта етиштириш ҳажмини кўпайтириш баробарида уни шу уезднинг ўзида қайта ишлашга эътибор қаратилган. Бутун ўлка каби Андижонда ҳам пахта тозалаш заводлари қурила бошланди. 1880 йили ишбилармон тадбиркор Олимхўжа Маҳаммаджонов биринчилардан бўлиб пахта заводи қурди. 1890 йилда эса Андижон туманининг Бўтақора қишлоғида пахта заводи ишга туширилди.

Пахта тозалаш заводлари 1911 йилда Андижонда, 1912 йилда Асакада, 1915 йилда Шаҳрихонда қурилган. Саноатнинг бу тури пахта етиштиришга қараб тез ривожланган.

1913–1914 йилларда уезд ҳудудида 26 та майда пахта тозалаш заводи ишлаб турган. Ҳар бир завод йилига ўртача 280–284 минг пуд пахтани қайта ишлаган.

Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарининг ривожланиши оқибатида Андижонда савдо марказлари юзага кела бошлади. Ана шу марказлар ҳузурида пахтачилик фирмалари ва банк бўлимлари фаолият кўрсатган. Жумладан, 1910 йилда Андижонда пахта хомашёсини тайёрлаш бўйича 13 та савдо идоралари бўлган. Ўша даврда уезддаги барча корхоналар Россиянинг йирик савдо-саноат компаниялари ҳамда маҳаллий бойлар ихтиёрида эди. Масалан, андижонлик Миркомилбой Мирмўминовга қарашли 6 та пахта тозалаш заводи бор эди.

Андижонда пахта саноатчиларининг йирик монопол бирлашмалари ҳам вужудга келди. 1915 йилнинг июлида 5 та йирик фирмани бирлаштирган «Беш бош» савдо-саноат ширкати ташкил этилган.

Бутун ўлка каби Андижонда ҳам етиштирилган пахта ва унинг толасини Россияга осон ва арзон олиб кетиш мақсадида Ўрта Осиёда қурилган темир йўлларнинг аҳамияти катта бўлди. 1888 йилда Каспий денгизи орқали Красноводск – Самарқанд, 1906 йилда Оренбург – Тошкент темир йўллари ишга туширилди. 1913–1914 йилларда Тошкент – Урсатьевск, Андижон – Жалолобод, кейинроқ Андижон – Тентаксой ва Федченко (Қува) – Шаҳрихон темир йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Натижада, Фарғона водийсида, жумладан, Андижон уездида етиштириладиган мўл пахта хомашёсини Россияга осонгина олиб кетиш имкониятига эга бўлинди.

1910 йил 21 августда пахта ортилган биринчи вагон Москвага жўнатилган. 1910 йилдаги ҳосил бутун Фарғона бўйича 20 миллион пуд пахта бўлиб, ундан 6 миллиони юқори навли эди. Пахтани тозалаш учун областда 142 та пахта тозалаш заводи бор эди. Тозаланган пахтанинг ҳар бир пуди Москвада 14 сўмдан 17 сўмгача сотилган. Пахта чигити ёғ заводларида ҳар бир пуди 60 тийиндан сотилган. Фарғона областидаги 13 та ёғ-мой заводи 9,5 миллион пуд пахта чигитини ишлаб чиқарган. Ёғ чет эл савдоси учун Москвага юборилган.

Пахтачилик тараққиёти ёғ заводлари тармоғини юзага келтирди. 1907 йили «К.М.Соловьев ва К» фирмаси Андижонда энг замонавий техника билан жиҳозланган йирик пахта тозалаш ва ёғ заводлари қуради. Завод Ўрта Осиё темир йўли Андижон станциясига яқин ҳудудда жойлашган, завод ҳудудидан темир йўли ўтказилган, ёғ ташиб чиқиш учун 150 дан кўпроқ вагон-цистерналарда фойдаланиш йўлга қўйилган. Ёғ қувурлар орқали тўғридан-тўғри вагон цистерналарга қуйилиб турган. 1913 йили Андижон уездида 4 та ёғ ишлаб чиқариш заводи бўлиб, уларда 382 ишчи меҳнат қилган.

Андижондаги «К.М.Соловьев ва К савдо уйи»нинг пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш корхонаси энг кучли, бақувват завод бўлган. Заводда суткасига 5600 пуд пахта қайта ишлаб чиқарилган. 10 та ёғ ишлаб чиқариш прессларида суткасига 1800 пуд ёғ ишлаб чиқарилган. Завод биноси электр билан таъминланган, 360 ампер қувватга эга бўлган электр станцияси ишлаб турган. Заводда совун ишлаб чиқарилган. Андижон уездида 1913 йили 2 та совун заводи бўлган. Бир йиллик маҳсулоти 8000 пуддан иборат бўлган.

Пахтачилик, ёғ-мой, озиқ-овқат саноати, темирйўл қурилиши муносабати билан ташкил топган деполардаги ремонт устахоналари доимий равишда ёнилғи билан таъминлаб туришни талаб қиларди. Шу боис, тоғ-кон саноатига талаб ошиб борган. Шу соҳа билан шуғулланувчи маҳаллий тадбиркорлар етишиб чиққан. Масалан, Мулла Карим Абдураҳмонов Андижон уездида йирик тош-кўмир конига эгалик қилган. Норқўчқорполвон ва Раҳимбува ўғли ихтиёрида Андижон уездининг Қорадарё воҳасидаги Чангиртош нефть кони бўлган. У кондан аҳолини талабини қондириш учун кунига 2020 пақирга етиб нефть маҳсулотлари сотилиб турган[1].

Уездда ипакчилик ҳам ривож топган. Ипак ҳам маҳаллий эҳтиёж учун, ҳам Россияга зарур эди. 1892 йил пилла ипа-

[1] *Потапова В.А.* История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX – начале XX века). Т.: Университет мировой экономики и дипломатии. 2011, с. 105–106.

гидан 9000 пуд ҳосил олинган. 1899 йили 28750 пуд пилла етиштирилган.

Ўша йилларда Андижондаги 7648 уй хўжаликларидан 1231 хўжалик ипакчилик билан шуғулланган. Ипак маҳсулотлари маҳаллий эҳтиёжни қондиришдан ташқари Россия ва чет элга олиб кетиларди.

Ипакчилик ривожи билан бир қаторда Андижонда қурт уруғи тайёрлаш корхоналари ҳам юзага келди. 1907 йили Фарғона вилоятидаги 6 та бундай корхонанинг 5 таси Андижон уездида эди.

1913 йили Андижонда ипак қуритадиган корхона ишлаб турган. Унда 269 нафар ишчи ишлаган, улардан 41 нафари эркаклар ва 228 нафари аёллар бўлган[1].

Руслар босқинига қадар Андижонда кустар кўнчи-пойабзал саноати бўлган ва у асосан маҳаллий бозорни маҳсулот билан таъминлаб турган. Бироқ мустамлакачилик шароитида эса маҳаллий ва кўчиб келган аҳолининг ана шу маҳсулотга бўлган тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қоплай олмас эди. Шу боис европа гуруҳидаги кўнчилик-пойабзал корхоналари вужудга келди. Андижондаги кўнчилик-пойабзал заводидаги бир йиллик меҳнат унуми 7725 сўмни ташкил этган. Заводда йил давомида 1000 дона тери ишлаб чиқарилган.

1916 йил Андижонда 44 та қандолат корхоналари вужудга келган.

Саноат ривожи молиявий муассасалар тармоғини ўсишига олиб келди. 1915 йили Андижонда Давлат, Рус–Осиё, Москва–Ҳисоб, Сибирь, Азов–Дон каби банкларнинг бўлимлари мавжуд бўлган. Шунингдек, Андижон шаҳрида «Восточное общество», «Кавказ и Меркурий», «Российское общество транспортных кладей» жамиятлари ўзларининг бўлим ва транспорт идоралари фаолиятда бўлган [2].

Албатта, Андижон саноатида пахтачилик саноати устувор ўринда бўлган. Бутун Фарғона водийсидаги пахта ҳосилининг учдан бир қисми Андижон уездида етиштирилган. Уездда 1914 йили 62 саноат корхоналари бўлиб, уларда

[1] История Андижана... с. 25.
[2] История Андижана... с. 26.

2435 ишчи банд бўлган, ишлаб чиқарилган ва бозорга туширилган маҳсулотнинг умумий қиймати 36169695 рублни ташкил этган[1].

Бироқ бу саноат корхоналари техник жиҳатдан жуда қолоқ бўлиб, ривожланиш бир томонлама ва тўлалигича мустамлакачилик характерига эга бўлган. Бу фабрика-завод турдаги корхоналарнинг юзага келиши ва маҳаллий ишчиларнинг шаклланиши уезднинг иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Савдо-сотиқ ишлари ривож топди, одамлар маиший ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Россиядан келтирилган уй-рўзғор ва хўжалик буюмлари андижонликлар хонадонида пайдо бўла бошлади. Хонадонларда керосин чироқлар, XX аср бошларида электр чироқлар, мусофирхоналарда Варшава чироқлари пайдо бўлган. Ўзбек хонадонларига ўрис самовори, Швейцария соати, немисларнинг тикув машинаси, бельгияликларнинг гугурт ва примуслари (машина ўчоқлари), Уралда қуйилган чўян қозонлар кириб келди. Граммафон аҳоли ўртасида кенг тарқалганди.

Маҳаллий аҳолининг кийим-бошларида ҳам маълум ўзгаришлар юз берган. Аёллар биринчи марта кўкраги бурмали кўйлак кийишга одатланганлар. Эркаклар эса, яъни савдогарлар ва бадавлат кишилар ҳамда уларнинг фарзандлари жиякли кўйлак (холта кўйлак ҳам дейилган) ўрнига тугмадан қопқоқ ёқали кўйлак (руҳонийлар уни ит ёқа кўйлак ҳам дейишган) устидан инглиз ёқа деб аталган энсиз бурама ёқали тўн кийишган ва узун занжирли соат тақишга кўникишган.

Андижонда рус тўқимачилари томонидан тайёрланган турли хил матолар, айниқса, сатин машҳур бўлган. Ана шу матолар фабрика эгаларининг номларига қараб халқ орасида «обравон» (Абрамов), «захар-мараз» (Захаров ва Морозов), «соқолин-сатин» (Соколов сатини) номлари билан аталган. Бу номлар ҳозиргача андижонликлар орасида сақланиб қолган. Шу даврда «товар» номи билан ярим ипак газлама ҳамда бархит кириб келган. Андижон хонадонларида илк

[1] *Заорская В.В. и Александер К.П.* Промышленные заведения Туркестанского края. СПБ, 1915, с. 107.

бор картошка, помидор, карам истеъмол қилина бошлаган. Хуллас, Андижоннинг шаҳар ва қишлоқларида ҳаёт кескин жонлана бошлаган. Бу юртга сайёҳлар кўплаб келиб туришган. Уларнинг айримлари масжид ва мадрасалардаги, аҳоли қўлидаги қўлёзма ва илмий адабиётларни сотиб олиб кетишган. Андижонда атоқли олим, академик А.Миттендорф бир неча кун бўлган. Бир гуруҳ олимлар Кампировот тоғ структурасини текшириш ва водий дарёларини ўрганиш ниятида махсус илмий экспедиция билан Андижонда бўлишган.

Эр-хотин Наливкинлар ҳам Андижонга кўп марта келишиб, халқимизнинг тил хусусиятларини, урф-одатларини илмий жиҳатдан ўрганишган.

1880–1899 йилларда ҳарбий мақсадларда Чор Россияси Закаспий ҳарбий темир йўлини қурди. Бу йўл Красноводскдан бошланиб, Жебел–Чоржўй–Самарқанд–Тошкент ва Андижонни қамраб олганди. 530 км ҳажмдаги бу йўл 1895–1899 йилларда қурилган. 1899 йили Тошкент – Андижон темир йўли ишга туширилди. Бу қурилишга 2 та темир йўл батальони ҳамда аҳолидан 13 минг ишчи жалб қилинган. Қурилиш материалларининг аксарияти Андижон, Қўқон, Марғилон ва Тошкентдан, қолган қисми Россиядан келтирилган ва қурилиш ишлари жуда оғир шароитларда олиб борилган. Самарқанд –Андижон темир йўли дастлаб, Урсатевская (ҳозирги Ховост)гача, кейин 1898 йилда Андижонгача етказилди. 1899 йили Самарқанд – Тошкент тармоғи қурилди. 1899 йил апрель ойидан бу йўлда поездлар мунтазам қатнай бошлаган. 1913–1916 йилларда Фарғона ҳалқа темир йўлининг Қўқон –Наманган – Андижон қисми қурилган. Шунда Андижон – Жалолобод, кейинроқ эса Андижон – Тентаксой ва Федченко (Қува) – Шаҳрихон темир йўллари қурилиб фойдаланишга топширилган. Бундан кўзланган мақсад, асосий пахтакор ҳудуди – Фарғона водийсида етиштириладиган мўл пахта хомашёсини Россияга осонгина олиб кетишдан иборат эди. Бу темир йўлларнинг қурилиши Андижоннинг иқтисодий тараққиётида ҳам аҳамияти катта бўлди. Чор ҳукумати Туркистондан арзон хомашёни Марказга ташиб кетиш, Россиядан Туркистонга тайёр маҳсулот келтириш орқали катта фойда кўрди. Ўлканинг табиий ва

меҳнат ресурсларидан, ўлка халқларидан арзон ишчи кучи сифатида максимал фойдаланишга эришди.

Темир йўл қурилиши билан 1900 йил 1 июлдан почта ташийдиган поезд йўлга қўйилди, Тошкентда темир йўл почта ташийдиган бошқарма тузилди. Бошқармага Самарадан Красноводскагача ва Кушка қалъасигача ҳамда Андижонгача бўлган темир йўл узеллари кирган. Айни вақтда 1902 йил 1 июлда Тошкентнинг Андижон, Жалолобод ва Ўш шаҳри билан телеграф алоқалари ишга тушган.

1910–1911 йиллари Андижон шаҳрида телефон ва телеграф алоқаси йўлга қўйилган. Айни вақтда шаҳарнинг европалик аҳоли яшайдиган қисмидаги айрим хонадон ва кўчалар электр чироғи билан ёритилишига эришилган. Марказий шаҳар телефон станциясида даставвал 75 абонентга телефон хизмати жорий қилинган. Абонентлар хонадонига қўйилган телефон аппарати Стокгольмдаги Эриксон фирмаси, ёки Берлиндаги Микс ва Генест фирмаларидан олинган[1].

Чор ҳукуматининг ўлкадаги иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади ва йўналиши халқ хўжалигини Россия эҳтиёжи талабларини қондиришга, ўлканинг мустақил тараққиётига изн бермаслик, халақит бериш, уни хомашё қуйруғига айлантиришдан иборат бўлган. Рус мустамлакачилиги ўлкада саноат, айниқса, оғир саноат ривожига йўл бермасди. Оғир индустриясиз эса мустақил ривожланишнинг ўзи бўлмасди. Фақат, метрополия учун зарур бўлган тармоқни шакллантиришга ҳаракат қилинганди.

Рус босқинига қадар Андижонда саноат ишлаб чиқариш аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондириш майда ҳунармандчиликдан иборат бўлиб, саноат ибтидоий босқичда эди. Бу вақтда кигиз тайёрлаш, уй-жиҳозлари, тери ва мўйна ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. Бўз, атлас, шойи тўқиш, дўппидўзлик, темирчилик, заргарлик, қандолатчилик, ошпазлик, нонвойлик ривож топганди. Эгар-жабдуғ, сандиқ, жавон, мис идишлар, халатлар, чарм буюмлар, сополли ёки ёғоч, кумуш, олтин буюмлар, кетмон, пичоқ, махси, калиш ва шу каби кўнчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

[1] ЎзР МДА И- 19 фонд, 1- рўйхат, 32059-иш, 21-варақ.

Андижондаги ҳунармандлар ва саноат корхоналари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга гилам тўқувчилар, қуролсозлар, заргарлар ва тўқувчиларнинг тайёрлаган буюмлари 1886 ва 1890 йили Тошкентда ўтказилган Туркистон кўргазмаларида намойиш қилинган.

Андижон ҳунармандлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пахта йигириш учун чарх, қўлбола тўқув дастгоҳини ишлаб чиқарганлар. Бироқ Россиядан саноат маҳсулотлари келтириш ортиб борган сари маҳаллий ҳунармандчилик инқирозга учрай бошлайди. Инқироздан хонавайрон бўлган ҳунарманд косибларнинг сони ортиб борган. Андижонда ҳам уйда ишлайдиган деҳқон ҳунармандчиликка асосланган, лекин тарқоқ ҳолдаги мануфактураларнинг куртаклари мавжуд эди. Андижонда бўз, шойи, атлас тўқувчи корхона ва устахоналар ишлаб турарди.

Фарғона областининг Россия билан савдосида Андижон алоҳида аҳамиятга эга бўлган. 1877 йили Андижонга 44 минг рубллик, 1895 йили 271 минг рубллик товарлар келтирилган. 1877–1895 йилгача Андижонга товар олиб келиш 6, 5 баробар ортган. Пахтачилик билан бир қаторда ипакчилик билан савдо қилиш Андижоннинг иқтисодий ҳаётида катта салмоққа эга бўлган. 1885 йили Андижонда 1200 пуд ипак, 1800 пуд пахта толаси, 1000 рубллик пилла сотувга чиқарилган.

Темир йўл қурилгунга қадар Андижондан Қўқонга пахта, пилла ва бошқа маҳсулотлар келтирилар, у ердан Туркистон ўлкаси ва Россиянинг бошқа жойларига олиб кетиларди. Андижон уезди бошлиғи Фарғона область ҳарбий губернаторига йўллаган рапортида Андижондан Қўқонга ҳар йили 600 минг пуд буғдой, 500 минг пуд тозаланган пахта, 15 минг тери, 10 минг пуд қуруқ мева, 6 минг пуд тамаки, 5 минг пуд жун, 1 минг пуд ипак – жами бўлиб 110037 минг пуд маҳсулот юборилаётгани қайд этилган.

Андижон уезди кўчма савдосининг асосий маркази Андижон шаҳри бўлган. Шаҳар кўп сонли дўконлар, карвонсаройларга эга бўлган. 1887 йили Андижонда 737 та дўкон ва карвонсаройлар бўлган, орадан 10 йил ўтиб шаҳарда 1646 та дўкон ва 22 та карвонсарой мавжудлиги қайд этилган.

Ўлкада чор маъмурларининг мусулмон мактабларига нисбатан «аралашмаслик» сиёсати туфайли уларнинг сони камайиб борган. Андижон уездида 1875 йили 428 та мусулмон мактаби бўлиб, уларда 6756 ўқувчи ўқиган бўлса, 1898 йилга келиб мактаблар сони 431 та бўлиб, улардаги талабалар сони 4121 киши бўлган.

1900 йили Андижон шаҳрида 41 та эркаклар мактаби бўлиб, уларда 41 ўқитувчи, 650 ўқувчига таълим берган, 20 та аёллар мактаби бўлиб, уларда 242 нафар қизлар ўқиган, 20 нафар ўқитувчи дарс берган. 1913 йилга келиб Андижон шаҳрида мактаблар сони 67 тага, ўқувчилар сони 1591 кишига етган[1].

Ўғил болалар учун алоҳида мактабхоналар, қизлар учун алоҳида отин ойи мактаблари фаолият кўрсатган. 1908 йилги ҳолатга кўра Андижон шаҳридаги 48 та мактабхонада 934 ўғил бола, 35 та отин ойи мактабида 398 нафар қизлар таҳсил олган. Уезд бўйича эса 385 та мактабхонада 5807 нафар бола, 140 та отин ойи мактабида 2031 нафар қиз таҳсил олаётган бўлган[2].

1884 йил маълумотига қараганда Андижон шаҳрида 56 мактаб бўлиб уларда ҳар икки жинсга мансуб 890 ўқувчи, 1885 йилга келиб бу мактаблардаги ўқувчилар сони 1010 кишига етди. Одатда, мактаблар масжидлар ҳузурида очилган. Шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида мактаб бўлган. Уларнинг ҳар бирида таҳминан 10–20 болалар бўлган.

Мактаблар билан бир қаторда мусулмонларнинг мадрасалари ҳам фаолиятда бўлган. 1892 йилда Андижон шаҳрининг ўзида 16 та мадраса фаолиятда бўлган, 677 та талабага 49 мударрис дарс берган. Н.А.Бобровников Андижондаги Жомъе мадрасасига ташриф буюриб, 63 ёшли талаба ўзининг набираси билан ўқиётганидан ҳайратга тушганди. Андижон шаҳрида 1908 йили 17 мадрасада 998 ўқувчи ўқиган бўлса, 1913 йилда эса 19 мадрасада 1061 ўқувчи таҳсил олган. Мадрасалар қошида камдан-кам кутубхоналар бўларди. XIX асрнинг охирида Фарғона ва

[1] История Андижана... С.28.

[2] *Шамсутдинов Рустамбек, Расулов Бахтиёр.* Туркистон мактаб ва мадрасалар тарихи. (XIX аср охири – XX аср бошлари). Андижон, 1995. 71–72-бетлар.

Сирдарё областларидаги мадрасаларнинг 7 тасида кутубхона мавжуд эди. Улардан бири Андижондаги Оқмасжид мадрасасидаги кутубхона бўлган.

Мустамлакачи маъмурлар учун ўлкани бошқаришда рус ва маҳаллий тилни биладиган ва шу тилларда иш юритишни амаллайдиган ходимлар тайёрлашга ҳам эътибор берганлар. Маҳаллий миллат вакиллари билан бирга рус миллатига мансуб болалар учун рус-тузем мактаблари очилиши муҳим аҳамият касб этган эди. «Туркестанский ведемости» газетасининг 1886 йил 25 ноябридаги сонида Андижонда 1886 йил 1 октябрида рус-тузем мактабларини очиш тўғрисида буйруқ чиққани, бу мактаблар фаолият кўрсатиши учун 720 сўм маблағ ажратилганлиги, ўқув қўлланма, иситиш, ёритиш, хизматкорлар ишлаб туриши учун 275 сўм пул ажратганлиги хабар қилинган. Андижон рус-тузем мактабининг ўқитувчилари қаторида Туркистон ўқитувчилар семинариясини битирган Бутен, маҳаллий миллат вакилларидан эса Махдум Мулла Сўфи Охун Аъламовлар бўлган. Бу мактабларда ўқувчилар рус тили, тарих, география ва мусулмон мактаби дастуридаги адабиётларни ўқишган. Туркистон ўқитувчилар семинарияси ўқитувчиси В.П.Наливкин 1888 йил апрелида Андижон ва Ўшдаги рус-тузем билим юртларини текширгани келиб шундай ёзган: «Андижонда рус тили бўйича ўқиётган ўқувчилар мувафаққияти жуда ҳам яхшидир. Билим юрти мудири жаноб Бутен менга унинг ўқувчиларидан телеграммалар тузиш билан ва бошқа шунга ўхшаш ишлар қилиб, пул топишга шошилаётанини хабар қилди»[1]. Билим юртининг фаол ўқитувчиларидан бири Саидбой Назаров бўлган. Бу рус-тузем мактабларида кўплаб маҳаллий аҳоли вакиллари таҳсил олган ва улар чор мустамлакачилиги ва совет мустамлакачилиги даврида хизмат қилганлар.

Аста-секин Андижонда рус мактаблари очила бошлади. 1879 йил 1 июлидан Андижон шаҳрида шаҳар билим юрти очилди. 1872 йилдан хотин-қизлар икки йиллик қавм билим юрти очилди. Кейинчалик эркаклар ва аёллар гимназиялари ҳам очилди. Бу билим юртларида оз миқдорда бўлса маҳаллий миллат вакиллари ўқиган.

[1] История Андижана... С.31.

XIX аср охири XX аср бошларидан Андижонда ҳам ўз замонасининг илғор кишилари ҳисобланган тараққийпарвар зиёлилар мазлум халқ оммасини саводли қилишга, уларни жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб, янги усулдаги жадид мактабларини очдилар. 1908 йили бутун Туркистон ўлкасида 30 та янги усул мактаби бўлиб, уларда 1300 бола ўқиган бўлса, 1911 йилда уларнинг сони 63 тага, ўқувчиларнинг сони 4106 тага етганди. Фарғона вилоятида шундай мактаблар сони 30 тага етганди. Бундай мактаблар Андижон уездида ҳам бир қанча бўлган. Шундай янги усулдаги мактаб биринчи бўлиб Андижонда Султонмуродбойнинг пахта тозалаш заводи биносида 1897 йили очилди. 1899 йили Андижонда Шамситдин домла томонидан иккинчи жадид мактаби очилди. 1908 йилга келиб Андижон уездида 8 та янги усулдаги мактаблар бўлиб, уларда 365 ўқувчи таҳсил олган. Шундан Андижон шаҳрининг ўзидаги 5 та мактабда 230 ўқувчи бўлган. Бундай янги усулдаги мактабларнинг пайдо бўлиши ва оммалашуви эски усулдаги мактабларни қисқаришига олиб келди. Шунинг учун янги усул мактаблари қаршиликка ҳам учради. 1910 йили Андижондаги З.Қозиев мактаби вайрон қилинди, хариталар, кўлланмалар, дарсликлар йўқ қилинди. Уезднинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида ҳам шундай мактаблар очилган эди. Бу мактаблар эски усулдаги мактабни ҳеч қандай инкор этмаган ҳолда, ўзбек халқини асрий озодликдан қутқазиш, озодликка, ҳурриятга олиб чиқиш учун, уни илм нури билан ёритиб, динимизни дунёвий илмлар билан жиҳозлаш мақсадида бир қанча ислоҳ қилинган шакл эди. Жадидчиликнинг отаси бўлмиш Исмоилбек Гаспирали ўғли шундай таърифлаган: «Ота-бобо кунларидан қолмиш миллий мактабларни ислоҳ қилиш усули – жадид демакдир, бошқа бир ўқув, бошқа бир мактаб демак эмасдир. Усули жадид оз вақтда зиёда ва даҳа мукаммал ўқитмоқ ва ўқимоқ йўлларини кўрсатар, ғайри бир далилдир».

Машҳур демократ шоир Зокиржон Фурқат Андижондаги барча турдаги мактабларни кўрган ва билган, мустамлакачилик замонидаги янги мактабларни ижобий воқеа сифатида тасвирлаган. Ана шу мактаблар бағридан ёзувчи ва шоирлар

ҳам чиққан. Андижондаги адабий муҳитга ҳаваси ортган Фурқат шундай ёзган:

«Тарк ўлмаз соқийи Гулчеҳра бирла бандаси
Откуча то сўфхи Махшар базми ижод Андижон».

Андижон адабий муҳити қадимийдир. Бундан V аср аввал улуғ юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазрати Алишер Навоийнинг ижодий камоли ва шон-шуҳратини туркий Андижон тили билан боғлаб, фахрлангани бежиз эмас эди.

Рус мустамлакачилиги даврида ҳам Андижонда маълум даражада адабиёт ривож топди. Прогрессив шоирлар ўз шеърларида эрк ва халқ бахтини куйлаб, мавжуд тузумдаги адолатсизликларни очиб ташладилар, улар орасида Оразий, Ҳайратий, Худойберди, Мунтазир, Муҳиб, Пиримқори, Муштак, Бимий, Ризоийлар бўлган. Алихон Мулла Охун ўғли Оразий кулолчи оиласида таваллуд топган, аввал бошланғич мусулмон мактабида, сўнгра мадрасада таълим олган, шоир сифатида ўз фаолиятини 1900 йилда бошлаган. У ўзининг «Золимлар», «Пул эмасми?» шеърларида мустамлакачиликка асосланган тузумни қаттиқ танқид остига олган. У халқни ҳалолликка, адолатга, жасурликка даъват этган:

Юз ўгирма тўғри йўлдан чарх қашшоқ этса ҳам,
Учмагил душман сўзин ҳар қанча юмшоқ этса ҳам,
Мард келдинг, мард кетгил, тоқатинг тоғ бўлса ҳам,
Ўтма номард кўпригидин, сув сени оқизса ҳам.

Юқоридан маълумки, Андижонда катта ўзгаришлар юз берди. Янгича муносабатлар қарор топди. Бироқ Андижон халқи аксариятининг моддий турмуш аҳволи оғирлигича қолаверган. Халқ икки томонлама жабрланган, бир жиҳатдан чор ҳукумати маъмурлари ва маҳаллий ҳукмдорлар халқни аёвсиз эзса, иккинчи томондан янги жорий қилинган солиқлар ва жарималар аҳолини танг ҳолатга солиб қўйганди[1].

[1] *Набиев А., Хурилов Т.* Бобур тавоф айлаган диёр. Т.: «Меҳнат», 1993. 48–49-бетлар.

Маҳаллий аҳолининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳуқуқлари паймол этилади. Мустамлакачиларнинг маҳаллий аҳолига қарши зулми ва зўравонлиги тобора орта бошлайди. Маҳаллий халқнинг диний ва миллий қадриятларига хуруж қилинди. Мусулмон аҳолисини миллий хўрлаш, камситиш, диний урф-одатларини оёқости қилиш, жамийки миллийликка болта уриш сиёсати олиб борилди. Буни исботловчи далили ашёларга мурожаат қиламиз. 1876 йили Андижон шаҳри истило этилгач Андижон ҳокимлиги жойлашган икки ўрдага рус гарнизони, Ўрданинг бирига 16-Туркистон линений батальони ва Андижон Эски шаҳарига Сергеев черкови жойлаштирилди. Мустамлакачилар Андижоннинг ёнида янги «рус Андижони»ни яратишга эришдилар. Улар Андижонни «бизнинг Андижонимиз» деб маҳаллий аҳолининг диний, миллий нафсониятини ҳақорат қилдилар. Эски шаҳардаги Сергеев бутхонаси мусулмон аҳолисини қоқ ўртасида жойлашгани сабабли уни ҳимоялаш учун гарнизон қўйилганди. Янги шаҳарда казарма қурилиб, Андижон гарнизони бу жойга кўчиб ўтиш муносабати билан Эски шаҳарда қолган бутхонага мусулмонлар ҳужум қилиб, уни яксон қилиш учун ҳаракат қилганликда айблаб, беайб мусулмонларни қамоққа ташладилар. Сергеев черкови руҳонийси Алексей Надеждин 1884 йил 12 январда Фарғона ҳарбий губернатори генерал-майор Н.А.Ивановга маъруза йўллаб, Андижонда 500 кишилик православ черковини қуриш масаласини кўндаланг қўйган. Ўлканинг бош бошлиғи 1882 йил ноябрида Андижонга келганида «рус Андижони»да янги ибодатхона қуриш ҳақидаги фикрини ҳам маърузада келтирган. 1880 йил бошларида Мирпўстин мавзеидан пастроқда ҳарбий крепость, яъни қалъа қурилди. Шаҳарнинг марказий қисмида ҳарбий машқ ва парадлар ўтказиладиган майдон қурилган. Эски шаҳарнинг мудофаа деворларининг бир қисмини портлатиш ҳисобига европалик аҳоли яшайдиган, бутун мустамлака бошқарув аппарати идоралари фаолият кўрсатадиган европа типидаги янги шаҳар қурилди. Шаҳар қалъасидан Эски шаҳар бўйлаб ҳозирги темир йўл вокзалигача бўлган ҳудудда ҳар бири битта умумий марказга эга

бўлган 5 концентрик айланма 6 та кўча чиқарилган. Эски шаҳар кўчаларига қараганда Янги шаҳар кўчалари анча кенг ва тартибли бўлган. Шу кўчаларнинг номланишида ҳам маҳаллий миллатни, миллий ҳиссиётини топтайдиган ишлар қилинди. Ҳозирги Андижон темир йўл шохбекатидан «Олтин водий» тўйхонасигача бўлган кўча Россия императори, подшо ҳазратлари Николай II номи билан аталди. Бу кўчанинг атрофидаги барча кўчаларга 1875–1876 йилларда Андижонни даҳшатли жанг билан забт этган ҳарбий зобитлар номлари берилди. Андижон янги шаҳар харитасида Кауфман, Троицкий, Куропаткин, Головачёвский, Абрамовский, Ионовский, Георгиевский, Лагерная, Новый базар, Ивановск, Церковний каби номлар билан атала бошланди. Бу кўчаларда аксарият рус, армани, яҳудий миллатига мансуб кишилар истиқомат қила бошладилар. Табиийки, маҳаллий халқ бундай зулм ва зўравонликка қарши норозилик, нафрат, ҳатто исён, қўзғолонлар қилишга мажбур бўлган. Эрк ва ҳуррият, озодлик учун кураш олиб борган. Оқибатда маълум ва машҳур Дарвишхон бошчилигидаги ва 1898 йилги Андижон қўзғолонлари юз берди.

ОЗОДЛИК КУРАШИ САРЧАШМАЛАРИДА

Андижон 1876 йил февралдан 1917 йил февралигача Туркистон генерал-губернаторлиги Фарғона вилоят ҳарбий губернаторлиги таркибида бўлди. Бу давр соф мустамлакачиликдан иборат эди. Бутун Туркистон халқи каби Андижон аҳолиси ҳам Россия империясининг мустамлакачилик зулмини ўз бошидан кечирди. Бу зулм ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз кучини кўрсатган. Россия подшосининг олиб борган буюк шовинистик, миллатчилик, мустамлакачилик сиёсатига ва амалиётига қарши мазлум халқларнинг дастлабки озодлик ҳаракатлари юз бера бошлади. Ана шундай халқ ҳаракатларидан бири Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолондир.

1885 йилда Фарғона водийсида мустамлакачи ҳукуматга қарши умумхалқ қўзғолонига тайёргарлик кўрилди.

Водийнинг бир қатор жойларида қўзғолонга тайёргарлик кўриш масалалари яширин йиғилишларда кўрилаётганидан мустамлакачи маъмурлар хабар топган эдилар. Шундай йиғилишлардан бири 1885 йил 16 августида Асакада Муллахўжа Назирмирза уйида бўлиб ўтади. Водийнинг турли жойларидан келган 20 дан ортиқ нуфузли кишилар қатнашган бу йиғилишда юртни чет эл босқинчиларидан озод қилиш, ўлкада миллий давлатни тиклаш учун мустамлакачиларга қарши бирлашиб кураш олиб бориш вазифаси илгари сурилади. Йиғилишда қўзғолон режаси, уни ўтказиш вақти, қўзғолонга раҳбарлик қиладиган шахс масалалари ҳал этилади. Қўзғолонга раҳбарлик қилишга Дарвишхон Эшон Тўра кўрсатилади. Бунга сабаб бу вақтда аҳолининг норозилик ҳаракатида фаол иштирок этиб, эл-юртга анча танилиб қолган эди. У Андижон уезди Қўрғонтепа волостига қарашли Чектўра қишлоғи фуқароси, қўзғолонга раҳбарлик қилган пайтда 45 ёшда бўлиб, Андижон ва Қўқон уездларида анча катта ер-мулкка эга бўлган. Аммо шунга қарамасдан

Дарвишхон ўз манфаатидан халқ, ватан манфаатларини устун қўйиб, миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилади. У қисқа вақт ичида Ўш, Андижон уездлари волост ва қишлоқларида кўплаб аҳолини қўзғолонга жалб эта олади.

Дарвишхон бошлиқ қўзғолончилар янги Марғилон шаҳрини Андижон ва Қўқон билан боғловчи алоқа симларини узиб ташлайди. Бу ҳодиса тўғрисида кейинчалик мустамлакачи ҳукумат вакилларидан бири «бу ҳодиса қўзғолон бўлиши муқаррар эканлигини кўрсатган эди»[1], деб хотирлаган. Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончилар кўлами тобора кенгайиб боради. Асака, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Олтинкўл, Жалақудуқ, Ўш уездининг Новқат, Тутлик қишлоқлари, Оқбўйра волости, Марғилон каби жойлар ҳам қўзғолон гирдобига тортилганди.

Қўзғолон шунчалик кескин тус олдики, уни бостириш учун мустамлакачи ҳукумат вилоятнинг турли жойларга, жумладан, Андижон, Ўш ва Марғилон уездларига ҳарбий кучларни юборишга мажбур бўлади. Водий бўйлаб борган сайин авж олаётган Дарвишхон раҳбарлигидаги қўзғолонни бостириш ва унинг раҳбарларини қўлга олиш вазифаси Андижон уезди бошлиғи капитан Бряновга топширилганди. Унинг ихтиёрига Ўш уездининг бошлиғи подполковник Дейбнер, унинг ёрдамчиси капитан Глишановскийлар бошчилигидаги ҳарбий кучлар юборилади.

Қўзғолончилар билан Брянов бошчилигидаги ҳарбий кучлар биринчи бор 17 август куни кечқурун тўқнашади. Кутилмаганда қилинган ҳужумдан Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончилар ҳар томонга чекинишга мажбур бўладилар. Шундан сўнг Дарвишхон Наманган тоғлари томонида ўз атрофига 800 га яқин одам тўплашга эришади.

Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон тўғрисида Туркистон генерал-губернатори О.Розенбах Россия ҳарбий вазири П.С.Ванновскийга ёзган хатида «қўзғолон вилоятнинг турли жойларида бир вақтда бошланиши ва қўзғолончиларнинг ўғрилик ва талончилик қилмасдан, барча аҳолини бу ҳаракатга чақирилиши, бу ҳаракатнинг тўлиқ маънода амал-

[1] *Тиллабоев С.* Мустамлакачиларга қарши Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон. "Ўзбекистон тарихи", Т.: 2002, 1-сон. 12–13-бетлар.

даги ҳукуматга қарши қаратилганлигини кўрсатади... улар ёмон қуролланган, оз сонли бўлишларига қарамасдан жиддий тартибсизликларни келтириб чиқаришлари.., айниқса, солиқлар тўланишига салбий таъсир кўрсатади»[1].

Чоризм маъмурлари куч билан қўзғолонни шафқатсизларча бостирдилар. Қўзғолончилардан шунчалик даражада кўп қамоққа олиндики, ҳатто уларни қамаш учун жой масаласи муаммо бўлиб қолганди, қўзғолон раҳбарлари Дарвишхон 1886 йил 22 февралда Самарқанд вилоятининг Сутхона қишлоғи яқинида қўлга олинади, лекин у Жиззах яқинида қочиб, қутилиб кетади. Дарвишхон акаси Искандарнинг берган маълумотига кўра 1889 йили Афғонистонда вафот этган. Унинг бошчилигидаги қўзғолон гарчанд бостирилсада, бироқ у бундан кейинги миллий озодлик ҳаракатларига замин ҳозирлади.

1898 йилдаги Андижон қўзғолони. XIX аср охиридаги вазият ўлка афкор оммаси ўртасида ишонч-эътиқод рамзига, ёруғлик, адолат ва озодликка йўл кўрсатувчи умид маёғига зарурат туғдирди. Бу тарихий зарурат Муҳаммад Али Эшонни (1846–1898) сиёсий кураш саҳнасига чақирди. У Марғилон шаҳрига қарашли Шохидон қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида дунёга келган. Отаси уни болалигида Бухорога олиб кетиб, Усмонча охунд домла мактабига берган. Муҳаммад Али 16 ёшга тўлганида Самарқанд яқинидаги Каррух қишлоғида Мулла Усмон охунд судур эшон хизматига берилади. Тўрт йилдан сўнг бутун водийга танилган обрўли уламо Султонхон тўра эшон хизматига киради.

Муҳаммад Али ўзининг одамохун, камбағалпарварлиги ва кўнгли кенглиги ҳамда чуқур мулоҳазакорлиги билан устози эътиборини жалб қилади. У Аравон, Мингтепа орқали Асакага ёки Асакадан Мингтепа ва Аравон орқали Ўшга ўтадиган йўлда қатнайдиган карвон ва йўловчилар ташналигини қондириш учун хайрли ишга қўл уради. Ўқчи қишлоғига яқин адирликлар остидан оқиб ўтувчи Шаҳрихонсойдан мешларда сув ташиб, «оби худойи» деб устидан ўтувчи йўл четига кўмиб қўйилган хумларга қуяди.

[1] *Тиллабоев С.* Кўрсатилган адабиёт, 22-бет.

Агар ҳозир Асака – Марҳамат катта автомобиль йўли бўйлаб Шаҳрихонсой кўпригидан Ўқчи қишлоғи ҳудудига ўтишингиз билан ўнг томондаги баланд адирлик тепасига диққат қилиб қарасангиз, маҳаллий аҳоли тили билан айтганда «Йикчи уйи»ни кўришингиз мумкин. Адирликнинг энг юқори қисми ён тарафи қўл кучи ёрдамида ичкарига томон қазиб кирилиб, катта саҳн кўринишига келтирилган. У ердан ён-атроф кафтдагидек яққол кўриниб туради.

Муҳаммад Али эшоннинг нима сабабдан бу жойни макон тутгани кўпчиликни ўйлантириши табиий. Агар Эшон қўним топган жойдан бир неча юз метр Марҳамат томонга юрсангиз қадимий «Миришкор ота» қабристонига дуч келасиз. Шаҳрихонсойнинг 40–50 саржинлик баланд қурғоқ ерида яшаган Муҳаммад Али бу жойда боғ барпо этади. Дукчи Эшон ўз қўли билан ўтқазган тут дарахтлари ҳозир ҳам бор. Унинг меҳнати билан катта бўлган дарахтлар соясида сув тўла хумлар йўловчилар чанқоғини қондиради. Бу иш унга обрў келтириб, номини одамлар оғзига туширади. 1882 йилда Султонхон тўра эшон қазоси етса, ўрнига Муҳаммад Али пир бўлишини эълон қилгани бежиз эмас. Муҳаммад Али 1887–1893 йилларда Маккаю Мадинага бориб ҳаж қилади, Ҳиндистон ва Россия шаҳарларида бўлиб қайтади. Мухлислари Мингтепа қишлоғидан унга мос ҳовли-жой олиб беришади. Эшоннинг одамохун феъл-атвори, камтарона турмуш тарзи, бой ҳаётий тажрибаси ва кенг дунёқараши унинг мухлислари сонини тобора ошириб боради. У яшайдиган Мингтепа тезда кўплаб одамларнинг қутлуғ зиёратгоҳига айланади.

Ўша йилларда Мингтепа 450 хонадонлик қишлоқ бўлиб, унда 12000 га яқин ўзбек, тожик ва қирғизлар яшаган. Улар деҳқончилик ҳамда хунармандчилик билан шуғулланишган. Эшон ҳам барча қатори отасидан қолган ҳунар «йикчилик» (дукчи) билан машғул бўлган. Бекор вақтларида муридлари олиб келиб берган йик ёғочини қириб бир қанча йик қилиб муридларига бир-иккисини совға қилган. Муридлар бу йик билан ип қилсалар бири минг бўлганидек севинишган. Агар бу йик билан йигирилган ипдан тўн қилинган бўлса, табаррук қилиб, кўп қариялар тобутларининг устига ёпмоқ учун

олиб қўйишган. Замондошларининг ҳикоя қилишларича, Муҳаммад Али ўрта бўйли, чўққи соқолли, камгап, кулиб турувчи, овози майин бир киши бўлган. У ҳамма вақт бўз кўйлак ва иштон билан малла тўн кийиб юрган. Бошига кичик салла ва кулоҳ қўйиб, бўз маҳси-ковуш кийган. Муҳаммад Али зиёрат учун келганларга, ҳатто мурид ва мухлисларига ҳам ўзи дастурхон солган, нон-ош қўйган. 1890 йилларга келганда эшоннинг зиёратчилари ниҳоят кўпайиб кетган, муридлари унга 5000 от сиғадиган отхона қуриб беришади, хом-ғиштли 12 газли миноранинг 34 газга кўтариб ғиштдан ишлаб беришади.

Муҳаммад Али чекланган шариат ақидаларидан ўзгани тан олмайдиган руҳонийларга қарама-қарши ўлароқ давр талаб-эҳтиёжларини англаб етган пешқадам уламо бўлиб, ўз олдига аниқ мақсад қўйган эди. У ана шу мақсад йўлида барча воситаларни, ҳатто турли ҳийла ва кароматларни ишга солганки, натижада унинг муридлари сафига деҳқон-чорвадор, ҳунармандлардан ташқари мулкдор табақалар, ҳатто маҳаллий маъмурият вакиллари ҳам қўшилган. Эшон зиёратчилар кўз олдида ўт-оловсиз қозон қайнатган, бу ишни табиий девор ичида ўтказилган махсус қувурлар орқали келадиган иссиқлик бажарган. Бу ишларда муҳандисликдан ва Оврупо фан-техника ютуқларидан хабардорлиги, чет элларда бўлиб, кўп нарса ўрганганлиги ҳам қўл келган.

Эшоннинг обрў-эътибори қандай кўтарилиб кетганини «минора воқеаси» рўй-рост кўрсатди. Хом ғиштдан тикланган минора 34 газ кўтарилганидан сўнг бир қанча вақт ўтгач, у болалар ўқийдиган мактаб томон оғади. Буни кўрган ҳушёр одамлар минорани бузиб, қайта қуриш ҳақида гапиришганда жоҳил сўфилар «ҳазрат эшоннинг кароматлари билан бўлган нарса йиқилмайди, қиёматгача шу ҳолда туради», дейишади. Мактабни бошқа тарафга кўчиришга ҳам унашмайди. Миноранинг мактаб томон қулаши арафасида ҳам жоҳил сўфилар бу миноранинг хом ғишт устига қурилганини бир каромат, шунча ёрилиб, бир тарафга оғиб йиқилмаганини иккинчи каромат, деб ҳисоблашган. 1896 йилда минора қулаб, мактабнинг ярмини босиб қоли-

ши натижасида сўфи ва 23 бола ҳалок бўлади, 15 бола жароҳат олади. Аммо бу воқеани овоза қилмай дарҳол бости-бости қилишиб, ўлган болаларнинг ота-оналарини овутишади. Воқеани текширгани келган пристав ва шифокорнинг эшонга даъво қилмай «уч киши ўлганлиги» ҳақида ҳужжат расмийлаштириб кетишгани ҳам маъмуриятнинг Муҳаммад Али обрў-эътибори билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Буни ҳисобга олмаган Марғилон тумани полицмейстри эса доғда қолади. Полиция бошлиғи эшонга кучини кўрсатиб қўйиш мақсадида уни суд жавобгарлигига тортади ва намойишкорона таҳқир ила шаҳарга чақиради. Аммо Марғилондаги судда эшонга даъвогар хундор кишилар топилмай, суд уни оқлашга мажбур бўлади. Ушбу суд жараёни Муҳаммад Али муридларининг улкан намойиш ва жанговар кўригига айланиб кетади. Эшон тантана билан ўтган шаҳар кўчаларини тўлдирган минглаб муридлари уни зафар билан қутлашган. Мингтепа эшонининг тобора кучайиб бораётган обрў-эътибори ва ғоят кўтарилиб кетган мавқеи рус мустамлакачиларининг хавотирини оширади. Бунга уларнинг асослари бор эди. 1895 йилда эшон ҳузурига Олой маликаси номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додҳоҳ ташриф буюргани ва у билан русларга қарши кўтарилиш масаласини муҳокама қилгани мустамлакачиларни талвасага солади. Қурбонжон додҳоҳнинг ўғли Қамчибек рус божхонаси ходимини ўлдирганликда айбланиб қамалган ва унинг осиб ўлдирилганлиги сабаб бу мўътабар зотнинг подшо ҳокимиятига қарши ҳаракат бошлашига шубҳа қолдирмади. Қолаверса, норозилик русларга унинг қўл остидаги қирғизларда ҳам кучли эканлиги маълум эди. Кетмонтепа, Кўгарт тарафлардаги қирғизлар 1896 йили рус мужиклари устидан шикоят қилиб, Мингтепага вакил юборишди. Тахминан 25 киши Дукчи эшоннинг ҳузурига бориб, шундай дейишган: «агар бизга ижозат берсангиз, ҳамма қирғизлар йиғилиб, мужиклар устига ҳужум қилиб, ҳаммаларини от оёғида бостириб юборамиз. Шундай жонимиздан тўйдик. Биз қирғизларни ниҳоят бесаранжом қилдилар. Бу юрганимиздан ҳаммамизни ўлганимиз яхшироқдир. Ғазотга ижозат беринг». Эшон бунга жавобан

қуйидаги сўзларни айтган: «Биродарлар! Ҳали вақти эмас, андак фурсат бор, ҳамма бирдан ҳужум қиламиз, охири эл бу Николай зулми остида қолмайди, бир оз фурсат бор, таваққуф қилиб турингланр! Мен ўзим бош бўлиб ҳамма биродарларни, балки тамом шаҳар аҳлини ўзимизга ёр қилиб, кейин ишни бир йўла бошлаймиз».

1890–1897 йилларда Россия ички губерняларидан кўчиб келган ва яхши ерларни эгаллаб олган рус мужиклари билан қирғизлар ўртасида кескин тўқнашувлар кучаяди. 1897 йил охирида Кетмонтепа, Кўгарт туманларидаги мингдан ошиқ қирғизлар яқинда вафот этган бир бойнинг уйида тўпланишади. Уларнинг раҳбарлари – волост бошқарувчиси Чибил бўлис қози ноиби мулла Раҳматилла мужиклар устига ҳужум режасини ишлаб чиқишади. Улар эшон ҳузурига одам юбориб, ундан маслаҳат сўрайдилар. Муҳаммад Али тезда чорвадор бой Чибил бўлис бош бўлган қирғизлар масканига етиб келади. Қирғизлар ва эшон иштирокида кенгашда бўлғуси қўзғолон режаси муҳокама қилинади. Муҳаммад Алининг ғазоватга раҳбар бўлишига келишилади: «Шу кундан эътиборан, – дейилган эди уларнинг аҳдномасида – бутун миллати исломиятга махфий равиш билан хабар қиламиз, то эшонимиз тарафларидан қайси кун руслар устига ҳужум қилмоқни муносиб кўриб, хабар қилсалар, ўша кун ният ғазот билан тайин, жойда ҳозир бўламиз». Эшон шу маънода бир васиқа ва аҳднома ёздириб, унга мўътабар кишилар, волост бошқарувчилари –мингбошилар ҳамда қозилар муҳрларини қўядилар. Ана шу йиғинга етиб келган мустамлакачи маъмурлар йиғилганларни тергов қилишганда ҳеч ким сир бой бермай «катталари ўлгани учун худойи»га тўпланганларини айтишади ва Муҳаммад Алини эҳтиром билан Мингтепага кузатиб қўйишади. Мустамлакачи маъмурлар ислом динида бўлган Асака жабҳаси (участкаси) пристави штабс-капитан М. Чанишевнинг Муҳамад Али эшон хусусида Марғилон туман бошлиғига ёзган рапорти ва ахбороти билан танишгач, ташвишлари чиндан ҳам кучайиб кетди.

Мингтепада халқ орасидаги обрўси ва мавқеи баланд бўлган эшоннинг ана шундай вазиятда пайдо бўлиши рус

мустамлакачиларини безовта қилиши турган гап эди. Чунки эшон бутун ўлкада озодлик ҳаракатига бош бўлиши мумкинлиги уларнинг назаридан қочмаган.

Мингтепа эшонининг иши билан шахсан ярим подшонинг ўзи – генерал-губернатор шуғулланди ва Тошкент округ судининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси бошчилигида 12 кишилик комиссия ташкил қилди. Комиссия 1897 йил 12 майда вазиятни ўрганиш ва эшон ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида Мингтепага ташриф буюрди. Комиссия раҳбари бўлган терговчи билан Муҳаммад Али ўртасидаги савол-жавоб мустамлакачиларнинг нимадан хавфсираганлиги ва асл мақсадларидан далолат берибгина қолмай, эшоннинг дунёқараши, эътиқоди ҳамда кимларга суянгани ҳақида ҳам ёрқин тасаввур беради.

Мавзуга доир ҳужжат.

Дастлабки сўроқ

Терговчи – Подшоҳи аъзамга қарашли қайси мамлакатни кўргансиз?

Эшон – Ўз қишлоғимдан тортиб, то Севастопол, Одес, Қрим, Кафа, Ашхобод, Узунота, Тошкентларни кўрдим.

Т – Одес, Севастополларда подшоҳи аъзамнинг дабдабайи аскария ва шавкатларини нечук фаҳмладингиз?

Э – Ниҳоят зўр, катта, аскарлари кўп, обод.

Т – Бошқа подшоҳлар, масалан, инглиз ва афғон, буларнинг шавкатлари ва аскарлари қалай? Турк давлати нечук?

Э – Буларнинг шавкати ва аскарлари оқ подшоҳдек кўринмади. Турк ва афғон бўлса ниҳоят нообод, мулклари хароб, аскарлари Русиядек озода эмас экан.

Т – Мунча давлат ва иморатлар отангиздан қолганми ёки ўзингиз топгансизми? Эшон бўлмасдан аввал нечук эдингиз, ер-сувларингиз бор эдими?

Э – Отамдан бир кичик ҳовлича қолган эди. Бошқа давлат қолган эмас. Бу давлатни 26 йил ичида ҳаждан келганимдан сўнг аввали худойим етказди, иккинчидан подшоҳи аъзамнинг сояси давлатларида эшон бўлганимдан кейин топдим. Ҳали ҳам чандон давлатли эмасман, ҳамма нарса-

ларим худованди олам йўлида, бева-бечораларга ҳадя қилиб қўйганман. Шундай қилиб камбағаллар йиғилиб қолганлар. Шулар билан нима топсак, еб ётибмиз...

Т – Муридларингизнинг ҳаммаси камбағал одамларми ёки бой ва давлатлик одамларми, қайсилари кўп?

Э – Ҳар қайсиларидан ҳам бор. Бой ҳам бор, камбағал ҳам кўп: ҳаммалари бизга баробар биродарлардир...

Т – Сизга қайсилари яқин, бойларми ёки камбағалларми? Қайсисининг тарафдорисиз?

Э – Албатта, манга шу олдимда хизмат қилиб турган камбағаллар яхшидур...

Т – Подшоҳи аъзамнинг катталиги ва аскарининг кўплигини ўзингиз билганингиздек, буларга ҳам айтиб тушунтирасизми? Булар ҳам биладиларми?

Э – Албатта айтамиз, ҳаммалари биладилар.

Т – Императур аъзамнинг хонадонларини, номларини биласизми? Бу юрганлар ҳам биладиларми?

Э – Оқ подшоҳнинг исмларини одамлар Николай подшоҳ деб юритадилар. Шуни эшитамизки, булар ҳам «оқ подшоҳ» деб биладилар. Бироқ хонадонларининг номларини чандон билмаймиз.

Т – ...Ман приставга буюраман: подшоҳ билан хонадонларининг номларини тамом мусулмонча ёзиб беради. Ўзингиз ва муридларингиз ҳаммаларингиз билиб, ёд қилиб ҳар намозда дуо қилмоқларингиз керак. Бундан кейин ҳам шундай қилинглар! Ҳатто мактаб болаларигача билдиринг, ўқиб ёд қилсинлар! Ҳокимлардан бири сўраганда дарҳол айтиб берадурган бўлсинлар»[1].

Сўроқ бобида устаси фаранг ўта муҳим сиёсий ишларда пишиб кетган терговчи қанчалик усталик қилмасин зукко эшонни чалғита олмади, унинг муддаосини ва кўнглидаги пинҳон мақсадини англай олмади. Рус амалдори ва ўзбек уламоси ўртасидаги савол-жавоблар матнининг мазмуни икки томон ўртасида ўзаро ақлий-руҳий олишув бўлганидан далолат беради. Бу олишув эса эшон фойдасига ҳал бўлди. У терговчи нимага шама қилаётганини дарҳол илғади. Ундан

[1] *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси. Самарқанд – Тошкент. 1927, 17–19-бетлар.

нима исташганини ҳам тушуниб, шунга яраша жавоб қила олди. Эшон мустамлака амалдорининг салтанатпарастлиги, намойишкорона очиқ таҳдидини ҳам илғай олди. Комиссия аъзолари эшоннинг қуюқ зиёфатидан сўнг, унинг совға тўнларини кийишди, терговчи эса эшон хазиначиси усталик билан берган пулли конвертни олишдан ҳам тортинмади.

Мустамлака маъмурияти комиссия ҳисоботидан эшон ҳақида маълум тасаввур олди ва ўзига хос хулоса чиқарди. Элликдан ошган Мингтепа эшони жисмонан бақувват, руҳан бардам ва кўпни кўрган дипломатия бобида ўзига хос мактаб сабоғини ўтаган, мустаҳкам диний эътиқоди ҳушёрлик, мулоҳазакорлик ва тадбиркорлик билан уйғунлашган. Одамларга фавқулодда таъсир кўрсатиб, сафарбар этиш қобилияти кучлидир. Шарқ олами ва Оврупо дунёсини яхши билади. Ўз олдига улкан бир мақсад қўйгани табиий. Ўз ғоясини рўёбга чиқаришда нозик усулларни ишлатишга қодир. Табиатан мулкдор синфларга эмас, балки камбағалларга мойиллиги учун кўзлаган мақсади мавжуд тузумни таҳликага солиши мумкин. Рус амалдорлари кўнглини овлашга ва уларга совға-саломлар бериб туришга уриниши эшоннинг нимадандир хавфсирашидан далолатдир. Мингтепа эшонининг ҳукуматга мойиллиги ва унга сидқидилдан хизмат қилишининг аҳамияти беқиёс, лекин бу ҳол даргумондир. Аксинча, рус ҳукуматига қарши ҳаракатни кенг миқиёсда бошлашга қодир бўлган бу уламодан исталган вақтда кўққисдан зарба қилишини кутиш мумкин. Серташвиш Фарғона вилоятида Мингтепа эшонига доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш зарур[1].

Муҳаммад Али ҳам ўз навбатида комиссия тафтишидан тегишли хулоса чиқариб, мустамлакачилар билан хал қилувчи курашга тараддуд кўра бошлайди. Фарғона музофотидаги машҳур одамларни ўз маслагига эргаштириш мақсадида Муҳаммадалибой, Сомий ва Ҳолиқберди охундларга Ўшга Қурбонжон додхоҳ ва унинг болаларига,

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: *Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов.* «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Т. 2000, 358–359-бетлар.

Марғилонга Саид Аҳмадхўжа, Муҳаммад Юсуф эшонга, Наманганга – Яҳёхон тўра, Қодирхўжа ҳожи ҳамда бошқа тижорат аҳли ва уламоларга мактублар йўллайди. Улардан олинган жавоблар ўзбек буржуазияси вакилларининг қўзғолонига хайрихоҳ бўлсалар ҳам уни бошлашга журъатлари етмаётганлигидан дарак берди. Бу нарса, хусусан, андижонлик бойлардан халқ орасида Мамталибой номи билан машҳур бўлган Андижонда жомеъ масжидини қурдириб берган Маҳмудалининг жавобидан кўринади: «Рус подшоҳи катта подшоҳ, ҳозир бунга муқобил бўлмоқ ниҳоятда мушкул бир ишдир. Биздек фақирлар қўлидан келмай қолиб, охири кўп бесаранжомликларга боис бўлурмикин. Хусусан, бу кунларда ҳамма шаҳарларга поездлар келиб қолган, йўл яқин бўлган... Ниҳоят ўйлаб иш қилинса яхши бўладур. Ва илло, ҳеч мусулмон киши бу золимлар қўлида қолмоққа розилиги йўқдир. Шаҳарлар ўзбекларга тор бўлғондек, тоғлар қирғиз элатларга тор бўлди, балки Туркистон мусулмонларга торлик қилди.

Нима қилайлик, ноиложмиз, қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Етарли асбоб ва хазина йўқ. Ҳар нечик бўлса-да, ишнинг оқибатини ўйлаб, бева-бечораларнинг фикр қилмоқларини илтижо қиламиз, деб ёзилгувчи мискин ва ғариб Муҳаммадали»[1].

1897 йил 15 шаввал ойида Мингтепага чақирилганларнинг барчаси ҳам вақтида етиб келмадилар. Кетмонтепа, Кўгарт ва Қашқар довонидан келган кўплаб қирғизларнинг обрўли кишилари (Чибил бўлис, Муҳаммадалибек ва бошқалар) икки кун бошқа вакилларни кутишди. Шундан сўнг эшон бошқа шаҳарлардан келган жавоб хатларини танишиш учун уларга берди. Турли жойлардан ўзбек бойлари, савдогарлар ва уламолардан келган хатларда баъзилар белгиланган муддатда шай чиқишларини билдирса, кўпчилигида кутиш зарурлиги баён қилинган эди. Эшон эса хулоса сифатида қирғизларга «шаҳар халқи чор ҳукумати зулмидан қўрққанлари учун чиқмайдилар», деган. Йиғилиш қўзғолонни келаси йил тараддуд билан бошлашга қарор қилди.

[1] *Фозилбек Отабек ўғли*. Ўша асар. 25-бет.

Эшон қирғизларнинг ишга чиндан ҳам жиддий киришганликларини пайқади. Мустамлакачи маъмурлар Кетмонтепа, Кўгартдаги рус мужикларидан ташвишли хабарлар ола бошладилар. Аввалларидан уларнинг ерларида чорикор бўлиб ишловчи ижарачи ва бошқа хизматлардаги қирғизлар келмай қўйишгани, улар билан алоқа бирдан узилганидан хавотирлана бошлагани маълум қилинди. Мужиклар маъмурларни умумқирғизлар ичида инқилобий ҳаракат қўзғалгани ва яқин кунларда ҳукуматга қарши қўзғолон бўлиши мумкинлигидан огоҳ қилишди.

Маҳаллий бир гуруҳ мансабдор шахслар эшон тайёрлаган мурожатнома-қасамёдга ўз муҳрларини босишди. Бу мурожатномада, жумладан, шундай дейилган эди:

Мазкур қасамёдга маҳаллий амалдорлар ва обрў-эътиборли кишилардан ўн икки киши ўз муҳрини босган.

14 май куни кечқурун Муҳаммадали халфа уйида кенгаш бўлиб, унда Фарғона вилоятининг турли бўлисларидан келган кишилар қатнашди. Кенгашда эшон маълум қилган режага биноан водийдаги уч шаҳар – Андижон, Марғилон ва Ўшдаги ҳарбий лагерга бир кунда ҳужум қилиниши керак эди. Бу ҳужум муваффиқиятли тугаса, Қўқонни ҳам олиб, водийда хонлик тузуми тикланарди. Сўнгра мустамлакачиларни Самарқанд, Тошкент ва Чимкентдан ҳам ҳайдаб чиқариларди.

Орадан икки кун ўтгач, яна эшон хонадонида кенгаш бўлиб, унда мингга яқин одам қатнашди. Шу кенгашда, қўзғолоннинг қачон бошланишига ва эшоннинг ўн тўрт ёшли жияни Абдулазиз (Мусулмонқул) хон қилиб кўтарилажагига келишилди.

17 май куни шом намозида Тожик қишлоғидаги масжидга жуда кўп одам тўпланди. Намоз пайтида эшон халққа мурожаат қилди:

«Эй муҳтарам мусулмонлар! Эй биродарлар! Ҳаммангизга маълумдирки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, хон мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри вожиф эди. Ҳукуматни Аллоҳ таоло ўзи биладур, кофирларни мусаллат қилди, юртимизга ўрус келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон ўрнига Чернайуф

ўлтирди. Фарғона хонлиги ерида Москва хонлиги – оқ подшо ҳукмрон бўлди.

Ўрус ватанимизга истило этди. Сўнг тилимизга истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоққа бошлади, биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузулди. Ўриснинг келғонига ўттиз йил тўлмай, мусулмонлар рибога одатланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадиғон бўлди. Хулоса (шулки), шариатимиз хор, мусулмончилик ғариб бўлди. Ҳурриятимиз ғоиб бўлди, истиқлолимиз махф бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик. Эй воҳ.

Эй мусулмонлар, бунга сабаб ўзимиз бўлдик. Бу ҳолимизга Аллоҳ ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумиятга кимса рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй биродарлар тек тураверсак, бу кофир баттар қиладур. Вой бизнинг ҳолимизга.

Тарихда ўтган бир муаззам бир салтанат қурғон қаҳрамон паҳлавонлар, авлодимиз – бу зиллатга ҳеч қандай зиреҳ чидамас. Қани биздаги шижоат, қани аждодларимиздаги басолат, Сизларга нима бўлди?

...400 олимимиз бордур, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Муҳаммад. Ҳаммаси ҳанафий мазҳабдир. Бир исмда, бир мазхабда, бир қабристонда бу қадар олимларни тўплаган Туркистонни дини тақдимда, дин одамларни етиштиришда на даражада хизматлари сабқат этганлиги ўқувчилар диққатига арз ўриндур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмоғондир. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, бажодур, эй биродарлар, бизлар шундақ аждоднинг набираларимиз. Ўлук уйқусида ухлайсизми?! – деб ҳазрат эшоннинг сўзи бу жойга келғонда зори бошланди. Ҳозир турғонлар ҳўнг-ҳўнг йиғлаш билан эшоннинг амрига ошода эканликларини билдирдилар.

Бир пайт эшон ҳовлисининг дарвозаси очилиб, ундан оқ отни етаклаб чиқишди. Тўпланган одам олти юз нафарча эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам отлиқ эмасди. Шу боисдан отлиқлар пиёдаларни мингаштириб олишди. Қолганлар пиёда ёки араваларда йўлга тушишди. Қўзғолончилар сафи

йўл-йўлакай ортиб борди. Оламон икки байроқ остига уюшганди, биринчи байроққа Мулла Зиёвуддин Махсум бошчилик қилаётган эди. Кўк тўн кийиб, оқ салла ўраган отлиқ эшон эса энг олдинда девона болалар даврасида борарди[1].

Ўша воқеалар гувоҳининг ҳикоясига кўра, «Мингтепада қиёмат барпо бўлиб, ҳамма хотин-халаж, эркак кўчага чиқиб, «Эшон хон кўтарилди!» деб шойе қилдилар. Ҳуфтон вақти эди, бирдан ҳар ким қўлига тушган нарсани олиб, кимдир пичоқ, кимдир соп, кимдир тўппонча, қайсилари милтиқ, хуллас ҳар ким топган нарсасини олиб, тахминан олти юз чамаси бўлган киши шаҳарга қараб жўнаб қолдилар. Бу кечаси билан юриб, эрта саҳар Андижонга, Хакандага келдилар». Қўзғолон қатнашчиларидан Матмусанинг маълумотига кўра 17 май куни кечқурун Тожик қишлоғида «ғазовот, ғазовот», деган ҳайқириқлар янграб, узоқдан Муҳаммад Али бош бўлган қўзғолончилар кўринади. Илғор қисмга Мулла Аҳмад исмли қирғиз бош бўлиб, у телеграф симларини қирқишга буйруқ олади. Улар йўлда Асака миршабини учратиб, уни ўлдиришади. Мулла Зиёвиддин Махсум бош бўлган қўзғолончилар Кўнжи қишлоғига киришганда уларга яна 200 киши қўшилади. Қорақўрғон ва Ўқчидан ўтиб, Қўйлига яқинлашганларида мингбоши рус мирзаси Бичковнинг калласини эшонга тортиқ қилади. Эшон Ғойибназарга раҳмат айтади, лекин каллани қабул қилмайди. Қўзғолончилар Андижонга яқинлашганда уларга бой савдогар Алибой куроллантириб юборган 150 йигит қўшилади. Эшонга қўшилган Андижон йигитларига аввал русларда хизматкор бўлиб, кейин эшонга мурид бўлган Муҳаммад Зулун қўмондонлик қилган.

Воқеа гувоҳи Н. Веселловский ўз кундалигида, жумладан, мана буларни ёзган: «...Бир маҳал сартлар чекина бошлашди. Лекин байроқ атрофида бир тўдаси қимирламай турарди. Мулла кўк байроқ остида баланд овозда Қуръон ўқир, чекинишни истамас эди. Унинг ёнида баланд бўйли бир йигит байроқ кўтариб турарди. Шунда аскарлар отган ўқ муллани қулатди. Байроқдор унинг ўлигини қўлтиқлаб олди, аммо у ҳам ўлдирилди. Байроқни подпоручик Карсе-

[1] *Мусо Туркистоний.* Улуғ Туркистон фожиаси... 108–109-бетлар.

ладзе олди. Муҳаммад Али Андижон шаҳрига кираверишдаги адирда намоз ўқиш учун тўхтайди ва уч йигитни жарчи сифатида олдиндан шаҳарга юборади. Андижон эски шаҳри қоровули миршаблари «ғазот, ғазот!» дея ҳайқириб келган жангчиларни қаршилик кўрсатмай ўтказиб юборишади. Орқадан изма-из етиб келган 163 киши қоровуллардан бири йўлбошчилигида 20-Туркистон линия батальони казармасига бостириб киришади. Казарманинг пирамидаларида турган 30 яқин милтиқни ўлжа олиб, ухлаб ётган биринчи қатордаги солдатлар устига ташланишади. Уларни пичоқ, ханжар билан уриб, калтаклаб туришганда иккинчи қатор ичкарисидаги солдатлар уйғонишиб, дарҳол ёнларидаги милтиқларни оладилар. Чорак соатча давом этган отишмадан сўнг қўзғолончилар тўрт ўлган шерикларини ташлаб чекинадилар ва соат олтиларгача Эски шаҳарда туриб, кенгашадилар. Улар тайин қарорга кела олмай Қорабура тарафи билан орқага чекинадилар. Шаҳарга кирмаган қўзғолончилар эса «Афғон боғ» деган имтиҳон боғида рус тўрани ўлдириб, туғларини унинг қонига бўяшган эди.

Аскарлар сартларни найза ва қўндоқлар билан уришди. Улар эса ўз қуроллари ва бизнинг қуроллар билан ўзларини ҳимоя қилишади, аммо муваффақият қозонишмади. Тез вақт ичида уларни Дўнг қишлоғига ҳайдашди. Фақат патронлар ва отлар етишмаганлиги сартларни тўла қирилиб кетишдан сақлади. Жанг майдонида 15 сартнинг ўлиги қолди. Лекин кўп ўликлар ва ярадорларни улар ўзлари билан олиб кетишиб қишлоқларга яширишди»[1].

Шаҳардан чувалашиб чиққан қўзғолончиларни кўрган шаҳар аҳли ҳайрон бўлганча нима ҳодиса рўй берганлигини тушунмай қолади. Гувоҳлар эслашича «Эшон Янги шаҳардан қочганича ва Хаканга қараб келаётганда баъзи сўфилар отларини кўчага ташлаб, боғларга кириб беркиниб қолдилар. Эрта билан Хакан аҳли боғларида буларни кўриб, аҳволни билиб, қўрққанидан аскарларига эски тўнлар бериб, саллаларини кийдириб, мардикорларга ўхшатиб, ишлатиб қоладилар. Эски шаҳардан қочганлари Қорадарёдан кема билан ўтганча ҳар қайсилари ўз жонларини сақлаш фик-

[1] *Алиназар Эгамназаров*. Сиз билган Дукчи Эшон. Т. 1994, 47–58-бетлар.

рига тушиб, тўғри келган томонга қочадилар». Андижонда, айниқса, руслар яшайдиган Янги шаҳарда мустамлакачи амалдорлардан тортиб то оддий фуқарогача ваҳимага тушиб, уйларига беркинган ва мусулмонларнинг ялпи ҳужумини кутган. Ҳатто туманбоши полковник Коншевский ҳам кўчага чиқишдан қўрқиб, уйида беркиниб ётган. У олдига Эски шаҳар оқсоқоли Холботир Рўзадорбий ўғли мингбоши келгандагина воқеа тинч тугаганини билган. Гувоҳларнинг ёзишича, агар эшон Эски шаҳарда соат 8–10 ларгача турганда, халқ тўпланиб миллий муҳораба бошланар эди. «Чунки у вақтларда умумий халқ Русия ҳукуматининг зулмидан ниҳоят безор бўлиб, қўзғалишга ҳеч фурсат топа олмай юрар эди. Фуқаро мундин бехабар, соат саккиз эди, бозорлар ҳар кунгидек очилиб, ҳамма ўз тирикчилигига машғул бўлди. Соат 9 ларда шуҳрат бўлдики, Йикчи эшон шаҳарга ҳужум қилиб, тамом солдатларни ўлдириб чиқиб кетибдир, деб бу хабар тарқалғондан кейин Эски шаҳарнинг катта оқсоқоли Холботир мингбоши Рўзадор (бий) ўғли Эски шаҳар аҳволотини Янги шаҳарга хабар бермоқ учун отланиб, чиқиб кўрдики, Янги шаҳарда ҳеч ким йўқ».

Қўзғолоннинг биринчи кунидаёқ кучларнинг тарқоқлиги кўринди. Ҳамма бир вақтда кўтарилмади. Кетмонтепа ва Кўгартдаги қирғизлар сардори Чибил бўлис зудлик билан эшонга қўшилиш ўрнига «аввал шу жойдаги мужикларни саранжом қилиб, кейин борамиз», дея рус деҳқонлари посёлкаларига юриш қилди. Иноятхон эшон Марғилонга ҳужумни уюштиролмай асосий кучларини Муҳаммад Али қўшини билан бирлаштиришга қарор қилди. Умарбек додҳоҳ ҳам Ўшга юришни бажара олмай қолди. Чунки мингбоши Қорабек Ҳасанов Ўш тумани бошлиғи подполковник Зайцевни олдиндан огоҳлантирган эди.

Яна ғалати тасодифлар ҳам кўзга ташланди. Кимдир Андижон гарнизонига ҳужумни олдиндан билгандек Андижонда қўзғолон юз берган кунлари Туркистон ўлкаси Бош ҳокими генерал-лейтенант барон Вревский Санкт-Петербургга жўнаб кетган эди. Шу муносабат билан ўлка генерал-губернатори вазифасини вақтинча Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.И.Корольков

бажариб турган эди. Рус императори Николай II (1894–1917) га қўзғолон ҳақидаги хабарни айни ўша Н.И.Корольков етказган. Турк миллатини ўлгудек ёмон кўрган, ўтакетган жангари, шовинистлиги билан Санкт-Петербургда ҳам танилган Н.И.Корольков ҳарбий вазирлик Бош штабига телеграмма йўллайди. Унда шундай дейилган:

«Фарғона ҳарбий губернатори шуни маълум қиладики, кеча кечқурун Марғилон уездида эшон Муҳаммадали халфа ғазовот эълон қилди ва минг кишидан иборат шериклари билан Андижонга йўл олди. Қўзғолончилар телеграф симини узиб, бугун саҳарда 20-батальон лагерига ҳужум қилишди. Бу ҳужум чоғида аскарлардан 21 нафари ўлдирилди ва 10 нафари яралар қилинди. Қўзғолончилар гуруҳи тўқнашув жойида ўлган 11 нафар ва яралар бўлган 8 нафар одамларини қолдириб чекинишди. Фарғона ҳарбий губернатори Марғилонда Андижонга темир йўл орқали 20-батальон ротасини ва овчилар командирини юборди, ўзи эса 13 казак билан тупроқ йўлдан жўнаб кетди. Айрим хабарларга қараганда, биз томонимиздан қурбонлар янада кўпроқ ва Андижондаги рус аҳолиси бу ерда илгари ҳеч бўлмаган ҳодиса сабабли саросимага тушиб қолган. Мен қўшинларда, шаҳарларда эҳтиёт чоралари кўриш ва тартибсизликлар пайтида Фарғона вилоятининг барча қўшинларини ҳарбий губернаторга бўйсундириш, шунингдек, Оренбург полкини ўтлокдан қайтариш ҳақида кўрсатма бердим».

Ҳарбий вазир генерал-лейтенант Куропаткин бу телеграммани дарҳол оқ подшога олиб кирган ва қўзғолонни бостириш юзасидан белгиланган тадбирларни баён қилган. Подшо ҳазратлари бу тадбирларни маъқуллаган ва шу асосда Корольковга дарҳол кўрсатмалар берган. Туркистондаги ҳарбийларнинг янги тайинланган қўмондони Духовскийга ҳам телеграмма берилади. Унда шундай дейилган:

«Ҳарбий вазирлик Бош штаби Осиё қисми.

1898 йил 21 май, 25724 сон.

Туркистон Бош губернатори ва Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонига генерал-лейтенант Корольков 18 майда юборган, Сиз жаноб олийларига маълум бўлган шошилинч телеграмма асосида подшо ҳазратларига берил-

ган ахборотдан сўнг олий ҳазратлари 21 майда генерал-лейтенант Корольков кўрсатмаларини маъқуллаб, Сиз жаноби олийларига қуйидагиларни буюришимни амр қилдилар:

Сиз жаноби олийлари ҳозироқ хизмат жойига кетинг.

Генерал-лейтенат Корольков Фарғонага жўнаб кетсин ва рус қўшинларига ҳужум қилишга йўл қўйган шахсларни тергов қилсин. Маҳаллий аҳоли ва амалдорлар қай даражада айбдорлигини, қўшинлар ўзларини қандай тутганликларини аниқласин.

Фарғона ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Повало-Швийковский ва Андижон уезди бошлиғи эгаллаб турган вазифаларидан четлатилсинлар.

I Туркистон мунтазам бригадаси бошлиғи, генерал-майор Ионов Фарғонага юборилсин ва унинг зиммасига вилоятда жойлашган қўшинларга вақтинчалик қўмондонлик қилиш вазифаси юклатилсин, бизнинг лагеримизга ҳужум қилишда айбдор бўлганларни ушлашга ва мабодо янги гуруҳлар пайдо бўлгудек бўлса, уларга қарши курашга жалб этиладиган ҳарбий қисмларни ҳам бошқарсин.

Генерал Ионов ихтиёрига Самарқанддан Фарғонага 2-Урал казак полкининг икки сотняси шу полк командири полковник Жигалин раҳбарлигида жўнатилсин.

Помир ости таркиби мустаҳкамлансин.

Тоғларда ва вилоятларда ғалаён бўлгудек бўлса, тадбирлар белгилансин.

Тегишли раҳбар шахсларга кўрсатиб ўтилсинки, қўшинларимизга ҳужум қилишда айбдор бўлганлар намунали тарзда шафқатсизлик билан жазолансинлар, бунда Туркистон округи қўшинларининг вақтинчалик қўмондонлигига дала суди ҳукмларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

2–Каспийорти ўқчи бригадаси бошлиғи генерал-майор Чайковский вақтинчалик Фарғона ҳарбий губернатори лавозимини бажариш учун Марғилонга юборилсин. Самарқанд шаҳри уезди бошлиғи полковник Черняевский ва Тошкент шаҳар уезди бошлиғи подполковник Крилов унга ёрдамчи этиб тайинлансинлар.

Генерал Ионов ва Чайковскийга 600 сўмдан, полковник Черняевский ва подполковник Криловга 300 сўмдан,

Фарғонага жўнатилаётган икки сотня офицерлари ва полк командирларига ярим йиллик маоши ҳажмида йўл пули берилсин.

Олий ҳазратларининг юқорида баён қилинган амрларини Сиз Жаноб олийларига ижро учун маълум қиларканман, Сизга яна шуни етказиш шарафига муяссарманки, юқорида тайинланган шахсларга ва Урал полкининг икки сотнясига дарҳол жўнаб кетиш ҳақида кўрсатма берилди. Ҳарбий вазирлик бошқарувчиси генерал-лейтенант Куропаткин».

Аскарларининг ярмидан кўпроғи Андижондан бир неча чақирим наридаги ўт очиш майдонига олиб кетилган. Қолган аскарларнинг кўпчилиги эндигина сафга чақирилган ёш йигитлар бўлган. Ундан ҳам ғалати ҳол шуки, казармадаги пирамида милтиқдоннинг биринчи қаторидаги аскар милтиқлари жойида турган бўлса, иккинчи қатордагилари бошқа аскарлар қўлида шай турган. Худди шу иккинчи қатордагилар қўзғолончиларга тўсатдан ўт очишди.

Андижоннинг янги шаҳар қисмига келган қўзғолончиларга айтарли қаршилик қилмай, уларга йўл кўрсатган қоровулининг хатти-ҳаракати ҳам шубҳали эди. Ўша, 17 май куни Андижон гарнизонида отлиқ аскарларнинг йўқлиги ҳам таажжубланарлидир.

Марғилон гарнизонида эса ўша кечаси атайлаб солдатларнинг ухлаб қолмаслиги учун базм ташкил қилингани ҳам тасодифий бўлмаса керак. Қўзғолончилар эса гарнизондагилар уйқуда эмаслигини аниқлаб орқага қайтишган.

Андижон қўзғолонига оид 20 жилдлик тергов ва сўроқ-жавоб материаллари ҳамда кўплаб адабиётларда бир қанча жумбоқларга жавоб топа олмайсиз. Чунки чоризмнинг махфий хизмати девор орқасида туриб ошга оғу солишга моҳирлигидан ташқари, из йўқотишга қодирликда ҳам устаси фаранг эди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Алининг қўзғолонни атрофлича ва пухта тайёрланмай, ҳарбий илмдан бехабар, палапартиш қуролланган муридлари билан 1898 йил 17 майда чор истибдодига қарши курашга кўтарилгани рус мустамлакачилари учун айни муддао бўлди. Улар ҳайиққан шахс, ўлкадаги барча норози кучларга раҳбарлик қилиб, халқни

ўзига эргаштира оладиган сиёсий-диний арбоб ўзини ошкор қилган эди. Эндиликда уни ҳеч тап тортмай йўқотиш ва шу баҳонада мустамлака исканжасидан норозиларга даҳшат солиш, учун қатлиом уюштиришга зўр дастак топилган эди.

Россия императори штаб генерал-лейтенанти Корольковга Туркистон ҳарбий округида ёзги машқларни бекор қилиш, «овчи» команда қўшинларини Фарғонанинг турли туманларига юбориш, шаҳарлардаги ва темир йўллардаги барча руслар, келгинди мужикларни ёппасига қуроллантириш ҳамда ишонарли ерли амалдорларга махсус ёрлиқлар билан ов милтиқларини беришни тайинлади. Мусулмонлар қонига ташна Корольков зудлик билан ишга киришиб, 1898 йил 20 май куни «бўшанглик қилган» Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Повало Швейковскийни, туман ҳокимини, Асака участкаси пристави капитан Еникаевни лавозимидан четлатди. У ўзига маслакдош мустамлакачи жангариларидан генерал Чайковскийни Фарғона губернатори, генерал Ионовни Фарғона қўшинлари қўмондони қилиб тайинлаб, шафқатсиз чоралар кўришда чекланмаган ваколатлар берди.[1]

Хуллас, 1898 йилги Андижон қўзғолонида аҳолининг турли қатламлари қатнашган. Қўзғолон чор Россияси мустамлакачилигига, миллий зулм ва разолатга қарши кўтарилган халқ қўзғолони эди. Бу қўзғолон тасодифий эмас, балки қонуний тарзда юз берган буюк тарихий воқеадир. Унинг тарихий аҳамияти ғоят каттадир. У чор Россиясининг Туркистондаги мазлум халқларнинг миллий ва сиёсий онги ва кураш тажрибасининг ўсишида муҳим аҳамият касб этди. Қўзғолон ва унинг тарихи, аҳамияти миллий озодлик учун курашувчиларнинг янгидан-янги авлодини етишиб чиқишида муҳим ўрин тутди. Бу Андижон қўзғолони халқимизнинг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган кураши тарихида ўчмас из қолдирган буюк воқеалардан биридир. Ҳозирда Андижон шаҳридаги кўчалардан бирига «Дукчи Эшон» номи берилган.

Мустамлакачилар асосий диққатни Муҳаммад Али эшонни тутишга қаратишди. Улар эшонни ўзбекларнинг ўзи тутиб беришларини мақсад қилиб қўйишди. Ана шу

[1] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 323-варақ, 367–380-бетлар.

мақсадни амалга ошириш учун рус амалдорлари «Хоҳ мингбоши, хоҳ фуқаро бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин, эшонни тутиб келса, Андижон шаҳрига истарший оқсоқол қилинур», деб эълон қилишди. Фозилбек Отабек ўғлининг ёзишича, «рус аскарлари Мингтепага боргунча «Ким учраса, отиб ўлдириб, эшоннинг ҳовлисига етиб, дафъатан атрофни ўраб, тинтув қила бошладилар... Мингтепада уч соат отишма қилдилар. Бу уч соат ичида солдатлар ҳовлидан ҳовлига ўтиб, ким кўринса отиб ўлдирдилар. Муддат битганда, эшонга қарашли нимаики бўлса олиб, шаҳарга қайтдилар. Ашё жумласидан бир хос сандуқда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб таржима қилиб кўрсалар, тамомила ҳар кимдан борган дуойи саломлар экан. Дуойи саломлар кимдан бўлса, дарҳол шу одамларни тутмоққа амр қилинди. Шунинг учун Андижон шаҳридан кўп фуқаро қамалдилар»[1].

Бу вақтда Муҳаммад Алининг лашкари теварак-атрофга ҳар ёққа тарқалиб, ўзи озчилик муридлари билан тоғларда яшириниб юрган эди. Эшон узоқдан қандай қилиб чиқишни билмай гангиб қолган эди. Муридлари ҳам саросимада эдилар. Чунки улар кутган воқеа юз бермади, қолаверса, қўлларидаги дарралар эшоннинг дуоси билан милтиқларга айланмади, белбоғлари эса ўқ ўтмас совут бўлмади. Унга эришган кишилар эса рус аскарларининг найзалари, ўқ ва тўплари ҳамда казак шамширларидан нобуд бўлишди. Охир-оқибат, Муҳаммад Али паришон ҳолда ёнида қолган содиқ уч мурид билан Арслонбоб яқинидаги Тошкўприкда пистирмага дуч келди. Рус мустамлакачилари ваъда қилган амал учун миллатфурушлардан Қўқонқишлоқ мингбошиси Қодирқул ва бозор саркори Матяъқуб қўрбоши эшонни тутиш учун тор йўлни тўсиб туришган эди. Орқаларида эса штабс-капитан Оғабеков бошчилигидаги рус аскарлари шай туришганди. Матяъқуб қўрбоши эшонни таниб, унинг олдига чопиб чиқдида, таъзим билан «Эй, тақсир, мен сизни кутиб турибман, ёрдам бермоқ учун», дея риёрлик билан отдан тушди ва унга яқинлашди. Миллатдошидан ҳеч ёмонлик кутмаган эшон очиқ кўнгил билан қўлидаги тўппончасини тушириб, отни тўхтатди. Матяъқуб билан

[1] Фозилбек Отабек ўғли. Ўша асар, 31-бет.

қучоқлашиб йиғлаб кўришди. Оғир дамларда ёрдамини аямаган одамга меҳри тошиб дили тўлиб йиғлади. Матяъқуб бўлса эшонни кўтариб ерга босди ва шерикларини чақирди. Қодирқул мингбоши рус аскарлари билан бирга эшон ва унинг шерикларини боғлашди. У Муҳаммад Алига «Хотин талоқ! Ҳаммани хонавайрон қилдинг-ку!», – деди. Бундай хиёнат ва ҳақоратларни ўз миллатдошларидан сира кутмаган эшон дили вайрон бўлиб, уларни лаънатлади: «Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин! Бизни русга тутиб берган қўлларинг билан ўзингни уриб, сўккан оғзинг билан ўзингни тишлаб ўлгин!»

Миллат сотқинлари мустамлакчиларнинг сийловларига учиб, қўзғолон раҳбарини шу тариқа рус жаллодларига тутиб бердилар. Қодирқул Андижон Эски шаҳарига оқсоқол, Матяъқуб қўрбоши эса Қўқонқишлоққа мингбоши қилиб тайинлади. Босар-тўсарини билмай мустамлакачиларга астойдил хизмат қилишди, аммо лаганбардорликлари ҳам, ҳушомадгўйликлари ҳам иш бермай, охир-оқибат жазосини топдилар. Хиёнат билан берилган амал вафо қилмади. Қодирқул орадан кўп ўтмай бир арман бойини ургани учун судга берилиб, мансабидан бекор қилинди. У Қўқонқишлоққа қайтиб амал ҳасратидан касал бўлиб қолди. Қодирқул охири ақлдан озди ва ўзини-ўзи пичоқлаб ўлдирди. Матяъқуб ҳам беш ойдан кейин шундай ўлимга дучор бўлди. Топгани шу бўлдики, ҳарбий вазирнинг буйруғи билан унинг оиласига беш йил муддат билан ойига 50 рубл-дан нафақа тайинланди[1].

Мустамлакачилар қўл-оёғи кишанланган Муҳаммад Алини аравага солиб эски шаҳардан олиб ўтдилар. Ҳамма эшонни кўришга чиқсин, деган фармонга қарамай деярли ҳеч ким кўчага чиқмади. «Таажжуб шундаки, – дея эслашади гувоҳлар, – ҳоким ва тўралар эшондан бир оғиз ҳам маълумот ва саволларига жавоб ололмадилар. Ҳарчанд сиёсат қилдилар ва гап сўрадилар, «эшон ҳеч кимни кўрсатмади, мустабид терговчиларни доғи ҳасратга қўйдилар».

[1] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 3-рўйхат, 488-иш, 5-19-варақлар; Р.Шамсутдинов. Дукчи Эшон воқеасидан сўнг. «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 1-сон.

Қўзғолон раҳбарининг қўлга олиниши бутун ўлкага ёйилиб кетган кенг халқ ҳаракатини тўхтата олмади. Янги тайинланган генерал-губернатор С.М.Духовской (1898–1901) ҳарбий вазир генерал Куропаткинга юборган рапортида ана шу фактни тан олади. «Бу гарчанд Фарғонада кўтарилган бўлса ҳам, – деб ёзган эди Духовской, – уни мутлақ маҳаллий ҳодиса ёки қандайдир синфнинг иши деб бўлмайди. Фарғонанинг барча аҳолиси ва ўлканинг ўзга ҳудудларида ҳам ғазовотга хайрихоҳлик билдирганлар кўп. Фарғонадаги ғалаён дастлабки тахминларда кўзда тутилган район доирасидан анча кенг ташқарига ёйилиб кетди дейишга тўла асос бор»[1].

1898 йил 19 майда Яккатутда қуролланган деҳқонлар жазо отрядига қаршилик кўрсатган. Наманган туманида қирғиз қўзғолончилари руслар билан тўқнашган. Бу «шайка»га қарши казаклар жанг қилишган. Қўқон туманида телеграф устуни қирқилиб, темир йўл излари қўпорилиб ташланган. Бир неча юз ўзбеклар худди шу туманда Бешариқ бўйлаб темир йўл минтақаси орқали сафар уюштириб, маъмурият кучларига ҳужум қилганлар. 7 июнда Кўгарт волостидаги қирғизлар жазо отрядига ҳужум қилишга уринишган. 9 июнда эса Андижон туманидаги Сусамир волостидаги аҳоли бош кўтарган.

Жазо гуруҳларининг халққа кўрсатаётган ваҳшийлиги меҳнаткаш халқнинг ғазабини қўзғатиб, янгидан-янги исёнларга сабаб бўлди.

Муҳаммад Али қамалганидан кейин рус аскарлар ҳар куни «эшонга қарашли ёрдамчилар» деб, ўзбек, қирғиз, қипчоқ, қорақалпоқларни тутиб ўлдирдилар. Мустамлакачилар бош оқсоқолга шундай кўрсатма берганлар: «Эски шаҳарни эҳтиёт билан сақлаб турасан! Эшонга бордикелди қилғон одамлар бўлса, ҳаммасини суриштириб тутиб берасан! Умуман фуқароларни қайси хил сиёсат билан бўлса-бўлсин, Русия подшоҳига тобеъ ва мутеъ қиласан! Русия амалдорлари эски шаҳарга тушсалар, ҳаммалари

[1] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 307-варақ.

дўконларининг олдиға тушиб қатор бўлуб, энгашиб салом қилиб турсинлар. Муллалар ва мударрислар бўлса шогирдларига Йикчи эшондан шикоят қилиб, уни ёмонлаб турсунлар! Ва мактабдорлар бўлса, майда болаларга «Эшон осий бўлди», деган гапларни ўргатсунлар! Аълам, муфтилар бўлса, «Йикчи эшоннинг осий, боқий бўлғони учун тезда ўлум жазосиға мустаҳиқ бўлмоғи шариатда ҳам дуруст», деб фатво берсунлар. Адиб ва шоирлар Йикчи эшоннинг қилғон тамом ёмонлиғи ва ҳийлаларини шеър (байт) қилиб газитга юборсунлар! Агар ҳар ким бу хусусда қилғон сиёсат жабриндан арз қилса, биз у аризачининг ўзига жазо берамиз»[1].

Қодиркул мингбоши бу кўрсатмани бажариш борасида шундай зулм қилган эдики, замондошларидан бири бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Биров энгашиб салом қилмаса, тутиб тўхтатиб бу кишини чақирди. Бундан ўрганиб рус амалдорлари ҳам халқни «рукуъ» билан салом ва «сажда» қилдирадиган бўлдилар. Бечора халқ шапкалик кишининг соясини кўрса ҳам ўрнидан туриб сажда қилишга одатланиб қолди». Мустамлакачилар қатлиомни кучайтириб, одамларни даҳшатга солиш мақсадида ҳеч қандай суд-терговсиз дорга осишни одат қилдилар. Гувоҳлардан бири шундай манзарани тасвирлайди: «Бизларни бозордан ва маҳалладан катта оқсоқол фармойиши билан миршаблар ҳайдаб, тахминан 500 кишини янги шаҳар девори тагига олиб бориб эди; қарасак, адир тарафга 8 та дор қилиб, арғамчиларни тортиб, тайёр қилиб қўйғон экан. Бу ҳолда турмага 50 га яқин солдатлар ўлан (ашула) айтиб кириб, 5 та мусулмонни ҳайдаб чиқди. Бечораларнинг ранги-рўйига асло қараб бўлмайди. Бечораларнинг ихтиёри ўзида эмас, сўзламоққа мажоллари ҳам йўқ эди. Қамалганларига анча кун бўлғон бўлса, овқат емаганлари ҳам маълум эди. Дарҳол 5 та хом сурупдан тикилган халта олиб келдилар. Бир мутакаббир «тўра» қўлига ярим тахта қоғозни олиб ниҳоят қовоғини солиб ўқиди: «Сизларнинг подшоҳ аъзам, императури муаззам аскарлари борасида қилғон ҳамла, ҳужумларингизга ва бу исёнга сабаб бўлғон Муҳаммад Али эшоннинг императури аъзам-

[1] *Фозилбек Отабек ўғли.* Дукчи Эшон воқеаси, 37-бет.

нинг улуғ сиёсатидан қўрқмай қилғон феълига шерик бўлиб ёрдамда бўлғонларингиз сабаб бўлди. Сизларнинг бешовларингизни ҳарбий суд осиб ўлдирмоққа ҳукм қилди», деган ҳамоно солдатлар бирдан қиличларини суғуриб, пешоналарига тутиб, ярим соатга яқин ноғораларини чалиб турдилар... губернатор фуқароларга қараб: «Бу кўрилган сиёсатни кўрмаганларга баён қилинглар, ҳар ким исён қилса, мундан баттар бўладилар»[1], – деб мурожаат қилди.

Чор мустамлакачи маъмурлари 1898 йилдаги Андижон қўзғолони муносабати билан ўлка мусулмон халқларини мусулмончиликни беш фарзларидан бўлмиш Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварани зиёрат қилишларини ман қилишгача етиб бордилар. Подшонинг 1903 йилдаги фармони билан Туркистон ўлкаси мусулмонларининг ҳаж амалларини бажариб келиш ман қилинди. Лекин орадан 5–6 йил ўтиб, бу фармон бекор қилиниб, яна мусулмонлар ҳаж зиёратига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Бундай қатағон эрксевар Фарғона йигитларининг шаштини қайтармади. Мутеъ бўлиб, русларга бош эгишни истамаганлар тоғу тошларга чиқиб, курашни давом эттирдилар. Сибирь ҳарбий округи штаби бошлиғи генерал-майор Зарубаев 1898 йил 28 июнда ҳарбий вазирга юборган мактубида Жаркент туманида халқ кўтарилгани, ғазовотга барча Илиорти волост бошқарувчилари ҳам қўшилиб кетганини ёзиб, аҳолида жуда кўп миқдорда қурол, ўқ-дори пайдо бўлганидан ташвишланади. Уларга қарши казак полки қисми юборилганини маълум қилади. Фарғонанинг шимолида эса эшоннинг сафдошлари Чибил бўлис ва Шодибек ҳаракатни давом эттиришган. Прижевальск туманбошиси Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғига йўллаган телеграммасида Еттисув вилояти чегараси яқинида Андижон туманининг ўтиб бўлмас тоғларида мингга яқин қўзғолончи яширинганини, 200–300 кишилик гуруҳларга бўлинганини ва уларни ерлилар озиқ-овқат билан яширинча таъминлаб турганини, Пишкент, Сусамир, Тўқмоқ ва бошқа ерларда ғалаёнлар давом этаётганини хабар қилгани тасодифий

[1] *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 35-бет.

эмас, албатта. Сусамир волостида Шодибек бошчилигидаги ерлилар ғазовот қилишгани ҳақида 5 июль куни мингбоши Андижон туманбошисига хабар қилган.

Генерал-губернатор ҳарбий вазирга йўллаган ахборотида «Сўнгги ғалаёнларда» Марғилон, Андижон туманларидаги ерлилар фаоллиги ҳақида ёзиб, Андижон, Марғилон ва Ўш шаҳарлари»энг ашаддий» ғазовотчиларни етказиб бергани ва Мингтепа, Қўнжи, Асака, Қоратепа, Новкат, Қува, Шаҳрихон, Аравон, Яккатут, Ичкилик, Ёзёвон, Оқбўри, Булоқбоши, Кўгарт, Сусамир, Кенгкўл, Қорақир каби волостлар қўзғолончилар уясига айланиб қолганлигини хабар қилади[1]. Бу ерлардаги йигитлар қўзғолон раҳбарлари қамалиб қатл этилган бўлса ҳам, тарқоқ ҳолда гуруҳларга бўлиниб, курашни давом эттиришган.

Жазо экспедицияси бошлиғи генерал Корольков ўз ҳисоботида Муҳаммад Алидан кейин қўзғолоннинг энг йирик етакчилари сифатида қуйидаги 14 кишининг исм-шарифларини келтирган: мулла Аҳмад ноиб, Ҳайитбой тўқсабо, мулла Қосим Амин Араббой ўғли, Орзиқулбой понсод, Муҳаммад Иброҳим тўқсабо, мулла Ғойибназар Ортиқ сўфи ўғли, Алибек додҳоҳ, Ғойиб ҳожи Муҳаммад Мурод ўғли, Умарбек додҳо, Отақул понсод, Рустамбек, Маллабой, Ҳидоятхон[2].

Корольков 1898 йил 3 июнь куни эшоннинг жияни, Қўқон хони тахтига мўлжалланган 14 ёшли Абдулазиз ҳам қўлга олиниб, Андижон турмасига солинганини хабар қилади.

Мустамлакачилар қўзғолон раҳбарларининг қийноқ-азобларга мардона чидаганидан ғазабланганликларини яширмаганлар. Улар Муҳаммад Алидан шундай қўрққан эдиларки, у ҳатто қўлга олиниб ҳибсга олинганида ҳам шу одам эшон эканлигига ишонмай уни танийдиган одамларни зўрлаб келтириб, қасам остида махбуснинг ким эканлигини тасдиқлашни сўрашган. Шунда гувоҳлардан бири Мирзо Маъсуд хотираси диққатга сазовор: «Бизларни 5 та тўралар

[1] Қўшинлар қўмондони С.М.Духовскойнинг 1898 йил 5 августда юборган 6980-сонли рапортидан.

[2] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 329-333-варақлар.

бирга бошлаб турмага олиб бориб эди, қарасак, турмада қадам босарлик жой йўқ, ҳавонинг ниҳоятда иссиқлигидан турманинг ичи дўзах бўлуб кетибдур. Бош-оёқларида занжир бор. Қочмоқ у ёқда турсун, турарға мажоли йўқларнинг оёқларига занжир солибдирлар, буларнинг ичидан оралаб ўтиб, бир хонага кирган эдик, Йикчи эшон билан уч киши ўлтирибдирлар. Ҳаммалари банди, занжир солинғон. Хусусан, эшонни ниҳоятда маҳкам боғлабдирлар. Оёқ-бўйни, қўли боғлиқдир. Бошида салласи бор, устида малла эски тўни бор, ерга қараб ўлтирибдир. Салом қилиб кириб эдик, ёнимда турғон мингбоши салом қилма, деганидек ишорат қилиб, нуқуб қўйди. Кейин тўралар кириб: «Чўрт эшон!» деди. Бизларга қараб: «Эшон шуми?» деб савол қилиб эди, бизлар «шу», дедик. «Яна тузук кўринглар, ғалат қилманглар, рост айтинглар», деб сиёсат қилиб эди, бизлар қўрқиб: «Эшон шу, бошқа эмас», деганимизда «Қайси бири, қўлинг билан ушлаб кўрсат!» деди. Ҳаммамиз бир-бир ишорат билан кўрсатдик. Кейин, «яхши», деб чиқиб кетдилар. Эшон асло бизга қарамади»[1].

Фарғона вилояти губернатори ҳарбий суд билан бирга эшонни Андижон тумани бошлиғи маҳкамасига олиб келиб тергов қилганида қатнашган мирзабоши мулла Исмоилнинг ҳикояси ҳам диққатига лойиқ: «Уезд (туман) маҳкамасининг адабий таржимони Эшмуҳаммад тўра Тошмуҳаммедов деганини чақириб, ҳарбий суд раиси буюрди: «Эшонга айтинг, бўлғон ҳодисани сўзлаб берсун, кимлар эшонни шу ёмон ҳаракатга далолат ва тарғиб қилди?» Эшон ўзим қилдим, деб жавоб берди.

Раис: сен билан кимлар бирга эди амалдор, мингбоши ёки юрт боши катталаридан ҳам иштирок қилдиларми?

Эшон: Йўқ.

Раис: Оқподшоҳ ва унинг амалдор, ҳоким, пристуфларини дўст тутар эдингми, ёки душман тутар эдингми?

Эшон: Кўгарт тарафидаги мужиклар бечора фуқарони кўб хор қилиб, уруб, ер-сувларини тортиб олғонлари учун хафа бўлуб, душман тутар эдим.

[1] *Фозилбек Отабек ўғли.* Дукчи Эшон воқеаси, 42-бет.

Раис: Мужикларнинг зулм қилғонини ўзинг кўрганмисан ёки одамлар келиб айтдими?

Эшон сукут қилиб жавоб бермади. Раиснинг атрофида элликка яқин солдатлар турғон эди. Уларга қараб: «Ур!» деб буюрди. Тўрттаси югуриб келиб қўлидаги милтиқнинг қўндоғи билан 20–30 ни солдилар. Эшон ўлтирғон курсидан йиқилди. Яна турғизиб қўйиб: «Сўзла, мужикларнинг зулмини санга ким хабар қилғон!» деб савол қилғонда, эшон:

– Алҳамдуллилло, алҳамдуллилло! – деб қўйди.

Суд раиси «Нима дейдир?» деб таржимондан савол қилғонида Томатуф, худога шукр қиладир, деди. Суд раиси яна икки солдатга калтаклардан олиб кел, деб буюрди. Солдат югуриб чиқиб, бир қучоқ калтак олиб келди. Эшонни ётқизиб калтакладилар. Эшон ҳеч овоз чиқармай беҳуш бўлиб қолғондан кейин судраб, ташқарига олиб аравага кўтариб ташладилар»[1].

Эшоннинг сўроғида жазо экспедициясининг бошлиғи Корольков ҳам бевосита иштирок этди. У Муҳаммад Алидан қўзғолон сабабини сўраб-суриштирганда эшон шундай деган: «Руслар бизга яхши қарашади. Мусулмонлар бойиб кетмоқда, аммо бу бизга қимматга тушмоқда, мусулмонлар руҳидан путур кетмоқда. Вужуд яйраса-да, руҳ ўлмоқда. Самовотнинг ўзи мени ҳаракатга ундади, мусулмонларни Муҳаммад алайҳиссалом подшоҳлиги ва унинг қонунларини ҳалокатга етакловчи шундай хоинона фаровонликдан халос этиш учун курашга қўзғатди». Корольков эса бундай қўзғолонни «мусулмонларнинг насронийлар билан асрий курашининг оқибати», деб баҳолади. Мустамлакачилар ўша 1896 йилда Туркиянинг Греция устидан қозонган ғалабасини кутаётган мусулмон оламидан ўзига хос диний интиқом олиш учун ҳам Андижон қўзғолони баҳонасида даҳшатли қатағон уюштирдилар. Эшон ва унинг яқин маслакдошларини қатл этиш маросими бу интиқомдан биринчи кўриниш бўлди.

Рус маъмурлари Муҳаммад Али сиймосида фақат қўзғолон раҳбаринигина эмас, балки дини ислом уламосини ҳам кўрардилар. Мустамлакачилар унинг мол-мулкини

[1] *Фозилбек Отабек ўғли.* Дукчи Эшон воқеаси, 44, 45-бетлар.

мусодара қилишганда 300 дан ортиқ нодир Шарқ қўлёзма китоблари қатори Муҳаммад Али қаламига мансуб «Ибрат ул-ғофилин» («Ғофиллар учун ибрат») асарини ҳам кўришган эди. Рус амалдорлари унинг сиймосида Туркистон ўлкасининг руслаштириш сиёсатининг ашаддий мухолифи намоёнлигини ҳам ҳис этишган. Ана шу мақсадда рус зобитлари ва генераллари эшонни руҳан ҳамда жисмонан маҳв этиш жарёни жуда таъсирчан бўлиши учун барча воситаларни ишга солишди.

1898 йил 12 июнда бу қонли фожиа минглаб фуқаро кўз ўнгида рўй бердики, унда қатнашганлар ўз хотираларида ўша кун тафсилотларини тўла тасвирлаганлар. Мустамлакачилар Андижоннинг Эски шаҳар аҳолисини, барча каттакичикни Янги шаҳардаги Тупроққўрғон олдида эрталаб соат саккизда ҳозир бўлишларини буюрдилар. Мактаб болаларининг ҳам қатнашуви мажбурий эканлигини уқтириб алоҳида буйруқ эълон қилишди. «Ёш болалар, – деган эди губернатор Чайковский, – катта одамлардан кейин қоладурғон одамлар бўладирғони учун узун умр кўриб, кўп йиллар Россия подшосининг сиёсатини айтиб юрадилар». Ана шундай болалардан бири Фозилбек Отабек ўғли[1] 1927 йилда нашр қилган «Дукчи Эшон воқеаси» китобида шундай ёзилган: «Янги шаҳарда тахминан 8000 киши бўлса, 2000 майда мактаб болаларини олиб чиқиб, Тупроққўрғон олдида, адирнинг тагига қон иси келадирган ва тикиб, созлаб қўйилғон дорларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйдилар. Ҳоким чиқиб, фуқаронинг кўплигини кўриб, катта оқсоқолга «раҳмат» деб, ёш болаларни ҳам дорнинг бир тарафига қатор қилиб қўймоққа буюрди. Бир тарафдан жой бўшатиб турган бир киши: «Ёш болалар қўрқармиэкан? Одамлар орқасига қўйсак қалай бўлар экан?» – деди. «Қўрққани яхшироқ. Эсидан чиқмайдир. Дорга яқин қўюлсун», – деб буюрубдир. Мингбоши келиб, дорнинг қибла тарафидан одамларни ҳайдаб юбориб, ҳамма мактаб болаларини қатор қилиб

[1] *Фозилбек Отабек ўғли*. Андижоннинг «Девонабой» даҳасида туғилган, русча, мусулмонча маълумотга эга бўлган, араб ва форс тилларини билган журналист сифатида яхши танилган, жадидчилик, истиқлолчилик курашида фаол қатнашган. 1938 йили қатағон қилинган.

қўйди. Бир вақт, соат ўнга яқин эдики, бир тўп, занжир билан қўл-оёғи боғланган олти кишини ўртага олиб, ўлан айтишиб келди ва дор тагига келтириб қатор-қатор қилди. Буларнинг олдига тўрт ноғора осган солдатларни қўйди. Уларнинг ичида эшонни икки солдат етаклаб, йиғиннинг атрофини айлантириб, «эшон шу одами?» деб сўраб юрди... Халқдан овоз билан: «Албатта ҳаммаларинг биласизлар, бовужуд айтмайсизлар, исён қилмоқни ҳам сизлар билгансизлар. Шуни айтмай хиёнат қилиб, шунча қаҳрамон аскарларнинг нобуд бўлмоғига сабаб бўлдингизлар. Агарда ҳеч ким танимаса, шу йиғиндаги бутун халқни пулемётга тутамиз. Бирор жон қолмайдур», деб сиёсат қилиб эди, ҳар тарафдан одамлар ўзини кўрсатмай туриб, «шу киши эшон!» деб қичқиришдилар... Золим тўдалар бундай ўз сиёсатлари ҳадду камолига етганини билиб, бир-бирига қараб кулар эдилар». Шу вақт эдики, йиғин ташқарисидан вой-войлаб, дод-фарёд бўлиб кетди. Қарасак осиладирғон одамларнинг бола-чақалари, хотин-қиз, ўшоқболалари экан. Хотинлар «Тул бўлдик!» деб, болалари бўлса «Етим бўлдик!» деб фарёд қилар эдилар. Бу ҳолни кўрган халқнинг кўнгли яна бузилиб, хоинлардан қўрқиб ўзларини йиғидан тўхтатар эдилар»[1]. Чунки халқ ўзининг буюк фарзандидан жудо бўлаётганини, мусулмон олами ўзининг етук алломаларидан бирини йўқотаётганини сезаётган эди. Бу воқеа рус мустамлакачиларининг Муҳаммад Алидан қандай қўрққанини ҳам кўрсатади. Улар дор тагида турган маҳбусларнинг халққа айтадиган сўзларидан ҳам қўрқиб ноғора билан товушларини бўғишга уринишган. Рус амалдорлари ўлим олдидаги инсоннинг охирги илтимоси бажарилиши шартлиги ҳақидаги умуминсоний, халқаро қонун-қоидани ҳам поймол қилишди.

«Эшонни дорнинг тагига олиб келиб, оёғидаги темир кишанни очамиз деб уриндилар, – ёзади Фозилбек Отабек ўғли, – иложи бўлмади шекилли, болға билан уруб синдиришди... Қози биринчи эшонга, иккинчи Чибил[2] бўлисга ва

[1] *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 49, 50-бетлар.

[2] Сўнгги тадқиқотларга кўра Кўгарт бўлиси бошлиғи Чибил Абдуллабиев осиб ўлдирилмаган, бир умрлик каторгага ҳукм қилинган. Қаранг: Алиназар

бошқаларига бир-бир иймон ўқутди... Чибил бўлис ўзини ростлаб, дадиллик ва баланд овоз билан: «О мусулмонлар! Гувоҳ бўлинглар, мен ноҳақ кетаётибман, манга бу ҳокимлар зулм қилдилар...» деб сўзлаб туриб эди, ҳоким келиб: «Бас, бас!» деди. Унга қулоқ солмай яна сўзлаб туруб эди, икки солдат келиб милтиқнинг қўндоғи билан 4–5 марта урди, шундан кейин индамай қолди. Бу ҳолда бири келиб дорнинг арғамчиларини тушуриб, сиртмоқларини очиб, тузатиб қўйди. Кейин икки солдат ерда турган халталар ичида нима ҳолга тушгани бизга маълум эмас... буларни судраб, дор тагига келтириб, унинг остига қўйилган икки поғаналик курсига «чиқ, чиқ», деб эшонни чиқарди. Шу ҳолда кафан ичида бир ўзи қадам қўйиб чиқди ва баланд овоз билан: «Эй мусулмон биродарлар! Гувоҳ бўлинглар, ман ноҳақ туҳмат билан кетиб турубман. Бола-чақаларим, майда-чуйда, кўп эди. Бу ҳоким ва тўралар яхши адолат қилмади. Тўғри ҳақиқат қилмади. Дуо қилинглар, шу золимларни...» деган вақтда тўранинг ишорати билан бирдан сиртмоқларни солиб, курсиларни тепиб юбордилар. Бу олтита кишидан иккитаси бир-икки бурилиб, оёғини уруб қимирламай қолди. Бошқалари пириллаб айланиб, буралиб, икки томон дорнинг ёғочига урилиб, ниҳоят қийналиб кўп овора бўлдилар. Буни кўриб турган ёш болаларнинг кўплари қўрқиб: «Дод, ота, она!» деб йиғлаб юбордилар. 4–5 тасининг ҳуши кетиб қолди ва йиқилди. Болалар турган тараф тўполон бўлиб кетди...»[1]

Дорни тикар вақтида дорларнинг тагига одам бўйи пастроқ чуқурлар кавлаб устига бўйра ёпиб қўйган экан. Сиртмоқни кесиш билан жасадлар чуқур гўрга қулади. Жаллодлар бир арава оҳак келтириб, улар устига ташлашади. Олти мурда икки чуқурда сўнгги манзил топадилар. Улар устига бир қатлам тупроқдан сўнг яна оҳак солиб, тупроқни оҳак билан аралаш қилиб зичлаб кўмиб қўйишди. Золимлар шундай кўнгли жойига тушмай ўша гўрлар олдига неча кун давомида аскарлардан соқчи қўйишди.

Жазо экспедициясининг бошлиғи генерал Корольков-

Эгмназаров. Сиз билган Дукчи Эшон, 20-бет.

[1] *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 21-бет.

га бу ҳам етмагандек рус императоридан бутун маҳаллий халқни жазолашни илтимос қилди. Корольков эшон ва унинг муридларидан олинган интиқом етарли эмаслигини таъкидлаб, Мингтепадан Андижонгача бўлган ерлардаги барча аҳолини империянинг ичкари ҳудудларига сургун қилишни таклиф қилди. «Бу тадбир, – деб ёзган эди Корольков императорга, – сиёсий жиҳатдан фойдали аҳамият касб этиб, Фарғонадаги рус унсурининг кучайишига олиб келади. Бошқа томондан эса, суғориш ишлари олиб бориладиган Россиянинг Европа қисмига табиатан мироб бўлган ерлиларни кўчириб юбориш мазкур соҳада салмоқли самара келтиради»[1].

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори худди шундай режа асосида иш тутиб, халққа империя ичкарисидан мужикларни бу ерга кўчириб келтириш ва гуноҳкорларнинг ерларини уларга тақсимлаб беришни расман эълон қилди. Мингтепа қишлоғи тўпга тутилиб, иморатлар ер билан яксон қилинганидан сўнг рус мужиклари учун 450 хоналик турар-жой қурилиши лойиҳаси режалаштирилди. Қурилиш ишларига маҳаллий аҳоли мардикор сифатида жалб этилди.

Воқеалар қатнашчиларининг гувоҳлик беришича, Мингтепадаги эшон хонақоҳининг ўрнини текислаб, черков қилишга қарор қилинган. «Орадан бир ой ўтганда, ичкари Русиядан ниҳоят кўп мужиклар келиб қолди. Буларнинг ҳар қайсиларига қарз ва ёрдам пули топиб бериб, шу Мингтепада тайёр ва план қилиб қўйғон жойларга хона жой бериб ўрнаштирдилар»[2]. Посёлкага «Марҳамат» номи берилди. Хакандаги «Афғонбоғ» деган машҳур зироат тажрибагоҳидаги агрономни 18 май куни қўзғолончилар ўлдиргани учун ана шу жойдаги 500 хонадоннинг иморатлари, боғ-роғлари ҳам текислаб ташланди. Қаршилик қилганлар отиб ўлдирилди. Андижон шаҳрининг боғу бўстони бўлган Хакан қишлоғи «Духовской майдони» деб аталган рус посёлкасига айлантирилди[3]. У ўзбеклар ўртасида «Вайрона-вайрона» номи остида ёмон отлиқ бўлиб қолди.

[1] ЎзР МДА, – жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 339-варақ.

[2] *Фозилбек Отабек ўғли*. Дукчи Эшон воқеаси, 57, 58-бетлар.

[3] Ўша асар, 66-бет.

Туркистон генерал-губернатори подшо Николай II га йўллаган мактубида: «Қўзғолончилар бизнинг уйқуда ётган 22 солдатимизни ўлдирганликлари учун бунинг хунига исёнчилардан 22000 кишига ўлим жазоси берилиб, 300 киши каторгага ҳукм этилди. Қўзғолончилар раҳбари яшаган жой теп-текис қилиниб, у ерга 200 оилали рус қишлоғи қурилди. Худди шунингдек, Андижон шаҳри атрофидаги Хакан, Хартум қишлоқларидан ҳам ерли аҳоли кўчирилиб, уларнинг ерлари рус оилаларига берилди».

Империянинг Санкт-Петербургдаги олий ҳарбий-сиёсий доиралар генерал Корольковнинг Андижон қўзғолони баҳонасида Туркистон ўлкасини ёппасига руслаштиришга доир бошқа ғояларига ҳам зўр қизиқиш билан қарадилар. Корольков ишни мусулмон оламида катта нуфузга эга мадрасалардан бошлашни таклиф қилди. Олий ўқув юртлари бўлган мадрасаларда рус тилини ўқитиш ғоясини илгари сурди. Бу ғоят нозик ва қалтис тадбир зўравонлик билан эмас, аксинча, ихтиёрий, кўнгилли асосда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини уқтирди. Генералнинг фикрича, бунинг учун одамларда қизиқиш уйғотиш лозим. Шу мақсада рус тилига давлат мақоми бериш, барча маҳаллий амалдорларга 5 йил муддат ичида давлат тилини ўрганишни, 15 йилдан кейин эса мансбга даъвогар кишилардан фақат русчани биладиганларни юзбоши, қози, оқсоқол ва мингбоши каби лавозимларга тайинлашни таклиф этди. «Бу тадбир, – деб ёзган эди генерал Корольков, – мадрасаларнинг эшикларини рус ўқитувчилари учун кенг очади. Ана шунда биз мадрасалар девори ортида нималар бўлаётганидан доимо бохабар бўлиб турамиз»[1]. Империя маркази Корольковнинг ғоясини қизғин қўллаб-қувватлади ва уни тезлик билан ижрога қабул қилишни генерал-губернатор зиммасига юклади.

1898 йил 6 ноябрда янги тайинланган Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской ҳарбий губернаторларга маҳаллий маъмурият рус амалдорлари билан ёзишмаларда рус тили давлат тили сифатида амал қилишини билдиришни ва бу тадбир муҳокамадан ўтгунча оқсоқол ва мингбошилар идораларига рус мирзалари тайинланиши лозимлигини

[1] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 337-бет.

уқтирди. Генерал-губернатор вилоятларнинг бошлиқларига эндиликда маҳаллий бошқарувдаги мансабларга фақат рус тилини билганлар тайинланажагини кенг тарғиб қилишни буюрди. Мустамлака маъмурияти, ўлка аҳолиси рус тилини табиий равишда ва ихтиёрий тарзда ўрганади дейиш хомхаёлдир, бунинг учун ҳам зўрлик, ҳам устамонлик даркор, деган хулосага келди. Генерал-губернатор вилоятларнинг ҳарбий губернаторларига юборган кўрсатмасида «Энди туземецлар рус ва фақат рус мактабида ҳар қандай фаолият учун зарур билим ва малакалар ўчоғини кўришсин. Улар мадраса ва мактаблардаги билим эндиликда давлат ҳамда ижтимоий тузумга яроқсиз эканлигини ҳис қилишсин», дея русчани ўзлаштирган мусулмонлардан барча соҳаларда кенг фойдаланишни тавсия қилди. Ана шу фикрни Тошкентдаги эрлар гимназиясида 1899 йил февралда бўлган шаҳар жамоатчилиги йиғинида Туркистон генерал-губернатори ёрдамчиси генерал-лейтенант Н. Иванов очиқ айтди. У шаҳар бошлиқлари, мингбоши, қози ва бошқа мансабдорлар, мударрислар учун тарихда биринчи марта ташкил этилган илмий-оммабоп маъруза кечасида мадрасаларда рус тилини предмет сифатида жорий этишни ҳам таклиф қилди. Иванов ва унинг каби жангари шовинистлар Андижон қўзғолони баҳонасида ўзларининг дилларидаги ёвуз ниятларини ошкора амалга ошира бошладилар. Генерал Корольковнинг императорга тақдим этган бу мактубида ўлка хотин-қизларини ва болаларни русча ҳаёт тарзига ўргатиш алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. «Туркистон ўлкасида тарих томонидан олий миссия ўтказишга чақирилган рус халқининг шифокор аёллари», унинг фикрича, ўзбек хотин-қизларининг «эрксиз, нурсиз ва ҳуқуқсиз турмуш тарзига ўзга тушунчалар олиб киради ва бошқача интилишлар уйғотади». «Туземканинг, – деб ёзади генерал, – насроний аёл билан бир жойда яшаши, у билан доимий ва яқин алоқаси унда ўз ҳаёт тарзини рус аёлларникидек яхшилаш фикрини аста-секин уйғотади, насроний тасаввурларни сингдириб боради ва бу ҳол унинг ўз фарзандларини тарбиялаш жараёнига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай аёлнинг ўғил-қизлари мусулмон бўлмаганларга нисбатан муросасиз ва душман бўлмайди»[1]. Шун-

[1] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1144-иш, 337-варақ.

дай ишни муваффақиятли бажариш учун Корольков ўлкада хотин-қизлар амбулаторияларини кўпайтиришни таклиф қилади. Бунга яна қўшимча тарзда у Россиядаги аёллар монастрларини Туркистон аёлларига «провослав рус қарашларини сингдириш учун» хизматга жалб этиш заруратини ҳам таъкидлаб ўтади.

Андижон қўзғолонидан кейин мустамлакачилар ўлкани русча ўзлаштириш сиёсатида ҳар қандай ниқобдан воз кечиб, очиқчасига зўравонлик йўлига ўтдилар. Мусулмонларни русларга мажбурий равишда сажда қилдириш одатини расм қилдилар.

Чор амалдорларининг шафқатсизлиги ва ҳаддидан ошган зўравонлигидан мақсад Фарғона аҳолисининг жанговарлигини синдириб, бутун ўлкани қўрқувга солиш эди. Марғилон туманбошиси полковник Бряновнинг таъбирича, «Фарғона доимо ғазовот ғояси йўлида ўзини ажабтовур жасорат билан ўлим бағрига отувчи марди-майдонлар қаердандир пайдо бўлиб қолади. Аҳолига рус таъсирини ўтказишда Фарғона вилояти доимо орқада юради. Шунинг учун ҳам темир йўлни ўтказиб биз тузем аҳолиси ўртасида қамалга тушиб қолишдан хавфсираймиз».

Андижонлик Фозилбек Отабек ўғли қаламига мансуб «Дукчи Эшон воқеаси»[1] асари тўла матнининг – «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилиши ўзбек тарихшунослиги учун ғоят катта воқеа бўлди. Қуйида мазкур асарнинг муаллифи Фозилбек Отабек ўғли ва хоин Матъяқуб Мадраҳимов ҳақидаги архивларда сақланаётган айрим кичик ҳужжатларни муштарийлар эътиборига ҳавола этишни лозим кўрдик.

Фозилбек Отабек ўғли ўзбеклардан етишиб чиққан дастлабки публицистлардан эди. «Дукчи Эшон воқеаси»нинг тили, услуби ҳам фикримизни исботлайди.

Андижон вилоят давлат архивида 312-сон («Туркистон Россия телеграф агентлиги»нинг Андижон уезд шўъбаси) фонди мавжудки, унинг саҳифаларида Фозилбек Отабек ўғлининг фаолияти оз бўлса-да, гавдаланган.

[1] «Шарқ юлдузи», 1991 й, 6-сон. 206, 207-бетлар.

«Роста» ходимларининг сўроқ варақаларида унинг 1886 йилда туғилгани, истиқомат қиладиган жойи – Андижоннинг «Девонабой» даҳаси эканлиги, 1921 йил 15 январдан «Роста»да ишлагани, партиясиз, русча ва мусулмонча маълумотга эгалиги, араб, форс тилларини билганлиги, журналист сифатида яхши танилганлиги, айниқса, миллий тил, удумларни аъло даражада билгани кўрсатилган. Фозилбек Отабек ўғли қарамоғида 5 жон (рафиқаси Саодат, ўғиллари Ҳабибулла, Ҳамидулло, Ҳамроқул, қизи Нодира) бўлган. Сўроқ варақасининг «Инқилобгача ва инқилоб даврида қандай нашрларда ишлагансиз?» деган саволига Фозилбек Отабек ўғли «Инқилобга қадар инқилобчи бўлганман, инқилобий ғояларни тарғиб этганман», деб жавоб берган.

1920 йил 15 сентябридаги ҳужжатга қараганда, Фозилбек Отабеков «Турк Роста»нинг Андижон уезди бўйича редакция шўъбаси мудири эканлиги, мусулмонча плакатлар чиқаришда фаол қатнашгани кўрсатилган.

Фарғона «Роста» мудири Иноземцевнинг 1920 йил 22 июлида Туркистон «Роста» мудири Цивилинг номига йўллаган телеграммасида шундай сатрлар бор: «Юнусовнинг янги Бухорога хизмат учун юбориб, уч ҳафта танаффусдан сўнг, 22 августда 30 нусха миқдорида мусулмонча плакат чиқаришни қайтадан тикладик. Улуғ меҳнат билан, тарқаб кетган эски шаҳар шўъбасини ташкил этдик. Мудирликка эски газета ходими, партияга хайрихоҳ Отабековни таклиф қилдик. Плакатлар менинг назоратим остида чиқиб турибди...»

Унга берилган шаҳодатномаларнинг бирида шундай дейилган: «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Отабеков Фозилбек Туркистон «Роста»си Фарғона шўъбаси Андижон ёрдамчи шўъбаси Андижон эски шаҳар шўъбасининг мудиридир.

Унга Андижон эски шаҳар ахборот тармоқларини ташкил этиш, материаллар тўплаш ҳамда Тошкент, Фарғона шўъбалари, Андижон ёрдамчи шўъбаси билан ёзишмалар олиб бориш, маҳаллий матбуот органларини ахборот материаллари билан таъминлаш, марказ ахбороти бўйича мусулмонлар орасида тарғибот ишларини олиб боришни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш топширилган.

Ўртоқ Отабеков пулсиз ва навбатдан ташқари Андижон шаҳридан Фарғона «Роста», Тошкент, «Турк-Роста» манзилларига телеграмма йўллаш ҳуқуқига эгадир.

Туркистон Марказий Ижроия қўмитасининг 1919 йил 1 ноябридаги 95-сон буйруғига асосан барча шахслар, муассасалар ва жамоат ташкилотлари ўртоқ Отабековга ҳар жиҳатдан ёрдам-кўмак кўрсатишлари шарт».[1]

Муҳаммад Али халфа қўлга тушгач, Қодиркул мингбоши ва эшонни бевосита тутиб берган Яъқуб қўрбошига шундай деган: «Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгил. Бизни русга тутиб берган қўлларинг билан ўзингни уриб, сўккан оғзинг билан ўзингни тишлаб ўлгил!»

Эшонни тутиб берган Матъяқуб, шу воқеадан сўнг 5 ой ўтмасдан вафот этади. Бу ҳақда ҳужжатлар шундай ҳикоя қилади:

Рапорт

Андижон уездининг Қўқонқишлоғида яшовчи, ўтган йили мингтепалик Эшонни қўлга туширганлиги учун мазкур уезднинг Майгир бўлиси бошқарувчиси лавозимига тайинланган Матъяқуб Мадраҳимов, беш ой хизмат қилгандан кейин, 1898 йил, 14 ноябрда қазо қилди. Унинг хотини ва икки боласи яшаш учун ҳеч вақосиз қолди.

Мадраҳимовнинг мингтепалик эшонни тутишдаги хизматларини, оиласининг ўта камбағаллигини ҳисобга олиб, Сиз жаноби Олийларига илтимос қилиш шарафига муяссарманки, Сиз жаноби Олий ўз тасарруфингизда бўлган маблағ ҳисобидан бевага пул нафақаси тайинлаш мумкин деб ҳисоблай олмайсизми?

Бунга яна шуни қўшимча қилишга мушаррафманки, Болтабоевага фавқулодда ҳоллар учун маблағдан 25 сўм бердим.

Ҳарбий губернатор, генерал-майор Цикловский. 1889 йил. 12 июнь».[2]

[1] Андижон вилоят давлат архиви, 312-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 360-варақ.

[2] ЎзССЖ Марказий Давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 488-иш, 1-бет.

19 сентябрда Туркистон генерал-губернаторлигидан жавоб хати келади.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Туркистон губернаторига 1899 йил 16 октябрдаги рапортида шундай деб ёзган эди: «Сиз Жаноби Олийлари Андижон уездидаги қўқонқишлоқлик, ўтган йили мингтепалик эшон Мадали халфани тутган марҳум Матъяқуб Мадраҳимовнинг хотини Турсунбиби Мадраҳимовага бир умрлик нафақа тайинлаш ҳақида илтимоснома ёзиш мумкин эмасми деб, менинг хулоса беришимга имкон яратибсиз.

Қуйидаги маълумотларни: а) Мадраҳимовдан қолган болаларнинг сони ва уларнинг ёши; б) мазкур ерликнинг беваси бирор бир мулкка эгами ва у нимадан иборат, ва в) мазкур ерликнинг кун кўриши учун энг кам нафақа миқдори ҳақида маълумот беришни тавсия қилибсиз. Андижон уезди бошлиғи менга қуйидагиларни билдирди: а) 10 десятина ерга эгалик қилувчи ҳамда эридан уй жиҳозлари ва 500 пудча гуруч мерос қолган Мадраҳимовнинг беваси моддий жиҳатдан тўла таъминланган; б) Мадраҳимованинг икки боласи бўлиб, улардан бири Қўқонқишлоқ бўлиси бошқармасида хизмат қилади ва Мадраҳимованинг моддий муҳтожлигидан эмас, балки унинг марҳум эрининг барча аҳолига маълум хизматлари учун, ушбу бевага озгина, ойига 10 сўм миқдорда бўлса ҳам, нафақат тўлаш маъқул бўларди.

Қуйидагиларни: биринчидан, марҳум Мадраҳимовнинг оиласига тўланадиган йилига 120 сўмлик нафақа «земство» кассасига оғир бўлиб тушмаслиги ва иккинчидан, мазкур нафақанинг тайинланиши Фарғона аҳолисининг кўз олдида рус маъмурияти ўзига содиқ одамларнинг хизматини муносиб тақдирлай билишидан гувоҳлик беришидан келиб чиқиб, ушбу оилага уезд бошлиғи таклиф этган миқдорда нафақа тайинланишига сўзсиз қўшиламан (таъкид бизники – Р.Ш.), мен томондан Сизнинг маҳкамангизга юборилган ва шу йилнинг 19 сентябрида 7992 рақами остида жавоб тариқасида олинган Мадраҳимованинг (Болтабоеванинг ҳам) аризасини қайтариб жўнатган ҳолда, сўралаётган нафақани беш йил мобайнида бериш керак деб ҳисоблайман ҳамда Сиз жаноби Олийларининг эътиборингизга ва ҳукмингизга

ҳавола этаман, ушбу фикрни билдиришга мушаррафман. Ҳарбий губернатор, генерал-майор... (имзо)».

Шунга мувофиқ, Туркистон генерал-губернатори 1899 йил 30 октябрида империя ҳарбий министрига хат билан мурожаат этиб, масалани ижобий ҳал этишни илтимос қилади.

Натижада 1900 йил 18 январда, 2842 рақами остида Петербургдан Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига мана бу мазмунда хат келади: «Ҳазрати Олийларининг амри билан шу йилнинг 13 январида Андижон уездининг собиқ бўлис бошқарувчиси Ёқуб Мадраҳимовнинг бева-сига нафақа беш йил мобайнида, йилига 50 сўмдан, сарф-ҳаражатлар ўлка «земство» маблағларига киритилган ҳолда тайинланди, шу билан биргаликда, бу ҳақда молия министрига тегишли кўрсатма бериш учун хабар қилинди.

Бош штаб бошлиғи
генерал-лейтенант Сахаров.

Шундай қилиб, Туркистон миллий қаҳрамони, чоризм мустамлакачилик зулми кишанларини парчалаб ташлашга уринган Муҳаммад Халфани тутиб берган ва бунинг эвазига мустамлакачи маъмурият томонидан унинг оиласига нафақа тайинланади.

Фозилбек Отабек ўғли, қўзғолон ваҳшиёна бостирилгач, Андижон аҳолисининг бошига тушган оғир мусибатни, мустамлака зулмининг беҳад кучайгани, кўплаб қирғинлар бўлганини, маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари чидаб бўлмас даражада топталганини ишонарли далиллар билан қаламга олганди. Андижон воқеаси узоқ йиллар мобайнида ерли аҳолининг қалби ва онгида оғир фожиа, мисл-сиз хўрланиш, азбланиш, кучли жароҳат рамзи сифатида сақланиб қолганди.

Андижон қўзғолони мағлубиятга учраган бўлса ҳам, у ўзбек халқининг подшо ҳукуматига, мустамлакачиликка қарши кураши тарихида ўчмас из қолдирди. Бу қўзғолон прогрессив аҳамиятга эга бўлган буюк тарихий воқеадир. Шу боис, бу мавзу махсус, кенг миқёсда тадқиқ этилиши, ўзбек тилида катта китоб бўлиши лозим. Ҳозир тайёрланаётган 8 жилдлик «Ўзбекистон тарихи»дан Андижон қўзғолони таҳлили муносиб ўрин олмоғи зарур.

АНДИЖОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИ

«Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликлари, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини эслайлик»[1].

Ислом КАРИМОВ

Бу ғоятда тўғри, одилона сўзларни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда қўҳна Туркистоннинг инжуси – Фарғона водийсидаги Андижон тараққийпарвар зиёлиларининг, жадидларининг маънавият ва маърифат бобида олиб борган ва ҳар қандай таҳсинга сазовор, ибратомуз фаолияти намоён бўлади. Сизу биз андижонликларнинг аждодларимиз миллатни жаҳолат уйқусидан уйғотиш учун, энг аввало, уни саводли, дунёвий ва замонавий билимлардан баҳраманд қилиш учун изланганлар, интилганлар, ташаббус кўрсатганлар. Бу муқаддас ишга ўзларининг бутун борлиғини бағишлаганлар. Уларнинг кўпчилиги қаттол советлар тиғидан ҳалок бўлган.

XX аср бошларидаёқ миллий озодлик байроғини баланд кўтариб, миллий кучлар бирлигини таъминлаш борасида салмоқли фаолият кўрсата бошлаган Туркистон жадидлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб қилди. 1906 йилнинг баҳорида Франция Республикаси бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириғи билан майор Лякост икки йил давомида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият билан яқиндан танишди. У ўзининг кузатишларини ҳисобот тарзида «Комита де Асия Франсайс» номли журналда чоп этади. Мақола Европада катта қизиқиш уйғотди. Бу мақолада Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги

[1] *Каримов Ислом*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 295-бет.

ижтимоий-сиёсий кучлар ва партиялар фаолияти шарҳлаб берилган эди. Эътиборли томони шундаки, француз разведкачисининг ўткир нигоҳи билан Туркистонда қайси партия, қайси сиёсий оқим кучли экани шундай аниқлаб берилдики, бу ҳол рус сиёсий полициясини ғоят жиддий ташвишга солди.

Майор Лякост Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ ташкилот сифатида социал-демократлар (большевик ва меньшевиклар), ёки социалист-инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ёш сартлар[1] деган хулосага келган эди. Разведкачи Туркистонда жадидлар таъсири кучли бўлган ўз фирқасига эга экани ва у 1906 йилнинг январида Санкт-Петербургга, Умумрусия мусулмонларининг қурултойига вакил юборганини таъкидлаб, бу фирқа худди Қозон татарлари каби ўзининг миллий дастурига эгалиги ва рус истибдодига жиддий зарба бериши мумкинлигига ишора қилган эди.[2]

Жадидчилик даставвал Бухорода, сўнгра Қозон, Уфа, Қримда, Туркистон ва Хивада маърифатчилик ҳаракати тарзида юзага келди. Бухорода маърифатпарвар мусулмон рухонийлари ва зиёлилари мадраса ва мактабни, шунингдек, ислом динига кейинроқ кириб қолган бидъатларни ислоҳ қилиш ғояси билан чиққанлар. Динга онгли, тушунган ҳолда итоат қилиш, бировнинг бировга кўр-кўрона эргашишини ман этиш, мадрасаларда Қуръон, ҳадис, уларнинг таржималари, Ислом тарихи каби дарслар, арифметика, тарих, жуғрофия, табобат, хандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўтиш, саводхонлик усулларини осонлаштириш, ўқувчиларни ўз она тилларида кўпроқ ўқитиш каби ғоялар учун курашганлар, миллий матбуотни яратиш ва у орқали халқни маърифатли қилишга ҳам жадидлар катта эътибор берганлар.

«Садойи Фарғона» Фарғона водийси тараққийпарварлари, жадид зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий

[1] Расмий идоралар жадидларни «Ёш сартлар» деб аташган.

[2] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида (Х.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов) «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент, 2000, 264, 265-бетлар.

газетаси бўлиб, Қўқонда 1914 йил 3 апрелдан 1915 йил 26 майгача туркий (ўзбекча) тилида нашр қилинган. Газета ташкилотчиси қўқонлик тараққийпарвар зиёли ва тадбиркор Обиджон Маҳмудов (Обид чатоқ)нинг хусусий босмахонасида 4 саҳифада 500-600 нусхада чоп этилган. Мазкур газета саҳифаларида Андижоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига оид кўплаб мақолалар босилган. Айниқса, Абдулҳамид Чўлпоннинг Андижондаги воқеалар ҳақидаги кўплаб мақолалари газета саҳифаларида эълон қилинган. Масалан, «Садойи Фарғона»нинг 1914 йил 29 апрель сонида Чўлпоннинг «Туркистонда зироат ва деҳқончилик» мақоласи эълон қилинган, унда мамлакатдаги инқирознинг илдизи лалмикор ерлардан унумли фойдаланмаганликда ва қишлоқ хўжалигига янги технологияларни вақтида жорий қилинмаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Чўлпоннинг «Андижонда янги банк» номли мақоласи ҳам ахборот характерида бўлиб, унда 1914 йилда Андижонда сармояси 26 минг сўмдан иборат бўлган «Кредит банки» очилаётганлиги ва унинг 180 нафар мижозининг 130 дан ортиғи мусулмонлар эканлиги ҳақида хабар берилган. Унинг маълум қилишича банкни Эшонхон Махдум Одилхўжа ўғли, Мирҳайдарбой Миржалил ўғли, Саъдуллахўжа Турсунхўжа ўғли каби маҳаллий бойлар очишган.[1] Демак, жадидларнинг матбуот орқали миллий банклар зарурлиги борасида юритган тарғиб-ташвиқотлари бесамар кетмаган.

Ўрта Осиёда жадидчилик маърифатчиликдан аста-секин мафкуравий ҳаракатга ўсиб чиқди. Бу минтақада эндигина шаклланиб келаётган миллий буржуазия ўз сиёсати, ўз мафкурасига эга бўлиши қонуний эди. Миллий буржуазиянинг сиёсати ва мафкураси жадидчилик ҳаракатида ўз ифодасини топди. Биринчи рус революцияси таъсири остида Ўрта Осиёда ҳам мусулмон миллий буржуазия мафкурачилари орасида «ёш туркlар», «ёш афғонлар», «ёш мисрликлар» каби «ёш бухороликлар», «ёш хиваликлар», «ёш сартлар» (ўзбеклар) ташкилотлари юзага келди.

[1] *Турсунов Р.* XX аср бошидаги миллий матбуотда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари. – Ўзбекистон тарихи, 2007, 1-сон. Б. 74–85.

Бу ташкилотлар Ўрта Осиёда жуда катта маърифатпарварлик ва ижтимоий-сиёсий ишларни олиб бордилар. Шаклланиб келаётган миллий буржуазиянинг интилиш ва манфаатларини ифода этган жадидчилик ҳаракати Бухоро, Туркистон ва Хоразм халқини саводли, маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод этиш, мустақил давлатчиликка эришиш, мустамлакачиликка барҳам бериш, миллий истиқлолни қўлга киритиш учун курашган. Жадидчилик меҳнаткаш Русияга эмас, мустамлакачи Русияга қарши кураш олиб борди. Бу мақсад йўлида рус социал-демократларига суяниб иш тутилди.

Жадидчилар февраль ва октябрь тўнтаришларига ижобий муносабатда бўлганлар. 1916 йилги озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватладилар, «Қўқон мухторияти» деб аталмиш, аслида биринчи Туркистон халқ жумҳуриятини барпо этдилар. Аммо большевикларнинг қуролли тажовузи билан қонуний бу ҳукумат мажақлаб ташланди. Бу жадидларда норозилик туғдирди. Уларнинг бир гуруҳи хорижга кетишга, бир гуруҳи «босмачилар» деб аталмиш ҳаракатга қўшилишга, яна бир гуруҳи эса коммунистик партия томонига ўтишга мажбур бўлди.

20-йилларда ҳам кўпдан-кўп жадидлар советлар идораларида раҳбарлик лавозимларда хизмат қилдилар. Бироқ бу даврда уларга «буржуа миллатчиси», «ёт унсур», «ватан хоини» деган ёрлиқлар ёпиштирилди. 30-йиллардаги мудҳиш қатоғон қиличи миллатимиз кўрки бўлган бу миллий истиқлолчилар, мустақиллик курашчилари қалбини тилка пора қилди, «халқ душмани» ёрлиғи остида улар қирилиб кетдилар. XIX аср охири XX аср биринчи чорагида фаолият кўрсатган жадидлар орасида Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Мустафо Чўқаев, Тошпўлат Норбўтабеков ва бошқалар бор эди.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. Андижоннинг XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмидаги тарихини жадид шоир, ёзувчи, драматург Абдулҳамид Чўлпонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У бу давр тарихидаги улкан шахс,

буюк ижодкор, толмас курашчи, оташқалб истиқлол курашчиси сифатида яқин тарихимиздан ўрин олган.

Туркистон миллий шоири деган юксак, шарафли ном соҳиби Абдулҳамид Чўлпон 1917 йили она шаҳри – Андижонда «Турон кутубхонаси» ва «Маориф нашри»ни ташкил қилиб, маҳаллий миллат кишиларини истиқлол учун кураш жабҳасига сафарбар этиш борасида таҳсинга сазовор ишлар қилган.

Айни вақтда Чўлпон буюк шоир ва адиб ҳам эди:

Қулган бошқалардир,
Йиғлаган мендир.
Ўйнаган бошқалардир,
Инграган мендир.
Эрк эртакларидан эшитган
бошқа
Кунлик қўшиғини
тинглаган мендир.
Эркин бошқалардир,
қамалган мендир.
Ҳайвон қаторида
саналган мендир.

Буюк истиқлолчи Чўлпон Андижонда жадидчилик ҳаракатига асос солганлардан бири сифатида ўз шеърларида рус мустамлакачилигини беаёв қоралаб, Туркистон истиқлолини ифодалаб, халқни унга даъват этди. Унинг «Исён» шеърида мустамлакачиларга бўлган нафрат шундай ифодаланади:

«Эй, сен мени ҳақир кўрган, тубан кўрган
Эй устимдан бир умрга хўжа бўлмоқ истаган,

Эй бўйнимга кишан солиб ҳалокатга судраган,
Кўзларимни заҳарлатиб ўйнамагил, бас энди.

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким узилур;
Томирларимда қўзғолишнинг ваҳший қони кўпирди,

Эски фикр анъаналари энди буткул узилди,
Ё битарман ёки сенинг салтанатинг бузилур.

Эй, сен мени қул ўрнида ишлатувчи афанди,
Титра, қўрққан, боғлиқ қўлни бош кўтарган кўчинди».

1917–1923 йилларда қизил ёв босқини, тажовузи билан вайронага айланган Фарғона ҳолатини тасвирлаб «Гўзал Фарғона» шеърини битди. Советлар даврида бу шеър матбуот юзини кўрмади. 70-йилларда бу шеърни марҳум Асқар Акбаровдан эшитгандим. 1994–1995 йилларда Олмония ва Туркияда бўлганимда «Гўзал Фарғона» турк ва олмон нашрида эълон қилинганини шоҳиди бўлгандим.

Турк тарихчиси Али Бодомчи «Қўрбошилар» асарида мазкур шеърни айнан келтирган. Мана «Жаҳон адабиёти» журналининг биринчи сонида юртдошимиз таниқли шоир Восит Саъдулла шахсий архивида сақланиб қолган Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеъри босилди:

Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай.
Тарқалиб кетган қора, яхши сочинга боғланай.

Яъни бир ўрмон каби бағрингни босмишдир қамиш,
Кўзларингда кўринмас ҳеч бир олов, бир ўт ёниш,

Кенг чўзиқ яйловларинг ёвларга сочмиш кўксини,
Бир қора парда босибдур тупроғингнинг устини.

Кўзларинг сўлга, ўлук руҳинг билан боқдинг менга,
Қуртулишнинг юлдузи асло кўринмасми сенга?

Ул баланд зўр тоғларинг тўсолмас ёв йўлини,
Йўқмидур ўткир қилич кесмакка ёвнинг қўлини?

Биз бугун ожиз, заиф, бағри эзилган сен учун.
Бу қадар қонлар тўкилди ул даҳлдор сен учун.

Йиғлама, юртмагар-чи, бу кунингда йўқ баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

1923 йил май охирида Ҳарбий инқилобий кенгаш раиси С.С.Каменев, Туркистон қўмондони А.И.Тодорский, Туркистон АССР МИК раиси И.Хидиралиев, ХКС раиси Т.Рисқулов, Фарғона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиғи В.Д.Соколовский ва бошқалар бронепоезд билан Андижонга келганлар. Шунда буткул уезд ҳарбий ҳолатда деб эълон

қилинади, ҳарбий инқилобий кенгаш тузилади, унинг раиси қилиб А.И.Тодорский тайинланади. Айни вақтда Исоқжон Ғозиев (раис), Абдураззақов, Степаненко, А.И.Тодорский, Куприянов, Ёрмуҳаммедов, Пўлатбек Казбеков, Абдуғаффор Рахматуллаев, Абушаҳмедовлардан иборат Андижон уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси (ревком) ташкил бўлади.

1923 йили май охирида Ҳарбий инқилобий кенгаш раиси С.С.Каменов Андижонда бўлганлиги ҳақида Туркистон Марказкўми йиғилишида маъруза қилиб, Андижон уездида партия, совет ва ҳарбий ишни яхши йўлга қўйиш бўйича махсус қарор қабул қилинишига эришади. Андижонда ўзбекча газета чиқариш, босмахона барпо этиш, уни зарур бўлган жиҳозлар, анжомлар, техникавий кучлар билан таъминлаш, журналист кадрлар, матбаачиларни Тошкентдан келтиришга қарор қилинади. Тез орада Андижонга босмахона анжомлари, материаллар, асбоб-ускуналар, қоғоз келтирилади.

«Дархон» номли ўзбекча газета чиқа бошлайди. Унга аввалида Абдулҳай Тожиев, сўнгра инқилобий қўмита раиси Исоқжон Ғозиев муҳаррирлик қилади. Шунда Чўлпонни Марказий ижроқўм йўлланмаси билан Андижонда ўзбек тилидаги матбуотни асослаш ва ривожлантириш учун Андижонга юборишган. У «Дархон» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилади. Аслида газетанинг бутун иши Чўлпон зиммасида эди.

Буюк истиқлолчи шоир Чўлпон мустабид қизил салтанат шароитида гоҳ очиқ-ошкора, гоҳ пинҳона мустақиллик, ҳуррият ғояларини куйлайди. Умрининг охиригача истиқлолга содиқ қолади. Аммо кўплар қатори у ҳам мудҳиш қатағон тиғидан ўтказилди. Қарангки, уни қатл этиш чоғида отиш учун ўқ топилмай, уни болта билан нимталаб ўлдиришган.

Андижонлик жадидлар ҳақида гап кетганда, биз ёзувчи Чўлпон, мударрис Абдураҳим Юсуфзода, ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев, миллионер бой, миллий буржуазиянинг типик вакили Аҳмадбек хожи Темирбеков, Акбар Ўразалиев, Сулаймон Келгинбоев, Олимжон хожи Юсупов, Қўчқор Олимов, Мамажон ҳожи Ёқуб Саркоров, Олимжон Ёқуб Саркоров кабиларни назарда тутамиз.

Аксарият асарларда жадидлар 1916 йилги халқ қўзғолонига салбий муносабатда бўлганлар, шу боис улар чор ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатининг қўллаб-қувватлаб чиқдилар, деган фикр баён этилган. Аммо бир талай ҳужжатлар, маълумотлар аслида бундай бўлмаганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Шу йил июлида Андижон жамоатчилиги номидан Убайдулла Хўжаев, миллионер бой Миркомил Мирмўминбоев, эсер Вадим Чайкин Петербургга бориб, IV Давлат Думасига Туркистонда рўй берган воқеаларни изоҳлаб бериб, Андижонга Дума аъзоларидан келиши масаласи қўйишади. Давлат Думаси аъзоларидан Раевский, Виноградов ва Тевкелеев Олий Бош қўмондонлик қароргоҳига – ҳарбий министрга телеграмма йўллаб, унда Туркистон ўлкаси рус аҳолиси ҳарбий мажбуриятдан озод этилган ҳолда маҳаллий аҳолидан мардикор олишга шошилиш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан хатарли эканлиги айтилганди. Бунга мувофиқ Николай II Туркистонда мардикорликка олиш муддатини 1916 йилнинг 15 сентябригача кечиктириш ҳақида фармон беради. Ғарбий фронт қўмондони А. Н. Куропаткин Тошкентга Туркистон генерал-губернатори қилиб жўнатилади. У билан бирга IV Давлат Думаси аъзолари А. Ф. Керенский, К. Б. Тевкелеевлар ҳам бирга келишади, ўлкани биргаликда сафар қилиб, маҳаллий аҳолини «тинчитиш» чораларини кўра бошлайдилар.

Бу ҳақда «Туркестанский голос» газетаси 1916 йил 25 августда шундай хабар қилган: «Кеча 24 август куни Андижонга Давлат Думаси аъзолари А.Ф. Керенский ва К.Б. Тевкелеевлар келишди. Кечки поезд келиши олдидан депутатларни кутиб олиш учун перронга кўпгина омма тўпланди. Депутатлар «Слава России» меҳмонхонасида тўхташди. Депутатлар билан бирга Ш.З. Муҳаммадиёров ва М. Чўқаев келишди».

25 август куни эрталаб соат 10 да А.Ф. Керенский, К.Б. Тевкелеев уларни кузатувчи шахслар билан биргаликда «Слава России» меҳмонхонасидан очиқ экипажда эски шаҳарга, жомеъ масжидига қараб йўл оладилар, бу ерда улар мусулмонлар вакиллари ва мадрасадаги маъмур шахслар томонидан кутиб олинади.

Улар ҳозир бўлганларга ўзларини таништиргач, мартабали шахслар сифатида кутиб олиндилар. Тез орада масжиднинг ички ҳовлисида депутатлар атрофидаги мусулмонлар гурухи тўпланишади.

Суҳбатда сентябрда маҳаллий аҳолидан мардикорликка олиниши мўлжалланганлиги масаласида ҳам гап боради. Биринчи галда депутат Тевкелеев ва унинг котиби тилмочлар воситасида ҳамда ерли аҳолидан шахсан сўраш йўли билан ишнинг амалий жиҳатини ҳал қилади.

Андижондаги унутилмас июль кунларида нимаики бўлган бўлса уларнинг ҳаммаси ҳақида фикрлашилди, мудҳиш оқибатларга олиб келган ҳаракатларнинг юзага келишининг умумий сабаблари ҳақида ҳам гап боради, мардикорликка олиш «ихтиёрий» деб, ёлғондан мардикор олди номи остида чақирув муносабати билан боғлиқ аҳволга баҳо берилади.

К.Б. Тевкелеев якунловчи нутқида сўнгги воқеалар туфайли юзага келган масалаларнинг ҳал қилинишини маҳаллий аҳоли сабр-тоқат билан, осойишталик билан кутиб туришларини маслаҳат беради. А.Ф. Керенский бу ерда, яъни Туркистонда ҳам, Россияда ҳам маҳаллий аҳоли тақдирига бефарқ қарамайдиган рус кишилари борлиги, улар ерли аҳолини оломон, деб уларга нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиши мумкин, деган гапларга ишонмасликни илтимос қилади. Мусулмонлар илм нурларисиз оғир қисматдан қутула олмасликларини, шу боис мактаблар очиш ва ўз болаларини ўқитиш тўғрисида бош қотиришларини хоҳлаётганликларини изҳор этадилар. Чамаси бир соат суҳбатдан сўнг депутатлар минорани, талабалар ҳужраларини ва жомеъ масжидининг диққатга сазовар бошқа жойларини томоша қилишади, 26 август эрталаб почта поезди билан Андижондан Қўқонга жўнаб кетишади.

«Туркестанский голос» газетаси 28 августда «Давлат Думаси аъзолари Андижонда икки кун бўлганларида улар ҳузурига рус, сарт ва татар жамиятларидан кўплаб вакиллар ташриф буюришди. Тахминий ҳисобларга кўра шу қисқа вақт ичида депутатлар Андижондаги барча миллат-

лар ва турли хил жамоат вакилларидан юзга яқин кишиларни сўроқ қилганлар. Бу сўроқлар қисман шикоят, арзнома, талаблар шаклида бўлиб, маҳаллий аҳолининг катта қисмини ўз оғизларидан депутатлар ва уларнинг котиблари ёзиб олганларидан бой материаллар тўпланди, уларнинг энг долзарблари Тошкент суд палатаси прокурорига хабар қилинади, анча мураккаб масалалар эса Давлат Думаси минбаридан, шунингдек, Дума бюджет комиссиясида айтиладиган бўлди», деб хабар қилганди.

Давлат Думаси аъзолари Андижондалигида «Тараққийпарварлар», Европа миллатига мансуб аҳолининг ўқимишли кишилари, социал-демократлар меҳмонлардан Фарғона водийсида олий мактаб-политехника институти очишни қатъиян талаб қилганлар. Аммо талабга ижобий жавоб олинмагач, шаҳарнинг илғор жамоатчилиги (уларнинг аксарият кўпчилик «Тараққийпарварлар», социал-демократлар) аҳоли ҳайрия уюштириш орқали жамоатчилик асосида олий ўқув юрти очишга бел боғлагандилар.

1917 йилнинг 19 февралида шаҳардаги маҳаллий жамоат арбоблари, маърифатпарвар ташкилотлар вакиллари, жадидлар социал-демократлар ва бошқа ижобий йўналишдаги кишиларнинг Фарғона водийсида замонавий институт очишга бағишланган йиғилиши бўлади. Йиғилиш кечқурун, соат етти яримда бошланиб, тунги соат 3 гача давом этади. П.М.Турнеев, П.Н.Шерметьевский, В.А.Чайкин ва бошқа кўплаб нотиқлар ўз сўзларида Фарғонада олий техника мактаби очиш зарурлигини ҳар жихатдан асослайдилар. Соат 11 га бориб жамоа ташкилотлари ва айрим шахслардан институт очиш учун 40 000 сўмлик хайрия фонди ташкил бўлади. Бу фондга таркибида кўплаб тараққийпарварлар бўлган маърифат хаваскорлари жамияти 5 000 сўм, миллионер бой, Аҳмадбек Хожи Темурбеков 25 минг сўм ҳадя этганди. Саховатли бой Аҳмадбек ҳожи кейин яна кўп маблағ ажратишга ваъда қилгани, ўзбек ва рус аҳолисининг меҳнаткаш тоифаларидан ҳам кўплаб ҳадялар инъом этилганини рўзномалар алоҳида қайд қилганди.

Йиғилишда институт очишни амалий ҳал этиш учун 15 нафар аъзодан иборат ташкилий қўмита сайланди. Унинг таркибида жадидлар, социал-демократлар ва бошқа табақа вакиллари ҳам бор эди. Худди шундай ташкилий қўмиталар, институт очиш хайрия фондлари водийнинг Қўқон, Наманган, Ўш, Скоблев шаҳарларида ҳам ташкил этилганди. Бунда жадидларнинг хизматлари ҳам катта бўлган. Айни вақтда жадидлар анъанавий мадрасалар тармоғини кенгайтириш ва уларда дунёвий фанлар ўқитилишига ҳам ҳаракат қилганлар. Фарғона водийсининг 4 та йирик шаҳарида 100 га яқин шундай мадрасалар борлигини ёзган эди. Давлат Думаси аъзолари билан яқиндан таниш бўлган Убайдулла Хўжаев рус тилини яхши билгани учун кўплаб аризаларни рус тилига таржима қилиб турган.

Дархон маҳалласидан Содиқ ҳожи шундай ёзади: «Андижон уездида армия эҳтиёжлари учун 200 минг сўм йиғилди. Бу пулларни маъмурият ҳарбий хизматни ўтамаслик эвазига солиқ сифатида йиғди. 8 июль куни эрталаб эса юқоридан бўлган буйруққа асосан шаҳар Жомеъ масжидида қуйи маҳаллий маъмурият вакилларидан 200–300 киши йиғилишди. Ноҳия бошлиғи полковник Бржезицкий одамлар кам тўпланган, деб бозордаги барча аҳолини ҳайдаб келишни буюради. 10 мингга яқин киши тўпланди. Рўза ойи бўлгани учун халойиқ асабий, толиққан аҳволда анча туриб қолди. Ноҳия бошлиғидан чақириқ ёшига етганлар аскарлик хизматидан озод қилишни сўрашди. Подшо номидан чақириқдан озод қилганлик ҳақида қоғоз беришни илтимос қилиб, йиғлаб-сиқтаганлар ҳам бўлди. Бржезицкий индамай жўнаб кетди ва бир соатдан сўнг икки взвод аскар билан қайтиб келди. Тинч мулоқот секин-аста отишмага айланди».

Юзлаб шикоятлар-аризалар шу руҳда ёзилган эди. Убайдулла Асадуллахўжаев ўз номидан А.Н.Куропаткинга тутқазган аризага шулар ёзилганди: «Ҳозирги Андижон уезд бошлиғи Бржезицкий даврида ҳам аввалари ҳам мавжуд бўлган порахўрлик товламачилик ва зўравонлик ниҳоятда кучайиб кетди.

Андижондаги тараққийпарварларнинг бу сингари инқилобий хатти-ҳаракатларига қарши чор маъмурлари ҳужумга

ўтадилар. 1916 йил 25 июнида чор подшоси Туркистонда фронт орти ишларига ерли аҳолидан мардикор ишчиларни сафарбар этиш ҳақида фармон чиқарган эди. Андижондаги рус маъмурияти амалдорлари бу топшириқни «шараф» билан бажариб, ўзларининг оқ подшога содиқлигини яна бир намойиш қилган эдилар. Бунга норози бўлган «Тараққийпарварлар» партияси аъзолари рус маъмуриятидаги барча мансабдор кишиларни Туркистон ўлкасидан чиқариб юборишни мақсад қилган эдилар. Чор соқчилари «Тараққийпарвар»ларни рўйхатга олганди.

Фирқа аъзолари жадидчилдик йўлида борган эдилар. Андижонлик Мирза Аҳмад Қушбекиевнинг ёзишига қараганда «Тараққийпарварлар» жамиятининг бош ғояси халққа сиёсий ва ички эркинлик бериш, рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан озодликка чиқиш сиёстини олиб боришга интилганлар. Уларга русча ва мусулмонча маълумотга эга бўлган ёшларни кўпчилиги ҳайрихоҳ эди. Жадидчилик ғоялари ана шу ёшлар томонидан тарғиб қилинарди.

Андижон уезди бошлиғи Ю.А.Бржезицкий Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1916 йил 13 сентябрда йўллаган мутлақо махфий рапортида, жумладан, Аҳмадбек ҳожининг Андижон шаҳрида нуфузи ошиб кетаётгани ҳақида ёзади:

– «Ҳозирда аҳоли маъмурият товушига эмас, балки жаноб Чайкин, Убайдулла Асадуллахўжаев, Аҳмадбек Темурбеков, Пошшохўжа Умархўжаев ва улар тўдаси товушига қулоқ осади. Одамлар арз-шикоятлар билан маъмурият олдига эмас, балки ўшалар ҳузурига адолат истаб бормоқда.

Мустамлакачи маъмурлар Тошкент, Қўқон каби йирик маъмурий марказлардан тобора кучайиб бораётган «Тараққийпарварлар» фирқасидан жуда ҳайиқиб қолишди».

«1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий ҳаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилни хуш этувчи кеча ташкил қилинди, унда сарт тилида Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзган «Падаркуш» номли пьеса ҳам қўйилганди. Пьеса ўз мазмунига кўра чуқур ибратли эди, ҳозирги замон сартлар жамиятининг маънавий тушкунлигини очиб берарди. Шу кечадан тўпланган маблағнинг бир қисми Андижондаги эркаклар прогимназияси фойдасига, қолган қисми эса

кўнгилни хуш этувчи бошқа муассасалар фойдасига сарфланганди. Ҳамманинг эсидан аллақачон чиқиб кетган бу воқеадан қуруқ сафсатабоз кишилар партия ва «Ёш сартлар ҳаракати»ни ўйлаб топдилар, бу кечани ташкил этишда қатнашганларни эса қандайдир партиявий маслакка даҳлдор деб гумонсирадилар. Буларнинг ҳаммаси бизларни кам маданийлигимизни характерлаб бормоқда, арзимас ҳаваскорлик пьесаси кўникмаган ақлимизни шу қадар тааж-жубга солмоқдаки, бутун давлат ҳаётини тўнтариб юборишга қодир улкан ҳодиса юз бергандек туюлмоқда».

Мазкур масала бўйича Андижондаги Тошкент соқчилар бўлими бошлиғи ёрдамчиси келиб дастлабки тергов олиб борди, ҳам рус, ҳам маҳаллий маъмуриятни сўроқ қилди. Оқибатда сарт ёшларининг қандайдир фирқа тузиб, қандайдир асоссиз мақсад сари курашаётгани ҳақидаги гумонлар тўлалагича исботланмади. Мен шахсан ўзим келиб чиқишим қозоқ бўлиб, қолишига ўзининг бутун ҳаётини рус ҳукумати хизматида ўтказган ҳамда ўз меҳнатига эвазига Георгий хочининг барча даражаларига эга бўлган кишининг ўғли сифатида ҳеч қачон сартларнинг қандайдир фирқаларида иштирок этишим мумкин эмас, агарда шундай фирқалар мавжуд бўлганида ҳам менинг тарбия топишим ва олган билимим бўйича менга шу нарса аниқ ва тушунарлики, Россиянинг улуғлигини бирор нарса билан тенглаштириб бўлмайди ва Россия қудратини ҳеч нарса бука олмайди. Мен ва акам Муҳаммаджон бутун хизматимиз давомида ножўя танбеҳ олган эмасмиз.

Бундан ташқари, ўзим етарли маълумотга эга бўлмаганимдан, аммо маълумотли бўлишнинг фойдасини тушунганлигимдан ўзимнинг энг охирги маблағларим, имкониятимни ишга солиб, укамни Андижондаги эркаклар прогимназиясида ўқитмоқдаман.

Бу тўғрида Сиз олий ҳазратлари Андижон шаҳрига келганингизда ҳам хабар топгансиз.

Ушбуларни баён этиб, Сиз олий ҳазратларидан бизларни хизматга тилаб қўйиш тўғрисида фармон беришингизни, борди-ю бунинг имкони бўлмаса мазкур иш бўйича расмий ва оғзаки текширув ўтказишни итоаткорлик билан илтимос

қилишни шарафим, деб биламан. Бу ишни расмий текшириб чиқишда бизга қўйилаётган айблар қандай бўлмасин исботланмайди.

Биз ўз томонимиздан бу нотўғри ишни қўзғаган шахсларни топишга ҳамда яхши номимиз ва обрўйимизни тиклашига кўмаклашишингиз мумкин. Скобелев шаҳри, 1917 йилнинг 24 февраль куни. А.Б. Ўразалиев.[1]

Юқоридан шу нарса аниқ ва равшанки, А. Ўразалиев Андижонда «Тараққийпарварлар» фирқаси бўлмаганини, шу туфайли ўзи ҳам бундай фирқага мансуб эмаслигини ҳар жиҳатдан «асослаш»га уринган, бунга А.Н.Куропаткинни ишонтирган ҳам, А, Ўразалиев бор ҳақиқатдан кўз юмишга мажбур бўлиб, шу йўл билан жон қутқазмоқчи бўлганди. Фикримизни исботловчи бошқа далиллар ҳам бор. Собиқ Иттифоқ Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги архивда А.Б.Ўразалиевнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди сақланиб қолган. У 1925 йил 6 июлда Москвада Хитойга дипломатик хизмат сафарига жўнаш олдидан ёзган шахсий варақаси анкета саволларига жавоб ёзган Акбар Бойтурсинович Андижон шаҳрининг Қорабура кварталида 1890 йили туғилган, миллати қозоқ-айсоқ, она тили – қозоқ ва ўзбек тиллари, ерсиз чўл кишисининг ўғли, асосий касби мирзачилик ва тилмочлик, бу соҳада 1907 йилдан 1916 йил сентябригача хизмат қилган, маълумоти – Андижондаги рустузем мактабининг 3-синфини тамомлаган, сўнгра Қўқон шаҳридаги шаҳар билим юртининг 4-синфини битирган. 1918 йил декабрдан большевиклар партияси аъзоси эканлиги айтилган.

«Ўтмишда қандай партияга мансуб эдингиз?» деган анкета саволига шундай жавоб ёзган эди: «1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳоди ва тараққий» яширин ташкилоти аъзоси бўлганман».

Февраль инқилобидан сўнг, 1917 йил июнида унинг фаолиятида кескин бурилиш бўлади. Кўп йиллар масъул лавозимларда ишлайди.

1925–1927 йилларда дипломатик иш билан шуғулланиб, Хитойда элчихонда хизмат қилади.

[1] ЎзССР Марказий Давлат архиви, 1-фонд 31-рўйхат 1114-иш, 71–72 варақлар.

1928 йил октябрда уни Фарғонага вилоят банки бошқарувчиси қилиб юборади. 30-йиллар бошида Андижондаги Д.И.Манжара номли артелга раҳбарлик қилади. 1937 йили репрессия қилинди, 1947 йили қамоқхонада вафот қилди.

1959 йили реаблитация қилинди, Андижон кўчаларининг бирига унинг номи қўйилган.

Профессор Бегали Қосимов шундай деб ёзади: «Аксарият жадидларнинг фаолиятлари фидойилик намуналари эди. Улар орасида «кофир»лик тамғасини олмаганлари жуда кам». Ўшандай «кофир»лик тамғасини олганлардан бири Қўчқор Олимов эди. У шаҳарнинг Кигизчилар маҳалласида таваллуд топган, эски мактабда, рус-тузем мактабида ўқиб, Туркияда ҳам таҳсил кўрган эди. У Андижонда жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашди, европача ўқиш ва ўқитишни, илму фанни, илғор техника, ҳур фикрни кенг тарғиб этади.

Қўчқор Олимов Андижоннинг ўша вақтдаги энг маданиятли кишиси эди. Андижон вилояти давлат архивида Қўчқор Олимовнинг онаси Нусрат буви Мусабоевага ўғлининг ҳалок бўлиши муносабати билан нафақа тайинлаш учун тайёрланган шахсий иши сақланмоқда.

Андижондаги жадидчилик ҳаракати ҳақида сўз кетаркан, 1917 йили Тошкентда Ғуломҳасан Орифжонов босмахонасида литография усулида рисола холида чоп этилган «Турк одами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси» ва «Турк одами марказият фирқасининг Низомномаси» диққатга сазовордир. Бу ҳар икки ҳужжат 1917 йил сентябрида Тошкентда Туркистон ўлкаси мусулмонлари III қурултойида қабул қилинганди ва уларда бўлажак мустақил Туркистон халқ жумҳуриятининг бутун бир мақоми, тизилмаси ўз ифодасини топганди. Бу маромнома ва Низомнома қонунларини биргалашиб ёзган 14 улуғ зотлардан 5 нафари андижонликлар эди. Бу зотлар Мулло Муҳиддин, Маҳмуд аълам Мулло Муҳаммад, Мулло Боқиохун домулла Одилбой ўғли, мударрис Мулло Нуриддин аълам Йўлдошхўжа Эшон ўғли, Мулло Муҳаммаджон бойбачча Камолжонбоев, Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбегиев эдилар.

Шунингдек, 14 муаллиф орасида Туркистон жадидларнинг сардорлари Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Мулло Маҳмудхўжа Беҳбудийдек зотлар ҳам бор эдики, бу андижонлик жадидларнинг мавқеи анча юксак бўлганлигидан нишонадир.

Андижон жадидлари фаолиятига оид бу каби ноёб ҳужжатлар, ўрганилмаган мавзу, воқеалар жуда кўпдир. Уларни тўла-тўкис ўрганиш, жамлаш, умумлаштириш, бир сўз билан айтганда, Андижондаги жадидчилик ҳаракати тарихини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирларининг саволларига берган жавобида шундай сатрлар бор: «Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини эслайлик». Ғоятда тўғри, одилона бу сўзларни ўқир эканман, кўз ўнгимда кўҳна Туркистон инжуси ҳисобланмиш Фарғона водийсидаги гўзал Андижонимиз тараққийпарвар зиёлиларининг маънавият ва маърифат бобида олиб борган ва ҳар қандай таҳсинга сазовор, ибратомуз фаолияти намоён бўлмоқда. Сизу-бизнинг аждодларимиз бўлмиш ўзбек зиёлилари миллатни, ўзликни сақлаш, асраш учун, энг аввало, уни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, уни саводли, дунёвий, замонавий билимли қилиш учун изланганлар, интилганлар, ташаббус кўрсатганлар. Бу муқаддас ишга ўзларининг бутун борлиғини бағишлаганлар. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик қаттол советларнинг кескир тиғидан ҳалок бўлганлар. Биз ана шу буюк инсонлар ҳақида сўз очишни лозим кўрдикки, шояд ҳозирги Андижон аҳли, айниқса, ёшлари ўз аждодлари, ўтмишдошларининг Ватан, миллат тақдири, истиқлоли, истиқболи йўлидаги ибратли кураши, ҳаётидан сабоқ ва ўрнак олсалар.

«Ёш ўзбеклар», «Ғайрат», «Гап» жамиятлари. XIX аср охири XX аср бошларида бутун Туркистонда катта ижтимоий-сиёсий куч сифатида жадидчилик (янгилик тарафдорлари) ҳаракати майдонга келди. Бу ҳаракатнинг вужуд-

га келишида хорижий мамлакатлардаги турли хил илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний оқимларнинг маълум даражадаги таъсири бўлса-да, аммо бу миллий уйғониш ҳаракатининг юзага келишини таъминловчи асосий омил, замин ва шароит шу ўлканинг ўзида етилиб, пишган эди.

Қолоқлик ва жаҳолат, аҳолининг аянчли аҳволи, Туркистонни Оврупа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, Ислом ва шариатнинг оёқ-ости қилиниши ва бундай оғир аламли ва фожиали ҳаётдан қутилиши, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли, мунавварларида фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Хуллас, жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга, ривожланишнинг объектив талаб ва эҳтиёжига айланганди. Жадидчилик улкан ижтимоий-сиёсий оқим, ҳаракат эди. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожиали оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлиғини, ақлу заковатини, онгли ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шаклланган эди. Ана шу авлоднинг катта бир қисми Андижонда ҳам таркиб топди.

Бу ерда тараққийпарварлар фирқаси ташкил топиб, у бутун Туркистонда ўз ташкилотларига эга бўлди. Бу фирқа миллий буржуазия ёрдамига таяниб, рус демократлари билан иттифоқ тузиб, чоризм ва унинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борди. «Тараққийпарварлар» фаолияти мустамлакачи маъмурлар, махфий сиёсий полиция, сўнгра Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ)нинг хуфия ҳужжатларида маълум маънода ўз ифодасини топган.

Миллий озодлик ғояси ва аҳоли кайфиятини ўрганиш ва бу соҳада зудлик билан чоралар кўриш учун Россия ички ишлар вазири Туркистонга, сиёсий иғвогарликлар устаси, алоҳида жандармлар корпуси полковниги Н.А.Васильевни катта ваколатлар билан жўнатди. Бу империянинг Туркистонга йўллаган биринчи десанти эди. Полиция департаменти Туркистонда жандарм-миршабчилик хизматини йўлга қўйиш учун сиёсий изқувар Леонид Квицинский бош бўлган бир гуруҳ жандарм зобитларни ҳам зикр этилган десантга кўмак учун юборди. Ўша 1907 йили юқорида эслатиб

ўтганимиз француз армияси майори Лякостнинг 1906 йилнинг мартидан 1907 йилнинг мартигача Туркистонда, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонда бўлгани, Ўрта Осиёга оид ҳисоботи Парижда эълон қилинди. Бу бутун Оврупода катта қизиқиш уйғотди. Ҳисоботдаги фикрлардан Санкт-Петербургнинг олий доиралари ҳам хавотирга тушган эдилар. Майор Лякост рус мустамлакасидаги сиёсий кучларга разведкачига хос зийраклик билан баҳо берган. У бир йиллик кузатуви асосида Туркистонда таъсирчан «Ёш сартлар» (Россия ҳукмдорлари Туркистон жадидларини ана шундай номлашган) фирқаси мавжудлиги, у ўз миллий дастурига эгалиги ва фирқа рус мустамлака тузумига қаршилик кўрсатишга қодир эканлигини ёзган эди.

Француз зобити «Ёш сартлар» номи остида жадидларни назарда тутгани мустамлакачиларга аён эди. Шу боис Бош штаб, Туркистон ҳарбий округи штаби разведка бўлими жадидларга эътиборини кучайтирди.

Ҳаттоки, советлар ҳокимияти ўрнатилган бир пайтда ҳам «Ёш сартлар» партияси комфирқа арбоблари томонидан тилга олинган. Москвадан келган вакил П.А. Кобозев 1918 йилда Ленин ва Свердловга йўллаган хатида «1917 йил инқилобига қадар Туркистонда «Ёш сартлар» фирқаси фаолиятда бўлганлиги, унинг аъзолари эса катта маблағ ва оврупача маълумотга эга эканини, ҳамма шаҳарларда бундай тўгараклар ишлаб турганини ёзган. Ўша махфий «Ёш сартлар» ташкилотининг фаолларидан бири Акбар Бойтурсунович Ўразалиев Москвада Хитойга дипломатик хизмат сафарига жўнаш олдидан 1925 йил 6 июлда тўлдирган шахсий варақасининг «Ўмишда қандай партияга мансуб эдингиз?» деган саволига «1914 йилдан 1917 йилгача ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққий» яширин ташкилот аъзоси бўлганман», деб ёзган. Фозилбек Отабек ҳам сўроқ варақасининг «Инқилобгача ва инқилобдан кейинги даврда қандай нашрларда ишлагансиз?» деган саволига ҳеч иккиланмай «Инқилобга қадар ҳам инқилобчи бўлганман, инқилобий ғояларни тарқатганман», деб ёзган.

«Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) архивида Мирза Аҳмад Қушбегиевнинг «Тараққийпарварлар жамия-

ти ғоялари очерки» деб номланган маълумотномада шундай дейилган: «Тараққийпарварлар жамиятининг бош ғояси ёш турклар тараққиётига тақлид этишдир. Уларнинг режаси халққа сиёсий ва ички эркинлик бериш, аҳоли ўртасида ўз эътиборларини улар сиёсат ва дин заминидаги ҳаракатлар билан амалга оширишни режалаштиришган. Улар ўзларини халқни рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан халос этишга қаратилган сиёсатни олиб борувчилар қилиб кўрсатишга интилишади, рус тили ва маълумотини эгаллаган ва рус элементлари доирасида юрувчи ёшларнинг кўпчилиги уларга ҳайрихоҳ ва ғояларини тарқатишда яқиндан ёрдамлашади».

ТРМБ «тараққийпарварларидан» энг хавфлиси деб Убайдулла хўжа Асадуллахўжаевни билган. Махфий айғоқчи таърифича у «рус тили ва маълумотини эгаллаган ёшлардан» эди. Убайдуллахўжа Асадулхўжаев асли Тошкент шаҳрининг эски Қорёғди маҳалласида дунёга келган, рус-тузем мактабини битирган, келиштирувчи суд идорасида тилмоч сифатида фаолият бошлаган. Махфий полиция раҳбари Андижонда чиқаётган «Туркестанский голос» газетаси ва унинг атрофидаги тараққийпарварлар тўғрисида аниқ маълумотларга эга эди. «Таҳририят таркиби, – деб ёзган эди агентура, – бу газета йўналишини яққол кўрсатади... Убайдулла хўжа Асадуллахўжаев Тошкент сартларидан, қонуншунос, Андижонда яшайди ва ишлайди. Газета ходими ва пайчиси. Эътиқодли панисломчи сифатида Туркистон район муҳофаза бўлими томонидан 1913 йили рўйхатга олинган. Ўша йили Саратовдан Тошкентга қайтган Убайдулла қисман адвокатлик, асосан эса тарғиботчилик билан шуғулланган. У «Умид» деб аталган илғор мусулмонлар гуруҳига бош бўлди. Унинг ҳаракатлари туфайли Тошкентнинг эски шаҳар қисмида китоб савдоси ташкил қилинди. Маҳаллий тилда сўл йўналишдаги газета нашр қилишга мўлжалланган ширкат тузилди. Газетани нашр қилиш бўйича ғайрати бекор кетмади. 1913 йил 21 декабрда унга Тошкентда маҳаллий тилда «Садойи Туркистон» номида газета чиқаришга рухсатнома берилди. ...Газета 1914 йил февралидан чиқа бошлади. Худди ўша йили Тошкентда Убайдулла Хўжаев раҳбарлигида саҳнада «Падаркуш» пье-

саси қўйилди. 1914 йилдан Хўжаев Тошкент мужоҳидлари сафига қўшилиб, ўлкада Россия ҳукмронлигига қарши қаратилган тарғиботчилик фаолиятини махфий равишда давом эттирди. «Садойи Туркистон» газетаси ёпилгандан сўнг Хўжаев Андижон шаҳрига келиб адвокатлик қилди.

1 июлдан «Туркестанский голос» газетасида ҳамкорлик қилади. Андижонга келган У.Хўжаев бу ердаги тараққийпарварлар ва рус журналистлари билан яқинлашиб, ҳукуматга қарши қаратилган фаолиятни давом эттиради.

Тошкент, Қўқон ва Андижондаги жадидларнинг ташкилотларида ўзбек буржуазиясидан ташқари, рус савдосаноат фирқалари вакиллари, шулар қаторида инқилобий фирқа аъзолари ҳам борлиги ҳақида полковник Волков хабар топган эди. Волков ўз агентурасининг яна бир ахборотини ҳам диққат билан ўрганди. Бу ахборот Убайдулла Хўжаев бош бўлган Тошкент жадидлари Андижондаги «Тараққийпарварлар» фирқаси билан бирлашгани ва уларнинг орасида туманбошининг тилмочлари Сулаймон Келгинбоев, Акбар ва Мадамин Ўразалиевлар ҳамда Убайдулланинг укаси Башурилла Хўжаев муҳим роль ўйнаши кўрсатилиб, улар билан маслакдош бўлган рус журналисти Вадим Чайкин ҳокимиятга қарши маҳаллий ёшларни уюштираётгани маълум қилинган эди. Андижондаги «Ёш ўзбеклар», яъни «Тараққийпарварлар» фирқасининг бевосита таъсири ва ёрдами билан «Ғайрат» номи билан яна бир янги жадидчилик жамияти юзага келди. Агентуранинг бир тармоғи полковник Волковга шундай ахборот йўллаган: «Чайкиннинг фикрича, бош мақсади маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган «Туркестанский голос» газетаси ўзининг пайларидан кўпини (25 минг сўми) Қўқон шаҳридаги «Ғайрат» деб аталмиш маҳаллий мусулмон маърифатчилар жамиятига жойлаштиришга муваффақ бўлди. Бу жамият Андижон шаҳридаги 1916 йил октябрь бошларида «Туркестанский голос» таҳририяти раҳбарлигида сартча (ўзбекча – Р.Ш.) матбуот органини нашр қилишга киришмоқчи». Мазкур масалани узил-кесил ҳал қилиш учун 4 октябрда «Ғайрат» жамияти аъзоларининг шошилинч мажлиси чақирилди. Мажлисда жамият уставига баъ-

зи ўзгартишлар киритиш, пай капиталини 12500 сўмдан 50000 сўмга етказиш, хусусий босмахона сотиб олиш ва мусулмонча газета чиқариш масалалари муҳокама қилинди. «Туркестанский голос» газетаси таҳририяти «Ғайрат» жамиятига ўзининг хусусий нашр органини Андижонда эмас, балки Қўқонда «Туркестанский край» газетаси («Утро Ферганы», «Ферганская жизнь» газеталарининг давомчиси – Р.Ш.) таҳририяти раҳбарлигида чиқаришни таклиф қилди. Агар «Ғайрат» жамияти бу газета пайларининг маълум қисмини оладиган бўлса, унинг босмахонасидан фойдаланиши мумкинлиги ҳам айтилган. Бу масала ҳал бўлиш арафасида «Ғайрат» жамияти ҳозирча «Туркестанский голос» газетасининг 25 минг сўмлик пайларини сотиб олди.

«Туркестанский голос» газетасига обуна йиғиш учун Андижондан газета котиби Николай Михайлович Наринский (тахаллуси Туркестанский, Саламатин) Қўқонга жўнаб кетди. У Наманган, Скобелевда ҳам бўлиб, «Ғайрат» жамияти аъзоларидан бошқа кўплаб обуначиларни топди».

Қўқонда 9 октябрда Обиджон Маҳмудовнинг уйида «Ғайрат» жамияти аъзоларининг иккинчи йиғилиши бўлиб, унда Қўқонда хусусий босмахона очиб, ўзбек тилида мусулмонча газета чиқариш масаласи муҳокама қилинди. «Бой сартлар, – дейилади агентура маълумотларида, – бу тадбирга маблағ бериш ҳақида розилик билдиришган. Бу ишда, 1914 йилда илғор йўналишдаги «Садойи Фарғона» газетасини нашр қилган Обиджон Маҳмудов салмоқли таъсирга эга. У бой, мулкдор, айёр ва тадбиркор киши... У кўп марта йиғинларда Туркистон ўлкаси руслардан озод бўлиши кераклиги ҳақида гапирган».

ТРМБ бошлиғи полковник Волков 1916 йил 4 ноябрда Туркистон генерал-губернаторига, Фарғона вилояти генерал-губернаторига йўллаган махсус билдиришномасида «Ғайрат» жамияти демократик ташкилот, у маҳаллий аҳоли орасида қизғин фаолият кўрсатаётгани ва у билан ҳисоблашишга тўғри келаётгани, шу боис бу жамият фаолиятини муҳофаза бўлими ўз назоратидан қочирмаётганини баён қилади.

Андижондаги «Ёш сартлар», яъни «Тараққийпарварлар» фирқасининг бағрида яна бир яширин сиёсий жамият юзага келди. Атоқли адиб, ҳамюртимиз Комил Яшин умрининг охирларида ўзбек халқининг буюк фарзанди, юртдошимиз Чўлпоннинг «Андижонда инқилобга қадар кўрсатган ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақидаги» материални адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновга тақдим қилган.

Бу ҳақда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1999 йил 25 июнь)да «Адабиётимизнинг жонли тарихи эди» номли мақола чоп этилди. Ўша тарихий ҳужжатни шарҳларкан Комил Яшин шундай деб ёзган: «Андижонда чоризмга қарши яширин сиёсий жамият «Гап» бўлиб, унинг фаол ташкилотчиларидан бири Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) экан.

Тазкирада номи шарифлари зикр этилган тараққийпарвар зотлардан бошқа бу «Гап» деган ном билан иш кўрган жамиятга яна бир қанча зиёлилар, чунончи: Муҳаммаджон ҳожи, Ҳакимжон (Маъруф Ҳакимовнинг отаси), Олимжон Яъқуб Саркаровлар ва уларнинг биргаликда рус-тузем мактабида ўқиган қадрдон дўстлари – Салоҳиддин Ашуралиев, Қаландар Девонабоев, олим ва драматург Иззат Султоннинг акаси Раҳматулла Султонов (Чўлпон бу киши вафот этганда унга бағишлаб марсия ёзган эди). Ўш шаҳридаги тараққийпарвар арбоблардан Мирзафозил Қосимбековлар ҳам аъзо бўлган эканлар.

Демак, шоир Чўлпон фақат зулмга қарши шеър ёзиш билан чекланмай, оғир кишанларни, баланд дорларни, совуқ ва узоқ Сибирь азобларини ҳам писанд қилмаган мард, фидокор шоир экан». Яшин домланинг бу мактубини ўқиб чиққан Озод Шарафиддинов ҳаяжон ила шундай ёзади: «Буни қарангки, Чўлпон 1914–1915 йиллардаёқ, яъни 17–18 яшарлигидан бошлаб мустабид чоризм зулмига қарши курашга қўшилган, унинг теварагида эса ўша даврдаги етук зиёлилардан бир қанчаси бўлган экан...»

Хуллас, бу икки забардаст адиб ва олимларнинг ёзишмалари Андижонда ташкил топган «Гап» яширин жамияти ва унинг аъзолари фаолияти, тақдирини излаш, чуқур ўрганиш ва оммалаштириш вазифасини қўйди. Бу муаммокалавадаги ипни топишда жадидчилик ҳаракати сардорла-

ридан, катта давлат арбоби ва забардаст олим Аҳмад Заки Валиди Тўғоннинг 1913 йилда Андижонга келиб Чўлпон хонадонида бўлиши ҳам хизмат қилса керак. Бу улуғ зот ўз «Хотиралари»да шундай ёзган: «Туркистонда танишган шахслар орасида Назир Тўрақулов билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўст бўлдилар... кейинроқ ўзбекларнинг энг буюк шоирига айланган Чўлпон ўша вақтда 15 ёшларда бўлган бўлса керак. Менга тарих китобимни ўқиб, илҳомланганлиги ва фикрдош қилишимни айтиб, хат ёзди. Андижонга, уйларига таклиф қилди... Буюк ўзбек шоирининг ўзи билан ҳам, унинг меҳмондўст отаси билан ҳам танишиб олдик... Сулаймон ака билан хайрлашдик, у кишининг менга қилган совғаларини онамга олиб бордим...»

Убайдулла Хўжаев топшириғи билан Тошкентдан Андижонга келган маърифатчи-журналист, мураббий Мўминжон Муҳаммаджонов Чўлпон билан яқиндан боғланган эди. 1916 йилда Чўлпон билан биринчи бор учрашганини эслаб, у шундай ёзган: «Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб турар эди». Унинг эсдалигидаги яна бир муҳим жиҳат шуки М.Муҳаммаджоновнинг Андижонга келишидан мақсад аввалида чиқаётган, лекин тўхтаб қолган миллий нашрларни Фарғона водийсида рус тилида чиқадиган (масалан, «Туркестанский голос» – Р.Ш.) газета ёнида шакллантириш бўлганлигидир.

Маърифат учун кураш. Андижон тараққийпарварлари бутун Туркистон жадидлари каби миллий, ижтимоий истибдоддан қутилиш, эркин ривожланишга эришиш маърифат орқали юз беришини яхши англаганлар. Улар ишни, энг аввало, маърифатчиликдан бошлаб, кенг халқ оммасини саводли қилишга, жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб, янги усулдаги жадид мактаблари очдилар. Самарқанд, Тошкент, Қўқондаги каби бундай мактаблар Андижонда ҳам очилди. 1899 йили биринчи бор биринчи бор Андижонда Шамсиддин домла томонидан жадид мактаби очилди. Бундай мактаблар 1917 йили ўлкада 100 га етганди. «Маориф

ҳаваскорлари» жамияти, «Маориф нашри» ташкил этилди. Бу ишларда Чўлпон, Усмонхон Эшонхўжаев, Фозилбек Отабеков, Ҳусанхон Ниёзий, Акбар Ўразалиев, Санжарбек Қосимбековлар фаоллик кўрсатдилар. 1917 йили Чўлпон томонидан Эски шаҳарда «Турон кутубхонаси» очилди, унинг ёнида катта бир қироатхона ишга тушди. Хорижий манбалардан бирида шундай ёзилган: «Кенг маъруза зали бўлган бу қироатхонанинг бошқарув ҳайъатига Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили Ҳусанхон Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, Зоҳирий Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Маҳдумлар сайландилар. Қироатхона мактаб вазифасини бажарар эди.

Миллий театр. Жадидлар халқни маърифатли қилиш, оқу қорани танитиш, уни илғор ғоялар билан тарбиялаш мақсадида биринчи бор миллий театрлар ташкил қилдилар. Убайдулла Хўжаев, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков ва бошқалар «Турон» жамиятини туздилар. Унинг шўъбаси Андижонда ҳам ташкил бўлди. Жамиятнинг низомида шундай ёзилган: «Халқ орасида жадидий ва саҳна ишига ҳамда хайрияга муҳаббат уйғотиш, халқ учун спектакль қўйиб, соғлом томоша кўрсатиш, Туркистон ўлкаси ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш». 1913 йил июнь-июль ойларида «Турон» труппаси ўзининг норасмий спектаклини кўрсатди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг биринчи мавсуми расмий очилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси катта муваффақият қозонди. Пьеса миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этди. Тошкент труппаси бутун Фарғона водийсини айланиб чиқди, ҳар бир шаҳарда театр томошаси қўйилди. «Бу вақтларда, – деб ёзганди Абдулла Авлоний, – бизнинг мақсадимиз ҳозирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди».

Яқиндагина нашр юзини кўрган тадқиқотчи Шуҳрат Ризаевнинг «Жадид драмаси» китобида бу ҳақда мана бу сатрлар бор: «1914 йилнинг 6 июнида Андижоннинг «Люкс»

театрида ҳам «Падаркуш» фожиаси ўйналди. Бу спектакль ташаббускорлари Андижоннинг ўз кўнгилли ёшлари бўлиб, улар орасида Эшонхон Маҳдум, Мулла Эргаш ҳожи, Зиёйиддин каби кишилар бор эди. Бу труппа яна ўша озарбайжонлик актёр ва режиссёр Алиасқар Асқаров етакчилигида тузилиб, фаолият кўрсатди. Унинг «Падаркуш» спектаклидан тушган маблағ «Садойи Туркистон» жаридасининг 20-сонида ёзилишича, 1500 сўмни ташкил этиб, шундан бир қисми Андижонда қурилаётган «қизлар гимназияси»га берилган, қолган қисми эса бошқа ҳайрли ишларга сарфлаш мақсадида банкка қўйилган. Хабарда бошқа тафсилотлар келтирилмайди. Лекин тушган маблағнинг миқдорига қараганда, спектаклга жуда кўп томошабин қатнашган».

Мустамлакачи ҳукмдорлар «Падаркуш» пьесасини қўйилишидан ваҳима-ю, саросимага тушгандилар. Шу боис улар «Падаркуш» пьесасини қўйганларни «падаркушчилар» деб аташган. Жадидларни шундай номлаш жоҳил уламолар ва бидъатчи унсурлар орасида ҳам расм бўлиб кетди. Туркистон район муҳофаза бўлими агентураси «падаркушчилар» изидан астойдил тушиб, уларнинг чоризмга қарши кураш олиб бораётган яширин жамият аъзолари деб билди. 1917 йил январида Андижонга Тошкентдан соқчилар бўлими бошлиғи бир гуруҳ терговчилар билан келиб станциядаги махсус вагонда шубҳа қилинган ўнлаб одамларни тергов қилди. Тергов натижалари беиз қолмади. Айрим тараққийпарварлар жазоланди, лавозимларидан бўшатилди. Шундайлардан ака-ука Акбар ва Мадамин Ўразалиевлар эди. Улар Андижон уезди келиштирувчи судида тилмочлик қилардилар. 1917 йил 6 январда Скобелев округ суди махфий полиция тақдим этган «айблов»лар асосида фармойиш билан бу ака-укаларни ўз вазифаларидан бўшатади. Акбар Ўразалиев 6 февралда Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга биз юқорида келтирган ариза билан мурожаат қилиб, масалани одилона текширишни талаб қилади. Натижа бўлмагач, у 24 февралда яна шикоят ёзади. Аммо бу уринишлари беҳуда кетади.

Матбуот. Жадидлар миллий уйғониш даврига хос ва мос миллий матбуотни ҳам оёққа турғиздилар. Биринчи бор

ўзбек тилида «Тараққий», «Шуҳрат», «Хуршид» газеталари чоп этилди. «Садойи Туркистон» газетаси Тошкентда чиқа бошлади. Фарғона водийсида жадидчи Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида 1914 йилдан «Садойи Фарғона» газетаси чиқиб турди. Унинг саҳифаларида бутун водийда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаёт ўз аксини топиб борган. Бу вақтда Андижонда газета чиқариш имкони бўлмади. Андижон тараққийпарварлари Тошкент, Қўқонда чиқаётган жаридаларда ҳамкорлик қилиб турдилар. Бу борада Чўлпон ижодини кўрсатиш мумкин. Унинг матбуот юзини кўрган илк шеър, ҳикоялари «Садойи Туркистон, «Садойи Фарғона» газеталарида эълон қилинган. «Туркистон қардошларимизга» номли шеъри «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 3-сонида чоп этилди. Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Доктор Муҳаммадиёр» номли ҳикоялари ва бошқа мақолалари «Садойи Фарғона» саҳифаларида босилди. Чўлпон бу газетанинг Андижондаги обуначи ва эълон қабул қиладиган вакили ҳам эди. Жадидчилар Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳирий раҳбар бўлган «Садойи Фарғона»да андижонлик тараққийпарварлар фаол иштирок этдилар. Турмушда мавжуд бўлган хилма-хил камчилик, нуқсонларни фош этиш орқали маҳаллий аҳоли миллий онгининг ўсишига хизмат қилувчи хат ва хабарлар ҳам мунтазам газетадан ўрин олиб турган.

Қўқонда чиқиб турган «Утро Ферганы», «Ферганская жизнь», «Туркестанский край» номли русча газеталарда ҳам андижонлик илғор ёшлар рус тилида хат ва хабарлар чиқариб турганлар. 1916 йил 1 июлдан Андижонда биринчи бор рус тилида «Туркестанский голос» газетаси чиқа бошлагач, тараққийпарварлар бу газета тевараги да мустаҳкам жипслашиб иш олиб бордилар.

Газетанинг муҳаррири Анастасий Афанасьевич Чайкин Андижонда ҳовли-жойли, йирик асаларичилик хўжалигига эга киши. Ўзаро ёрдам жамияти раиси, шаҳар ҳарбий-саноат қўмитаси аъзоси эди.

Газетанинг фаол ходимларидан бири Убайдулла Хўжаев эди. Кейинчалик редакция таркибида 17 ёшли Усмонхон

Эшонхўжаев ва Абдуллажон Йўлдошбоев ҳам фаолият кўрсата бошладилар.

Газета фаолиятида профессионал журналистлар ҳам иштирок этишган, хусусан, Полтава шаҳрида чиққан газетанинг собиқ муҳаррири Н.М.Норинский ушбу газета саҳифаларида «В.Л. Туркестанский» ва «Ю.Саламатин» тахаллуси остида мақолалар бериб борган.

Бу газета Андижондаги рус демократлари билан маҳаллий миллат жадидчиларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли дунё юзини кўрди.

Айниқса, А.А.Чайкин билан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевлар газетанинг асосчилари эди. Газетанинг номига эътибор беринг. У «Туркестанский голос» деб номланган. 1914 йил февралида Тошкентда Убайдулла Хўжаев ташаббуси билан ва унинг муҳаррирлигида «Садойи Туркистон» газетаси чиқа бошлаган ва 1915 йили у ёпилган, шундан сўнг унинг муҳаррири Андижонга келиб фаолият кўрсата бошлаганини эсласак, У. Асадуллахўжаев «Садойи Туркистон»ни рус тилида «Туркестанский голос» номи остида чиқаришга муваффақ бўлгани маълум бўлади. Ўша махфий полициячи полковник Волков 1916 йил 4 ноябрда Туркистон генерал-губернаторига йўллаган махфий хатида «Туркестанский голос» газетасининг бош мақсади аксарият ўлка тузем аҳолисининг манфаатини ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишдан иборат бўлганини, бу газета бутун Фарғона тузем аҳолиси орасида жуда ҳам оммалашиб кетганини, газетанинг ғоялари Андижон шаҳри, умуман, бутун Фарғона вилояти тузем аҳолисининг барча қатламларига кириб борганини таъкидлаган.

Газета жадидчилик руҳида бўлгани унинг саҳифаларида кўтарилган мавзулар, муаммолар, хат ва хабарлар ҳам ёрқин ўз ифодасини топган. Газетада 1916 йилги воқеалар тафсилотига катта ўрин берилган. «Мардикорлар талаби», «Ишчи туземецлар йўлда», «Ишчиларни жўнатишга доир», «Тузем ишчилар мактублари», Андижон шаҳар ариқ оқсоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан ҳол-аҳвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисоботи, «Ўш эшелонини жўнатиш», «Жойлардан саломлар», «Йўлдан бизнинг

мухбиримиз Абдулла Йўлдошқориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборган мактублари», «Паловни соғинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмонлар», «Оренбургдан хатлар», «Ҳарбий суд», «Ажралиб қолганлар», «Суд хабарлари», «Суд залида», «Рўзи Охун Муҳаммад Назарбоевнинг иши бўйича», «Далварзин иши» каби рукнлар остида хабар ва мақолаларда 1916 йилги чор ҳукуматининг мардикор олди тадбирлари, маҳаллий аҳолининг оғир кечмиши тасвирланган. Ҳаттоки, Андижонни эски ва янги шаҳар бозорларидаги нарх-наво ва уларнинг фарқи, сабаблари ҳам очиб берилган. Бу газета Петроград телеграф агентлиги хабарларини ҳамда ўзининг Москва ва Петроградаги мухбирлари томонидан жўнатилган хабарларни чоп этган. «Туркестанский край» газетасида ёзилишича, Нью-Йорк, Париж, Лондон, Копенгаген ва Бухарест шаҳарларида ҳамда ўлка шаҳарларида «Туркестанский голос» газетаси ўз мухбирларига эга бўлган. Газета молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ўз саҳифаларида реклама ва эълонларни чоп этиб борган.

1917 йил 9 январда «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири А.А.Чайкин 3 ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилади. 22 январда газетанинг 18-сони чиқиб, 24 январда Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант А.Н.Куропаткин буйруғига биноат газета фаолияти тўхтатилган, унинг ўрнига «Туркестанское слово» газетаси А.А.Чайкиннинг рафиқаси А.А.Чайкина муҳаррирлиги ва ноширлигида чиқарила бошланган[1]. Бу икки газета «Туркистон нашриёт ширкати»га қарашли бўлиб, бу ширкатнинг эгалари ака-ука Афанасий ва Вадим Чайкинлар бўлиб, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ҳам ширкат асосчиларидан бири эди. «Туркистонский голос» газетаси фаолиятининг тўхтатилиши ҳақида «Туркестанский ведемости» газетаси 1917 йил 21-сонида хабар берган.

Хуллас, газета 1917 йил февраль инқилобига қадар фаолият кўрсатди ва у нафақат Андижоннинг, балки бутун Тур-

[1] *Шодмонова Санобар*. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870–1917 йиллар). Т.: «YANGI NASHR», 2011, 45, 46-бетлар.

кистоннинг ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Маърифатчиликдан сиёсий курашга. Жадидлар билан илғор рус демократларининг умумий душмани – чоризмга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилганликларини ҳам Андижон тараққийпарварлари ва «Туркестанский голос» газетаси ходимлари фаолиятида кўриш мумкин.

ТРМБ бошлиғи ўринбосари подполковник Розалион Сошальский 1916 йил 24 ноябрда йўллаган маърузасида қўшимча тарзда 1916 йил 14 октябрьда махфий хабар йўллайди. Унда айтилишича, Андижондаги «Туркестанский голос» газетаси биносида ҳар куни оқшомда газета муҳаррири Чайкин раислигида ўзларига «Тараққийпарварлар» номини берган йўналишдаги 20 га яқин ўзбек ёшларининг йиғилишлари ўтказилаётгани, буларда ҳозирги аҳвол ва бошқа масалалар муҳокама этилаётгани айтилган.

Полковник Волков агентураси йўллаган ахборотда Андижон тараққийпарварлари маслакдош рус журналисти Вадим Чайкин ҳокимиятга қарши маҳаллий ёшларни уюштираётгани маълум қилинган эди. Юнонлар устидан Туркиянинг ғалабасини тиловчи бу махфий жамиятнинг мақсади агент фикрича, «Маҳаллий рус ҳокимиятини ерга уриб қоралаш орқали маҳаллий халқ ўртасида обрў қозонишдир». ТРМБ махфий агенти Мирза Аҳмад Қўшчибегиев эса уни тўлдириб, «Агар бу жамият жазосиз қолаверса, у ҳолда даҳшатли кучга айланади. Халқ уларнинг қармоғига илиниб, жиловини уларга бериб қўяди», деб андижонлик тараққийпарварларнинг сиёсий куч эканини таъкидлаган.

Сиёсий эркинликка эришиш, рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан озод бўлиш асосий мақсад қилиб олинган. Уларга русча ва мусулмонча маълумотга эга бўлган Андижон ёшларининг кўпчилиги хайрихоҳ эди. Андижон уезди бошлиғи полковник Ю.А.Бржезицкий Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1916 йил 13 сентябрдаги билдиргисида «Ҳозирда аҳоли маъмурият овозига эмас, балки жаноб Чайкин, Убайдулла Хўжаев, Аҳмадбек ҳожи Темирбеков, Пошшохон Умарҳўжаев ва улар тўдаси овозига қулоқ осмоқда. Одамлар арз-шикоятлар билан маъмурият олдига эмас, балки ўшалар

ҳузурига адолат истаб бормоқда. Маъмурлар Тошкент, Андижон ва Қўқон каби йирик маъмурий марказларда тобора кучайиб бораётган «Тараққийпарварлар» фирқасидан жуда ҳайиқиб қолишди», деб ёзган эди.

Тараққийпарварлар сардори Убайдулла Хўжаев «Рус император жўғрофия жамияти» мажлисида маъруза қилиб, «Руслар бизларни ўғирлик ва жиноятга ўргатди», деган эди. Бу ҳақда «Туркестанский голос» газетаси ёзган эди. Буни ўқиган мустамлакачи шовинистлар ниҳоятда дарғазаб бўлишган.

Аҳоли томонидан адвокат Убайдулла Хўжаев номига ёзилган аризада шундай дейилган: «Ҳозирги Андижон ноҳияси бошлиғи Бржезицкий даврида, аввалари ҳам мавжуд бўлган порахўрлик, товламачилик ва зўравонлик ниҳоятга кучайиб кетди. Қонун-қоидага айланган бу системанинг хусусиятлари қуйидагича:

1. Аҳолидан ўлпон олиш ва порахўрликка маҳаллий амалдорлар: элликбоши, мингбоши ва ҳозирги бош оқсоқол Шермат Алимқулов каби маъмурият вакилларини жалб этишган.

2. Солиқ-ўлпон ундириш ва пора олиш маъмурият вакиллари томонидан бевосита эмас, балки билвосита воситачилар орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, ноҳия бошлиғининг тилмочи Юсуфжон ҳожи ҳамда приставларнинг таржимонлари воситачилик қилишади. Бу усул шундай усталик ва изчиллик билан олиб бориладики, натижада аҳоли амалдорларнинг қонунга хилоф ишлари юзасидан қилган жиноятлари ҳеч қачон адолатли ҳал бўлмаслигига кўникиб кетишган. «Бу аҳволни У.Хўжаев генерал-губернатор Куропаткинга етказган. У эса У.Хўжаевнинг талабини қондириб, Андижон туманбошисини лавозимидан четлатади. Шунингдек, мардикорликка олиш бўйича барча ишлар жадидлар раҳбарлик қилувчи «Тузем қўмитаси» ихтиёрига топширилиб, унинг раислигига У.Хўжаев, муовинлигига эса Мунавварқори Абдурашидхоновни тайинлади.

Куропаткиннинг тараққийпарварларга кўрсатган бундай ишончи тагида ётган яширин мақсадни фаҳмламаган шовинистлар бениҳоя дарғазаб бўлди.

Полковник Бржезицкий маслакдош дўсти, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи полковник Ивановга юборган хатида шундай деган: «Туземецлар сўнгги вақтда сурбетлашиб кетишди. Жаноб Хўжаевлар ва Чайкинлар «камбағал тузем аҳолини эзаётган маъмурият» устидан яна арзбозлик кампаниясини бошламоқда. Фикримизча, зудлик билан уларнинг фаолиятига чек қўйиш керак. А.Чайкин, Убайдулла Хўжаев, укаси Баширулла Хўжаев, Аҳмадбек Темирбеков, Пошшохўжа Умархўжаевларни мардикорликка жўнатиш тугагунча ўлкадан чиқариб юбориш зарур. Ўлкадаги 27 йиллик хизматимдан келиб чиқиб, шундай қатъий хулосага келдим: ёввойи туземецларга бизнинг инсонпарварлигимиз мутлақо тўғри келмайди. Фақат милтиқ найзаларигина уларни мардикор беришга мажбур қилади». 1898 йилги Андижон қўзғолонини бостиришда фаол қатнашган Бржезицкийнинг бу хулосаси полковник Ивановнинг ҳам қалбига яқин эди. Чунки у Жиззах қўзғолонини ваҳшиёна бостирган, жазо отрядлари қўмондони бўлган ва кўрсатган «жасорати» учун генераллик мансабига кўтарилган полковник Иванов ўша вақтда халқ орасида машҳур бўлиб кетган «Бир рус солдати этиги пошнаси мингта туземец аблаҳдан афзал», – деган иборанинг муаллифи эди.

Шовинист Иванов жадидларни, айниқса, Убайдулла Хўжаевни ўлгудек ёмон кўрарди. У бор воситаларни ишга солиб тараққийпарварлар устидан жиноий иш қўзғади. Шахсан ўзи кузатув ишларини олиб борди. 162 варақни ташкил этган маълумотномасида тараққийпарварларни рус инқилобчилари билан ҳамкорлиги хунук оқибатларга олиб келиши ҳақида маълумот тўплаб ўлка ҳукмдори Куропаткинни қўрқитмоқчи бўлди. «Хўжаев ўз таъсирини кучайтириш учун, – деб ёзган эди Иванов, – Андижондаги Келгинбоев тўдаси билан битим тузиб келиб, тайёр ташкилотга бош бўлиб олди. Келгинбоевнинг Хўжаев билан иттифоқига «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири махфий фуқаро А.А.Чайкиннинг укаси Вадим Чайкин ва ўз ходими яҳудий Илья Яковлевич Шапиро билан жон-дили билан киришган ва у билан тил бириктирган».

«Бу ўзбеклар, – дейилади ТРМБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Розалион Сошальскийнинг 1916 йил 24 сентябрдаги билдиргисида, – Андижон шаҳрининг Эски қисмини ўзаро бўлишиб олишган ва ҳар куни ўз жабҳаларини айланиб чиқадилар ва аҳолидан ҳол-аҳвол сўраш маъносида қандайдир шикоятлар йўқми деган саволлар ҳам беришади. Бошқача қилиб айтганда уларнинг ўзлари аҳоли вакилларига бирор нарса бўйича шикоят ёзишликка шама қиладилар. Кечқурун таҳририятда тўпланишиб Чайкин ва унинг ёрдамчилари жумладан, ҳуқуқшунос Шапиро иштирокида йиғилиш ўтказадилар».

Чайкиннинг генерал-губернаторга йўллаган телеграммаси бўйича Андижон шаҳрининг катта оқсоқоли ишдан олинган вақтдан бери Чайкиннинг аҳамияти янада кўтарилиб кетди. Шундан бери Чайкин генерал-губернатор бизнинг томонимизда ва у, Чайкин маъмуриятдаги ҳар қандай амалдорларни хизматидан ҳайдаши мумкин, деб юрибди. Деярли ҳар куни «Туркестанский голос» газетаси таҳририятига келиб, йиғилишда қатнашаётгани, «Тараққийпарвар»чилардан ҳозирча қуйидагилар маълум: Олимжон ҳожи Мирза Юсупов, Асака волости бошқарувчисининг собиқ мирзаси, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев савдогар, Миркомил пассажида ўзининг мануфактура (газлама) дўконига эга, Мирали Умарбоев, шаҳар ноиби, Латифжон Маҳдум Қозиев, Андижон шаҳар 2-қисмида ҳоким тилмочи, Олимжон ҳожининг қариндоши, Қўчқорбой Алимов, Мирали Умарбоевда приказчик, Отахон Назарбоев, хусусий китоб дўконига эга. Мирҳайдар Миркомил Мирмўминбоев уйи ёнидаги газмол магазин эгаси.

Полковник Иванов шахсан ўзи ва маслакдошлари номидан Убайдулла Хўжаев ва унинг сафдошларини дарҳол ҳибсга олиш, Туркистон ўлкасидан бутунлай чиқариб юборишни генерал-губернатордан қатъий равишда талаб қилган. Куропаткин уста сиёсатчи сифатида Сирдарё вилояти губернаторидан бу ҳақда фикр сўрайди. У эса ўзининг 1916 йил 5 ноябрда Куропаткинга йўллаган ахборотида У.Хўжаевнинг «зарарли фаолияти»га оид ҳеч қандай асослар йўқлигини ёзади. Аммо охири генерал-губернатор

маҳкамаси, махсус бўлим, сиёсий разведка – Туркистон район муҳофаза бўлими ҳужжатларида кўрсатилишича, Туркистоннинг ҳарбий-сиёсий доиралари жадидларнинг «Тараққийпарварлар» фирқасининг аҳолига таъсиридан хавфсираб, унинг фаолиятини тўхтатишга қарор қилишган.

1917 йил 31 январда ТРМБ бошлиғи ўринбосари подполковник Розалион Сошальский Фарғонага келиб, ҳарбий губернатор маҳкамасидаги ҳужжатлар билан танишди. Тез орада «Ўзининг тараққийпарварлар» номини қўйган Андижондаги уюшма фаолияти ҳақида»ги жиноий иш қўзғатилди. Худди шу вақтда инқилобий мазмундаги ўзбек тилида тарқатилган варақалар чор маъмурларини ғоят ташвишга солган эди. Бу варақаларни ёзишда ва тарқатишда 50 дан ортиқ тараққийпарварлар гумон қилинди.

«Тараққийпарварлар» аста-секин инқилобий ҳаракатга қўшилиб кетаётганликлари энди равшан бўлиб қолган эди. ТРМБ бошлиғи полковник М.Волков 1917 йил февраль ойида генерал-губернатор Куропаткинга «Тараққийпарварлар» фирқаси иши бўйича ишга киришганини ва ўринбосари подполковник Розалион Сошальскийни 7 февралда Андижонга юборганини маълум қилди. Шу билан бирга Убайдулла Хўжаев ва бошқа фирқа аъзолари ва раҳбарларини жиноий фаолиятда айблаб ўлкадан сургун қилиш ҳақида Куропаткиннинг буйруғи ижро учун қабул қилинганини маълум қилди.

Ниҳоят, Куропаткин ўта шовинист генераллар ва зобитларнинг сиқувига дош беролмай, мардикорликка сафарбарликни уюштиришда адолатли иш кўрган жадидларни судга берди. Аммо Туркистон ўлкаси тарихида кутилмаган воқеа юз берди. Тошкент округ суди ўз касбдоши, ишончли вакил – адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва унинг сафдошлари устидан қўзғатилган жиноий иш ва чиқарилган ҳукмни бекор қилди. Бунинг устига Петроградда «Тараққийпарварлар» фиқасига хайрихоҳ Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзолари ички ишлар вазирлигидан бу иш учун махсус тушунтириш талаб қилдилар.

1916 ЙИЛГИ АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛОНИ

Россия таркибида яшаётган ғайрирус халқларидан бирон-таси ҳам Туркистон халқидек 1916 йилда миллий-озодлик қўзғолонини кўтара олмади. Туркистонликлар «Мардикорлар қўзғолони» қилиб подшоҳлик Россияси учун янги бир фронт очиб берди. Жаҳон урушида қатнашаётган Россия ҳарбий куч-қудратининг бир қисмини ғарбий фронтлардан олиб, Туркистондаги озодлик курашини ваҳшиёна бостиришга сафарбар қилишга мажбур бўлди. Озодлик кураши туркистонликлар учун мислсиз қимматга тушди, катта қурбонлар бўлди. Бутун Ўрта Осиё 1 миллиондан зиёд кишидан жудо бўлди, шундан 673 минг киши ўлдирилган, 300 минг киши хорижга чиқиб кетган, 1 миллион кишининг мол-мулки талон-тарож қилинди, отларнинг 50 фоизи, сигирларнинг 39 фоизи, туяларнинг 55 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 50 фоизи фронт учун сафарбар қилинди, тортиб олинди, йўқ қилинди.

Император Николай II 1916 йил 25 июндаги «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида»ги фармонининг эълон қилиниши Туркистон халқини қўзғолон кўтаришга мажбур этди. Жадидчи Убайдулла Хўжаевнинг Андижонга келган А.Ф.Керенский ва бошқаларга қўзғолонни юзага келтирган сабаблари ҳақида айтган мана бу фикрларига эътибор беринг: «Подшо фармони эълон қилинмасдан олдин Андижонда мустамлакачи маъмурлар халқни алдаб, сизларнинг ўғилларингизни фронтга олмаймиз, шу боис армияни қўллаб, унга отлар ва бошқа керак нарсалар билан ёрдам берсангиз, пул қилсанглар бўлади, деб алдаган ва бунга ишонган аҳоли фронт учун кўпдан-кўп

моддий сарф-ҳаражатлар қилган эди». У.Хўжаевнинг бу фикрини Давлат Думаси минбаридан туриб 13 декабрда ноиб Жафаров катта ачиниш билан айтган эди.

Фарғонада 10 йилдан бери губернаторлик қилиб келаётган генерал-лейтенант Александр Гиппиус подшо фармони бемавридлигини пайқаб, уни ниҳоятда тинч йўл билан бажаришга уринди. У «Фарғона вилояти ведомости»да подшо фармони билан баробар аҳолига ўзининг мурожаатини эълон қилди. Намойиш тарзида бу мурожаат араб имлосида, ўзбек тилида берилди. Унда губернатор мардикорлар давлат томонидан тўла-тўкис таминланиши, одамлар ўзлари ўрнига бошқа одам ёллаб юборишлари ҳам мумкинлигини айтган. А.Гиппиус Тошкентга қуйидагича илтимоснома юборди:

1) Темир йўлни қўриқлаш учун минг аскар ва рус посёлкаларини ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя қилиш учун бир дружина юбориш;
2) Жабҳа приставлари ихтиёрига 600 казак жўнатиш;
3) Вилоятни ҳарбий ҳолатда деб эълон қилиш;
4) Ҳарбий губернаторга бош қўмондон ҳуқуқини бериш.

Аммо подшо фармони эълон қилиниши билан аҳоли ўртасида қонли воқеалар юзага келди. 10 июлга келиб эски Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст ва бошқа жойларда катта ғалаёнлар содир бўлди. Сафарбарликка қарши ошкора талаблар билан чиқишлар бўлди. Гиппиус жойларда аҳолининг ғалаёнлари ҳақида хабарларга асосланиб, генерал-губернаторга «Халқ ғалаёни нима сабабдан келиб чиқишидан қатъий назар, у ўз тараққиёти давомида диний ва сиёсий заминга кўчиши хавфи бор», деб уни огоҳлантиради. У 17 июлда рўза тугаб 18 июлда ҳайит уч кун давом этишини эслатган ҳолда, бу кунлар «тўполон чиқиш учун жуда қулай» эканлигини уқтиради. Гиппиус подшо фармонини айнан Фарғонада қўллаб бўлмаслигини ёзишга журъат этганди. У маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, подшо фармонига «ўзи билганича тузатиш ва чекинишлар киритажагини, бунда мақсад йирик тартибсизликларга йўл қўймасликдир» деган мазмундаги телеграммани Тошкент ва Петербургга, Бош штабга юборади.

Тажрибали сиёсатчи ва тадбиркор генерал ён босишлар, қисман чекинишлар ва ҳатто Қуръони каримни ҳам ишлатиш билан қўзғолон чиқармасликка уринади.

Катта оломоннинг кўз ўнгида губернатор бошига салла ўраб, елкасига тўн ташлаб, Қуръондан суралар ўқийди. Ҳатто у охирги чорани қўллаб, 27 июлда подшо фармони ижросини тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма бериб, катта жасорат намойиш этганди. Ўзининг бу тўла қалтис ишини асослаб, Гиппиус зўравонлик ишлатилса, «исёнга боим майл» ва «ҳамиша ғазоват руҳи уфуриб турадиган» Фарғона аҳолиси қисман тоғларга чиқиб кетишига, қисман қароқчилар тўдасига қўшилиб кетишига, асосан эса диний ва сиёсий шиор остида очиқчасига кўтарилиб кетишига урғу берди. У Олий қўмондонликка Туркистон Рус давлати учун қудрат манбаи бўлиб қолиши учун шундай қилингани мақуллигини айтади, ёзади.

Аммо марказ унинг далилларини қабул қилмайди, аксинча, уни фармонни бузишда ва мусулмонларга ён босишда айблаб вазифасидан бўшатади. Ўрнига учига чиққан шовинист, калтафаҳм полковник П.Иванов тайинланади. У табиий равишда зудлик билан фармонни бажариш ҳамда очиқдан-очиқ ҳарбий жазолар қўллашга киришади.

Бутун Фарғона водийси ўт ичида қолди. Шаҳар-қишлоқларда жазо отрядлари билан «туземецлар оломони» ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бера бошлади. Бундай мудҳиш воқеа Андижонда 9 июль куни юз берди. Андижон уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи 1916 йил 29 сентябрда ТРМБ бошлиғига йўлланган хатида 9–16 июль кунларидаги қўзғолон тафсилотини баён қилган.

9 июль куни Андижон шаҳрининг 2-қисмида Култепа майдонидаги «туземецлар оломони» амалга оширган тартибсизликларни бостириш чоғида алоҳида Ўрол казак юзлигидан Кунтаев бошига тош тегиб, жароҳат кўрди, «туземецлар»дан 3 киши ўлди, 8 киши яралар бўлди. Қўзғолон бошлиқларидан 22 киши ушланди, тергов органига топширилди.

Бу воқеа генерал-лейтенант Юркевичнинг 1916 йилнинг 16 июлидаги 40–сонли билдиргисида бошқачароқ таърифланган.

Андижон жамоатчилиги номидан Убайдулла Хўжаев рус демократларидан Вадим Чайкинлардан иборат вакиллик империя пойтахтига бориб Туркистондаги фожиалар ҳақида ёзма равишда Давлат Думасига билдириб, ўлкага махсус комиссия юбориб, воқеаларни текшириб, масалани Дума кенгашида қараб чиқиб, тегишли чоралар кўришни талаб қилади. Давлат Думаси аъзоларидан Раевский, Виноградов, Таваккалов 21 июль куни Олий Бош қўмондонлик қароргоҳига – ҳарбий вазир номига телеграмма жўнатадилар. Телеграммада Туркистон ўлкасининг рус аҳолиси ҳарбий мажбуриятдан озод этилгани ҳолда маҳаллий аҳолидан мардикор олиш сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хатарли эканлиги уқтирилади.

Николай II Давлат Думаси ноиблари талабини ҳисобга олиб, ўлкадан мардикорликка одам олиш муддатини 1916 йил 15 сентябргача кечиктириш ҳақида фармон чиқарди. Ғарбий фронт қўмондони А.Н.Куропаткинни Туркистон генерал-губернатори этиб Тошкентга жўнатди. Бунда император Туркистонни истило этишда қатнашган, генерал М.Д.Скобелев дивизиясида штаб бошлиғи бўлиб ишлаган, кейин эса ҳарбий вазир бўлган генерал-адютант Куропаткиннинг ўлка билан яқин танишлигини ҳисобга олган бўлса керак.

А.Н.Куропаткин Тошкентга келиб ўзини одил ҳоким сифатида кўрсатиш учун қўзғолоннинг келиб чиқишига сабабчи бўлган амалдорларни жазолаш, одамларнинг шикоятларини диққат билан тинглашини эълон қилди. У ўзи билан бирга келган IV Давлат Думаси аъзолари Керенский ва Тевкелеев билан ўлкани айланишга чиқди. Сафар давомида унинг номига кўплаб ариза-шикоятлар тушди. Давлат Думаси аъзолари билан яқиндан таниш бўлган Убайдулла Хўжаев рус тилини яхши билгани учун, бу аризаларни таржима қилиб, ўлка ҳукмдори, Давлат Думаси ноибларини ҳақиқий аҳвол билан таништирди. Аризаларда баён этилган далиллар мустамлакачи маъмурларнинг бебошлигини, зўравонликларини яққол кўрсатар эди.

У.Хўжаев мустамлакачиларнинг жойлардаги зўравонлиги, порахўрлиги ва ўзбошимчалиги ҳақида кўплаб

материал йиғиб, таҳлил этиб, адвокатга хос зукколик билан генерал-губернаторга, Давлат Думаси вакилларига тақдим қилди. Куропаткин рад этиб бўлмайдиган далиллар олдида ўзини уста сиёсатчи ва демократ қилиб кўрсатиш учун қалтис усулни қўллади. У Андижон шаҳар бош оқсоқоли Шермат Алимқулов ва унинг рус ҳомийлари бўлган амалдорларни лавозимларидан четлатди. 1865 йилда рус босқинчиларига қарши мардона жанг қилиб, ҳалок бўлган саркарда Алимқулнинг ўғли Шермат мирза отасига зид равишда мустамлакичиларнинг содиқ малайига айланган эди. Одамларга беҳад зулм ўтказиб, мутлақ ҳоким бўлиб олган Шермуҳаммадни ҳам лавозимидан олиб ташлайди. Бу жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу ерда Куропаткин бир кесак билан икки қуённи урган эди. Маҳаллий миллат вакилларининг фикри билан ҳисоблашувчи фуқаропарвар эканлигини кўз-кўз қилиб, афкор омма иродасини ўзида гавдалантирган жадидлар сиймосида ўзига таянч яратиш учун уларнинг талабини ҳам қондирган эди. Иккинчидан, А.Н.Куропаткин рус демократиясининг ҳам ишончини қозониш мақсадида ўта шовинист ва калтафаҳм рус амалдоларини дадиллик билан ишдан олиб ташлади. У андижонлик вакиллар Петроградда Давлат Думасида мардикорликка олиш масаласида рус амалдорлари йўл қўйган адолатсизликларни муфассал ҳимоя қилиб, маълум фикр туғдирганини ҳам ҳисобга олган эди. Убайдулла Хўжаев Думада, ҳатто мардикорликка олиш ҳақида император фармонини бекор қилиш талабини қўйгани бу ўзбек адвокати орқасида жиддий кучлар турганидан дарак берган. Мана шу кучлар ичида андижонлик миллионер Аҳмадбек ҳожи Темирбеков, Миркомилбой Мирмўминбоевлардек ғоят нуфузли миллий буржуазия вакиллари турганини, худди шу буржуазия жадидларни молиявий қўллаб-қувватлаётганини яхши билган. Шунинг учун ҳам бу ўлка бўйлаб қилган сафарида Убайдуллани мулозимлари қаторида олиб юрди, ўзбеклар билан алоқада унга ишончли вакил сифатида қаради. Мардикорликка олиш масаласи жадидлар билан маслаҳатда иш кўришни маълум қилди.

Ниҳоят 1917 йил февралида икки бошли бургут рамзли 300 йил умр кўрган Романовлар салтанати қулади. Мамлакатда чор ҳукумати ағдарилди. Бу хабар Тошкентга 2 март куни етиб келди. Аммо бу сирни ҳеч кимга билдирмасликка уриндилар. Бироқ Николай II тахтдан воз кечганлиги ҳақида телеграмма кўчиртирилиб, кўпайтирилиб аллақачон шаҳарга тарқалган эди. Чоризмнинг ағдарилгани, Россия империяси ўрнига республика пайдо бўлгани яшин тезлигида бутун Туркистон ўлкасига тарқалди. Бу қувончли хабарни Андижон аҳолисига 26 ёшли тараққийпарвар Саъдуллахўжа Турсунхўжаев Жоме масжиди олдидаги майдонда эълон қилди. Халқ бу хабарни шоду ҳуррамлик билан қарши олди. Чор ҳукуматини гангитган Андижон тараққийпарварларининг истиқлол учун, мустақиллик, миллий демократик давлатга эришиш учун курашларида янги давр, янги босқич бошланди. 1917 йил 26–29 ноябрда Қўқонда бўлиб ўтган ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилди. Бу улкан тарихий воқеа жадидлар, жумладан, Андижон тараққийпарварлари фаолиятининг, курашининг натижаси эди.

Жадидларнинг бу борадаги фаолияти бундан кейинги мақолаларда ўз аксини топади, деган умиддамиз.

1999 йил 22 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашган мустамлака даврида қурбон бўлганлар номини абадийлаштириш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Уни ўқиб, дил-дилимиздан қувондик. Узоқ йиллар мобайнида ҳаёти ва фаолияти ўрганиб келинмаётган андижонлик тараққийпарварларнинг номлари ҳам авлодлар қалбида. Ўзбекистоннинг янги тарихида из қолдиражаги учун шарт-шароитлар яратилганидан беҳад шод бўлдим. Бу зотларнинг ҳам номларини Андижонимизда абадийлаштириш мавриди етиб келди. 1997 йил сентябрида Англияда бўлганимда иккинчи жаҳон урушида асир тушиб, ҳалок бўлган туркистонликлар хотирасига атаб Лондонда қўйилган ёдгорликни кўрдим.

1999 йил февралида эса Австралияда бўлиб, Сидней шаҳридаги афсонавор «Гаид парк»ида бўлдим. Австралиянинг улкан, маҳобатли, салоҳиятли эфкалибт дарахтлари

билан қопланган бу паркда I ва II жаҳон урушида ҳалок бўлган австралияликлар хотираси абадийлаштирилган. Австралияликлардан қанча одам қурбон бўлган бўлса, эфкалибт дарахти шохларига шунча электр чироқлари ўрнатилган. Дарахтга тизилиб, терилиб қўйилган лампочкалар тун-кун юлдуздек порлаб турибди. Ўйлайманки, бизнинг Андижонда ҳам Ватан озодлиги, мустақиллиги учун жон олиб, жон берган ва шу муқаддас ишлар учун қурбон бўлган ҳамюртларимиз хотираси ёруғ юлдуздек порлаб туришига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Андижонлик мардикорлар жасорати, тақдири. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида вилоятимиз сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида И.А.Каримов Андижон ва унинг тарихига тўхталиб: **«Бу юрт ўзининг қадимий ва суронли ўтмиши давомида не-не синов ва машаққатларни кўрмаган. Лекин ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ўзининг куч-қудрати, эртанги кунга бўлган ишончини намоён этиб, барча синовлардан мардона ўтганлигини кўпдан-кўп мисолларда кўриш мумкин»**[1], – деган эдилар.

Бутун Ўрта Осиёда чоризмга қарши кўтарилган 1916 йилги қўзғолон андижонликлар учун катта синов ва сабоқ бўлган. Улар бу қўзғолонда фаол иштирок этиб, фронт ортидаги ишларга Туркистондан олинган 124 минг мардикорлар орасида биринчилардан бўлиб ўша бегона юртларда қўзғолон кўтарганлар. Тўғри, бу мавзу тарихшунослигимизда анча пухта тадқиқ қилинган[2] Айниқса, Ж.Исмоиловнинг тадқиқотида[3] Фарғона водийсидаги, жумладан, Андижон уездидаги қўзғолон ва мардикорликка сафарбар қилиш

[1] Андижоннома. – 2007. – 13 декабрь.

[2] *Ковалев П.А.* Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны. – Т.: Госиздат, 1957; *Ковалев П.А.* Революционная ситуация 1915–1917 гг. и её проявление в Туркестане. – Т., 1971; *Турсунов Х.* Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони. – Т.: Ўзбекистон, 1966; *Зиёева Д.* Туркистон миллий озодлик харакати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000; *Чориев З.У.* XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари (мардикорликка сафарбарлик мисолида): Тарих фанлари док…. дисс. – Т., 1999; *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т.: Шарқ, 2001.

[3] *Исмоилова Ж.* Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари. – Т., 2003.

ҳақида бирламчи манбалар асосида батафсил сўз юритилган. Шунга қарамасдан, мазкур мавзунинг айрим қирралари ўз аксини топмаган.

Император Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоатлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига жалб қилиш» ҳақидаги фармонида Туркистон ўлкасидаги рус бўлмаган 19 ёшдан 49 ёшгача бўлган жами 250 минг эркакни фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиш кўзда тутилган.

Фармонга кўра Фарғонага 50 минг, Андижон уездига 10 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди. Бу шум хабар бутун Туркистон ўлкасида бўлганидек, Андижон халқини ҳам ғазабга келтирди. Бу ғазаб-нафрат қўзғолонга айланди. Фарғона водийсининг 17 жойида аҳоли ҳарбий қисмлар билан тўқнашди. 9 июль куни Андижонда ҳам одамлар қўзғалди. Эски шаҳардаги Жомеъ масжиди майдонида бошланган ғалаён Скобелев (ҳозирда Навоий проспекти) номли катта кўча орқали йўл олади. Улар Гултепа майдонида уезд бошлиғи Ю.А. Бржезицкий билан учрашади. Бу ҳақда Ю.А.Бржезицкий юқорига юборган ахборотида шундай деб ёзган: «Бугун жомеъ масжидида императорнинг Олий фармонини аҳолига эълон қилдим ва тушунтирдим. Аммо мадрасанинг ёш ўқувчилари «Мардикорликка бормаймиз», деб бақиришди. Улар бу ҳаракатлари билан оломонни қўзғатиб юбордилар. Менинг тинчланинглар, деган сўровим таъсир этмай, оломон бақиришни давом эттирди. Аввал мен оломонга тарқалишни буюриб, кейин ўзим гарнизон бошлиғи ҳузурига бориб, ундан қўзғолонни бостириш учун ҳарбийларни юборишни сўрадим. Тахминан 500 кишилик оломон Скобелев шоҳ кўчаси бўйлаб юрди. Мен эса уларни Гултепа майдонида (ҳозирги вилоят маъмурияти, идоралари жойлашган майдон) учратдим. Халқ эса уруш харажатларини тўлашга рози эканликлари, лекин мардикорликка боришга қарши эканлигини айтди. Мендан одамларни фронтга олмасликларини талаб қилдилар. Акс ҳолда, ҳозир барча элликбоши ва мансабдорларни ўлдиришини айтдилар»[1].

[1] Ўша асар, 36-бет.

Уезд бошлиғининг 1916 йил 27 сентябрда Туркистон райони муҳофаза бўлими бошлиғига йўллаган хатида 9–16 июль кунларидаги Андижон қўзғолони тафсилотлари баён қилинган.[1]

9 июлда Гултепада юз берган қўзғолон ва уни ҳарбийлар томонидан шафқатсизларча бостириш чоғида Саидазим Махсудов, Саид Иброҳим Тўраев, Абдуқодир Ҳамроқуловлар ҳалок бўлдилар, оғир яраланган 8 киши (Абдуллажон Ҳолматов, Мулламақсуд қори уста Нишонбоев, Носир Абдураҳмонов, Мамасодиқ Рўзибоев, Муллагарум Мирзаазизхўжаев, Абдужалил Қодиров, Ҳожимат Ҳасанбоев, Усмонжон Мараимовлар шаҳар касалхонасига тушди. Қўзғолон фаолларидан 14 киши қамоққа олинди: Абдусаттор Ҳаким Оқсоқол, Маматали Абдукаримов, Мамажон мулла Отахонов, Жўра қори Зунунбоев, Тожибой Муҳаммаджонов, Ахитам Янгелдиев (татар), Ашурали Исмоилбоев, Акбар Умарбоев, Мулла Абдул Хоналиев, Абдужаббор қори Рўзибоев, Юсупжон Тошпўлатов, Остонақул Юсуфбоев, Соли Алиев, Юсупохун хўжа Муҳаммад Шарифхўжаев.[2]

Андижон қўзғолонида иштирок этганлар устидан суд маҳкамалари ўтказилиб, улар устидан оғир ҳукумлар чиқарилди. Туркистон ҳарбий округи суди материалларида бу ҳақда батафсил маълумотлар келтирилган.

Аммо мустамлака маъмурияти подшоҳ ҳазратларининг Олий фармонини бажаришга бутун куч имкониятини сафарбар қилди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори П.П.Иванов мардикорликка олишни амалга ошириш учун бир қатор таклифларни тавсия қилди:

1. Қозилик судларини тугатиб, рус суд тизимини жорий этиш;
2. Мусулмон таълимининг таъсирини йўқотиш;
3. Чор маъмуриятини моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш;
4. Туб аҳолининг ерга нисбатан ҳуқуқларини қайта кўриб чиқиш;

[1] Ўзбекистон янги тарихи. I к. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000, 420-бет.

[2] ЎзРМДА. И. 25-фонд, 1-рўйхат,185-иш 283–284-варақлар.

5. Ўлкада рус посёлкаларини кўпайтириш;

6. Туб аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини қайтадан кўриб чиқиш.

Ушбу таклифларнинг маъноси шуки, қўзғолонни баҳона қилиб маҳаллий аҳолига нисбатан мустамлакачилик истибдодини кучайтириш, уларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишни янада кучайтириш, дин фаолиятини қаттиқ назорат остига олиб, динни имкони борича халқдан узоқлаштиришга, русларни кўпайтириш учун ерли аҳолининг ерларини тортиб олиб, рус посёлкаларини кўпайтириш, яъни, руслаштириш сиёсатини янада кучайтириш кўзда тутилган эди.

Хуллас, подшо ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатига қарши Андижон халқи қўзғолон кўтарди. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилди. Чор ҳукумати барибир мардикорликка олиш сиёсатини амалга оширди. Андижон уезди бўйича 10600 киши мардикорликка олинди.

Генерал-адьютант Куропаткин 1916 йил 28 августда тасдиқлаган тақсимот бўйича Андижон уездининг Ёрбоши волостидан 871, Хакан волостидан 816, Олтинкўл волостидан 498, Балиқчи волостидан 908, Жалақудуқ волостидан 340, Қўрғонтепа волостидан 466, Ойим волостидан 656, Қорасув волостидан 497, Қўқонқишлоқ волостидан 887, Майгир волостидан 427, Избоскан волостидан 284, Андижон шаҳридан 1082 киши фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиниши кўрсатилган.

Архив ҳужжатларида Андижон шаҳридан фронт ортидаги ишларга олинган мардикорларнинг 1000 кишидан иборат рўйхати, уларнинг исми ва фамилияси, қайси маҳалла, қайси гузарданлиги, ёши, қандай вазифадалиги кўрсатилган. Шунингдек, қайси юзликда, нечанчи эшелондалиги, эшелонларнинг жўнатилиш куни, соати ҳам қайд этилган[1].

1000 нафар мардикорни 10 та юзликка бўлиб, ҳар бирига юзбоши тайинланган.

Ўз навбатида юзликларнинг ҳар бири ўнликларга бўлиниб, уларга ўнбошилар тайинланган.

[1] ЎзРМДА. И. 25-фонд, 1-рўйхат,185-иш 208–222-варақлар.

Мардикорлар 15 сентябрдан 15 октябргача Андижондаги йиғув пунктига (ҳозирги Сойдаги пахта заводида) тўплаб, соқчилик назорати қўйилган. Ҳар бир эшелонда 40 та вагон бўлиб, ҳар бир вагонга 30 га яқин киши жойлаштирилган. Эшелонда ишчилар жойлашган 33 та вагондан ташқари, 1 та санитар, 1 та изоляция ва 1 та соқчилар вагони, шунингдек, ошхона учун 2 та ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун 2 та вагон ажратилган. Ҳар бир эшелонга 990–1000 ишчи жойлаштирилган. Андижон шаҳридан олинган ишчилар 1000 киши бўлиб, уларнинг 2-эшелон билан Андижондан жўнатилиши режалаштирилган.

18 сентябрдан 18 октябргача Туркистондан 30 эшелонда ишчилар олиб кетилади. Эшелонларнинг йўл маршрутлари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, 107^{a}-сонли поезднинг Андижон станциясидан 18 сентябрь соат 8^{17} да жилиши, Тошкентга 19 сентябрь 14^{00} да келиши, Тошкентдан ўша куни 109-сонли поездда жўнаши, 24 сентябрда 14^{39} да Самара губерниясидаги Кинель станциясига етиб келиши ва жойларга тақсимланиши белгиланган.[1]

Мардикорлардан 101600 киши Россиянинг Оврўпо қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 киши Кавказга жойлаштирилади; 10 мингдан ортиқ киши Туркистон ўлкасида ишлатилади.[2] Мардикорлар ҳарбий ва саноат корхоналарида, конларда, темир йўл қурилишида, ўрмон ва йирик капиталистларнинг хўжаликларида, қаттиқ назорат остида ишлатилди. Улар очликдан, хўрликдан, машаққатли меҳнатдан мислсиз азиат чекдилар. Кўплари қаттиқ совуқдан, турли касалликлардан ўлиб кетдилар, ёки бир умрга ногирон бўлиб қолдилар.

Мардикорларга арзимаган иш ҳақи тўланган, турар жойлари жуда хароб, емишлари ҳам жуда ночор бўлган.

400 километрлик Батуми – Сухуми темир йўли қурилишида 2000 дан зиёд мардикорлар ишлаганлар. Бу иншоотнинг Гудаунти (Мюсери) районида 200, Сухуми районида эса 100 нафар андижонлик бўлиб, улар мислсиз

[1] ЎзРМДА. И. 25-фонд, 1-рўйхат,185-иш 28–30-варақлар.

[2] *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т.: Шарқ, 2001, 290-бет.

оғир шароитларда меҳнат қилганлар. Биринчи бўлиб Гудаунтидаги андижонлик мардикорлар иш ташлашни бошлаб берганлар. Генерал Янушкевич хабарида бу ишчилар ишга чиқмасликка қатъиян қарор қилганликлари, «бизларга шаҳарда яшаб, завод ва фабрикаларда ишлашни ва уч ойдан кейин ватанимизга қайтиб кетишни ваъда қилганлар», деб айтганлари қайд этилган.

Андижонликлардан 185 киши Владимир губерниясидаги Колчигин станциясида ишлаш жараёнида қаттиқ совуққа чидай олмай, азоб чекканлар.

Шу боис улар ватанга қайтаришни ёки иссиқроқ жойга юборишни сўраганлар.[1]

Улар иш ташлаб, иш жойидан ўз хоҳишлари билан кетиб қолганлар. Иш ташлаш кенг тус олади. Иш берувчилардан бири ўзбек ишчилари 30 октябрдан 17 ноябргача ишга чиқмаганлари оқибатида 2000 сўм зарар кўрганидан нолиб шикоят қилган. Бундай шикоятлар кўплаб бўлган. Кавказ армияси полковниги Давидов иш берувчилар ва маъмуриятни ёқлаб, мардикорлар ишдан қочиб, шаҳарларга боришмоқда, бозор ва масжидларда юриб, наркотик ва фаҳш ишлар билан шуғулланишни хоҳлаяптилар, деган туҳмат хабарни юқори ташкилотларга йўллаган. Бундай туҳматлар кўп бор уюштирилган, оқибатда мардикорлар тазйиқ-таъқибга учраб турганлар. Сабр-косалари тўлган мардикорлар курашни давом эттираверганлар.

Маъмурият берган хабарда ишчиларнинг жипслашиб, ҳар қандай қийноқлар, турмага тиқиш ва ҳатто отиб юборганларида ҳам барибир ишга чиқмасликларини айтганлари қайд этилган. Ишчилар ўзларини Сухумига, Батумига, ҳатто Россиянинг ички қисмига юборишларини талаб қилганлар. Иш ташлаш йўл қурилишининг жанубий ва шимолий қисмини ҳам қамраб олади: норозилик намойишлари ўтказилади, очликлар эълон қилинади. Оқибатда Тифлис ҳукумати Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига телеграмма йўллаб, иш ташловчиларни тинчлантиришни талаб қилишга мажбур бўлади. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан Андижон Эски шаҳари

[1] *Исмоилов Жаннат*. Кўрсатилган адабиёт . 181 бет.

оқсоқоли Рустам Тошматов 1916 йил 29 декабрда Батумига келади. Ўн тўрт кун давомида, 1917 йил 1 январдан 13 январгача, оқсоқол извошда иш жойларини айланиб чиқиб, намойишчиларни, иш ташлаганларни хийла-найранг, «Агар Сизлар ишни давом эттирмасаларинг, у ҳолда сизларнинг Андижонда қолган ота-онангиз, қавм-қариндошингиз ҳибсга олинади, мол-мулки мусодара қилинади» қабилидаги дўқ-пўписалар билан алдашга муваффақ бўлган.

Рустам Тошматов 1917 йил 21 январда Андижонга қайтиб келади. Бу хизмати учун у генерал-губернатор томонидан тақдирланган [2;127–128]. Андижонда чоп этилган «Туркестанский голос» газетаси «Андижон шаҳар ариқ оқсоқоли Рустам Тошматовнинг фронт ортидаги андижонликлардан ҳол-аҳвол сўраб келганлиги ҳақидаги ҳисоботи» номли материалда бу сафарни ёритган. Умуман, 1916 йил 1 июлдан бошлаб газетада мардикор мавзусига катта ўрин ажратилган. Жумладан, «Мардикорлар талаби», «Ишчи туземецлар йўлда», «Ишчиларни жўнатишга доир», «Тузем ишчилар мактублари», «Ўш эшелонини жўнатиш», «Жойлардан саломлар», «Йўлдан. Бизнинг мухбиримиз Абдулла Йўлдошқориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йўлдан юборилган мактублари», «Паловни соғинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмонлар», «Оренбургдан хатлар», «Ҳарбий суд», «Ажралиб қолганлар», «Суд хабарлари», «Суд залида», «Рўзи Охун Муҳаммад Назарбоевнинг иши бўйича», «Далварзин иши» каби номлар билан чоп этилган қатор хабар ва мақолалар мардикор олиш, мардикорлик ҳаёти билан боғлиқ кўплаб муҳим маълумотлар беради.

1917 йил февраль инқилоби монархик тузумни ағдаргач, мамлакатда демократик ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Муваққат ҳукумат раиси А.Ф.Керенский ташаббуси билан фронт орқасидаги мардикорларни ўз юртларига қайтариш ҳақидаги ҳукумат қарори эълон қилинди. Бу қарорни Туркистон мусулмонлари, айниқса, мардикорлар зўр шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Оғир меҳнатдан тинка-мадори қуриб, очарчилик, миллий ва диний камситилиш азоб-уқубатларини тортган мардикорлар катта ва машаққатли ҳаёт, кураш йўлини босиб ўтдилар. Улар-

нинг бир қисми бегона юртларда оғир меҳнатдан, изғирин совуқдан, очликдан, касалликдан ўлиб кетди, айримлари қамоққа олинди, баъзилари қочиб сарсон-саргандорликда умр кечирди, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Бу каби шўришларнинг тугаши чинакам байрам қилишга арзигулик эди. Мардикорларнинг қандай кайфиятда Андижонга келганлари «Нажот» газетасининг 21 май сонида шундай таърифланган: «Андижон. 11 май куни бу жойдан жўнатилган мардикорлар эсон-омон ўз ватанларига қайтиб келдилар. Сўнгра қувончли кайфият билан улар қўлларида байроқлар ушлаб шаҳарни айланиб чиқдилар. Савдогарлар бу ҳақда ҳеч нарсани билмасдан жуда ҳам ҳайрон бўлиб қолишди».[1]

Албатта, юртдошларимизнинг мардикорлик даври беиз кетмади: уларнинг дунёқараши, ижтимоий онгида катта ўзгаришлар юз берди, улар энди миллий ўзликни англашга киришган, миллат тақдири, фожиаси, истиқболи ҳақида фикрлай бошлаган эдилар. Яъни, улар энди ўзгарган кишилар бўлиб, бу уларнинг кейинги фаолиятига таъсир қилмай қолиши мумкин эмас эди. Бир томондан, 17-йилнинг умумий инқилобий руҳи, иккинчи томондан, ўзга юртларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги курашлар, иш ташлаш ва намойишлар давомида шаклланган бирлик мардикорларни ижтимоий кучга айлантирган эди. Совет даври тарихшунослигида юртдошларимизнинг мардикорликдан ўзларига инқилобий руҳни юқтириб, «сиёсий онги ўсиб» қайтганларига кўпроқ урғу берилди. Лекин мардикорлик азобларини бошларидан кечирган минглаб кишиларнинг бари пировардида биргина йўлни – социалистик инқилоб, синфий кураш йўлини танлаганига ишониш қийин. Ва шу ўринда Андижондан мардикорликка олинганларнинг кейинги тақдири қандай кечган, деган савол туғилиши табиийдир. Шу жиҳатдан ушбу масаланинг махсус ўрганилиши тарихимиздаги «оқ доғ»лардан бирини бартараф этишга имкон беради.

Ҳозирча Андижон шаҳридан мардикорликка олинган 1000 нафар юртдошлардан фақат айримларининггина ке-

[1] Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.1. Сб. документов. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1963, 149-бет.

йинги тақдири ҳақида маълумотга эгамиз. Бироқ шунинг ўзи ҳам уларнинг кейинги тақдири турлича бўлгани, уларнинг турлича йўлларни танлаганини кўрсатади.

Улардан бири рўйхатда 566-рақам билан қайд этилиб, шаҳарнинг Оқёр гузаридан мардикорликка сафарбар этилган 31 ёшли Худойберди Қорабоевдир. Мардикорликда ўнбоши қилиб тайинланган Х.Қорабоев мардикорлик мавзусида ёзилган ва халқимиз орасида машҳур қўшиқ бўлиб кетган «Дўнгалигим» шеърининг муаллифидир:

Поездингни жилдирган,
Ўтхонаси билан дўнгалаги
Двинскага кетди Андижонни
Мард йигитининг бир бўлаги.

Двинскага кетмас эди
Мард йигитнинг бир бўлаги,
Двинскага кеткизворган
Николай золим замбараги.

Двинскага йўл бўлсин,
Қарағайзоринг кул бўлсин.
Йигитларни қийнаган
Николайинг йўқ бўлсин.

Бизни тўққиз ой ишлатди,
Сизрань деган ўрмонда.
Кетолмаймиз Андижон,
Бир чақа йўқ кармонда.

Сўк ошингни ичмайман,
Ўтигимни ечмайман.
Қорда қарағай кесганман.
Ҳеч ҳаққимдан кечмайман.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда эълон қилинган айрим тарихий асарларда[1] бу шеърни халқ оғзаки ижоди маҳсули деб, ҳатто матни бир оз ўзгартирилган тарзда берилмоқда. Жумладан,

[1] *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. 7, 10, 11, 14-бетлар.

Ҳ.Зиеёвнинг асарида: «Поезднинг ғилдираги, Устахонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишди, Мард йигитнинг бир бўлаги» шаклида, «Ватан тарихи» китобида эса: «Поездингни жилдирган, Ўтхонаси билан дўнгалаги, Двинскага кетишди, Мард йигитнинг бир бўлаги» деб берилган. Ҳолбуки, ҳозирда пойтахтдаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи залларида янграб турувчи «Дўнгалагим» ашуласининг матни ҳам Х.Қорабоев матни билан бир хил:

Поездингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги
Двинскага кетди Андижонни
Мард йигитининг бир бўлаги...

Аслида, шеърнинг муаллифи Х.Қорабоев дейишга асос етарли. Чунки халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам алоҳида кишилар, халқнинг истеъдодли вакиллари томонидан яратилади, кейин халқ ичида оғиздан оғизга ўтиб юради. Х.Қорабоевда шоирлик иқтидори бўлгани шубҳасиз: унинг қариндоши Одилжон Эгамбердиевнинг саъй-ҳаракати билан 1980 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Худойберди шоирнинг «Мен қушимни ғозга солсам» номли шеърий тўплами чоп этилган. Бу эса Х.Қорабоевда чиндан ҳам шоирлик истеъдоди бўлганидан, унинг шеър муаллифи бўлиш эҳтимоли кўп эканлигидан далолат беради. Албатта, ҳали бу баҳсли масалани узил-кесил, ҳужжатли асосда ҳал қилиш вазифаси олдинда турибди, насиб қилса буни уддалармиз ҳам. Шунга қарамай, шеър айнан андижонлик мардикор тилидан айтилгани ҳақиқатга кўпроқ яқиндир. Бироқ ҳозир мақсадимиз бошқа – шоирнинг кейинги тақдири. Мардикорликдан қайтган Худойберди Қорабоев ижтимоий ҳаётда фаол бўлган, шеър ва ғазаллар ёзиб турган; минглаб алданганлар қатори, совет ҳокимиятига ишониб, уни истиқлолчилардан ҳимоя қилишга уринган ва 1919 йилда ўзи туғилиб ўсган Оқёр қишлоғида бўлган тўқнашувда ҳалок бўлган.

Андижон шаҳридан сафарбар қилинган минг нафар мардикорнинг мингбошиси Мулла Содиқ Мулла Орипов жа-

дидчилик йўлидан бориб, Андижоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ибратли ишлар қилганлиги маълум бўлди.

Мардикорчиликнинг азоб-уқубатини бошидан кечириб, Андижонга қайтиб келиб она шаҳрида истиқлол учун кураш олиб бораётган бир пайтда Содиқжон Орипов 37 ёшида большевиклар қўлида ҳалок бўлади.

Андижонга қайтиб келган мардикорларнинг кейинги тақдири турлича бўлган: айримлари большевиклар сафида совет тузуми учун курашган, бошқа бир қисми миллий озодлик урушларида қатнашган ва шу муқаддас урушда ҳалок бўлган. Миллий озодлик уруши тегирмонидан омон қолганларнинг бир қисми ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш даврларида, бошқа бир қисми 1937–1938 йиллардаги «Катта террор»да қатағон тиғига учраганлар. Яъни, улар на чор ҳукумати, на совет ҳукумати даврида рўшнолик кўрди, аксинча, ҳар икки тузумдан жабру жафо тортди. Шу боис мардикорларнинг кейинги тақдири, қисматини ўрганиш, умумлаштириш Андижон фарзандларининг чор Россияси ва совет мустамлакачилиги давридаги халқ манфаати йўлида, мустақиллик учун фавқулодда оғир шароитда кураш олиб борганликларини англаш ва муносиб қадрлашга имкон беради. Хуллас, 1916 йилги қўзғолон ва мардикор олди воқеаси билан боғлиқ юқоридаги каби қизиқарли тарихий лавҳалар талайгина. Уларни жамлаб, умумлаштириб, алоҳида тадқиқот яратиш, мазкур тарихий воқеани бугунги кун нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиш зарурати аллақачон етилгандир.

АНДИЖОНДАГИ 1917 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

1917 йил 27 февралда Петроградда чор монархик тузуми ағдарилди, 30 йил ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласининг ағдарилиши Андижондаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётга ҳам жиддий таъсир қилди. Аҳоли учун зўр шоду-ҳуррамлик билан қарши олди. Бу инқилоб мазлум халқларга ҳам бахт-саодат йўлини кўрсатди, катта-кичик миллатларга ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига имконият яратди, виждон эркинлигини жорий қилди, маҳаллий идораларни сайлашда бевосита, тенг ва махфий овоз беришни йўлга қўйди.

Фронт ортидаги ишларга мардикорликка ишга олишга чек қўйилди, ишлаётган мардикорларни ўз юртларига қайтиб келишига рухсат берилди, сиёсий партиялар эркинлигига эришилди. Кенг демократик жараён бошланди.

Февраль инқилоби ғалабасини Андижон аҳли 1917 йил 4 мартда Жомеъ масжиди олдидаги майдонда Эски шаҳар аҳолисининг кўп минг кишилик йиғинида тараққийпарварчи, жадид, 27 ёшли Саъдуллахўжа Турсунхўжаевнинг нутқи орқали билди. Эндигина 19 баҳорни қаршилаган Андижон фарзанди Абдулҳамид Чўлпон февраль инқилобини 1789–1793 йиллардаги буюк француз инқилобига ўхшатди.

Февраль инқилоби юз бергандан кейин Андижон шаҳри ва уездида ижтимоий ҳаёт тепасида учта сиёсий-ижтимоий куч: ишчи ва солдат депутатлари совети, мусулмон ишчи депутатлари совети ва уезд-шаҳар жамоат хавфсизлик комитети ўзаро курашда бўлганлар. Жамоат хавфсизлик комитети ташкил этилгандан бошлаб шаҳар ва уезд маъмурий бошқарувини қайта қуриб чиқишга киришилган.

М.Загорский юқорига тақдим қилган ёзма докладида Андижон уезди жамоат хавфсизлик комитетига рақобатдош «Совети исломия» ташкилоти эканини қайд этган. Бу ташкилот ҳаётга, айниқса, маҳаллий аҳолига таъсири куч-

ли бўлган мусулмонларнинг маърифатчилик характеридаги аҳамиятини тан олишга мажбур бўлган. «Совети исломия»нинг мусулмон оммани тезлик билан уюштиришда катта аҳамият касб этгани қайд этилган. Айни бу вақтда Миркомилбой ўша «Совети исломия»нинг Тошкентдаги мажлисида ташкилот фаолиятини мувофиқлаштирувчи 15 кишидан иборат раёсатга сайланган эди. Раёсат аъзолигига Андижондан Аҳмадбек ҳожи Темирбеков ҳам сайланган эди. «Совети исломия» ва унинг марказий раёсати Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўрин тутди. «Совети исломия»нинг шаҳар ва қишлоқларда шўъбалари ташкил топганди. Андижон шаҳрида «Озод халқ», «Ҳуррият», «Маърифат», «Муфтаҳул маориф», «Ҳаваскорони маориф», «Турон» каби ташкилот ва тўгараклар ташкил топади. 1917 йил июнда Андижонда Олимжон ҳожи заводида фронт орқасидан қайтиб келган мардикорларнинг 900 кишилик митингида Масодиқ Орипов раислигида Мусулмон Совети таъсис қилинади.

Февраль инқилоби Россияда икки ҳокимиятчиликни (бир томонда князь Львов бошчилигида буржуа-помешчиклар ҳукумати бўлган Муваққат ҳукумат, иккинчи томонда эса ишчи ва деҳқонларнинг демократик диктатура органи бўлган ишчи, деҳқон, аскар депутатлар совети) вужудга келтирган эди. Туркистонда, жумладан, Андижонда уч ҳокимиятчилик юзага келган эди.

Биринчиси, Россия муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари (Андижонда Жамоат хавфсизлик комитети, унинг раиси П.М.Сумароков).

Иккинчиси, Ишчи-деҳқон ва аскар депутатларнинг Туркистон ўлка Совети ва жойлардаги Советлар, Андижон совети, унга аввалида В.Чайкин, кейин М.Бризгайловлар раислик килган.

Учинчиси, Туркистон мусулмонларининг марказий совети, унинг жойлардаги шўъбалари, масалан, Андижонда жадидчи Масодиқ Орипов раис бўлган Мусулмон Совети.

Ўлкада инқилобий демократик ҳаракат икки йўналишда ривожланди. **Биринчи йўналиш** номиллий йўналиш бўлиб, икки хил кўринишда фаолият кўрсатганлигидан қатъи на-

зар унинг асл ва бош мақсади бир эди, у ҳам бўлса, қандай усул ва шаклда бўлса-да, турли хилдаги ҳийла ва найрангларни ишга солиб Туркистонни Россия мустамлакачилиги асоратида сақлаб қолиш, ўлкада улуғ рус миллатчилиги сиёсатини олиб боришдан иборат эди. Бу йўналиш муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси ва ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари Туркистон ўлка Совети шаклида намоён бўлди.

Иккинчи йўналиш миллий, ўрта асрчилик тартибларига қарши, демократик, миллий озодлик, миллий мустақиллик ҳаракати кўринишида содир бўлди. Бу йўналишни Туркистон мусулмонлари совети атрофида уюшган Туркистон ўлкасининг илғор ва прогрессив қарашдаги ватанпарвар, истиқлолчи зиёлилари ва ислом дини уламолари бошқардилар. Чунки у илгари сурган дастур ва ғоялар маҳаллий халқнинг талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларига тўла жавоб берар эди.

1917 йил августида шаҳар думасига кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказилади. Сайлов демократик руҳда ўтади. Миллий ҳаракат намояндалари Андижон Думасидаги 97 ўриндан 84 тасини эгаллаб олишга муваффақ бўладилар. Бу жуда ката ғалаба эди. Бунда Миркомилбойнинг ўрни ва роли катта бўлган.

Октябрь тўнтариши арафасида, яъни 1917 йили ёзидаёқ бир гуруҳ андижонлик тараққийпарварлар, жадидлар Андижондаги большевикларга, меньшевикларга, эсерларга хат йўллаб, уларнинг ғоя ва дастурларини Туркистон мусулмон халқи қабул қилолмаслигини баён қилган эдилар: **«Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирларига сира тўғри келмайди,** – дейилади ўша хатда. – **Шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип андозани бу ерда қўллаб бўлмайди... Бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Ғарбий Европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар ҳам йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас ва балки ижарачи фермер ҳам бўлмаган. У доимо катта-кичик мулкдор оқ суякларга ҳеч қачон қарам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб**

келган. Муқаддас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган, шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар улар хоҳ фуқаро, ё мулкдор бўлишидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидирлар».[1]

Ана шу тараққийпарварлардан Акбар Ўразалиев Андижон Эски шаҳарида катта жомъе масжидида бўлиб ўтган умумий йиғинда шундай деган: **«Петербургдан Тошкентга большевиклар келишди, улар дин ва мусулмонларга қарши курашмоқдалар, бизлар бирлашмоғимиз даркор»**.

Аммо октябрга келиб, Петроградда большевиклар ҳокимиятни олиб, ўз ҳукмронликларини ўрнатгач, Туркистонда улар совет ҳокимиятини телеграф орқали, қурол кучи билан ўрнатдилар. 1917 йил декабрида Андижонда ҳам большевиклар ғалаба қилиб, совет ҳокимиятини ўрнатдилар.

Шундай қилиб, 1917 йил октябрида большевиклар томонидан ноқонуний, террорчилик йўл билан амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган Советлар узоқ Туркистонда, жумладан, Андижонда ҳам ўз ҳукмронликларини ўрнатишга эришдилар. Аммо бу тўнтариш ўзбек халқи, жумладан, андижонликлар учун кутилмаган бир воқеа эди ва унга ҳозирлик кўрилмаган эди. Чунки ўзбеклар орасида, андижонлик мусулмон аҳоли орасида бундай ўзгаришга ҳали замин ҳозирланмаган эди ва маҳаллий халқнинг бирдан-бир мақсади, орзуси чоризм истибдодидан қутилиш, мустақил тарққиёт йўлига чиқиб олишдан иборат эди. Бундай тараққиёт йўли жадидлар томонидан кўрсатилган эди. Жадидларнинг саъй-ҳаракати билан 1917 йил 26–29 ноябрь кунларида Қўқон шаҳрида ўтказилган IV Туркистон ўлкаси мусулмон советлари қурултойида Туркистон мухториятига асос солинди. Туркистон мухторияти – биринчи мустақил, демократик, миллий давлат сифатида юзага келган эди. Бу тарихий қурултойда андижонликлардан қатнашган жадидчи Латифжон Содиқбоев ўз сўзида Туркистон Мухториятини эълон

[1] *Р.Т. Шамсутдинов.* ...Ўзбекистон тарихидан материаллар, «Andijon nashriyot- matbaa» очиқ акциядорлик жамияти 2004. 57–58 бетлар.

қилинишига қарши бўлган рус большевикларини кескин танқид қилиб шундай деган: **«Большевиклар Туркистон Мухтор жамият деб эълон этмас эканлар, унда Мухтор жумҳурият деб эълон қилинишимизга қаршилик кўрсатмасинлар. Чунки, ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку»**. Қурултойда Андижон вакили сифатида қатнашган Хаққул Ҳусанбоев Туркистон Мухторияти эълон қилиниши муносабати билан суръатга тушгани учун кейинчалик 1938 йил 23 февралда ҳибсга олинган эди. У терговчининг саволига шундай жавоб қилган: **«Ҳа, мен Қўқон (Туркистон) Мухторияти съездида иштирок этганимни инкор этмайман. Съезд кетаётган кунларнинг бирида Қўқон мухториятчиларининг раҳбарларидан бири Ҳожи Сафо Жўрабоев иштирок этиб, у «Забирай чемодан, освободи Туркестан» деган аксилинқилобий шиорини айтган эди».**

Андижон тараққийпарварларидан, «Совети исломия»нинг фаол аъзоларидан Маҳмудбек Қозиев Туркистон Мухториятига моддий ёрдам бериш ва маблағ тўплаш бўйича ғазначилик қилган. Мухтор ҳукуматнинг «миллий аскар» (миллий гвардия) ташкил этиш учун Маҳмудбек Отабек Қозиев Андижон уезди бўйича аҳолидан тўпланган маблағни Қўқонга олиб бориб мухториятчиларга топширган.

1917 йил 6 декабрда Андижон уезди Жалолобод районининг Хонобод қишлоғида Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаб бир неча минг кишилик йиғин бўлган. Намойишчилар Фозилмон ота мозоридан то бозор жойга қадар йиғилиб турган. Абдулла Эшон ва Ҳусайн Валидий намойишчилар олдида сўзга чиқиб, халққа мухториятнинг ташкил этилиши ва унинг мақсадлари ҳақида гапириб берган. Намойиш қатнашчилари Туркистон Мухториятини моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 сўм маблағ тўплаган эдилар. Мухториятни қўллаб-қувватловчи андижонликлар ташаббуси ўлканинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг ёйилган эди. Аммо большевизм бу қонуний ҳукуматни бешикдаги чоғидаёқ бўғиб ташлаб, ўлкада советлар истибдодини ўрнатди.

АНДИЖОН XX АСР БОШИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ БЎҲРОН ИСКАНЖАСИДА

Большевиклар зўравонлик, террорчилик усули билан Туркистон Мухториятини қонга белаб, ўлкада мустабид совет тузумини барпо этиш борасида барча куч ва воситаларни ишга солди. Бутун Туркистон каби Андижон халқи ҳаётида ҳам фожиаларнинг яна бир саҳифаси очилди. Бутун Андижон очарчилик ҳалокатига дуч келди.

1918 йил баҳорида Туркистонда кенг ёйилган очарчилик Андижонда ҳам ҳукм сурарди. Андижон советининг раиси Д.С.Урюпиннинг 26 мартда Тошкентга йўллаган телеграммасида: **«Андижон шаҳрида очарчилик, ҳар куни юзлаб киши очликдан ҳалок бўлмоқда, очлик оқибатида терлама ва бошқа касалликлар авж олмоқда. Ишсизлар оқими катта, иш йўк, гражданларни юз берган аҳвол билан кенгрок таништирмоқ керак. Газеталарда, мажлисларда, союзларда бу ҳақда хабар беришингизни илтимос қиламиз»,** – дейилган эди.

Андижонни озиқ-овқат билан таъминлаш учун кескин чоралар кўрилди. Бу ишни амалга ошириш мақсадида махсус комитет тузилди, у ғалла тайёрлаш учун ўз вакилларини ўлка ва уезд районларига юборди. Мулкдорлар маҳсулотларини, бой ва капиталистлар маҳсулотларини тортиб олиб, уларга контрибуция солинди, очлар учун бепул ошхоналар очилди. Бироқ бу тадбирларга баъзи мулкдорлар қаршилик кўрсатган. Туркистон Мухториятини қонга белаган қизил гвардиячилар, арман дашноқлари аксилинқилобчиларга қарши кураш ниқоби остида маҳаллий миллат вакилларига қарши қонли жанг уюштириб, ерли аҳолига нисбатан қатағон қўлладилар. Ана шундай вазиятда Д.С.Урюпин кескин, радикал чоралар кўришга мажбур бўлган. Андижонга Туркистон Республикаси Халқ

Комиссарлар Советининг раиси Федор Колесов келади, унинг топшириғи билан Миркомилбой Мирмўминбоев уйида ҳибсга олиниб, Андижон вокзалига яқин жойга олиб чиқиб, ҳеч қандай терговсиз, судсиз капиталист, бой сифатида отиб юборилади, яна бир миллионер бой, жадидчи Аҳмадбек ҳожи Темирбеков бутун бойлиги, уй-ҳовлисини ташлаб Қашқарга муҳожир бўлиб чиқиб кетади. Бу каби ишларда Андижон шаҳри ва уезднинг биринчи раҳбари Д.С.Урюпиннинг ҳам қўли бор эди. Бу каби ножуя ишлар, қонунсизликлар туфайли Д.С. Урюпиннинг обрўйи туша бошлайди. 1918 йил апрелидаёқ у шаҳар партия комитети ва Совети таркибидан чиқарилади.[1]

Советларнинг ўлкада олиб борган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сиёсати ўлкада чуқур сиёсий бўҳронни келтириб чиқарди. Бундан, айниқса, маҳаллий аҳоли азоб-уқубат тортди.

Советлар ҳокимияти ўз ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан бошлабоқ иккиюзламачилик, фитначилик сиёсатини қўллаб, рус бўлмаган мазлум, мустамлака халқларни оғизда ва қоғозда ўз тақдирини ўзи белгилашини таъминлаш учун, амалда эса бу халқларни чор мустамлакачиларидан ҳам бешбаттар қарамликда сақлаб қолиш учун курашади, ғирт мустамлакачилик, геноцид, шовинистик сиёсат олиб боради. Андижонда ҳам советлар, компартия, қизил гвардиячилар, арман дашноқлари инқилобни ҳимоялаш, аксилинқилобчиларга қарши курашиш ниқобида маҳаллий аҳолини қирғин қилишгача бориб етдилар. Айниқса, «босмачилар»га, аслида эса истиқлолчиларга қарши кураш ниқобида мусулмон аҳолисига мислсиз жабр-зулм ўтказилди, миллий ходимларга ишончсизлик, паст назар билан қараш билдирилди, улар ҳар жиҳатдан камситилди, мусулмон аҳоли яшайдиган Андижоннинг Эски шаҳар қисми мунтазам талотўп, босқин остида қолди. Очарчи-

[1] Д.С.Урюпин 1936 йил 12 октябрда Троцкийчи сифатида қамоққа олинади. 1941 йил 3 ноябрда Андижон вилоят суди уни отувга ҳукм қилади. 1942 йил 22 февралда Андижонда отилади, шунда у 59 ёшда эди. «Победа Октябрьской революции в Узбекистане». Сборник документов. Том II. – Ташкент, 1972. стр. 161.

лик авжига чиқди. Янги шаҳарда яшайдиган европалик аҳолига иқтисодий ёрдам кўрсатгани ҳолда Эски шаҳарлик маҳаллий халқ ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Шундай оғир бир пайтда 1919 йил апрель бошларида Андижоннинг Жомъе масжидида мусулмон аҳолининг катта йиғини бўлди. Унда Эски шаҳар ва уезд қишлоқларидаги мусулмон аҳолининг оғир аҳволи, қизилларнинг ёвузликлари, дашноқларнинг хунрезликлари, Янги шаҳардаги европалик раҳбар ходимларнинг миллатчилик сиёсати нотиқлар, жумладан, Акбар Ўразалиев, Ёқубжон Исақулов, Султонмаъсуд Холботиров нутқларида очиб ташланади. Кўп минг кишилик йиғин А.Ўразалиев, Ё.Исақулов, М. Битбеков, С.Шарифхўжаев, М.Олимовлардан иборат ҳайъат сайлаб, унга Тошкентга бориб, Андижондаги оғир аҳволни ёзма ва оғзаки тарзда ўлка компартиясининг ўлка мусулмон бюросига етказиш вазифасини қўйди. Бу ҳайъат Тошкентга бориб Мусбюро раиси Турор Рисқуловга оғзаки ахборот бериб, ёзма маъруза топширади.

Ўлка партия комитети ва ўлка Мусбюроси 1919 йил 23 апрелда Андижон вакиллари маърузасини муҳокама қилади. Қабул қилинган қарорда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг асосий омили мусулмон камбағалларини ўз томонига ағдариб олиш, бунинг учун Эргаш, Мадаминбек қўшинларида иштирок этган «босмачи»ларга амнистия бериш, уларга тинч меҳнат ҳаётига қайтишини таъминлаш, мусулмон аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг вайрон бўлган хўжаликларини тиклаш, совет органларини ёд унсурлардан тозалаш, қизил армияда тозолов ўтказиш, ундаги иғвогарларни ҳайдаш, «Дашноқцутюн» арман буржуа миллатчи партия ташкилотини тарқатиб юбориш талаб қилинган.

ТАССР МИК ва ХҚС «босмачилар» тўдаларида иштирок этаётган Фарғона меҳнаткаш аҳолисига амнистия бериш тўғрисида» мурожаатнома қабул қилади. Андижонликлар маърузасида билдирилган талаблар асосида қабул қилинган қарор ва кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда уни амалга ошириш учун ҳукумат бошлиғи К.Е. Сорокин

раислигида, аъзолар: Миллатлар иши бўйича халқ комиссари С.Турсунхўжаев, Маориф ишлари халқ комиссари Е.И. Билик, РКП(б)нинг Ўлка мусулмон бюроси раиси Т. Рисқулов, Туркистон МИК аъзоси Ҳаққул Ҳусанбоевдан иборат махсус комиссия ташкил эталади ва у Андижонга келади. 12 майда Эски шаҳар мусулмон коммунистларининг умумий йиғилиши бўлади. Унда Янги шаҳар коммунистлар фракциясидан ҳам 164 киши қатнашади. Йиғилиш марказий ўлка ҳукумати вакиллари маърузаларини эшитиш, мусулмон депутатлари советини ташкил этиш, партия дружинаси тузиш, мусулмон коммунистлар фракциясига назоратсиз телеграф орқали Марказ билан боғланиб туриш ҳуқуқини бериш, уездда тинчлик ўрнатиш, вилоят конференциясига вакиллар сайлаш, митинг ўтказишни белгилаш масалаларини кўриб чиқади. К.Е. Сорокин, С. Турсунхўжаев, Т. Рисқулов, Ҳ. Ҳусанбоевлар нутқларида Андижондаги ҳарбий-сиёсий аҳвол таҳлил қилинади. Партия, совет қурилиши, партия миллий сиёсатини амалга ошириш, «босмачилик» билан курашиш ҳақида фикрлар изҳор қилинади. С.Турсунхўжаев большевизмни ниқоб қилиб олиб, маҳаллий мусулмон аҳолисига жабр-зулм ўтказаётганларни раҳбарлик лавозимидан ҳайдашни талаб қилади.

Йиғилиш касаба уюшмалари тузиш, ундан олдин эса революцион комитет ташкил этиш орқали мусулмон депутатлари Советини асослашга, 5 кишидан иборат революцион комитет тузиш ва партия дружинасини ташкил этишга қарор қилади. 14 майда Андижон Эски шаҳар Жомъе масжидидаги 10 минг кишилик митингда Хаққул Хусанбоев раислигида Қамбарали Алиев, Акбар Ўразалиев, Мухтор Алимов, Султон Маъсуд Холботировлардан иборат революцион комитет сайланди. Бу моҳиятан маҳаллий мусулмон аҳолисининг фавқулоддаги давлат ҳокимияти органи эди ва у Андижон уезди бўйича фаолият кўрсатиши белгилаб берилганди. Бошқарувнинг бу шакли айни маҳаллий аҳолининг туб мақсад ва вазифаларига мос тушарди. Шу боис унинг район ва қишлоқларда ҳам қуйи органлари ташкил топган эди. Революцион комитетлар маҳаллий мусулмон аҳолисини

туб манфаатларини ифодалаб кенг кўламда фаолият олиб борганди. Аммо бундан Андижон Янги шаҳаридаги европалик раҳбар ходимлар норози эди. Чунки улар бутун уезд бўйича бошқарув тизимини ўз қўлларида сақлаш учун жонжаҳдлари билан курашаётган эдилар. Андижонда бошқарув тизимида паралелизм жорий қилинган эди: европалик аҳоли учун алоҳида ҳукумат-ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Совети ижроия комитети, маҳаллий аҳоли учун эса миллий революцион комитет давлат ҳокимияти органлари эди.

1919 йил сентябрида Фарғона водийси жумладан, Андижон шаҳрида советлар ҳокимиятини ағдариш учун истиқлолчилар ва улар билан бирлашган рус «деҳқонлар армияси» ниҳоятда таҳлика солишга эришгандилар. Уезднинг Жалолобод районидаги рус посёлкалари деҳқонларидан ташкил топган ҳарбий қўшинга монархист, полковник Константин Монстров ва генерал Мухановлар қўмондонлик қилганлар. 1 сентябрда Фарғона водийси миллий озодлик ҳаракати етакчиси Мадаминбек билан совет ҳокимиятига қарши курашиш тўғрисида битим тузилади. Бу бирлашган куч Жалолобод, Ўш ва Марғилонни қизил аскарлардан озод қилади. Уларнинг сафида 20 минг киши бор эди, 2 та пушка, 13 та ўқчи ва 11 та қўл пулеметлари бор эди. Андижон атрофида советларга қарши 25 минг кишилик қўшин ҳужум учун астойдил таёрланади ва Андижон шаҳрига ҳужум қилинади. Шаҳар 2 ҳафта қамал ҳолатида қолади, шаҳар эгалланади, Сойгузардаги пахта заводида Монстов, Мадаминбекларнинг қароргоҳи жойлашади. Советларнинг бирин-кетин қўшинлари Андижонга кела бошлайди. Э.Ф.Кужело қўмондонлигида байналминалчилар ҳарбий қисми, Козондан А.Г.Гинцбург бошчилигида ўқчилар полки ёрдамга етиб келади. Дастлабида шаҳар мудофаасини ташкил этиш учун 1,5 минг қуролли аскар, 2 та тўп, 3 та пулемет, 2 та бомбомет бор эди. Ёрдамга келгач жангчилар сони 3146 кишидан, 12 та тўпдан, 3 та бомбомет, 57 пулеметга этди. Ҳар икки ўртада кучли жанглар бўлди. Андижонда яна советлар ҳукмронлиги ўрнатилади, маҳаллий аҳоли ва унинг раҳбар ходимлари-

га қарши яна кураш авж олади, кўплаб кишилар таъзйиқ-таъқиб остига олинади, сиёсий аҳвол яна изидан чиқади, таранглашади. Бу ҳолатни уезд раҳбарияти ҳам тан олишга мажбур бўлади.

Бу эса ўлкани миллий озодлик урушига олиб келди. Маҳаллий миллат вакиллари қўлда қурол, қалбда Ватан туйғуси билан мустақиллик, озодлик, Ватан учун курашга отланди ва бу қуролли кураш қарийб 16 йил давом этди. Лекин миллий озодлик кураши ёвуз большевизм ва унинг қуролли кучлари томонидан ваҳшийларча бостирилди. Ана шу курашда кўплаб миллат фидойилари мардлик, ватанпарвалик, қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. Ўша кураш йилларида Андижон ҳам ўз бошидан ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали кунларни кечирди, кўплаб мард ўғлонларидан жудо бўлди.

АНДИЖОНЛИК ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИ

Андижон атрофида истиқлол кураши олиб борганларнинг энг қудратлиси Ўзганда Жонибек қози, Новқатда Муҳиддинбек, Андижонда Парпибек қўрбошилар бўлган. Парпибек қўшинида 3600 дан ортиқ аскар хизмат қилган, водийда истиқлолчилар ғоят оғир шароитда кураш олиб борган. «Босмачилар»га қарши курашда Қизил Армия қўшинларида 14 та артиллерия батальони, 376 та пулемёт, ўнлаб самолёт, 7 та бронетранспортёрлар бўлган.

Таниқли, жасур қўрбошилардан бўлган Охунжон 1919 йил 12 июнда қизил аскарлар қўшини қўмондони Д.Е.Коновалов билан сулҳ тузиб, ўз йигитлари билан советлар томонига ўтади. Ўша йили сентябрда Андижон мудофаасида ҳам у катта жасорат кўрсатиб, советларга яхши хизмат қилади. Аммо большевойларнинг сиёсий «ўйинлари»дан, фитначилигидан нафратланган Охунжон қўрбоши бу вақтда Андижон уезди бўйича катта куч ва мавқега эга бўлган Парпибек қўрбоши билан бирлашиб, советларга қарши курашиш учун пинҳона музокаралар олиб борди. Парпибек қўрбоши ҳам Охунжон билан бирлашишга рози бўлганди. Аммо бундан қизиллар огоҳ бўлишади. 1920 йил 25 майда Андижонда гарнизон қўшинлари кўриги ўтказилади, унгача Туркфронт қўмондони иштирокида инқилобий қўмита ва партия қўмитаси қўшма йиғилиши бўлади. Унда бошқа масалалар билан бир қаторда Охунжон отрядини Тошкентга жўнатиш масаласи ҳам кўрилаётган эди. Кенгаш давом этаётганда Охунжоннинг қўрбошиларидан бири «Советлар ҳокимиятини хоин Парпи қўрбоши билан биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида музокара олиб бораётгани» тўғрисида хабар келтиради. Шунга кўра, Охунжон отрядини қуролсизлантиришга қарор қилинади. Аммо қуролни топширишдан бош тортган Охунжон отрядидан бир қанча киши татар бригадаси аскарларига қарата ўт очади. Отишмалар

туфайли ҳар икки тарафдан қурбонлар бўлади. Охунжон ва унинг йигитлари қуролсизлантирилиб, Тошкентга юборилади. Аммо Охунжон, унинг ноиби Абдураззоқ ва бошқалар Тошкентдан Наманган орқали қочиб, Қўқонқишлоқдаги Парпибек қўрбоши қўшинига қўшилади. Бу билан Парпибек қўрбоши қўшини янада кучаяди, қудрати ортади. Аммо Охунжон қўрбоши бир жангда ҳалок бўлади. Бу Парпибек қўшини жанговарлигига салбий таъсир қилади.

Парпибек қўрбошининг Андижон шаҳри аҳолисига мурожаатномасини айнан келтирамиз:

«ЭЪЛОННОМА!

Умум мусулмонларга эълон қилиб ёзаманки, биз 4 йилдан бери ноҳақчи болшевиклар билан муҳораба қилиб, қон тўкуб, неча мусулмонлар хонавайрон бўлуб, шу жойга келдик. Эй мусулмонлар, кўзларингни очиб қаранглар! Қўқонқишлоқ, Чувама ва бошқа қишлоқларда бу ноҳақчи болшевиклар ёш гўдак болаларни бетартиб чопиб, кўп жафолар қилди ва яна туриб шуни бадалида бизларни тепамизга қаттиқ ҳужумлар қилиб, кўп ишларни кўнгилларига муддао қилиб юрди. Худога хос эканмиз, ҳақ йўлига юрганимиз маълум бўлди. Ҳозирги вақтда шаҳар атрофларини бесарамжон қилиб турибдир. Очиқдан-очиқ маълум бўлиб, бизларни йигитларимизни тутмоққа тадбирлар жорий қилибдур. Умум мусулмонлар, нечаларга қаттиқ сармойиш қиламанки, бундан буён мундоқ ноҳақ ишлар бўлмасун. Бир, икки нафар бизларни йигитларимизни тутган бирлан ҳеч нима воқеа бўлмаса керак. Ўшал жосус чиққан маҳалладан бир дона йигитимизга неча нафарини жазо бермоққа қодирмиз. Ушбу бизларни йигитларимизни тутмоққа тадбир жорий қилган жосуслар Қорбура гузарида жазоларини кўзларига кўрсатдук. Ушбу жума кунидан шанбага ўтадурғон кечаси. Агарчи, ҳар ким жосуслик қилса, шундоқ жазога гирифтор қиламиз. Иккинчи чакана ўғрилар воқеаси шулки, ҳар ким ўғрилик қилиб қўлимизга тушса, хоҳ ўзимизга қарашлик йигитлардан, хоҳ шаҳардаги ўғрилардан бўлса, бизни қўрбошиларимизга фармойиш қилдим: ҳақиқат орқали ўлим

жазосига борадурлар. Яшасин Ҳақ йўлга юргувчилар! Битсин ноҳақчилик! Ушбу жумадин шанбага ўтадирғон кечаси чакана ўғрилардин бир донасини отиб юбордук. Сойгузарда.

Амири лашкар – Парпибек Ғозий Маҳдум.
Муҳр: Насруллоҳ. Оллоҳ қўлласин!
Парпи қўрбоши».[1]

Қизил аскарлар Андижондан Қўқонқишлоққа қараб чиққани ҳақидаги хабар Парпибекка етиб келади. Унга кўра, Парпибек жангчиларнинг бир қисмини Қўқонқишлоқда қолдириб, асосий кучларни атрофга тарқатади. Қизиллар катта куч билан Қўқонқишлоққа кирадилар ва бу ердаги оз сонли истиқлолчилар билан жанг бошлайди. Отишмалардан сўнг истиқлолчилар Қўқонқишлоқни бўшатиб, атрофдаги кучлар билан қўшилади.

Қизиллар эса ғолиб келиб, Қўқонқишлоқни ва истиқлолчилар қароргоҳини ишғол этади. Қизиллар жойлашиб улгурмай, Қўқонқишлоқнинг уч томонидан истиқлолчилар ҳужумига дуч келади. Қўрбошиларнинг ҳар бири муайян йўллар билан ҳужумга ўтганди, аммо Андижон йўлини очиб қўйгандилар. Шиддатли жанг бўлади. Ниҳоят, қизиллар чекинишга мажбур бўлади, аста-секин мудофаага ўтиб, Андижон томонга чекина бошлайдилар. Улар оғир юклари, тўп, тўпхона, аравалари билан катта йўлдан келгунча истиқлолчилар пистирма йўллар, торкўчалар орқали қизиллар олдини тўсиб, Хайробод атрофига жойлашиб оладилар. Қизиллар Хайрободга етиб келганда бир ўқ узиш ишорати билан истиқлолчилар орқа тарафдан, ён тарафдан ҳужумга ўтади.

Ўқ ёмғирига учраган қизиллар чекинади ва 200 га яқин омон қолганлари бир саройга кириб яширинишади. Уч кеча-кундузлик отишмалардан охири тинкалари қурийди. Озиқ-овқатлари йўқлигидан оч қоладилар, ўқ-дори ҳам тугаб қолгач, таслим бўлишга мажбур бўлишади.

Сарой дарвозаларининг икки ёнида турган истиқлолчилар ҳеч қандай шартсиз саройдан чиқаётган қизилларни қурол-

[1] Андижон вилоят давлат архиви. 90-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 155-варақ.

сизлантириб, асирга олишади. Уларни Қўқонқишлоқ майдонига тўплаб, ўққа тутадилар, қизилларнинг ҳаммаси жар тагига кўмилади.

1920 йил 24 ноябрида Бош қўмондон Шермуҳаммадбек, Алиёр ва Парпибек қўрбошилар ўзаро ҳамкорликда Шоҳимардонда қизилларга қарши жанг олиб борган. Андижон уезди Қўқонқишлоқ туманида 2 минг қизил аскарларга қарши Парпибек қўрбоши матонатли жанглар қилган, ёрдамга бош қўмондон Шермуҳаммадбекнинг шахсан ўзи 1000 аскари билан келган, даҳшатли жанг бўлиб, унда Парпибек ғалаба қозониб, 2 замбарак, 4 пулемёт ва турли қурол-аслаҳалар ўлжа олинган.

2000 дан зиёд аскари бўлган Парпибекка қарши советлар қўмондонлиги 1920 йил охирларида Қўқонқишлоқ ва Омончўрада қаттиқ жанг бошлаб юборади. 8-отлиқ бригада қўмондони Я.А.Мелькумовнинг ўзи бу операцияни бошқаради. Шиддатли жангда Парпибекнинг энг асосий таянч базаси Қўқонқишлоқ ва Омончўра душман қўлига ўтади. Парпибек Бозорқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлади. Душман бу ерда кучли зарба беради. Шермуҳаммадбек ва Холхўжа қўшинлари мағлубиятга учрагани айрим истиқлол курашчиларини советлар томонига ўтишга мажбур қилганди. 1921 йил 31 январда 2600 аскари билан Акбарали ва Маҳкамҳожи қўрбошилар советлар томонига ўтди. 1921 йил бошида Парпибек қўрбоши ўз қўшини билан 2-ўқчи Туркистон дивизияси жангчилари томонидан мағлубиятга учрайди. Бу жанг Жалолобод, Сузоқда бўлди. Парпибек қўрбоши аскарларининг ярми жанг майдонларида ҳалок бўлган, асир олинган. Қўрбошининг ўзи эса шу жангда оғир ярадор бўлиб, 1921 йил апрелида вафот этади.

Бутун Туркистонда истиқлолчиларга қарши жанг олиб борган қизил аскарлар 160–170 минг кишига етган эди. Айни пайтда қизиллар замонавий қурол, ҳарбий техника, пулемёт, аэроплан ва бошқа воситаларга эга эдилар. Озодлик курашчилари бу жиҳатдан заиф бўлганлар. Бироқ жанговарлик, ҳақ ишига садоқат, истиқлол руҳи уларда жуда кучли бўлган. Буни ҳатто ўша вақтдаги Туркистон фрон-

ти қўмондони А.С.Пугачёв, инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси Берзин, штаб бошлиғи Шуваловлар тан олишга мажбур бўлганлар: **«Босмачиларнинг характерли томонлари айёрлик, ниҳоятда топқирлик, жасурлик, эпчиллик ва толмаслик, маҳаллий шароитни яхши билиш, бир вақтнинг ўзида тўдалар ўртасидаги алоқа бўлиб ҳисобланган аҳоли билан боғлиқлик... Босмачилар – айёр, лекин уларни алдай олиш керак: босмачилар топқир, жасур, чапдаст ва толмас, демак, улардан топқирроқ, жасоратлироқ ва чапдастроқ бўлиши керак; пистирмалар қўйиш, кутилмаганда пайдо бўлиш; босмачилар маҳаллий шароитни яхши билмаганимиздан фойдаланаётган экан, уларни биз яхши ўрганишимиз, босмачилар маҳаллий аҳолининг обрўйига таяниб иш кўраётган экан, биз ҳам шунга эришишимиз керак».**[1]

Истиқлолчиларнинг кураши натижасида 1921 йили бутун Андижон уезди ҳудудида советлар хокимияти ағдарилиб, фақат Андижон шаҳрининг машҳур Оқуй биносидагина бир гуруҳ партия, совет ҳарбий раҳбар ходимлар ўзларини ҳимоя қилиб турганлар. Оқуйнинг тўрт тарафи истиқлолчилар томонидан қуршаб олинган эди. Шундай оғир шароитда Тошкентдан, Скобелевдан қизил қўшинларнинг замонавий қуроллар билан Андижонга келиши туфайлигина Оқуйдагилар сақланиб қолган. Истиқлолчиларга қарши советлар шу қадар катта кучни Андижонга ташлаганлар, 1923 йил май ойида ҳарбий революцон совет раиси С.С.Каменов, Фарғона қўшинлар группаси штаби бошлиғи В.Д.Соколовский, А.И.Тодорскийлар келадилар. Андижон ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинади. Андижон революцион ҳарбий кенгаши тузилди. Айни вақтда Андижон уезд шаҳар революцион комитети ташкил бўлди. С.С.Каменовнинг Андижон халқига қарата мурожаати эълон қилиниб, унда тинч ҳаётга қайтиш учун даъват қилинди.

1923 йил охирига келиб истиқлолчилик кураши вақтинчалик тўхтади, замонавий қуролланган қизил армия қўшин-

[1] Сборник указаний по борьбе с басмачеством. Издание Реввоенсовета Туркестанского фронта. Ташкент, 1924, С. 16.

лари томонидан истиқлолчилик ҳаракатига зарба берилди. Бунда кўплаб ватан фидойилари ҳалок бўлди, кўплари юртни ташлаб, чет элга мухожир бўлиб чиқиб кетди. Бутун советлар даврида бу ҳаракат ва унинг иштирокчилари қора бўёқлар билан тасвирланиб келинди. Фақат, қайта қуриш ва мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг совет даври тарихига янгича нуқтаи назардан ёндашишга эришилди. Мазкур муаммо бўйича ҳозирги вақтда катта миқдорда махсус монография, брошюра, ҳужжатли материаллар тўпламлари, кўплаб илмий, илмий-оммабоп мақолалар мавжуд, бу мавзу бўйича номзодлик, докторлик диссертациялари ёқланди. Улар орасида Ўзбекистон янги тарихининг иккинчи китоби «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида»[1], шунингдек, «Ўзбекистон тарихидан материаллар»да[2] Андижон тарихининг айрим саҳифалари акс эттирилган.

Андижонда ҳам бутун Туркистон ўлкасида бўлганидек Октябрь инқилоби юз бермаган, ўлканинг туб аҳолиси учун инқилоб ва большевизм ғояси мутлақо ёт бўлган. Маҳаллий халқ социализм ва коммунизм ғоясини қабул қилмаган. Шу боис бу ерда фуқаролар уруши бўлмаган, аксинча, советларга ва қизил армияга қарши миллий озодлик уруши кетган.

Эндиликда босмачилик деб номланган ҳаракат аксилинқилобий куч эмаслиги, аксинча, бу миллий-озодлик ҳаракати, большевиклар диктатурасига қарши миллий уруш бўлгани одамлар онгида мустаҳкам ўрнашиб бормоқда. Биз, бу ҳаракат иштирокчиларини қўлда қурол билан миллий мустақиллик учун кураш олиб борганлар, деб ҳисоблаймиз. Тўғри, улар орасида ҳам ғараз ниятли, ўз майда манфаати ё қийин, оғир кунлардан шу йўл билан жон сақлаб қолмоқчилар ҳам бўлганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин ундайлар озчиликни ташкил қилган. Вақт, тарих бу жараёнларни янада чуқурроқ, объективроқ ўрганишга, бу ҳаракатга ҳақиқий тарихий баҳо бериш эҳтиёжини тобора юзага чиқармоқда, янги ёш авлод аҳли илм, мутахас-

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 687-бет.

[2] *Шамсутдинов Р., Каримов Ш.* Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон, 2004. 650-бет.

сислар бу борада жонбозлик кўрсатишади деб умид қилиб қоламиз. Нима бўлганда ҳам, миллий озодлик учун жон фидо қилганлар мустақил юрт тарихида эҳтиром билан тилга олинажак.

Эндиликда биз ривожланган социализм у ёқда турсин, ҳатто социализмнинг ўзи собиқ Иттифоқда бўлмагани ва Андижон ҳам ҳеч қачон ривожланган социализм деб аталган тараққиёт босқичини ўз бошидан кечирмаганини англаб етмоқдамиз.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тарихимизнинг кўплаб муҳим саҳифалари, қирралари онгли равишда сохталаштирилган. Масалан, Қўқон мухторияти, тўғриси, Туркистон мухторияти буржуа, миллатчи, халққа қарши, аксилинқилобий давлат деб талқин қилинган. Аслида эса бу Туркистон мухторияти жадидларнинг саъй-ҳаракати, кучи билан бунёд қилинган биринчи, миллий демократик давлат эди. Бироқ большевиклар уни, бешикдалиги чоғида тажовуз қилиб, бўғиб ташладилар. Бунга жавобан мустақиллик учун кураш ҳаракати вужудга келди.

Ёки бўлмаса Ўрта Осиёдаги 1924–1925 йилларда ўтказилган миллий-давлат чегаралаш муаммосини олиб кўрайлик. Советлар Ўрта Осиёда «ленинча миллий сиёсат» ниқоби остида жаҳон тарихида ҳеч кўрилмаган мафкура ва сиёсат олиб бордилар. Бу сиёсатнинг бош йўналиши «бўлиб ташла, ҳукмронлик қил!» шиоридан ва амалиётидан иборат эди. Большевиклар азал-аввалдан, асрлар оша ягона ва бир бутун бўлган Туркистонни парчалаб юбориб, Бухоро, Хоразм ва Туркистон совет республикалари негизида – Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон республикаларини ташкил этишдан иборат «катта сиёсий ўйинни» амалга оширдилар. Ана шу «сиёсий ўйинга» қарши фикр билдирган миллий арбоблар сиёсий қатағон тиғига учраганлар.

Амалда бу большевикларнинг айёрона ўйини эди, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқларни миллий маконларга «бўлиб ташлаш», Ўрта Осиё халқларини ягон-ягон қилиш, уларнинг ҳар бирини алоҳида бошқариш, мустақил тараққий этишга имкон бермасликдан, уларни

пролетариат диктатураси исканжасида ушлаб туришдан иборат «ленинча миллий сиёсат»нинг фитначилиги эди. Ўрта осиёликлар ва уларнинг миллий арбобларининг аксарияти ана шу сиёсатга қарши турганлар, ўзлари муқобил фикрларини марказга етказишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг фикрича Хоразм, Бухоро ва Туркистон аввал-азалдан бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган миллий давлат бирликлари бўлган. Бу ҳудудларда ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар, қорақалпоқлар, уйғурлар, қозоқлар биргаликда яшаб келганлар. Бу давлатлар миллий тамойиллар асосига қурилмаган эди. Шунинг учун миллий арбоблар Хоразм – Хоразм номи билан, Бухоро – Бухоро номи билан, Туркистон – Туркистон номи билан давлат бўлиб қолаверишлари керак, ҳеч бўлмаганда, бу уч давлатдан иборат Ўрта Осиё федерациясини ташкил этиш керак, деб Марказга масала қўйганлар. Фарғона водийси ҳудудий, иқтисодий ва этник жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эгалигидан, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт манфаатларидан келиб чиқиб СССР таркибида Фарғона автоном совет социалистик республикаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ деган лойиҳалар ҳам илгари сурилган. Буларнинг ҳаммаси мустабид Марказ томонидан инобатга олинмаган. Чегаралаш ўтказилаётган пайтда Андижон уездидаги қирғиз ва тожиклар Ўзбекистон ССР таркибила қолмаслик, Ўш ва Хўжанд уездидаги ўзбеклар Тожикистонда, Қирғизистонда қолмаслик учун фикрлар билдирганлар. Хуллас, Ўрта Осиёда миллий тамойил асосида ўтказилаётган миллий давлат чегараланиши сиёсатига маҳаллий миллат вакиллари қарши турганлар. Оқибатда советлар ана шундай фикрлар билдирган миллий арбоблар ва ходимларга нисбатан қатағон сиёсатини қўллаганлар.

Бу каби барча «ўйинлар» «доно ленинча миллий сиёсат»нинг ҳаётда намоён бўлиши, миллатларни ўз тақдирини ўзлари белгилаш ва халқлар дўстлиги тантанаси сифатида тарғиб-ташвиқ қилиниб келинди.

Шу сиёсий кампания даврида Андижон уезди таркибида 7 волост (Жалолобод, Кўгарт, Бозорқўрғон, Моси, Сузоқ, Ойим, Бекобод) Қирғизистонга, Жалолобод канто-

ни таркибида бўлган. 1927 йили Ойим яна Андижон округи таркибига ўтди. Шунда Ўзбекистон таркибига ўтган Ойим қишлоғида ер-сув ислоҳати ўтказилишига киришилган. Чунки, бу даврда Андижон округида ер-сув ислоҳати ўтказилган бўлиб, Жалолобод кантони таркибидаги Ойим ҳудудида ер-сув ислоҳоти ўтказилмаган эди. Шу боис ойимлик деҳқонлар ер-сув ислоҳотига қарши норозилик билан чиқишлар қилган. Бир қатор маъмурий, таъзиқ-таъқиб чоралари кўрилиши билан Ойимда ер-сув ислоҳати ўтказилган. Аммо кўплаб ер эгалари бўлган деҳқонлар қулоққа тортилган, қатағон қилинган.

1926–1927 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ҳам большевиклар «ўйинлари»дан бири эди. Улар ер-сув ислоҳоти тадбирлари билан ниқобланиб улар ўз олдига ижтимоий антоганизм, зиддиятни кучайтириб, кескинлаштириб, миллий қишлоқда ихтилоф, жанжал чиқариб, шу билан деҳқонлар диққатини совет ҳокимиятига қарши курашдан чалғитиш, мустақиллик учун курашувчиларнинг ижтимоий базасини тугатиш вазифасини қўйган. Бутун Ўзбекистон каби Андижонда ҳам зўрлик билан ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Кўплаб деҳқон хўжаликлари қулоқ хўжалиги сифатида тугатилди, бу хўжаликларнинг ерлари тортиб олинди. Давлатнинг ер жамғармасига кўп минглаб десятина ер қўшилди, ерлар билан бирга хўжаликларнинг от-улов, асбоб-ускунлари, ишлаб чиқариш воситалари мусодара қилинди.

Большевикларнинг хотин-қизларни «озодликка чиқариш» сиёсати ва кампанияси 1927 йилда «Ҳужум» ҳаракатида ёркин намоён бўлди. 20-йиллар охирига келиб Андижон округи бўйича паранжи ташлаган хотин-қизлар сони 6000 кишига етган эди. Тўғри, бу борада маълум маънода ижобий ҳаракат ва ҳолат ҳам юз берганди. Бироқ бу сиёсий, ижтимоий кампанияни ташкил этишдан кўзланган бош мақсад, ўз моҳияти эътибори билан салбий, реакцион характерга эга эди. Бу ҳаракати маҳаллий халқларнинг асрлар оша тарихан шаклланган миллий анъана ва қадриятларини оёқ-ости қилди, хотин-қизларнинг аёллик шаъни, қадр-қимматини топтади. «Хотин-қизлар озодлиги» учун кураш баҳонасида

ислом динига қарши кураш авж олдирилди. Руҳониятга қарши қатағон қўлланилди. Ислом ва унга итоат этиш, исломий ақида ва шариат асосида ҳаёт кечириш жиноят тарзида қабул қилинди. Улуғ адиб Чингиз Айтматов шундай деган эди: «Афсуски, давлат томонидан ўтказилган «Ҳужум» кампанияси ўша даврнинг оғир ҳолатларидан бири эди, дейиш камлик қилади. Бу инсониятга қарши қаратилган жиноят эди. Устига-устак, илоҳий олам қурилмасига қарши йўналтирилган жиноят эди. Худонинг барқарорлигини инкор этган муртадлар Худонинг вазифасини ўз зиммаларига оладилар ва «янги одам яратамиз», деб даҳшатли ўйин бошлайдилар»[1].

Шундай қилиб, совет ҳукумати ислом дини тимсолида ўзининг ашаддий рақибини кўрди ва унга қарши мутассил ҳамда шафқатсиз кураш олиб борди. Дин ва руҳоният сиёсий қатағон объекти бўлиб қолганди. Андижон вилояти, ҳалқи ана шундай мудҳиш ва ғалати бир фожиани ўз бошидан кечирди, унинг кўплаб фарзандлари ўша сиёсатдан жабру-жафо, азоб-уқубат тортди, кўплари ҳалок бўлди, маълум қисми хорижга муҳожир бўлиб чиқиб кетди.

[1] *Айтматов Чингиз.* Қояда қолган кўз ёшлар. // «Жаҳон адабиёти», 1997, 2-сон, 111-бет.

АНДИЖОНДА «ОРЗУДАГИ СОЦИАЛИЗМ» ҚУРИШ УЧУН КУРАШ

Саноатлаштириш. Большевизм, аниқроғи, Ленин асослаган «Орзудаги социализм» қуриш режасида саноатлаштириш биринчи галдаги вазифа эди. Уни амалга ошириш билан шаҳарда социализмнинг моддий базасини яратиш кўзда тутилганди. Аммо мустамлака Ўзбекистонда, жумладан, Андижонда ана шу сиёсат мутлақо бошқача мақсадларда амалга оширилди. Саноатлаштириш сиёсати советлар ҳукумати ва компартия шовинистик мустамлакачилик сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми эди. Бундай сиёсатни хаспўшлаш ва оқлаш мақсадида мамлакатда ягона хўжалик комплекси яратиш илгари сурилди. Унга кўра Ўзбекистонда халқ хўжалигининг қайси тармоғини ривожлантириш масаласи Москвадан туриб бошқарилди. Бу тараққиёт йўналиши «сталинча бешйилликлар» директиваларида ўз аксини топди ва улар компартия съездларида тасдиқланди. Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши тараққиётининг 1925–1940 йиллардаги аҳволи таҳлил этиладиган бўлса, шу давр мобайнида республикада йирик саноат маҳсулотларини мустақил ўзи ишлаб чиқара оладиган бирорта индустрия гигантининг бунёд этилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки, Ўзбекистонда бундай йирик саноат гигантларини қуриш советлар Россиясининг мустамлакачилик манфаатлрига жавоб бермасди. Шу боис Андижонда ҳам асосан пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари, аҳолининг яшаши ва турмуш кечириши билан бевосита алоқадор бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказолар ишлаб чиқарадиган енгил саноат корхоналари бунёд этилди.

Индустрлаштириш йилларида Асака шаҳрида иссиқлик электростанцияси, Шаҳрихонда пахта заводи ишга туширилди. Андижондаги нефть конларида саноат нефти олинди

ва кейинчалик нефть саноати яратилди. Бир вақтнинг ўзида эски корхоналар реконструкция қилинди. Реконструкция қилинган корхоналар қудрати ортди. Агар 1913 йили 1 та пахта тозалаш заводида 860 тонна пахта толаси олинган бўлса, 1928 йилда эса 3363 тонна пахта толаси олинди. Бу даврда янги енгил озиқ-овқат, маҳаллий саноат корхоналари ишга туширилди. 1930 йили ғишт ишлаб чиқариш заводи, 1932 йили нон заводи ишга туширилди. Иккинчи ва учинчи бешйилликлар даврида консерва заводи, 2-нон заводи, пойабзал устахонаси қурилди, мотор ремонт устахонаси мотор ремонт заводига айлантирилди. 1928–1940 йилларда Андижон шаҳрида ҳаммаси бўлиб олтита саноат корхонаси қурилди. 1929 йил охирида Андижонда Қувасой гидроэлектростанциясидан электроэнергия қабул қилина бошлади ва эски электростанция реконструкция қилинди.

Индустрлаштириш йилларида Андижонда маҳаллий хомашё ресурсларига асосланган саноат янада ривожланди. Майда кустар ишлаб чиқариши ривожланди. Кустарларни кооперация қилиш давом эттирилди. Бу йилларда артеллар ва уларнинг аъзолари миқдорлари ортиб борди. 1928 йили 1358 аъзоси бўлган 13 та артель бўлган бўлса, 1941 йил бошларига келиб уларнинг сони 102 тага ортди. Ундаги ишчилар сони 3366 кишига этди. Шаҳардаги бу артелларда 696 нафар аёллар ишлаган.

Йилдан-йилга хотин-қизлар фаоллиги ўсиб борди ва уларнинг артеллардаги сони кўпайди. 1939 йил шаҳар артелларида 696 аёл меҳнат қилаётган эди. Артеллар миқдори ўсиб бориши билан бирга уларда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот хажми ҳам ортиб борди. Агар 1938 йили артеллар 1666700 рубллик маҳсулот чиқарган бўлса, 1939 йилда 19368000 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарганлар. «Тикувчи» артели меҳнаткашлари катта ютуқларга эришган, йиллик режани 1939 йили 25 сентябргача бажарганлар ва йил охиригача 1 миллион рубллик маҳсулот ишлаб чиқарган. «Қизил ботир» артели йиллик режани 103 фоизга, «Пиллакаш» артели 112 фоизга, «Маҳсидўз» артели 105 фоизга, «Меҳнат гули» артели 106 фоизга бажарган.

1940 йиллар бошларига келиб Андижон кустар саноати ривожланган шаҳарга айланди. Бу вақтда шаҳар бутун Андижон округи бўйича кустар ишлаб чиқаришнинг 3 дан 2 қисмини ташкил қилган эди[1].

Ушбулардан аниққи, Андижон округида оғир саноатга алоқаси бўлган бирон-бир катта иншоот қурилган эмас. Фақат енгил саноат ривожланган. Бироқ Андижон аҳли вакиллари мамлакатнинг марказий ва узоқ минтақаларидаги гигант индустриал қурилишларда меҳнат қилганлар. Улар қулоққа тортиш ва «Катта қирғин» даврида қатағон қилинган, ГУЛАГ лагерларига этап қилинган, ўша ерлардаги йирик оғир саноат иншоотларини бунёд этишда иштирок этганлар. Андижонлик маҳбуслар Дмитров, Волга Беламор-Болтиқ, Узоқ Шарқ, Сибирь, Ухтин-Печерский, Қарағанда, Владивосток, Новосибирск, Ўрта Осиё лагерларида мислсиз оғир шароитларда меҳнат қилиб, йирик оғир саноат корхоналарини яратиш, тиклаш ишларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилганлар. Уларнинг аксарияти ана шу лагерларда нобуд бўлганлар.

[1] История Андижана... с. 100.

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

Маълумки, большевизмнинг социализм қуриш режасида мамлакатни индустрлаштириш, яъни саноатлаштириш, коллективлаштириш ва «маданий инқилоб» каби бўғинлар марказий ўринни эгаллаган. Коллективлаштириш сиёсати социализм қуриш режасининг таркибий қисми сифатида бутун мамлакатда бўлганидек Андижонда ҳам амалга оширилди.

1929–1933 йилларда зўрлик билан коллективлаштириш, деҳқонларни қулоқлаштириш ўтказилди. Амалда деҳқонларга қарши уруш эълон қилинган. Аслида деҳқонларга нисбатан социалистик геноцид (инсониятга қарши энг оғир жиноят, аҳолининг маълум қисмини қирғин қилиш сиёсати) қўлланилган. Бу сиёсат фожиали оқибатларга олиб келди[1]. Шунга қарамасдан совет тарихшунослиги бу фожиага коммунистик партия аграр сиёсатининг триумфи, зафари деб қараган.

Академик Раҳима Аминова коллективлаштириш моҳиятини янгича талқин этиб шундай ёзган эди: **«Коллективлаштириш – ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилишининг нақ ўзгинасидир. Партиявий-ғоявий сиёсат ҳукумронлиги туфайли юзага келган коллективлаштириш назарияси ва тажрибаси бугунга келиб чил-**

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг: *Шамсутдинов Рустамбек*. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. «Шарқ». Тошкент. 2001., *Шамсутдинов Рустамбек*. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. «Шарқ». 2003., *Шамсутдинов Рустамбек., Мамажонов Алишер.* Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. «Шарқ» 2005., *Шамсутдинов Рустамбек, Акбарова Манзура.* Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. «Шарқ» 2009.: Трагедия средниазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929–1955 гг. документы и материалы. Т. I-III / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой; АН РУз, Ин-т ист., Благотворительный фонд «Шахидлар хотираси», Андижан. Гос. Ун-т. им. Бабура. – Т.: 2006.

парчин бўлди. Кишининг ишлаб чиқаришдаги меҳнатига хақ тўлов ўзаро тенглик асосида қурилганидан бу сиёсат ўзини оқламади. Табиийки, моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда ташаббуслар ҳам сўнади. Ташаббус, изланиш бўлмаган жойда эса иш орқага кетади. Бунинг устига ҳаётнинг ўзи коллективлаштириш муаммосини кўтариб чиқмаган эди. Назариячилар асрлар оша шакланиб келган ишлаб чиқариш усулларига беписанд қарадилар. Зўравонлик билан ўтказилган сиёсат кўплаб ишбилармон, тадбиркор одамларнинг ишга, ерга бўлган муносабатини совитди. Эътироф этмоқ жоизки, бугунги дастурхонимизнинг ғариблиги ҳам кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш «самарасидир»[1].

Андижонлик деҳқонлар ҳам оммавий ва ихтиёрий тарзда колхозга кирмаганлар. Аксинча, улар кучли ўта маъмуриятчилик, буйруқбозлик, қуролли куч ишлатиш билан олиб борилган колхозлаштиришга «қулоқ»қа тортиш, сургун қилишга қарши ғаллаёнлар, норозиликлар, қўзғолонлар билан жавоб берганлар. Коллективлаштириш минглаб андижонлик деҳқон хўжаликлари, қишлоқ аҳолиси, руҳоний-зиёлилар учун фожиа бўлган эди. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси В.А. Каруцкий Москвага ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г. Ягодага 1930 йил 13 мартда тўғридан-тўғри радио орқали йўллаган мутлақо махфий хатида 9–11 март кунлари Андижон округида коллективлаштиришга қарши оммавий чиқишлар давом этганини қайд қилган. Бу хат Сталинга ҳам етказилган. Бундай чиқишлар оқибатида зўрлик билан ташкил қилинган колхозлар тарқатиб юборилган.

1930 йил баҳорида Андижонда ана шу сиёсатга қарши кучли, катта қўзғолон бўлган. Аммо қўзғолон шафқатсизларча қурол кучи билан бостирилган. Шунда, 1930 йил 4 апрелгача Андижон округидаги мавжуд 7206 хўжаликни бирлаштирган 104 та колхоз, 245 хўжаликни бирлаштирган эски 14 та колхоз тарқатиб юборилган. ОГПУ органла-

[1] *Аминова Р.Ҳ.* Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. «Шарқ юлдузи», 1992 йил 12-сон, 183-бет.

ри ҳузурида ташкил этилган «Учлик» томонидан колхозга қарши бош кўтарганлар қатағон қилинган. Тошкентдаги (Л.Н.Бельский, В.А. Каруцкий, Бабкевичлардан иборат) «Учлик» фақат 1930 йил 22 февралдан 2 июнигача бўлган вақт ичида 583 кишини отувга ва бундан бир неча бор кўп миқдордаги кишиларни 3 йил, 5 йил, 8 йил, 10 йил муддат билан концлагерь, меҳнат тузатув лагери қамоғига, бир қисми Сибирь, Урал, Чувашистон, Бошқирдистонга сургун қилиндилар.

«Учлик»нинг 1931 йил 18 мартидаги йиғилишида Андижон турмасидан **Темирбой Мансурқулов** (60 ёшда, ўзбек, бой, руҳоний), Мадғози **Мулла Пирназаров** (50 ёшда, ўзбек, бой), 3 йил муддат билан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги орқали Жанубий Уралга сургун қилишга ҳукм қилинган. Сургун муддати қамоққа олинган кундан, яъни Т.Мансурқулов учун 1930 йил 13 декабрдан, Мадғози Мулла Пирназаров учун 15 декабрдан белгиланган.

18 мартда «Учлик» ГПУнинг Андижон бўлими тақдим этган 396/4387–сонли иш бўйича 5 кишига: **Тожибой Маҳмудбоев** (60 ёшда, ўзбек, бой, ҳуқуқдан маҳрум этилган, ер-сув ислоҳати даврида хўжалиги қирқилган), **Мамадали Тожимусаев** (61 ёшда, ўзбек, бой, хуқуқдан маҳрум этилган), **Ҳасанбой Мамаарипов** (63 ёшда, ўзбек, бой, ҳуқуқдан маҳрум этилган, ер-сув ислоҳати даврида хўжалиги қирилган), **Ҳасанбоев Отахон** (34 ёшда, ўзбек, бой, бойнинг ўғли, хуқуқдан маҳрум қилинган), **Ҳасанбоев Абдували** (23 ёшда, бойнинг ўғли, хуқуқдан маҳрум этилган, отаси билан биргаликда бой хўжаликка эгалик қилади) отув ҳукми чиқарилган. Уларнинг мол-мулклари мусодара қилинган.

«Учлик» ўша кунги йиғилишида ГПУнинг Андижон бўлими тақдим этган айбнома асосида яна 6 киши: **Маманиёзов Раҳимберди**, (26 ёшда, уйғур, деҳқон оиласидан, «босмачи»лар тўдасида бўлган), **Мадисломов Тешабой** (37 ёшда, уйғур, камбағал), **Абдуллаев Раджаб** (25 ёшда, қирғиз, камбағал), **Ишматов Ҳамитали** (28 ёшда, турк, бойнинг ўғли, хизматчи), **Сағинов Эркиназим** (30 ёшда,

қирғиз, ўзига тўқ хўжаликка эга), **Тошматов Абдулла** (35 ёшда, қирғиз, ўзига тўқ ўртаҳол деҳқон) отувга ҳукм этилганлар.

1930 йил 13 апрелдаги қарор билан ОГПУнинг Андижон округи сектори тақдимига кўра **Мирзакаримов Ражаббой** (35 ёшда, ўзбек, бой, ҳуқуқдан маҳрум қилинган, ер-сув ислоҳатида хўжалиги қирилган) отувга ҳукм қилинган.

Коллективлаштиришга қарши кучли ғалаён, қўзғолонлардан бири Ойим қишлоғида бўлган. Унда қатнашганлардан 58 киши қамоққа олинган. Улар Андижон турмасида сақланиб турилган. 1930 йил 19 апрелда «Учлик» Каруцкий раислигидаги аъзолар Шубрин ва Берман, прокурор назоратчиси Саричев иштирокида 58 маҳбусдан 11 нафарига отув жазоси қўлланилган: **Яминхон Яқубхўжаев** (36 ёшда, ўзбек, ҳуқуқдан маҳрум этилган), **Нурмонхожи Камолов** (31 ёшда, ўзбек, Жалол қўрбоши йигити), **Тожибой Тошалиев** (60 ёшда, ўзбек, бой, ҳуқуқдан маҳрум қилинган), **Қирғизбой Худойназаров** (40 ёшда, ўзбек, савдогар ўғли, савдогар, ҳуқуқдан маҳрум қилинган), **Абдужаббор Мадраимов** (47 ёшда, ўзбек, бой, ҳуқуқдан маҳрум қилинган), **Мавлонбой Мадраимов** (37 ёшда, ўзбек, савдогар, ҳуқуқдан маҳрум этилган), **Аъзамхон Мухтархонов** (32 ёшда, ўзбек, бойнинг ўғли, эшон, ҳуқуқдан маҳрум қилинган), **Қосимхон Эшонтўраев** (50 ёшда, ўзбек, бой, ер-сув ислоҳотида хўжалиги қирилган), **Нишонбой Усмоналиев** (30 ёшда, ўзбек, бой, собиқ амирда мансабдор), **Домлабува Марасулов** (49 ёшда, ўзбек, бой, ер-сув ислоҳотида хўжалиги қирилган, ҳуқуқдан маҳрум этилган), **Ҳайдарали Хўжамбердиев** (собиқ имом).

«Учлик» 1930 йил 22 майда андижонликлардан **Ҳамидмаҳсум Хўжаев** (30 ёшда, ўзбек, руҳоний, ўртаҳол, ҳуқуқдан маҳрум этилган), **Усмонов Аббос** (56 ёшда, тожик, имом)ларни отувга ҳукм қилган.

«Учлик» 1930 йил 27 июлда андижонликлардан **Камолдин мингбоши Шарифбоев** (37 ёшда, ўзбек, қўрбоши), **Асқар Амин Матмусаев** (49 ёшда, ўзбек, бой), **Мамадалихон Маражабхожиев, Тўланқори Муҳаммадризаев, Миркомил Сулаймоновлар**ни отувга ҳукм қилган.

«Учлик» 1930 йил 8 августда ОГПУ нинг Андижон сектори тақдимига асосланиб **Исмоил Тожибоевни** (29 ёшда, бойнинг ўғли) отувга ҳукм этган.

Андижон турмасида қамоқ азобини тортаётган маҳбус Холмат Тошматов (28 ёшда, уйғур, хизматчи) 1931 йил 18 январда «Учлик» томонидан отувга ҳукм қилинган.

1931 йил сентябрида Андижон туманидан 210 хўжалик (817 жон), Шаҳрихон (Сталин) туманидан 100 хўжалик (493 жон), Асака (Зеленский) районидан 109 хўжалик (480 жон) Украинага сурган қилинган. Улар Херсон вилояти Скадовский, Каховский, Голопристан районларида сургун азобини тортдилар. 1932 йил майида Андижондан 101 хўжалик, Избоскандан 86 хўжалик, Баликчидан 90 хўжалик, Қўрғонтепадан (Ворошилов райони) 169 хўжалик, Ойимдан 99 хўжалик, Марҳаматдан 142 хўжалик, Асакадан 163 хўжалик, Жалақудуқдан 107 хўжалик, Шаҳрихондан 129 хўжалик Ўрта Осиёнинг ички районларига сургун қилинган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги «Учлик» 1932 йил 3 ноябрда **Каримов Мулла Холмат** (58 ёшда, ўзбек, ўртаҳол, сургун муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган), **Бадалбоев Қўзибой** (59 ёшда, ўзбек, Андижон шаҳридан, савдогар)ларга ЎзССР Жиноят Кодексининг 175-моддаси билан 5 йил концлагерь жазоси берилиб, ОГПУ доимий вакиллиги орқали Бошқирдистонга этап йўли билан сургун қилинган. Сургун муддати 1932 йил 4 октябридан деб белгиланган. Шунингдек, **Абдуллаев Исмоил** (58 ёшда, ўзбек, Андижон шаҳридан, савдогар) 10 йил қамоқ жазосига ва 5 йил муддатга ОГПУ доимий вакиллиги орқали Бошқирдистонга сургун қилишга ҳукм этилган.

«Учлик» 1933 йил 20 февралдаги йиғилишида бошқалар қатори **Олимхўжа Ҳасанхўжаев**нинг 934-сонли ишини кўриб чиқиб, 3 йил концлагерь қамоқ жазосига ҳукм қилади. У 50 ёшда, саводсиз, партиясиз, оилали, Андижон райони, Экин-тикин қишлоғидан, қулоқ. 1931 йил 4 ноябрда қулоқ сифатида Украинага сургун қилинган, бу жойда 1932 йил 25 ноябргача бўлган, сўнг у ердан қочиб қишлоғига келган,

бу жойдан ушланган ва Андижон ИТУда қамоқда 1932 йил 5 декабрдан сақланган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги «Учлик» 1933 йил 27–28 майда Андижон шаҳрида бўлади. Унинг сайёр йиғилишида (Ўзбекистон ГПУ раиси ўринбосари Гильмен, ОГПУнинг Андижон округи сектори бошлиғи ўринбосари **Бронславский**, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги прокурор ёрдамчиси Ивницкий, «Учлик» котиби Пантелеев иштирокида) 181 нафар «қулоқ» устидан ҳукм чиқарилган. Бу 181 қулоқ Андижон меҳнат тузатув бошқармаси турмасида, аксарияти эса районлардаги сиёсий маҳбуслар уйларида, милиция қамоқхоналарида ушлаб турилган ва тергов қилинган. Уларнинг ҳар бирига жиноят иши очилган ва кўплари ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси (аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда) билан айбланган. Уларнинг асосий қисми меҳнат тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга, баъзилари эса махсус посёлкаларга оиласи билан кўчирилишга ҳукм қилинган.

Ўша «Учлик» 1933 йил 28 майдаги йиғилишида қулоққа тортилган 109 киши устидан ҳукм чиқарган. Уларнинг кўпчилигига 5, 4, 3 йил қамоқ жазоси берилган. «Савай» меҳнат посёлкасига сургун қилишга ҳукм этилган.

1933 йил июлида Ўрта Осиёдан Шимолий Қозоғистоннинг Шортондин туманига 500 хўжалик сургун қилинган. Улар орасида Хўжабод райони Дилкушод қишлоғидан отилиб кетган Собирбой Эшоновнинг аҳли аёли Турсунпошша ва икки ўғли ва бир қизи билан, Избоскан тумани Эскиқишлоғидан Ҳамроали Абдулғаффорҳожиев аҳли аёли, уч ўғли, келин ва неваралари ҳам бор эди[1].

[1] *Шамсутдинов Рустамбек, Акбарова Манзура*. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. «Шарқ»,Тошкент. 2009. 159–164 бетлар.

СУРГУН ҚИЛИНГАН АНДИЖОНЛИКЛАР

Миллий қишлоғимизнинг собиқ совет давридаги аҳволи ҳақида тўхталаркан, Президентимиз Ислом Каримов: **«Қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини, минглаб миришкор деҳқонларнинг қулоқ сифатида олис ўлкаларга сургун қилинганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг даҳшати янада яққолроқ намоён бўлади»**[1], – дея таъкидлайди. Айни вақтда, Юртбошимиз: «Эл-юрт тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз» эканлигини уқтиради.

Аламли, ачинарли ўтмишимизнинг ана шундай ёпиқ саҳифаларидан бири большевиклар зўрлик билан ўтказган коллективлаштириш жараёнида қишлоқдаги миришкор, тадбиркор, ўзига тўқ, ери, от-улови, уй-жойи бўлган деҳқонларни қулоққа тортиб, уларни Сибирь, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон ва бошқа бегона юртларга сургун қилингани, уларнинг сургундаги азоб-уқубатли ҳаёти, фожиали қисмати, тақдиридир.

Қулоқларни синф сифатида тугатиш, уларни қулоққа тортиш, сиёсий фаоллигини бостириш учун махсус оператив режа ишлаб чиқилган. Энг хавфли участкаларни мустаҳкамлаш учун сиёсий вакиллар, энг яхши бригадирлар ва ГПУ[2] оператив ходимларидан иборат гуруҳлар таш-

[1] *Каримов И.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 98-бет.

[2] ГПУ – Государственное политическое управление, яъни Давлат сиёсий бошқармаси.

кил қилинади. Бутун сиёсий аппарат қулоққа тортиш ва сургун қилиш компаниясига сафарбар этилади. Ҳар бир участка бўйича фаол колхозчилар, камбағаллар, ўртаҳоллар ГПУ томонидан уюштирилиб, қулоқларга қарши сафарбар қилинади. Айни вақтда, бу ишга шаҳардан келган ишчилар бригадаси, районнинг раҳбар ходимлари ҳам жалб этилади.

Андижон Эски шаҳари ва унинг атрофидаги қишлоқлар 5 та оператив участкага бўлинади. Уларда ГПУнинг оператив коммунарлар гарнизони ташкил этилади. Оператив участкалар сиёсий аппаратдагиларга қулоққа тортишда, советларга қарши чиқишларнинг олдини олишда, сиёсий ҳолат ва кайфиятни таъминловчи чекистлар хизматини ташкиллашда тўласича ёрдам берган.

Бўтақора, Олтинкўл, Маслаҳат, Хирабек, шаҳарга туташ, Эски шаҳар участкалари бўйича 217 қулоқ хўжалигини (1146 жон, шундан эркаклар 431 киши) сургун қилиш режалаштирилади.

Шаҳарда механизациялашган (транспорт билан таъминланган) зарбдор-оператив гуруҳ ҳам ташкил қилинган. Унинг ихтиёрида 150 нафар милтиқ билан ҳамда 30 та қилич билан қуролланган кишилардан таркиб топган гарнизон ҳам бўлган. Бу отрядларнинг вазифаси қулоққа тортиш ва сургун қилишни тинч ўтказиш, сиёсий, норозилик чиқишларини бостириб туриш, жойлардаги сиёсий-маънавий ҳолатни сақлаб туриш, зарур ҳолатда куч ишлатиш чораларини кўришдан иборат бўлган. Қуролли гуруҳлар Бўтақора, Маслаҳат, Олтинкўл ва Хирабекда бўлишиб, сиёсий-оммавий чиқишларнинг олдини олишга эришгандилар.

Ҳолбуки, расмий ҳужжатда бу қуролли куч қулоққа тортиш ишига амалда ҳеч қандай иштирок этмаган, деган фикр билдирилган.

Қулоққа тортилганларни ўз хонадонларида қўлга олиб, сургун қилиш учун йиғув пунктига келтириш операцияси 1931 йил 20 августдан 21 августга ўтар кечаси амалга оширилган. Шу тун, биринчи галда, эркаклар қўлга олинган. Уларни ГПУнинг концентрацион пунктига келтиришиб, улардан сургун қилинишига розилик билдириб ариза бериш талаб қилишган. Натижада 232 қулоқ хўжалигидан 187 таси

томонидан сургун қилинишига розилик билдирилган ариза олинган.

ГПУ концентрацион пунктининг иши яхши ташкил этилган. Бу пункт 2-Андижон станциясига яқин 4-пахта заводи ҳовлисининг темир йўл билан боғлаб турувчи жойида бўлган. Пунктга ГПУ комендатураси ва коммунарлардан ташкил топган махсус соқчилар хизмат қилиб турган. Пунктда сиёсий комиссия ҳам жойлашганди. Сургун қилинаётганларга уюшган, тартибли ҳолда хизмат қилиш йўлга қўйилган. Тўрт тарафи тиканли симлар билан ўралган очиқ майдонда ҳибс ҳолатида турган қулоқлар ўзларининг Украинага сургун қилинаётганликларидан хабар ҳам топганлар. Улар совет ҳукуматига қарши туриш фойдасизлигини билиб, тезроқ сургун қилиб олиб бориладиган жойга етишларини ўйлардилар. Аввалига улар ўзлари билан жуда чекланган миқдордаги юкларни олгандилар. Олиб кетиш рухсат этилган юк нормалари эълон қилингач, улар танишбилишлари, қариндошлари билан боғланиб, ўз юклари миқдорини бир оз кўпайтириб олганлар.

1931 йил 5 сентябрда Украинанинг жанубий районларига сургун қилинаётган 232 қулоқ хўжалиги уюшган ҳолда эшелон вагонларига жойлаштирилади. Эшелонда одамлар учун 23 та вагон, уларнинг юклари учун 5 та вагон ажратилган. Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликларининг йўлда овқатланиши учун озиқ-овқат, 6000 та нон берилган. Эшелон вагонларига 907 киши — 314 эркак, 195 аёл, 349 бола жойлаштирилган. Юк вагонига 29 та кетмон, 14 та ўроқ, 12 та болта, 12 та арра, 11829 килограмм буғдой, жами 39821 килограммлик багаж юкланган[11].

Тошкентдан келган вакил Худойқуловнинг «ЎзССР Андижон районида ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш натижалари» ҳақидаги ёзма ҳисоботида шундай дейилган: «Қулоқлар ортилган эшелонни кузатиш учун 2-Андижон станциясида 2,5–3 мингдан иборат одамлар тўпланган. Бироқ ҳеч қандай эксцесслар юз бермади. Эшелонни кузатиш пайтида сургунга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви. 58-фонд, 7-рўйхат, 254-иш, 2–48 варақлар.

кетаётганларнинг ҳам, уларни кузатиб қолаётганларнинг ҳам йиғлашлари юз берди, бу ҳукумат вакилларининг айримларини (қишлоқ советлари раислари, маҳалла комиссиялари ходимлари ва милиционерлар) кўркувга, ҳадиксирашга солди. 5 сентябрь эшелон Андижондан йўлга чиқди, транспорт комендатураси эшелонни Украинага олиб бориб топшириб, аллақачон Андижонга қайтиб келди».[1] Улардан бири Ваҳм қишлоғилик Худойберди ота эди. У ўз аҳли аёллари билан она юрти Шаҳрихонга қайтиб келган. Унинг ўғли Солижон ота Украинанинг Сергеевка қишлоғида мактабда ўқиб, кейинчалик Андижон ўқитувчилар институтни битириб, яна Украинага кетиб сургундаги ўзбек ёшларига таълим берган. Солижон ота сургундалигида Рустамжон, Толибжон исмли фарзандлар кўрган. Бу оила 1946 йили ватанга қайтган. Ўша сургун ва сургундан кейинги таҳқирлашларни эслаб, техника фанлари доктори, профессор Толибжон Худойбердиев шундай эслайди: «Мени энг ажаблантирадиган нарса шуки, 15–16 йил сургун азобини тортиб Ўзбекистонга қайтиб келганлар азоби давом этишидир. Ўша пайтда, ўша замон мафкураси билан суғорилган одамлар доимий равишда бизни қулоқ қилинганлигимизни ёки қулоқ қилиниб сургун қилинган инсонларнинг фарзандлари эканлигимизни ҳар қадамда эслатишиб туришар эди. Бу нарсадан отамиз – ҳожи дадамиз жуда кўп азият чекканлар. Каерга бормасин, кичик бир лавозимга ўтиши пайтида қулоқ фарзанди деб ўтказишмасди ёки номзоди тушиб қолдирилар эди. Маҳаллада ёки кичик йиғилишларда асосий мавзу қолиб кетиб, мавзу биз тўғримиздаги гаплардан иборат бўлиб қолишлигини ўзим кўп марта гувоҳи бўлганман. Сургун бўлдик, ота-оналаримиз бунинг азобини тортдилар. Қайтиб келгандаги ўша мафкура билан суғорилганлар томонидан берилаётган азобни тушунмай қийналар эдик. Бу маънавий азоб эди. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, мустақиллигимиз туфайли бу кунлар ҳам ортда қолди.

Сургун ва ундан кейинги қийинчиликларга қарамай дадамиз ўқиди, маълумотли бўлди. Сургун қилинганларнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви. 58-фонд, 7-рўйхат, 254- иш, 39 варақ

фарзандлари ҳам ўзбек миллатининг фарзандлари, улар саводсиз қолмасликлари керак, деб Украинага бориб, уларни ўқитиш билан машғул бўлди. Шу билан бирга ўзининг 7 фарзандини олий маълумотли, улардан бири фан доктори, профессор, иккитаси эса фан номзодлари даражасига етказдилар. Биз уларнинг меҳр-муҳаббатлари ва меҳнатлари туфайли отамиз олдида, меҳнатларини руёбга чиқаришга имконият яратган Президентимиз олдида доимо таъзимдамиз».

Худди шундай кампания 1932 йил баҳорида Андижон Эски шаҳарида ва унга туташ қишлоқларда ҳам амалга оширилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан Андижон шаҳар партия комитети ҳузурида ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича сиёсий комиссия ташкил этилади. Унинг 1932 йил 8 майдаги биринчи йиғилишида район бўйича ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича тадбирлар белгиланади.

Сиёсий комиссиянинг 1932 йил 9 майда бўлиб ўтган навбатдаги 2-йиғилишида қулоқ хўжаликлари тўғрисидаги материаллар кўриб чиқилади.

Йиғилиш 98 та қулоқ хўжалигидан 85 тасининг молмулкини мусодара қилиш ва сургун қилишга қарор қилган. Уларни номма-ном келтирамиз:

Ибайдуллаев Аҳмадазиз, Абдуллаев Қодирохун, Мусабоев Мирхалил, Маҳмудбеков Саримсоқ, Исматуллаев Абдулазиз, Маҳмудалиев Ҳайдарали, Тошматов Аҳмадали, Ғозибоев Шамсутдин, Ҳамрақулов Тўлак, Насриддинов Қобил, Муллазокиров Собиржон, Умархўжаев Абдуқодир, Мадқосимов Қосимабил, Мирзабаҳромов Мирзаабдулхай, Мансуркулов Аҳмадали, Абдураҳмонов Абдуллажон, Муллаозиқов Саидназар, Холматов Қори, Ҳамдамхўжаев Худайберди, Қурбонбоев Аҳмадали, Нуралиев Мулла Нурали, *Ходимаев*[1] Ҳусайн, Холиқов Абдуҳаким, Ҳусанбоев Худойберди, Йўлдашев Отақул, Маратов Йўлдошбой, Абдукаримов Мирзакарим, Хўжамбердиев Парпибой, Ниёзматхўжаев Тошмат, Мадҳожимов Мамажонхўжа, Саидали-

[1] Ҳужжатда хато ёзилган фамилия ва исмларни аниқлаш имкони бўлмаган ўринлар аслича қолдирилди ва курсив билан ажратилди.

ев Тилаболди, Охунбоев Эргашбой, Ҳасанбоев Мамасодиқ, Абдумўминов Абдумухтор, Абдужалилов Абдухолиқ, Низомов Ҳожимат, Ҳусанбоев Назир, Содиқалиев Аҳмад, Йўлдашев Сотқинбой, Бадалбоев Мамаюсуп, Исмоилов Мамажон, Абдуқодиров Мадхолиқ, Комилов Деҳқонбой, Саидалиев Мадамин, Маткаримов Абдухалил, Отабоев Азимбой, Алиев *Булан* Акбар, Расулбердиев Йўлдошбой, Тиллабоев Қўчқор, Хўжаев Нурилло, Масалиев Ҳакимжон, Сатимбоев Шодмон, Отабоев Эргаш, Ирисов Мулла Одил, Каримов Боймирза, Соибназаров Тожибой, Қурбонов *Баниёт*, Аҳмадхўжаев Элчибой, Умаров Қўзибой, Усабоев Эшматбува, Мусабеков Олтинбой, Ҳамракулов *Бочабой*, Исломов Матқосим, Аскаралиев Ёқубжон, Абдужабборов Собир, *Розақов* Хўжамберди, Қурбонҳожиев Йўлдошбой, Ғозиев Мадғози, Дўсматов Мирза Карим, Мамайўлчиев Абдуллажон, Отахонов Мамажон, Ҳожиматов Камолжон, Орзибоев Худайқулқори, Олимжонов Худойқул, Рустамбеков Тўйчибой, Раҳматуллаев Муҳитдинбек, Маҳаммадалиев Эшонхўжа, Исмоилов Ғиёсиддин, Содиқбоев Хомидбой, Эшонхўжаев Худайберди, Аҳматқулов Юнусали, Ҳасанов Бахтиёр.

Йиғилишда Абдуллаев Абдумалик, Маллатошев Йўлдош, Мирзакаримов *Абдуқагон*, *Розинбоев* Нўъмон, Муҳитдинов Зиёмутдин, Мирзамаҳмудов Мирзараим, Тошматов Жўрахонлар ҳақидаги материаллар уларнинг хўжаликларини мусодара қилиш, ўзларини сургун қилиш учун етарли эмаслиги қайд этилиб, масалани қайтадан текшириб чиқиш учун очиқ қолдирилди[1].

Бу қулоққа тортилганлар 1932 йилнинг май-июнь ойларида Ўрта Осиёнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ички, ўзлаштирилмаган ҳудудларига сургун қилинадилар. Улар махсус посёлкаларда, комендатура назорати остида оғир ҳаёт кечирадилар, сургуннинг барча азоб-уқубатларини тортишга маҳкум этиладилар. Уларнинг бир қисми очарчиликдан, оғир меҳнат ва касалликдан вафот этди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви. 58-фонд, 7- рўйхат, 254- иш, 1–7-варақлар.

МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ

Коммунистик режим илгари сурган социализм қуриш режасининг таркибий қисми «Маданий инқилоб» эди. Бу сиёсат Ўзбекистонда, жумладан, Андижонда «шаклан миллий ва мазмунан социалистик» маданиятни шакллантириш қобиғига ўраб амалга оширилди. Совет режимининг улуғ давлатчилик, мустамлакачилик сиёсатининг мафкуравий асосини Ленин ишлаб чиққан. У мустамлака Туркистон дунёнинг энг қадимий маданият ва маърифат ўчоқларидан бири эканини тушунарди. Шунингдек, у халқимизда энг улуғ ва олижаноб ғоялар қадимдан қарор топган. Миллатимизда ватанпарварлик, элпарварлик, мардлик, жасурлик, иймон-эътиқодлилик, миллий ва диний қадриятларга содиқлик фазилатлари, эрк, ҳурлик ва озодликка ташналик, босқинчилар, мустамлакачиларга нисбатан чексиз нафрат туйғулари мавжудлигини ҳам биларди. Шу боис советлар халқимизга хос бўлган ана шу олижаноб ва улуғ фазилатларни уларнинг онгидан сиқиб чиқармасдан туриб, юртимизни ўз асоратларида узоқ сақлаб қололмасликларини босқинчи жаллодлар яхши тушунганлар. Бу вазифани амалга ошириш учун эса туб ерли мусулмон аҳолини тарихидан, тилидан, маданияти ва асрлар оша шаклланган миллий, диний қадриятларидан бегоналаштириш ва маҳрум қилиш лозим эди. «Шаклан миллий ва мазмунан социалистик» маданият учун кураш дастури худди ана шу мудҳиш вазифани бажаришга хизмат қилди. Халқимиз онгига маънавий таъсир қилишнинг барча воситалари, маориф, фан, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар орқали улар онгидан барча миллий ғоялар, ўзига хосликлар сиқиб чиқарилиб, «социалистик», «байналминалчилик» қобиғига ўралган, аслида эса қуллик, тобелик, итоаткорлик, руслаштириш-ассимиляторлик мафкураси босқичма-босқич тизимли тарзда сингдирилиб борилди.

Маориф. Советлар дастлабки кундан бошлаб аҳолининг кенг қатламлари онгига совет таълим-тарбия тизимини сингдиришга аҳамият берди. Бироқ бу ишни бирданига уддалаш мушкул эди. Шу боис совет маориф тармоқларини яратиш билан бирга, эски анъанавий, миллий таълим-тарбия ва ўқитиш тизимининг фаолият кўрсатишига тоқат қилди. 1925 йилда Ўзбекистонда 97 та вақф мактаби ва 1500 дан ортиқ мактаблар фаолият кўрсатмоқда эди. Шулардан 250 таси яширин ҳолда ишлади. Аммо 1928 йилга келиб советлар Ўзбекистонда эски, миллий мактаблар фаолиятини батамом тақиқлаб қўйди. Бу вақтда Андижон округида 12000 десятина вақф ерлари мавжуд эди. 1928–1929 хўжалик йилида Андижон округи бўйича 985 гектарга яқин ер майдони яъни вақф мулки тугатилиб, бу мулк деҳқонларга бўлиб берилди. Бу деган сўз вақф мулкига асосланган миллий мактабларни батамом тақиқлаб қўйиш эди.

Советлар томонидан таълим ва тарбия тизимига икки марта берилган зарба Андижон округи халқи учун ҳам фожиа бўлди. Биринчиси, 1929 йил 1 декабрдан араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви лотинлаштирилган алифбо асосидаги ўзбек ёзуви билан алмаштирилганлиги бўлди. Иккинчиси, 1940 йилда амалга оширилди. Ўша йили 8 майда «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитидан рус графикаси асосидаги янги алфавитга кўчириш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу ҳар икки зарбанинг моҳияти нимадан иборат эди? **Биринчидан**, қисқа муддат ичида алфавитнинг ўзгариши натижасида Ўзбекистон фуқароларининг саводсизлик даражаси кучайди, демак, умумий маданий савияси пасайди. **Иккинчидан ва энг муҳими**, ўзбек халқи ўзининг минг йилликлар қаърига бориб тақалувчи тарихи, ўтмиш маданияти ва миллий қадриятларини ўқиб-ўрганишдан маҳрум бўлди. **Учинчидан**, руслаштириш жараёни тезлашди, халқимизнинг миллий ўзликдан, миллий ўқ томирдан узоқлашиш, бегоналашиш жараёни жадаллашди. Бу миллий фожиа эди.

Совет ҳукумати маориф соҳасидаги ўз муҳолифатини тор-мор келтириб, туб ерли аҳолини саводсиз ҳолга келтиргач, мустамлакачилик мафкурасини фуқаролар онги-

га сингдирадиган маориф тармоқларини ривожлантиришга киришди, «саводсизлик»ни тугатиш йўлини тутди ва бу йўлда маблағни аямади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Андижон уездида 257 та бошланғич мактаб бўлиб, уларда 12740 ўқувчига 386 ўқитувчи таълим-тарбия берган. 1925 йили 4 та болалар боғчаси ва бир қанча болалар майдончалари очилди. Айни вақтда катта ёшдаги аҳоли «саводсиз»лигини тугатиш борасида иш олиб борилди. 1928 йили округда 647033 киши ўқиган, шундан 30 фоизи аёллар бўлган. Таълим-тарбия ишларини ташкиллашда педагогик ходимлар асосий роль ўйнаши эътиборга олиниб, педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини оширишга эътибор қаратилган. 1927–1928 ўқув йилида Андижон шаҳри мактабларида ўқитувчилар 200 дан ортган бўлса, 1935–1936 ўқув йилидан уларнинг сони 282 кишига етди. Уларнинг 26 нафари олий маълумотли ва 70 таси тугалланмаган олий маълумотга эга бўлган. 1939–1940 ўқув йилида ўқитувчилар сони 412 кишига етди. Андижон ўқитувчилари миллий таркибида ўзбеклар – 32,7 фоиз, руслар 26,4 фоиз, татарлар 19 фоиз, қолганлари бошқа миллат вакиллари эди. Ўқитувчи кадрларни тайёрлашда 1931 йил очилган Андижон кечки педагогика институти муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1937 йили институт физика-математика, география, геология, тарих, филология факультетларидан иборат бўлган. 1939 йили кечки педагогика институти базасида Андижон ўқитувчилар институти ташкил бўлди. 1940–1941 ўқув йилидан институтнинг кундузги бўлимида 203 киши, кечки бўлимида 134 киши ўқиган. 1939–1940 ўқув йилида институт 38 нафар, 1941 йили 144 нафар ўқитувчи тайёрлаган[1].

Андижон талантли ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, театр ва кино арбобларининг бутун бир авлоди ўсиб чиққан табаррук юртдир. Улар ичида машҳур ёзувчи-драматург Комил Яшин, шоирлардан Султон Жўра, Оразий, Ҳабибий, Саида Зуннунова, Эътибор Охунова, Олимжон Холдор, Восит

[1] *Шамсутдинов Р.Т.* Первенец высшей школы. Краткий очерк истории Андижанского государственного педагогического института им. З.М.Бабура. Т.: «Узбекистан», 1989, с. 6–7.

Саъдулла, бастакор Тўхтасин Жалилов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Маданий-маърифий ишларга Андижон театри ҳам муносиб ҳисса қўшди. 1919 йилда ташкил топган Андижон мусиқали драма театри томошабинларнинг ҳурмат ва эҳтиромини қозонган санъат ўчоқларидан бири бўлиб қолди. Бу театр ўз даврида бутун республика учун артист ходимлар тайёрлаш маскани бўлган. Бу театрнинг майдонга келиши ва ривожланишига Комил Яшин, Тўхтасин Жалилов, Собир Абдулла, Мумтоз Муҳаммедов ва бошқа ажойиб санъат усталарининг хизмати катта бўлган. Бу санъат масканида машҳур санъаткорлар Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Асад Исматов, Шаҳодат Раҳимовалар катта хисса қўшганлар. Театр нафақат Ўзбекистоннинг шаҳарлари бўйлаб, балки собиқ Иттифоқнинг марказий шаҳарлари бўйлаб ҳам гастролларда бўлган. 1932 йили театр Ленинград шаҳрига гастролга боради. Гастроль андижонлик ва ленинградлик артистлар ва санъат арбобларининг яқиндан алоқа ва дўстлигини вужудга келтирди. Театр жамоаси ҳар йили республиканинг қишлоқ районларида концерт ва спектакллар намойиш этган. Фақат, 1939 йили театр 150 та колхозда бўлган. Артистлар Катта Фарғона канали қурилишида хизмат кўрсатганлар. Театр репертуари жуда ҳам хилма-хил бўлган. «Бой ва хизматчи», «Холисхон», «Майсаранинг иши», «Рустам», «Гулсара», «Виждон ва муҳаббат», «Тор-мор», «Тарих тилга кирганда», «Турондот маликаси», «Ҳалима», «Макр ва муҳаббат», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра», «Уйланиш», «Ревизор» спектакллари қўйилган. Театр ютуқлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан юксак баҳоланди. 1935 йилдан Андижонда уйғур театри ва давлат цирки фаолиятда бўлган. 1934 йили эса болалар театри очилган.

30-йилларда адабиёт ва унда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Шоир ва ёзувчиларнинг янги авлоди ўсиб чиқди. Уларнинг ижодида ватанпарварлик ва кишиларнинг матонатли, қаҳрамонона ҳаёти акс эттирилди. Ёзувчи ва шоирлар ўз асарлари билан ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Бундайлар қаторида Султон Жўра, Карим

Аҳмадий, Восит Саъдулла ва Журъат, Расулжон Раҳимовлар катта роль ўйнади. Карим Аҳмадийнинг «Муҳаббат» пьесаси, «Ботир Бўрон» драмаси, Султон Жўранинг «Келин», «Ўртоқ ўқитувчи», «Катта Фарғона канали» ва бошқа асарлари томошабинларга кучли таъсир кўрсатди.

30-йилларда Андижон шаҳрида меҳнаткашларни жисмоний тарбиялаш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. 1931 йили Андижон шаҳрида физкультурачилар 200 кишини ташкил этган бўлса, 1942 йилга келиб уларнинг сони 4246 нафарга етди. Ўша йили Андижонда 2 та стадион, 6 та спорт майдонлари, 2 та сузиш бассейни ва 3 та спорт зал ишлаб турган.

1932 йили Андижонда истироҳат ва дам олиш боғи очилди. Унинг қурилишида шаҳарликлар фаол иштирок этди. 1931 йил баҳор кунларининг бирида ҳашарга 2500 киши чиққан, 1 йил ўтиб боғнинг иккинчи навбати якунланди. У республикадаги йирик боғлардан бири бўлиб қолди.

Советларнинг ислом динига муносабати. Совет режими бутун республикадагидек Андижонда ҳам миллий-диний қадриятларни ғорат қилиш йўлини тутди. Бу моҳиятан тушунарли ҳолдир. Чунки, қизил мустамлакачилар халқимизни миллий ва диний маънавиятини ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узоқ муддат ҳукмронлик қила олмасликларини яхши билар эдилар. Аммо бу ишни большевиклар бирданига эмас, айёрларча, аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириб бордилар.

1918 йил 23 ноябрда черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида декрет эълон қилинди. Бу декрет Ўзбекистон ССРнинг 1927 ва 1937 йилларда қабул қилинган конституциялари учун асос қилиб олинди ва виждон эркинлиги ғояси илгари сурилди. Амалда эса мутлақо бошқа қонунлар ҳукмронлик қилди. Бу борада Троцкий динга қарши кураш тадбирларини ўтказиш борасида кўпгина беъманиликлар қилган. Динга қарши кураш маориф, маърифат, тарғибот, тушунтириш йўли билан, партиявий ишнинг бошқа мафкуравий шакллари орқали олиб борилиши керак эди. Троцкий эса бу ишга ўта «революционлик» тусини берди. Унинг ВЧК раиси Ф.Дзержинскийга

1919 йил 1 майда йўллаган кўрсатмасида бутун Россия ижроия комитети ва Халқ комиссарлари совети қарорига мувофиқ имкон борича кўпроқ поплар ва диндорлар йўқ қилинсин, поплар контреволюцион саботажчилар сифатида қамоққа олинсин, шафқатсизлик билан ҳамма жойда отиб ташлансин, имкон борича кўпроқ черковлар ёпиб қўйилсин, ибодатхоналар муҳрлаб қўйилсин ва омборхоналарга айлантирилсин дейилган[1]. Большевикларнинг мусулмон аҳолисини диний эътиқодига қарши олиб борган мудҳиш сиёсати ва унинг даҳшатли оқибати маҳаллий большевиклар томонидан кескин танқид остига олинган эди. Атига бир мисол келтирамиз: Туркистон АССР Халқ комиссарлар совети раиси Қайғусиз Отабоев Андижондаги Жомъе масжиди ва мадрасасида бўлганида олган таассуротини Марказижроқўмнинг IV пленумида сўзлаган нутқида чуқур ачиниш билан шундай деган эди: «... Бизнинг «Йўқолсин эски дунё, йўқолсин буржазия» деган шиоримиз ҳаётга тахминан қуйидагича жорий этилди. Биз эски дунё деганда барча масжид ва мадрасаларни тушундик ва уларни беркитиб қўйдик, қози ва уламоларни ҳибсга олдик, диний хурофотга қарши курашимиз ўз ифодасини топдики, Марғилонда совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонни ёқиб юборишди. Андижондаги Жомеъ мадрасаси мусулмон отрядларининг қўналғонларига айлантирилди...»[2]

1929 йил бошида Л.М.Каганович имзоси билан жойларга диний ташкилотлар бирдан-бир легал ҳаракат қилаётган ва оммага таъсир кўрсатаётган аксилинқилобий кучдир деган директива юборилди. Ушбу ҳужжат дин ва диндорларга нисбатан муносабатнинг асоси бўлди. Диндорлар таъқиб остига олинди. Диний китоблар «реакцион» деб эълон қилинди. Андижонда ҳам диний китобларни йўқотиш баҳонасида араб имлосига асосланган эски ўзбек имлосидаги барча китоблар йўқ қилинди. Одамларимиз бундай китоблар ва қўлёзмаларни анҳорларда оқизишга мажбур

[1] *Карпов Владимор*. Генералиссимус. Книга первая. Вече. Москва. 2009. стр. 67–69.

[2] *Прапоров Юрий*. Саҳро қуёши чароғонми?. Т.: «Ёшлик», 1991, 5- сон, 76–77-бетлар.

бўлганлар, қабристонларга кўмиб, синчли деворлар орасига яширганлар. Масжид ва мадрасалар бузиб ташланди. Ҳатто пештоқи, девори, эшик ёки устунларида араб имлосидаги ёзуви бўлган бинолар ҳам бузиб юборилди. Андижондаги кўплаб масжид ва мадрасалар минерал ўғитлар сақланадиган омборхона, керасин сотадиган дўкон, темирчихона кабиларга айлантирилди. Ҳатто Аллоҳ таолонинг уйи ҳисобланмиш масжид худосизлар уйига айлантирилган. Яъни, унда атеизм музейи очилган эди.

Андижонда ҳам масжид ва мадрасаларни оммавий равишда бузиш, йўқ қилиш амалга оширилди, шайхлар, имомлар, муаттар қорилар ва бошқа диний арбоблар жазоланган, қамоққа олинган, сургун қилинган ва ўлдирилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги «учлик» 1937 йил 10 сентябрдан 1938 йилнинг октябргача бўлган даврда қарийб 15 мингдан зиёд киши устидан ҳукм чиқарди. Улардан бир қанчаси отувга ва катта қисми 8–10 йил меҳнат тузатув лагери қамоқхоналарига ҳукм қилинди. Улардан 1000 дан ортиғи диний уламолар – мураттаб қорилар, эшонлар, саидлар, имомлар, қозилар бўлган. Булар ичида кўплаб андижонликлар руҳоният вакиллари ҳам бор эди. Имомлардан баликчилик Мулла Насриддин Абдукаримов, Абдураҳмон Бердиалиев, асакалик Аббосхон Тўра Маҳмудхонов, Али Мўйдин Зайнуддинов, Мадолим Халфа Мўминов, Бойматқори Мадаминов, Маматқори Махсум Абдуазизов, марҳаматлик Саидалиҳожи Сулаймонов, Андижон шаҳридан Мамасоли қори Атаматов, Пирзайлиддин Шамсутдинов, Андижон райони Қорақалпоқ қишлоғидан Мулла Абдупатто Иброҳимов, Офтобачи қишлоғидан Мулла Аҳмаджон Абдуллаев, Жалақудуқ туманидан Юсуфхонтўра Акбархонтўраев, Чимён қишлоғидан Мирсулаймон Усмонов, Секалак қишлоғидан Сарибой Умаралиев ва бошқалар отувга ҳукм қилинганлар. Бундан ташқари, Андижондан Украинага, Шимолий Қозоғистонга, Ўрта Осиёнинг ички районларига сургун қилинган кўплаб дин уламолари отувга ҳукм этилган. Улардан бири шаҳрихонлик қорилардан Раҳимжон ҳожи Норматов, Абдуолим Тоғаевлар Херсонда отувга ҳукм қилинганлар.

Кекса ёшдаги мўйсафидларга ҳам ҳеч қандай шафқат қилинмаган. Ундайлар узоқ юртларга сургун қилинган, сургун азобидан кўплар ўша бегона юртларда қолиб кетган. Қўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоғида Каримбойҳожи, Муҳаммадхўжа Муҳитдинхўжа ўғли ва яна 9 киши Андижонда суд қилиниб, 6 йилга Архангельскга сургун қилинган. Улар орасида ёшлари 70 га яқинлашиб қолгани Каримбойҳожи ҳам бўлган. Бу сургун қилинганлар ёшлари ўтиб қолганлиги учун Архангельскда қамоққа қабул қилмайдилар. Улар Мурманскга олиб борилади, бу ердаги раҳбарлар ҳам нуроний мўйсафидларни кўриб таажжубланиб қабул қилишдан бош тортишган. Муҳаммадхўжа Муҳитдинхўжанинг ўғли Хуриллохон Муҳаммедов шундай ҳикоя қилади: «Бу бечора инсонлар 10–15 кунлаб «қизил» вагонларда кун кечириб, озиқ-овқат танқислиги ва бошқа қийинчиликлар билан ҳолдан тойган, касалланган. Қайтишда Ленинграддан ўтгандан кейин, бир темир йўл разъездида вагонда Каримбойҳожи дадамларнинг тиззаларига бош қўйиб жон таслим қилган эканлар. Ҳамроҳлари вагондан тушиб, нима қилишларини билмай, бирор тузукроқ жойга дафн этиш тўғрисида маслаҳатлашиб туришганда узоқдан бир одам кўриниб қолади. У одамни чақириб келиб ундан маслаҳат (йўл-йўриқ) сўрашмоқчи бўладилар. Худонинг қудратини кўрингки, ушбу инсон ўзбек (туркий) тилга тушунадиган, Ленинград атрофидаги бир қишлоқда яшовчи татар миллатига мансуб мусулмон одам экан. У одамдан илтимос қилиб, аҳволларини тушунтириб, «бу отани дафн этишга ёрдам беринг, эвазига сизга керагича пул ва марҳумнинг ҳамма нарсаларини қолдирамиз», – деб илтимос қилишган.

Мусофирликда учраган киши анча инсофли бўлиб: «Хавотир олманглар, дафнни ислом қоидаларига кўра бажариб, сизларга хат орқали хабар юбораман», – деб ваъда берган экан.

Ҳақиқатдан ҳам бирор ой ўтмай Андижонга хат ёзиб, унда Каримбойҳожининг жасади қайси мозорга дафн этилганлиги ва қабр рақами ҳақида аниқ маълумот келган. Кейинчалик Каримбойҳожининг кичик ўғиллари Маҳаммад

ҳожи Ленинградга бориб, ота қабрини зиёрат қилиб, маракахудойиларини ўша ерда ўтказиб қайтган»[1].

Шунга ўхшаш яна бир мисол келтиришни лозим билдик:

Абдуллоҳ қори домла ўғли Абдулмажид – 1870 йили Андижондаги Чуқур Масжид маҳалласида таваллуд топган, 11 ёшида Қуръони каримни тўла хатм қилган, «Қози домла», «Фаришта қози», «Ҳазрат домла» номлари билан машҳур бўлган, тахаллуси «Ҳофиз». 1907 йили Андижондаги Уйлиқ даҳаси қозиси бўлган. Қози домла биринчи марта қамалганида Андижоннинг машҳур қамоқхонасида ётган. Бори-йўғи 72 соатда отиб ташлашга ҳукм қилинди. Ижрога бир кеча-кундуз қолганида маҳбуслар ҳукмдан ҳабар топиб, қамоқхонада ғалаён кўтардилар. Масала хатарли эканини пайқаган қамоқхона маъмурияти ҳукм ижросини кечга сурди. Ўша кезларда қамоқхонанинг нуфузли нозирларидан бўлган андижонлик Рустам ака қамоқхона раҳбариятига сездирмаган ҳолда Қози домлани қочиришга муваффақ бўлди. Бу мудҳиш ҳолдан қутилган Қози домла Сузоққа қочиб кетди. У ерда икки йилча турди. У дунёнинг етакчи олимлари билан ҳафта ёки икки ҳафтада бир илмий суҳбатлар қилиб турди. Лекин зулм сиёсатининг гумашталаридан бири Қози домлани қидира-қидира Сузоқдан тутиб олди. Уни Сузоқ миршабхонасига олиб борди. «Иш судга оширилсин», деган ҳукмни эшитган ҳалиги содиқ хоин Қози домланинг бошига тўппонча аралаш мушт тушираркан: «Бошингни едимми, мулла?!» дея қалбидаги ўз миллатига, мусулмонларга нисбатан адоватини эълон қилди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг ахлоқи билан ҳулқланган зот зарбага жавобан табиий оҳангда бир жумла айтди, холос: «Болам, қўлинг оғримадими?»

Суд худди аввалги ҳукмини чиқарди. Отувгача қолган 72 соатли арз имкониятидан фойдаланиб, маданиятли Қутбиддин Махдум ака Намангандан бир адвокат топиб Сталиннинг номига хат ёзадилар. Айтишларича, хатда «маҳкум»нинг жуда улуғ зот экани, Сузоқда чиққан бу қарор ўзбек-қирғиз орасида кескин келишмовчиликка олиб бориши мумкинлиги ва бошқа маънолар ифода этилган экан. Аллоҳнинг, тақдирнинг ажойиблигини кўрингки,

[1] *Муҳаммедов Хурриллохон*. Хотирам сўқмоқлари. Т.: 2012, 30–32- бетлар.

52 соат деганда Сталин номидан «оқлов хати» келди. Бунга таваккал хат ёзган муҳлисларнинг ўзлари ҳам ишонгилари келмас эди. Қутбиддин ака ва унинг отаси Мулла Худойберди акалар Қози домлани ўша ердан тўғри Маданиятга олиб кетишди... Қози домла Маданиятдаги масжидда имомхатиблик қилди. Орадан 6 йил ўтиб, яна безовталик рўй берди. Қутбиддин ака Қози домлани бир эшакка миндириб Андижонга, Далварзинга бир яқинларининг уйига қўйиб келди.

14–15 кун ўтиб Қутбиддин ака Қози домладан хабар олгани боради. Борса, Қози домла Далварзиндаги уйнинг этагида бўй чўзиб қолган маккапоянинг ичида яширинча истиқомат қилаётган экан. Бу ҳолдан ачинган Қутбиддин ака Қози домлани ярим тунда яна Маданиятга олиб келди. Далада бир пастак, қамишлари кўриниб турган уй бор эди. Ўша уйнинг орқасига яна 2–3 киши сиққудек бир хонача солишди. Уйнинг сандиқ турадиган меҳробини тешиб, хоначага йўл очилди. Янги «меҳмонни» ўша хоначага олиб кириб, устидан сандиқ ва кўрпачаларни тахлаб қўйдилар. Меҳмон фақат изн билан хожат юзасидан ташқарига чиқиб келар эди. Бу ҳол 41 кун давом этди.

Қози домла замон бир оз сокинлашгач Андижонга қайтди, то умрининг охиригача бемисл иззат-икром ва фароғатда яшади.

Советларнинг исломга қарши олиб борган қатағон сиёсатидан азоб чеккан, нафратланган, миллий, диний ҳистуйғулари топталган, хўрланган андижонликлар она юртни тарк этиб, ўзга юртларга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга мажбур бўлганлар. Ҳужжатгоҳлардаги манбалар бу ватандошлар қисмати ҳақида маълумотлар мавжуд. 1933 йил 12 июлда Чувама қишлоғидан ОГПУнинг вакиллиги томонидан Избоскан райони бўйича хорижга қочиб чиқиб кетган 35 нафар руҳоният вакилларининг қисқача тавсилоти берилган. Улардан айримларини келтирамиз:

Жалолхон Эшон Тўраев – 39 ёшда, уйғур, Шаврук қишлоғидан, бой ва руҳоний оиласидан, ўзи руҳоний-қулоқ, 1933 йили апрелида Қашқарга қочиб кетган. Оиласи Шаврукда яшайди, алоқаси бор, Эшон Тўраевнинг ўзи ўрта бўйли, қора сочли, қора қошли, кўзи ҳам қора, мўйлови қора, қори эчки соқолли, қирғий бурун;

Турдиохун Саримсақов – 55 ёшда, уйғур, Тўққизбоғ қишлоғидан, обрўли руҳоний оиладан, ўзи руҳоний, 1932 йили ўғли Абдусалом билан Қашқарга қочиб кетган, хотини Тўққизбоғда туради, алоқаси бор. Белгилари: Саримсақов ўрта бўйли, сочи қора оқ оралаган, соқол ва мўйлови оқарган, қоши қора, қора қисиқ кўзи, узун бурунли;

Мирзакомил Султонмаҳмудов – 58 ёшда, ўзбек, бой оиладан, қулоқ, обрўли руҳоний, собиқ йирик ер эгаси, 1930 йили ўғли Мирзамаҳмуд Мирзакомилов билан Қашқарга қочиб кетган, 58 ёшда ўрта бўйлидан юқорироқ, сочи оқарган, мўйлови узун, соқоли ва қоши оқ оралаган, қора кўзли, унинг ўғли Мирзамаҳмуд Мирзакомилов 35 ёшда, ўрта бўйли, кенг елкали, кўзи қисиқ, қора қошли, эчки соқолли, оила билан ёзма алоқаси бор, оиласи Ўртоқлар қишлоқ советида яшайди...[1]

Андижон ҳудудидаги масжид ва мадрасалар, зиёратгоҳ тарихий обидалар бузиб ташланган, ҳар хил омборхоналарга айлантирилган, шаҳардаги масжидлар европалик кишилар учун турар жой қилиб берилган. Совет режими халқимизнинг қадимий урф-одатлари, маданияти, миллий, диний қадриятларига қарши беаёв кураш олиб борди. «Рўза ҳайити», «Қурбон ҳайити», «Наврўз» каби халқ байрамлари тақиқланди, ҳатто исломгача ҳам халқнинг энг севимли таоми бўлиб келган сумалакни пайғамбар таоми сифатида тақиқлаб қўйдилар. Унинг ўрнига янги совет байрамлари ва тантаналари жорий қилинди. Миллий кийимларда юриш, суннат тўй қилиш, ўз она тилида мулоқатда бўлиш эскилик сарқити ва маданиятсизлик кўриниши деб баҳоланадиган бўлди. Болалар боғчаларидан тортиб, то олий ўқув юртларига қадар таълим босқичларида ёшларни худосизлик (атеизм) руҳида тарбиялаш дастурлари, дарслик ва қўлланмалари ишлаб чиқилди.

Муқаддас Қуръони карим китобини ўқиш у ёқда турсун, унга ҳатто кўз ташлашнинг ўзи кечирилмас гуноҳ ҳисобланган. Қуръон китоби насронийлар учун рус тилига таржима қилинди, аммо мусулмонлар учун ўзбек тилига таржима қилинмади. Фақат, Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, 1992 йилда у ўзбек тилига ўгирилди.

[1] Избоскан туман давлат архиви. 23-фонд, 1- рўйҳат, 4- иш, 3–4-варақлар.

АНДИЖОНДАГИ «КАТТА ТЕРРОР» ФОЖИАЛАРИ

Советларнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш жараёни, бутун совет режими даври сиёсий қатағонга асосланганди. Большевикларнинг 1918 йилдаёқ бошлаган «қизил террор» сиёсати ва амалиёти гирдобига Андижон ҳам тортилганди. 1918–1924 йиллари Андижонда ЧК (фавқулодда комиссия), махсус бўлим, революцион трибунал, революцион комитет, «учлик», «бешлик», партия комиссияси, ЧОН – части особого назначения, сиёсий бўлимдан иборат жазо органлари фаолиятда бўлган. Уларнинг олиб борган қатағон сиёсатининг фожиали оқибатлари қисман Андижон вилояти давлат архивида сақланмоқда. Булардан ташқари, марказдан келган ваколатли органлар ҳам Андижонда «босмачилар»га қарши, аксилинқилобчиларга, буржуа миллатчиларига, мусулмон руҳониятига қарши қатағонни қўллаганлар. Масалан, 1920 йили майида Андижонга Москвадан келган «Қизил Шарқ» тарғибот-ташвиқот поездида қуролли отряд тергов бўлими томонидан Андижон уезди раҳбар ходимларидан 164 кишини ҳибсга олиб, тергов қилиб Тошкентга олиб кетган. Улар қаторида Андижон уезд шаҳар инқилобий комитети раиси Султонбек Тўхтабеков, Андижон уезд-шаҳар халқ хўжалиги кенгаши ўринбосари Файзулла Шомурзин, Андижон уезд-шаҳар озиқ-овқат бўлимининг собиқ агенти Усмонбек Тўхтабеков, Андижон Эски шаҳар милиция бошлиғи Мирали Умарбоев, Миллий тарғибот бюроси тарғиботчиси Латифжон Содиқбоев, Андижон уезд-шаҳар партия комитети раиси Илья Смирновлар бўлиб, уларнинг иши Туркистон фронти махсус бўлими иҳтиёрига берилган. Уларнинг барчаси асоссиз турли жазолар билан қатағон қилинган[1].

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг: *Шамсутдинов Рустамбек*. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар... . 31–46- бетлар.

Андижондан республика миқёсида раҳбарлик лавозимларига кўтарилган кўплаб юртдошлар ноҳақдан қатағон қилинганлар. Улардан бири Ёқубжон Исақуловдир.

Унинг ишини вилоят суди эмас, Ўзбекистон Олий суди кўрадиган бўлди.

....1927 йил 1 март. Рамазон ойи. Андижон шаҳрининг Гултепа майдонида жойлашган ўша вақтдаги Оқуй рўпарасидаги театр биносининг олди одамлар билан тўла. Ёқубжон Исақуловни суд қилишаркан, деб унинг яқинлари, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўйидаги биродарлари ҳам бу ерга тўпланган. Андижон турмасидан Қатортерак кўчаси бўйлаб, қўлига кишан солинган Ё.Исақуловни бир гуруҳ соқчилар театрга олиб келишади. Кўчанинг икки тарафидан унга ҳамдардлик билдирувчи овозлар таралади, узоқдан туриб ҳол-аҳвол сўрашлар бўлади. Бетоблигидан пиёда юриб, мадори қуриган, руҳан эзилган Ёқубжон Исақулов суд залига кирганида унинг волидаи муҳтарамаси, укалари, хотини, қариндош-уруғлари у билан кўришишга интилади. Аммо соқчилар бунга имкон бермайди.

Республика Олий суди ҳайъати Олий суд раиси Саъдулла Қосимов халқ маслаҳатчилари Каримжон Масаидов, Усмон Алиев, Андижон округи прокурори Камолиддинов, жамоат қораловчиси Қодиров, оқловчилар Шехонин, Таронов ва суд котиби Сахаровдан иборат эди. Таклиф этилган 208 гувоҳдан 98 киши судда қатнашади. Суд бир ой давом этади. Бу суд материаллари 30 жилд бўлиб у республика марказий давлат архивида сақланмоқда. Ана шу материаллар асосидаги суд жараёни 2001 йил «Шарқ» нашриётида нашр қилинган **«Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар»** китобининг 152–199-саҳифаларида таҳлил қилинган.

СССР Ички ишлар Халқ комиссарининг 1937 йил 30 июндаги 00447 рақамли «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни репрессия қилиш бўйича операция тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ Ўзбекистонда бу операция 1937 йил 10 августдан бошланди. Унга мувофиқ ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида «учлик» ташкил бўлди. Бу мудҳиш «учлик»нинг 1937 йил 10 сентя-

бридан 1938 йил октябригача бўлган вақтдаги қабул қилган қарорлари бўйича, СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4–16 октябрдаги йиғилишларидаги қарорлар бўйича республикамиздан 20 мингга яқин фуқаролар қатағон қилинди. Улар қаторида кўплаб андижонликлар ҳам бўлган. Масалан, 1937 йил декабрнинг ўзида Андижон округи бўйича «учлик»нинг қарори билан 51 киши отувга, 464 киши 10 йилдан, 109 киши 8 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1938 йил февралида андижонликлардан 293 киши, шундан ўзбеклар 256 киши, рус ва бошқа миллатлардан 37 киши устидан ҳукм чиқарилди. 1937 йил 13 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги Д.З.Апрессиян, У.Юсупов, С.Сегизбоев, республика прокурори Шейндлинлардан иборат учлик Андижон секторининг 10740 сонли иши бўйича андижонликлардан 28 нафар зиёлилар устидан ҳукм чиқарди. Улардан Ҳасанхон Ниёзов, Бурҳон Машрабий, Абдужалил Ҳайдаров, Абдумуталиб Қорамандиев, Паттоҳ Азизов, Зокиржон Нусратов, Салоҳ Сайфиев, Самандарбой Мўминов, Маҳмудбек Қозиевлар отувга, Исоққори Каримов, Мадамин Ваҳобов, Маҳмудхон Низомов, Боқи Маҳмудий, Хожа Акбар Мўминов, Файзулла Султон, Исроилжон Алимов, Асқар Қаюмов, Расулжон Раҳимов, Абдуқодир Ғофуров, Султонмаҳмуд Холботиров, Султонмаъсуд Холботиров, Маҳмудбек Мусин, Аҳмаджон Ҳакимов, Саидхон Шодмонов, Мирсоат Муллабоев, Шукур Ҳакимовлар 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. Қамоқ жазосига ҳукм этилганлар жазо муддатини ўташ учун ГУЛАГнинг турли лагерь ва колонияларига этап қилинган. Уларнинг кўпи ўша лагерларда ҳалок бўлган. Айни пайтда Андижондан Украинага қулоқ сифатида сургун қилинган юртдошлар 1937–1938 йиллар ўша жойда қатағон қилинганлар. Херсон областининг Голопристан райони «Коминтерин» пахтачилик совхозидан сургун азобини тортаётган андижонликлардан Соҳиб Исақов, Мамажон Зоитов, Тўрақул Аҳронқулов, Турғун Отабеков, Хайриддин Алибоев, Исмоил Хайриддинов, Мирзабой Рўзихўжаев, Ортиқ Исмоилов, Рўзибой Абдуллаевлар Каховский райони

пахтачилик савхозидаги меҳнат кўчкиндилари асакаликлардан Зокиржон Бобобеков, Юсупжон Йўлдошев, Мамажон Дадабоев, шаҳрихонликлардан Мирза Абдулла Мирзабадалов, Йўлдош Раҳматов, Абдуолим Тоғаев, Мавлон Сулаймонов, Раҳимжон Норматовлар отиб ташланганлар. Шоҳрух Холботиров ГУЛАГнинг Волга бўйидаги Рибинск лагерида маҳбуслик азобидан вафот этган. Сайдихон Шаҳобиддинов ҳам шу лагерда қатағон қурбони сифатида машаққатли ва оғир жазо муддатини ўташга мажбур бўлган. Шунингдек, 60 дан зиёд ГУЛАГ лагерларида маҳбуслик азобини тортаётган кўплаб андижонликлар 1937–1938 йилларда такроран қатағон қилиниб, отилиб кетганлар.

КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИ ВА АНДИЖОН СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИДА

Бутун Ўрта Осиёда бўлганидек Андижонда ҳам қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачиликни ривожлантириш учун катта кўламда ирригация-мелиоратив ишларни олиб бориш талаб қилинади. Халқимизда «Сув бор жойда ҳаёт бор», деган ибора мавжуд. Деҳқонларнинг барча авлодлари ана шу обиҳаётнинг мўл-кўллигини орзу қилиб яшаб келган. Қўқон хонлиги даврида ҳам, чор Россияси мустамлакачилиги даврида ҳам сув иншоотларини яратиш, янгилаш, ундан самарали фойдаланиш учун кураш кетган. Фақат, 1931–1940 йилларда Андижон ҳудудида Асака, Найман, Қўшкўприк, Улуғнор каналларида сув оқими ва таъминотини яхшилаш ишлари амалга оширилди. Шаҳрихонсойда регулятор, Тентаксай, Чортоқсой, Оқбўра, Савай дюкерлар орқали сув таъминотини яхшилашга ва уни тўғри тақсимлашга эътибор қаратилди. 1940 йили энг катта Кампировот тўғони қурилиши Андижон вилоятида сув чиқариш ва сув олиш иншоотларидан фойдаланиш имкониятини берди. Ундан кейин Куйганёр сув тўғони қурилиши якунланди, 1958 йил Тешиктош тўғони қурилди.

1939 йили республикада, хусусан, Андижонда Катта сув учун халқ ҳаракати авж олди. 45 кун ичида узунлиги 270 км бўлган Катта Фарғона канали қурилиб ишга туширилди. Канал қурилишида Андижон халқи, айниқса, колхозчи деҳқонлар фаол иштирок этдилар. Ўшанда Дўнан Дўсматов, Умирзоқ Раҳимов, Абдулла Ҳасанов, Камолиддин Кенжабоев, Мирзаолим Абдуллаев, Аҳмад Омонбоев, Боймирза Бойбобоев, Мирзаназар Маманазаров, Жўра Рўзиохунов ва бошқа зарбдорлар кунига бир неча смена нормаларни бажариб, бутун мамлакатда машҳур бўлдилар. Бу йирик сув артериясини қурилишига ва бошқа муҳим ирригация объектларига Усмон Юсупов алоҳида аҳамият берди. Андижон

фарзанди Тешабой Мирзаев Фарғона область ижроия комитетининг раиси лавозимида ишлаб канал қурилишида мислсиз ташкилотчилик намойиш этди.

Бундан тахминан 60 йил муқаддам Фарғона водийсидаги бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланган. Ўтган давр ичида саҳро ва қумтепа жойларида замонавий аҳоли яшайдиган қишлоқлар, янги хўжаликлар пайдо бўлди. Бўз ва Улуғнор туманлари ташкил этилди.

1962 йилдан Шароф Рашидовнинг шахсан ташаббуси билан ўша вақтдаги собиқ Иттифоқ раҳбарларини қийинчилик билан розилигини олиб, Андижон сув омбори қурилиши бошланди. Бу гигант сунъий ҳавза 6 минг гектардан кўп майдонни эгаллаган ва 1 миллиард 750 миллион куба метр сув сақлайдиган ва қурғоқчилик пайтида 44 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш, 400 минг эски экин майдонларини сув билан таъминлаш имконини берарди. Шу жойдан Кампировот ва Жалолобод магистрал каналлари бошланади. Улар далаларга намлик келтириб 100 минг тонна пахта, 75 минг тонна сабзавот, 150 минг тонна мева-чева яратиш имконини беради. Бу иншоот туфайли пахта ҳар гектаридан ҳосилдорлик ўртача 4 центнерга ортиши кўзланган. Бу улкан қурилиш 1982 йилда ниҳоясига етди. Андижон сув омбори баландлиги 121 метр, узунлиги 140 метр бўлган бетонли катта контрфорсли тўғон ҳосил қилинди. Сув сиғими 1,9 миллиард $м^3$. Гидроузел таркибига тўғон, сув ўтказувчи иншоотлар ва ГЭС киради. Ана шу советлар давридаги Катта Фарғона канали ва Андижон сув омбори қурилишида минглаб, ўн минглаб андижонликлар меҳнат қилиб, нафақат Андижон вилоятини, балки бутун водийни, республикани ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жуда катта хисса қўшдилар. Бу билан ҳар бир андижонлик фахрланса арзийди.

БУЮК ҒАЛАБАГА АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрамида сўзлаган нутқида Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 68 йиллиги нишонланаётганлигига тўхталиб шундай деди: «Айни шу кунларда барча-барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусаффо осмони учун жон бериб, қурбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қилади.

Бугун орамизда бўлган, бизга маънавий ибрат бўлиб юрган барча уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан табриклашни ўзим учун катта шараф деб биламан. Шулар қаторида фронт ортида хизмат қилиб, ўта оғир шароитда ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшган юртдошларимизга, барча-барча фахрийларимизга сиҳат-саломатлик узоқ умр тилаб қоламан»[1].

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингга яқин юртдошларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб, мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Андижон халқи 1941–1945 йиллар мобайнида фашистлар Германияси ва япон милитаризмига қарши курашда жудда катта чиниқиш, жасорат, бунёдкорлик ва айни вақтда йўқотишлар синовидан ўтишга муваффақ бўлди. Бу мудҳиш уруш андижонликларнинг ҳам тинч, бунёдкорлик ҳаётини издан чиқарди. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ барча йирик корхоналарда, колхоз ва совхозларда «Бар-

[1] Халқ сўзи. 2013, 10 май.

ча фронтга, ҳамма ғалаба учун» шиори остида ватанпарварлик йиғинлари, митинглари бўлиб ўтди. Уларда вилоят халқининг душманга қарши курашиш учун маънавий, сиёсий бирлик куч мавжудлиги намойиш этилди. Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди. 22 июндан 29 июнгача биргина Андижон шаҳридан 200 киши, жумладан, 94 та аёллар кўнгилли бўлиб фронтга кетишга ариза бердилар. Бундай аризалар кун сайин ортиб борди. Вилоятнинг бутун иқтисодий имкониятлари Ватан мудофаасига сафарбар қилинди. Эвакуация қилинган саноат корхоналари ўз вақтида жойлаштирилди, уларда мудофаа учун зарур бўлган қурол-аслаҳа, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Барча завод, фабрикаларда кечаю-кундуз меҳнат қиладиган фронт бригадалари ва звенолар ташкил этилди. Биргина Андижон шаҳрида шундай бригадалардан 150 та тузилди. Уруш бошланиши олдида вилоятда 22 саноат корхона, 48 та артель, 14 та саноат комбинати ишлаб турган бўлса, 1944 йил охирига келиб 30 та давлат саноат корхонаси, 64 та артель, 17 та комбинат ишлаб турди. Уруш йиллари нефть саноати бир неча баробар ўсди.

Андижонликдар бир тан, бир жон бўлиб фашистлар босиб олган ҳудудларни босқинчилардан озод қилишда, Европани, аслида бутун инсониятни фашизм балосидан озод қилиш ва сақлашда фаол иштирок этдилар. Урушнинг биринчи кунлариданоқ Андижон ёшларидан 9000 нафари фронтга жўнаб кетган. Андижон вилоятидан ҳаммаси бўлиб 97 минг киши урушга сафарбар қилинган. Фашистларни Москва остоналаридан улоқтириб ташлашда қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган ўзбекистонлик жангчилардан 1753 киши «Москва мудофааси учун» медали билан тақдирланганлар. Улардан бири Андижон вилояти, Қўрғонтепа райони, Хонобод қишлоғида 1924 йил 1 апрелда туғилган Мадаминжон Ҳасановдир. У Москвани мудофаа қилган 159-полкда хизмат қилган. Унинг Москва мудофаасида кўрсатган жанговарликлари шарафига Москвадаги «Москва мудофааси музейи»га Мадамин Ҳасанов портрети қўйилган. Москва ёнидан фашистлар қувиб чиқарилгандан сўнг М.Ҳасанов Подольскдаги снайперчилар мактабига

юборилади. 40 кун ҳарбий тайёргарлик кўрган ёш жангчи 3-Белоруссия фронтига тайинланади. Белоруссиянинг ўрмон ва ботқоқликларидаги энг оғир жангларда Ҳасанов душманга қарши мардонавор кураш олиб боради. Ҳарбий қисм Болтиқбўйига чиққанида Каунас, Вильнюс учун бўлган оғир жангларда фаол қатнашади. Польшани фашистлардан озод қилишда ҳам қатнашади. Жангларда кўрсатган мардликлари учун «Варшавани озод қилиш учун» медали билан тақдирланган. Мадамин Ҳасанов 1946 йилнинг ёзида она юрти Хонободга катта лейтинант ҳарбий унвони билан қайтади. Хонободдаги Тарон заводида лаборант, бош ҳисобчи муовини бўлиб ишлайди.

Юртдошимиз Мадамин Ҳасанов катта ҳаёт йўлини босиб ўтган ажойиб миллатпарвар, ватанпарвар инсондир. Унинг 89 йиллик умридан 14 йили болаликка, қолган 75 йили қизғин ва тиғиз меҳнатга тўғри келади. Шундан 7 йил Андижон вилоят миқёсидаги, 23 йил республика миқёсидаги йирик раҳбарлардан бири бўлди. Бу туғма қобилият соҳиби 14 йил «Ўзбекбирлашув» раиси, 9 йил республика савдо вазири лавозимларида намунали фаолият кўрсатди. Ҳозирда нуронийлик гаштини сурмоқда. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин шахсан ўзи 2005 йил 11 майда Мадаминжон Ҳасанович Ҳасановни фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва Ғалаба юбилейини тайёрлаш ва ўтказишга қўшган катта хиссаси учун «1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши Ғалабасининг 60 йиллиги» хотира медали билан тақдирлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан «Жасорат» медали, «Меҳнат шуҳрати» ордени, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Бу табаррук инсон ҳозирда эл-юрт ардоғида азизу-мукаррам бўлиб Тошкентда яшамоқда.

Андижонликлар 1941–1942 йилларда Москва остонасидаги жангларда, 1943 йил январь – февралдаги оламшумул аҳамиятга эга бўлган Сталинград жангида, Орёл-Курск, Украина, Белоруссия фронтларда, Берлин операциясида қатнашдилар ва қаҳрамонлик намуналарини намойиш этдилар. Дардоқлик **Қўчқор Турдиев** ўзбеклардан биринчи бўлиб Қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлди.

Андижонликлар Сталинград мудофааси учун бўлган жангларда қатнашиб, қаҳрамонлик намуналарини намойиш этишган. 95-ўқчи бригаданинг 4 батальони андижонликлардан ташкил топган эди. Взвод командири андижонлик зиёлилардан Шамсутдинов, бўлим командири Боротбоев, бригада командири полковник Краснов, унинг комиссари Раҳматуллин эди. Сиёсий бошқарма бошлиғи узоқ йиллар давомида Йўлдош Охунбобоевнинг котиби бўлиб ишлаган А.Муродхўжаев тайинланган эди.

1942 йил Шаҳрихонда ўқитувчилик қилган, кейинчалик Андижон вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи, 10 йил Андижон вилоят суди раиси, 15 йил Андижон вилояти прокурори бўлиб ишлаган, 3-даражали давлат Адлия маслаҳатчиси (генерал-майор), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ҳозирда нафақада бўлган Абдулҳай Рўзиев билан 2013 йил 28 июнидаги суҳбатимизда мана буларни эслади: 1942 йили Шаҳрихон районида ўзбек дивизияси шаклланди. Унинг таркибида республиканинг бошқа вилоятларидан ҳам армияга чақирилган юртдошлар бор эди. Дивизия ўзбек номи билан аталгани учун унга миллийлик туси берилган эди. Ўша йиллари шаҳрихонликлар (кейинчалик Андижон вилоятининг бошқа районларида ҳам) қизил рангли бўздан тикилган тўн кийишарди. Бу тўн «Байтил тўн» деб аталарди. У оқ бўз мато маҳсус бўёқ билан бўялганлиги учун қорамтил-қизғич рангида бўлган. Қайрағоч гузарида бўёқчилар маҳалласи бўлиб, мато шу жойда бўяларди. Ўзбек дивизияси аскарлари учун Шаҳрихон пичоғи, тулки терисидан қилинган телпак, иккитадан белбоғ, оёқларга оғдарма кўн этик тайёрлашган. Буларнинг ҳаммаси Шаҳрихон артеллари ишчилари томонидан тайёрланган. Аскарларнинг ҳаммаси бир кунда Шаҳрихондан поездга ўтқазилиб, фронтга олиб кетилган.

Бригаданинг жанговар тайёргарлиги Ўзбекистон ҳукумати назоратида бўлиб, жангчилар ўша даврдаги замонавий ҳарбий қуроллар билан беками-кўст таъминланган эдилар. Машқлар юқори савияда олиб борилди. 1942 йилнинг август ойининг бошларида бригадага республиканинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов ташриф буюради. Усмон ака аскарлар билан самимий суҳбатлар ўтказади, уларнинг жан-

говар тайёргарлиги, маиший аҳволи ҳамда сиёсий савиялари билан яқиндан танишади. Бригада Усмон акани қутлаш учун саф тортиб турганида у ўзининг халқчил, оммабоп тили билан ўзбек жангчиларини қутлади, сафдагилар унга жавобан «Ура!» садолари билан жавоб бердилар. Усмон ака бригада жангчиларига қарата шундай деди: «Сизлар ўзбек халқининг асл фарзандларисизлар. Ватан озодлиги учун душман билан жанг қилиш муқаддас иш. Бу жангда душманни ўлдирганлар ғозий, ўлганлар эса шаҳид бўладилар. Шаҳидларнинг қабрларини уруш тугагач, топиб, чечаклар билан безаймиз. Халқимиз ватан озодлиги учун жон фидо қилганларни абадул-абад самимий миннатдорчилик туйғулари билан ёдда сақлагай. Сизлар буюк бобомиз Амир Темур наслидансизлар!.. Сизларга доимо ғалаба ёр бўлсин!»

Республика раҳбарининг бу даъвати жангчиларни ниҳоятда руҳлантириб юборди.1942 йил ноябрь ойида 94-ўқчи бригада фронтга отланди ва декабрнинг бошларида 3-гвардиячи армия сафига қўшилди, фашистларнинг Дон фронтида қуршовга тушган 6-армиясини қутқазишга интилган итальян-немис қисмларига қарши жангга кирди. Бригада анча талофат кўришига қарамасдан душманнинг Астахово, Боновская, Кушара, Кружилин, Морозовск станцияларида жойлашган қисмларини ўраб олиб, тор-мор этишда фаол қатнашди. Олий бош қўмондоннинг 1943 йил январидаги буйруғи билан 3-гвардиячи армиянинг жанговар таркибига ташаккурнома эълон қилинди. Бригаданинг бир гуруҳ аскар ва зобитлари жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Сталинград жанг майдонларида курашган андижонликлардан Ўринбой Абдиев, Турсунхўжа Хожиев, Ғани Абдуллаев каби 59 нафар жангчи уруш фахрийси деган шарафли номни яқин-яқинларгача мағрурона кўтариб юрган эди.

Қаҳрамон унвонига муяссар бўлган андижонликлар номларини бирма-бир келтирамиз:

Марҳаматлик **Тўхтасин Мирзаев**, Шахрихоннинг Найман қишлоғидан **Ўсмонжон Ёқубов**, Асаканинг Мирзаобод қишлоғидан **Ғуломжон Ёқубов**, Қўрғонтепа райони, Хон-

обод қишлоғидан **Абдулазиз Йўлдошев**, Ўзганда туғилган, Андижонда камол топган **Сулги Лутфуллин**, Андижон шаҳрида туғилган **Остонақул Шокиров**, Андижонда туғилиб тарбия топган **Алексей Семёнович Егоров**, Бокуда туғилган, урушгача Андижон вилоятида яшаган ва турли вазифаларда ишлаган **Александр Иванович Исинин**, Тошкентда туғилган, Андижонда яшаб, шаҳар ҳарбий комиссариятидан фронтга чақирилган **Игор Павлович Долженков**, Славянскийда туғилиб, Марҳаматда қадр топган **Герман Иванович Пучков**, Псковда туғилган, армияга Андижон шаҳар ҳарбий комиссариятидан чақирилган **Александр Иванович Волков**, Шаҳрихон шаҳрилик, тожик фарзанди **Вилдан Хабиев**, 1915 йилда туғилган рус ўғлони ҳарбий хизматга кетгунча Андижон вилоятида турли вазифаларда ишлаган **Иван Илич Федоров**, 1937 йил Андижон тумани ҳарбий комиссарияти орқали фронтга чақирилган, ўзбеклар орасида ўсган **Александр Иванович Селиков**, Армияга чақирилгунга қадар Андижонда яшаб ўқиган **Николай Иванович Родин**, 1941 йил уруш бошлангунга қадар Андижон шаҳрида яшаган, гвардия полковниги **Кондратий Васильевич Билютин**. Мордованинг Старне Турдовки қишлоғида туғилган, Избосканда яшаб, ишлаб Избоскан район ҳарбий комиссариятидан фронтга кетган **Сергей Иванович Полежайкин**, 1919 йили туғилган, Асака тумани ҳарбий комиссариятидан хизматга чақирилган **Мансур Идиятович Абдуллин**, Андижонлик **Тошмамат Жумабоев**. I–II–III даражали «Шуҳрат» орденининг учала даражасини қўлга киритганлар: **Темур Назмутдинов** – фронтдан қайтиб «Полвонтош» нефть конида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган. **Булатурбой Омонов** – Чинобод тумани, «Намуна» колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. **Тожибой Режапов** – Қўрғонтепа туманидаги Ильичевский посёлкасидан. **Рифқат Тўқаев** – Андижон шаҳридан, **Йўлдошбой Эргашев** – чинободлик ўқитувчи, **Хакимжон Ўринбоев** – Олтинкўл тумани, Сарой қишлоғидан, **Абдулла Аҳмедович Гараев** – Андижон шаҳридан, **Аҳмаджон Мамажонов** – Андижон шаҳридан.Уларнинг табаррук номлари Андижон шаҳридаги Хотира майдонида абадийлаштирилган.

Уруш бошланиш арафасида Андижон вилоят аҳолиси 614,5 минг киши эди. Улардан 97,5 минг киши ҳарбий хизматга чақирилди, яъни аҳолининг 15,61 фоизи фронтга сафарбар қилинди. Урушда ҳалок бўлиб ўзга юртларда дафн этилган ватандошларимиз 43,5 минг киши, урушдан қайтиб келганлар 54 минг, шундан ногирон бўлиб қайтганлар 40,9 минг киши. Бироқ Андижон вилоятидан урушга кетганлардан 40 мингдан ортиғи қайтмади. Уларнинг кўплари жангоҳларда ҳалок бўлди, маълум қисми ноиложликдан асир олинди. Урушда қатнашган андижонликлардан 40 мингдан зиёд кишининг исми ва фамилияси ва улар ҳақидаги қисқа маълумотлар уч жилдлик Хотира китобидан жой олган. Уларнинг айримлари ҳақида жангда бедарак йўқолган деб ёзилган. Масалан, Хотира китобининг 1-жилдида «Исроилов Мадамин, 1920 йилда туғилган, жангда бедарак йўқолган», «Исроилов Мадаминжон 1921 йилда туғилган, жангда бедарак йўқолган», деган маълумот келтирилган. Бу икки бедарак йўқолган юртдошлардан бири Мадаминжон Исроилов асли Андижон шаҳрининг Қизил карвон кўчасидан эканлиги, у урушда асирга тушгани, уруш тугагач асирга тушганликда айбланиб, концлагер қамоғига ҳукм этилганлиги, қамоқдан уйга қайтиб келгани, орадан вақт ўтиб яна қамоққа олингани ва шундан кейин унинг тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлиги маълум бўлди. Унинг яқинлари ҳозир Андижонда яшамоқда.

АНДИЖОН СОВЕТЛАР ИСТИБДОДИНИНГ ЯНАДА КУЧАЙИШИ ВА МИЛЛИЙ УЙҒОНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ДАВРИДА (1946–1991 ЙИЛЛАР)

1939–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида собиқ Иттифоқ ғолиблар қаторидан жой олди. Лекин бу уруш бутун совет халқи каби Андижон вилояти аҳли бошига ҳам битмас-туганмас кулфат ва офатлар келтирди. Вилоятдаги бирон-бир хонадон уруш даҳшатини четлаб ўтмаган, урушнинг ўткир заҳри шу кунга қадар ҳам ҳар қадамда учраб турибди. Урушдан кейин ҳам советлар ҳокимиятининг улуғ салтанатчилик, шовинистик ва миллий зулм сиёсати давом этди. «Улуғ рус халқи»нинг фашизм устидан қозонилган ғалабадаги алоҳида ўрни ва хизмати бўртирилиб, «улуғ оғадан» қарздорлик, уни улуғлаш ва унга сажда қилиш ғоясидан иккинчи тоифага кирувчи мустамлака халқларни мафкуравий тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланилди. Мустамлакачи тўралар миллий тенгсизлик, шовинистик сиёсатни «ленинча адолатли миллий сиёсат» байроғи остида амалга оширдилар. Уларнинг баландпарвоз дастурий ғоялари иш услублари мутлақо қарама-қарши эди. Бу даврда Ўзбекистон, жумладан, Андижон вилояти халқлари ижтимоий-ҳаётнинг барча соҳаларида ўзининг миллий ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Бу ҳолат 80-йилларда мамлакатда кучли тус олган миллий уйғониш ва истилочилик ҳаракатининг асосий сабабларидандир.

Бу даврда Андижонда ҳам советлар чор ҳукумати маъмурларига қараганда ҳам оғир ва даҳшатли мустамлакачилик сиёсат олиб борганлар. Бундай сиёсатнинг бош ва асосий мақсади ўзбекларни миллат ва халқ сифатида йўқ қилиб, уни ассисмляциялаб, Россия халқлари таркибига қўшиб, қориштириб юборишдан иборат эди. Ниҳоятда даҳшатли ва реакцион бу сиёсатни амалга оширишда коммунистик партия «пролетариат диктатураси тизими»,

«умумхалқ давлати» деб аталмиш сохта халқ ҳокимиятидан усталик билан фойдаланди. Бу тизим давлатни бошқариш ва идора қилишда советлар, партия, жамоат ташкилотларининг бирлигини ўзида мужассам этган ва компартиянинг ягона раҳбарлик тамойилига таянар эди.

Ана шу тартиб-усул асосида советлар давлатининг идора, бошқарув шакли фаолиятда бўлди. Давлат Советлар номи билан юритилди. Бу давлатнинг конституциясига асосан энг юқори органи Олий Совети, ижро этувчи органи эса Халқ комиссарлари Совети раиси ҳисобланар эди. Амалий фаолиятда эса коммунистик партия давлат органлари устидан чекланмаган ҳуқуқга эга эди. Давлат Советлар давлати номи билан юритилса-да, у ҳеч қандай амалий ҳуқуққа эга эмасди, бирор нарсани мустақил ҳал қила олмас эди. Барча ҳуқуқ компартия ихтиёрида бўлиб, компартия давлат устидаги давлат эди.

Марказдаги идора тартиб усулининг Иттифоқчи республикаларда филиаллари бор эди. Бу филиаллар бирор-бир мустақил на сиёсий-мафкуравий на иқтисодий ёки ижтимоий–маданий ҳуқуқга эга эдилар, улар марказдан туриб бошқарилар эдилар. Иттифоқчи республикалар юзаки қараганда «мустақил суверен» давлатлар эдилар. Амалда эса улар батамом Марказга бўйсиндирилган эдилар.

Туркистонда советлар ҳокимияти ўрнатилган йилларда ва ҳатто Марказий Осиёда ўтказилган сунъий миллий давлат чегараланиши ташкил топган дастлабки йилларда ҳам партия ва давлат ташкилотларининг энг юқори лавозимларига маҳаллий ерлик кадрлар қўйилмади, уларга ишонилмади, уларга ошкора паст назар билан қараларди. Бу даврда партия, совет ва хўжалик идораларини аксарият марказдан келган ёки Ўзбекистонда истиқомат қилаётган европалик миллат вакиллари бошқардилар. Бундай ҳолатни Андижон вилояти мисолида яққол кўриш мумкин.

СССР Олий Совети Призидуми 1941 йил 6 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Призидумининг тақдими бўйича Ўзбекистон ССР таркибида Андижон областини ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди. Область партия ташкилотига раҳбарлик қилиб турувчи Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитетининг 1941 йил мартидан 1945 йил февралигача фаолиятда бўлган партия ташкилотининг ташкилий бюроси бутун вилоятга раҳбарликни олиб борди. Аммо ташкилий бюронинг раиси қилиб Марказ «ўз» кишилардан Н.П.Трофимовни (1941 йил мартдан 1942 йил мартгача), Ю.А.Бакулинни (1942 йил мартидан 1944 йил ноябригача), К.К.Шубладзеларни (1944 йил ноябридан 1945 йил февралигача) тайинлади. Бунда миллий раҳбар ходимларга нисбатан ишончсизлик, камситиш ҳолатини кўриш мумкин.

Вилоятнинг биринчи раҳбари лавозимига ерли миллат вакилларидан қўйиш урушдан кейин, аниқроғи, 1946 йил февралидан бошланди. Лекин вилоятнинг иккинчи раҳбари лавозимга қўйиш мустақиллик қўлга киритулгунга қадар давом этди.

Ўзбекистон ва унинг Андижон вилоятидаги партия ташкилотларининг асосий фаолият маркази пахта етиштириш, пахтадан мўл ҳосил олиш, пахтазор майдонларини кенгайтириш, бир гап билан айтганда пахта монополиясини таъминлашга қаратилган эди. Шу боис ҳам Андижон вилояти партия ташкилотлари ва уларнинг биринчи раҳбарларининг асосий иш фаолияти пахтачиликка қаратилганди.

Ана шундай руҳда фаолият кўрсатган вилоятнинг биринчи раҳбарларидан бири **Абдураззоқ Мавлонов**дир. У 1946–1949 йиллари ушбу лавозимда фаолият кўрсатди.

Шундан кейин Андижон вилоятининг биринчи раҳбарлари М.З. Мирзааҳмедов (1949 йил январь – 1956 йил январь), Р.Қ. Қурбонов (1956 йил январь – 1961 йил октябрь), Э. А. Ашуров (1961 йил октябрь – 1962 йил декабрь), А.Ҳ. Ҳайдаров (1962 йил декабрь – 1967 йил декабрь), А.Р.Хўжаев (1962 йил декабрь – 1964 йил декабрь), Б.Р. Раҳимов (1967 йил декабрь – 1974 йил декабрь), И.Б. Усмонхўжаев (1974 йил декабрь – 1978 йил декабрь), С.М. Мамарасулов (1978 йил декабрь – 1985 йил август), М. Арифжонов (1985 йил август – 1990 йил 5 март), Қ. Холмирзаев (1990 йил мартидан область партия комитетининг биринчи котиби бўлиб хизмат қилди) бу масъулиятли вазифада меҳнат қилдилар. Уларнинг барчаси ўз фаолияти-

да халқ манфаати йўлида, шаҳар ва туманларининг ривож топишида, иқтисодиётни кўтаришда, ободончиликни таъминлашда, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпдан-кўп ижобий ишларни қилганлар. Айниқса, Андижон пахтачилигида катта муваффаққиятларини қўлга киритишда, бу соҳада собиқ Иттифоқ миқёсида маълум ва машҳур бўлишида уларнинг хизматлари катта бўлган. Вилоят республикада пахтачиликнинг асосий базаси бўлиб танилган. 1973–1974 йиллари биринчи раҳбар Бектош Раҳимов даврида вилоят пахтакорлари давлатга 600 минг тонна пахта топширишга муяссар бўлганлар. Айни вақтда унинг бевосита раҳбарлигида ободонлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Боғишамол боғи яратилиб, Андижон билан Бўз ўртасидаги Шаҳрихон йўли, шаҳар аэропорти, аэропорт ёнидаги осма кўприк, Оқёрдаги айланма кўприкларнинг қурилиши, вилоятдаги кўплаб маданий, тарихий, диний обидаларнинг таъмирлаб ишга туширилиши амалга оширилган.

Андижон области ижроия комитети раислари лавозимида Юсуфжон Шодмонов, Худайқул Ҳожибеков, Эргаш Ашуров, А.Р.Ризаев, А.Ҳ.Ҳайдаров, Пўлат Қаюмов (1963–1964, 1966–1974 йй), У.А.Абдураҳимов, А.Р.Хўжаев, Жўра Ҳасанов (1974–1986)лар фаолият кўрсатганлар. Улар ижроия комитет раислари сифатида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-тарбиявий ривожида муҳим роль ўйнадилар. Ижроия комитетлар марказий, республика ва вилоят партия органлари директиваларини, кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишда, халқ хўжалигини турли тармоқларига раҳбарлик қилишда муҳим роль ўйнадилар.

Саноат. 1946–1991 йилларда ҳам Андижон халқ хўжалиги саноатининг ривожланганлигини инкор этиб бўлмайди. Унинг тараққий этмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Гап шундаки, саноатнинг «А» тармоғи оғир саноат, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш бўлса, «Б» тармоғида эса енгил ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилади. Ҳар қандай мустақил давлат миллий мустақиллигининг кафолати замонавий мудофаа қуроллари, машина асбоб-ускунлари ишлаб чиқаришга қодир бўлган оғир индустрия саноатига эга бўлишликни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ду-

нёдаги барча мустамлакачи давлатлар ўзлари босиб олган ҳудудларда онгли суръатда замонавий индустриал саноат ривожланишига йўл бермайдилар ва тез фойда берадиган енгил саноат тармоқларини тараққий топтиришга асосий эътибор берадилар. Совет мустамлакачилари ҳам бундан мустасно эмаслар, албатта.

Ўзбекистонда қурилган ва маълум даражада аҳамиятлироқ бўлган саноат корхоналарининг 30 фоизи собиқ Иттифоқ тассаруфида, 60 фоизи Иттифоқ-республика тасарруфида бўлиб, батамом марказга бўйсунган эди. Фақат 10 фоизигина саноат корхонаси бевосита Ўзбекистонга бўйсунган ва республика иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутмаган.

1977 йили Андижон вилоятидаги 86 та саноат корхонасидан 10 таси Иттифоқ тасарруфида, 30 таси Иттифоқ-республика тасарруфида, 39 таси Ўзбекистон республикасига ва бор-йўғи 7 таси маҳаллий ҳудуд тасарруфидаги корхоналар эди, холос. Советлар Андижонда ҳам асосий эътиборни енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқадиган корхоналарни ривожлантиришга қаратганлар.

Андижон вилоятида оғир саноатни ривожлантиришга изн берилмаган. Тўғри, уруш туфайли ғарбий ўлкалардан Андижонга чорасизликдан Володарский номли тўқимачилик фабрикаси, «Строймаш» заводи кўчириб келтирилган. Воронеж, Днепетровск ва бошқа шаҳарлардан келган ишчилар Андижонда саноат ва транспортни ривожлантиришга катта ёрдам берганлигини унутмаслик лозим. Саноат корхоналарида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, металл, электр энергияси ва хомашёни тежаш бўйича ҳаракатлар кенг ёйилган эди. Андижон машинасозлик заводида смена топшириғини 6 соатда бажариш бўйича мусобақа туғилган эди.

Андижон областида саноат, қурилиш индустрияси, транспорт ва алоқа ривож топган бўлсада аслида бу саноат аниқ ифодаланган хомашё йўналишига эгадир. Вилоятда асосан қишлоқ хўжалиги хомашёсига бирламчи ишлов берадиган тармоқлар (пахта тозалаш, пиллакашлик, кўнчилик, ёғ ишлаб чиқариш ва бошқа) жойлашган эди.

Хуллас, Андижонда саноат ишлаб чиқариши соҳасида ҳам совет мустамлакачилиги турли кўринишларда юз берди. Бу ўринда республикада йирик ва кучли газ саноати комплекси яратилганлигига қарамай, бутун республика каби Андижон вилояти меҳнаткашларининг косасини оқартиришга хизмат қилмагани, балки асосан «оғаларимиз»нинг гўшаларини қиздиргани, мустамлакачиларга беҳисоб бойлик келтирганини эслаш жоиздир. Шаҳар ва қишлоқлар, аҳоли пунктларида яшаётган андижонликлар ғўзапоя ва тезакларни ёқиб қозонини қайнатишга мажбур бўлганлар. Андижондаги гидролиз заводининг ишлаб чиқариш қувватлари кескин ошиб, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш миқдори тобора ортиб борди. Аммо заводда ишлаб чиқарилган заҳарли ва зарарли кимёвий моддаларнинг атмосферага чиқариб ташланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиши натижасида табиатга ўсимли ва ҳайвонот оламига зарар етказди, ҳаво, сув, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳатто боғдорчилик маҳсулотлари зарарланди.

Қишлоқ хўжалиги. Андижонда ҳам қишлоқ хўжалиги илгаргидек бир томонлама ривожлантирилди, асосий эътибор пахтачилик тараққиётига қаратилди. Бунда **«Ягона хўжалик комплекси»** ва **«Ихтисослаштириш»** деб аталмиш улуғ давлатчилик таълимоти асос қилиб олинди. Оқибатда, пахта яккаҳокимлиги халқимиз истиқболи ва тақдири учун дахшатли ва ҳалокатли кучга айланди. Марказ учун йилдан-йилга кўпроқ пахта етказиб бериш халқимизнинг яшаш ва ҳаёт кечиришининг биринчи даражали шарти бўлган. Бошқа маҳсулотларни тиламчи, гадолардек сўраб Москванинг садақа берувчи қўлига интизор бўлиб жовдираб қараб турадиган аҳвол юзага келди. Марказнинг пахтачиликни ривожлантириш бўйича режасини, директиваси бажариш мажбурий эди.

1950 йил Андижон вилояти бўйича 372 тонна пахта маҳсулоти етиштириш, хосилдорликни 147,9 минг гектар ерга экилган чигитнинг ҳар гектаридан 25,1 центнер хосил олиш вазифаси топширилди. Пахта экин майдонлари кўпайиб борди. 1955 йилдан 1965 йилгача вилоятда пахта майдонлари 31,7 минг гектарга кўпайди ва 1965 йилга ке-

либ 179,6 минг гектар ерни ташкил этди. Андижон пахтакорлари тунни кунга улаб тонг саҳардан тун қорайгунгача меҳнат қилиб, 1958 йил пахта планини республикада биринчи бўлиб ортиғи билан бажаришга эришдилар.

Мислсиз қийин шароитларда 1966 йили 179,8 минг гектар ердан 28,4 центнердан пахта ҳосилини етиштириб, давлат хирмонига 510 минг тонна пахта топширилди. Пахта майдонларида вилт касалининг пайдо бўлишига қарамай пахта етказишнинг ялпи маҳсулоти тобора ортиб борди. 1970 йилдан вилтга чидамли 108-ф, Тошкент-1, Тошкент-2, Тошкент-3 навлари экилди. Пахтачиликда техника тараққиётига эътибор қаратилди. Чигит қўшқатор, 40–45 см чуқурликда экила бошланди. Давлат томонидан Андижон пахтакорлари зиммасига 3 миллион 100 минг тонна пахта топшириш, 150 минг тонна буғдой, 31 минг тонна гўшт, 125 минг тонна сут, 90 миллион туҳум ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш вазифаси юклатилди. Ўнинчи бешйилликнинг биринчи йилида вилоят пахтакорлари 604 минг тонна пахта топширдилар, бу 1975 йилга нисбатан 18 минг тонна кўпдир. Хосилнинг деярли 50 фоизи машинада териб олинган. Асака ва Избоскан районларида ҳосилдорлик 36,8, 37,2 центнерни, Марҳамат ва Пахтаобод районларида эса 35 центнерни ташкил этган. Бу районларда ўртача ҳар бир гектар ердан 40–43 центнердан пахта олинган.

Бу юқори кўрсаткич ва натижалар вилоят аҳли учун қимматга тушган эди. Чунки, пахта экин майдонлари, ҳатто аҳоли томорқаларигача кириб борганди, эшик ва деразалар атрофларигача ғўза экилган эди. Боғ-роғлар, томорқалар қисқариши эвазига пахта экин майдонлари кенгайтирилган эди. Гуллаб-яшнаб турган боғу-роғлар, полиз экинлари майдонлари кескин қисқарганлигидан вилоят халқи инсон организми учун витаминларга бой бўлган мева-сабзавотларни кам истеъмол қиладиган бўлиб қолдилар. Яйловларнинг пахта экиладиган майдонларга айлантирилганлиги натижасида чорва моллари туёғининг умумий сони кескин қисқариб кетди. 1960–1980 йилларда 1940 йилга таққослаганда вилоят аҳолисининг ўсиш суръатларига қараганда пахта тайёрлаш бир неча бор ўсганини кўрамиз.

Шу даврда эса сигирлар, қўй-эчкиларнинг ўсиш суръати кескин орқада қолган. Қўй-эчкилар 1971 йилда кўпайиш ўрнига 1961 йилга нисбатан 16 фоизга яқин камайиб кетган. Фақат, 1981 йилга келиб 1961 йилги даражага кўтарилган, холос. Отлар масаласида ҳам ниҳоятда ачинарли аҳволга тушиб қолган. Республика бўйича отларнинг умумий сони 1941 йилдаги 450,8 мингдан 1981 йилда бирданига 82,2 минг бошга тушиб кетган, ёки 82,1 фоиз камайиб кетган. Пахта майдонлари кенгайиши Аму ва Сирдарё сувларини деарли қуритди. Орол фожиаси келиб чиқди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам марказ манфаати биринчи ўринга қўйилди, имкон борича Ўзбекистондан, Андижондан кўпроқ хомашё маҳсулоти ўмариб олиш пайида бўлди. Аҳоли учун зарур бўлган дон маҳсулотлари, картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш гектар бошига ўсиш ўрнига камайиб борди. Бунинг оқибатида республиканинг, жумладан, вилоятнинг Москвага қарамлиги ва тобелиги янада ошди.

Маориф, олий таълим ва фан. Совет ҳукумати бу соҳаларни ривожлантиришга эътибор бермади, дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Бироқ бу тармоқлар улуғ давлатчилик сиёсати манфаатларига бўйсундирилган ҳолда олиб борилди. Бундай сиёсат «байналминалчилик» ва «шаклан миллий, мазмунан социалистик» деб аталган шовинистик ғоялар асосида амалга оширилди. Гарчан ташқи шакл ва ташвиқот-тарғибот нуқтаи-назаридан ҳақиқий байналминалчилик туси берилган бўлсада, амалда бу ғоя ҳар қандай миллийлик ва миллий манфаатни назар-писанд қилмас, миллийлик ва миллий манфаат ғояси тарафдорларини исканжа остига олар ва қатағон қилар эди. «Шаклан миллий ва мазмунан социалистик» маданият ғояси ҳам аслида маҳаллий миллатлар онгини заҳарлаш қуроли эди. Чунки, «шакл» шунчаки ишлатилгани ҳолда асосий мақсад, ғоя мазмун пардасига ўралган бўлиб, у миллий қадриятларни ғорат қилиб, «социалистик» ниқоб остида руслаштириш манфаатларига хизмат қиларди. Андижон вилоятида 1976–1977 ўқув йилида 330 минг ўқувчиси бўлган 602 та мактаб бор эди. Фақат, 1977 йили 23966 киши ўрта маълумот тўғрисидаги аттес-

татни олди. Бундан ташқари 22 та мусиқа ва 20 та спорт мактаблари фаолият кўрсатди. Агар 1950 йили вилоятда 2712 болани қамраб олган 95 та болалар боғчалари бўлган бўлса, 1977 йилга келиб 51900 болани қамраб олган доимий болалар боғчалари фаолиятда бўлди. Вилоятда олий ва ўрта махсус таълим ривожланишига катта аҳамият берилди. Андижон шаҳри олий ўқув юртлари миқдори жиҳатидан Тошкент ва Самарқанддан кейинги учинчи шаҳар бўлиб қолди. Андижонда олий таълим тарихи 1930 йили Фарғона давлат педагогика институтининг Андижон кечки педагогика институти ташкил топди, 1939 йили у ўқитувчилар институтига, 1954 йили педагогика институтига айлантирилди. 1977 йилга келиб вилоятдаги 2 та педагогика институти, пахтачилик ва тиббиёт институтларида 18 минг талаба ўқиган. Олий ўқув юртларида 900 дан зиёд ўқитувчилар бўлиб, улардан 300 га яқини профессорлар, фан докторлари, доцентлар ва фан номзодлари унвонига эгадирлар.

Вилоятда ўрта махсус ўқув юртларининг ривожланиши 1930 йилдан бошланган. 1977 йилда 14 та ўрта махсус ўқув юртларида 15070 дан зиёд йигит ва қизлар таҳсил олди.

Андижонда илму-фан ҳам тараққий эта бошлади. Олий ўқув юртларида, республика илмий тадқиқот институтлари филиалларида, муаммоли ва тармоқли лабораторияларда ижтимоий, биология, физика-математика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаларида олимлар ва талабалар илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Москва, Ленинград, Тошкент, Киев, Минск ва бошқа шаҳарлардаги олимлар Андижондаги олий ўқув юртлардаги илмий салоҳиятли юксалтиришга яқиндан туриб ёрдам кўрсатдилар. Айни вақтда Андижондан кўплаб талабалар, олий маълумотли мутахассислар Марказнинг олий ўқув юртлари ва Фанлар академияси тармоқ институтларида аспирантура ва докторантурада таҳсил кўриб, фан номзоди, фан доктори илмий унвонлари олишга эришдилар. 60–70-йилларда Андижон олий ўқув юртларидан 100 га яқин тадқиқотчилар Москва, Ленинград, Новосибирск, Киев ва бошқа олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларида номзодлик, докторлик диссертациялари устида иш олиб бордилар.

РСФСР ва Украинадаги пединститутларда рус тили ва адабиёти факультетларига Андижонда кўплаб талабаларнинг қабул қилиниши ва ўқитилиши ҳам руслаштиришнинг бир воситаси сифатида намоён бўлди.

70–80-йилларда Андижонда ўрта махсус ўқув ва ҳунар-техника билим юртлари тармоқлари ҳам кенгайди. Умумтаълим, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия берувчи ўқитувчи-педагог кадрлар сони ҳам бир қадар ўсди. Асосий эътибор мустамлакачиларга тез обрў келтирадиган шиширилган рақамлар ўсувига қаратилди, таълим-тарбия жараёнининг асосий ўзагини ташкил этувчи мазмун эса мустамлакачилар манфаатига хизмат қиларди. Миллий манфаат иккинчи режага сурилди. Бу борада андак бўлса-да ўз фикр-хулосаларига эга бўлган маориф ходимлари қатағон қилиндилар. Бу советлар ҳукуматининг миллий мустамлака ва қарам ўлкаларда юргизган сиёсати моҳиятининг таркибий қисмидир. Советлар махфий хизмати миллий мустамлака ва қарам мамлакатлардаги ҳукумат бошлиқларига юборган 1947 йил 6 июнидаги буйруғида халқ таълими ва олий таълим масаласида мана бу кўрсатма берилган эди: «Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал, ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилари ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиланадиган кишиларни қўйиш керак...

Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатламидан бўлсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин»[1].

Республика бўйича фан, маданият ва халқ таълимига сарфланадиган харажатларни ҳисоблаганда, улар бюджет маблағларининг 2,7 фоизидан нарига ўтмасди. Шу боисдан ҳам 80-йилларга келиб умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим тармоқларининг моддий базаси жуда оғир ва ночор аҳволда эди. Ҳар тўрт мактабдан бири авария ҳолатида бўлган, 2895 синф хонасининг поли, 3302 синфнинг шифти бўлмаган. 50 фоиз мактабларда овқатланиш учун шароит, водопровод ва канализация бўлмаган. 1 миллион 200 минг

[1] «Муносабат» (Эркин хафталик), 1990 йил 30 ноябрь.

ўқувчи 2 сменада, айрим мактабларда дарслар уч сменада олиб борилган.

Мактаблар ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанларнинг ўқув дастурлари Москвада тайёрланар ва Ўзбекистон шароитига мослаштириларди ва у батамом мустамлакачилар манфаатларига хизмат қиларди. Таълим-тарбия масканларида улуғ миллатчилик сиёсати авжига минди, руслаштириш сиёсати кенг йўлга қўйилди. Рус тилини ўрганиш учун ажратилган соатлар бир неча баробар оширилиб, таълимнинг барча тизимларида бу тилни «иккинчи она тили», сифатида ўрганиш мажбур қилиб қўйилди, у давлат имтиҳонлари ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига киритилди. Кўпчилик олий ўқув юртларида дарслар асосан рус тилида олиб борилди. Ҳатто ижтимоий гуманитар фанларни ҳам рус тилида ўқитиш «ташаббуси»ни кўтариб чиққан жамоалар бўлди. Таълимнинг барча бўғинларида маҳаллий миллат вакилларига рус тилини ўрганиш мажбурияти юкланди.

Андижон олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш, аспирантурага ўрин бериш, янги ихтисосликлар бўйича кафедралар ва факультетлар очиш, қайси ихтисосликка қанча талаба қабул қилиш, ижтимоий фан кафедралари мудирларини тайинлаш, ўзгартириш каби масалалар Москванинг тасарруфида эди. Ўқув бинолари, талабалар турар жойлари қуриш масалалари ҳам собиқ Иттифоқ Госплани орқали амалга ошириларди. Номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қиладиган илмий кенгашлар, ҳимоя қилинган диссертация ишлари, илмий унвон ва илмий даражалар бериш Олий таълим вазирлиги ва Олий Аттестацияси комиссияси тасарруфида эди.

Мактаблар олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги барча бинолар, хоналар ва ётоқхоналар асосан рус тилида ташвиқот ва тарғибот кўргазмали қуроллари ва шиорлар чақириқлар билан безатилар эди. Андижон тиллар институти рус филология факультетида миллий гуруҳларга стипендия 15 фоиз қўшиб берилиши жорий этилганди. Бу каби ишларнинг барчаси миллий манфаат ва қадриятларимизнинг

топталиши ва оёқости бўлишига сабаб бўлди. Партия ва совет органлари мунофиқона сиёсат юргизиб, Ўзбекистон раҳбариятига қарши ҳар-хил туҳмат ва бўҳтонлар уюштириб, ўзларини Ўзбекистон халқларининг манфаат ва мақсадлари учун курашувчи қилиб афкор оммани гангитиб, фитначилик ўйинларини амалга ошириб турдилар. Бу «ўйинлар» маориф ва таълим соҳасида ҳам қўлланилди.

Бутун республика каби Андижонда ҳам фаннинг турли тармоқларини ривожлантиришда улуғ салтанат манфаатларидан келиб чиқиб иш кўрилди. Бу даврда ўзбек тили фундаментал илм-фан тили сифатида ўз аҳамиятини йўқотганди, илмий ишлар фақат рус тилида олиб бориладиган бўлди. Буни ёрқин мисоли Андижон олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг ҳар йилда нашр қилиб турадиган илмий ишлар тўпламларининг 90 фоиздан кўпроғи рус тилида, диссертация авторефератлари рус тилида, ҳатто ўзбек тили ва адабиётларига оид диссертациялар рус тилида ёзилиб, рус тилида ҳимоя қилинадиган бўлиб қолди. Ҳатто талабалар илмий тўгаракларида ўзбек тилида тайёрланган илмий ишлар танлов конкурсларига қабул қилинмас эди. Ўзбеклар ўз она тилида илмий мушоҳада ва фикрлаш асосида ижод қилишдан маҳрум эдилар. Оқибатда улар ўз қобилият ва имкониятларини тўлақонли кўрсата олмадилар. Аммо шунга қарамасдан урушдан кейинги йилларда ҳам илм-фан соҳасида баракали ижод қилиб миллатнинг шон-шуҳратини танитган сиймолар Андижон заминидан ҳам чиққан эди. Улар қаторида академиклар Комил Яшин, Хадича Сулаймонова, Бўрибой Аҳмедов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Пўлат Ҳабибуллаев, Акмал Қосимов, Абдуғофур Мамадалиевлар етишиб чиқди. Бу даврда турли фанлар бўйича Андижондан Бобо Ёқубов, Исоқ Пўлатов, Ҳошимжон Раззоқов, Г.К.Дубовский, Муҳаммаджон Қорабоев, Абдулҳамид Нурмонов, София Воҳидова, Рустам Шамсутдинов, Қаҳрамон Лутфулин, Неъматжон Тошлонов, Мухтор Умархўжаев, Қодиржон Йўлдошев, Сайфиддин Турсунов, Соатқул Жумабоев ва бошқалар фан докторлари ва профессорлар етишиб чиқди.

Адабиёт. Совет ҳокимияти 50–80-йилларда социалистик реализм байроғи остида адабиёт воситаси орқали коммунистик партия мафкурасини ва улуғ рус миллатчилик ғоясини илгари сурди. Урушдан кейинги йилларда коммунистик партияни, «улуғ рус халқи»ни советлар ҳукмронлигини кўкларга кўтариб мақташ адабиётнинг бош ва асосий вазифаси эди. Андижон адабий муҳитида ҳам ана шу жараён кечган эди. Буни Тўхтасин Жалолов, Восит Саъдулла, Муҳаммадхон Мулла Исҳоқ қори ўғли Маҳжурий, Муллаҳошим Солиҳ ўғли Ҳайратий, Хошимжон Раззоқов, Улфатий (Имомиддин Қосимов), Рустам Раҳмон, Олимжон Холдор, Карим Аҳмадий, Омониллохон (Боқир) ва бошқалар ижодида яққол кўриш мумкин. Адабиётдаги коммунистик андоза, социалистик реализм талабига жавоб бермайдиган, тарихий жараённи халқчил, рўйи-рост бадиий воситаларда ифода этган адиб ва шоирлар таъзйиқ-таъқиб остига олинган, ҳатто улар қатағон қилинганлар. Улардан Восит Абдулла, Жасур ва бошқаларни эслаш ўринлидир. Андижон адабий муҳитининг истиқлол йилларидаги йўналишлари ва эришган ютуқлари ҳақида сўз китобнинг кейинги параграфларида боради.

Хуллас, 1946–1990 йилларда советлар коммунистик партия мафкурасини, қизил салтанат ҳукмронлиги ғоясини Ўзбекистон меҳнаткашлари онгига турли хилдаги маърифий-маданий воситалар ёрдамида сингдиришга интилди. Халқ миллий маънавияти оғир мустамлакачилик зулми остида секинлик билан бўлса-да ривожланиб борди. Айни вақтда советлар режимининг бўҳрони тобора чуқурлаша борди. Чунки, босқинчилик асосида яратилган мустамлакачи салтанат эртадир, кечдир инқирозга учраши, парчаланиб кетиши ва ҳалокатга учраши қонунийдир.

80-йилларда бутун мамлакат каби Андижон ҳам жуда катта ва ҳалокатли турғунлик, бўҳронлик исканжасида эди. Бу ҳол аҳолининг социал-иқтисодий шароитига бевосита таъсир кўрсатаётган эди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи раҳбари бўлиб келган И.А.Каримов 1989 йил 24 июнда ЎзССР Министрлар Советининг Фарғона во-

дийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида сўзлаган **«Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди»** номли нутқида Фарғона воқеаларининг сабаблари ҳақида тўхталиб, барча воқеаларнинг илдизи, Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқлигини кўрсатди. Фарғонада содир бўлган воқеалар Ўзбекистоннинг бошқа бир жойида ҳам юз бериши мумкинлигини таъкидлаб, Андижон областидаги ҳозирги мавжуд аҳвол Фарғона областидан ҳам ёмонроқдир, деб реал ҳолатни кўрсатиб ўтганди. Ҳатто бу соҳада Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В.Бабенконинг мажлисга тайёрланмасдан келганини таъкидлаб ўтган эди. И.А.Каримов ўз нутқида бугун биз масалани кенгроқ қўйишимиз, одамларни қандай боқиш, Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг моддий фаровонлигини қандай қилиб яхшилаш ҳақида сўз юритишимиз зарур, деб кўрсатган эди[1].

«Маҳаллий органлар раҳбарларининг жон бошига қанча даромад тўғри келиши, – деб давом этганди И.Каримов, – ва умуман, одамларни қандай ҳаёт кечираётгани, бундан кейин шундай паст даромадлар билан яшаш мумкин эмаслиги, масалан, мен учун уят ҳисобланади. Агарда биз шуни билмасак, ижтимоий соҳадаги бундан кейинги прогнозларни қандай ишлаб чиқиш мумкинлигини мен ўзимга тасаввур қила олмайман»[2].

Ўшанда биринчи раҳбар советлар социал-иқтисодий турмушнинг барча соҳаларида туб ерли аҳолини ҳар томонлама таҳқирловчи ва камситувчи мустамлакачилик сиёсати олиб бораётганини кўрсатган эди. Аммо бу сиёсат «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган баландпарвоз шиорлар пардасига ўралган ҳолда амалга оширилди. Бу билан 1946–1990 йилларда социал-иқтисодий соҳада қилинган ишларни эътибордан қочириш

[1] *Каримов Ислом.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, 2011, 34–35- бетлар

[2] *Каримов Ислом* . Кўрсатилган асар. 37–38- бетлар.

мумкин эмас. Бу йилларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, водопровод, канализация қурилиши, маданий-маиший хизмат турларининг кўпайиши ва ҳоказо соҳаларда анча ишлар қилинганини унутмаслигимиз лозим. Бунда совет ҳукуматининг Ўзбекистонда социал-иқтисодий соҳада кўрсатган шовинистик – улуғ давлатчилик фаолиятига назар ташламоғимиз лозим. Масалан, Ўзбекистондаги ишчиларнинг оладиган ойлик маошлари билан Россия Федерациясидаги ишчиларнинг ойлик маошлари ўртасида катта фарқ бўлган. Иттифоқда иш ҳақи 133 фоиз ошгани ҳолда Ўзбекистонда 73 фоиз ошган. Жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори Ўзбекистонда РСФСР ва бошқа республикаларга таққослаганда 2–3 баробар кам эди. Айниқса, колхоз аъзоларининг ойлик иш ҳақлари жуда паст эди. 1988 йилда колхоз аъзосининг бир ойлик иш ҳақи Иттифоқ бўйича 181,8 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич РСФСР да 200,4 сўмга, Эстонияда 304,9 сўмга ва Ўзбекистонда 149,6 сўмга тенг бўлган. 1988 йилда ҳар бир киши бошига тўғри келадиган товар оборoти Иттифоқда ўртача 1566 сўмни ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда у фақат 1200 сўмга тенг бўлди. Республиканинг қишлоқ жойларида эса умуман ачинарли аҳволда бўлиб 451 сўмни ташкил этарди.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг 5 фоизи канализация ва салкам 50 фоизи нормал ичимлик суви билан 17 фоизи табиий газ билан таъминланган эди, холос. 1989 йилда Ўзбекистонда 240 минг оиланинг мутлақо ери бўлмаган, 1,8 миллиондан кўпроқ аҳоли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга муҳтож эди.

Ўша 1989 йилда республикада жон бошига ҳисоблаганда ўртача ялпи ойлик даромадлари 70 сўмга бўлган аҳоли сони 45 фоизни ташкил этган. Иттифоқ бўйича бу кўрсатқич 12,6, Литвада 3,6, Латвияда 3,2, Эстонияда 3,9, Белоруссияда 5,9, Украинада 8,1, РСФСРда эса 6,3 фоизни ташкил қилган. Жон бошига ўртача 200 сўмдан кўпроқ ялпи даромад тўғри келадиган аҳолининг миқдори Ўзбекистонда борйўғи 2,8 фоиз бўлгани ҳолда Иттифоқ бўйича бу даража

17,2, Болтиқ бўйи республикаларида 28,5, РСФСР 22,0 фоизга тенг эди[1].

Пахта яккахокимлигини авж олиши аҳоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг кам ишлаб чиқарилиши, қимматчилик, нарх-навонинг ошуви ва аҳоли харид қувватини ночорлиги оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Иттифоқ бўйича киши бошига бир йилда гўшт истеъмол қилиш ўртача 64 кг, сут 341 л, тухум 272 дон бўлган бўлса, 1990 йилда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 32,0 кг гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 210 л сут, 120 дона тухумга тенг бўлган.

Ишсизлар армиясининг кўпайиб бориши бусиз ҳам оғир бўлган тангликни янада кучайтирди. 80-йилларнинг охирларида Ўзбекистонда ишсизлар сони 1 миллионга етиб қолган эди. Биргина Андижон вилоятида 1986 йилда 50,5 минг эркак ва аёл ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаганлиги аниқланган.

Социал-иқтисодий аҳволнинг оғирлиги ва муттасил ишсизлар сонининг ошиб бориши аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлган омиллардандир. Фақат, 1985–1989 йиллари ва 1990 йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатда 426.143 та жиноий иш содир этилди. Шу муддат давомида жиноятчилар қўлидан 4447 киши – эркаклар ва аёллар, кексалар ва болалар ҳалок бўлдилар. Аҳолига қароқчиларча ҳужум қилиш 1985 йилда 447 марта содир этилган бўлса, 1989 йилда бу рақам 1057 тага етди. Айниқса, шахсий мулкни ўғирлаш оммавий тус олди. 1985 йилда 12372 марта ўғирлик содир этилган бўлса, 1989 йилда бу жиноят 23407 тага ўсди. 1990 йилнинг фақат 9 ойида 23 мингта ўғирлик содир бўлди[22].

Ўзбекистонда уюшган жиноятчилик кучли тус олди. Фақат, 1990 йилда 1000 га яқин уюшган жиноятчилик фош этилган бўлса, 1991 йилга келиб 1630 иш фош этилди. Республикадаги оғир иқтисодий турмуш шароити фожиавий тус олган экологик бўҳрон билан бирга қўшилиб,

[1] *Shamsutdinov R., Karimov Sh*. VATAN TARIXI. T: «Sharq», 2010, 425–426-betlar.

[2] Халқ сўзи. 1990 йил, 29 октябрь.

аҳоли ўртасида турли касалликларни келтириб чиқарди. Ўзбекистонда рак касали билан оғриш 8 йил давомида 16,5 фоизга ортган. Ҳар йили республикада 13800 киши рак билан касалланиб нобуд бўлган. Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 200–300 аёл ўзига ўт қўяр эди. Аҳолини ўртача умр кўриш жараёни қисқариб борди.

Советларнинг мустамлакачилик сиёсати, бойлик орқасидан қувиш, ишлаб чиқаришнинг экстенцив йўлдан ривожлантирилиши, пахта яккаҳокимлиги, турли хилдаги кимёвий заҳарли моддаларнинг ишлаб чиқарилиши ва уларнинг қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд ишлатилиши 80-йилларда ҳалокатли тус олган экологик бўҳронни келтириб чиқарди. Ўзбекистон экологиясини бузилишини қуйидаги табиий ҳолатлар белгилади: **аввало**, атмосфера ҳавосини хаддан ташқари буғланаётганлигидандир. Шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси санитария талаблари даражасидан анча ёмонлашди. Айниқса, саноат марказларида хавфли тус олди. 1990 йилда республика аҳолисининг ҳар бирига ҳисоблаганда заҳарли моддалар чиқити 203 кг ташкил этган. Ўзбекистоннинг саноат корхоналари ҳар йили 1,2 миллион тонна, автотранспортдан 2,3 миллион тонна заҳарли чиқиндилар тарқатган. Заҳарланиш Андижон қишлоқларида ҳам хавфли тус олди, қишлоқ хўжалигида қўлланилган заҳарли химикатлар табиатни хароб қилди. Қишлоқ хўжалигида ҳаммаси бўлиб 70 хилга яқин турли заҳарли кимёвий моддалар ишлатилган. Заҳарли, кимёвий моддаларнинг фақат 1 фоизигина зараркунанда ҳашаротга таъсир қилган, қолган 99 фоиз тупроқ, ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини заҳарлаган.

Андижон вилоятида ғўзаларни дефоляция қилиш натижасида минг-минг тонналаб заҳарли химикатлар юртдошларимиз боши узра самолётларда сепилди. Экологик ҳолатни бузилиши сабабларидан бири сувсизликдир. Оролнинг сув ҳажми 60 фоиздан ортиқ камайиб кетганди. Авваллари туз миқдори ҳар литр сувда 9 гр бўлган бўлса, 90-йиллар бошларида у 2,5–3 баробар ортди. Ҳавога, ерга сочилаётган тонналаб қум-тузлар Оролбўйи атрофида жонли ва жонсиз табиатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Шу билан бир қаторда

тупроқ таркибида ҳам ўзгариш юз берди. 1990 йилда республикада ўртача ва кучли шўрланган ерлар 853 минг гектарни ташкил этганди. Бу ҳисоб-китобсиз ишлатилган минерал ўғитларнинг ҳалокатли таъсири натижаси эди. Чунки, фосфор ўғити билан биргаликда тупроққа фтор, уран, торий, оғир металл, тузлар ўтади. Ҳайвонот ва наботот оламидаги ўзгариш экологик бузилишнинг сабабларидан бири бўлди. Юртимизда ёввойи ҳайвонларни 99, парандаларнинг 410, балиқларнинг 79 тури мавжуд. 1990 йилга келиб 32 ҳайвон, 31 парранда, 5 балиқ тури республика «Қизил китоб»ига киритилган. «Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар сони эса 163 тага етди.

Экологик қабоҳат аҳоли ўртасида ҳар хил касалликларнинг кўпайишига олиб келди ва катта фожиаларга сабаб бўлди. Катта ёшдаги кишилар ва ўсмирлар ўртасидаги умумий касалланиш 1976 йилдаги 2466,5 кишидан 1990 йилда 3598,6 кишига етди. 1989 йилнинг ўзидагина асаб системаси, тери, тери ости ҳужайралари касалликлари 1,4 баравар, қон айланиши системасининг касалланиши 1,3 баравар кўпайган. Фаол сил касаллигига чалиниш 3 фоизга ошган, ошқозон-ичак, вирусли гепатит касалликлари кўпайди, ҳар хил шиш касалликлари келиб чиқди[1].

Хотин-қизларда камқонлик касаллиги авжига минди, болалар ўлими кўпайди. Фарғона водийсининг кўпгина шаҳарларида, жумладан, Андижон шаҳрида турли касалликларга чалиниш юқори даражага кўтарилди. Ўзбек аёлларининг 80 фоизи камқонлик касаллигига чалинган, ҳар уч нафар ўзбек йигитларидан биттаси саломатлиги туфайли ҳарбий хизматга нолойиқ деб топилди. Республикада ҳар йили руҳий нуқсонли 6 мингдан ортиқ бола туғиларди.

Хуллас, 90-йилларда Ўзбекистон бошига тушган экологик қабоҳат узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Вужудга келган оғир вазият яхлит ижтимоий-адолатли экологик сиёсат юритишни кун тартибига қўяётган эди.

Советлар ҳукмронлиги 80-йилларга келиб ижтимоий-сиёсий соҳада боши берк кўчага кириб қолган эди. Бунинг

[1] *R.Shamsutdinov, Sh.Karimov*. Vatan tarixi. 3-kitob. T.: «Sharq». 2010. 429–430-betlar.

қатор сабаблари бор эди. **Биринчидан**, советлар жамиятида амал қилиб келган компартиянинг яккабошчиликка асосланган маъмурий бюрократик – буйруқбозлик иш юритиш услуби ҳаёт синовига бардош бера олмай қолганди. Партия ўзининг сиёсий партия сифатидаги қиёфасини батамом йўқотган эди, у маъмурий органга, зўрликка таянувчи давлат машинасини ҳаракатга келтирувчи энг асосий ричаг-моторга айланганди. Компартия советлар жамиятининг раҳбар, ташкилотчи ва етакчи кучи бўлиб қолганди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 2-моддасида «Ҳокимият халқникидир», халқ давлат ҳокимиятини давлатнинг сиёсий негизини ташкил этган, «... халқ депутатлари Советлар орқали амалга оширади», деб ёзиб қўйилган бўлсада, бу амалда декларатив хусусиятга эга эди. «Советлар энди амалда иккинчи даражали қўғирчоқ расмий бир ташкилотга айланиб қолганди». Барча масалалар дастлаб Сиёсий бюрода ҳал бўларди ва сўнг советларнинг масъул органлари учун шунчаки «кўриб» тасдиқланар эди. Сиёсий бюродан тортиб то Иттифоқчи республикалардаги компартия бошланғич партия ташкилотига қадар ягона занжир сифатида боғланиб кетган эди. Бундай раҳбарлик иш услуби шахсга сиғиниш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнигина келтириб чиқариб қўймасдан, айни пайтда шўролар жамиятининг ичидан емирилишини тезлаштирган омиллардан бири бўлди. Буни Ўзбекистон ва Андижон мисолида ҳам очиқ-ойдин кўриш мумкин. Ўша вақтда биринчи раҳбарни кўкларга кўтариб мақташ, улуғлаш, унга ҳамду санолар ўқиш кучайган эди. Жойларда сиёсий тилёғламалик, раҳбарнинг кўнглини овлаш, лаганбардорлик каби ишлар авж олган эди, меҳнатга ҳақ тўлашда текислилик кучайганди, одамлар ўртасида меҳнатга қизиқиш сўниб кетганди, қўшиб ёзишлар одат тусига кирганди, ошна-оғайничилик, қариндош-уруғчилик, порахўрлик авж олганди, социал адолат бузилганди. Оммавий суръатда унвонлар, нишонлар тарқатиш одат тусига кирганди. Одатда, бундай унвон, нишонлар одамларнинг ҳақиқий меҳнат натижаларига қараб эмас, балки уларнинг раҳбарларга «нечоғлик яқинлиги», «садоқати» эвазига бериларди. Дабдабабозлик

кучайганди, биринчи раҳбарларнинг ҳатоларини танқид қилиш амалиётига умуман чек қўйилганиди. Матбуот, радио ва телевидениеда «Шарқда социализм ва коммунизм машъали бўлган Ўзбекистоннинг» советлар даврида эришган «муваффақиятларини» ташвиқот ва тарғибот қилиш билан банд эди. Ҳақиқий ҳаёт эса мутлақо бошқача эди. Албатта бундай ҳаёт узоқ давом эта олмасди.

Иккинчидан, советлар амал қилган коммунистик партия ишлаб чиққан ва асос солган «ленинча миллий сиёсат» боши берк кўчага кириб қолганди. Бу сиёсатнинг бош мақсади рус бўлмаган бошқа миллатларни умуман миллат сифатида йўқ қилиб юбориш, ассимиляциядан иборат эди. СССР халқларининг янги тарихий бирлиги – совет халқи деган мудҳиш ибора юзага келди. Бу бирлик: «Ягона Ватан – СССР»; «Ягона тил – рус тили»; «Ягона мақсад – коммунизм»; «Ягона мафкура – марксизм, ленинизм»га асосланади, деган ғоялардан келиб чиқиб, «ягона халқ совет халқи», «ягона паспорт – совет паспортини» илгари суришгача бориб етдилар. Бироқ халқимиз секинлик билан бўлсада ана шу сохта миллий сиёсатнинг асл моҳиятини тушуна борди. Чунки, миллий сиёсатдаги иккиюзламачилик узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 68-моддасида: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси – суверен социалистик давлатдир»[1] дейилган бўлса-да, бу қуруқ декларатив хулосадан бошқа нарса бўлмаганлигини халқимиз яхши билган.

Советлар ҳеч қачон адолатли миллий сиёсат олиб бормаганлар, уларда сўз билан амалий иш бирлиги бўлмаган. 80-йилларда мамлакатда янги куч билан авж олган миллий уйғониш КПСС раҳбарларини миллий масалага жиддий эътибор беришга мажбур қилди. 1989 йил сентябрдаги партия марказий комитетининг Пленуми махсус миллий масалага бағишланди. Миллий республикаларнинг ҳуқуқлари маълум маънода кенгайтирилди ҳам. Бироқ «миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш», «миллий суверенлик» адолат тарозисига солиб ҳал қилинмади. КПСС Ўзбекистонда адо-

[1] Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни). Т.: Ўзбекистон, 1989 йил. 22-бет.

латли миллий сиёсат олиб бориш у ёқда турсун, аксинча, «улуғ давлатчилик», шовинистик йўлдан борди. Советлар 1929, 1942 йилларда ўзбек тилининг асосига зарба бердилар, 1950 йилда уни бошқа миллий тиллар қатори заволга маҳкум этди.

Давлат – идора ишлари рус тилида юритилди. Ўзбек тили эса Ўзбекистонда иккинчи даражали тилга, оила тилига айланиб қолди. Андижон вилоятида ҳам ўзбек тилида ёзилган расмий ҳужжатлар, аризаларни корхона раҳбарлари, ҳатто қабул ҳам қилмас эдилар. Миллий қадриятлар ва урф-одатлар эскилик сарқитлари сифатида қораланди. Миллий кийимларда юриш қолоқлик кўриниши деб эълон қилинди. Ватанимиз тарихи ўқитилмади. Ислом динига қарши бутун жабҳа бўйлаб ҳужумга ўтилди. Умумхалқ байрами Наврўз диний маросим деб эълон қилинди ва уни тантана қилиш ҳамма ерда тақиқлаб қўйилди. Наврўз ўрнига 1986 йилдан бошлаб «Хотира куни» сифатида «Навбаҳор» байрами нишонланадиган бўлди. Андижон вилояти халқи ҳам ана шундай мудҳиш миллий сиёсат исканжасида ҳаёт кечиришга мажбур бўлганди. Улар миллий таҳқирланган ва камситилган эди. Бундай ҳолат, айниқса, кадрлар сиёсатида ўзининг яққол ифодасини топганди. Андижон вилояти шаҳар ва район партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари, бўлим бошлиқлари Москва «номенклтураси»да бўлиб, КПСС МК томонидан тайинланар эди. Чунки, «биринчи раҳбар» фақат номигагина эди, холос. Асосий иш маҳаллий бўлмаган иккинчи раҳбар қўлида эди.

Ўзбекистон КП МКнинг 1984 йил июнида бўлиб ўтган XVI пленумидан сўнг марказдан Андижон вилоятига юборилган «кадрлар десанти»даги 50 га яқин россияликлар шаҳар, район партия ташкилотларига, вилоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари раҳбарлик лавозимларига қўйилиши ҳам Москванинг мустамлакачилик ва миллий таҳқирлаш сиёсатининг ёрқин кўринишларидан эди. Тўғри, Андижондан ҳам Россия Федерациясига ходимлар «режали» жўнатилган. Бироқ Андижонга шимолдан юборилган ходимлар, асосан, «иш ўргатиш» учун раҳбарлик лавозимларига ўрнашганлар. Андижондан борувчилар эса фақат «қора меҳнат» та-

лаб қиладиган зоналарга «доимий» яшаш ва иш ўрганиш учун юборилганлар. Ўзбекистон аҳолисини Россиянинг турли ўлкаларига «режали сочиб юбориш» ташаббуси 20–30-йилларга бориб тақалади. 1970-йиллари Андижон вилоятидан Приморье ўлкасига, Новгород областига ишчи кучи сифатида маълум миқдордаги ишга яроқли оилалар кўчирилди. Масалан, ҳозирда нуроний Эркин Нурматович Тўхтасинов бошчилигида катта гуруҳдаги андижонликлар Новгород областига кўчирилганлар.

1987 йилга қадар Ўзбекистон Россиянинг ноқоратупроқ зонаси ва Сибирь ҳудудларига жами бўлиб 30 минг фуқарони жўнатди. Кўчирувчилар сони йилдан-йилга ошиб борди. Жумладан, оиласизлардан 1981 йилда 4124 киши Россияга жўнатилган бўлса, 1987 йилда бу кўрсаткич 11099 кишига етди. Фақат, 1989 йилда 1110 та оила Россия Федерациясига юборилган. Россияга жўнатилган оилалар ва оиласиз фуқаролар иқтисодий муҳтожликдан шу йўлни танлаганлар ва улар асосан жисмоний оғир қора меҳнат билан шуғулланганлар. Савол туғилади. Нега энди Россиянинг ноқоратупроқ зоналарини ўзбекистонликлар ўзлаштиришлари керак? Россиянинг ўзида аҳоли керагидан ошиқча тўлиб ётган эди-ку? Нега раҳбар ходимлар Ўзбекистонга Россиядан юборишлари лозим? Гап бошқа ёқда. Аҳолини вақти-вақти билан у минтақадан бу минтақага кўчириш улуғ рус салтанати шовинистик сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, кичик миллатларни ассимиляция қилиб юборишдан бош мақсадга хизмат қилади.

Советларнинг мустамлакачилик сиёсатининг яна бир кўриниши бир-бирига қарама-қарши демографик сиёсатда намоён бўлди. Масалан, Россияда кўп болали оилаларни рағбатлантириш, Ўзбекистонда эса туғилишни камайтириш масаласи сиёсат даражасига кўтарилди. Бундай сиёсатнинг маъноси шундаки, мустамлакачи маъмурлар Ўрта Осиёдаги мусулмон туркий аҳолини муттасил ўсиб бораётганлигидан қўрқиб, ваҳимага тушдилар ва замонда рус аҳолисини камайиб борганлигидан зорланиб қайғурдилар. Демографлар Ўрта Осиё аҳолисининг 1980 йилда 10 фоизга ўсишини башорат қилган бўлсалар, 1979 йилдаёқ бу

кўрсаткич 27 фоизга тенг бўлди. 1970–1979 йиллар орасида аҳолининг ўсиш суръатлари ўзбекларда 36 фоизни ташкил этди. 1977 йили 1 январдаги маълумотга кўра, Андижон вилояти аҳолиси 1 миллион 292,4 минг киши бўлиб, шундан 370,1 минг киши шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкаларда, 922,3 минг киши қишлоқ жойларида яшаган. 2012 йилда эса аҳолининг сони 2 миллион 756 минг 487 киши бўлиб, улардан аёллар 1366867, эркаклар 1389620 кишини ташкил этмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида соф шовинистик мустамлакачилик сиёсати олиб борилди. Миллий адолат ҳақида баландпарвоз маърузалар қиладиган, давлат арбобларидан тортиб, Россиядаги олим-у фузалолар, газета ва журналларга қадар Ўзбекистонга унинг фуқароларига тош отиб, уни «боқиманда республика», «дотациялар ва қарзлар ҳисобига яшаётган халқ», деб жаҳонга жар солдилар. Ўзбек халқининг қадр-қимматини ерга уриб, бу халқ Иттифоқдан ҳар йили 2–3 миллиард сўм «хайрия-садақа» олиб тирикчилик қилмоқда, деган маломатлар тарқатилганди. Бу каби шовинистик руҳдаги ташвиқот ва тарғиботлар натижасиз қолмаган. Бутун мамлакатда «улуғ рус» миллати вакиллари ўртасида ўзбекларга нисбатан нафрат ва миллатчилик кучли тус олди. Миллий низо ва фожиалар авж олди. Буни биргина армия мисолида кўриш мумкин. Иккинчи жаҳон урушига қадар ҳам ва сўнг ҳам Ўзбекистон ўзининг миллий армиясига эга эмасди. Ўзбеклар миллий армия тузишга қодир бўлмаган иккинчи даражадаги миллат сифатида ҳисобланарди. Ўзбекистонлик йигитлар ҳақиқий ҳаракатдаги жанговар армияга чақирилмас, улар асосан қурилиш батальонларига олинар эдилар. Ўзбек йигитлари хизматда бўлган қисмларда шовинизм, миллий камситиш ва таҳқирлаш шу даражада кучайиб кетдики, ҳар йили 300–400 га қадар темир тобутларда уларнинг жасадлари республикага келтириладиган бўлиб қолди. Чунки бу вақтда армияда миллий низолар кучайганди. Фақат, 1989 йилда 430 ўзбек аскар ўғлонларининг жасадлари темир тобутларда келтирилди. 1990 йилнинг 6 ойи давомида ҳаётдан калтак-

ланиш азобидан кўз юмган ўзбеклар сони 100 дан ошганди. Миллий ва миллатлараро низоларни зудлик билан ҳал этиш зарур эди. Акс ҳолда даҳшатли портлаш содир бўлиши ҳеч гап эмасди.

КПСС МК бош котиби М.С. Горбачев бошчилигида МКнинг 1985 йил апрель пленумида қайта қуриш сиёсати сари йўл тутилди. Бу сиёсат СССРда мустабид тизимни ислоҳ йўли билан ўзгартиришга қаратилганди. Бу сиёсатнинг мақсади ва вазифаси мамлакатда тўпланиб қолган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва мафкуравий соҳалардаги муаммоларни «қайта қуриш» йўли билан ҳал этишдан иборат бўлган.

Қайта қуриш 1985–1990 йилларни ўз ичига олган ва у икки босқичда намоён бўлган. Биринчи босқич (1985–1987) маъмурий-ташкилий тадбирларнинг анъанавий усулларда олиб борилиши билан изоҳланади. Бу босқичда асосий вазифалар илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида жамиятда туб ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асосида инсон омилини фаоллаштиришга қаратилган эди.

Қайта қуришнинг дастлабки йилларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилди. Бироқ бундай жараённинг ривожи ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни талаб қилди. Шунинг учун 1986 йилда қайта қуриш ва ижтимоий муносабатлар масаласига алоҳида эътибор берилди. Бундай сиёсатнинг марказида эса жамиятни демократлаштириш, маъмурий-буйруқбозлик ва бюрократизмга, қонунсизликка қарши турар эди. Натижада жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида маълум ўзгаришлар рўй бера бошлади. Кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ошди, демократия сари қадам ташланди, миллий ўзликни англаш жараёни юз берди. Бироқ туб ўзгаришларни, барча соҳаларда хақиқий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги ўзгаришлар муваффақият қозонмади. 1986 йилдан бошлаб мамлакатнинг иқтисодий аҳволи баттар ёмонлаша бошлади. 1987 йил январидан ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасая борди, иқтисодиётда инқирозли холат юзага келди.

Қайта қуришнинг иккинчи босқичида жамиятнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш кун тартибига қўйилди. Жумладан, бу даврда совет жамиятини демократлаштириш масаласи СССРда сайлов тизимини ўзгартириш тўғрисидаги Қонун (1988 йилнинг декабри)нинг қабул қилиниши ҳам жамият аъзолари ижтимоий фаоллигини оширишда маълум аҳамият касб этди. Аммо Иттифоқда туб демократик ўзгаришларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Бу икки сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, қайта қуришнинг аниқ, изчил, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган дастури йўқ эди. Иккинчидан, партия раҳбарлари бундан манфаатдор эмасдилар.

Қайта қуриш сиёсати мамлакат, жумладан, Андижон вилояти ҳаётида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Кишилар жамоат жойларида, оммавий ахборот воситаларида ўз фикрларини очиқ-ошкор билдира бошладилар. Маҳаллий газеталарда ҳаётнинг у ёки бу жабҳаларида йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан танқидий чиқишлар, таҳлилий мақолалар чоп этила бошланди. Яна бир муҳим сиёсий тадбир – Советларга ўтказиладиган сайловлар ошкоралик ва муқобиллик асосида ташкил этиладиган бўлди. 1990 йили халқ депутаталари область, район ва қишлоқ Советларига ўтказилган сайловларда ҳар бир ўринга ўртача 2–3 нафардан номзод кўрсатилди. Сайловчилар уларнинг ҳаракат платформалари билан яқиндан танишиб чиққач, фақат ўзлари учун муносиб топилган номзодгагина овоз бердилар. Илгари фақат партия бюросида тасдиқланган шахсгина ташкилот раҳбарлигига тайинланарди. Қайта қуриш даврида вилоятдаги бир қатор ташкилотлар, жумладан, олий ўқув юртлари раҳбарлари сайлов йўли билан муқобиллик асосида тайинланадиган бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда қайта қуриш мамлакат ҳаётида ошкоралик ва сиёсий плюрализм сингари тамойилларни шакллантириш билан бирга «совуқ уруш»нинг тугашига хизмат қилди.

Бироқ қайта қуриш барча мураккабликларни ўзида мужассамлаштирган ўта мураккаб жараён эди. Уни амалга оширишдаги қарама-қаршилик ва ноизчилликлар натижа-

сида 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бўҳронлар кучайиб кетди. У СССРда тўпланиб қолган муаммоларни тўла хал этишга хизмат қилмади. Мустақиллик, демократия ва эркинлик ғояларига тўғри келмаганлиги туфайли ҳам у кутилган самарани бермади.

Совет хокимиятининг Ўзбекистонга нисбатан қатағон сиёсати 80-йилларда «ўзбек иши», «пахта иши», «ўзбек мафияси», «қўшиб ёзиш» каби найрангларда ўз аксини топди. «ўзбек иши» 30 ва 50-йиллардаги қатағонларнинг мантиқий давоми эди. Бу даврда 40 мингдан зиёд одам ҳибсга олинди. Фақат, 1986 йилда раҳбар ходимлардан салкам 750 киши алмаштирилган эди. Ўша вақтда андижонликлар бошига ҳам оммавий кулфат тушган эди.

«Пахта иши» энг сара кадрларимизни нобуд қилган, – дейди меҳнат фахрийси Қ. Холмирзаев. – Тошкент вилоятининг собиқ «Ғалаба» райкоми биринчи котиби бўлиб ишлаб юрган пайтимда кўп бюро йиғилишларини ўтказардик. Битта йиғилишда 50–60 аъзо қатнашган бўлса, бир ҳафта ўтмай уларнинг сони 30–40 кишига камайиб кетарди. Қолганлар қани, деб сўрасангиз олиб кетишди, деб жавоб беришарди. Бу қамалди, дегани эди. Ўша пайтда Тошкентда бўлсам ҳам андижонликлар билан тез-тез гаплашиб турардим. Улардан гап орасида «пахта иши» билан фалончи қамалди», «Ноҳақдан пистончини олиб кириб қўйишди», деган совуқ хабарларни эшитиб қолардим.

Андижонга раҳбар бўлиб келгач, кўпларининг уйига бордим. Бири бригадир, иккинчиси агроном, уларнинг орасида, ҳатто меҳнат қаҳрамонлари, депутатлар ҳам бор эди. Уйларига кирсангиз ночор бир аҳволда, қўшиб ёзиб пул оладиган одамларга ўхшамайди. Битта раҳбарни тайёрлаш учун йўқ деганда қирқ йил керак бўлади. Улар эса ана шундай кадрни бир кечада осонгина йўқ қилиб қўйишарди. Ўша пайтда Хўжаобод райкомининг биринчи секретари бўларди. Уни газетада фельетон қилиб, ишдан бўшатишган. Нимага денг? Уйда оғир касал бўлиб ётган онасини хизмат машинасида касалхонага олиб боргани учун. Жалақудуқдаги колхоз раисларидан бирини силосда қанча озуқа бирлиги бўлишини

билмагани учун ишдан ҳайдашган. Шу тарзда ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Андижоннинг оддий бригадирдан тортиб, туман даражасидаги биринчи раҳбаригача бўлган энг фидойи инсонлари «пахта иши» ортидан келиб чиққан қатағон сиёсатининг тиғига учраганлар. Фақат мустақиллик шарофати билан ҳамда Юртбошимизнинг жасорати туфайли улар оқланиб, ўз уйларига қайтарилдилар[1].

Андижон миллий уйғонишнинг янги босқичи ва СССРнинг парчаланиши даврида. Истиқлол учун кураш ҳамма вақт Ўзбекистонда бир-биридан мустақил икки йўналишда олиб борилган. **Биринчиси**, диний-исломий йўналишда бўлса, **иккинчиси**, умуммаърифий-сиёсий ва демократик йўналишдадир. Бу ҳар иккала йўналишнинг умуммуштарак мақсад йўлида, мустақиллик учун курашда бирлашиб ҳаракат қилмаганлиги кўп ҳолларда эса иккинчи даражали муаммо ва масалалар атрофида келиша олмасдан бир-бирини инкор этиб келганлиги ҳар иккала йўналишнинг ҳам заиф томонларидан бўлиб ундан мустамлакачи кучлар усталик билан фойдаланганлар. 80-йилларда ҳам бу жараёнда айтарли ўзгаришлар бўлган эмас.

60-йилларнинг охирларидан коммунистик мафкурага қарши диний исломий ҳаракат кенг қулоч ёйди. Ҳаракат ёшларга эски ўзбек ёзувини ўргатиш, ислом дини асосларини улар онгига сингдириш, миллатнинг қадимий урф-одатлари ва қадриятларини тиклаш асосида уларнинг миллий ҳистуйғусини уйғотиш ва миллий тафаккурини шаклантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Ҳаракат бутун водий бўйлаб ривож топди. 60–70-йилларда водийда эски ўзбек тилини ўргатадиган юзлаб мактаблар фаолият кўрсатди. Бу мактаблар, одатда, кекса, фозил ва донишманд муллаларнинг уйларида очилган ва дарс машғулотлари коммунистик партия раҳбарларининг кўзларидан йироқ жойларда яширинча ва кечалари ўтказилган. Совет ва компартия раҳбарлари доимо бу мактабларни таъқиб қилар, унинг ташкилотчиларига нисбатан шафқатсиз чоралар кўрарди.

[1] Андижон вилоятининг собиқ биринчи раҳбари Қаюм Холмирзаев билан 2013 йил 20 майда Андижон шаҳридаги суҳбатдан.

Совет мустамлакачилиги сиёсати, хусусан руслаштиришдан иборат вабога қарши маъмурий буйруқбозлик иш услубига, мамлакатда авж олиб кетган ошна-оғайничилик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, порахўрлик, тилёғламалик, лаганбардорлик ва бошқа шу сингари ярамас иллатларга қарши ижодкорлар ошкора ва пинхона курашга чорладилар. Бундай ярамас иллатларнинг таъсири ижодий ташкилотлар фан, маданият ва маориф тармоқларида ҳам чуқур илдиз отган эди. Шу боисдан ҳам истар-истамас ижодкор зиёлиларнинг прогрессив сўл қаноти сиёсат майдонига чиқишга мажбур бўлган эди. 60–80-йиллардаги халқнинг оғир қисмати ва дарду ҳасратлари бир қатор ёзувчиларнинг ижодларида ўз акс-садосини топди. Жуда кўплаб ижодкорлар мустамлакачилик ва турғунлик даври иллатларига қарши бадиий ижоднинг ҳикоя, шеър, публицистика каби усуллардан фойдаландилар ва оммани бу иллатларга қарши курашга чорладилар.

Ижодкор зиёлилар республиканинг келажак йўлини далил-исботлар билан кўрсатиб, камчилик ва хатоликларнинг сир-асрорини, турғунлик йилларида йиғилиб қолган муаммолар гирдобидан чиқиш йўлларини тушунтиришга ҳаракат қилдилар.

Ана шу миллий уйғониш жараёнида 1988 йил 11 ноябрда Ўзбекистон табиати, маънавияти ва моддий бойликларини муҳофаза этиш учун «Бирлик» халқ ҳаракати ташкилий жиҳатдан уюшди. Ўз таркибига кенг жамоатчиликдан ташқари, мамлакатнинг кўзга кўринган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилари, олимлари ва жамоат арбобларни бирлаштирган. «Бирлик» халқ ҳаракати ўз даврида сўзсиз суръатда Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги учун, ўзбек тилига давлат мақоми бериш учун курашда маълум даражада ижобий роль ўйнади. «Бирлик» халқ ҳаракатининг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўнлаб митинг ва мажлислар уюштирилди. Шундай мажлислар, йиғинлар Андижонда, ўша вақтдаги ип-газлама комбинатида ва бошқа жойларда ўтказилган. Уларда ижтимоий ҳаётнинг ғоятда долзарб муаммолари кўтарилди: Орол муаммоси, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, Ўзбекистоннинг

миллий давлат мустақиллиги, пахта яккаҳокимлигига қарши кураш, пахтакор аёлларнинг оғир ҳаёти, болалар ўлими муаммолари, оилани режалаштириш масалалари, аскарлар ўлимининг асосий сабаблари, Фарғона, Паркент, Ўш-Ўзган воқеаларига муносабат, Туркистон халқлари бирлиги кабилар ана шулар жумласидандир. «Бирлик» халқ ҳаракати базасида «Тўмарис» хотин-қизлар халқ ҳаракати, «Туркистон бирлиги» халқ ҳаракати, ва «Эркин ёшлар уюшмаси» ташкил топди.

Ўз вақтида республика раҳбари И.А.Каримов «Бирлик» халқ ҳаракатига холисона баҳо берган ва Ўзбекистоннинг истиқболдаги манфаатлари йўлида биргаликда ҳаракат қилиш таклифини илгари сурган. Ислом Каримов «Бирлик» халқ ҳаракати «...орасида халқимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган, порлоқ келажагимиз учун курашадиган, жонкуяр, ақлли йигитларимиз кўп. Шу йигитлар билан ҳамкорликка, биргалишиб ишлашга ҳаммамиз тайёрмиз»[1], деган эди.

Аммо «Бирлик» халқ ҳаракати, хусусан, унинг раҳбариятида демократик кураш тажрибасининг йўқлиги, сиёсий кураш маданиятининг етишмаслиги, мансаб ва «доҳийлик» васвасасининг устунлик мавқеига эга бўлганлиги бундай имкониятдан фойдаланишга йўл бермади. Худди шу нуқсон ва камчиликлар туфайли 1990 йилда «Бирлик» халқ ҳаракати иккига бўлиниб кетди ва шу йилнинг 20 апрелида бўлиб ўтган Таъсис қурултойдан сўнг «Эрк» партияси фаолият кўрсата бошлади.

Советларнинг истибдоди, адоват ва зулм-зўравонликка қарши бошланган 80-йиллардаги миллий уйғонишнинг юксак чўққиси Фарғона ва Паркентдаги қонли фожиалар бўлди. 1989 йил ёзида Фарғонада бошланган ва сўнгра Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам кенг тарқалган фожиа совет мустамлакачилик зулмига қарши маҳаллий халқнинг том маънодаги исёни эди. Бу ёвуз фитна оқибатида Фарғонада жами 112 киши ҳалок бўлди, 1000 дан ортиқ кишига тан жароҳати етди, 400 йигит жавобгарликка тортил-

[1] «Тошкент оқшоми», 1989 йил, 26 октябрь.

ди, 700 га яқин киши маъмурий жазо олди. 160 нафардан ортиқ киши оғир жазоларга ҳукм этилган.

Бу исённинг бош сабаби нимада? Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Фарғона исёнини «бозорда кулупной устида келиб чиққан келишмовчилик», деб эълон қилди. Бу хусусида Алишер Ибодинов «Занжирбанд шер туғилганда» мақоласида Фарғонада 1989 йил июнда рўй берган «...ўша ҳодиса аслида исён, ўзбекларнинг мустамлака тузумига қарши қўзғолони эди», деб ҳақ фикрни айтган эди[1].

Қўқон шаҳрида 8 июндаги кўпминг кишилик митинг қатнашчилари томонидан раҳбариятга топширилган талабномада мана булар талаб қилинган эди: «Водийда ишсизликни тугатиш чораларини кўриш, уй-жойсизларга томорқа участка бериш, пахта, пилланинг харид нархларини ошириш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, Орол денгизини кутқариб қолиш тадбирларини тезлатиш, ўзидан заҳарли моддалар тарқатаётган Янгиқўрғон химия комбинатини ёпиш, ойлик иш ҳақларини ошириш, 7 июнда тинч аҳолига ўқ узганларни жавобгарликка тортиш. Бу талаблар ҳаққоний ва одилона талаблар бўлиб аҳолининг социал-иқтисодий аҳволига бориб тақаларди. Шу вақтда водийда ишсизлик сони йилига 23 минг кишига кўпайиб бораётганди. Биринчи раҳбар бўлган куннинг эртаси куни, 1989 йил 24 июнда сўзлаган нутқида Ислом Каримов ишсизлик ҳақида тўхталиб «Ёшлар ва уларни ишга жойлаштириш масаласидаги сиёсат жиддий ўйлаб кўрилмаган. Қанчадан-қанча ёшларимиз бугунги кунда ўз кучини қаерга сарфлашни билмай юрибди»[2], деб айтган.

Ўша оловли дамларда қизил қўшинлар месхети туркларини билан талашиб бир-бирларининг уйларига ўт қўяётган безориларни ўққа тутмадилар, балки сиёсий талаблар билан бош майдонда ўтириб олиб тинч митинг қилаётган аҳоли уларни қуршаб олган аскарлар томонидан автоматлардан ва ҳаводан вертолётлардан ўққа тутилди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Ўша маъшум кунда Ўзбекистоннинг мустақиллиги

[1] «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 14 февраль.

[2] *Каримов Ислом*. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида... 41- бет.

ўққа тутилди. Советлар ва унинг маҳаллий малайлари ўзбек халқини қўрқитган эдилар. Аммо халқимизнинг беҳудага тўкилган қонлари зое кетмади. Мустамлакачиларга қарши озодлик, эрк, социал адолат ва бахтли истиқболни деб 1989 йил июнь ойида Қўқонда шаҳид бўлган Шуҳрат Олим (Қўқон таксимотор паркида шофёр, уч фарзаднинг отаси), Абдумавлон Маҳкамов (Текстельмаш корхонаси ишчиси), Алижон Бобожонов (Қўқон қишлоқ хўжалик техникумининг талабаси), Азизхон Деҳқонбоев (Қўқон Локомотив депоси ишчиси), Алишер Раҳматуллаев (муштипар онанинг яккаю ягона ўғли), Қодиржон Нурматов (икки боланинг отаси) ва бошқалар туфайли советларга ва компартияга кўр-кўрона ишонган халқнинг сўқир кўзлари очилди, халқимизнинг онгида туб сифат ўзгаришлар ясади. Фарғонадан сўнг Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Сирдарё, Қашқадарёда ҳам халқ ғалаёнлари бўлди. Аммо бу ғалаёнларнинг олди олинди. Фарғона воқеалари халқимизга катта ҳаётий сабоқ берди. **Биринчидан**, халқимиз оқ мустамлакачи салтанат ва қизил мустамлакачи салтанат ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эканлигини, ҳар иккаласи ҳам ўзбек халқининг миллий душмани эканлигини ниҳоят тушунди. **Иккинчидан**, ўта пихини ёрган, айёр ва жуда катта тажрибага эга бўлган душманга қарши курашда миллий истиқлолчилар тажрибасизлик қилдилар, кураш, асосан, стихияли тарзда олиб борилди, уларда сиёсий кураш маданияти етишмади, халқимиз душманга қарши курашда якдил бўла олмади, миллий бирлик бўлмади. Халқнинг маълум бир қисми ҳам мустамлакачиларга ишонди, миллий бирликка хиёнат қилди. **Учинчидан**, мустамлакачиларга қарши курашда халқни ўз орқасидан эргаштира оладиган сиёсий ташкилот бўлмади. **Тўртинчидан**, 80-йиллар охирларидаги воқеалар мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда зудлик билан сифат ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатди.

1989 йилдан эътиборан Ўзбекистон сиёсий раҳбариятида ўзгаришлар бўлди. Ислом Каримов республика Компартиясини бошқара бошлади. Республикада Ислом Каримов ҳокимият тепасига келгач, унинг сиёсий жасорати ва кучли ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳис-туйғулари туфайли

қатор ижобий ўзгаришлар рўёбга чиқарилди ва бу мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий тангликни маълум даражада бўлсада юмшатди. Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари бу борада эътиборлидир: **«Умуман, мен биринчи котиб этиб сайланганимда, Ўзбекистон халқи руҳий шикаста ҳолатида эди. Демак, ишни руҳиятни тузатишдан бошлаш керак.**

Халқ – бу тил демак. Қанча йиллар мобайнида ўзбек тили ўз ерида иккинчи тоифадаги, истеъмол учун мажбурий ҳисобланмаган тил бўлиб келди, неча йиллар давомида ўзбек руснинг ёнида ўзининг тенгсизлигини, «катта оға»га қарамлигини ҳис этиб келди. Нима учун бунга чидаш керак? Биз давлат тили тўғрисидаги қонунни қабул қилдик, бу эса кўз ўнгимизда ўзбекларнинг миллий ўзини ўзи англашини яхшилайди».

Ҳа, Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мамлакатдаги барча демократик ва ватанпарварлик кучларнинг узоқ йиллардан бери орзиқиб кутган тарихий ғалабаси бўлди.

1989 йил ёзидаги Фарғона водийсида содир бўлган фожиаларнинг асосий сабабчиларидан яна бири, халқ оммасининг оғир социал-иқтисодий аҳволи эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ меҳнаткашларининг иқтисодий турмуш шароитларининг яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирларини ишлаб чиқди ва уни амалга оширди. Фақат 1990 йилнинг бошларига қадар республикада 381 минг оила, ёки муҳтож бўлганларнинг деярли ҳаммаси биринчи марта томорқа участкаларига эга бўлди, 872 минг оила шу пайтга қадар бўлган ерларини анча кенгайтириб олди. Шу мақсадлар учун жами 150 минг гектар ер ёки талаб қилинган миқдорнинг 95 фоизи ажратиб берилди. Аҳолига 21 минг бош бузоқ, 312 минг бош қўзи ва улоқ, 10 миллионтадан кўпроқ жўжа сотилди. Бу иш кейинчалик янада кенг давом эттирилди. Аҳолига қўшимча ажратилган суғориладиган ер 500 минг гектарга етказилди. Ана шу тариқа аҳолига томорқа учун берилган ер миқдори

700 минг гектарни ташкил этди. Бу ерлардан 9 миллиондан ортиқ одам фойдаланди. Томорқа ерларининг ўртача хажми 0,2 гектардан ортиққа етказилди. Бу тадбирлар мустамлакачиликка асосланган буйруқбоз советлар тузуми шароитида сўзсиз дадил қўйилган қадам эди. Қишлоқ меҳнаткашларига қўшимча ерларнинг ажратиб берилиши бир қатор кескин ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Улар нималардан иборат эди?

Биринчидан, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган аҳолини иш билан таъминлади, ишсизликнинг кучайиши олди олинди.

Иккинчидан, аҳолини реал даромадларини оширди, шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган меҳнаткашлар меҳнат дафтарчалари олиш ва қариганда нафақа олиб ижтимоий кафолатланиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Учинчидан, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдек кескин муаммога барҳам берилди.

Тўртинчидан, қишлоқ меҳнаткашларини уй-жой билан таъминлашдек социал муҳим масала ҳам ўз ечимини топди.

Бешинчидан, республикада ижтимоий-сиёсий вазият бир қадар барқарорлашди ва яхшиланди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Каримов «ўзбеклар иши», «пахта иши» баҳонаси билан таҳқирланган ўзбек миллатининг ғурурини тиклашни, эрт ва элни ҳақиқий мустақилликка олиб чиқишни ўзининг вазифаси этиб белгилайди.

Ислом Каримов республика прокурори лавозимига миллий кадр тайинланишини марказдан талаб қилади ва буни уддасидан чиқади ҳам. 1990 йил 31 октябрда Олий Советнинг 12-чақириқ учинчи сессиясида Ўзбекистон Президенти тавсияси билан республика прокурорининг Иттифоқ прокурорига қарамлигига барҳам бериш ва бу тизимнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Б.Мустафоев Ўзбекистон Бош прокурори этиб тасдиқланди. Бу юрт тарихида биринчи марта республикада прокурорнинг республика Олий органи томонидан тасдиқланиши эди.

Президент ташаббуси билан амалга оширилган бу иш республика прокурорига мустақил фаолият юритиш, прокуратура органларини номуносиб кадрлардан тозалаш имкониятини яратди. Президент томонидан республика Бош прокурори зиммасига Гдлян – Ивановларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш, улар бу жиноятларни Ўзбекистонда содир этганликларини асос қилиб, жиноий ишни кўриб чиқишни Ўзбекистон ихтиёрига топшириш юзасидан СССР Бош прокуратураси билан алоқани секин-аста узиш ва бу ҳолатга узил-кесил барҳам бериш вазифаси қўйилди.

«Ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталмиш халқ шаъни ва шуҳратига қора доғ сифатида ёпиштирилган ишнинг қайта кўрилиши ва 1991 йил мартига қадар 2 минг кишининг оқланиши, Сталинча қатағонликлар туфайли 20–50 йилларда туҳмат билан ноҳақдан айбланганлардан 3 минг 500 кишининг гарданидаги тавқи-лаънатларнинг олиб ташланганлиги Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳитнинг соғломланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон раҳбарияти кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишга ҳам ўзининг мустақил йўлини белгилаб олди. Бу борада асосий эътибор маҳаллий халқ вакилларига қаратилди. Албатта, бу ҳол ҳам халқнинг руҳий кайфиятини кўтаришга катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг динга ва диний ташкилотларга бўлган муносабати кескин ўзгарди. Чунки Ислом Каримов ҳақли суръатда таъкидлаганидек **«...Мусулмон маданиятидаги халқни руҳий таназзулдан чиқариш мумкин бўлган асосий йўналиш дин эркинлигини ислом билан чамбарчас боғлиқ миллий урф-одатларга риоя этиш эркинлигини яратиб беришдан иборат эди. Биз узоқ ва орзиқиб кутилган ана шу эркинликни сўзда эмас амалда таъминладик»**[1].

Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари тикланиб, уларга янги ҳаёт бахш этилди, ҳарбий хизматга чақириладиган йигитлар ўз бурчларини Ўзбекистон ҳудудида ўтайдиган бўлдилар.

1 «Халқ сўзи», 1991 йил, 15 август.

1990 йил февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Олий Кенгаши ва Маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди, биринчи марта кўпгина округларда бир неча номзодлар даъвогарлигида ўтказилди. Олий Кенгашга номзод кўрсатган 500 округда 174 тасида муқобил номзодлар кўрсатилди.

Янги шаклланган 12-чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши биринчи сессиясининг республика истиқболи учун катта аҳамиятга боғлиқ ва собиқ Иттифоқ доирасида биринчи бўлган сиёсий қарори – Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини жорий этилиши бўлди. 1990 йил 24 мартда Республика Компартиясининг биринчи котиби Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

1990 йил 21 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг иккинчи мажлиси мамлакатнинг истиқболдаги тақдири учун ғоятда муҳим бўлган тарихий ҳужжатни – Мустақиллик Декларациясини қабул қилди. Унда шундай ёзилган: **«Ўзбекистон бугун ўз ҳудудига мутлақ эга ва унда ягона ҳукмрон эмаслигини тан олиб, ташқи мулоқотларда мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум эканлигини эътироф этиб, республика ҳалқининг туб манфаатлари, унинг эрки ва иродасини ифодалаб, ҳокимият манбаи халқ эканлигини эътироф этиб, халқ тақдири ва мулкига эгалик ҳуқуқи фақат унинг ўзигагина берилганлигини қайд этиб, тараққиёт йўлини танлаш, фақат халқнинг ихтиёрида эканлигини таъкидлаб, халқаро ҳуқуқ қоидалари, умуминсоний қадриятлар ва демократик принципларига асосланиб, Республика Олий Кенгаши Ўзбекистонни суверен давлат деб эълон қилади»**.

Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий қилиниши ва Мустақиллик декларациясини эълон қилиниши республика ҳаётида мислсиз тарихий воқеалар эди, амалда бу биздаги маънавий мустақилликни билдирди. Ўзбекистонда кечаётган бундай воқеаларга марказ М.С.Горбачев бошчилигида албатта бефарқ қарамаслиги аён эди. Бинобарин, Москва Ўзбекистондаги бундай «ўзбошимчалик»лардан ташвишда эди ва уни тезда «жиловлаб» қўйиш чорасини изламоқда эди. Вазият шу даражада кескин тус олдики, М.С.Горбачев Ўзбекистон Прези-

денти Ислом Каримовга тазйиқ ўтказишнинг барча чораларини ишга солди. Ислом Каримовнинг ўзи шундай деган эди: «1990 йилнинг 26 мартида Ўзбекистон Олий Совети Президентлигини жорий этди ва мени шу лавозимга сайлади. Шундан сўнг мен Москвага СССР давлат кенгаши йиғилишига келдим. Горбачев мени Ўзбекистон Президенти дея пичинг, ҳақоратомуз сўзлар билан Кенгаш аъзоларига таништирди ва тартибга солиб қўйишга ваъда берди. Бу ерда у президентликни бекор қилишни назарда тутди. Мен унга шундай жавоб бердим: «Агар суҳбат шундай давом этадиган бўлса, мен Кенгашни ташлаб кетаман». Сўнг Москва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам мени олиб ташлашга уринди, аммо ҳеч нарсага эриша олмади. Кучлар энди бошқача эди. Мени қўллаб-қувватлаган халқ ҳам бошқача фикрлай бошлаганди»[1].

Марказий ҳукумат Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилди, бу минтақада ҳам Озорбайжон ва Арманистон, Гуржистон ва Абхазия, Молдова ва Приднестровьедаги қонли фожиаларни келтириб чиқармоқчи бўлди. Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган ва Жалолобод музофотларидаги миллатлараро қонли низолар бу фикрни очиқ ойдин тасдиқлади. Фақат Ўзбекистон раҳбариятининг, биринчи навбатда, Президент Ислом Каримовнинг сиёсий жасорати, курашчанлиги, ўта тадбиркорлиги, ўзбек халқининг донолиги, сабр-тоқати ва андишалиги, бу қонли воқеаларнинг давлатлараро фожиа тусини олишига йўл бермади, мустамлакачиларни қора ва разил ниятлари амалга ошмади.

Ўзбекистон ҳукумати Мустақиллик Декларацияси асосида 1990 йилда дадиллик билан республика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар мажмуасини амалга оширди. «Ўзбекистон ССРдаги Ижро этувчи ва Фармойиш берувчи хокимият тузилмасини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (ноябрь) қонун, «Ер тўғрисида»ги (июль) қонун, Ўзбекистон Президентининг республика фуқароларига якка тартиб-

[1] «Ўзбекистон овози», 1996 йил, 13 июнь.

даги турар-жой қуриш ва шахсий томорқа хўжаликлари учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги, аҳоли пунктларини газлаштириш, мактаблар, ҳунар-техника ўқув юртлари, кейинчалик эса олий ўқув юртлари талабаларининг овқатланиши учун бериладиган имтиёзларини сақлаб қолиш тўғрисидаги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг пахта хомашёси, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини кўп марталаб ошириш тўғрисидаги қарорлари ва бошқалар ана шулар жумласига киради.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг бир гуруҳ раҳбарлари 1991 йил 19–21 августда Москвада давлат тўнтариши тайинладилар. Уларнинг асл-муддаолари мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатиш ва зўрлик воситаси билан СССРни сақлаб қолишдан иборат эди. Натижа эса тескари якунга олиб келди. Тарихга ГКЧП номи билан бирга давлат тўнтариши воқеаси дунёдаги сўнгги мустамлакачи салтанат – СССРнинг батамом парчаланишини тезлаштирган асосий омил сифатида хизмат қилди. Шундай қилиб, 74 йил умр кўрган қизил мустамлакачи салтанат эрк ва миллий озодлик курашлари таъсири остида парчаланди ва тарих саҳнасидан тушиб кетди.

ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА БОҒЛАБ

Ўзбек давлатчилиги тарихида дипломатия ҳам муҳим аҳамият касб этгани маълум. Тарихимизнинг муҳим босқичларида халқимиз орасидан дипломатлар, элчилар чиқиб салтанатнинг ташқи ва ички сиёсати ва амалиётида муҳим рол ўйнаганлар. Улар миллат, давлат номидан хорижий давлатлар билан расмий алоқалар олиб борганлар.

Андижон заминидан ҳам бир қанча дипломат ва элчилар чиққан. Улардан айримларини эслаш мумкин. Улардан бири Амирлашкар Алимқулдир. У 1831 йилда Андижон беклигига қарашли Қўрғонтепа бўлисида дунёга келган, Андижон шаҳридаги Оқ масжидда 2 йил таҳсил олган. Қўрғонтепа бўлисида бий, Андижон ҳокими Сўфибекда, сўнгра Маллабекда навкар бўлиб хизмат қилади. Маллахон 1858 йилда Қўқон тахтини эгаллаганда у хонликда Амирлашкар лавозимига кўтарилади.

Қўқон хони Маллахонга суиқасд қилиниб, тахтга 11 ёшли норасида ўғли Султон Сайидхон кўтарилади. Шу боис мамлакатдаги бутун салтанат ишлари Алимқул қўлида мужассамлашади. Айни шу вақтда Шимолдан чор Россияси қўшинлари Қўқон хонлигининг Шимолий чегараларини босиб олиш учун ҳарбий юриш бошлаган эди. Бу етмагандай Бухоро амири Музаффархон ҳам Қўқон хонлиги ҳудудига бостириб кираётган эди. Шундай шароитда Алимқул рус генераллари ва Музаффархон билан дипломатик музокаралар олиб боради, инглизларнинг Ҳиндистондаги ваколатхонасига, Туркияга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Беҳуда қон тўкилишга барҳам бериш мақсадида Алимқул Санкт-Петербургга, император ҳузурига элчи юборади. Лекин натижа бермайди. Уруш давом этади. Амирлашкар Алимқул ўз лашкарлари, ватан мудофаачилари билан душманга қарши кетма-кет зарба бергач, рус қўмондонлиги

сулҳ тузиш ҳақида Алимқул ҳузурига элчи юборади, сулҳ шартига кўра рус қўшинлари босиб олган Оқмасжид, Авлиёота ҳудудлари Россия ихтиёрида қолиши, қолган ҳудудлар Қўқон хонлиги тассаруфида қолиши керак эди. Аммо Амирлашкар Алимқул бу сулҳни рад этади. Қўқон хонлигидаги рус қўшинлари босиб олган ҳудудлардан тамомила чиқиб кетганларидагина сулҳ бўлиши мумкин деб жавоб қилади. Душман ҳужумга ўтади. Алимқул мудофаа жанглари олиб боради, мислсиз қаҳрамонликлар намойиш этади. Унинг жасорати рус генераллари ёзишмаларида ҳам акс эттирилган. Эндигина 33 бахорни қаршилаган Алимқул 1865 йил ёзида Тошкент мудофааси жангида ҳалок бўлади, у Шайхонтоҳур қабристонида дафн этилади.

Абдураҳим Юсуфзода 1920 йил декабрида Москвадаги Большой театрда РСФСР Советларнинг IX съездида Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичерин 1920 йилдаги Россиянинг халқаро аҳволи, ташқи сиёсатдаги вазифалар ҳақида ҳисобот бериб Афғонистон билан дипломатик муносабатларни яхши йўлга қўйилишида Бухоро Совет Халқ Республикасининг Афғонистондаги элчиси Абдураҳим Юсуфзоданинг хизмати борлигини таъкидлаб, унинг номини уч марта ҳурмат билан тилга олган. Абдураҳим Юсуфзода 1923–1924 йилларда БСХРнинг СССРдаги элчиси бўлиб хизмат қилди. Бу дипломат асли Андижонда туғилган, мусулмон ва рус-тузем мактабида таҳсил кўриб, Бухорога ўқишга борган. Турсунжон номли мадрасани битириб, мадрасада мударрис бўлиб қолади.

У «Ёш бухороликлар» партиясида бўлиб, жадидчилик ҳаракатини ривожланишида, фаолиятида муҳим роль ўйнайди, Бухоро ҳукуматида Адлия вазирлигини бошқаради. 1937 йили қатағон қилиниб отиб юборилади. Унинг номи билан ҳозирда Бухоро ва Андижондаги кўчалар аталган.

Иномжон Хидиралиев. Андижон заминида тарбия топиб, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилиб катта арбоб ва дипломат даражасига кўтарилганлардан бири. Эндигина 33 ёшга тўлган И.Хидиралиевнинг Буюк Британияда кутиб олиниши ҳақида хориж матбуоти шундай ёзганди: «Жур-

налистларнинг катта қисми миллий кийимдаги Хидиралиевнинг келишган қомати билан қизиқиб қолишди. Газеталар делегация келганлиги ҳақида биринчи навбатда хабар қилдилар, аммо воқеани шарҳлашдан ўзларини тийиб туришибди.»

Лондонда инглиз дипломатлари билан бўлган учрашувлардан бирида И.Хидиралиев билан инглиз дипломати ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади.

– Инглиз тилини биласизми? – дейди чет эллик дипломат мақтанчоқлик билан.

– Мен биламан.

– Мен олти тилни биламан, гаплаша оламан.

– Мендан оз биларкансиз, – дейди И.Хидиралиев

– Сиздан-а? Ўзингиз неча тилни биласиз?

– Ўн битта тилни. Ўзбек, рус, инглиз, қирғиз, туркман, озарбайжон ва ҳоказоларни.

– Сиздан авф сўрайман. Ўн бир тилни билишнинг ўзи бўлмайди!!!

Ўзбек дипломати И.Хидиралиев Лондондаги Мисрнинг «Нил водийси» газетаси вакили Муҳаммад Нажиб билан суҳбат қурган ва бу суҳбатнинг тўла матни «Нил водийси» газетасида босилиб чиққан.

Ўзбек дипломати ҳузурига Лондоннинг чекка қишлоқларидаги мусулмонлар масжиди муфтийси ва имоми келиб суҳбат қурадилар. Бунда И.Хидиралиев диний ва миллий масалалар бўйича ўзининг нақадар катта билимдон эканини намойиш этиб, суҳбатдошларининг зўр ишончи ва ҳурматини қозонади.

Хидиралиев бошчилигидаги вакиллар ҳиндистонлик миллионер Жеванжининг меҳмони бўладилар. Зиёфатдан сўнг ҳинд савдогарининг аҳволи ва уларнинг инглиз капитали билан ўзаро муносабатлари ҳақида суҳбат қизийди. Мезбон ҳинд миллий савдосининг ривожига халақит берадиган ҳолатлардан ғоят ташвишланаётганлигини билдиради ва Жеванжи ҳинд савдо-сотиқ дунёсининг Туркистон билан боғлиқ масаласини кўтариб, ҳинд капиталини Ўрта Осиёда қўллаш шарт-шароитларини қунт билан ўрганишни ўз ол-

дига мақсад қилиб қўйганлигини И.Хидиралиевга изҳор этади. Ўша вақтда ўзбек дипломати И.Хидиралиев таржимаи ҳолини расми билан бирга Лондоннинг марказий ва жойлардаги газеталари ўз саҳифаларида ёритганлар.

Акбар Бойтурсунович Ўразалиев – Андижондан етишиб чиққан дипломатлардан биридир. У 1890 йили Андижон шаҳри Қорабура кўчасида зиёли оиласида таваллуд топган. Мусулмон ва рус-тузем мактабларида ўқиган, чоризм вақтида тилмочлик қилган, совет даврида раҳбарлик лавозимларида бўлган, 1914–1918 йилларда жадид, тараққийпарварчи сифатида танилган, «Иттиҳоди тараққий» ташкилотининг аъзоси бўлган. Андижон уезди ва бутун Фарғона водийсида қатор раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб 1925–1927 йилларда Хитойда консул бўлиб фаолият кўрсатган. Таътилга келган вақтларида Андижондаги Хитой консуллигида бўлиб андижонлик, хитойлик, айниқса, қашқарлик дипломатлар билан яқиндан муносабатда бўлган. 1937–1938 йиллардаги «катта террор» даврида у ҳам қатағон қилиниб, отиб ташланган. Ҳозирда шаҳар кўчаларидан бири унинг номи билан аталган.

Хадича Сулаймонова. Андижон тараққийпарварлари, жадидларидан бири Сулаймон Келгинбоевнинг қизи Хадича Сулаймонова 1913 йили Андижонда туғилган. Ўзбек халқининг асл фарзанди, давлат ва жамоат арбоби, академик, Адлия вазири, Олий суд раиси лавозимларида ибратли хизмат қилган. Ҳуқуқшунослик, қонуншунослик масалалари бўйича хориждаги халқаро анжуманларда маърузалар қилиб, давлат делегациялари таркибида кўплаб чет эл давлатларида дипломатик, маданий алоқалар ўрнатишда фаоллик кўрсатган.

1960 йилнинг 8–9 августида Лондонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўтказган иккинчи халқаро конгрессда Хадича Сулаймонованинг қилган маърузаси 84 мамлакатдан келган 1000 га яқин вакилларни диққатини ўзига жалб қилган.

Хадича Сулаймонова Японияда, Ҳиндистонда, Хитойда, Чехословакияда Шри-Ланкада ўтказилган халқаро илмий

анжуманларда, учрашувларда қатнашиб, ўзбек фани, ўзбек қонуншунослиги, давлатчилиги ва унинг тарихини катта фахр билан тарғиб-ташвиқ қилган.

Совет режимининг қатағон сиёсати фош этилиб, бегунох, айбсиз қатағон қурбонларини реабилитация қилиш Бутуниттифоқ комиссияси таркибида Хадича Сулаймонова ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Нуриддин Акрамович Мухиддинов билан биргаликда, миллатнинг кўплаб фарзандларини реабилитация қилинишида фаол қатнашган. Бори-йўғи 52 йил умр кўрган Андижон қизи, ўзбек халқининг суюкли фарзанди Хадича Сулаймонова юртимиз, миллатимиз, Андижонимиз тарихини чет элларда тарғиб-ташвиқ этиб, республикамиз фани, айниқса, ҳуқуқшунослик фани тараққиётида қутлуғ ном билан Ватанимиз тарихида унутилмас из қолдирди. Шу боис унинг порлоқ хотираси халқимиз қалбидан мустаҳкам ва фахрли ўрин олган. Андижонликлар у билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Андижон уезди, Қўрғонтепа райони Хонобод қишлоғида туғилиб, Андижонда, Фарғонада, Самарқанда ва Тошкентда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, эл-юрт ҳурматини қозонган ажойиб сиёсий ва давлат арбоби Раҳимжон Раҳимбобоевнинг 1923 йили Андижон шаҳрида таваллуд топган Зуҳра исмли қизи ҳам отаси йўлидан бориб, республика, иттифоқ даражасидаги давлат ва жамоат арбоби сифатида танилди. Ўзбекистоннинг раҳбарларидан бири сифатида бўлган бу аёл айни вақтда иттифоқ миқиёсида дипломатия соҳасида ибратли фаолият кўрсатган. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларда иттифоқ ҳукуматининг топшириғи билан Исроилда, кейинчалик СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Пеговнинг ўринбосари лавозимида сермазмун фаолият кўрсатган. Унинг Ҳиндистон бош вазири Индира Ганди билан бўлган дўстлик ришталари ҳақида ушбу китобда юқорида қайд этилган.

Андижон фарзанди Замир Қобулов 1980–1990 йиллар бошида СССРнинг, кейинчалик Россия Федерациясининг Афғонистондаги элчиси ҳам Андижон фарзанди бўлган. У 1954 йил, 22 июнда Андижон шаҳрида зиёли оилада тавал-

луд топган, отаси Набижон Қобулов асли жалақудуқлик, узоқ йиллар Андижон давлат педагогика институтида адабиётшунослик кафедрасида фаолият кўрсатган, филология фанлари номзоди, доцент, шоир. Онаси Халима Мусина ҳам шу институтда доцент ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида фан доктори, профессорлик лавозимида хизмат қилган.

З.Н.Қобулов Андижон шаҳридаги 2-сон ўрта мактабни, 1977 йили СССР Ташқи ишлар министрлигининг Москва халқаро муносабатлар давлат институтини битирган. Шу йилдан бошлаб дипломатик хизматда СССР ва Россия Ташқи ишлар министрликлари Марказий аппаратида ва хорижда турли лавозимларда ишлади. Жумладан, бош штаб ва Ташқи ишлар министрлиги вакилларидан иборат совет-афғон чегара ҳайъати таркибида хизмат қилган.

1979 йилдан 1983 йилгача СССРнинг Афғонистондаги (Кобул) элчихонасида иккинчи секретарь бўлиб фаолият кўрсатган. 1987–1991 йиллари Ташқи ишлар министрлиги Марказий аппаратида ҳамда дипломатия академиясида хизмат қилади.

1991 йилдан Афғонистондаги элчихонада советник-маслаҳатчи, 1992 йилдан Россия Федерациясининг Покистондаги элчихонасида хизмат қилган.

1995 йили Қандаҳорда асир олинган Россиянинг Ил-76 экипажини озод қилиш тўғрисида Толибонлар ҳаракати билан олиб борилган музокараларда иштирок этган.

1990 йил охирларидан Афғонистон билан шуғулланувчи БМТ миссиясида катта маслаҳатчи сифатида, бир неча йил хизмат қилади.

1998 йилдан 2004 йилгача Россия Ташқи ишлар министрлиги Осиё Учинчи департаменти директори ўринбосари, Боннда Афғонистон бўйича музокараларда Ташқи ишлар вазирлигининг махсус вакили бўлиб турган.

2004 йил 17 февралдан 2009 йил 21 сентябргача Россия Федерациясининг Афғонистон ислом ўтиш давлатининг фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб фаолият кўрсатган. 2009 йил ноябридан Россия Ташқи ишлар вазирлиги Осиё Иккинчи департаменти директори вазифасига қўйилди.

З.Н.Қобулов форс ва инглиз, рус, ўзбек, татар тилларини яхши эгаллаган. Россия Федерациясининг ташқи сиёсати йўлини ишлаб чиқиш ва реализация қилишга қўшган ҳиссаси учун 2006 йил 28 июнда 1-тоифали Фавқулодда ва мухтор элчи мақоми берилган.

Андижон давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли битирган, Москвадаги Халқлар дўстлиги университети аспиранти, тарих фанлари номзоди, Москвадаги Дипломатия академияси битирувчиси Равшанбек Рустамбекович Шамсутдиновга ҳам Ўзбекистон ва унинг халқи манфаати йўлида баҳоли қудрат дипломатик фаолият кўрсатиш насиб этган. Унинг дипломатия соҳасидаги фаолияти 1993–1997 йилларда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасининг иккинчи котиби лавозимидан бошланган.

Кейинчалик 1997–1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг Америка Бошқармаси бўлим мудири, 1998–1999 йилларда Амстердамдаги Бош консулликда вице-консул, 1999–2001 йилларда Бельгия ва Нидерландия қироллиги, Люксембург графлигидаги Ўзбекистон элчихонасининг биринчи котиби, шунингдек, Европа Иттифоқи ва НАТОдаги Ўзбекистон Республикасининг ваколатхонаси вакили лавозимларида хизмат қилган.

1966 йил Жалақудуқ тумани Сўфиқишлоқ қишлоғида туғилган Равшанбек Озодбекович Алимов 1983 йили Андижон шаҳридаги 27-сон ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, 1983–1999 йилларда Н.Бауман номли Москва давлат техника университетида таҳсил олган, уни имтиёзли диплом билан тугатгач, муҳандис-конструкторлик ихтисослигини эгаллаган.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академиясида ўқиб, магистрлик илмий даражасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати йўлланмаси билан Вашингтондаги Жортаун университети халқаро муносабатлар факультети «Халқаро иқтисодиёт» махсус ўқув дастури стипендиантлигига сазовор бўлган.

2002 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинланди, 2002–2005 йилларда айни вақтда ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикасининг Молдовадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Киев шаҳрида) вазифасини бажарди. 2005–2008 йиллари Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Париж шаҳрида) лавозимида фаолият кўрсатди. 2008 йил ноябридан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўлими бошлиғи вазифасида меҳнат қилган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонасида масъул ходим.

АНДИЖОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Маълумки, 1991 йил ёз ойларида ҳали Иттифоқ таркибида бўлган Ўзбекистон Республикаси бошида яна навбатдаги қора кунлар хавфи пайдо бўлди. Чунки чок-чокидан сўкилиб бораётган ва батамом сиёсий бўҳрон ботқоғига ботиб қолган Иттифоқни қандай бўлса-да сақлаб қолиш илинжида Москвадаги мансабпараст қизил салтанат гумашталари ўзаро курашни авжига миндирдилар. 1991 йил 18 августида Москвада Геннадий Янаев бошчилигида бир гуруҳ амалпарастлар давлат тўнтаришини амалга оширдилар, М.С.Горбачевни ҳокимиятдан четлаштириб, давлат тепасига чиқиб олдилар. Аммо Б.Н.Ельцин бошчилигида Россиядаги демократик кучлар 22 августда янаевчиларга қақшатқич зарба бердилар, фитна қатнашчилари қамоққа олинди. М.С.Горбачев ҳокимиятга қайтди. У КПСС Марказий Комитети бош котиблигидан истеъфога чиқди, партия ўзини-ўзи тарқатганлигини эълон қилади. Президент Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда **«Марказнинг бошқаруви мутлақо заифлашиб, парокандалик ва саросимада қолди. Мамлакатни идора қилишга уни қурби қолмади**. **Республикаларни мустақил давлат бўлишига интилаётгани Марказда ўтирганларни қўрқитиб юборди. Хокимият қўлдан кетса ўзларини ҳеч кимга керак бўлмай қолишини англаб қолишди. Хуллас, улар унитар ўзбекча қилиб айтсак, марказлаштирилган бутун ҳокимиятни, ҳукмронликнинг ҳаммасини ўзининг, яъни марказ раҳбарларининг қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қилишди»**[1]. Шундай шароитда Ўзбекистон ва унинг раҳбарияти ўз муносабатини қатъий маълум қилди: **бизнинг ўз мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл-халқимизнинг**

[1] *Каримов Ислом*. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. Ўзбекистон, 2011, 393-бет.

манфаатига мос йўлдир ва биз унга нима бўлмасин қатъий амал қиламиз[1].

1991 йил 31 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси чақирилди. Унда Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган мислсиз тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилинди. Бу: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти» ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қароридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган бу ҳужжатлар халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиққанлиги ва амалга ошганлигининг ҳуқуқий асоси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан 1991 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни деб эълон қилинди. Шундан бери бу кунни Ўзбекистон меҳнаткашлари энг улуғ ва азиз байрам сифатида ҳар йили нишонлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонун 1991 йил 29 декабрда ўтказилган умумхалқ референдумида овозга қўйилди. Сайлов натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон меҳнаткашларининг 98,2 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ёқлаб овоз берди, яъни Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Қонун умумхалқ иродаси ила янада мустаҳкамланди.

Республика меҳнаткашларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига бўлган қатъий азму-қарорини худди шу куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президентини сайлаш натижалари ҳам исботлади. Овоз бериш натижаларига кўра сайловда қатнашган фуқароларнинг 86,2 фоизи Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувват-

[1] Ўша асар 395-бет.

ладилар. Ана шу тариқа Ислом Каримов умумхалқ овозини қозониш йўли билан сайланган Ўзбекистоннинг биринчи Президентидир. Шундан бери ҳозирги кунга қадар республикада амалга оширилаётган катта ва кенг кўламдаги буюк бунёдкорлик, эзгулик ишлари, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий тараққиёти, туб ўзгаришлар унинг номи билан боғлиқдир.

Ҳа, мамлакат халқлари тарихида мислсиз тенги ва қиёси йўқ тарихий ва қонуний улкан ҳодиса амалга ошди, Ўзбекистон суверен, мустақил давлат деб эълон қилинди. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги жуда кўплаб ҳур ва эркин халқлар қаторидан жой олди, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлди, тенглар аро тенг бўлиб, жаҳон майдонига воситачиларсиз чиқиш ҳуқуқини қўлга киритди, миллатлар ҳамдўстлигининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Ўзбек миллатини сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва маърифий инқироздан қутқариш йўлига кирди. У ўз ерига, ўз бойликларига эга бўлди. Хуллас, мамлакатимиз халқлари қарийб 150 йилга яқин давом этган мустамлакачилик бўйинтуруғини елкасидан улоқтириб ташлаб, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлди. Мустақиллик йилларида бутун мамлакат каби Андижон вилоятида ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда мислсиз, асрларга баробар буюк ривожланиш ва ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мана бу пурмаъно фикрини келтириш жоиздир: ***«Мустақиллик йилларида Андижон мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида миллий тараққиётимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Мана шу давр мобайнида Андижон аҳли қандай муваффаққият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тадбиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатининг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди».*** [1]

[1] Бугунги Андижон. Тошкент . «Ўзбекистон», 2006 й Б 4.

Мамлакатимизнинг шарқий минтақасида, ҳақли равишда «Олтин водий» деб ном олган Фарғона водийсида жойлашган Андижон вилояти ўзининг бетакрор табиати, кўҳна тарихи, катта иқтисодий салоҳияти, унумдор тупроғи, бой деҳқончилик анъаналари, энг муҳими, меҳнаткаш, тадбиркор ва омилкор инсонлари билан алоҳида ажралиб туради. Бу вилоят она Ўзбекистонимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсад йўлида, барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Истиқлол йилларида иқтисодиёт, ижтимоий-маънавий ҳаётда салмоқли ютуқ ва натижларига эришган, айрим жабҳаларда ҳатто ўзига хос мактаб яратган вилоят аҳлининг ибратли ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бундай ўзгаришларни барчаси биринчи галда Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг тараққиёт модели ҳамда узоқ ва давомли мақсадларни кўзлаган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегияси билан узвий боғлиқ эканини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик туфайли Андижонда ҳам бошқарувнинг янги тизими жорий қилинди ва у тобора такомиллашиб бормоқда. Бутун республикада бўлганидек, Андижон вилояти, шаҳар, туман ҳокимликларининг иш услуби демократик иш услубига айлантирилди. Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг бош йўли – ҳуқуқий, демократик давлатни вужудга келтириш, ҳамма нарсадан қонуннинг устувор бўлишини таъминлаш, фуқаро – жамият –давлат принципини амалга ошириш, шу йўл билан фуқаролар жамиятини барпо этиш. Андижон вилоятида ҳам ана шу тамойил асосида бошқарувнинг янги тизими вужудга келди. Ҳаётнинг ўзи кенгаш раислиги ўрнига ҳокимликларни жорий этишни талаб қилди. Натижада ҳокимликларда кўпроқ мустақиллик, ўз ҳудудида ўз ҳукми ва сўзининг таъсир-салмоғини ошириш, хўжалик ва иқтисодий бошқарувда қаттият билан ишлаш имкониятлари пайдо бўлди. Буни Андижон вилояти халқ хўжалигининг турли соҳалари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ўринда ушбу жадвални келтириш мақсадга мувофиқдир.



Мустақиллик йилларида вилоят хокими вазифасида Қаюм Холмирзаев, Қобилжон Обидов, Саъдулла Бегалиев, Аҳмаджон Усмоновлар фаолият кўрсатдилар. Ҳозирда эса Андижон вилояти хокими Шуҳратбек Абдураҳмоновдир.

Вилоятимизнинг ўзига хос салоҳияти, айниқса, истиқлол даврида яққол намоён бўлмоқда. Қўлга киритилаётган муваффаққиятларнинг сабаби ва омиллари ҳақида хўп ва кўп гапириш мумкин. Лекин бу борада иккита асосий омилга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Биринчиси – истиқлол берган кенг имкониятлар, давлатимиз, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доимий эътибор бериб келаётгани бўлса, иккинчиси – Андижон халқига хос азму шижоат, янгиликка

интилиш, тадбиркорлик билан иш юритиш каби фазилатлар, ўз юртига эгалик, ён-атрофда юз бераётган ижобий ўзгаришларга даҳлдорлик туйғусидир.

1991 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг орадан икки ой ўтмасданоқ Президентимиз Ислом Каримов Андижон вилоятига ташриф буюрди. Жойларда бўлиб, вилоят аҳолиси, унинг оддий инсонлари билан юзма-юз суҳбатлашди. Уларнинг турмуши, яшаш тарзи, ўй-ташвишлари билан яқиндан танишиб, кишиларнинг янги ташкил топган давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига бўлган муносабатини ўрганди. Мустақил юртимизнинг бугунги куни ва келажаги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўшанда мустақилликни эндигина қўлга киритган, бироқ Иттифоқ таркибидан ҳали тўла ажралиб чиқмаган ёш давлатимиз ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий бўҳронларни бошдан кечираётган давр эди. Аҳолига кундалик истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш 60 фоизга қисқарди. Сабаби, илгари улар марказлашган ҳолда четдан келтирарди. Шу вақтгача муомалада бўлиб келган рус рубли қадрсизланиб, оддий қоғозга айланиб қолди. Дўконлар шип-шийдон қилиниб, ун, нон, ёғ, шакар ва бошқа энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини чекланган миқдорда талонга бериш тартиби жорий этилди. Чунки, собиқ Иттифоқнинг сўнгги кунларига келиб Ўзбекистонда, жумладан, Андижон вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мумкин бўлган экин майдонларининг 84 фоизини пахта эгаллаб олганди. Москва текин хомашё базаси ҳисобланган Ўзбекистондан фақат пахтани ва яна пахтани талаб қиларди.

Ўша пайтда вилоят аҳолисининг донга бўлган бир кунлик эҳтиёжи 1200 тоннани ташкил этган. Бироқ 1991 йилнинг охирига келиб вилоятдаги буғдой захираси тугаб, кунлик таъминот 750–800 тоннага тушиб қолди. Бор-йўғи уч кунга етадиган захира ушлаб туриларди. Колхоз ва совхозлар омборларида сақланаётган дон қатъий назоратга олинди. Оилаларда дон турмасди. Шунинг учун жойларда қўшимча нон цехлари, нонвойхоналар ташкил қилиниб, нон ва булочка маҳсулотлари аҳолига кунма-кун тенг тақсимлаб берила

бошланди. Шу йили пахтадан бўшаган катта майдонларга биринчи марта кузги буғдой экилди.

Дастлабки йилларда аграр вилоят ҳисобланган Андижонда қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан туриб, иқтисодиётни тиклаб бўлмаслиги яна бир карра исботланди. Устига-устак собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида вилоят пахта тайёрлаш режасини сурункали равишда бажармай келарди. 1987 йили эрта қор ёғиши туфайли вилоятнинг давлатга пахта тайёрлаш режаси 47 фоизда қолиб кетди. Андижонда аграр соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш тақазо этилаётган эди. Шундай бўлди ҳам. 1991 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигига янги илғор технологиялар жорий этила бошланди. Чигитни пуштага экиш йўлга қўйилди. Ҳар йили эрта теримга тушилганлиги сабабли пахта етилмасдан туриб чаноқдан ажратиб олинарди. Натижада кейинги теримлар тош босмай қўярди. Терим машиналарини пахта 90 фоиз очилгандан кейингина далага киритиш тартиби жорий этилди. Йиллик режа бажарилиб, ундан ортиқча топширилган ҳосил хўжаликка катта даромад келтира бошлади.

Илгари ғўза дефоляцияси фақат самолётлар ёрдамида амалга оширилган. Пахта далалари эса ўта зич жойлашган маҳаллалар билан туташиб кетган. Ўрмонга ўт тушса ҳўл-қуруқ баробар ёнади, деганларидек ғўза баргини тўкишда ишлатиладиган бутефос моддаси тепадан дала-ю, қишлоққа ёппасига сепиб кетилаверарди. Одамлар соғлиги билан шунга кўрсатма берган раҳбарлар ёки ўзга юртдан вақтинча командировкага келган учувчининг сариқ чақалик иши йўқ эди. Натижада ҳар минг нафар аҳолидан 36 нафарида гепатит касаллиги билан оғриш ҳолати қайд этила бошланди. Ана шу боис зарари нисбатан кам бўлган дефолиантлардан фойдаланиш, уларни фақат ОВХ агрегатлари ёрдамида сепиш тартиби жорий қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Андижон вилояти меҳнаткашлари билан суҳбатлашар экан, мустақилликнинг дастлабки даврида қийинчиликлар бўлиши муқаррарлигини, уларга ҳар томонлама тайёр туриш кераклигини, давлатимиз бундай пайтда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини моддий қувватлашини билдиради. Ўша пайтда

махсус фонд тузилиб, республикамиз бўйича жами 47 минг нафар якка-ёлғиз ва қаровчисиз қолган қариялар давлат тасарруфига олинганди. Улар учун маҳсулотлар бепул бериларди. Айни пайтда ушбу тоифадаги фуқаролар жамоат транспортидан текин фойдаланиш имтиёзига эга эдилар.

Илгари юртимиздан қазиб олинган олтин тўппа-тўғри Москвага жўнатилган. Шахсан И.Каримовнинг кўрсатмаси билан 1991 йилнинг сентябрь ойида биринчи марта Ўзбекистон олтини шу ернинг ўзида қолдирилди. «Энг асосийси ер ости бойликларимиз, олтинимиз бор, – деди Юртбошимиз андижонликлар билан учрашуви чоғида. – Уларни гаровга қўйиб бўлса ҳам чет эл инвестициясини, қайта ишлаш технологияларини олиб кирамиз. Улар ёрдамида хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, иқтисодиётимизни тиклаб оламиз. Бу қийинчиликлар албатта ўтиб кетади. Яхши кунлар келади. Сизлардан фақат битта илтимосим бор: жойларда тинчлик ва осойишталикни сақланглар. Қолган ишларни эса менга қўйиб беринглар. Мамлакатимизнинг келажаги албатта порлоқ бўлади!»

Собиқ Иттифоқнинг сўнгги даврига келиб бутун Ўзбекистонда бўлгани каби аҳоли ўта зич жойлашган Андижон вилоятида ҳам бир қатор ижтимоий масалалар кўндаланг бўлиб турарди. Шулардан бири ер танқислиги эди. Чунки вилоятнинг умумий ер майдони Ўзбекистон ҳудудининг бор-йўғи 0,9 фоизини ташкил этган ҳолда, бу ерда мамлакатимиз аҳолисининг 10 фоизи истиқомат қилган. Катта майдонларга пахта экилганлиги сабабли аҳолига ер участкалари ажратиш тўхтатиб қўйилган. Дўппидек ховлида тўрт-бешта оиланинг қимтиниб яшаши оддий ҳолга айланиб қолганди. Ниҳоят Москванинг аралашиши бир оз камайгач, 1989 йилдан бошлаб Андижонда муҳтож оилаларга 8 сотихдан ер участкалари бериш бошланди. Бунда шахсий чорва ва ипакчиликни ривожлантириш ҳам кўзда тутилган эди. Ер ўлчаб бериш тадбирига одамлар карнай-сурнайлар билан чиқиб, уни тўйга айлантириб юборишди. Улар бу кунни бир умр орзу қилишган эди. Ҳар бир хонадонга марказлашган ҳолда Избоскандаги Мичурин номли хўжаликдан мевали кўчатлар олиб келиб ўтқазилди. Мухтожларга уруғлик картошка, саб-

завот ва полиз экинлари, кўчатлар тарқатилди. Аҳолининг илтимосига кўра, янги участкаларга улар маҳалла-маҳалла бўлиб кўчиб чиқа бошладилар. Шу тарзда 1989–1991 йиллар мобайнида вилоят бўйича аҳолига томорқа учун 35 минг гектардан зиёд ер бўлиб берилди.

Ўша пайтга келиб мулкчиликнинг эскича шакли – колхозлар ўз умрини ўтаб бўлган тизим эканлигини исботлаб қўйганди. Битта пахтачилик бригадасида 230–300 нафар кишининг ишлаши оддий ҳолга айланганди. Фермерликни ташкил этиш зарур эди. Бунинг учун эса одамларга янги иш ўринлари яратиш керак. Дастлаб колхоз ва совхоз марказларида гузарлар ташкил этилиб, хизмат кўрсатиш шахобчалари очила бошланди. Ҳар битта марказда 70 тага қадар иш ўринлари ташкил этилди. Корхоналар қуриш учун янги технологиялар зарур эди. Бу муаммони жойларда катта маблағ талаб этилмайдиган кичик цехлар ва ширкатлар ташкил қилиш орқали ҳал этишга киришилди. Мавжуд корхоналар уч сменада ишлашга ўтказилди. Жойларда уларнинг филиаллари ташкил топа бошлади. Бундай кичик корхоналар вилоят ва туманлар миқиёсидаги бўлим ва бирлашмалар қошида ҳам йўлга қўйила бошланди. Масалан, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг Қўрғонтепа тумани бўлимида совун ишлаб чиқариларди. Айни пайтда ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Ҳар йили сентябрь ойининг биринчи якшанбаси вилоятда ҳунармандлар куни деб эълон қилинди. Шу куни Андижон шаҳридаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам ярмаркасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишарди. Унинг ғолиблари вилоят ҳокимлигининг нуфузли мукофотларига сазовор бўлишган.

Ўзбекистон хали Иттифоқ таркибида эканлигидаёқ, шу вақтгача мамлакатимизнинг хомашё ресурсларидан текин фойдаланиб келинган Москвага ижтимоий масалаларни хал этиш бўйича жиддий талаблар қўйила бошланди. Шулардан бири Андижон шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Свердловскдан диаметри 1,5 метрга тенг металл қувурлар

келтирила бошланди. Натижада Хонобод-Андижон сув тармоғи барпо этилиб, аҳоли энг арзон ва энг сифатли бўлган тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ўша йилларда Андижон шаҳрининг бир қатор турар-жой массивларидаги кўп қаватли уйларни иссиқлик, табиий газ, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Бундай эзгу тадбирлар ва ташаббусларнинг бошида шахсан Президентимиз Ислом Каримов турарди.

– Москванинг зуғуми ҳали тугамаган ўша қийин пайтларда Ислом ака шерюрак инсон эканлигини кўрсатди, – дейди Қ.Холмирзаев. – Мустақиллигимизнинг асосчиси, унинг меъмори сифатида Москвага бориб, сиёсий бюро аъзолари билан теппа-тенг ташлашиб, мамлакатимиз манфаатини дадил туриб ҳимоя қилган.

80-йилларининг иккинчи ярмида Москва республикада тарихан ташкил топган вилоятлар ва туманларни сунъий равишда қўшиб юбориш, кадрлар таркибини камайтиришдан иборат мудҳиш сиёсий тадбирни ўтказмоқчи бўлди. Унга кўра Фарғона, Наманган, Андижон битта вилоятга айлантирилиши, Самарқанд билан Навоий, Сирдарё билан Жиззах, Бухоро билан Қашқадарё қўшиб юборилиши керак эди. Марказ расман бу ишни иккинчи даражали раҳбар бўлган Огарокка топширганди. Унинг раҳбарлигида бу иш бошқа бир-икки вилоятда силлиққина ўтган эди. 1987 йилда В.Огарок раислигида Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини бирлаштириш масаласини «муҳокама этиш» учун иккала вилоят вакилларининг йиғилишида Қашқадарё раҳбари Ислом Каримов ҳеч кутилмаганда сўзини шиддат билан бошлади: В.Огарок бошчилигидаги комиссия Москва сиёсатини кўр-кўрона бажараётганлигини, вилоятларни бу тарзда бирлаштириш иқтисодий жиҳатдан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам мутлақо асоссиз эканини далиллар билан исбот қилиб бера бошлади.

Ғазабдан В.Огарокнинг кўзлари косасидан чиққудек бўлди. У нотиқнинг сўзини қўрслик билан бўлиб, луқма ташлади:

– Масаланинг иқтисодий томонини ҳам, тарихий томонини ҳам юқоридагилар (Огарок «юқоридагилар» сўзига урғу бераркан, бош бармоғи билан тепага ишора қилди) яхшироқ тушунишини билмайсизми, айниқса, сиёсий жиҳатини?

Огарок «сиёсий» сўзига янада кучлироқ урғу бергани учун залда ўтирганларнинг дами ичига тушиб кетди.

– Халқимнинг тарихи, мамлакатимнинг иқтисоий масаласида исталган одам билан мунозара қилмоққа ҳозирман, – деди И.Каримов. – Эътибор бермаяпсизми, аравани қуруқ олиб қочаётганим йўқ, далиллар, рақамлар билан гапиряпман...

Нотиқ сўзининг ниҳоясида Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини бирлаштириш оғир оқибатларга олиб келишини, ҳар икки вилоятнинг иқтисодига салбий таъсир кўрсатишини исботлаб, Қашқадарё ҳайъати номидан қатъий норозилик билдирди. Кескин баҳс-мунозаралардан сўнг, ушбу масала кун тартибидан чиқариб ташланади.

Хуллас, айнан Ислом Каримовнинг дадиллиги ва шижоати туфайли илк бор Москванинг режаси ўтмай қолади. Ўзини эмас, миллати, халқини ўйлаган, эзгулик ва ҳурлик туйғулари қалбидан чуқур жой олган жасур инсонгина шундай қилиши мумкин эди.[1]

Оқибатда Марказнинг вилоятларни бирлаштириш режаси барбод бўлди. Ўшанда И.Каримов уларни ҳудудининг каттакичиклигига эмас, балки аҳолисининг оз ёки кўплигига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган эди. Масалан, водийнинг ўзида қарийб 7 миллион нафар киши истиқомат қилган, биргина Андижон вилояти аҳоли зичлиги жиҳатидан жаҳонда Япониядан кейинги ўринда туради, Асака тумани эса зичлик жиҳатидан кунчиқар давлатни ҳам ортда қолдиради.

Андижон вилояти Наманган, Фарғона вилоятлари билан қўшилиб кетмай, мана бугун Ўзбекистоннинг ҳар томонлама барқарор ривожланаётган, бошқа вилоятларга кўп соҳаларда ибрат, намуна бўлаётган вилоят сифатида тараққиётнинг

[1] *Азизхўжаев Алишер*. Чин ўзбек иши. «Ўзбекистон», Тошкент. 2011, 137–141-бетлар.

юксак чўққилари сари бормоқда. Бунда Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Президентимиз Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқ дардини ўзининг дарди деб билиб, энг қийин пайтларда улар билан ёнма-ён туришга, иқтисодий қийинчилик бўладими ёки табиий офатми бирга енгиб ўтишга одатланган эди.

1992 йилнинг 14 май куни Қўрғонтепа туманида рўй берган кучли сел, дўл ва тошқин оқибатида аҳолига, халқ хўжалигига жиддий зарар етади. Табиий офатдан 873 та оила жиддий зарар кўрди. Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ҳар бир фуқарога 500 сўмдан, жами 435,5 минг сўм ёрдам пули ажратилди. Эртаси куни, яъни 15 май куни соат 13 дан 10 дақиқа ўтганда Андижонда 6–6,5 балли зилзила рўй берди. Ишлаб чиқариш, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш, халқ таълими объектлари ҳамда турар-жой бинолари сезиларли даражада зиён кўрди. Ушбу зилзила нафақат Андижон заминини, балки шу заминда яшайдиган инсонлар қалбини ҳам ларзага келтирди. Чунки 1902 йилдаги кучли ер қимирлаши туфайли Андижон бутунлай вайрон бўлиб, янгидан бунёд этилган эди. Шу боис одамлар саросимага тушиб қолишади. Зилзиладан Избоскан ва Пахтаобод районлари кўпроқ талофат кўради. Ўшанда Избоскан туманидаги Лўғимбек қишлоғида жами 400 га яқин хонадон, 3 та мактаб, марказий универмаг биноси зарар кўрган. Мактабда машғулотлар вақтинчалик тўхтатилади, универмаг биноси ёпилади. Шунингдек, район санитария-эпидемиология станцияси, стомотология поликлиникаси бинолари ҳам зарарланиб, 3 миллион 999 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари ва бошқа жиҳозлар яроқсиз холга келиб қолади.

Пахтаобод районининг Маданият қишлоғида 7 та мактабдан 3 таси талофат кўрди. «Гулистон» давлат хўжалигидаги 25-ўрта мактаб биноси эса яроқсиз холга келиб қолди. Қишлоқдаги шифохона ва болалар боғчалари ҳам жиддий талофат кўрган эди. Қишлоқда зилзила оқибатларини бартараф қилиш учун штаб ташкил қилинади. Дастлабки маълумотларда штабга уй-жойи шикастланганлиги ҳақида

3005 нафар киши мурожаат қилган. Уларга палаткалар, зарур озиқ-овқат махсулотлари етказиб берилади.

Содир бўлган табиий офат туфайли кишилар бошига мушкул иш тушган бир пайтда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 19 май куни Андижонга етиб келди. Мамлакатимиз раҳбари самолётдан тушибоқ зилзиладан жиддий зарар кўрган Пахтаобод районидаги Маданият, Избоскан районидаги Лўғимбек қишлоқларига борди. Шундан сўнг Қўрғонтепа туманига йўл олиб, жала оқибатларини кўздан кечирди. Ҳар учала туманда ҳам Юртбошимиз хонадонларга кириб, жабрдийда одамлардан ҳол-аҳвол сўради, уларнинг рухини кўтарди. Мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси ҳеч қачон ёлғиз қолмаслигини, ҳар бир инсон ҳақида республика ҳукумати, шахсан Президентнинг ўзи қайғуриши ва етарли ғамхўрлик кўрсатишини билдирди.

Шу куни кечқурун соат 19.00. да Андижон вилояти ҳокимлигида табиий офат оқибатларини бартараф этишга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда шахсан Президентимизнинг ўзи иштирок этди. Йиғилишда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Андижонда рўй берган табиий офатларни бартараф этиш бўйича белгиланган шошилинч чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси тасдиқланди.

– Табиий офат халқни эмас, раҳбарларни ҳам, яъни сиз билан бизни ҳам жиддий имтиҳондан ўтказмоқда, – дея сўз бошлади йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов. – Агар шундай машаққатли даврларда халқнинг бошини силай олсак, унга мададкор бўлсак бу, энг аввало, ўзимизнинг обрўйимиз, мустақил республикамиз обрўйидир. Очиғини айтай, шундай пайтда эл-юрт кимнинг қўлидан нима келишини илғаб олади, баҳосини беради. Улар юрт бошида турганларга ишониши керакми ёки йўқми, дея хулоса чиқаради. Шунинг учун, энг аввало, халққа қуруқ ваъда берманг. Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирманг, ҳавойи гаплар билан алдаманг. Гапимиз ҳам, ваъдамиз ҳам асосли, одамлар наф кўрадиган бўлсин. Эртага орамиздан шунча раҳбар келиб кетди-ю, сариқ чақалик фойда кўрмадик, деган фикр чиқса унда нима деган одам бўламиз? Ишни шундай ташкил этайликки, аҳоли берилаётган ёрдамни тезда сезиб олсин,

орқасида суянчиғи борлигига ишонч ҳосил қилсин. Мана шу ишонч фақат раҳбарга эмас, мустақиллигимизга ҳам ишонч эканлигини сира ёддан чиқармаслик даркор.

Иккинчидан бошига мушкул иш тушган, озми-кўпми талофат кўрган ҳар бир киши ўзини ночор-нотавон ҳис қилмасин. Одамзод ҳамма қийинчиликларга бардош беради, қачонки ўзини ёлғиз сезмаса. Халқнинг эса сиз билан биздан бошқа ишонадигани, суянадигани йўқ.

Мана йиллар ўтяптики, Юртбошимизнинг халқни ўйлаб айтган ушбу пурмаъно сўзларини андижонликлар ўзгача бир фахр билан эслайдилар. Ислом Абдуғаниевич ҳар сафар Андижонга қилган ташрифи чоғида имкон қадар оддий инсонлар, айниқса, кўпни кўрган оқсоқоллар билан суҳбатлашишга, махаллаларда ўтаётган тўй ва издахомларда, маракаларда қатнашишга ҳаракат қилади. Бир сафар Асакага келганида ҳам худди шундай бўлди.

Собиқ Иттифоқ даврида туманни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмади. Натижада ишсизлар кўпайиб, жиноятчилик кескин ортди. Бу ерда томир отган айрим жиноий гуруҳларнинг зўравонлигидан халқ азият чекиб келарди. Шу боис Юртбошимиз эндигина мустақил бўлган республикамиз Президенти бўлиб сайлангач, Асакада давом этиб келаётган бундай бедодликларни таг-томири билан қирқиб ташлашга фармойиш берди. Туман аҳолиси эркин нафас оладиган бўлди. Юртбошимиз энди аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ушбу шаҳарга йирик саноат корхонасини, бўлганда ҳам бутун Марказий Осиёда қиёси бўлмаган улкан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида ўйларди. Ислом Абдуғаниевич наздида бу автомобиль ишлаб чиқарадиган йирик завод бўлиши керак эди. Ниҳоят 1992 йилнинг 3 июль куни Юртбошимиз Жанубий Кореядаги «ДЭУ» корпорацияси президенти, доктор Ким У Жун ҳамроҳлигида Тошкентдан Андижонга учиб келади. Меҳмонни Асакадаги трактор прицеплари заводига олиб бориб, унга шу ерда ўзаро шерикчилик асосида енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш таклифини билдиради. Бу Асака халқини ўйлаб қилинган оталарча ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси эди.

Президентимиз аэропортга қайтар экан, Асакадан чиқаверишдаги йўлнинг ўртасига кўк матодан байроқча қилиб илиб қўйганликларига кўзи тушиб, машинани тўхтатишни сўрайди. Водийда ўлим бўлган жойга ана шундай белги қўйишларини у яхши биларди. Маййитни ҳозиргина қабристонга олиб кетишган экан. Юртбошимиз хонадонга кириб дуо-фотиҳа қилади. Сўнг бу ерга тўпланган оқсоқоллардан қандай турмуш кечиришаётгани, ўзларини қийнаётган қандай муаммолар борлиги ҳақида сўрайди. Мамлакат миқиёсидаги биринчи раҳбарнинг оддий хонадонга кириб, уларнинг мусибатига шерик бўлиши уй эгаларининг ҳам, бу ерга тўпланган махалла оқсоқолларининг ҳам ақлини шоштириб қўйганди. Қаршисида турган «подшо»нинг гап-сўзларидан оддий инсон эканлигини англаган қариялар ота-боболари орзу қилган эркин ва ҳур замонни таъминлаб берганлиги учун миннатдорчилик билдириб, Асакага болалар ишлайдиган битта завод қуриб беришни илтимос қилишади. Юртбошимиз уларнинг минг истиҳола билан айтган бу гапларини эшитиб, жилмайиб қўяди. Бу 70 йил ҳукм сурган собиқ шўролар тузумининг оқибати эди. Чунки ўша пайтда кишилар биринчи раҳбар турсин, хатто оддий бригадирга ҳам тилининг учида турган гапларини, оддийгина бўлиб туюлган турмуш ташвишларини юрак ютиб айта олмасди.

Президентимиз Асакага айнан шу масалада автомобиль ишлаб чиқарувчи корейсларнинг энг «каттаси»ни олиб келганлигини, Худо хоҳласа яқин йиллар ичида бу ерда завод қуриб битказилишини, машинларни эса вақти келиб ўзимизнинг оддий ўзбек болалари ишлаб чиқаришини айтади. Бундан руҳланган оқсоқоллар бошланаётган иш хайрли бўлсин, деб дуога қўл очадилар.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб тузган ҳар бир режаси ўз вақтида амалга ошганлиги билан эътиборлидир. 1995 йилнинг 25 март куни Асака автомобиль заводида «Дамас» русумидаги биринчи ўзбек автомобили ишлаб чиқарилди. Юртбошимиз башорат қилганидек, уни тайёрлаганлар илгари кетмон чопишдан бошқага ярамайсан, деб хўрланган ўзимизнинг оддий ўзбек ёшлари эдилар.

Мустақилликнинг дастлабки, мураккаб йилларида Ўзбекистон ўзининг автомобилсозлик саноатига асос солди. Ватанимизнинг дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 давлат қаторидан муносиб жой олишига сабаб бўлган бу муҳим тарихий воқеа, журналист ва таҳлилчилар ибораси билан айтганда, «Ўзбек мўъжизаси» айнан Андижон заминида – Асака шаҳрида бунёд этилган «УзДЭУ авто» қўшма корхонасида содир бўлди. Шу фактнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг янги тарихида, мустақил тараққиётида Андижон вилоятининг алоҳида ўрни борлигидан далолат беради.

«Ҳозиргидек эсимда, 1992 йилнинг 3 июлида, Олий Кенгашимизнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтаётган бир пайтда, мен Жанубий кореялик ишбилармонлар билан бирга Асака шаҳрига келган эдим. Мақсад – Ўзбекистонимизда замонавий автомобиль заводи учун танланган жой билан ҳамкорларимизни таништириш эди.

Албатта, биз бу масалада республикамиздаги бошқа кўп жойларни ҳам ўрганиб чиққан, уларнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилган эдик. Лекин пировардида бўлғуси завод учун Асака шаҳрини танладик.

Бундай қарорга келишимизга нафақат бу ерда зарур шарт-шароитнинг мавжудлиги, балки Андижон аҳлининг омилкорлиги, ўз мақсади йўлида тиниб-тинчимаслиги, бошланган ишини албатта охирига етказиш каби хусусиятлари ҳам сабаб бўлди, десам, муболаға бўлмайди», деб хотирлайди Юртбошимиз Ислом Каримов.

Асака – Андижон вилоятининг йирик саноат шаҳри бўлиб, Андижондан Фарғона ва Марғилонга борадиган автомобиль йўли кесишган жойда, Шаҳрихонсой соҳилида жойлашган. Унинг ён атрофини экинзор дала майдонлари ва боғлардан иборат адирлар ўраб туради.

Бу гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат кўхна ва навқирон Андижоннинг, балки мустақил юртимизнинг қиёфасини белгилаб берадиган, диёримизнинг кўрку-тароватини ўзида намоён этадиган автомобилсозлар шаҳридир.

Шаҳарнинг кадимий тарихи ҳақида турлича карашлар ва фикрлар мавжуд.

Тарихчи олимлар Б.А.Литвинский, Т.Ширинов «Асака» номини Фарғонада мил. ав. VI–V асрларда яшаган сак кабилалари билан боғлайдилар. Чунки бу қабила баъзи жойларда «ассакенлар» номи б-н ҳам юритилган. Уларда «асвака» – от, «ас-сака» – отлиқлар маъносини билдирган. Археолог Б. Матбобоев юқоридаги фикрни водийнинг шарқий қисмида топилган тошлардаги отлар тасвири билан асослашга ҳаракат қилган ва шу жойларда наслдор отлар етиштирилган, деган фикрни илгари сурган. Топономист олим С. Қораев Асака туманидаги «Ахтачи» қишлоғи номи мўғулча бўлиб, от табиби (синчи), отбоқар деган маънони билдиришини таъкидлаб, юқоридаги мулоҳазаларни бирмунча тасдиқлайди. Бирок бир қатор олимлар борки, улар Асака номи ва унинг тарихини илк ўрта асрлар билан боғлайдилар. Масалан, профессор А.Тешабоев Асака тарихи хусусида фикр юритар экан, ўзгачароқ фикрга боради. Қадимги турк тилида «асс» бургут, лочин деган маъноларни англатган. Қадимги турк уруғлари ичида «асс» бургут уруғи ҳам бўлганлиги тўғрисида айрим тарихий манбаларда маълумотлар бор. Академик Б.Аҳмедовнинг фикрича, ҳозирги Андижон ва Асака адирларини қирқиб ўтган жойдаги водийда «асс» уруғи яшаган. Асака номи ва унинг тарихини асс уруғи билан боғлиқлигини олимлар милоднинг VI асрида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудига кўчиб келган қадимги туркий қабилалар дўрмон, арғин, баҳрин, асс, қўшчи, жалойир, арлай каби 70 дан ортиқ қабилаларнинг шу жойларда ўтроқлашиши ва кейинчалик яратилган «Баҳр ул-асрор», «Дастур ул-мулк» каби ёзма манбалар асосида ўз фикрларини баён этишган.

Маълумки, мил. авв. III милодий IV асрларда Марказий Осиё ҳудудида қудратли Даван давлати мавжуд эди. У Хитой манбаларида «Дай юань» деб тилга олинади. Унинг пойтахти Эрши (ҳозирги Марҳамат тумани) бўлиб, бевосита Асакага яқин жойлашган. Хитой тарихчиси Сима Цзян (мил.авв. 145–86 йиллар) «Тарихий хотиралар» номли асарининг 123-бобида Даван давлати ва унинг аҳолиси тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Шунга кўра, таърифи дунёга кетган «Самовий тулпорлар» айнан Даван

давлати ҳудудларида етиштирилган. Уларни қўлга киритиш мақсадида, Хитой императори, Хан сулоласининг ҳукмдори Лю-Че (мил.авв. 140–87 йиллар) саркарда Ли Гуангли бошчилигида қўшинни мил.авв. 104–102, 101–99 йилларда Даван давлатига икки марта юборади. Даван давлатининг пойтахти Эрши камал килинади. Бирок давлатнинг мустаҳкамлиги, халкнинг ватанпарвар ва фидойилиги натижасида ушбу юришлар муваффакият билан якунланмайди. Хитой манбаларида, Даван давлатида 70 дан ортиқ катта ва кичик шаҳарлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Тарих фанлари номзоди Дурбек Мўминов мана бундай изоҳлайди: **Биринчидан**, сак (сака) сўзининг маъноси «югураётган», «чопқир» деган маънони беради. **Иккинчидан**, Асака номини, «чавандозлар», «суворийлар», «отлиқлар» маъносига тўғри деб олсак, умумий тарзда сак сўзига яқиндир. **Учинчидан**, сакларнинг чорвадор бўлганлигини ҳисобга олганда сак (сака) ва асака сўзлари ўртасида мантиқий боғлиқлик борлигини биламиз. **Тўртинчидан**, Қадимги Хитой манбаларига кўра, Даван давлати пойтахти Эрши атрофларида наслдор отлар етиштирилгани, аҳолиси эса моҳир чавандоз эканлиги таъкидланган. **Бешинчидан**, илмий манбаларга кўра наслдор отлар ҳозирги Қирғизистоннинг Аравон, Новқат туманлари, Ўзбекистоннинг Асака, Марҳамат, Қува туманларида етиштирилган экан. **Олтинчидан**, Асакадаги Ахтачи қишлоғини Асака номи тарихи билан боғлаш мумкин. Яъни, ахтачи сўзи туркий-мўғулча сўз бўлиб, «от табиби», «синчи», «от боқар» маъноларини беради. **Еттинчидан**, XX асрнинг 20–30 йилларида Фарғона водийсидаги отларнинг ярми Асака, Марҳамат, Аравон ҳудудларида парваришланган.

Қадимги Асака ҳудудида аҳоли ярим кўчманчи ҳаёт кечиришган. Улар Асака адирларида чорвачилик, йилқичилик билан шуғулланган бўлса, Қорадарёнинг ирмоқлари Аравонсой ва Оқбўйрасой бўйларида суғорма деҳқончилик билан машғул бўлганлар, айнан Асаканинг ривожланиши деҳқончилик қишлоқларининг кичик шаҳар тусини олиш билан бошланган. Археолог А. Анорбоев ушбу шаҳарлар қаторига йирик қишлоқлар ҳам кирганлигини эътироф эта-

ди. Шу боис, ушбу даврга оид Асака ҳудудида археолог олимлар томонидан аниқланган Қоратепа ёдгорлигини киритиш мумкин.

Асаканинг ривожига қадимий катта шаҳарлар – шарқдан Андижон, ғарбдан Қува, жанубдан Мингтепа (Эрши) билан ёнма-ён жойлашганлиги бевосита таъсир кўрсатиб келган. Бундан ташқари, Асаканинг яна бир тарихий ютуғи борки, унинг «Буюк ипак йўли»да жойлашганлигидадир. Милоднинг I–IV асрларида шарқ ва ғарбни боғлаган бу йўл Қашқар довонидан ўтиб иккига бўлинган. Бири жанубга бурилиб, ҳозирги Афғонистон, Эрон бўйлаб Ўртаер денгизи қирғоқларига кетган. Яна бири Иссиққўл томон кетган, яъни Ўзган, Ўш, Аравон, Қува орқали ғарбга – Ахси томон йўл олган. Ҳозирги Асака орқали ўтган яна бир тармоғи эса Аравон, қадимги Эрши томон йўл билан туташиб, у ҳам Ахсикат – Қува тармоғига кўшилган. Зеро, С.Раҳмонов («Асака» китоби муаллифи) айтганидек, ҳозирги Асака – Ўқчи, Аравон, Қува, Марҳамат йўллари қадимий карвон савдоси йўлларидан бири бўлган. Демак, кейинчалик илк ўрта асрларда «Буюк ипак йўли»нинг ривожи Асаканинг ижтимоий, иқтисодий ўсишига олиб келган.

18-аср охирида Шаҳрихонсойнинг_эски ўзани чуқур қилиб қазилди ва бу воқеа шаҳарнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Асака XIX аср тарихчиси Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи жаҳоннома» ва «Тарихи Хўқанд» асарларида тилга олинган. Унинг ёзишича, Асака шаҳри ҳудудида Худоёрхон қалъа қурдирган ва бу ерда хоннинг дала ҳовлиси ҳам бўлган.

Чор Росияси томонидан Қўқон хонлиги босиб олиниб, мустамлакага айлантирилгандан сўнг, улка хомашё базасига айлантирилди. Мустамлакачилик зулмига карши миллий озодлик ҳаракатлари кучайди.

1899 йили қурилган Тошкент — Андижон темир йўли Асака оркали ўтказилди. Европалик ва маҳаллий бойлар саноат корхоналарини очдилар. Асакада XX аср бошларида пахта тозалаш ва ёғ заводлари бўлган. Аҳолининг асосий қисми ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Ўз тарихига эга бўлган Асака шаҳрининг номи шўролар даврида бир неча бор ўзгартирилиб, асли номини унуттиришга ҳаракат қилинди. Хусусан, 1924–1937 йилларда «Зеленск», 1937 йилдан то 1991 йилгача «Ленинск» деб юритилиб келинди. Қизил империя ҳукмронлиги даврида ҳам заҳматкаш Асака халқининг фидокорона меҳнатлари натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, мактаблар, болалар боғчалари, билим юртлари, шифохоналар, кўп қаватли бинолар барпо этилди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши билан шаҳарнинг Асака деган тарихий номи қайтарилди. Асака мустақиллик йилларида ўзгача чирой очди, янада файзли, гўзал ва обод шаҳарга айланди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Асакага файзу-баракот нури ёғилди. Бунинг асл сабаби Асакага давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг эътибори ва назарининг тушганидир.

1993 йилда Асакада «УзДЭУавто» қўшма корхонаси ташкил топди. Аслида, «УзДЭУавто» қўшма корхонасига Ўзбекистон Республикаси Президентни Ислом Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Жанубий Корея Республикасига ташрифи чоғидаёк асос солинган эди. «Daewoo Motor» корхонаси билан «УзДЭУавто» қўшма корхонасини тузиш тўғрисидаги Таъсис шартномаси 1992 йилнинг 29 августида имзоланди. Завод қурилиши 1994 йилнинг ноябрида бошланиб, 2 йил ичида давлатимиз раҳбарининг раҳномолигида Жанубий Кореянинг «Daewoo Motor» корхонаси мутахассислари ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнатлари билан ишга туширилди. Шундай қилиб, Асака шаҳрида бугунги кунда замонавий автомобиллар ишлаб чиқараётган «GM-Uzbekistan» (УзДЭУавто) қўшма корхонаси фаолият юритди. Қадимда Даван давлатининг учқур отлари, самовий «арғумоқлар» парваришланган, суворийлар юрти бўлган Асака замонавий автомобилсозлар шаҳрига айланди. «GM-Uzbekistan» (УзДЭУавто) қўшма корхонаси Ўзбекистон автомобиль саноатининг етакчи ва тўнғич корхонасидир.

Унинг ишга туширилиши туфайли Ўзбекистон жаҳонда ўз автомобил саноатига эга бўлган 28 мамлакат қаторидан ўрин олди. Заводнинг барча ускуна ва жиҳозлари Жанубий Корея, Япония, Германия, Швеция, Италия мамлакатларида ишлаб чиқарилган илғор автоматика ва технологиялардан иборат бўлиб, инвестицияларнинг умумий ҳажми 650 млн. АҚШ долларига тенг. 1996 йил 25 мартдан «Дамас», 1996 йил июнь ойи ўрталаридан «Тико», йил июль ойи ўрталардан эса «Нексия» автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди.

Асака шаҳри саноатининг ривожланиши билан бирга шаҳар ҳар жиҳатдан қайта қурилмоқда: янги кўчалар очилмоқда, намунавий турар жойлар, йўллар барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус кўрсатмаси асосида Асака шаҳрини тубдан қайта қуриш (реконструкция қилиш) ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ишларга 31,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. 2015 йилга келиб шаҳардаги Умид, Шинам, Марғиноний, Карвонсарой, Тиллахон, Жалолиддин Румий, Юқори Асака, Иқбол, Гулистон, Бибихоним, Мардлик, Бинокор, Ҳумо каби кўчаларида кўплаб янги бинолар қад ростлайди. Бунинг учун 16, 560 млрд. сўм маблағ сарфланиши белгилаб қўйилган.

Хуллас, қадимий ва навқирон Асака ҳамиша тилларда достон бўлиб келган. Илгари Даван давлатининг учқур отлари, самовий «арғумоқлар» Асаканинг серсув, сўлим масканларида парваришланган бўлса, бугун бу шаҳарда мустақил Ўзбекистоннинг темир тулпорлари, «Ласетти», «Нексия», «Спарк», «Кобальт» каби турфа хил енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.

Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ютуқ ва натижалари учун мамлакатда биринчи бўлиб Андижон вилояти 2003 йилда Ватанимизнинг юксак мукофоти – Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Андижонликлар учун ҳам энг улуғ ва азиз неъмат, ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик – бу тинчлик ва осойишталик, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликдир. Чунки тинчлик ва тотувлик бор жой-

да файзу барака, ўсиш-ўзгариш бўлади, ҳар қайси инсон ўз қалбидаги муқаддас орзу-интилишларни эркин рўёбга чиқариш, фарзанд, невара-чевара ўстириш, уларнинг бахти камолини кўриш имкониятига эга бўлади.

Андижон аҳлининг ўз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётгани, бу ерда яшаётган 100 дан ортиқ миллат ва эллат вакилларининг доимо аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Албатта, ҳаёт давом этар экан, янги-янги мақсад ва вазифалар кун тартибига чиқади, ютуқлар билан бирга турли муаммолар ҳам пайдо бўлади. Лекин ҳаёт синовларида тобланган, доимо изланиш ва қаттият билан келажакка интилиб яшайдиган Андижон аҳли, ҳеч шубҳасиз, ўз олдига қўйган юксак марраларга албатта эришади.

Андижон халқининг шижоат билан меҳнат қилиб, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича катта ютуқ ва натижаларини қўлга киритаётганини барча соҳаларда кўрамиз.

САНОАТ

Андижон замини қадимдан қазилма бойликларига эга бўлган диёрдир. Андижонда нефть олиш учун дастлабки пармалаш ишлари XIX аср охирларидаёқ бошланган эди. 1880 йилдаёқ дастлабки нефть қудуғи ишга туширилганди. 1991 йилда механизмлар ёрдамида пармалаш ишлари бошланиб, 278 метр чуқурликда қазилган биринчи қудуқ 1904 йилда ишга туширилган эди. Бу Андижондагина эмас, бутун Ўзбекистондаги биринчи нефть қудуғи эди. У бир кеча-кундузда 130 тонна маҳсулот бера бошлади. Республикамизда нефть саноати тарихи ана шу қудуқнинг ишга тушишидан бошланган. Совет даврида Андижонда нефть ишлаб чиқариш ва унинг захираларидан фойдаланиш ҳам мустамлакачилик характерига эга эди. Масалан, 1920 йил 25 майда Андижон шаҳрининг (ҳозирги номи) Осмакўприкда махсус вагонда турган Туркистон фронти қўмондони М.В.Фрунзега Лениндан шошилинч телеграмма келади. Унда зудлик билан Москвага нефть ва нефть маҳсулотлари ортилган 2 эшелон юборилиши талаб қилинган эди. Шу масала бўйича Фрунзе Ленин билан ўша куннинг ўзида тўғридан-тўғри телеграф орқали боғланади ва Туркистондан 2 эшелонда нефть ва нефть маҳсулотларини Москвага юбориш вазифаси қанчалик оғир бўлмасин, топшириқ бажарилади.

«Жанубий Оламушук» нефть кони 1930-йиллар бошларида ишга туширилган. Нефть кони топилиши муносабати билан 1943–1947 йиллари Жанубий Оламушук шаҳарчаси қурилди. Бу қурилишда маҳаллий аҳоли билан бир қаторда Иккинчи жаҳон урушида асир олинган япон асирлари ҳам иштирок этганлар.

Тарих шоҳидлиги. Андижонга биринчи марта енгил автомобиль Германиядан, маҳаллий сармоядор Миркомилбой Мирмўминбоев томонидан келтирилган. Европа саёҳатидан келган Миркомилбойни зиёрат қилиш ва у Германиядан

олиб келган автомобилни томоша қилиш учун маҳалла-маҳалла бўлиб одамлар оқими анча кунлар унинг уйидан узилмаганди.

1950 йилларда ҳам Андижонда замонавий транспорт воситалари йўқ эди, борлари извош, яъни дилижон, қўқонарава, эшакарава, велосипед эди. Аксарият одамлар яёв юрардилар.

Атиги иккита Америкадан келтирилган автобус бўлиб, бутун Андижон шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатган. Автобус қатнови йўналиши Андижон вокзали – Жомеъ – Сойгузар бўлган. Туманлар қишлоқ ва даҳалараро автомобиль қатнови бўлмаган. Юк ташувчи политурка «ЗИС», енгил машиналардан «Победа», «Волга», «Москвич» автомобиллари кейинчалик транспорт воситаси сифатида андижонликлар турмушига кириб келган.

Мана энди андижонликларга ҳам Истиқлол бу борада буюк ўзгариш, улкан зафар келтирди. Ҳозирда Андижон шаҳарининг мафтункор катта ва кичик кўчалари автомобиллар оқими билан тўлиб тошиб турибди. Бунда Юртбошимизнинг хизмати алоҳидадир.

Собиқ Иттифоқ даврида Андижон бутун мамлакатимизда бўлгани сингари хомашё етиштирувчи аграр вилоятга айланиб қолганди. Бунга барҳам бериш мақсадида мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги (1991–2001 йиллар) да вилоятга инвестициялар жалб қилиш ҳисобига саноатни ривожлантириш орқали маҳаллий хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, уни четга тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали илгари четга чиқиб кетадиган даромаднинг маълум бир қисмини шу ерда олиб қолиш ҳаракати бошланди. Енгил саноатни ривожлантириш ҳисобига пахта толасини қайта ишлаш, ундан калава ип, газлама ҳамда тайёр кийим-кечаклар тайёрлашга киришилди.

Дастлабки даврда вилоятдаги мавжуд корхоналар мулкчиликнинг янги шаклларига ўтказилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Жумладан, Жалақудуқдаги Охунбобоев момиқ фабрикаси, Қорасув шаҳридаги «Ан-нур»

ҳиссадорлик жамиятлари қайта иш бошлади. Санация жорий этилган «Асакатекстиль» корхонасида ип йигирадиган эски «ЖИН» дастгоҳлари чиқариб ташланиб, ўрнига хорижий давлатларнинг замонавий йигирув-тўқув ускуналари ўрнатилди. Марҳамат, Қўрғонтепа, Ёрқишлоқ, Пахтаобод, Избоскан ип йигирув-тўқув фабрикаларини қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Жаҳон бозорига чиқиш учун, биринчи навбатда, ривожланган давлатларнинг замонавий технологияларини олиб кириш талаб этиларди. Ушбу жараён қишлоқ жойларда хорижий сармоядорлар иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали амалга оширила бошланди. Жумладан, аҳоли ўта зич яшайдиган Ойим қишлоғида пахта толасидан калава ип ва газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ойимтекстиль» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Собиқ Чинобод ип йигирув ва тўқув фабрикаси негизида «Алишер Навоий Интернешнл» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси очилди. Шаҳрихон туманида «Антекс» тўқимачилик мажмуи, «Ривож» трикотаж фабрикаси махсулот бера бошлади. Натижада вилоятимизда етиштирилган пахта толасининг маълум қисмини шу ернинг ўзида қайта ишлаш имконияти яратилди. Илгари кетмон чопишдан бошқага ярамайди деб хўрланган қишлоқ йигит-қизлари энг мураккаб дастгоҳларни ўзлаштириб, аграр тармоқдан саноат соҳасига ихтисослашдилар. Етиштирилган дон ва ун маҳсулотларини қадоқлашда ишлатиладиган оддий қоплар ҳам илгари Россия ва Хитойдан келтирилар, бу маҳсулот таннархининг ортиб кетишига олиб келарди. Андижон шаҳрида «Полипропилень» қўшма корхонасининг очилиши ана шу муаммони ҳал этиш имконини берди. Иқтисодий ночор аҳволга келиб қолган «Булоқбоши ипаги» корхонаси қайта жиҳозланиб, вилоятда етиштирилган пиллани қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Вилоятда чорвачилик азалдан ривожланиб келган. Бироқ чорва моллари гўштга топширилгач, унинг териси қимматбаҳо хомашё бўлишига қарамай кўпинча ташлаб юбориларди. «Ҳунарманд» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан хорижнинг «Итако» фирмаси муассислигида Олтинкўл туманидаги Оқтепада қишлоғида «Олтин дери» қўшма корхонасининг ишга туширилиши туфайли

ушбу муаммо ҳам бартараф этилди. Дастлабки йилларда корхонада бир йилда 400 минг донага яқин қўй териси қайта ишланди. Улардан чарм курткалар ва бошқа кийим-кечаклар тайёрлашга киришилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Андижон дурдонаси», «МАСК» қўшма корхоналари фаолият юритди. 1993 йили Асакада Италиянинг «Федеричо» компанияси билан ҳамкорликдаги «Федеричо-Андижон-Макарон» (ФАМ) қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда қаттиқ буғдойдан 24 хилдаги найчасимон макарон ишлаб чиқарилиб, вилоят аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Қўрғонтепадаги «Оқ сув» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов Дардоқ қишлоғида бир кунда 20 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги заводни ишга туширди. Дардоқ, Ойим, Муқир қишлоқларидаги мингдан зиёд оилалар ўз эҳтиёжидан ортиқча етиштирилган сутни шу ерга топшириб, доимий даромад манбаига эга бўлдилар. Заводда ишлаб чиқарилган пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент шаҳарларидаги меҳмонхоналарга етказиб берила бошланди. Марҳаматда помидор қайласи (кетчуп), мева шарбатлари, Шаҳрихон ва Бўз туманларида эса қуруқ сут тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шу даврда вилоятда Андижон биокимё заводининг иккинчи навбати қурилиб, ишга туширилди. «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг Пахтаободдаги вагон таъмирлаш заводида ёпиқ ва ярим очиқ ҳамда цистерна вагонларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш муддатини 11 йилдан 16 йилгача узайтириш йўлга қўйилди. Шаҳрихонда сим ишлаб ичқарувчи «Волкор», электрод тайёрлашга ихтисослашган «Ривож-Тянжинь» қўшма корхоналари маҳсулотлари ҳам вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилди. Вилоятда 2010 йилда маҳаллий-

лаштириш дастурига асосан хорижий инвестициялар ҳисобига 72 та лойиҳа амалга оширилди. Шаҳрихонда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган фильтр заводи ишга туширилди. Дастурга асосан шу йили вилоятда 4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Тўқсонинчи йиллардаги Андижон саноати ҳақида сўз юритилганда собиқ Асака прицеп заводи негизида барпо этилган автомобиль заводи ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида, яъни 1992 йилнинг июнь ойида Жанубий Кореяга қилган ташрифи чоғида «ДЭУ Паблик Мотрос» заводини бориб кўрди. Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги икки томонлама меморандумга имзо чекилади. Орадан бир ой вақт ўтиб республика адлия вазирлиги томонидан «УзДЭУ авто» қўшма корхонаси рўйхатга олинди. Корхонанинг устав жамғармасини шакллантириш учун ҳар икки томон 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Заводни қуриш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга Ўзбекистон банклари томонидан 140 миллион АҚШ доллари, Жанубий Корея молия муассасалари томонидан эса 220 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. 1994 йилнинг февраль ойидан бошланган қурилиш-монтаж ишлари режадагидан 1 йил илгари, 1995 йилнинг декабрь ойида тўла якунланди. Натижада 1995 йилнинг 25 март куни Асака автомобиль заводида «Дамас» русумидаги биринчи ўзбек автомобили ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг 15 июнь куни «Тико», 25 июнь куни «Нексия» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

1996 йилнинг 19 июнь куни Асака шаҳрида «УзДЭУ авто» қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, «ДЭУ» корпорацияси раиси Ким У Жунлар иштирок этдилар. Эндигина мустақил бўлишига қармай жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та энг кучли давлатлар қаторидан ўрин олиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги энг катта ғалабаси эди.

Юртбошимиз тақдимот маросимида қилган маърузасида яқин вақт ичида автомобилларимиз ҳар бир ўзбек оиласига кириб боради, деган эди. Ўта харидоргир бўлган автомобилларимиз ички бозорни тўлдириш билан бирга уларни четга экспорт қилиш имкониятини ҳам берди.1996 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб улар Россия давлатига жўнатила бошланди. 1999 йили ўзбек автомобилларига «ИСО 9001» сифат сертификатининг берилиши уларнинг нуфузини янада оширди.

«УзДЭУ авто» қўшма корхонаси ишга туширилгач, вилоятимизда ушбу бош корхонага бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналарнинг бутун бир тизими яратилди. «Уз-Семюнг», «Уз-Корам», «Уз-Коджи» сингари бир қатор қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши ўзбек автомобиллари учун зарур бўлган бутловчи қисмларни шу ернинг ўзида тайёрлаш имкониятини яратди. Натижада харажатлар камайди, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Дастлабки йиллари корхонада асосан корейс мутахассислари ишлаган бўлса, кейинчалик уларнинг сони кескин қисқарди. 2000 йилга келиб заводда бironта ҳам корейс мутахассислари қолмади. Уларнинг ўрнини ўзимизнинг ўзбек йигитлари эгаллашди.

Мустақилликнинг иккинчи ўн йиллиги (2001–2011 йиллар)га келиб вилоят саноати ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Бу ерда фаолият юритган йирик саноат корхоналари сони 128 тага етди. Улар асосан машинасозлик, метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари, енгил саноат ва озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган эди. Чет эл инвестициясини ушбу соҳага фаол жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш, технологик янгиланиш жараёнлари ижобий натижаларни берди. Жаҳонда молиявий инқироз рўй бериб турган бир пайтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда ушбу маҳсулотларни четга экспорт қилиш ҳажмларининг ортиши мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ортганлигини кўрсатди. Жаҳон моливий инқирози туфайли, ҳатто Жанубий Кореянинг «ДЭУ»

корпорацияси ҳам 1999 йили ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бироқ шундай бир оғир вазиятда ҳам Асака автомобиль заводи ўз фаолиятини тўхтатмади. 2002–2005 йилларда Ўзбекистон ҳукумати корхона фаолиятини қайта ташкил этиш билан шуғулланди. Натижада 2005 йилнинг октябрь ойида «ДЭУ-моторс»нинг 100 миллион долларлик акцияси «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан сотиб олинди. Шу тариқа корхона тўлиқ Ўзбекистон тасарруфига ўтди. Шундай қилиб, Асака автомобиль заводи ривожланишнинг янги босқичига чиқиб олди. 2005 йили корхонада 500 мингинчи, 2008 йили бир миллионинчи автомобилнинг ишлаб чиқарилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида катта воқеага айланди. Айни пайтда корхона технологлари янги модификациядаги автомашиналарни яратиш устида ҳам иш олиб бордилар. Натижада 2004 йилга келиб корхона маҳсулотлари «Ласетти» русумидаги замонавий автомобиль ҳисобига янада кўпайди. Корхона ўз фаолиятини бошлаган йилдан бери бу ерда «Дамас», «Тико», «Нексия», «Матис», «Ласетти», «Шевролет-спарк», «Эпика», «Коптива», «Токума», «Нексия-2» сингари 9 хилдаги ўзбек автомобилларини тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Улар Россиядан ташқари Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова давлатларига ҳам экспорт қилина бошланди.

Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси 2010 йилнинг 1-ярим йиллиги якунларига кўра Асакадаги «GM-Uzbekistan» қўшма корхонаси маҳсулотлари Россия автомобиль бозоридаги кучли ўнликдан ўрин эгаллаганлигини маълум қилди. Ушбу ташкилот 1995 йилдан бошлаб Европа компаниялари манфаатини ҳимоя қилиб келади. Россия бозоридаги автомобиллар сотувини таҳлил қилар экан, мазкур ассоциация 2010 йилнинг 1-ярим йиллигида 32 минг 316 дона автомобиль сотганлигини эътироф этди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўп демакдир. Шу тариқа ўзбек автомобилсозлари сотув ҳажми бўйича 7-ўринни забт этишди. Шуниси эътиборлики, фақат июнь ойининг ўзида бу ерда 7 минг 395 дона автомашина сотилиб, унинг ўсиш суръати 77 фоизни ташкил қилди.

«Нексия» энг харидоргир автомашиналардан бири бўлиб қолди. Ушбу моделдаги биринчи автомобиль 1996 йилнинг 19 июлида ишлаб чиқилган ва шу заҳотнинг ўзида экспортга йўналтирилган эди. 2008 йилнинг март ойида мазкур автомобилнинг «Нексия-2» деб номланувчи такомиллашган моделини ишлаб чиқариш жорий этилди. Ички ва ташқи бозорда айнан ушбу автомобилга бўлган эҳтиёж ортди. У Россиядаги энг харидоргир бўлган автомобиллар рейтингида 3 поғонани эгаллади. Ярим йилликда россиялик 18 минг 58 нафар харидор айнан ўзбек автомобилини сотиб олишни афзал кўришди.

Россия бозорида «Матиз» автомобили ҳам ўз нуфузини сақлаб қолди. Рейтинг бўйича 11 ўринни эгаллаб турган бўлсада, ярим йилликда Россия бозорида унга бўлган эҳтиёж аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга ортиб, 13 минг 736 тани ташкил этди. Июнь ойида «Нексия» каби «Матиз» автомобиль сотуви 50 фоизга ортди.

Иккинчи ўн йиллик бошига келиб вилоятнинг ташки савдо алоқалари кенгайди. Масалан, биргина 2003 йилнинг ўзида жаҳоннинг 55 та давлати билан муносабатга киришилди. Шулардан 45 таси узоқ хориж (Жанубий Корея, Эрон, Латвия, Туркия, Буюк Британия, Бельгия, АҚШ, Нидерландия, Швейцария, Хитой ва бошқалар), 10 таси яқин хориж (Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон, Белорусь ва бошқалар) давлатларидан иборат эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. 2010–2012 йилларда Андижон шаҳри, Олтинкўл ва Хўжаобод туманлари марказларида замонавий лойиҳалар асосида янги бино ва иншоотларнинг қурилиши ҳисобига мингга яқин аҳолига савдо, маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш шаҳобчалари ишга туширилди. Андижон шаҳрининг ўзида ўнга яқин янги меҳмонхоналар қурилди. 2011 йили «Ўзбекистон» ва Бобур шоҳкўчалари кесишган жойда «Ҳамкор» халқаро бизнес марказининг ишга туширилиши катта воқеа бўлди. Ушбу маҳобатли бино миллийлик ва замонавийликни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, жаҳон андозаларига тўла мос келади. У конферен-

ция заллари, бизнес офислар, музокаралар ўтказиш хоналари, тўрт юлдузли меҳмонхона, кафе ва ресторандан иборат бўлиб, халқаро анжуманларни юқори савияда ўтказиш имкониятини беради.

Мустақилликка қадар Андижонда бирон та қўшма корхона мавжуд эмас эди. 1992 йили вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 13 та қўшма корхона ташкил этилган бўлса, 1996 йили 79 тага, 2003 йилга келиб 107 тага етди. Натижада етиштирилаётган хомашёнинг маълум қисми шу ернинг ўзида қайта ишланиб, хорижга тайёр ва ярим тайёр ҳолда экспорт қилина бошланди. Агар 1993 йилда қўшма корхоналарда тайёрланган махсулотларнинг 0,6 фоизи четга экспорт қилинган эди, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил қилди.

Ҳар қандай саноат корхонаси истиқболини унинг маҳсулотлари белгилайди. Сабаби, юқори сифатли рақобатбардош, харидоргир, энг асосийси, мижозлар талабига мос бўлган товарлар тайёрлашни йўлга қўйган ишлаб чиқариш субъектигина бозорда ўз ўрнини топа олади. Бундай корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Улардан бири «Инвесттекс» қўшма корхонасидир. Бу қўшма корхона Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Андижон вилоят бошқармаси томонидан 2000 йил 22 майда рўйхатдан ўтган бўлиб, 2002 йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг Низом жамғармаси 952 минг АҚШ долларини ташкил қилган, 2002 йилдан бошлаб трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Шунда корхонада 26 нафар ишчи ходим бор эди. 2005 йилга келиб корхона томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида «Ўзбеклизинг Интрнейшнил» лизинг компаниясидан 795287 АҚШ доллари миқдорида замонавий тикув дасгоҳларини сотиб олиш учун лизинг олинган. Шундан сўнг қўшма корхонада 300 ўринли янги тикув цехи ишга туширилди, лизинг суммаси 2011 йилда тўлиқ қайтарилди. Фабрикада тўқув, бўёқ, пардозлаш, гулбосиш цехлари мавжуд. Тўқув цехида «Майер» (Германия), «Тайфун» (Хитой), ТТМ (Туркия) тўқув машиналари ишлаб турибди. Бўёқ цехида МЧС (Ита-

лия), «Dilmenler» 200,400, 600 (Туркия), «Metall Makina» 10,50,200,400,500,600 кг (Туркия) дастгоҳлари ўрнатилган. Пардозлаш цехида «Балан сикма» (Швейцария), Қуритма дастгоҳи (Хитой), Лафер турк санфор машинаси (Туркия), Сертекс санфор машина (Туркия) мавжуд.

Гул босиш цехида «Гувен макина» (Туркия), «Мерт макина» (Туркия), «Фикса макина» (Туркия), «Туб кесма макина» (Туркия), «Феррари туб дазмол» (Италия), очиқ эн рулон ўрама (Украина) машиналари мавжуд.

Инвесттекс қўшма корхонаси 2012 йил якунлари бўйича 4879000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, маҳсулотлар реализацияси 4565415 минг сўмни ташкил этди, 1043 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди, 390820 минг сўм миқдорида соф фойда олинди.

Тадбиркор Абдуҳошим Исмоилов етакчилик қилаётган «Rubber trast» хусусий корхонаси биргина 2012 йилда чет эллик харидорларга 4,5 миллион АҚШ долларлик пойабзал етказиб берди. Маҳсулотнинг сифати юқорилиги боис ички ва ташқи бозорда талаб тобора ортиб борди. Харидорларга 2010 йилда 1 миллоин 853 минг жуфт мавсумий пойабзал етказиб берилган бўлса, бу кўрсатгич 2011 йилда 2 миллион 485 минг, 2012 йилда 3 миллион 276 минг жуфтдан ошиб кетди. Уларнинг 60 фоизи экспорт қилинди.

Корхона 2012 йилда 400 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиб, хориждан яна бир замонавий технологик линия олиб келтирди, унинг ёрдамида 2013 йилда экспортга мўлжалланган янги турдаги пойабзаллар тайёрлаш ўзлаштирилади, 50 та иш жойи яратилади. Корхона соҳиби Абдуҳошим Исмоилов 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун ўтказилган кўрик танловда «Энг яхши тадбиркор» йўналишида ғолиб деб топилиб, «SPARK» автомобили билан тақдирланди[1].

Инвестициялар жалб қилиш ҳисобига қишлоққа саноатни олиб кириш маҳаллий хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради. Ана шу мақсадда 2008 йили Избоскан

[1] Халқ сўзи, 2013 йил, 15 июнь.

туманида «Тагус текстиль» тўқимачилик корхонаси ишга туширилди. Бунинг учун 9 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинди. Шу йилнинг ўзида вилоятга жами 54,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ҳорижий инвестицияларни олиб кириш ҳисобига Марҳамат, Қўрғонтепа, Жалақудуқ туманларида ҳам янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 4100 та янги иш ўринлари яратилди. Илгари Хўжаободда трикотаж фабрикаси фаолият юритган эди. Бироқ собиқ Иттифоқ даврида унинг фаолияти тўхтаб қолди. Мустақиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгач, ушбу корхонада меҳнат қилган мутахассислар ўз хонадонларида кичик трикотаж цехларини ташкил қилишди. Улар аста-секинлик билан ривожланиб, йирик хусусий корхоналарга айланди. Иккинчи ўн йилликка келиб туманда бундай корхоналар сони ўндан ортди. Биргина «Барчиной» хусусий корхонасида 500 нафарга яқин қишлоқ хотин-қизлари меҳнат қила бошлашди. Ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотлари эса Россия Федерациясига экспорт қилинди. Қишлоқларда касаначиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Марҳамат туманининг Қоракўрғон қишлоғидаги 469 та хонадонга жундан рўмол тўқиш дастгоҳлари ўрнатилди. Аҳоли томонидан тайёрланган ушбу маҳсулотларни Украина ва Белоруссия давлатларига юбориш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг моддий манфаатдорлиги ортди.

2006 йилда «УзДЭУ авто»да 140 мингтадан ортиқ машина ишлаб чиқариш режалаштирилган, шундан тахминан 60 мингдан зиёди, ўтган йилдагига нисбатан 15 фоиз кўп автомобиль ташқи бозорга чиқарилади. Шунингдек, 2008 йилгача босқичма-босқич тўла лойиҳа қувватига эришиш ҳисобига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Илғор технологиялар билан жиҳозланган «Алишер Навоий интернешнл», «Андижон кабел», «Андижон полипропилен» каби йирик қўшма корхоналар, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик бизнес корхоналари ҳозирги пайтда ўз маҳсулотларини жаҳоннинг турли мамлакатларига экспорт қилмоқда.

Умуман, 2006 йилнинг биринчи чорагида чет эл инвестицияси жалб қилинган. Корхоналарнинг экспорт ҳажми 97,7 миллион АҚШ долларни ташкил этгани вилоят саноатида ташқи бозор учун ишлаб чиқарилаётган рақобатга бардош маҳсулотлар салмоқли ўрин тутаётганини кўрсатади.

Саноат тармоғини ривожланишини 2012 йилдаги кўрсатқич билан ҳам тасаввур қилиш мумкин. Саноат маҳсулоти ҳажми 2012 йилда 6297 млрд. сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 109,3 фоизга ўсди. 2012 йилда 4546,8 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 109,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 255,2 млрд сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 4291,5 млрд сўмлик ноозиқ-овқат моллари (мос равишда 100,7 фоиз ва 109,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

ҚУРИЛИШ ВА БУНЁДКОРЛИК

Собиқ Советлардан бизга эгри-бугри тор кўчалару, гувала ва хом ғиштдан, ҳатто пахсадан қурилган пастқам иморатлар мерос бўлиб қолганди. Каталакдек келадиган тор ҳовлида уч-тўртта оиланинг биқиниб яшаши оддий ҳолга айланганди. 1991 йилдан бошлаб вилоятда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширила бошланди. Эҳтиёжманд оилаларга янги ер участкалари бўлиб берилди. Ҳудудларда қурилиш материаллари, жумладан, пишиқ ғишт, оҳак ишлаб чиқариш рағбатлантирилди. Россиянинг қарағайига кўз тикиб турилмасдан ёғоч материалларини кўпайтириш мақсадида саноат теракчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳукуматимиз қарорига асосан Улуғнор, Бўз, Балиқчи, Избоскан, Пахтаобод туманларида юзлаб гектар янги теракзорлар барпо этилди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги (1991–2001 йиллар)да вилоятда жами 7180,1 минг квадрат метрдан иборат бўлган уй-жойлар қурилди. Кишилар саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш мақсадида жойларда 16.5 минг қатновга эга бўлган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди.

Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш мақсадида қабул қилинган давлат дастурига асосан 1156 километр ичимлик суви, 4609 километр табиий газ тармоқлари тортилди. Хўжаобод ер ости газ сақлаш омбори қурилиб, уни лойиҳавий қувватга чиқаришга эришилди. Жойларда 9 та автоматик газ тақсимлаш шаҳобчалари ишга туширилди. Натижада тоза ичимлик суви ва газ таъминоти яхшиланди. Агар 1991 йили вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши 71 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 90 фоизга, табиий газ билан таъминланиш даражаси эса 26,1 фоиздан 69,1 фоизга ошди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб «Обод юртда пок инсонлар яшайди» шиори остида ободонлаштиришга, йўллар қуришга катта эътибор қаратила бошланди. Андижон-Балиқчи, Андижон-Улуғнор, Андижон-Қува йўналишидаги автомобиль йўллари тўлиқ қайта реконструкция қилиниб, уларнинг икки четига темир-бетон ариқлар ўрнатилди, пиёдалар йўлакчалари ташкил этилди. Айни пайтда йўл ёқаларида хашар йўли билан кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди, гулзорлар ташкил этилди. 1999 йилга келиб вилоят бўйича жами 852 километрдан иборат автомобиль йўлларида 4 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Андижонлик йўлсозлар аср қурилиши деб номланган Қамчиқ довонида ҳам фидойилик кўрсатишди. Улар Қамчиқ ва Резак тунеллари оралиғидаги 11 километрли йўлни барпо қилишди. Қурилишда 1200 нафардан зиёд андижонлик йўлсозлар фаол иштирок этдилар.

Тўқсонинчи йилларда улкан бунёдкорлик ишларига сафарбар этилган андижонликларнинг маданий дам олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқаришига ҳам катта эътибор қаратилди. Андижон шаҳри марказидаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ўтган асрнинг 60–70 йилларида гуркираб ривожланган. Бу ерда ёзги мавсумда сайллар уюштирилиб, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Эргаш Каримов, Роза Каримова, Ғуломжон Рўзиқулов, Санобар Раҳмонова сингари эл севган таниқли санъаткорлар, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Саид Аҳмад, Саида Зунунова каби ёзувчи ва шоирлар иштирокида катта концертлар, шеърият кечалари ташкил этилган. Ғўза чеканкаси тугаб, пахта теримига яқин қолганда далада ишловчилар ўтирган бортли машиналар қатор-қатор бўлиб боғ томон йўл оларди. Бироқ саксонинчи йиллар охирига келиб маданият ва истироҳат боғидан одам қочиб, ташландиқ бир аҳволга келиб қолди. 1997 йили боғ ташкил этилганлигининг 65 йиллиги муносабати билан уни қайта реконструкция қилиш режаси ишлаб чиқилди. Пастқам чойхоналар бузиб ташланди. Ёзги концерт зали қурилди. Янги атрак-

ционлар ўрнатилди. Чор-атрофга манзарали дов-дарахтлар экилди. Андижоннинг рамзига айланган Семурғ қуши ҳайкали қайта таъмирланди. 1998 йили боғнинг кириш дарвозаси бузиб ташланиб, унинг ўрнида маҳобатли арк барпо этилди. Унинг эни 33 метр, бўйи 9 метрдан иборат бўлиб, 16 устун кўтариб туради. Пештоққа битилган шарқ миниатюралари аркка шарқона руҳ бағишлади. Орадан икки йил ўтиб, 2000 йили боғда атрофи сув билан ўралган ёзги амфитеатр қуриб битказилди ва бу ерда биринчи марта вилоят меҳнаткашларининг байрам тадбири ўтказилди. Илгари бундай тадбирлар вилоят ҳокимлиги биноси олдидаги тор майдонда ташкил этиларди. Шундан сўнг Пиёнбозор ҳудудидаги собиқ Пушкин номли боғ қайта реконструкция қилиниб, сўлим Болалар боғига айлантирилди.

Мустақилликнинг кейинги ўн йиллиги (2001–2011)га келиб Андижонда ўзига хос қурилиш индустрияси вужудга келди. Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида ҳеч бир қиёси йўқ бўлган Олимпиа захирлари спорт коллежи ва манежи, «Соғлом авлод» стадиони қурилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан 2005 йилга қадар 21 та академик лицей (шундан 15 таси янги қурилди), 126 та касб-ҳунар коллежи (69 таси янги қурилди)нинг барпо этилганлиги мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ўзига хос намойишига айланди.

Агар тўқсонинчи йилларда вилоятда асосан акушерлик-фельдшерлик пунктлари қурилган бўлса, икки мингинчи йилда улар негизида қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этила бошланди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йилнинг охирига келиб уларнинг сони 274 тага етди. Ушбу муассасаларда илгаригидек фельдшер-акушерлар эмас, балки олий маълумотли умумий амалиёт врачлари хизмат кўрсата бошлашди. Ҳар бир ҚВПга ёнмаён равишда ушбу мутахассисларнинг оилалари учун тураржой бинолари ҳам қуриб берилди.

2000 йили Андижон шаҳрида Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалининг очилиши катта воқеага айланди. Уни реконструкция қилиш учун 780 миллион сўм маблағ сарфланди. 350 ўринли ушбу муассасада беморларга малакали ва ихтисослашган тез ва

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Кейинчалик вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказларида ҳам ана шундай марказларнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Иккинчи ўн йилликда (2001–2011 йиллар) шаҳарсозлик борасидаги ишлар давом эттирилди. 2006–2007 йилларда Андижон шаҳридаги Бобур номли шохкўчанинг «Янги бозор» ҳудудидаги эски бинолар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнида икки ва уч қаватдан иборат бўлган савдо, маиший хизмат кўрсатиш комплекслари қуриб битказилди. Йўл қайта реконструкция қилинди. Бунда биринчи марта тадбиркорлар маблағи ва банк кредитларидан фойдаланилди.

2009 йилнинг эрта баҳорида Андижон шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудида жойлашган Комил Яшин кўчасини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта тиклаш режаси ишлаб чиқилди. Бу ердаги ҳовли уйлар XX асрнинг олтмишинчи йилларида хом ғишт ва пахсадан қурилган бўлиб, нураш ҳолатига келиб қолганди. Дўппидек келадиган тор хонадонларда уч-тўртадан оила биқиниб тирикчилик ўтказарди. Шундай ҳолатда яшашга кўникиб қолганлиги боис уларнинг онгига янгиликни сингдириш осон кечмади. «Бу уйда ота-бувам яшаб ўтган, менинг ўлигим ҳам шу ердан чиқади», деб оёқ тираб олганлар ҳам топилиб қолди. Вилоят ҳокими бошчилигидаги фаоллар уйма-уй юриб, жуда катта қийинчиликлар билан тушунтириш ишларини олиб боргач, эски уйларни бузиш ва янги бинолар учун пойдевор ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарнинг бош режасига асосан тадбиркорларнинг сармояси ва банк кредитлари ҳисобига икки ва уч қавватли уйларни қуришга киришилди. Бу ишга дастлаб минг нафардан зиёд қурувчилар сафарбар этилди. Уларга ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан келган ҳашарчилар ёрдам беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2009 йилнинг 3 августидаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-1167-сонли қарори Андижон шаҳрида бошланган бунёдкорлик ишларининг бутун вилоятга кенг ёйилишига асос бўлиб хизмат қилди. Сентябрь ойида Тош-

кент шаҳридаги «Экспомарказ»да ўтказилган кўргазмада «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан қишлоқ жойларда қуриладиган уйларнинг намунавий лойиҳалари намойиш этилган эди. Уларнинг орасидан вилоят иқлим шароитига мос келадиган 7 та лойиҳа танлаб олинди. 13 октябрь куни бир вақтнинг ўзида Асака туманидаги «Ниёзботир», Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ», Шаҳрихон туманидаги «Абдубий» қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида жами 60 та бир ва икки қаватли уйларни қуриш бошлаб юборилди. Фуқаролар томонидан уй қийматининг 25 фоизи тўлангач «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 15 йил муддатга, йилига 7 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилди. 3 миллиард 332 миллион сўм маблағлар ўзлаштирилиб, 6547 квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилиши таъминланди.

2010 йили 60 та оила янги уйларга кўчиб ўтди. 2010 йил дастурга биноат вилоятда 620 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, 2010 йил якуни билан 620 та 73913 квм уй-жойлар фойдаланиш учун топширилиши таъминланган ҳамда 37 млрд. 668 миллион сўм маблағлар ўзлаштирилган. Шундай қилиб, Президентимиз ғояси ва ташаббусига кўра қишлоқда бошланган эзгу ҳаракат Андижонда ўзининг дастлабки натижасини берди. Бу қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини ошириш борасидаги ислоҳотларнинг олий босқичи эди.

2010 йилга келиб Андижон улкан қурилиш майдонига айланган эди. Президентимиз Хўжаобод туманида янги очилган савдо мажмуаси (2009 йилда вилоят бўйича жами 8 та савдо мажмуаси қурилди), Андижон шаҳридаги болалар шаҳарчаси, Шўрбулоқ спорт мажмуаси билан танишар экан, вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. «Андижонда биронта жой, биронта кўча йўққи, қурилиш кетмаган бўлса, деди у Шўрбулоқдаги футбол коллеж-интернатда бўлганида. – Халқ ўзи яшайдиган жойни обод қиляпти. Буни катта уйғониш деса бўлади. Мен Президент бўлиб уларни бағримга босишим, елкамда кўтаришим керак... Давлат Андижонга ёрдам бериши керак ва шарт!»

Орадан кўп вақт ўтмай, яъни 2010 йилнинг 18 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон вилоятида турар-жой массивлари учун 2011–2015 йилларда коммунал инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1355-сонли қарори чиқди. Ушбу қарорга асосан вилоятда коммунал инфратузилмани ривожлантириш мақсадлари учун **1 триллион 396 миллиард 96 милион сўм** маблағ ажратилди. Ишлаб чиқилган дастурга кўра ушбу маблағ уй-жойларни барпо этиш, ички йўлларни қуриш ва мавжудларни таъмирлаш, чорраҳаларни реконструкция қилиш, тоза ичимлик суви, сув оқова, табиий газ тармоқларини қуриш ва таъмирлашга йўналтирилди. Дастурда Андижон шаҳрида автомобиль кўприги қуриш, анжуманлар саройини бунёд этиш, футбол коллеж-интернати учун ўқув корпусини тиклаш, «Халқлар дўстлиги» стадионини реконструкция қилиш, йўналишларда қатнаш учун 200 дона автобус сотиб олиш ҳам кўзда тутилган.

Вилоят аҳолиси учун ўта муҳим ҳисобланган ушбу тарихий қарор Андижонни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқди. Комил Яшин кўчасидаги бино ва иншоотлар қурилиши янада жадаллашди. Тоза ичимлик суви, сув оқова, табиий газ ва электр энергияси тармоқлари қайтадан тикланди. Йўл замон талаблари даражасида кенгайтирилиб, унинг икки четида пиёдалар йўлакчалари ташкил этилди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлнинг ўртасига Андижонда биринчи бор темир панжаралар ўрнатилди. Хавфли бўлган юқори кучланишдаги симёғочлар олиб ташланди. Арча ва каштан кўчатлари экилиб, яшил ҳудудлар ташкил этиш орқали кўчанинг меъморий ландшафти яратилди. Бу ерда бошланган ҳаракат шаҳарнинг бошқа ҳудудларига, вилоятнинг бир қатор туман марказларига кўчди.

Президентимиз шу йил май ойида вилоятга қилган ташрифи чоғида Андижон тажрибасини республикамиз бўйича кенг оммалаштириш таклифини билдирган эди. Шу йили Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари делегациялари бу ерга келиб, шаҳарсозлик борасида тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиб қайтишди. 7–8 июнь кунлари «Андижон вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва сервис объектлари

билан бирга якка тартибда уй-жойлар қуриш» мавзусида республика семинари ўтказилди. Тошкент шаҳари ва вилоятлардан келган қурилиш ва архитектура соҳаси мутахассислари дастлаб Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ» массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар билан танишишди. Андижон шаҳридаги Комил Яшин кўчаси, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига кўра Андижон туманидаги Истиқлол МФЙ «Истиқлол» маҳалласида алоҳида лойиҳа асосида қурилган кўп қаватли уйларни бориб кўришди. Ўтказилган семинар-йиғилишда ушбу бино ва иншоотлар Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳарсозлик кодекси» талаблари бўйича қурилаётганлиги эътироф этилиб, зарур тавсиялар, йўл-йўриқлар берилди. Семинар иштирокчилари янги қурилган халқаро бизнес марказида яратилган шароитлар билан ҳам яқиндан танишиб чиқишди.

2011 йилда ҳам вилоятда инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилди. Андижон вилоятида 2011 йил дастурига биноан тасдиқланган манзилли рўйхатга киритилган 37 та аҳоли яшаш масканларида 665 та уй-жойлар, (94535 квм) қурилиб фойдаланишга топширилди. Ана шу барча 665 та фойдаланишга топширилган уй-жойларга 665 та хўжаликни кўчиб ўтиши таъминланди. Комил Яшин кўчасидаги қурилишлар нихоясига етказилиб, мутлақо янгича бўй кўрсатган ушбу кўчага «Ўзбекистон» номи берилди. 21 май куни бу ерда ташкил этилган «Ободлик кўнгилдан бошланади» фестивали кўчанинг очилиш тантаналарига уйғунлашиб кетди. Тантанада иштирок этиш учун Андижонга ҳукумат вакиллари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, хорижлик мехмонлар ташриф буюришди. Янги кўчани томоша қилиш учун вилоятнинг барча ҳудудларидан минглаб одамлар оқиб кела бошлашди. Гуллар билан безатилган равон кўчадан биринчи бўлиб янги модификациядаги ўзбек автомобиллари кортежи ўтди. Ранго-ранг мушаклар отилиб, йиғилганлар бу ерда қад ростлаган маҳобатли иншоотлар билан танишдилар.

Санъаткорлар, фольклор-этнографик дасталарнинг қатнашчилари томонидан 20 та жойда концерт дастури на-

мойиш қилинди. Рассомлар, ҳунармандлар ўз кўргазмалари билан қатнашишди. Спортчиларнинг чиқишлари ташкил этилди. Шу боис барча андижонликлар завқу-шавққа тўлиб, юртига бўлган меҳри янада ортди. Шу куни Боғишамолдаги Бобур номидаги миллий боғда аския базми, палов сайли ташкил этилди. Кечга бориб Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ёзги амфитеатрида республиканинг таниқли санъаткорлари иштирокида катта гала-концерт намойиш қилинди. «Ўзбекистон» кўчасининг очилиши Андижонда бошланган улкан бунёдкорлик ишларининг илк дебочаси сифатида тарих зарварақларидан мустаҳкам жой олди.

Республикамиз Президенти И.Каримов 2011 йилнинг 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида яна Андижонга келди. Андижон туманидаги «Ўрикзор» массивидаги Камолот кўчасида намунавий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги турар-жой биноларини бориб кўрди. Мустақилликнинг 20 йиллик байрами арафасида бу ерда 82 та шинам уй-жойлар ҳамда мусиқа ва санъат мактаби қуриб фойдаланишга топширилган эди. Юртбошимиз «Омад-97» фермер хўжалиги раҳбари Омадхон Ҳамидова хонадонига кириб, у билан янги уйнинг афзалликлари ҳақида суҳбатлашди. 2010 йили Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ» МФЙда қурилган намунавий уйлар билан танишган Президентимиз ушбу уйларнинг шароитини янада яхшилаш бўйича бир қатор таклифлар билдирган эди. Янги уйларни қуришда ана шу таклифлар инобатга олинди. Жумладан, ҳовли-жой 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтирилди. Лойиҳага иккита машина сиғадиган ёпиқ жой қуриш киритилди. Кириш йўлаклари кенгайтирилди. Ҳовлидан ариқча оқиб ўтадиган бўлди. Энг ками 20-30 та уйдан иборат бўлган бундай маҳаллаларда савдо ва сервис хизматлари кўрсатувчи инфратузилма ҳам бунёд этилди.

Юртбошимиз сафари чоғида «Ўзбекистон» кўчаси билан танишар экан шундай деди: **«Европадаманми ёки Ўзбекистоннинг қадимий марказида турибманми деб ҳайратга тушяпман. Бундай ишларни амалга ошириш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун анди-**

жонликларга қойил қолиб, қурувчиларга миннатдорчилигимни билдираман. Уларга қарата айтмоқчиман: сизларга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин, чарчаманглар!»

Тўғри, бунёдкорлик андижонликлар учун аждодлардан қолган меросдир. Унинг узоқ тарихи мобайнида кўплаб қурилишлар ва ободонлаштиришлар амалга оширилган. Лекин мустақиллик даврида айниқса кейинги 6–7 йил ичида шундай улкан ва кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш амалга оширилдики, бундай бунёдкорлик Андижоннинг на қадимий, на ўрта асрлар, на чор Россияси мустамлакачилиги, на совет мустабид тузуми даврида амалга оширилмаганлигига узоқ ва яқин тарихимиз шоҳиддир.

Андижон фарзанди Бобур, унинг набираси Акбаршоҳ, унинг набираси Шоҳжахон дунёда тенги йўқ буюк Тожмаҳал обидасини, муҳаббат қасрини ўзининг энг вафодор, севимли аҳли аёли Мумтозмаҳал шарафига қурдирган. Улкан меъморлик санъати иншооти Жамна дарёси бўйида бунёд этилган. Дарёнинг нариги бетида, тахминан 5–6 чақирим узоқликдаги Жамна бўйида Бобур Ором боғини яратган. Бу боғ ҳозирда ҳам Ромбоғ номи билан машҳурдир. Бу маскандан ҳозир ҳам саёҳатчиларни кети узилмайди. Мўъжизавий Тожмаҳал қурилишида кунига 20 минг киши ишлаган, у 1631 йилда бошланиб, 1653 йилда тугалланган. Шоҳжаҳон Тожмаҳалнинг бош меъмори Устод Аҳмадга «Нодир ал-аср» («Асрнинг нодир кишиси») деган насаб берган. Франциялик таниқли бобуршунос олим Бернир шундай ёзган: **«Агра ва Деҳлидаги 2 та олийжаноб ва муҳташам зиёратгоҳлардан бири бобурийлар сулоласининг давомчиси Жаҳонгир томонидан отаси Акбаршох учун қурилган бўлса, Тожмаҳал Шоҳжаҳон томонидан унинг рафиқаси Мумтозмаҳалга бўлган муҳаббати ҳурмати, унинг гўзаллиги ифодаси сифатида нафақат тириклигида, балки вафотидан кейин ҳам унинг шоншуҳратини ошириш учун ёдгорлик бўлиб қолади»**.

Кечқурун бир хил, тонгда бошқа ранг, туш вақтда яна ўзга бир тусда товланадиган Тожмаҳал ер юзидаги етти мўъжизанинг биридир. Ҳатто уни сўз мулкини буюк султонларидан бири Рабиндранат Тагор ҳам таърифлашга ожиз-

лик қилишини эътироф этган. Тожмаҳал ва олдидаги боғ ҳинд халқининг доҳийси Махатма Гандининг энг севимли зиёратгоҳи бўлган.

1836 йили инглиз Колонел Слимак Тожимаҳални кўргач, «Агар мен эртага ўлсам қабрим шу ерда бўлсин», деб қичқирган. Тожмаҳалнинг сирли ва сеҳрли жозибаси жумлаи-жаҳонни ўзига ром этмоқда. Океан ортида – АҚШ даги миллиардернинг Тожмаҳалдан завқланиб Вашингтон ва Нью-йорк ўртасидаги Атланти-Сити шаҳрида барпо этган рамзий, мафтункор «Тожмаҳал мажмуаси»ни кўрган ҳар бир андижонлик, ҳар бир ўзбек фарзанди беқиёс ғурур ва фахрга тўлади. Ҳа, биз андижонликлар бобурийлар яратган ва жаҳонни ҳайратга солган ана шундай бунёдкорлик ишларига бевосита ворисмиз. Шу боис ҳам Андижонда мислсиз бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари катта кўламда олиб борилмоқдаки, бу эзгулик ишларини таърифлашга, тасвирлашга биз ожизмиз.

Андижондаги ҳозирги ва келажак авлод учун хизмат қиладиган маҳобатли, ҳам миллий, ҳам замонавий меъморчиликни ўзида мужассам этган, халқаро андозалар даражасида қурилган биноларни, кўркам ва салобатли ободонлаштириш иншоотларини барпо этиш заминида вилоят ва шаҳар раҳбарларининг жўшқин ташкилотчилик, тадбиркорлик, узоқни кўра билиш фаолияти муҳим роль ўйнамоқда. Андижонимиздаги меъморчилик санъатини эгаллаган қўли гул муҳандис-қурувчилар қадоқ қўлли ишчилар, журъатли тадбиркорлар, қалби олов ёшлар, каттаю-кичик ҳашарчилар, бутун андижонликларнинг фидокорона, заҳматли, шарафли меҳнати ҳам борлиги барчага аёндир.

Андижон шаҳрида янги қурилган халқаро бизнес маркази ҳамда вилоят ҳокимлигида фаоллар билан учрашуви чоғида Президентимиз янги Андижонни яратиш ғоясини илгари сурди. Бунинг учун Андижон шаҳри билан Андижон тумани чегараларини аниқлаб олиш, шаҳарнинг катта ва кичик халқа йўлларини барпо этиш, ўзбек автомобилсозлигининг бешиги бўлган Асаканинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, уни саноати ривожланган замонавий шаҳарга айлантириш, бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайди-

ган корхоналар барпо этиш вақти келганлигини уқтирди. Айни пайтда Юртбошимиз раҳбар масъулияти ҳақида сўз юритиб, у қайси лавозимда фаолият юритмасин ютуқлардан мағрурланиб, «эйфорея»га берилиб кетмаслиги ҳақида огоҳлантирди.

2012 йилда турар-жой массивларининг коммунал инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига асосан Андижон шаҳри, вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида жами 18 та кўча қайта реконструкция қилинди. «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилган «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!» кўрик-танлови доирасида Олтинкўл тумани марказидаги Чинобод ва Янги ҳаёт кўчалари тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Тадбиркорлар сармояси ва банк кредитлари ҳисобига 10 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 50 дан зиёд савдо, сервис, умумий овқатланиш шаҳобчалари бинолари, спорт иншоотлари ишга туширилди. 2012 йилда Қирғизистон билан чегарадош бўлган Хўжаобод туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мустақиллик байрами арафасида туман марказидаги Мирзо Улуғбек, Лайлак уя кўчалари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Худди Андижон шаҳрининг «Ўзбекистон» кўчасида бўлганидек, тадбиркорлар бинонинг биринчи қаватида аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини очишди. Иккинчи қаватидан эса офис ва турар-жой сифатида фойдаланишмоқда. 2012 йилда Андижон шаҳрининг Бобур шоҳ-кўчасида амалга оширилаётган реконструкция ишлари давом эттирилди. Пастқам турар-жой бинолари, ноқонуний қурилмалар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнини кўркам иморатлар эгаллади. Йўл кенгайтирилиб, унинг икки четида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Тоза ичимлик суви, канализация, табиий газ ва электр энергияси тармоқлари янгиланди. Симёғочлар алмаштирилиб, замонавий ёритқичлар ўрнатилди. Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси ёнидаги чорраҳа илгари айланма ҳаракатга мўлжалланган эди.

Транспорт ҳаракатининг кўпайиши ҳисобга олиниб, светофор орқали бошқариладиган замонавий чорраҳага айлантирилди. «Андижон» аэропорти ҳудудида кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилди. Кўприк остидан тўғри аэропортга олиб борувчи янги йўл чиқарилди. Шаҳарнинг асосий кириш қисми Амир Темур кўчасининг аэропортдан тортиб Навоий шоҳкўчаси билан кесишган чорраҳагача бўлган қисмида кенг кўламли реконструкция ишлари якунланди. Асфальт ётқизилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида темир тўсиқлар ўрнатилди. Янги автобус бекатлари қурилди. Йўл четидаги кўп қаватли турар-жой бинолари таъмирланди. Ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳисобига ўзига хос меъморий ландшафт яратилди. Ушбу кўчада «Баркамол авлод» хиёбони ташкил этилиб, бу ерда қад ростлаётган маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» кўчасидан сўнг Янги шаҳар ҳудудида жойлашган «Истиқлол» кўчасида ҳам кенг кўламдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Темир йўл вокзалидан «Олтин водий» ресторанигача чўзилган ушбу йил шаҳарликлар ва шаҳар меҳмонхонлари дам оладиган сайргоҳга айлантирилди. Унинг икки четида жойлашган тарихий бинолар, маданий-маиший иншоотлар янгича қиёфа касб этди. 2013 йилнинг 5 август куни «Истиқлол» ва унга туташ бўлган «Миллий тикланиш» кўчаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Айни пайтда Андижоннинг асосий кўчаси ҳисобланган Навоий шоҳкўчасининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари 84 йилдан сўнг янгиланди. Йўл кенгайтирилиб, унинг четидаги эскирган бетон ариқлар, симёғочлар янгисига алмаштирилди. Марказий банк олдидаги чорраҳа сатхи пасайтирилиб, автомобиллар ҳаракатининг равон бўлиши таъминланди. Ушбу кўчада ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида қурилган икки қаватли турар жой бинолари мавжуд. Улар вақт ўтгач яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб, кўча кўринишини буза бошлаган эди. 2012 йилдан бошлаб банк кредитлари ҳисобига уларнинг ўрнига 5 та 5 қаватли замонавий турар-жой би-

нолари қуришга киришилди. Ушбу иморатларнинг биринчи қаватида аҳолига савдо, сервис хизмати кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатади.

2012 йилнинг ёзида Андижон вилоятида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш ва тажриба ўрганиш мақсадида республикамиз вилоятларининг шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва салоҳиятли тадбиркорлар ташриф буюришди. Улар Андижон шаҳрининг «Ўзбекистон», Бобур шоҳкўчаларида, болалар шаҳарчасида, Андижон туманидаги «Истиқлол» маҳалласи, «Камолот» кўчаси, шунингдек, Олтинкўл ва Хўжаобод туманларида бўлишиб, бу ерларда олиб борилаётган кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини кузатдилар.

Учинчи ўн йилликка келиб Андижон том маънодаги улкан қурилиш майдонига айланди. Қайси шаҳар ва туманга, қишлоққа, маҳалла ёки гузарга борманг нимадир қурилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. 2015 йилга бориб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етгач, мутлақо янги қиёфадаги Андижон дунёга юз кўрсатади. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, мамлакатимиз, қолаверса, вилоятимиз иқтисодиётининг гуркираб ривожланиши, кишиларимизнинг юксак яратувчанлик кайфияти ана шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аграр тармоқ етакчи ўринни эгаллаган Андижон вилоятида пахта яккаҳокимлиги ҳукмронлик қиларди. Чигит экилмаган бирор қарич ер қолмаган, ҳатто айрим қишлоқ хонадонларнинг остонасигача ғўза ўстириларди. Жалақудуқ туманидаги собиқ «Ойим» совхозида истиқомат қилган Оқбой Исмоилов чакки томаётган уйининг томини суваш мақсадида мажбуран пахта эктирилган томорқасининг бир четидан лой олгани учун 15 суткага қамалиб чиққан. Собиқ шўро даврида қишлоқ кишиларининг томорқасидаги мевали дарахтларни кесиб, ўрнига пахта эктириш оддий ҳолга айланганди. Ана шу боис Президентимиз Ислом Каримов ҳали Мустақиллигимиз эълон қилинмасдан туриб қ аҳолига шахсий томорқалар учун ер участкалари ажратиш ҳақидаги тарихий қарорга имзо чекади. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотларнинг дастлабки босқичи ана шу даврдан бошланган десак муболаға бўлмайди. Пахта етиштириладиган майдонларнинг кескин камайтирилишига яна бир сабаб илгари республикамизга ғалла деярли 100 фоиз четдан келтирилган. Совет тузуми парчалангач, аҳолини нон билан таъминлаш биринчи даражали вазифага айланди.

Ғалла мустақиллигини қўлга киритиш даврида Андижонда дон уруғчилигига асос солинди. 1996 йили Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Андижон вилоятида бошоқли дон уруғчилигини ташкил этиш ҳақида»ги қарори қабул қилингач, бу ерда бошоқли дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти, уруғчилик бошқармаси ташкил этилди. Россиянинг Краснодар ўлкасидаги Лукяненко номли қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлик ўрнатилди. У ердан буғдойнинг серҳосил ва касалликларга чидамли навлари келтирилиб маҳаллий иқлим шароитига мослаштирила бошланди. Республика Вазир-

лар Маҳкамасининг қарорига асосан 1997 йили Андижонда «Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Дастлаб Краснодардан келтирилган буғдойнинг суперэлита навларини маҳаллий шароитга мослаштириш ишлари олиб борилди. Вилоятнинг барча ҳудудларида унинг 1000 дан зиёд навлари экилиб, синаб кўрилди. Уларнинг энг истиқболли деб топилганлари дастлаб Андижонда, сўнг республикамизнинг бошқа вилоятларидаги катта майдонларда экила бошланди. Ўша йили вилоятнинг 70 минг гектар майдонига уруғлик учун буғдойнинг «Скифиянка», «Юна» суперэлита навлари жойлаштирилган эди. Уларнинг агротехникаси алоҳида парваришни талаб этарди. Шаҳрихон туманидаги Саримсоқов номли, Олтинкўл туманидаги «Намуна», Қўрғонтепа туманидаги «Ёрқишлоқ», Избоскан туманидаги Тиллабоев номли ширкат хўжаликларида ушбу нав агротехника талаблари асосида парваришланганлиги боис маҳаллий шароитга ўта тез мослашди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 65–70 центнерни ташкил этди. Вилоят бўйича жами 220 минг тонна уруғлик дон етиштирилиб, республикамизнинг барча вилоятларига етказиб берилди.

Дастлабки йиллардан бошлаб нав тозалигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун далада биронта бошқа нав ёки бегона ўт бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун буғдойзорларни ўташга алоҳида эътибор қаратилди. Андижон шаҳри, Асака, Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Жалақудуқ, Избоскан, Пахтаобод, Балиқчи туманларига Германиянинг «Петкус-Вута» фирмасининг уруғлик тозалаш линиялари ўрнаталиб, ишга туширилди. Ушбу линиялар ёрдамида Андижонда етиштирилган уруғлик ғаллани тозалаш, дорилаш ва қадоқлаш ишлари йўлга қўйилди. 1991 йили Андижон вилоятида бор-йўғи 12 минг гектар ерга буғдой экилган эди. 2004 йилга келиб ғалла майдонлари ҳажми 74 минг гектарга етди. 1991 йили ғалладан 41 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, 2004 йилга келиб ялпи ғалла хирмони 580 минг тоннадан ортди. Шу даврда ҳар бир гектар ердан олинган ҳосилдорлик деярли икки баробарга, яъни 35,2 центнердан 72,4 центнерга

кўпайди. 2001 йил давлатга сотилган 161373 тонна уруғлик, 90500 тонна товар дондан ташқари вилоят аҳолисига 116,5 минг тонна буғдой тарқатиб берилди, 99,2 минг тонна дон ижарачиларга берилди. Кейинчалик андижонлик ғаллакорлар асосий майдонларга буғдойнинг «Крошка», «Умманка», «Княжная», «Половчанка», «Дельта» навларини экиб, ҳосилдорликни оширишга эришдилар. Дастлаб уруғлик дон фақат четдан олиб келиниб, Андижонда иқлим шароитимизга мослаштирилган бўлса, кейинчалик улар қаторида ўзбек олимлари томонидан яратилган маҳаллий навлар ҳам қўшилди. Айниқса, ўзининг эртапишарлиги, ҳосилдорлиги, сувсизликка ва ҳашаротларга чидамлилиги билан ажралиб турадиган «Андижон чиллакиси» нави тез орада бутун республикамизга оммалашиб кетди. Ундан кейин яратилган «Марс-1» нави ўта серҳосиллиги, клейковина миқдорининг юқорилиги билан нафақат деҳқонларда, балки ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Илгари вилоятда ғалла уруғчилиги билан фақат суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти мутахассислари шуғулланган бўлса, ер ўз эгасини топгач, бу масъулиятли вазифа билан экспериментал йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳам шуғуллана бошлади. Масалан, Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов тажриба участкасини ташкил этиб, буғдойнинг 20 дан ортиқ навлари устида изланишлар олиб бормоқда. Эндиги асосий эътибор миқдорга эмас, балки унинг сифатига қаратилмоқда. Ана шу боис якка саралаш йўли билан буғдойнинг бир қанча янги навлари устида изланишлар олиб борилмоқда. Истиқоблли деб топилган ушбу навлар ўзининг шаффофлиги ҳамда клейковина (илашимлиги) миқдорининг юқорилиги жиҳатидан олдинги навлардан кескин фарқ қилади. Улардан кондитер саноатида кенг фойдаланиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигидаги бошқарув тизимини ҳам ислоҳ қилиш талаб этарди. Дастлаб давлат хўжаликлари тугатилиб, ширкат хўжаликларига айлантирилди. Ширкатларда ички бошқарув-

нинг оилавий пудрат ва ижара усуллари жорий этилганлиги деҳқонга бир оз мустақиллик берди. У дала юмушларини ўз ихтиёри билан бажарадиган бўлди. Аксарият хўжаликларга собиқ Иттифоқдан қаторасига пахта етиштирилаверганидан яроқсиз ҳолга келиб қолган экин майдонлари, эскирган техника ва механизмлар мерос бўлиб қолганди. Айниқса, Улуғнор ва Бўз туманларида етиштирилган пахта ва буғдойдан, ҳатто сарфланган уруғликка яраша ҳам даромад чиқмасди. Натижада одамлар қишлоқдан қоча бошлашганди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳар икки туманда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қайта тиклаш борасида маълум ишлар амалга оширилди. 1998 йили одамларни чўлга қайтариш мақсадида Улуғнор туманида 12 та аҳоли яшаш пункти барпо этилди. 330 та уй қурилди. Тоза ичимлик суви қувурлари тортиб келинди. Саккиз минг нафарга яқин ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари қурилди. Ариқ-зовурларни тозалаш учун вилоятнинг бошқа туманларидан экскаваторлар жалб қилинди. Қўшимча минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ажратилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки ўн йиллигида деҳқон ва фермер хўжаликларининг техника паркини янгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятга катта туркумда ҳайдов ва чопиқ тракторлари, экскаваторлар олиб келинди. Андижон машинасозлик заводида «Т-4», ДТ-75», «Т-150», «Магнум» тракторлари учун омоч тайёрлаш йўлга қўйилди. Сув тармоқларини қайта таъмирлашга киришилди. 2002 йили АҚШнинг ЮСАЙТ агентлиги томонидан ишлаб чиқилган Марказий Осиёда табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш лойиҳасига асосан 45 километрли «Улуғнор» канали рекострукциядан чиқарилди. Пахтаобод, Жалақудуқ, Избоскан туманлари экин майдонларини сув билан таъминлайдиган ушбу канал эскирганлиги сабабли сув ўтказиш имконияти пасайиб кетганди. Компьютер ва телекоммуникациялар ёрдамида бошқариш унинг сув ўтказиш имкониятини 30 куб метрдан 40 куб метрга етказиш имкониятини берди. Натижада каналнинг энг қуйи тизимида жойлашган Избоскан тумани экин майдонларида сув таъминоти тубдан яхшиланди.

Вилоят деҳқончилигининг асосини пахтачилик ташкил этади. Бундан минг йиллар аввал ҳам бу заминда пахта етиштирилган. Асакадан 3–4 км шимоли-шарқ томондаги VI асрга оид Шўртепада археолог Б.Турғунов ва Б.Абдулғозиевалар қазилма ишлари олиб борганда ер остида сақланган сопол идишдан чигит куюндилари чиққан. Академик Яхё Ғуломов бу топилмага асосланиб, биринчи марта пахтачилик Фарғона водийсида бошланган, деган фикрни илгари сурган.

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида пахтачилик ва дончилик соҳасида олиб борилган ишлар натижасида пахта етиштирадиган майдонлар йилдан-йилга камайтирилган, ҳосилдорлик эса ортиб борган. Агар 1991 йилда 135049 гектар ерга чигит экилиб, ҳар гектар ердан 28,7 центнердан ҳосил олинган бўлса, 2000 йилга келиб вилоят пахтакорлари 106141 минг гектарга чигит экиб, ҳар гектар ердан 31,8 центнердан хосил кўтарганлар[1]. Андижон деҳқонлари пахтачиликни ривожлантиришда ўзига хос ва ўзига мос жасорат намойиш этдилар.

Кўп йиллик изланишлари маҳсули бўлган, 1995 йилда муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вилоятга ташрифи чоғида унинг қимматли маслаҳатлари билан бошланган плёнка остига чигит экиш республикада пахта етиштиришнинг «Андижонча усули» сифатида тан олинди. Бу усулга тўла ўтиш натижасида вилоят сўнгги йилларда мамлакатимиз пахтачилигининг карвонбошчисига айланди. Пахтани етиштириш ва уни йиғиб-териб олиш муддати 1,5–2 ойга қисқартирилди. 2001 йили мустақиллик кунигача пахта сотиш режасини республикада биринчи бўлиб бажарган Асака тумани, Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги, бошқа ўнлаб хўжаликлар тажрибаси «Андижон усули»да пахта етиштириш билан йиғим-теримни сентябрь ойидаёқ якунлаш имконияти мавжудлигини тасдиқлади. Бу деҳқонларнинг асрий орзуси, пахтани ёғин-сочинга қолдирмасдан, юқори сифатли қилиб йиғиштириб олиш ва келгуси йил деҳқончилиги

[1] *Шокаримов С., Султонов А.* Жаннатмакон Андижон. «Тошкент Ислом университети», Т.: 2002, 33-бет.

учун барча юмушларни бажариш мумкинлигининг амалий исботи бўлди.

Андижонлик пахтакорларнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик юбелейини август ойидаёқ пахтани тўла очилтирган ҳолда йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказганлиги, ўнлаб хўжаликлар ва ҳатто туманлар мамлакатимизнинг олтин тўйига муносиб тўёна – йиллик режани адо этиш билан келганлиги барчанинг қалбини қувончга тўлдириб юборган эди. Бундай кўтаринкилик андижонликларга куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишлади. Бутун диққат-эътибор етиштирилган ҳосилни барварқ етиштириб олишга қаратилганди. Натижада, вилоят деҳқонлари 14 сентябрь куни 305 минг тонналик хирмон бунёд этиб, йиллик шартномавий режани мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар.

Президентимизнинг андижонликларга кетма-кет учинчи маротаба йўллаган табриклари уларнинг сабр-тоқат ва матонат билан амалга оширилган меҳнатларига берилган ғоят юксак баҳо бўлди. Далада меҳнат янада авж олди. Ҳосилни нест-нобид қилмай, тоза териб олиш ҳар бир андижоликнинг мақсадига айланди. Натижада яна 76560 тоннадан зиёд пахта қабул пунктларига етказиб берилиб, ялпи ҳосил 381560 тоннадан ортди. Ҳосилдорлик вилоят бўйича ўртача 35 центнерданни ташкил этди.

Деҳқончиликда даромаднинг яхши бўлиши тўғри нав танлашга ҳам боғлиқ. Ширкатлар пайтида вилоятда асосан пахтанинг тош босадиган «Фарғона-3», «Фарғона-5» навлари экилган. Унинг агротехникаси унча мураккаб бўлмаганлиги сабабли, ҳатто энг нўноқ деҳқон ҳам кузга бориб режани дўндириб қўярди. Бироқ микронер кўрсаткичи ва тола чиқиши ўта паст бўлганлиги сабабли деҳқон режани бажарган тақдирда ҳам фойда ололмасди. Ана шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб пахтанинг саноатбоп навларини яратиш устида изланишлар олиб борилди. Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Андижон филили олимлари томонидан пахтанинг «Андижон-34», «Андижон-36», «Андижон-37», «Андижон-9» навлари яратилиб Избоскан, Шаҳрихон туманлари ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги институти тажриба участка-

ларида синаб кўрилди. Асосан 4 ва 5-типга мансуб ушбу навлар ўта саноатбоплиги туфайли «С-6524» нави сингари тезда районлаштирилиб, фермер хўжаликларининг асосий экин турига айланди. Натижада ўз умрини ўтаб бўлган «Фарғона-3», «Фарғона-5», «Ан-402» навларини экиш тўхтатилди. Тола чиқиши юқори бўлганлиги сабабли пахтанинг ушбу навларини етиштирган фермер хўжаликларининг даромади ортди. Олинган фойда ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизмлари сотиб олиниб, хўжаликларнинг иқтисодий имкониятлари янада кенгайди.

Андижонда деҳқончилик маданиятининг шаклланишида 1995 йилдан бошлаб пахтачиликка жорий этилган плёнка остига чигит экиш технологиясининг алоҳида ўрни бор. Андижон вилоятининг иқлим шароити республикамизнинг бошқа вилоятларига нисбатан анча салқин. Сурхондарёда ўрик гуллаган пайтда Андижонда хали қор ҳам кетмаган бўлади. Чигит апрель ойига бориб экилганлиги боис ғўза ривожланишдан ортда қолиб, йиғим-терим ишлари қишқировли кунларгача чўзилиб кетарди. Бу ўз навбатида тола сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Шунинг учун мутахассислар Хитой, Греция, Испания, Исроил давлатларида кенг кўлланиладиган плёнка остига чигит экиш технологиясини вилоят пахтачилигига жорий этиш таклифи билан чиқдилар. Улар Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур автоном районида ушбу тажрибани ўрганиб қайтишди. 1995 йили Андижон механика заводида плёнка остига чигит экиш сеялкасининг ягона нусхаси ишлаб чиқилди. Тажриба тариқасида март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка остига экилган чигит ҳаво салқин бўлишига қарамай бир текис униб чиқди. Кузга бориб очиқ майдонларда етиштирилган пахтага нисбатан 20 кун аввал пишиб етилди. Ҳосилни эрта йиғиштириб олиш ҳисобига у фақат юқори навларга сотилди. Натижада мавжуд ширкат ва фермер хўжаликларининг даромади ортди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Андижон тажрибаси бутун республикамизда кенг оммалаштирила бошланди. Дастлабки йили мамлакатимиз бўйича жами 420 минг гектар ерда чигит плёнка остига экилди.

Андижон механика заводида чигит экиш сеялкаларининг катта туркумини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Андижонмаш» ҲЖда плёнка остига экилган ғўза қатор ораларига ишлов берувчи культиватор яратилди. 1995 йили «Андижон полиеэтилени» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг ташкил этилиши пахтачилик хўжаликларини плёнка билан тўлиқ таъминлаш имкониятини берди.

Андижон пахтачилигида плёнка остига чигит экиш технологиясини қўллаш эртаки ҳосил етиштириш имкониятини берди. Вилоятнинг, ҳатто энг салқин туманлари ҳисобланган Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод, Булоқбоши, Пахтаобод туманларида ҳам эртаки ҳосил яратиш имконияти туғилди. Сабаби плёнка ёш ниҳолларга очиқ усулга нисбатан иссиқни икки-уч баробар кўпроқ беради ва уни тунги вақтларда ҳам сақлаб туради. Натижада пахта очиққа экилган майдонларга нисбатан 20–25 кун эрта очилади. Ёғин-сочинли кунларга қолдирилмай йиғиштириб олиниб, фақат юқори навларга сотилади. Бу мўмай даромад деганидир.

Яна бир афзаллиги шундаки, плёнка эгат устига бир текис ёпилгач, бу ерда вакум ҳосил бўлиб, ҳаво етишмаслиги сабабли униб чиққан бегона ўт дарров нобуд бўлади. Демак, қатор ораларига қўшимча кетмон чопиғи ўтказишнинг зарурати қолмайди. Шунингдек, плёнка намни узоқ вақт сақлаб туриш хусусиятига эга. Бу сув ўта тақчил бўлган Андижонда уруғни чигит суви бермай ундириб олиш, вегетация даврида эса уч-тўрт марта ўрнига икки марта сув бериш орқали ҳосил етиштириш имкониятини берди. Бу ўз навбатида қўл меҳнатини енгиллаштириб, ҳаражатларни қисқартиради.

Яратилган имкониятлар, қолаверса, ширкатлар негизида ижара ва оилавий пудрат усулининг жорий этилиши туфайли қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари ҳисобланган пахтачилик ва ғаллачиликда собиқ Иттифоқ даврига нисбатан ҳосилдорлик сезиларли даражада ортди. Ўзига ҳос бўлган Андижон деҳқончилик маданияти шаклланди. Шаҳрихон туманидаги Саримсоқов номли (Ў.Бозорбоев), Олтинкўл туманидаги «Намуна» (М.Ҳамроев), Балиқчи туманидаги «Пахтакор» (Ш.Саломова), Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» (У.Сотволдиев), Асака туманидаги

Бобур номли (А.Парпиев), Избоскан туманидаги Тиллабоев (А.Тиллабоев) ва бошқа бир қатор ширкат хўжаликларида бу ўз тасдиғини топди.

Тўқсонинчи йилларда пахтачилик ва ғаллачиликда шаклланган Андижон мактабига илк тамал тоши қўйилди. Қишлоқ хўжалигига Андижон қишлоқ хўжалиги институтидан етишиб чиққан ёш мутахассислар кириб келишди. Улар узоқ йиллар давомида вилоят қишлоқ хўжалигини бошқарган тажрибали мутахассис, вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган Исматулло Қобилов, Одилжон Абдураимов, туман ҳокимлари Тилаволди Ёқубов, Маҳаммаджон Раззоқов, Манзура Эгамова, Ботиржон Сатторов, Шуҳрат Абдураҳмонов, Авазбек Эргашевларнинг ишини давом эттириб, вилоятда аграр соҳани жадал ривожлантирмоқдалар.

Тўқсонинчи йилларда вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида дастлабки муҳим қадамлар ташланган бўлсада, уни тараққий топтириш осон кечмади. Чунки ҳамон сақланиб турган мулкчиликнинг эскича шакли қишлоқ тараққиётига жиддий тўсқинлик қиларди. Вақт ўтган сайин ширкат хўжаликлари ўз умрини ўтаб бўлган қолоқ тизим эканлиги ўз тасдиғини топаётган эди. Ҳатто пахта тайёрлаш шартномавий режасини ортиғи билан бажарган ширкат хўжаликларида ҳам етиштирилган маҳсулотнинг таннархи ортиб, сифати пасайиб кетди. Натижада худди собиқ Иттифоқ даврида бўлганидек ширкат хўжалиги аъзоларининг қўли пул кўрмай қўйди.

Шундан келиб чиқиб дастлаб, иқтисодий ночор хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан санация жорий этилди. Бироқ берилган ушбу имконият ҳам уларни молиявий жиҳатдан соғломлаштира олмади. Бунга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигига янгича мулкий муносабатларни олиб киришдан иборат эди. Ўзбекистон Президентининг 2005–2006 йилларда чиқарилган қарорларига асосан бутун республикада бўлгани каби вилоятда ҳам 2005 йилдан бошлаб собиқ шир-

кат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этишга киришилди. Шу йили зарар кўриб ишлаётган 93 та ширкат хўжалиги тугатилди. Биринчи бўлиб Бўз, Асака, Пахтаобод туманларида, кейинчалик босқичма-босқич вилоятдаги қолган туманларда ҳам тендер танловлари ўтказилиб, ширкат хўжалиги экин майдонлари ер билан тиллаша оладиган ҳақиқий деҳқонларга узоқ йил муддатга ажратиб берилди. 2007 йилга келиб мулкчиликнинг эскича шакли узил кесил тугатилди. «Бу менинг ерим, бу менинг далам» деган тушунча фермерларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими деҳқонга эркинлик берилди. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларининг талон-тарож қилинишига чек қўйилди. Меъёрда кўрсатилган минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйинган, техника ва қўл кучи билан сифатли ишлов берилган майдонларда ҳосилдорлик ортди. Фермер фақат пировард натижани кўзлаб иш юритадиган бўлди.

Илгари пахта терими сентябрь ойидан бошлаб то декабрь ойигача, ғалла ўрими эса июнь ойидан бошлаб август ойининг охиригача давом этарди. 2008 йили вилоятда етиштирилган ғалла 25 кун муддатда тўла ўриб-янчиб олинган бўлса, давлатга пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажариш учун бор-йўғи бир ой кифоя қилди. Бунга қишлоқ хўжалигига жорий этилган отряд усули асосий омил бўлиб хизмат қилди. Унинг таркибига фермер хўжалиги раҳбари, сувчи ва механизаторлар, ишчилар, банк, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғит етказиб берувчи корхоналар, машина-трактор парклари, автокорхоналар вакиллари, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда уюшмаган аҳоли вакиллари киритилган эди. Ушбу усулининг жорий этилиши вилоятда юксак тартиб-интизом, ҳамжиҳатлик, тезкорлик ва иқтисодий тежамкорликни таъминлади. Чунки у ерни шудгорлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олиш ва қабул пунктларига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни уюшқоқлик билан ташкил этиш имкониятини берди. Биргина мисол: илгари пахта терими то қор ёғиб, ер музлагунча давом этганлиги боис ғўзадан бўшаган майдон-

ларнинг анчагина қисми баҳорга чиқиб шудгор қилинарди. Бу, ўз навбатида, чигит экиш ишларининг кечикишига олиб келарди. Натижада кейинги мавсум ҳам яна қор ёққунча давом этарди. Кеч кузда ғўза қатор ораларига экилган кузги дон ҳам бир текис униб чиқмай қишловга кириб кетарди. Оқибатда тўлиқ кўчат яратилмай келгуси йилда ғалладан кўзланган ҳосил олинмасди. Отряд усули туфайли биринчи терим тугаши билан қатор ораларига буғдой экиб, уни текис ундириб олиш ва совуқ кунлар бошлангунча бир марта озиқлантириш йўлга қўйилди. Келаси йили ушбу майдонлардан кўзлангандан зиёд ҳосил олинди. Қолган майдонларни кузда сифатли шудгорлаш эса кейинги деҳқончилик йилида ҳосилдорликни ошириш имкониятини берди. Масалан, 2005 йили ҳар гектар пахта майдонидан олинган ҳосилдорлик 24,4 центнерданни ташкил қилган бўлса, 2007 йили 27,4 центнерга, 2008 йили 28,9 центнерга, Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув», Олтинкўл туманидаги «Намуна гулшани» фермер хўжаликларида эса шу йили ҳосилдорлик 45–50 центнерга ортди. Ғалла ҳосилдорлигини эса 65–70 центнерга етказиб, унинг шартнома режасидан ошган қисми фермер хўжалиги раҳбари ҳамда унинг аъзолари ўртасида тенг тақсимланди. Биргина Балиқчи туманидаги ҳар бир маҳаллада камида ўнтадан оилага юк машинасида ғалла туширилди.

2009 йилнинг 22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фермер хўжаликлари сони 2010 йилда 7296 тани ташкил этди. Уларнинг тасарруфидаги ер майдони 250825 гектарга этди. Асосий тармоқлар – пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари вилоятда 2686 тани ташкил этиб, уларнинг ер майдони 213 минг 474 гектарга кўпайди. Ер майдонларини йириклаштириш ҳақиқий фермерларни, ер эгаларини топиш йўлида яна бир далил қадам бўлди. 2009 йилда вилоятда 305,7 минг тонна пахта, 507,4 минг тонна ғалла, 180 минг тонна картошка, 915,5 минг тонна сабзавот, 74 минг тонна полиз, 342,1 тонна мева ва 36,6 тон-

на узум ҳосили етиштирилди. Фермер хўжаликлари ташкил этилган дастлабки йилларда ўтказилган тендер танловларида қишлоқ хўжалигидан хабардор бўлмаган бошқа соҳа вакиллари ҳам қатнашиб, ер эгаси бўлиб олганди. Айнан улар раҳбарлик қилган фермер хўжаликларида самарадорлик ўта паст бўлди. Ана шу боис экин майдонларини йириклаштириш, уларни ернинг тилини биладиган ҳақиқий деҳқонларга ўтказиб бериш зарурати туғилди. Зарар кўриб ишлаётган фермер хўжаликлари ерларини олиб бериш ҳисобига юқори рентабелли хўжаликларга тегишли бўлган экин майдонлари ўртача 80 гектарданни ташкил этди. 2010 йили йириклаштирилган ана шундай фермер хўжаликларининг 55 тасида пахта ҳосилдорлиги ўртача 45–50 центнерданни ташкил қилди. 676 та фермер хўжалиги ғалладан 67–80 центнердан ҳосил кўтарди. Вилоят ҳокимлиги томонидан илғор фермерларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Ғалладан ўртача 65 центнердан, пахтадан 40 центнердан ошириб ҳосил олиб, «Олтин фермер» деган шарафли номга сазовор бўлганлар сони 2008 йили 170 нафарни танкил қилган бўлса, 2011 йилда уларнинг сафи 1200 нафарга кенгайди.

Қўрғонтепа туманининг олис Дардоқ қишлоғида яшовчи Алижон Аҳмедов тадбиркор фермерлардан биридир. У 10 йил илгари фермерлик фаолиятини чорвачиликдан бошлаган эди. Эндиликда 239 гектар ери бор.

Чорвачиликни ривожлантириш билан бирга, пахта ва ғалладан ҳам мўл ҳосил олиб келинмоқда. Бу фермер АҚШ, Исроил, Туркия ва Болгария давлатларига бориб, илғор тажрибаларни ўрганиб келди. Аниқ режалар асосида банклар билан молиявий ҳамкорликни йўлга қўйди. Дастлабки олган кредитини қорамоллар зотини яхшилашга, техникасини бутлашга сарфлади.

Марҳаматлик Тожимирза Нуриев бошчилик қилаётган, 234 гектар экин майдонига эга бўлган кўп тармоқли «Шуҳрат» фермер хўжалиги пахта, ғалла мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиради. Бу ердаги мева-сабзавотни қайта ишлайдиган кичик корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар дунё бозорига чиқарилмоқда. Фермер

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳасида иштирок этиб, Жаҳон банки танловида ғолиб чиқди ва 1 миллион 250 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада ўнлаб замонавий техника воситалари сотиб олди, янги МТП тузди ва ўзига ўхшаган фермерлар ва шахсий томорқа эгаларига 110 миллион сўмлик хизмат кўрсатди.

2005–2012 йилларда Улуғнор, Бўз, Андижон, Жалақудуқ туманларида ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қайта реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Илгари Қўрғонтепа туманидан бошланган «Савай» ариғи Шаҳрихонсойдан сув олиб, уни Хўжаобод туманининг Имомота қишлоғигача етказиб берарди. 2007 йилнинг ёзида каналнинг Мадиёров номли агрофирма ҳудудидан ўтган қисмида оқаётган сув мутахассислар томонидан ўлчанганида у ҳатто 3 куб/метрни ҳам ташкил қилмади. Бу сув билан ушбу ҳудудда деҳқончилик қилишнинг имконияти йўқ эди. Бундан энг кўп азият чеккан Имомота қишлоғи аҳолиси, ҳатто бошқа ҳудудга кўчиб ўтиш масаласини ҳам ўртага ташлади. Шундай бир пайтда Андижон вилояти телевидениеси томонидан Чилустун тоғидаги сунъий кўл сувини пастга олиб тушиш таклифи ўртага ташланди. Бу таклиф вилоят раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 2008 йилнинг ёзида тоғ ёнбағрида узунлиги 2,5 километрдан зиёд бўлган янги канал қазишга киришилди. Энг мураккаб жиҳати унинг чуқурлиги 27 метрдан иборат бўлиши керак эди. «Норин-Қорадарё» сув ҳавзалари бошқармаси томонидан жалб қилинган экскаваторлар ёрдамида шунча чуқурликдаги тупроқ беш босқичда қазиб олинди. Энг мураккаб жойларга темир қувурлар ётқизилди. Шу тарзда канал қуриб битказилди ва 2009 йилнинг 21 июнь куни у тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Натижада Имомота қишлоғи ҳамда Хўжаобод, Булоқбоши туманларининг 500 гектардан зиёд экин майдонлари, боғу-роғлари сув билан таъминланди.

Сув тақчиллиги билан боғлиқ муаммо Андижон ва Жалақудуқ туманларининг адир ҳудудларида ҳам мавжуд

эди. Насос станцияларининг эскирганлиги сабабли уларнинг сув ўтказиш имконияти қисқариб, суғориладиган экин майдонлари хажми 5,5 минг гектардан 2 минг гектарга камайди. Ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта, ғалла етиштириш кескин камайди. Ана шу боис 2010 йили Хитой Халқ Республикаси инвестицияси ҳисобига Андижон туманидаги «Улуғнор» насос станциясига юқори қувватли 10 дона янги агрегат келтириб ўрнатилди. Шунингдек, «Гулбаҳор» ва «Райиш» насос станциялари ҳам янгиланди. Бунинг эвазига ҳар икки туманнинг адир ҳудудларида сув таъминоти яхшиланди.

Улуғнор туманидаги қўриқ ерлар ўзлаштирилган пайтда ўрнатилган бетон ариқлар вақт ўтиши билан емирилиб, лой ва қум билан тўлиб қолганди. 2011 йилга келиб хорижий инвестициялар ҳисобига ўз умрини аллақачон ўтаб бўлган ушбу сув иншоотларини янгилашга киришилди. Улуғнор ва Бўз туманлари учун сотиб олинган юқори унумли хориж экскаваторлари ёрдамида қамиш ва қўға босиб ётган юзлаб километр масофадаги ариқ ва зовурлар кавланиб, ерларнинг захи қочирилди. Ширкатлар пайтида чўл шароитида аранг 12–14 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 2012 йилга келиб фермер хўжаликлари ҳар гектар ердан ўртача 25–30 центнердан ҳосил кўтардилар.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар 20012 йилда ҳам ўзининг ижобий натижасини берди. Вилоят меҳнаткашлари давлатга ғалла ва пахта топшириш шартномавий режаларини республикада биринчи бўлиб бажариб, Президентимизнинг табригини олишга муяссар бўлдилар. Шаҳрихон туманидаги Назиржон Буваев раҳбарлик қилган «Азиз» фермер хўжалигида ғалладан 80 центнер, пахтадан 50 центнер ҳосил йиғиштириб олинди. Олтинкўл туманидаги Дилшодбек Мансуров бошчилигидаги «Олтинкўл жаннат ёғдуси» фермер хўжалигида гектаридан 45 центенрдан пахта ҳосили олиниб, етиштирилган ҳосилнинг 98 фоизи биринчи навга сотилди.

2012 йил вилоят фермерлари фаолиятида яна бир муҳим босқич бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини ташкил

қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан вилоятда фермерларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган жамоат бирлашмаси – вилоят ҳудудий фермерлар Кенгаши ташкил қилинди. Таъсис конференциясида Пахтаобод туманидаги «Нур агро» фермер хўжалиги раҳбари Рашидбек Мамадалиев Кенгаш раиси этиб сайланди. Қишлоқ хўжалигида жорий этилган бошқарувнинг янгича усули кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва шу орқали аҳоли бандлигини ва фаровонлигини таъминлаш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда вилоятда 3 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Вилоят ҳудуди 4,3 минг квадрат километр бўлиб, мамлакатимиз ер майдонининг қарийб 1 фоизини ташкил қилади. Бир квадрат километрга ўртача 560 киши тўғри келади. Бу эса ҳар қарич ердан омилкорлик билан фойдаланишни тақазо этади. Бундан тахминан 90 йил аввал Андижон уездининг аҳолиси 400 минг кишини, шундан Андижон шаҳри аҳолиси 70 минг кишини ташкил этган эди.

Вилоятнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Россиянинг Новосибирск вилояти билан ўзаро шартнома имзоланди. Унга асосан 60.000 тоннадан зиёд мева-сабзавот етказиб берилди. Бунинг эвазига Россиядан қурилиш материаллари келтирилди. Ушбу ҳамкорликни давом эттириш мақсадида Новосибирск ва Андижон шаҳарларида махсус «Савдо уйлари» очилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бугун вилоятда фермерлар нафақат уста деҳқон, балки билимли, ишбилармон хўжалик раҳбари, ташкилотчига ҳам айланмоқда.

Андижон вилоятидаги қишлоқ хўжалиги тараққиётини 2011–2012 йиллардаги қўлга киритилган ютуқлар мисолида ҳам яққол тасаввур этиш мумкин. 2012 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2426,1 млрд сўмни ёки аввалги йилга нисбатан 107,6 фоизни ташкил этди. Ялпи

қишлоқ хўжалиги маҳсулотида деҳқончилик маҳсулотлари улуши 1726,3 млрд. сўм (211 йилга нисбатан 107,6 фоиз)ни, чорвачилик маҳсулотлари 699,8 млрд. сўм (107,7 фоиз)ни ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2012 йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 229,6 минг гектарни, шундан бошоқли дон 88,1 минг гектар, картошка 6,1 минг гектар, сабзовот 17,3 минг гектарни ташкил қилди. 2012 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 201,2 минг тонна картошка (2011 йилга нисбатан 111,8 фоиз), 1076,9 минг тонна сабзавот (113,1 фоиз), 79,6 минг тонна полиз (111,8 фоиз), 439,5 минг тонна ва резаворлар (117,7 фоиз) ҳамда 52,4 минг тонна узум (111,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Чорвачилик соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қора моллар 863,4 минг бошни (106,4 фоиз), шу жумладан, сигирлар 332,4 минг бошни (101,7 фоиз), қўй ва эчкилар 1176,2 минг бошни (121,1 фоиз), паррандалар 5,4 миллион бошни (120,1 фоиз) ташкил этди. 2012 йилнинг ўзида 104,9 минг тонна тирик вазнда гўшт (107 фоиз), 655,4 минг сут (109,5 фоиз), 275,6 миллион дона тухум (113,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, бозорларнинг арзон ва мўл-кўл бўлишини таъминлаш имкониятини берди. Ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳотлардан кутилган асосий мақсад ҳам мана шундан иборат эди.

АНДИЖОН – ҲУНАРМАНДЛАР ЮРТИ

Андижон вилояти иқтисодиёти истиқболини белгилаб берадиган асосий омиллардан, ички имкониятлардан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдир. Вилоят раҳбарияти айни ана шу соҳани жадал ривожлантириш борасида катта ва кенг кўламда иш олиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатига, фаолиятига кенг йўл берилмоқда, зарур имкониятлар яратилмоқда. Натижада бу соҳанинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги ҳиссаси 38,7 фоизни ташкил этмоқда.

Бу соҳа аввал-азалдан ўзбек халқи, жумладан, андижонликларнинг ҳаёт тарзининг, турмушининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келган. Узоқ ва яқин тарихимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда Ўрта Осиёдаги халқлар орасида ўзбекларга тенг келадигани бўлмаган, ўзбеклар ҳамиша бу соҳада пешқадам бўлганлар ва ўзгаларга ибрат кўрсатганлар. Атига бир мисол келтирамиз.

Ойимлик Бозорбиби шуҳрати. Андижон аввал-азалдан тадбиркорлар юрти. Бунга тарих шоҳид. Биргина мисол, 1906 йили Ойим ва Қўрғонтепадаги 38 нафар тадбиркор-ҳунарманд аёллар 420 кв. аршин (1 аршин – 0,71см), яъни 1750 сўмлик гилам тўқиганлар.

Гилам тўқишнинг моҳир устаси Ойимлик аёл Бозорбиби бўлган. Унинг бу соҳадаги эришган зафари ўша 1906 йилда маҳаллий чор маъмурлари ва матбуоти томонидан юксак баҳоланган, ибрат қилиб тарғиб қилинган. Бу ўзбек аёли тўқиган гилам 1902 йилда Санкт-Петербургдаги кўргазмага қўйилган эди. Чор подшоси ва муваққат ҳукумат ағдарилиб, ҳокимиятни большевиклар эгаллаб, совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳам Бозорбибининг гилам тўқиш санъати халқ орасида машҳур бўлган. Унинг маҳсулоти орадан

17 йил ўтиб ҳам 1923 йили Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмасида юксак баҳоланади.

«Туркестанская правда» газетаси 1924 йил 23 июнь сонида «Кустар саноат ривожланмоқда» рукни остида мақола берилган. Мақолада Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмасига иккита аёл жалб қилингани, гилам тўқувчи Ойим қишлоқлик ўзбек аёли Бозорбиби[1] кўргазманинг совға ва ташаккурини олишга муваффақ бўлди. Ёрлиқ Бозорбибининг шахсан ўзига топширилди», деб айтилган.

Бу заминнинг моҳир усталари яратаётган пичоқ, сандиқ, бешик сингари уй-рўзғор буюмларининг бозори ҳамиша чаққон. Андижон заргарлари ясаган нафис тақинчоқлар ҳар қандай аёлнинг хуснига ҳусн қўшади. Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам андижонлик усталар, косибу ҳунармандлар маҳоратига таҳсин айтишади. Айниқса, «Андижон дўппи»си ҳар бир ўзбек учун фахру ифтихор рамзига айланган.

Балиқчилик ҳунарманд Нурмат Шариповнинг қўлида оддийгина полиз экини – турли катталик ва кўринишдаги қовоқлар қисқа фурсатда ҳақиқий санъат асарига айланди. Уста ўз «хомашё»си устида қунт ва хафсала билан ишлайди. Қовоқлар сиртини алоҳида эътибор билан силлиқлаб, шарқ миниатюралари услубида турли-туман суратларни «мухрлайди». Қарабсизки, нафақат ошхона, балки унчамунча серҳашам хонадонлар тўрини безайди.

Шаҳрихон – кўҳна ва бетакрор ҳунармандчилик масканларидандир. Вилоят ҳунармандларининг қарийб ярми шу туманда истиқомат қилади. Айниқса, пичоқчиликда шаҳрихонликларга тенг келадиган камдан-кам топилади. Шаҳрихон пичоқлари дунёнинг турли бурчакларида мавжуд. Масалан, уста Раҳматхўжа Алихўжаев ва шогирдлари ясаган пичоқлар Европада ҳам муносиб баҳоланган, халқаро сифат сертификати билан тақдирланган. Ҳар йили устанинг

[1] *Разводовский В.К.* Отчет иследователей гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. Ташкент 1916, стр 18–19., *Шамсутдинов Рустамбек.* Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон 1991, 55–56 бетлар.

олдига ўнлаб кишилар фарзандларини шогирдликка олиб келади. Раҳматхўжа ака болаларни махсус «имтиҳон» асосида қабул қилади. Йиллар давомида шогирдларига касб сирларини қунт билан ўргатади[1].

Пахтаободнинг Уйғур қишлоғилик Қутбиддин Турдиев аввалига ўзига хос кўринишдаги хум ва лаганлар ясаб, эл эътиборини қозонди. Андижон шаҳридаги Бобур музейи, Тошкент ва Фарғонада чойхоналар учун қурилган махсус паннолар ҳам қўли гул устанинг ижод маҳсулидир.

Машҳур ўймакор, Ўзбекистон халқ устаси Йўлбарс Ўтаганов ҳам ўз ҳунарининг орқасидан республикада эътибор қозонганлардандир. Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси бунёд этилишида бу устанинг ҳиссаси каттадир. Бу зиёратгоҳ қадамжойдаги меъморчилик обидалари Шарқу Ғарбдан, Жануби–Шимолдан келаётган зиёратчиларни, саёҳатчиларни, давлат ва жамоат арбобларини, диний ва дунёвий олимларни ҳайратга солмоқда.

Андижон шаҳрига олиб борадиган барча йўлларнинг (Асакадан, Хўжаободдан, Шаҳрихондан, Олтинкўлдан, Пахтаобод, Избоскандан кириб келишдаги) икки тарафида барқ уриб ўсаётган кўм-кўк арчалар, анвойи гуллар ҳар қандай кишининг диққатини ром этади. Гўзаллик ва бунёдкорлик рамзи бўлган ана шу равон йўл, ранг-баранг гуллар, арчалар тимсолида Андижон том маънода яшнаб, яшариб бораётган ажиб бир диёр сифатида барчани қарши олади. Бу йўллар бўйида замонавий супермаркетлар, чойхоналар, ёқилғи қуйиш шахобчалари, минибанклар, маиший хизмат корхоналари, тиббий масканлар – хуллас, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур барча инфратузилмалар барпо этилган.

Қўриқ туман ҳисобланган Улуғнорни қайта тиклаш борасидаги саъйи ҳаракати ҳам эътиборга лойиқ.

Бугун кенг кўламдаги қурилишлар ҳақида гап борар экан, шаҳарнинг Бобур, Комил Яшин, Амир Темур кўчаларидаги катта қурилишларни, бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу қурилишлар шаҳар қиёфасини тамомила

[1] Бугунги Андижон. Тошкент - «Ўзбекистон», 2006, 37–38 бетлар.

ўзгартириб юборди, шаҳарни янада обод ва кўркам қилди. Ҳар бири ўзига хос қиёфага эга бўлган 43 та бозор хусусида тўхталмасдан бўлмайди. Айниқса, Андижон шаҳридаги, «Янги бозор» савдо маркази, собиқ Володарский фабрикаси ўрнидаги Наврўз савдо маркази, собиқ трикотаж фабрикаси ўрнида қад кўтарган «Шинам» бозорини эслаш ўринлидир. Қўрғонтепа, Пахтаобод, Марҳамат туманларидаги бозорларининг файзу таровати ўзгача. Кейинги йилларда Пахтаобод тумани, Қорасув шаҳрида турғун савдо дўконларига эга бўлган янги бозорлар қурилди. Жалақудуқ, Избоскан, Булоқбоши, Олтинкўл туманларида бозорларни кенгайтириш, янгидан барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ислом Каримов доим таъкидлаб келаётган эзгу фикрлардан бири – «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун»дир. Ана шундай эзгулик ишларни Андижон мисолида ҳам кўрамиз.

Истиқлол йилларида андижонликларга тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг мазмун ва шакли ўзгарди.

Ҳозирги кунда вилоятнинг қарийб 3 миллион аҳолисига 46 та шифохона, 390 та амбулатория поликлиника муассасалари хизмат кўрсатмоқда.

1965–1977 йилларида қуриб битказилган Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида 24 та даволовчи бўлимлар, 16 та ёрдамчи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, койкалар сони 730 тадир. Бир йил мобайнида 30000 дан зиёд беморларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Клиникаларнинг даволаш бўлимларида институтнинг 12 кафедраси жойлашган, унда 20 дан ортиқ тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар, 80 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар халқимизнинг соғлигини муҳофаза қилиш борасида ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар. Клиника энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилган. 1300 шифокор ходимни ўзига бирлаштирган институт клиникаси «Саломатлик қасри» номи билан нафақат Фарғона водийси, балки бутун республикада маълум ва машҳурдир. Ҳатто чет элларда ҳам клиникага бўлган қизиқиш кучайиб, бу ерга келиб кетувчилар кўпайди. Америка, Англия, Франция, Япония, Корея, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Арабистон, Мўғилистон, Вьетнам ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари клиникада бўлиб, қилинган ишларга юксак баҳо беришди.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соҳасида мустақиллик йилларида бирламчи тиббиётнинг миллий модели яратилди, вилоятнинг қишлоқ жойларда 341

та қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, улар 8 миллион доллар миқдоридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди.

Давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза килиш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Республикада болаларнинг наслий ва туғма касалликларини олдини олиш мақсадида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлар фаолияти натижасида охириги 10 йил давомида туғма касалликлар билан дунёга келувчи болалар сони 40 фоизга камайди. Хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида туғруқ муассасалари 2 миллион доллар қийматида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Ўтган давр мобайнида республикамизда ягона шошилинч тиббий ёрдам тизими барпо этилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Шошилинч Тиббий ёрдам маркази Андижон вилоят филиали 1999–2000 йилларда собиқ вилоят шифохонасини реконструкция қилиш негизида 2000 йили ташкил қилинган. 2000 йил февралида нейротравматологик корпуси очилди, 2002 йил 2 апрелда шифохона тўла ишга туширилди. Шифохона 350 ўринга мўлжалланган, катталар учун 95 ўрин ва қўшимча 12 ўринли учта реанимация бўлимлари мавжуд. Филиалда қон қуйиш бўлими, ички дорихона, МСБ, ошхона ва ёрдамчи бўлимлар аҳолига хизмат қилмоқда. Филиалда 265 шифокор, 374 ўрта тиббий ходим, 290 кичик тиббий ходим ва хўжалик соҳаларида эса 173 ходим меҳнат қилмоқда. Аҳоли саломатлигини яхшилаш йўналишида ҳозир вилоятимизда Араб иқтисодий ривожлантириш банкининг Қувайт фонди, Германия Техник ҳамкорлик ташкилоти, Япония элчихонасининг кичик грантлар дастури, Европа Ҳамжамияти, БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда ҳамда бошқа лойиҳалар асосида амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, республикада замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган юқори малакали тиббий ёрдам

кўрсатувчи 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Вилоятда ҳам ҳар бир шаҳар ва туманларда марказнинг субфилиаллари ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш муҳим йўналишлардан биридир. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурларига мувофиқ 2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимига қурилиш-реконструкция ишларини амалга ошириш учун 136 млрд. сўм ажратилди. 2012 йил Инвестиция дастурига кўра эса соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 256 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Оқибатда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 1990 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73,1 ёшгача, жумладан, аёллар орасида 70 ёшдан 75,4 ёшгача узайди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими 3 маротабага қисқарди.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқлар Халқаро ташкилотлар томонидан юқори даражада баҳоланиб келинмоқда. 2007 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна деб тавсия этилди. Бунда андижонлик тиббиёт ходимларининг ҳам хизмати каттадир.

Бунинг яна бир исботи Президентимиз ташаббуси билан 25–26 ноябрь кунларида республикамизда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» Халқаро симпозиумининг ўтказилганлигидир. Мазкур симпозиумда 37 та мамлакатдан 207 нафар хорижий меҳмонлар, хорижий мамлакатларнинг 19 та соғлиқни сақлаш вазирлари ва вазир ўринбосарлари, қатор етук клиникалар ва марказлар директорлари ва мутахассислари, жумладан, 14 та академик, 147 та профессор қатнашдилар.

Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлигини ино-

батга олиниб, мазкур масалалар ечими бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида Президентнинг 2011 йил 18 июлдаги Ф-3676-сон фармойиши, 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1652-сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Фармойиш ва қарор асосида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди, тегишли таклифлар киритилди.

Президентимизнинг бу қарорлари соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш юзасидан аввал қабул қилинган қарорларнинг изчил, мантиқий давоми эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида вилоятимизда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Сўнгги ўн йилда республикада даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баравар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилаяпти.

Аҳолининг, айниқса, сил, гепатит, турли юқумли хасталиклар билан умумий касалланиш даражаси сезиларли равишда пасайди.

Болалар ўртасида касалликларни олдини олиш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган бо-

лаларни соғломлаштириш мақсадида «Соғлом бола ҳафталиги» мунтазам ўтказилмоқда.

Мазкур ҳафталик доирасида ЮНИСЕФ томонидан 2,6 миллиондан зиёд 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар учун етказиб берилган А витамини саплементацияси олиб бориляпти. Шу билан бирга Соғлиқни сақлаш вазирлиги етук мутахассисларнинг вилоятларга ташрифини ташкиллаштириш орқали туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш бўйича тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда бутун республикамизда бўлгани каби вилоятда ҳам кенг миқёсда соғломлаштириш тадбирлари олиб борилмоқда. Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли ўртасида тиббий саводхонликни ошириш, соғлом турмуш тарзи тамойиллари ва соғлом оилани шакллантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 7 апрель «Бутунжаҳон саломатлик куни» оммавий тадбир сифатида нишонланмоқда. Ушбу тадбирда бошқарма тизимидаги тиббиёт муассасаларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари (Республика акушерлик ва гинекология, педиатрия, онкология, фтизиатрия ва пульмонология, травматология ва ортопедия илмий амалий марказлари, Республика перинатал маркази, Республика ОИТСга қарши кураш маркази), Андижон давлат тиббиёт институти, вилоят муассасаларининг мутахассислари иштирокида 13 та соҳа ходимлари учун мастер класслар ўтказилди. Жами мастер классларда 1025 нафар мутахассислар иштирок этдилар. 740 та умумтаълим мактаблари, 129 та касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида саломатлик кунига бағишланган соғлом турмуш тарзи тамойилларига мавзусидаги диктантлар ва иншолар ёзиш бўйича танлов ўтказилди.

Ўқувчи ва ёш спортчиларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати таҳлил қилинганда шаҳар бўйича 56586 нафар ўқувчилар бўлиб, шуларнинг 56473 нафари (99.8%) тиббий кўрикдан ўтказилиб, I саломатлик гуруҳига 93653 нафари (60.3%), II саломатлик гуруҳига 19596 нафари (34.7%),

III саломатлик гуруҳига 2767 нафари (4.9%) ажратилди. Шулардан мунтазам равишда спорт билан шуғулланган болаларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўрганилганда оғирлик индекси 26,7 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 3,3 фоизга, бўйи 138,6 см ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 2,5 смга, кўкрак айланаси 68,8 смни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 2,3 смга ортганлиги аниқланди. I саломатлик гуруҳидаги болалар сони 60,3 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 4,4 фоизга ошган ҳолда II саломатлик гуруҳидаги болалар сони 34,7 фоизни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 3.4 фоизга камайди, III саломатлик гуруҳидаги болалар сони 4,9 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1,1 фоизга камайди

Болаларни спортга жалб қилиниши натижасида 2011 йил якунлари билан саломатлик гуруҳларидан I-мутлақ соғлом болалар 2011 йил 3 ойлик билан 60,3% ни ташкил этиб, 4,4% га ортиш кузатилди, II саломатлик гуруҳидаги болалар 2011 йил 3 ойлик билан 34,7% ни ташкил этиб, 3,4% га, III саломатлик гуруҳига 2011 йил 3 ойда 4,9% ни ташкил этиб, 1,1% га камайиш кузатилган. Касалликлар динамикаси бўйича 2011 йил 3 ойга нисбатан ЎРВИ 19,8% га, пневмония 24,5% га, бронхит 32,6%, скалиоз 12,1% га камайиш кузатилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида кенг қамровли туб ислоҳотларни амалга оширди, янги ва улкан ютуқларни қўлга киритди. Яқинда жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот – «Save the children» («Болаларни асрайлик») ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болаларни саломатлигини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Биласизми, бу холис халқаро эътироф Ўзбекистон инсон, унинг манфаати йўлида ғамхўрлик кўрсатаётган давлат эканини англатади.

«Нуроний» жамғармаси – Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган бутун дунёда тараққиётнинг «Ўзбек модели» дея эътироф этилаётган тараққиётнинг ўзбек модели глобал молиявий

иқтисодий инқироз даврида ҳали ўзининг барқарорлигини намоён этмоқда. Бу эса бизнинг давлатимизда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати амалга оширилаётганлигининг ёрқин исботидир.

Юртимизда истиқомат қилаётган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш мақсадида республикамиздаги қатор жамоат ташкилотлари, вазирликлар, муассасалар, корхоналар «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини таъсис этиш тўғрисида таклиф киритдилар ва бу таклиф маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 декабрдаги № ПФ-1655 Фармони билан Ўзбекистонда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг аввал республика ташкилоти, кейинчалик вилоят, шаҳар, туман бўлим ва бўлималари тузилди.

1996 йил 10 декабрда «Нуроний» жамғармаси Андижон вилоят бўлими ташкил топди.

Кенгаш раиси лавозимига эл ҳурматига сазовор бўлган, вилоятимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳалол меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшган Таваккал Темирович Топволдиев сайланди ва ҳозирга қадар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жамғарма ўзини-ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият кўрсатувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси бўлиб шаклланди.

Жамғарма асосий мақсад вазифалари уруш қатнашчиси ва ногиронларни, меҳнат фахрийларини ва улардан ёлғиз кексаларини эъзозлаш, уларнинг атрофида эҳтиромли муҳит хосил қилиш, зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришда фаол қатнашишни ҳамда миллий қадриятларимиз, ўзбекона эрксеварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тотувли, бошқаларга иззат-икром хислатларини авлоддан-авлодга ўтиб яна бойишига ҳисса қўшиш, ёшларни она Ватанга, халқимизга, истиқлол ишига садоқат, буюк келажак учун курашчанлик руҳида тарбиялашда самарали фаолият кўрсатишдан иборатдир.

Бугунги кунда, яъни 2013 йил 1 апрель ҳолатига Андижон вилоятида 193378 нафар пиру бадавлат отахону онахонларимиз, 334 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 19 нафар урушда ҳалок бўлган жангчи оилалари, 7829 нафар фронт ортида меҳнат қилганлар, 146 нафар 100 ва 100 ёшдан ортганлар мавжуд.

Буларнинг орасида меҳр-мурувватга муҳтож, кўнгли ярим нуронийлар ҳам йўқ эмас. Шулар Ўзбекистондай буюк юртнинг бағрида яшаётганлигидан фахрланиши учун жойлардаги «Нуроний» жамғарма бўлимлари керакли шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Умумхалқ байрамлари арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз қариялар ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, байрам дастурхонларини ташкил этиш ва совғалар топшириш, нуроний онахонларни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уйларига бориб уларнинг ҳолидан хабар олиш, қизиқарли суҳбатлар ўтказиш, вафот этганларни ёд этиш бўйича маҳалла фаоллари, ҳамкорлар иштирокида намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғарманинг жойларда 843 та Жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг раислари фаол фахрийлар билан биргаликда меҳр-мурувватга муҳтож оилалар ва уларнинг кундалик муаммолари, кайфиятига салбий таъсир ўтказаётган масалалар нималардан иборатлигини аниқлаб, уларни ўз имкониятлари доирасида, зарур ҳолларда ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар ёрдамида ҳал этмоқдалар.

ИЛМИЙ, АДАБИЙ ВА МАДАНИЙ ЖАРАЁН

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»да «илм» арабча сўз бўлиб ўқиш, ўрганиш, ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуидир, деган таъриф берилган. Илм – фан деб ҳам айтилади. Қомусимизда фан шундай таърифланган: Фан – дунё ҳақидаги билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларидан бири. У янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятнинг ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули – оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади, инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шундай ёзадилар: «Илм» сўзи луғатда бир нарсани воқеликдагидек идрок этишни билдиради. Шаърий истилоҳда эса маънавий ишларда нарсаларни тескариси йўқ даражада аниқ билиш сифатига «илм» дейилади.

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ. Ҳар бир шахсга илм талаб этишни фарз (мажбурий) қилиш ҳам фақат исломда бор, холос.

Қуръони каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган. Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш уламолар ҳақида кўплаб маълумотлар келган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб исломнинг илмга бўлган муносабати ҳақида тасаввур ва шунга яраша аҳкомлар чиқарилган.

Мусулмонлар ўз ҳаётларида Қуръон ва Суннат таълимотларига амал қилиб яшаган пайтларида илм нурини бутун оламга тарқатганлар. Ёшу қари, эркагу аёл бешикдан то қабргача илм талаб қилишнинг ўзи учун фарз эканини тўла ҳис қилган ҳолда умр бўйи ўзини толиби илм ҳисоблаб яшаган»[1]. Шайх ҳазратлари давом этиб ёзади:

[1] *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. Ижтимоий одоблар. Т.: «Hilol nashr» нашриёти, 2012, 253-бет.

«Ҳамма тўлалигича ислом шариати асосида ҳаёт кечирган ўша вақтда ислом нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир юрт, ҳар бир ўлкада илм-фан, маърифат ва маданият гуллаб-яшнаган. Илмнинг ҳар бир соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, улкан уламолар етишиб чиққан»[1]. Бунинг ёрқин мисоли IX–XII асрлардаги Уйғониш даврида Мовороуннаҳрда Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмий, Абу Бакр Наршахий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби Шарқ оламининг буюк даҳолари етишиб чиққанлигидир.

Қушнинг учиши учун икки қанот лозим бўлганидек, инсоннинг даражаси кўтарилиши учун ҳам иймон ҳам илм керак. Афсуски, атеизм-даҳрийлик ҳукм сурган собиқ шўро тузуми шароитида ана шу икки қанотнинг бири бўлган иймон кесиб ташланган. Коммунистик режим иймон билан илмни бир-бирига қарама-қарши қўйган, мафкурачилар илмли бўлиши учун иймонсиз бўлиш керак, деган беъмани тушунчани пайдо қилдилар. Аслида иймонсиз илм, илмсиз иймон бўлиши мумкин эмас. Нобель мукофоти соҳиби Альберт Эйнштейн «Динсиз фан ўликдир, фансиз дин чўлоқдир», деган.

Советлар замонидаги англашилмовчиликлардан яна бири яхлит, бир бутун илмни иккига – дунёвий илм ва диний илмга ажратиб юбориш бўлди. Аввалари илмларни диний ва дунёвийга ажратиш бўлмаган. Ҳаммаси бир хил илм деб аталган ва шунга амал қилинган.

Маълумки, IX–XII асрларда Марказий Осиёда исломий маданият билан бир қаторда дунёвий фан ва маданият ҳам ривож топган. Араб тили ва араб ёзуви давлат аҳамиятига эга бўлган тил ва ёзув даражасига кўтарилди. Одамлар, жойлар номлари, саналар, ўлчов бирликлари арабчага ўзгартирилди. Ислом мафкураси Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмийлар ҳукмдорларининг ички ва ташқи сиёсатида асосий йўналтирувчи ғоявий куч бўлиб хизмат қилган. Жамият аъзолари ўртасида ислом динига Қуръони каримга эҳтиёж

[1] Ўша асар, ўша бет.

кучайган. Аммо ҳамма ҳам Қуръони каримни ўқий олмас, унинг мазмунини чақа олмас эди. Бу ҳолат Қуръон мазмунини шарҳлаш ва тавсирга талабни оширди. Натижада, юртимизда Қуръони каримни шарҳловчи ва унинг тавсирини баён қилувчи асарлар ёзган улуғ исломшунос алломалар етишиб чиқди. Имом Абу Мансур Мотуридий, Имом Абу Лайс ибн Муҳаммад Самарқандий, Имом Замахшарий, Имом Насафийлар ана шулар жумласидандир.

Ҳадисчиликнинг ривожланишида IX аср олтин давр ҳисобланади. Ислом дунёсида энг нуфузли деб тан олинган олтита ишончли хадислар тўпламининг муаллифлари ҳам худди шу асрда яшаб ижод қилганлар. Мазкур 6 муҳаддиснинг деярли ҳаммаси – Исмоил Ал-Бухорий, Имом Муслим ибн Ал-Хажжож, Абу Исо Ат-Термизий, Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний, Имом Аҳмад Ан-Насафий, Имом Абу Абдулло Муҳаммад ибн Язид Можжа каби зотлар Марказий Осиёдан етишиб чиққанлар. Уларнинг бой илмий хазинасидан мана неча асрларки Ўрта осиёликлар, жумладан, андижонликлар ҳам баҳра олиб, ана шу буюк меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқдалар. Андижондан ҳам ислом маданиятига ҳисса қўшган, Қуръони карим, Ҳадиси шариф асосида тарбия топиб, ўтмишдаги буюк илм соҳиблари меросига таяниб, уни ўзлаштириб, бойитиб, ҳам диний, ҳам дунёвий илмда ижод қилган ажойиб илм соҳиблари етишиб чиққан. Бир вақтлар Андижонда ислом маданияти барқ уриб ривожланиб Қуббатул ислом шарафига эга бўлган. Ана шу анъана ҳозиргача давом этиб келмоқда. Биз ана шундай сиймолардан фақат XIX аср охири – XXI аср бошларигача бўлган даврдаги вакилларининг баъзилари ҳақида маълумотлар келтиришни жоиз билдик. Бунда бизга қоризодалар Ҳасан ва Ҳусан Яҳёхон қори ўғиллари яқиндан туриб кўплаб маълумотлар тақдим қилганликлари учун бу табаррук зотларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бу инсон элимиз орасида Фаришта қози, ҳофизи Қуръон, буюк аллома, фақиҳ, шоир, адиб, Шарқ фалсафаси билимдони, хаттот, қозий, мутасаввиф, валий. «Қози домла», «Ҳастдомла» («Ҳазрат домла»нинг қисқартирилган шакли)

номлари билан машҳур бўлган. Тахаллуси **«Ҳофиз» Абдулмажид** Андижондаги Чуқур Масжид маҳалласида 1870 йили илм ва Қуръон оиласида таваллуд топган.

Абдулмажид 11 ёшида Қуръони каримни тўла ҳатмга ўтди. Кейинчалик ўзи ҳам ўша даврда одатга кирмаган бу ҳолни эслаб: «Падари бузрукворимнинг тасаввуфдаги устози наманганлик Меҳмонхон тўрамнинг олдида 11 ёшимда ҳатмга ўтиб берганман. Норасида боланинг болиғлар жамоатига нафлда имом бўлишига камина амалий фатво бўлганман», – дер эди.

Абдулмажидга Аллоҳ таоло томонидан берилган буюк қалб, беқиёс заковат, беназир хотира уни талабалардан ажратиб турар эди.

Абдулмажиднинг дарсдошларидан шаҳрихонлик Ориф-хўжа домла талабалик даврларини эслаб шундай ҳикоя қилади: «Абдулмажид дарсдан чиқиб ҳеч такрор қилмас эди. Эртаси куни дарсга кириш олдидан таҳорат қилиб келиб, талабалардан бирига «китобни олиб беринг», дер ва тик турган ҳолда китобга бир кўз югуртириб қўяр эди. Биз бир куни унга: «Ҳеч ёлчитиб такрор қилмайсиз, шу ҳам ўқишми?» – дедик. У «Шубҳалансангиз хоҳлаган нарсангизни сўранг, жавоб беришим мумкин», – деди. Билсак, унга ўшанинг ўзи кифоя қилар экан. У «илми ладун» соҳиби эди».

Абдулмажиднинг ўзи: «Ҳеч бир дарсни такрорлашга эҳтиёж сезмаганман, бир марта ўқисам ёки эшитсам хотирамга муҳрланиб қолар эди. Домла нима дарс ўтса, худди мен билган нарсаларни айтаётгандек туюлар, гўё бу илмларни Аллоҳ менинг қалбимга жойлаб қўйган-у, устоз уни такрорлаётгандек бўлар эди, Қуръони каримни ёдлашим ҳам шундай осон бўлган», – дер эди», деб эслаганди Яҳёхон қори.

Қози домланинг набира куёви Усмонжон ака эшитганларини шундай эслайди: «Қози домла ҳазратларини оталари устозга ёш берган эканлар. Бир куни у кишини устозлари еталаб кириб келиб қолибди. Буни кўрган Абдуллоҳ домла жаноблари, ўғлим бирор беодоблик қилиб қўйибди шекилли, деган гумонда узрхоҳлик билан пешвоз чиқибдилар. Устоз: «Ўғлингизга энди биз дарс айта олмасмиз», – деб-

ди. Ота хижолат билан: «Ўғлимиздан айб ўтган бўлса, кечирсинлар», – дея илтижо қилибди. Шунда устоз: «Ундоқ эмас, тақсир, зеро у бизга устоз бўлиб қолди», – деган экан. Ўшанда ёш Абдулмажид қори устози топа олмаётган масалани баён қилиб берган экан.

У замонасининг бошқа пешқадам олимларидан ҳам таълим, тарбия олган. Жумладан, отаси уни шаҳрихонлик етук олим Абдулмўмин охунд домлага топширади. Бу инсонда ҳам бир мунча шаръий илмлардан таълим олади. Кейин 25 ёшга етганида Қўқон жомесининг мударриси Абдулваҳҳоб алломанинг қўлига топширадилар. У ерда бир йил таълим олиб, 26 олти ёшида Андижоннинг етакчи олимларидан, мукаммал мулло бўлиб танилади. Замондошларидан ойимлик аъмо қори аллома Абулаҳад домла уни бу ерларга келиб қолган бир араб олимидан ҳам таълим олганини, ундан хусусан араб тили маҳоратини эгаллаганини айтган.

Мулла Абдулмажид қори илм такмилидан бўш пайтларида мустақил шеърий мутолаага берилиб, араб, форс ва турк адабиётини ҳам ўзлаштирди. Асосий машғулоти шеърият бўлмаса-да, ёзган шеърлари тўпланиб бир девон бўлган. Аммо ҳаётидаги бесаранжомликлар натижасида бу девон йўқолган. Фақат баъзи шеърларигина баёзида сақланиб қолган. У адабий тахаллус сифатида ўзига «Ҳофиз» тахаллусини танлаган эди.

Мулла Абдулмажид қори тахминан 1907 йили Андижондаги Ўйлиқ даҳасига қози бўлди. Абдулмажид қози домланинг қозилик қароргоҳи ҳам ҳовлисига яқин жойда бўлган. У қозилик вазифаси билан бирга Қуръон таълимини ҳам давом эттирар эди. Вазифасини аъло даражада адо этгани боисидан иккинчи марта қайта сайланган. Сайлов беш йилда бир бўлар эди. Қози домланинг қозилик ишларида қатъий адолат, самимий меҳнат, илм ва тақводаги баркамоллиги халқ орасида «Фаришта қози» деб ном олишига сабаб бўлди.

Замон ўзгариб халққа, динга нисбатан бошланган ҳужум, албатта, халқпарвар ислом арбобини четлаб ўтмаслиги табиий эди.

Қози домла замон бир оз сокинлашгач, Андижонга қайтди ва то умрининг охиригача бемисл иззат-икром ва фароғатда яшади. У кишининг ҳузурига келадиган зиёратчиларнинг адади фақат Аллоҳга маълум. Қози домланинг камтарона ҳужраси ҳамиша тирбанд бўларди. Ечими топилмаётган масалалар, уламоларга мушкул келаётган жумбоқлар мана шу «ҳужрача»да ўз жавобини топар эди.

Қози домла ҳар кимга ўзига яраша сўз айтар, суҳбатлари ғоят сермазмун ва файзли бўлар, ҳамсуҳбатлар аксар аҳли илм, аҳли фазл кишилар бўлар эди. Ўша илмий суҳбатларга гувоҳ бўлган баъзилар ҳозирда ўша суҳбатлардан баҳра ололмаганларидан нолиб ҳам қўйишади: «Ўта илмий, бунинг устига дам арабий, дам форсий суҳбатлашишар эди-да».

Андижоннинг энг етакчи олимларидан, қози домланинг божаси Аминжон махдум домла ҳам Абдулмажид қози домла ҳақида сўз борганда у кишининг илму маърифатдаги камолини таърифлаб: «Қози домла Одам алайҳиссаломдан бу ёғдаги илмни билади», – деб қўяр эди.

Анваржон ҳожи ака шундай ҳикоя қилади: «Мен навжувон пайтим. Бир кун «қози домла вафот этдилар», деган хабарни эшитиб қолдим. Катталардан бири менга бу хабарни «Косабозор» маҳалласидаги Муҳаммад Сиддиқ махдум акага етказиб қўйишни топширди. Бориб эшикни қоқдим. Махдум почча таҳорат олиб турган экан. Мен шоша-пиша: «Қози домла вафот этибдилар», деганимни биламан, у киши турган жойида қотиб қолди, ҳушини йўқотиб, ўзини билмай қолди. Фарзандлари сув келтириб, юзларига сепишди. Бир оздан сўнг ўзига келар экан, биринчи айтган сўзи шундай бўлди: «Устунимиздан айрилибмиз-да».

Абдулмажид қози домла жуда баланд бўйли, йўғонсуяк, басавлат, жуда ҳайбатли, елкаси кенг, бармоқлари йирик, қизилга мойил оқ юзли, соқоли ўзига ярашган, уни бир қабзадан оширмас, овози жуда салобатли, нутқи ўта равон, ҳар бир сўзни эҳтимом билан айтар, бирор марта шошиб гапирмас эди. Суҳбатига ошиқларнинг-ку сон-саноғи йўқ, аммо сувратини бир кўрган киши ҳам унга мафтун бўлиб қолар эди. Қозилик лавозимидаги кезлар ҳам кўркам либос-

ларни, гўзал салла, тўнларни кийиб, жуда чиройли бир қора саман отни миниб юрар, хусусан, жума намозига чиқишда бу ҳайъати зиёда бўлиб кетар эди. Ҳатто одамлар уни томоша қилгани кўчаларга чиқиб туришар эди. Бир аср хизмат қилганига қарамай, кўзлар кўзойнаксиз ўқиш, оёқлар ҳассасиз юра олиш қудратини йўқотмаган эди. Аждодларининг асрлар оша аҳли илм, етакчи, улуғ шахслар бўлиб келгани ҳам Қози домла учун шараф устига шараф бахш этар эди. Бу барчаси Аллоҳнинг ўзи хоҳлаган хос бандасига дунёи охират неъматларини мукаммал қилиб бериши намунаси эди.

Динсизлик сиёсатининг ватанимизда исломга қарши ҳужуми авжига минган кезлар бу буюк ислом арбобига ҳам ташвиш келтирган эди. Бир сафар миршаблар Қози домлани тутиб бориш топшириғи билан уйига бостириб кириб қолишди. Қози домла айни уйда пайти эди. Саҳндаги бир чирмашган дарахтнинг ортига ўтиб олиб, маъсур бир дуони ўқиб турди. Миршаблар уйнинг ичу ташини тафтиш қилишди. Саҳнию уйни бир неча бор айланиб текширишгач, ноумидларча шиддат билан чиқиб кетишди. Қизиғи шундаки, бир неча ҳассос қидирувчилар қози домлани қидириб топа олмаётган лаҳзанинг ўзида фарзандлари уни узоқдан кўриб туришар, миршаблар гоҳо уни истаб унинг ёнидан айланаётганидан таажжубда эдилар. Аллоҳ таоло қози домланинг дуосини ижобат қилган, уларнинг кўзига парда тортган эди.

Муҳаммаджон домла Ҳиндистоний алайҳирраҳма бир кун Қози домланинг зиёратига борар экан, кўнглида: «Қози домланинг барча шаръий билимларга моҳирлиги кундек равшан. Аммо Бедилнинг байтига малакаси қандай экан? Фалон-фалон байтларнинг шарҳини сўрасам...» – дея Мирзо Абдулқодир Бедилнинг баъзи энг чуқур, жумбоқ байтларини мўлжаллаб олди. Зиёрат, салом-аликдан сўнг Қози домла суҳбат бошладилар ва баъзи форсий байтларни шарҳладилар. Шарҳ шундай юқори даражадаги илм ва маҳорат билан қилинар эдики, қўшимча саволга ўрин қолмас, кўнгилга бир вақтнинг ўзида ҳайрат ва таскин элтар эди. Ажабланарлиси шундаки, сўзловчи айнан тингловчи

мўлжаллаган мисраларни нишонга олган эди, деб эслайди домла Хиндистонийнинг шогирди Абдулатиф қори ака.

1386 йил 4 зулҳижжа (1967 йил 15 март) чоршанба куни. Абдулмажид қози домла алайҳирраҳма қишлоққа бир йиғинга бориб келдилар. Оқшом тушгач набиралари билан суҳбатда ҳеч бировининг эсига келмаган мавзуда сўз очдилар: «Падари бузрукворимиз алайҳирраҳма милодий сана ҳисобида 97 йил яшаган эдилар. Қайна отамиз ҳам устозимиз Абдуссамеъ халфа алайҳирраҳма ҳам ўша ёшда вафот этганлар. (Ўзларининг яқинларидан яна бир кишини ҳам айтдилар). Биз ҳам ўша ёшга етиб келдик. Халқ бизнинг ҳаққимизга «умри табиий» сўраб дуо қиладилар, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ижобат қилган бўлса, ажаб эмас. Аммо бизнинг марра ҳам шу, биз маррага етиб келдик».

Абдулмажид қози домла алайҳирраҳма 1386 йил 5 зулҳижжа (1967 йил 16 март) пайшанба пешин вақти бир асрлик ҳаётни тамомлаб, абадий ҳаётга йўл олдилар. Уни таваллудидан вафотигача ҳурмату эъзозда қилган, бир аср сийлаб, илтифот кўрсатган Роббининг ҳузурига у Зотдан рози бўлган, иншоаллоҳ, У Зот ҳам бу эрка бандасидан рози бўлган ҳолда риҳлат қилдилар. Бутун юрт мотамга чўмди. Жаноза жума намози пайтига белгиланди. Атроф-жавонибдан одамлар оқиб кела бошлади. Халқнинг руҳий ҳолати, бу оғир жудолик, улкан йўқотишни ҳис қилган кишилар хонадон дарвозаси пештоқига Алишер Навоийнинг қуйидаги мисрарларини бир катта қоғозга ёзиб, гўё Аллоҳнинг илҳоми билан ҳақли равишда осиб қўйдилар:

Фироқ вақтидир, эй кўзлар, эмди қон йиғланг,
Билурмисизки, бу кун не кишидин айриласиз!

Жанозага бутун Ўрта Осиёдан кишилар иштирок этди. Хонадондан олиб чиқилган тобут Андижон марказидаги Девонабой масжидига қўлма-қўл олиб борилди. Оламоннинг бир учи тобутни масжидга олиб борган бир вақтда ҳали кети хонадондан узилмаган эди. Ўша пайтда Девонабой масжидида имом-хатиб бўлиб турган, Қози домланинг содиқ шогирдларидан бўлган Ҳабибуллоҳ қори ака жанозани ўқиди. Тобут шаҳарнинг юқори четидаги Бобо Саъ-

диддин қабристонига елкама-елка, қўлма-қўл олиб борилди. Манзилга етиб боргунча анбар устидаги чойшабларни кишилар майда-майда қилиб бўлиб олдилар. Дафн маросими гўё қиёматни эслатди.

Шаҳобиддин қори (1892–1975). Андижон шаҳри, Тўқмоқ маҳалласида 1892 (1309–1310) йили тақводор оилада дунёга келган. Отаси Мўминжон ака оддий деҳқон одам бўлган.

Шаҳобиддин қори ака дастлаб Андижон шаҳри марказидаги қорихонада Қуръон ёдлаган, бу қорихона Жомеъ мадрасасининг яқинида жойлашган.

Шаҳобиддин қори ака 1930 йилдан то 1940 йилларгача қатағон давридаги сургун сабабли оилалари билан Ҳаққулобод қишлоғига кўчиб борадилар. У ерга савдо, тирикчилик мақсадида келиб турадиган лўғумбеклик Уста Ортиқ ва Абдураҳмон акалар қори акага ихлос, муҳаббатлари тушиб, у кишини ўз қишлоқларига олиб кетишган. Шаҳобиддин қори ака 1942 йилгача ўша ерда колхозда ишлаган.

1942 йили Қори ака Оренбургдаги заводда ишлаш учун меҳнат армиясига олинади.

XX асрнинг бошларида бизнинг диёрларда Қуръони карим асосан «форсий лаҳжа» услубида ўқилар эди. Шаҳобиддин қори ака «арабий қироат»ни дастлаб Муҳаммад Амин Маккийдан олган. Табиийки, аввалига ўша даврнинг баъзи қорилари ҳам бу нарсага қарши туришган.

Шаҳобиддин қори ака эсдаликлари:

«Бухоро Мир Араб мадрасасида ўқиш учун имтиҳонни биздан Тошкентда Шаҳобиддин қори акам олганлар. Ўша ерда таҳсил олиб юрган кезларим… Бир куни Қори акамга чой дамлаб келдим. У киши менга: «Келинг, ўтиринг», – дедилар ва ўзларининг ўтмишларидан сўзлай бошладилар:

«Мен Қуръони каримни Муҳаммад Амин Маккий устозимизда ҳатм қилганман. У кишидан араб тилини ҳам ўрганганман. Баъзан устоздан изн сўраб, шаҳарга бориб келар эдим. Қайтиб ҳузурларига келганимда у киши мендан шаҳардаги ҳолат ва вазият ҳақида сўрар эдилар. Баъзи йиғин ва тадбирларда бўлганимни эшитгач: «Сен ҳам Қуръон ўқиб

бердингми?» – деб сўрар эдилар. Шунда мен: «Йўқ, менга ўқитмадилар. Бир уй қорилар қироат қилади, менга навбат келганда «фалончи, сиз ўқинг», деб кейинги кишига ўтказиб юборишади», – дер эдим. Устоз: «Кимлар ўқиди?» – деб сўрардилар. Мен: «Фалончи-фалончилар», – деб санаб берардим. Устозимизда ҳамма қориларнинг рўйхати бўлиб, уларнинг барчасини танир эдилар. Шунда у киши менга: «Сен иккиланма. Улар асл қироат, суннат қироат мана шу эканлигини билмаяптилар. Сен сабр ва саботда бардавом бўлиб тур, ҳали ҳаммалари сенга эргашишади. Сен қориларнинг биринчиси бўласан», – деб қўяр эдилар».

Аллоҳ таолонинг лутфини қарангки, вақт устознинг сўзлари ҳақ эканлигини кўрсатди. Ўлкада янги қироат мактабининг шаклланишида Шаҳобиддин қори аканинг ҳиссалари беқиёс бўлди. У киши қорилар янги силсиласининг сарҳалқаларидан бирига айландилар.

Шаҳобиддин қори ака ҳикояларини шундай давом эттирадилар:

«Иккинчи жаҳон урушининг охирги йиллари Оренбургдан қайтаётганимда Тошкент темир йўл вокзалига тушдим. Оёғимда ҳарбий пойабзал, эгнимда шинель, бошимда пилотка… Қорним ниҳоятда оч, Андижон поезди қачон келиши номаълум эди. Бир нотаниш киши атрофимда айланар, синчковлик билан мени кузатар, мен эса ҳайрон эдим. Ниҳоят у одам: «Сиз андижонлик Шаҳобиддин қори ака эмасмисиз?» – деб сўраб қолди. Мен: «Шундай», – дедим. У «Мен билан юринг», – деди-да, мени бир жойга олиб кетди. Кейин билсам, у Кўкча маҳалласи экан. Биз бир уйга кирдик. Хонада ўн бештача одам ўтирар эди. Биз ҳам бўш жойга ўтирдик. Уларнинг юз-кўзларидан «ўзи замон нозик бўлса, зўрға ўтирган бўлсак, бу хос суҳбат бўлса, бегона одамни олиб киришнинг нима кераги бор эди», деган маънони уқиш мумкин эди.

Бир пайт ўтирганлар навбатма-навбат Қуръон ўқий бошлашди. Табиийки, бегона одамга қироат таклифи бўлмади. Барчалари ўқиб бўлгач, мени олиб келган одам: «Меҳмон ҳам ўқиб берсин, бу киши андижонлик Шаҳобиддин қори ака бўладилар», – деди. Мен Қуръон тиловат қилиб бердим.

Қироатни тугатишим билан уйнинг тўрида ўтирган одам бирдан ўрнидан турди-да, «Тақсир, бу ёққа ўтсинлар», – деб менга тўрдан жой кўрсатди. Сўнг «Ҳофизи Қуръонмисиз?» – дея мендан сўради ҳалиги киши. Мен: «Ҳа», – дедим. Шунда мени олиб келган кишига қараб: «Бу одамни танир экансиз, нега келишингиз билан таништирмадингиз? Ҳофизи Қуръон инсонни пойгакка ўтқазибсиз», – дея жиддий танбеҳ берди.

Суҳбат ниҳоясига етгач, бу ҳурматли инсон мени уйига олиб бориб, бош-оёқ сарпо кийдирди. Сўнгра: «Қаёққа кетяпсиз?» – деб сўради. «Аҳли аёлимнинг олдига», – дедим. Бир неча совға-салом ва ҳадялар берди. Кейин билсам, у киши муфтий Зиёвуддин қори ака ҳазратлари эканлар. У киши мени кузатар эканлар, Андижондаги «Уйғур масжиди»га имом-хатиб қилиб тайинланганлигим ҳақидаги ҳужжатни қўлимга тутқаздилар.

Андижонга келиб, икки-уч йил ўша масжидда хизмат қилдим. Кейин бу даргоҳга юбордилар...»

Қори аканинг яна бир шогирдлари Омонуллоҳ қори аканинг зикр қилишича, Шаҳобиддин қори ака Хакандаги Довудхон тўрамда ҳам Қуръондан таълим олганлар.

1953 йили Шаҳобиддин қори ака ҳаж сафарига борганлар. Улар муфтий Зиёвуддин қори ака бошчилигида ўн олти кишидан иборат бўлишган. У ерда Саудия Арабистони қироли Абдулазиз ибн Сауд уларни алоҳида меҳмон қилади. Қайтишда Миср Араб Республикасига ҳам ташриф буюришади. Қоҳирада Азҳари шарифнинг шайхи Абдураҳмон Тож уларнинг ташрифи муносабати билан катта зиёфат уюштиради. Икки юздан ортиқ меҳмон иштирок этган бу мажлисда Шаҳобиддин қори ака Қуръон тиловат қилиб беради. Ўзбек қорисининг тиловатидан завқланган шайх Абдураҳмон Тож ўрнидан туриб, ўтириб тиловат қилаётган қорининг орқасига ўтиб, тик туриб олади. Шу аснода қироат давом этар, шавқ-завқ 96 ёшли шайхга қўлидаги ичаётган чойини ҳам унуттирган, у қайта-қайта «Маашаллоҳ, Маашаллоҳ!» дея баралла такбир айтар эди. Кейин шайх Шаҳобиддин қори акага иззат-икром кўрсатиб, ҳадялар ва Қуръон совға қилади. Шунингдек, улар Амир Олимхоннинг ўша ерларга бориб қолган авлодлари билан ҳам учрашадилар…

Дарҳақиқат, Шаҳобиддин қори ака ҳар бир ҳарфни алоҳида эҳтимом билан ажратиб, дона-дона қилиб, жуда ширин, мулойим, файзли ва таъсирли тиловат қилар, у киши қироат қилганларида қалблар эриб кетар эди. Зеро, бўғиздан чиққан овоз қулоққа етса, қалбдан чиққан овоз қалбнинг туб-тубига етиб боради.

Шаҳобиддин қори ака Қуръон нурини фақат ўзбек диёрига эмас, балки хорижий давлатларга ҳам таратган ҳамда ўзбек миллатининг шарафини кўкларга кўтарган инсон бўлганлар.

«1967 йили Покистонда бўлиб ўтган қорилар кўригида биринчи ўринни мисрлик Шайх Абдулбосит қорига беришган эди. Бир куни меҳмонхонада эдим, олдимга Шайх Абдулбосит қори жаноблари кириб келдилар. Мен билан салом-алик қилгач, Қуръон ўқиб беришимни сўрадилар. Тиловат қилиб бердим. «Энди фалон сурадан ўқиб бергин», – деди, ўқиб бердим. «Фалон жойни ҳам», – деди, яна ўқиб бердим. Шунда у киши: «Қироатинг асл экан. Кимда таълим олгансан?» – деб сўрадилар. Мен бор гапни айтдим. У киши таҳсин айтдилар. Мен: «Биринчиликни сизга беришди-ку?» – деган эдим, у киши: «Биринчиликни менинг овозимга беришди», – деб кулиб қўйдилар.

Шаҳобиддин қори ака қомати келишган, соқоли ўзига ярашган, оқ юзли, истараси иссиқ, хушовоз ҳамда табиатан зарофатли, нозиктаъб, мутойибага уста, ниҳоятда ҳалим, улфатнишин инсон бўлганлар. Бир марта суҳбатларини олган одамни ўзларига ром қилиб олар эдилар. Илмни ҳам очиққўнгиллик билан берар эдилар. Дарсни ўтиб бўлганларидан сўнг талабаларнинг кўзларига бир синчков нигоҳ ташлаб, дарсни яхши тушунган талабани дарҳол пайқаб олар ва унга табассум билан мамнуниятларини изҳор қилиб, сўнг «Танаффус», деб чиқиб кетар эдилар. Бирор талабага қаттиқ сўз айтмас, талабалар ҳам у кишининг дарсларини интиқлик билан кутар ва яхши ўқишга ҳаракат қилар эдилар.

Шаҳобиддин қори ака Бухоро мадрасасида Қуръони карим қироати, араб тили грамматикаси ва муҳоварасидан дарс берганлар.

Шаҳобиддин қори ака олижаноблиқда, инсоний хислатларда барчага намуна бўлганлар. У киши силаи раҳмни адо этишда ҳам ибратли амалларни қилганлар. Жумладан, Қори аканинг Бўтақарада эри вафот этиб кетган Ойшахон исмли зуҳду тақволи, серфарзанд бир сингиллари бўлиб, у киши ўша оғир замонда доимо улардан хабар олиб турганлар. «Ҳатто отамиз бир гал бир-икки килограмм ун, бир гал гуручни уйдагиларга билдирмай, уларга бериб келишимни буюрган эдилар. Ваҳоланки, ўша нарсалар ўзимизга ҳам зарур бўлиб турган эди», – деб эслайди ўғиллари Козим ака. Шаҳобиддин қори аканинг яна бир Хайринисо исмли фарзанд кўрмаган сингиллари ҳам бўлиб, ундан ҳам ўз ёрдамларини аямаганлар.

Қори ака Тошкентда Эски Жува яқинидан кичик бир ҳовли сотиб олганлар. Кейинроқ 1956 йили Подахона (ҳозирги Жар) маҳалласи яқинида жойлашган бир катта ҳовлига кўчиб ўтадилар. 1972 йили бу маҳаллалар бузила бошлайди. Шундан сўнг ҳозирги «Ғунча» кинотеатри яқинида жойлашган кўп қаватли бинога кўчиб ўтишга мажбур бўлишади.

1968–1969 йиллар орасида Шаҳобиддин қори ака Андижонга борган кунлари бетоб бўлиб қоладилар. Уч кун ўтиб, бирор илож бўлмагач, Тошкентга олиб келишади. Бу ердаги шифохоналарнинг бирида икки марта жарроҳлик муолажасини оладилар...

Шаҳобиддин қори ака умрларининг охиригача Қуръони карим хизматида камарбаста бўлдилар. Асосий фаолиятларини Мир Араб мадрасасида олиб бордилар.

1975 йил ноябрь ойининг биринчи кунлари фарзандларига: «Бухоро Мир Араб мадрасасидагилар яна боришимни илтимос қилишган эди, розилик билдирдим. Каминани у ерга «Шайхул-қурро» қилиб олиб кетишади. 9 ноябрга чипта ҳам тайёр», – деб айтадилар. Лекин Аллоҳ таоло ҳузуридаги тақдир одатдагидек, ўзини изҳор қилмаган эди.

Ҳабибуллоҳ ҳожи дада (1908–1994). Ўтган асрнинг ғала-ғовур даврларида иймон-эътиқодига содиқ бўлиб, дину эл хизматида фидокорлик кўрсатган улуғ олимларимиздан бири халқ орасида Ҳабибуллоҳ ҳожи дада номи билан

машҳур бўлган Ҳабибуллоҳ қори ибн Исо Муҳаммаддир. У зот истибдод ҳукм сурган даврда динимизни кейинги авлодга соф ҳолда етказишда хизмат қилган олтин ҳалқалардан бири эдилар.

Ҳабибуллоҳ қори домланинг оталари Муҳаммад Холиқ ўғли Исо Муҳаммад асли тошкентлик бўлиб, айрим сабабларга кўра Андижонга келиб қолади ва у ердан уй-жой қилади. Кейин Андижоннинг етук олимларидан бири Муҳаммад Қосим домланинг қизига уйланади.

Муҳаммад Қосим домланинг беш ўғли ва бир қизи бор бўлиб, ўғилларининг барчаси аҳли илм ва аҳли Қуръон бўлганлар. Қизлари ҳам илмли, зуҳду тақволи, иффатли, зийрак ва ўта покиза аёл бўлиб, унинг исми Биби Розия эди. Ундаги бу фазилатлар то ҳаётининг охиригача ривожланиб боради.

Исо Муҳаммад ҳам олим, мухлис, Аллоҳни кўп зикр қилувчи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг сийратларига ошиқ инсон эди. Диёримизда «Мавлид китоби» номи билан машҳур бўлган Имом Жаъфар Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг «Икд ал-жавҳар фи мавлид Ан-Набийй ал-азҳар» номли сийрат асарини ҳар куни ўқир эди. Шунингдек, Юсуф Ҳамадонийнинг «Ал-аврод ал-фатҳийя» номли кундалик зикрлар тўпламини ва «Далоил ал-хойрот» номли саловат ва зикрлар китобини ҳам ҳар тонгда мутолаа қилар, яна қўшимча дуолар қилиб, йиғидан соқоллари ҳўл бўлиб кетарди.

Исо Муҳаммад оиласи билан Андижон шаҳрининг Бештегирмон маҳалласидаги хонадонларнинг бирида (ҳозирги Байналминал кўчаси, 55-хонадонда) умргузаронлик қилар ва муқовачилик билан шуғулланиб, рўзғор тебратар эди.

Аллоҳ таоло бу муборак оилага 1908 (1326) йили фазилатли бир ўғил ато қилади. Боланинг исмини яхши ният билан Ҳабибуллоҳ қўядилар.

Ҳабибуллоҳ илму тақво муҳитида улғая боради. У илк саводни ўз ота-онасининг қўлида чиқаради. Кейинчалик уни шаҳар четидаги Шайтепа мавзесида истиқомат қилувчи Қуръон устозларидан бўлмиш Муборак қори домлага топ-

ширишади. У зеҳни ниҳоятда ўткирлиги ва тиришқоқлиги билан бошқа болалардан ажралиб турарди. Ҳар куни янги дарс олишдан олдин ўтган сураларни бир қатор такрор қилиб, сўнг янги дарсга ўтар эди. Мана шу зайлда олиб борилган таълим натижасида у 11 ёшида Қуръони каримни тўла ёд олади ва Рамазонда таровеҳ намозида ҳатм қилиб беради.

Вояга етгач, Андижондаги Маҳмуд Алибой қурдирган Жомеъ мадрасасига ўқишга киради ва то 1929 йилгача, яъни мадраса большевиклар томонидан бекилгунича шу ерда етук олимлардан таълим олади. Кейин илмга чанқоқ толиби илмлар билан биргаликда мадрасанинг бош мударриси бўлган улуғ олим Қобил Охун домлада, шунингдек, Қорақош домла номи билан машҳур бўлган етук олим Толиб Охун домлаларда таҳсилни давом эттиради. У мазкур устозларда араб ва форс тиллари, Балоғат, Ақоид, Фиқҳ, Усули фиқҳ, Тафсир, Ҳадис ва бошқа шаръий билимлар билан бир қаторда Шарқ мумтоз адабиёти ва шеърияти, табобат каби илмларни ҳам ўрганади. Шу билан бирга, у доимо ўз устида ишлаб, кўплаб китобларни, жумладан, Ҳофиз, Бедил, Навоий, Фузулий, Сўфи Оллоҳёр каби шеърият дурдоналарининг бой асарларини мустақил мутолаа қилиб, ўзлаштириб боради.

Шунингдек, унинг тасаввуф илмига ҳам иштиёқи баланд бўлган. Бу борада у Махсумхон Эшон дададан таълим олади ва унинг етук шогирдларидан бирига айланади.

Ҳабибуллоҳ қори ака ўз давридаги кўплаб уламо ва машойихларнинг ҳузурларида таълим-тарбия олиб, хизматларида бўлганлар. У киши ўттиздан зиёд олимнинг ҳузурида бўлиб, уларнинг хайрли дуо ва ижозатларига мушарраф бўлганликларини кейинчалик ўз фарзандларига кўз ёши билан зикр қилиб берган эдилар. Жумладан, ўз даврининг етук олими, «Ҳофиз» тахаллуси билан қалам тебратган зуллисонайн (форс-турк) шоир ҳазрат Абдулмажид қози домладан ҳам таълим-тарбия олганлар.

Устозларнинг ниятлари кетган экан, у киши халқ ҳузурида Қози домладек сўзлари фатво бўладиган даражага етадилар. Шайхулисломдек мавқега эга бўладилар ва исломга катта хизматлар қиладилар.

Ҳабибуллоҳ қори дада ўз касбининг устаси эдилар. Бозорда бир дўкон очиб, у ерда муқовачилик қилар, баҳонада ўзлари ҳам турли китоблар билан танишардилар. У киши бир нечта колхозларда иш қоғозларини муқовалаш бўлимида ҳам ишлайдилар. Ниҳоят, 1952 йили Андижон шаҳридаги «Девонабой» марказий Жомеъ масжидининг ўша вақтдаги имом-хатиби Нуъмон ҳожи домла ва шаҳардаги бошқа олимларнинг таклифлари билан шу масжиднинг тафтиш комиссияси аъзоси бўлиб фаолият бошлайдилар. Ўзларининг чуқур илм ва билимлари билан яхши суратда иш олиб борганликлари учун бир йилдан сўнг имом ноиби бўлиб сайланадилар.

1954 йили ўша даврларда шаҳарда фаолият кўрсатаётган иккинчи масжид – «Бобо Саъдиддин» масжидига имом-хатиб этиб тайинланадилар.

Орадан бир йил ўтиб, 1955 йили Андижон вилоятига қарашли Қўрғонтепа Жомеъ масжидига имом-хатиб вазифасида ишлашга юбориладилар. У жойда дину эл учун ажойиб хизматлар қиладилар, масжид гуллаб яшнайди, халқнинг диний билими ошади. Ҳабибуллоҳ қори даданинг ушбу хизматларини тақдирлаш маъносида «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси» томонидан 1960 йилда илк бор Ҳаж сафарига жўнатиладилар. У киши бир ой зиёд сафарда бўлиб, ватанга қайтдилар. Шундан сўнг халқ орасида «Ҳабибуллоҳ ҳожи» ёки «Ҳожи дада» номи билан тилга олинадиган бўладилар.

1961 йили Наманган шаҳридаги «Эшон Шайх» масжидига имом-хатиб этиб сайланадилар. У ердаги уламоларнинг ҳурмат-эъзозларини топиб, уларнинг бир умрлик қадрдонларига айланадилар.

Ниҳоят, 1962 йили Андижондаги «Девонабой» масжидига имом-хатиб бўлиб қайтиб келадилар ва то ҳаётларининг охириги йилларигача ушбу хизматда бўладилар.

Ҳабибуллоҳ қори дада қаерда бўлмасинлар, холис Аллоҳ таоло учун дину диёнат йўлида ҳормай-толмай ҳаракат қилар, борганки жойини обод этар, ўша жойдаги уламолар, қорилар, толиблар, аҳли фазл кишиларнинг иззат-икромини

жойига қўяр, умуман, барча каттаю-кичикнинг кўнглини олар, бечораҳолларни қўллаб-қувватлар эдилар.

У киши доимо халқни тақво-ибодатга, ихлосу амалга, гўзал ахлоқ-одобга даъват қилардилар. Сўзлари ниҳоятда самимий, мустаҳкам ҳужжатлар асосида бўлар, юракларининг туб-тубидан ихлос ва шижоат билан отилиб чиқарди. Суҳбатлари кўпроқ кўз ёши аралаш бўларди ва шунинг учун бўлса керак, улар одамларда яхши таассурот қолдирардилар. Ақида масалаларида аҳли сунна ва жамоа ақидавий мазҳабида сўз юритар, фиқҳий масалаларга ҳанафий уламолари фатволари асосида жавоб берардилар. У кишининг даъватларидаги яна бир ўзига хослик шунда эдики, қайси мавзуда сўзласалар, шу мавзуда аввал оят, ҳадис ва уламоларнинг асарларидан келтириб, сўнг шу маънодаги бирор форсий ёки туркий байт келтириш билан фикрларини ёритиб берар эдилар. Форсий шеърлар асосан Ҳофизу Бедилдан, туркийлари Навоий, Фузулий ва Сўфи Оллоҳёр ижодларидан бўлар эди.

Ҳабибуллоҳ қори дада қаерда имом бўлсалар, ўша жойдаги одамлар у кишига муҳаббат қилиб, мухлис бўлиб қолар эди. Ҳар сафар бир жойдан иккинчи жойга хизматга ўтсалар, аввалги масжид аҳли у кишининг яна ўз жойларига қайтиб боришларини илтимос қилиб, у ёқ-бу ёққа югуриб қолишарди. Ҳатто наманганлик, қўрғонтепалик мухлис кишилар у кишидан то ҳаётларининг охиригача хабар олиб, зиёратга келиб турардилар.

Ҳабибуллоҳ ҳожи дада 1965 йил «Девонабой» масжидидан иккинчи бор ҳаж сафарига боришга мушарраф бўладилар. Бу гал бир умр Ҳажга бориш орзусида яшаб, унга ета олмаган волидалари Биби Розияхон номидан эҳром боғлайдилар ва меҳрибон оналари учун шахсан ўзлари ҳажжи бадал қиладилар.

1985 йили масжидга ўт кетиб, унинг ҳамма бинолари деярли ёниб битади. Бу ҳодиса барча намозхонлар учун, хусусан, уларнинг имоми учун катта мусибат ва синов бўлган эди. Айрим мутасадди кишилар масжидни бошқа жойга кўчириш фикрини ҳам ўртага ташлайдилар, аммо бунинг оқибати яхши бўлмаслиги кўриниб турарди. Ҳожи

дада бу вазиятни сабру матонат билан қарши оладилар. Ўзларини йўқотмайдилар, балки, Аллоҳга дуою тазарруъ билан илтижо қиладилар. У кишининг меҳнат ва ташаббусларининг гувоҳи бўлиб турган масжид катталари «Унинг номини ўзгартириб, «Ҳабибуллоҳ ҳожи дада» масжиди деб атасак», деган фикрни ҳам билдирадилар. Лекин Ҳожи дада бунга рози бўлмайдилар. Шундай қилиб, масжид деярли янгидан қайта тикланади.

Кейинроқ Ҳожи дада масжиднинг шарқий томонига ўз маблағларидан бир қорихона қурдирадилар. У ерда кўплаб мусулмонларнинг фарзандлари тарбия топадилар, Ҳофизи Қуръон бўлиб етишадилар. У киши ушбу масжидда роппароса 40 йил, яъни 1992 йилгача имом-хатиб вазифасида хизмат қиладилар. Шу йили Аллоҳнинг иноятила учинчи бор муборак ҳаж сафарида бўлдилар.

Ҳожи дада ўз маҳаллаларида, фарзандлари кўчиб борган жойларда аҳоли учун кўприк қуриш, газ, сув келтириш, кўчаларга асфальт ётқизиш каби кўплаб хайрли ишларни амалга оширганлар, баъзи ночор оилаларга уй қуриб берганлар.

Ҳабибуллоҳ қори даданинг илмий даражалари қандай бўлганини у кишига таълим берган устозларидан ҳам англаш мумкин. Зеро, у киши ўз устозларининг илмларини пухта эгаллаган нодир шахслардан эдилар. Шу боис ўз даврида у кишининг олдига тушадиган олим яқин атрофда топилмас эди.

У киши Қуръони каримни пухта ёд олган, тажвид илмини яхши эгаллаган эдилар. Кексайган вақтларида ҳам тиловат қилганда тутилмас, қайси калимада қандай қоида борлигини адашмай, айтиб бера олар эдилар.

Ҳабибуллоҳ қори даданинг юксак фазилатларидан бири, у киши ўрганганки нарсаларини ўша соатдан амалга татбиқ этишга ҳаракат қилар эдилар. Ҳатто тиббий кўрсатмаларга ҳам оғишмай амал қилар, таомланганда ҳам тартиб-интизом билан, фойда-зарарини сарҳисоб қилар ва «Бизга «Жомеъ»даги устозимиз «Тибби Юсуфий»ни ёдлатган эди, шундан буён унга амал қилиб келаман», – деб қўяр эдилар.

Ҳожи дада ҳеч қачон бировга нафсоний адоват қилмас, ҳеч кимдан ўзи учун интиқом олмас, балки биров ҳар қанча душманлик қилган тақдирда ҳам, унинг ҳолини Аллоҳга ҳавола этар, ундан бировга шикоят қилмас эдилар. Бироқ беодоблик қилган одам барчанинг кўз ўнгида қилмишига яраша жазосини тортар эди.

У киши Аллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлишда, мусибат ва машаққат дамларида, одамлардан азият етганида сабр ва таҳаммулда бўлишда ҳам чиройли намуна бўлар эдилар. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг ҳикмати борлигини кўра билар ва бунинг изҳори ўлароқ: «Ал-хору ма сонаъаҳу Аллоҳу (яхшилик – бу Аллоҳнинг қилганидир)», деб қўяр эдилар.

Ҳожи дада қариндош-уруғ, қуда-андалар билан силаи раҳмни тиклар, доимо уларнинг ҳолидан хабар олиб турар, қўни-қўшниларнинг ҳақларига ҳам ниҳоятда гўзал суратда риоя қилар эдилар.

У киши жамоатда намоз, тасбеҳ, дуо, мавъиза ва жумъа хутбаларини мукаммал, айни вақтда енгил қилар, аммо ўзлари уйда жуда ҳам узоқ намоз ўқир, унда «Ғофир», «Фуссилат» каби бир неча саҳифали сураларни зам сура қилар ва узундан-узун дуою илтижода бўлар эдилар. Таҳажжуд ва кундалик зикрларни, жумладан, «Авроди фатҳия»ни тарк қилмай, ҳар куни ўқир эдилар. Қуръони каримдан беш-олти порани кундалик вазифа қилиб олиб, тиловатга киришар, ҳар ҳафта ёки ҳафта оралатиб фарзандларининг уйларида ҳатми Қуръон бағишлар эдилар. Вақт топсалар, Барзанжийнинг «Мавлид» китобини тўлиғича ўқир, унинг маъноларидан фарзанду набираларига айтиб берар эдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳабибуллоҳ ҳожи дада Набавий ахлоқ билан зийнатланган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нурли изидан эргашган исломий шахсиятлардан эдилар.

Ҳожи дада волидасининг бу каби хайрли дуоларига, чин кўнгилдан айтилган рози-ризоликларига сон-саноқсиз муваффақ бўлдилар ва уларнинг ижобатини ҳаётлари давомида кўриб бордилар. Аллоҳ бир умр у кишининг ризқларини кенг қилди, хоҳ дин хизматида бўлсин, хоҳ дунё ишларида бўлсин, нимани қасд қилсалар, Аллоҳ уни муҳайё этди.

Шунингдек, у киши оналарининг вафотидан сўнг ҳам унга хайру эҳсон, яхшиликлар қилишда чиройли намуна кўрсатдилар. Ҳар йили оналарининг номидан қурбонлик қилар, доимо жамоатдан унинг ҳаққига дуо сўрар, ҳар жума куни қабрини зиёрат қилар эдилар.

Шогирдлари. Ҳожи дада замоннинг зайли билан, қолаверса, халқ хизматида камарбасталиги сабабли кўп шогирд чиқара олмаганлар. Аммо у киши омма мусулмонларини, хусусан, масжид қавмини тарбиялашда шундай катта хизматлар қилдиларки, агар мазкур кишиларни Ҳожи дадага шогирд деб айтсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Оилада фарзанд ва набираларга таълим берганликлари эса табиийдир. Шу билан бирга, ҳаётларининг кейинги йилларида Аҳмаджон ҳожи ака, Абдулғофир ҳожи ака, Яҳёхон қори ака (куёвлари), Сайфиддин ҳожи ака ва бошқалар у кишида озми-кўпми таълим олганлар.

Вафотлари. Қариган чоғларида Ҳожи даданинг бошларига кетма-кет мусибат тушади. 1993 йилнинг бошида жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Шу йил апрель ойининг охирида аёллари Муҳтарамхон ҳожи она тўсатдан бетоб бўлиб ётиб қолади ва орадан бир неча кун ўтиб, июнь ойининг 19-куни оламдан ўтади.

Орадан бир йил ўтиб, 1994 йил 12 август куни кенжа фарзандлари Иноятуллоҳ ҳожи тўсатдан вафот этади. Бу албатта, Ҳожи дада учун оғир мусибат эди. У киши бу воқеадан сўнг 10 кун ҳаёт кечирадилар, холос.

Ҳабибуллоҳ Ҳожи дада 1994 йил 22 август (1415 йил 15 Робиъул аввал), душанба куни шомдан кейин фоний ҳаётни тарк этиб, боқий дунёга сафар қиладилар.

У кишининг вафоти аҳли ислом учун оғир мусибат бўлди, барча вилоятларга ва айрим қўшни жумҳуриятларга хабар етказилди. Мутасадди кишиларнинг маслаҳатлари билан жаноза намози эртаси куни кундузги соат 4.00 да маҳалладаги «Ғиштли масжид»да ўқиладиган бўлди. Жанозага келганларни санаб, саноғига етиб бўлмасди. Водийдаги барча кўзга кўринган уламолар, қорилар шу ерда эди. Намоздан олдин олимлар у кишининг фазилатлари, қилган хизматлари тўғрисида кўп гапирдилар. Жаноза намозига

ким имом бўлиши ҳақида бир фикрга кела олмай турганларида марҳумнинг Намангандаги қадрдонлари, тақво ва дин хизматида танилган, Ҳофизи Қуръон, етук олим Шамсиддин қори почча келиб қолдилар ва жанозани у киши ўқиб бердилар.

Намоздан сўнг одамлар тўлқини анбарни кўтариб, «Қўчқорлиқ ота» қабристони томон оқа бошлади. Одамлар уни қалбларида алам, кўзларида ёш билан то қабристонгача қўлма-қўл қилиб олиб бордилар.

Ҳожи дада ҳаётларининг охирги йиллари оналарининг оёқ томонидан ўзларига қабр ковлатиб қўйган эдилар. Марҳумнинг васиятига кўра, у кишини ўша жойга дафн қилдилар.

Муҳаммад Мубин қори (1914–1979). Муҳаммад Мубин қори ака ҳижрий 1914 йил 11 январь куни (1332 йил 14 сафар) Андижон шаҳри, Чуқур Масжид маҳалласида илмли ва тақводор оилада таваллуд топганлар. Аминжон махдум домланинг 6 нафар фарзанди бўлиб, Муҳаммад Мубин уларнинг тўнғичи эди. Муҳаммад Мубин қорининг гўдаклик чоғларида Аминжон махдум домла оиласи билан Тўқмоққа кўчиб ўтади. У ерда яшаб юрган кезлари Орс қишлоғидаги катта Жомеъ масжидда бир муддат имом-хатиблик вазифасини ўтайди. Масжиднинг болохонали дарсхоналари бўлиб, домланинг ўзлари бу жойда шаръий илмлардан дарс ҳам берадилар. Қуръон таълимини эса тўқмоқлик Набижон қори ака олиб борадилар.

Аминжон махдум домла бўлажак Қуръон ходими Муҳаммад Мубин қорини икки ёшидан бошлаб «кўзи ўрганиб, қулоғи пишиб турсин» деган мақсадда дарсхонага ўзи билан олиб борар эди. Дастлабки илмни отасидан олган Муҳаммад Мубин қори Набижон қори ака қўлида Қуръон ёдлашга киришади. «Хамиртуруш»и Қуръон илми билан қорилган ёш толиб Каломуллоҳни 9 ёшида таровеҳ намозида хатм қилиб беради. Яна икки йиллик такрор билан Қуръон ҳифзини такомиллаштириш натижасида у катта жамоатларда ҳам ҳатмга ўта бошлайди. Ҳатто баъзи катта жамоатлар ўзларининг «жажжи имом»ини бўйларига тенглаш мақсадида оёғи остига сандал қўйиб беришар эди.

Муҳаммад Мубин қори ака 12–14 ёшлар орасида бош оғриғи касали билан қаттиқ бетоб бўладилар. У кишининг бурунларидан кетаётган қонни кўрган Ачахон ойим бир куни оналарча жонкуярлик билан Аминжон махдум домлага: «Болани ўқитавериб, ўқитавериб, охири касал қилдингиз!» – деб юборади. Қуръонга бўлган эътиқоди жунбушга келган Аминжон махдум домла шиддат билан: «Қуръон ўқиган касал бўлмайди, бўлмайди, бўлмайди!» – дея ўз қатъиятини изҳор қилади. Сўнг Аллоҳ таоло шифо бериб, Муҳаммад Мубин қори ака соғайиб кетадилар ва баркамол инсон бўлиб етишадилар.

Муҳаммад Мубин қори ака 18 ёшда уйланадилар. Келин Моҳрўяхон Холиқберди домланинг қизи эди. У тақволи, иффатли, билимдон, хушхулқ инсон бўлган. У Қуръон ходимининг хизмати учун яралган, шу вазифа учун тарбиялангандек эди, гўё.

Муҳаммад Мубин қори ака билан Моҳрўяхон ойим жуда чиройли турмуш қурдилар. Аллоҳ таоло уларга салоҳиятли фарзандларни берди.

Муҳаммад Мубин қори ака ёшлари улғайиб қолган ота-онасининг хизматини адо этиш, оилани ҳалол ризқ билан таъминлаш мақсадида махсидўзлик, тери бўяш каби юмушлар билан шуғулланган. Терини лаклаб, айвон, сўри каби очиқ жойларда қуритишар, унинг тайёр бўлишига бир неча кун кетар экан. Агар шу муддат орасида шамол туриб ёки бир сабаб билан терига зарар етса, иш кейинги бозор кунига қолиб кетар экан. Бир сафар мана шу ҳол кетма-кет рўй берган. Натижада бир неча «бозор куни» бой берилибди. Тирикчиликнинг асосий манбаи бўлиб турган сабабнинг узилиб қолганидан, неча кунлик меҳнатининг қайта-қайта зое бўлганидан хафа бўлган қори ака бир кун шундай лутф билан хитоб қилган экан: **«Ҳаҳ, сен дунё! Мендан шунчалар қочяпсан-а?! Сен ҳали мени излайсан, мен сендан шундай қочаманки, мени қувиб ета олмассан. Мен сендан юзимни шундай ўгираманки, сен менга ҳали умримнинг охиригача зор бўласан!»**

У пайтда бу касб жиноят ҳисобланиб, шу сабабдан Қори ака анчагина моддий зиён ҳам кўрганлар. Бир та-

рафдан илмий ҳаракатга, иккинчи томондан иқтисодий ишларга бўлган тўсиқлар у кишининг ўз фолиятларини ўзгартиришларига сабаб бўлган.

1955–1956 йиллар Орс қишлоғидаги Аминжон махдум домланинг шогирдларидан баъзи мухлислар Мубин қори акани ўзларининг Баликчи қишлоғидаги деҳқончилик ерларига олиб кетишни таклиф қилишади. Шундан сўнг Муҳаммад Мубин қори ака умрларининг 13–14 йилини ўша чўлларда қовун-тарвуз экиш, ўз фарзандлари ва бир қанча яқин кишиларининг болаларига Қуръондан таълим бериш билан ўтказадилар.

Баъзан у киши: «Бу қовун-тарвузларни сотиб олаётган кишилар уларнинг қадрини билишмайди. Агар билишганида ҳар қандай қийматга сотиб олишар эди. Чунки бу қовун-тарвузлар уруғи ерга тушганидан бошлаб шу пайтгача Қуръон эшитиб пишган», – дея лутф қилиб қўяр эканлар. Зеро, у кишининг қўллари меҳнатда бўлса ҳам, ўзлари Қуръон ўқиш ва ўқитиш билан банд бўлар эканлар.

Қуръоний жасорат. Мубин қори ака уйланиб, фарзандли бўлганларидан сўнг ҳам Қуръони карим соҳасида изланиш, бу соҳани тараққий эттириш, шу йўлда хизмат қилишда ҳимматлари ортса ортган, пасаймаган.

1945–1947 (1364–1365) йиллар атрофида Аминжон махдум домла «Девонабой» масжидида имом-хатиб бўлиб хизмат қилган. Тахминан шу йиллар орасида бир издаҳом бўлади. Мажлисга шаҳрихонлик машҳур Қуръон устози Абдуқаҳҳор махдум домла раҳбарлик қиларди. Қуръон базми бошланади. Муҳаммад Мубин қорининг ҳам тиловат қилиб беришини таклиф қилишади.

Шунда Абдуқаҳҳор махдум домла «Унинг қироати ярамайди, батажвид эмас», – дея у кишига ўқитмай, навбатни бошқа қорига ўтказиб юборади. (Чунки Муҳаммад Мубин қори ака Набижон қори акада Қуръонни «форсий лаҳжа»да ёдлаган эди.) Аминжон махдум домлага бу гап оғир ботади.

Абдулқаҳҳор махдум домланинг бир қарашда салбий кўринган бу тадбири тез фурсатда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади, гўё ер бағрига санчилган найза дарахтга айланиб, мева туга бошлайди.

Аминжон махдум домла йиғиндан сўнг ўғлига ўша кундан бошлаб Имом Жазарийнинг «Муқаддима»сини мингта саноққа етказиб ёдлашини буюради. Вазифа тез кунда бажарилгач, махдум домла ҳофизи Қуръон ўғлини олиб, Шаҳобиддин қори аканинг ҳузурига олиб боради. «Муҳаммад Мубин қори Имом Жазарийнинг «Муқаддима»сини ёд олди. Унинг амалий татбиғини сиздан олса», – дея илтимос қилади. Зеро, Махдум домланинг қироат, тажвид илмларига бўлган муҳаббатлари, завқлари ҳам беқиёс эди. Фақат имкониятнинг торлиги бу ишнинг шу маҳалгача сурилишига олиб келган бўлса керак. Бу Қуръон шайдоси Шаҳобиддин қори акада Қуръони каримни мукаммал тажвид асосида қайта ўқиб етказгач, устоз шогирднинг лаёқатини тасдиқлаб, «ижозат» – ўқиш, ўқитишга рухсат беради. Зеҳнининг ўткирлиги, Қуръонга бўлган муҳаббати ва истеъдоди Муҳаммад Мубин қори аканинг устозлари ва барчанинг муҳаббати ҳамда эътиборини қозонишларига, оз фурсатда етук даражага эришишларига сабаб бўлади.

«Янги» Муҳаммад Мубин қори ака устозларидан ижозат олиб, оталарининг ҳузурида Қуръони каримни хатмга ўтиб беради. Шунда оталари: «Қуръонни ўқиш мана бундоқ бўлибди», – деб, хурсанд бўлган эканлар ва шундан сўнг Шаҳобиддин қори акага бош-оёқ сарпо ҳадя қилган эканлар.

Шаҳобиддин қори ака ва Муҳаммад Мубин қори аканларнинг қироатларини эшитган ҳар қандай киши уларнинг устоз-шогирд бўлганларини дарҳол фаҳмлайди.

Қуръоний ҳаёт. Инкор қилиб бўлмас ҳақиқат шуки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Муҳаммад Мубин қори акага Қуръони карим хизматида улкан баракот ато этган. Муҳаммад Мубин қори ака Андижонда катта Қуръон мактабига асос солганлар. У киши халқ орасида «Мубинхон қори ака» номи билан танилганлар. Мубинхон қори аканинг шогирдлари нафақат Ўзбекистон, балки Қирғизистон, Тожикистон, борингки, Ўрта Осиё бўйлаб кўпайиб борган. Андижон шаҳри эса «Қорилар шаҳри» деб танилган. Ҳозирги кундаги Ўзбекистон қориларининг кўпчилиги ўша зотнинг маънан авлодлари ҳисобланадилар.

Бу буюк хизматлар бутун сиёсатини исломга, Қуръонга душманлик асосига қурган собиқ Иттифоқнинг айни гупирган даврида бўлганини эсласак, уларнинг замирида нақадар улкан жасорат, буюк матонат ва оғир машаққат ётганлигини ҳис қиламиз. Бу ҳам бўлса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг **«Батаҳқиқ, Зикр (Қуръон)ни биз нозил қилдик, ва албатта, албатта уни биз ўзимиз сақлагувчидирмиз»**, – деган оятининг тасдиғи ва татбиғидан ўзга нарса эмас эди. Қолаверса, бу – Қуръони каримнинг биринчи оятлари нозил бўла бошлаганидан то шу кунгача уни йўқ қилишга, унга зарар етказишга уринганлардан бирортаси ўз мақсадига эриша олмаганлиги ва бундан кейин ҳам ҳаргиз эриша олмаслиги, бу иш оворагарчилик ва гуноҳ орттиришдан ўзга нарса бўлмаслигининг яна бир ҳаётий исботи эди. Инсон фарзанди учун эса Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни ўз ваъдасининг ижросидаги восита, сабаб қилиб олишининг ўзи шараф ва икром эканлиги жиҳатидан кифоя қилади. **«Ана ўша, Аллоҳнинг фазли. Уни кимга хоҳласа, беради. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир»**.

Мубинхон қори аканинг бу фазлга доҳил бўлиб қолишлари у зотнинг Аллоҳнинг Каломига бўлган муҳаббатлари, амалдаги ихлослари, тақво ва одоблари самараси бўлган бўлса, ажаб эмас.

Мубинхон қори ака 1948–1951 (1367–1369) йиллар орасида илмий фаолиятларини давом эттириш мақсадида оталарининг кўрсатмалари билан Бухородаги Мир Араб мадрасасига борадилар. У ерда шаръий илмларини ўстириш билан бирга, талабаларга Қуръондан дарс бериш билан ҳам шуғулланадилар.

Қори ака Бухорога кетишлари олдидан оталари Аминжон махдум домла ҳазратлари дуо қилиб, шундай дейди: «Ўғлим, сен табаррук масканлардан бирига кетмоқдасан. Модомики Бухорода бўлар экансан, Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий алайҳирраҳманинг зиёратига ҳар пайшанба боргин. Хуфтонни ўша ердаги масжидда ўқигин. Субҳгача ўша жойда Қуръони каримни хатм қилиб, Нақшбандий алайҳирраҳмага бағишлайсан. Аҳли фазл кишилардан

«Нақшбандий алайҳирраҳманинг қабрларида баъзи ажойиб ҳоллар бўлади, у ҳаммага ҳам аён бўлавермайди», деган гап бор, ажаб эмаски, Аллоҳ таоло сенга ўша фазлни ато этса».

Мубинхон қори ака айтади: «Мен падари бузрукворим айтганларидек қилганман. Нақшбандий алайҳирраҳманинг қабрларига осмондан нур иниб турганини бир неча бор кўрганман, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».

Бу воқеадан ҳам маълум бўладики, Аллоҳга яқин, солиҳ кишиларнинг қабрларини зиёрат қилишда уларнинг ҳақларига Қуръон тиловати, дуои хайрлар қилиниши лозим экан. Зиёратдан кўзланган мақсад ҳам, фазилат ҳам шунда ҳосил бўлар экан. Уларнинг қабрларини тавоф қилиш, уларга дуо қилиш, жонлиқ аташ айни тескари иш, беҳуда ҳаракат бўлиб, шаръан ва ақлан нодуруст экан.

Қори ака Бухородан қайтиб келгач, Девонабой масжиди орқасидаги хонадонда истиқомат қилувчи Қосим Эшон поччада мутолаани давом эттирадилар.

Мубинхон қори ака жуда меҳнаткаш, дид ва фаросат соҳиби ҳам эдилар. Ҳатто иморат ишлари, лой тайёрлаш, гувала, ғишт қуйиш ва шу сингари ишларда ҳам алоҳида билим ва маҳоратга эга эдилар. Шогирдларига бу борада ҳам устозлик қилар эдилар. Фарзандлари, ҳатто шогирдларининг нафақат илмий, балки молиявий фаолиятларини ҳам эътибордан четлатмас, доимо уларга ғамхўрлик кўрсатар эдилар. Оиланинг ҳалол таъминоти учун ҳар қандай машаққатни кўтарар, авлодларини ҳам ҳалоллик, поклик ва самимийликка ўргатар эдилар. Ўзлари полвонтабиат бўлишлари билан бирга фарзанду, шогирдларни ҳам соғлом ва мерган бўлишга ундар эдилар. Ҳатто баъзан янги шогирд қабул қилишда уни кураш билан ҳам имтиҳон қилар эдилар.

Андижоннинг энг етук сиймоларидан бири, ушбу диёрга Қуръони карим нурини таратиб турган порлоқ қуёши 1979 йил 10 март (1399 йил 4 зулҳижжа), якшанба оқшомида Аллоҳнинг амри билан бу дунёни тарк этади. Мубинхон қори аканинг Каломуллоҳга ошиқ руҳи Аллоҳнинг ҳузурига йўл олар экан, бу руҳни яқин 67 йил ўзида олиб юрган муборак жасад Андижондаги Якхон Шайх қабристонига душанба куни қўйилади.

Жаноза уйда ўқилади. Жанозага катталарнинг маслаҳати билан «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси» номидан келган меҳмон Пўлатжон қори ака имом бўлади ва таъсирли, балоғатли бир мавъиза қилиб беради. Барча Қуръон ва илм аҳли устози киромнинг ҳақларига тўхтовсиз тиловату, дуойи хайрлар қиладилар.

Мубинхон қори ака умрларининг кейинги даврларида келажак авлод учун ёдгорлик сифатида овозларини бир неча магнит тасмасига ёзиб қолдирганлар.

Раҳматуллоҳ қори (1917–1981). Раҳматуллоҳ қори Абулқосим ўғли 1917 йил 15 майда (1335 йил 24 ражаб) Андижон шаҳрида ҳунармандлар оиласида таваллуд топганлар. Оналарининг исми Ҳалимахон бўлган.

Раҳматуллоҳ қори ака ўн икки ёшларида акалари Неъматуллоҳ қори акада Қуръон ёдлашни бошлаганлар ва 24–25 ёшларида Ҳофизи Қуръон бўлиб етишганлар. Йигирма олти ёшларида уйланганлар. Кейинроқ Қуръони Каримни Шаҳобиддин қори акада қайта ўтказиб, қироат ва тажвидларини такомиллаштирганлар. 1967 (1386–1387) йили Покистоннинг Карачи шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон қорилар кўригида 2-ўринни эгаллаганлар.

Раҳматуллоҳ қори ака ўз даврида Андижоннинг энг машҳур қориларидан бўлганлар. Андижонлик аллома Абдулмажид қози домла Раҳматуллоҳ қори аканинг қироатларига баҳо берар экан: «Болам, Қуръони каримни бир йўла маъноси билан ўқийсан-да», – деб қўяр эдилар.

Раҳматуллоҳ қори ака алайҳироҳма ҳижрий 1981 йил 12 сентябрда (1401 йил 11 зулқаъда) оламдан ўтдилар. Тириклик чоғларида Қуръон нурини дилларга таратиб ўтган устозимиз Раҳматуллоҳ қори аканинг қабрларини ҳам Аллоҳ таоло Қуръон нури билан мунаввар айласин. Омин!

Абдулмалик қори («Булбул қори»). (1937–1975). Абдулмалик қори ака 1937 йил 5 майда Андижон вилояти, Ҳаққулобод шаҳрида таваллуд топганлар.

Абдулмалик саккиз ойлик пайтида онаси Шукринисохон туш кўради. Тушида бир нуроний киши (уни фаришта деб билади) келиб, қўлидаги бир ҳовуч тиллани унга уза-

тар экан: «Буни олиб, болани менга бер, мен уни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетаман», дейди. Она қаттиқ қўрқиб, уйғониб кетади ва бехосдан ёнидаги бола ётган бешикни қучоқлаб олади. Сўнг кўрган тушини эрига айтиб беради. Абдураҳим уни тинчлантиришга ҳаракат қилади. Шукринисохон она Ойимга келганида қишлоқнинг илмли ва фазилатли аёли Ойимхон отинга тушида кўрганларини айтиб беради. Ойимхон отин: «Бунда бир ҳикмат бор, ҳали Худо хоҳласа бу бола хосиятли одам бўлади», дея тушга яхши таъбир айтиб, онага далда беради.

Аллоҳ таоло Ўз илоҳий ҳикмати билан бандага бирор эшикни ёпса, ўрнига бошқа бир неча эшикларни очиб қўяди. У зот Абдулмаликка ҳам унинг кўз нурини олиш эвазига бир қанча неъматларни ато этган эди. Абдулмалик ниҳоятда истеъдодли, зийрак, эшитган ҳамма нарсасини ёдлаб олиш қобилиятига эга инсон бўлиб вояга ета бошлайди. Боладаги истеъдодни сезган отанинг кўнглига ўғлини Ҳофизи Қуръон қилиш иштиёқи тушади ва 5 ёшли Абдулмаликни ҳамқишлоғи Абдулаҳад қорига Қуръон таълими учун олиб бориб: «Буни сизгина тарбия қила оласиз», дея устозга бўлган ишончини изҳор қилади. Чунки устоз ҳам ёшлигидан кўзи ожиз эди…

Бола устозга кўниккунича опаси уни устоз хонадонига олиб бориб, олиб келиб туради. Кейинроқ у ўша жойда қолиб ўқийдиган бўлади.

Абдулмаликни ўқитиш аввалига қийин кечади, аммо бир оз бардавомликдан сўнг юришиб кетади. Бу орада устоз Абдулаҳад қори ака Жалолободга яшаш учун кўчадиган бўлиб қолади ва шогирди Абдулмаликни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Абдулаҳад қори ака ниҳоятда қаттиққўл устозлардан эди. Кўзи ожиз бўлса-да, вақти-вақти билан шогирдларига ҳассаси билан дўқ-пўписа қилиб турарди.

Устоз Абдулмаликка Қуръони каримни оятма-оят таълим берарди. Аввал бериладиган дарсни уч марта ўқиб берар, орадан ўн дақиқалар чамаси ўтказиб, яна икки-уч марта ўқиб эшиттирар, шогирд эса олган сабоғини эсда олиб қолиб, 300–400 маротаба мустақил такрорлар, сўнг устозга

топширарди. Шу билан бирга, оятлар тўпланиб, бир рубъ (бир поранинг тўртдан бири) бўлганда уларни жамлаб ўқиб берар, иккинчи рубга етгач, иккисини қўшиб, ярим пора қилиб, кейинги ярим пора ҳам тугагач эса бир порани тўлиқ ўқиб топширар эди. Янги порани бошлашдан аввал ёд олиб бўлган барча сураларни бир қатор такрорлаб, мустаҳкамлаб олиб, сўнг навбатдаги порага ўтарди. Шу боис у Қуръондан қанча ёд олган бўлса, ҳаммасига доимо тайёр эди.

Кейинроқ устоз Абдулмаликка бир қўй олиб бериб, унинг парваришини ҳам ўзига юклади. Ёш шогирд кўзлари ожиз бўлса-да, яйловдан ўт ўриб келиб, қўйни боқарди. Қизиғи шундаки, агар бола ўриб келган ўтдан икки-уч донаси олинса ҳам, ушлаб кўриб, унинг камайиб қолганини дарҳол сезарди. Қўй етилганда устоз уни сотиб, пулини Абдулмаликнинг ўзига сарфларди.

Шу зайлда олиб борилган таълим натижасида Абдулмалик тўққиз (ёки ўн) ёшида Қуръони каримни тўла ёд олишга мушарраф бўлади. Мулла Абдураҳим ўғлининг қори бўлганлиги муносабати билан катта бир издаҳом қилиб, элга ош беради ва устозини ҳам иззат-икром қилиб, розилигини олади. Унинг иккинчи бор қамалишига айнан шу ҳаракати, яъни ўз фарзандига диний таълим берганлиги сабаб бўлган. Юқори идораларга баъзи номаълум шахслар томонидан бу ҳақда маълумотлар етказиб турилган. Издаҳомнинг эртасига Абдураҳимни уйидан олиб чиқиб кетишади ва унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, беш йил озодликдан маҳрум этилади. У жазо муддатини уч йилда ўтаб, 1949–1950 йилларда уйга қайтади.

Абдулмалик ниҳоятда зийрак, пухта қори бўлиб етишган эди. У Ойимга қайтиб келганида қишлоқдаги илмли аёллардан бири Баҳринисо отинга Қуръонни тўлиқ ўқиб беради. Баҳринисо отин боланинг ҳеч қандай хатосиз, тутилмай ўқишини кўриб, уни эҳтиёт қилиш, кўз тегиб қолишидан асраш мақсадида: «Болам, ҳеч бўлмаса бир-икки адашиб қўй», – дер, ёш қори эса: «Нега адашар эканман», – дея, яна ўқишда давом этарди. Кўпни кўрган отин холанинг кўнгли ниманидир сезгандек, боланинг ота-оналарига: «Бу бола Қуръонни ҳеч ҳам адашмай ўқиди, уни қирқ ёшигача

ниҳоятда эҳтиёт қилинглар. Қадимгилар Қуръонни адашмай ўқиган бола ҳақида шундай дейишарди», – деб тайинлаган экан.

1953 ёки 1954 йили Абдураҳим ака ўғли Абдулмалик қорини олиб, қариндошлардан бирининг вафоти сабабли фотиҳа ўқиш учун Тошкентга келади. Улар жума намозини ўқиш мақсадида Хастимом масжидига киришади. Намоз вақти киришига оз вақт қолганда масжидга муфтий Эшон Бобохон ҳазратлари ва у кишининг ўғиллари Зиёвуддин қори ака ҳам кириб келадилар. Зиёвуддин қори ака маъруза қилади ва жума хутбасини ўқиб бўлгач, намозга имомликка ўтади. Намоз ўқиб бўлингандан сўнг одатдагидек, бир қори тиловат қилади. Шу пайт биринчи сафнинг чеккасида, девор олдида кўзи ожиз ўғлини ёнига олиб ўтирган Абдураҳим ака ўрнидан туради ва имомга юзланиб: «Бизнинг бир қори ўғлимиз бор, рухсат берсангиз, у ҳам тиловат қилиб берса, ҳаққига дуо қиларсизлар», – дейди. Ижозатдан сўнг Абдулмалик қори Ар-Роҳман сурасидан ўқиб беради. Унинг тиловатидан одамлар қаттиқ таъсирланадилар. Зиёвуддин қори ака Абдулмалик қорининг кўзлари ожиз эканлигини кўриб, шу ҳолида мана шундай етук қори бўлганини ибрат қилиб кўрсатиб, нутқ сўзлайди. Бу нутқ бутун жамоатни ларзага келтиради. Абдулмалик қори масжид четида бўлганлиги сабабли Қуръонни микрофонсиз ўқиган эди. Одатда, икки-уч оят тиловатдан сўнг тарқалиб кетадиган жамоат кўпчилик яхши эшита олмаганини айтиб, яна микрофонда тиловат қилиб беришини илтимос қилишади. Қори яна ўқий бошлайди. Масжид намозхонларнинг йиғисига тўлади, ҳеч ким ўрнидан қимирламасдан, Қуръон тиловатини тинглайди. Одамларнинг талабларига кўра қори учинчи бор ҳам ўқиб беради. Сўнг яна илтимос қилишади, лекин Зиёвуддин қори ака унамайдилар. Жамоат Қуръон лаззатига тўймай, тарқалади…

Абдулмаликнинг қироати, хусусан, Эшон Бобохон ҳазратларига жуда ҳам манзур бўлган эди. Шу боис у зот мулла Абдураҳимдан қорининг таровеҳда хатмга ўтиб беришини сўраб, шахсан ўзлари илтимос қиладилар. Рамазон ойининг бошланишига саноқли кунлар қолган эди. Улар

таклифни мамнуният билан қабул қиладилар ва муфтий ҳазратларининг азиз меҳмони бўладилар.

Рамазоннинг биринчи кечаси таклиф қилинган устоз қорилар хатмни бошлаб берадилар. Учинчи тасбеҳ (тўрт ракат)да навбат Абдумалик қорига берилади. Қори ака келган жойдан давом эттириб, ўқий бошлайдилар. Уларнинг қироатлари бутун жамоатни тўлқинлантириб юборади. Намоздан сўнг салом беришлари билан Эшон Бобохон ҳазратлари: «Қолганини ҳам шу бола ўқисин», – деб марҳамат қилдилар ва Абдулмалик қорининг ўқишини булбулнинг сайрашига қиёслаб, унга «Булбул қори» деган «унвон» берадилар. Бошқалар ҳам уни шундай номлашлари лозимлигини айтадилар. Шу-шу бу ном қорига лақаб бўлиб қолади. Хатмнинг иккинчи куни бошқа қориларга жавоб берилади.

Шундан сўнг Абдулмаликнинг тарбияси билан Муфтий ҳазратлари – Зиёвуддин қори ака ҳам шуғуллана бошлайдилар. У киши Абдулмалик қорининг Тошкентда юриб араб, форс ва рус тилларини ўрганишини таъминлаб берадилар.

Абдулмаликнинг зеҳни ниҳоятда ўткир бўлиб, олган маълумотларини тез ўзлаштирар ва ўрганганларини мутлақо унутмас эди. Унинг тил ўрганишида радио-транзисторнинг ҳам роли катта бўлган. У радио орқали бериб бориладиган араб ва рус тилидаги эшиттиришларни, хусусан, дунё хабарларини мунтазам кузатиб борарди. Шунингдек, спорт янгиликларига, айниқса, футбол чемпионатлари хабарларига жуда ҳам қизиқарди. Машҳур футболчиларни яхши танир, уларнинг қачон, қандай ўйинлар қилганини ёддан биларди. Унинг радио орқали бериладиган футбол хабарларини эшитаётганини кўрган ўртоқлари: «Ҳа, Қори, футбол кўряпсизми?» – деб ҳазиллашиб ҳам қўйишарди.

У вақтларда овоз ёзиш ва эшитиш ускуналари асосан радио ва пластинкали магнитофонлар ҳисобланарди. Абдулмалик қори тинимсиз ўз устида ишлар, бор имкониятлардан унумли фойдаланар эдилар. У киши радио ва пластинка ёрдамида қироатларини ҳам мукаммаллаштириб борар эдилар.

Абдулмалик қори ака Зиёвуддин қори аканинг тавсияси билан Тошкентдан ташқари Сурхондарё, Душан-

бе ва Бишкек шаҳарларида ҳам Рамазон ойидаги таровеҳ намозларида хатм қилиб берар эдилар. У киши бир йили Самарқанддаги Имом Бухорий масжидида ҳам ҳатмга ўтган.

Абдураҳим ака колхозлаштириш муносабати билан бошланган қатағон даврида Ойим қишлоғидан қочиб бориб, Тожикистонда қўним топган душанбелик Исоқжон бойдан ўз қизини Абдулмалик қорига беришини сўрайди. 1960 йили аввал Душанбеда, кейин Ойимда тўй қилиб, келинни қишлоққа олиб келишади.

Қизнинг исми Маҳфузахон бўлиб, ниҳоятда ибодатли, итоатли, гўзал фазилатларга эга аёл эди. У ўз жуфти ҳалолининг атрофида парвона бўлиб хизмат қилар, яна дўппи тикиб, рўзғорга кўмаклашар эди. Уларнинг оиласида бир қиз, уч ўғил дунёга келади.

1968 йили Мисрдаги Ал-азҳар университети раҳбари Шайх-ул Азҳар бошчилигида келган меҳмонлар ичида дунёга машҳур Миср қориларининг Шайхи Маҳмуд Халил Ҳусорий Тошкентга ташриф буюрганида Зиёвуддин қори ака Абдулмалик қори акани пойтахтга чақиртиради. У киши меҳмонлар билан бир неча кун бирга бўлиб, Камолон масжидидаги йиғилишда Қуръон ўқиб берадилар. Халил Ҳусорий Абдулмалик қори аканинг қироатидан таъсирланиб, тебраниб ўтириб тинглайди ва тиловат тугагач: «Аҳсанта» – «Яхши, зўр ўқидинг», деб унга таҳсин айтади. Меҳмонлар ўз юртларига қайтиш учун Тошкент аэропортига келишганда уларни кузатишга келган мезбонларнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Улар билан хайрлашиб, самолётга чиқиб кетаётган Шайх Халил Ҳусорийнинг кўзи мезбонлар орасида турган кўзи ожиз Абдулмалик қори акага тушади ва орқага қайтиб келиб, уни қучоқлаб, бир зум бағрига босиб туради. Сўнг кўзлари ёшга тўлган ҳолда хайрлашади.

Абдулмалик қори ака 1970 йил январь ойида маҳалладошлари Ҳабибуллоҳ ака Нуриддиновнинг ташаббуси билан Қуръони каримни тўлиқ ўқиб, магнит тасмасига ёздиради. Қори ака ҳар куни шогирди Нуруллоҳ қори ҳамроҳлигида Ҳабибуллоҳ аканикига чиқар, бир-бир ярим

порани ўқиб, тасмага ёздирар, шогирд унинг қироатини мусҳафга қараб, кузатиб турар, Ҳабибуллоҳ ака эса уларнинг хизматида бўлар эди. Шундай қилиб, 5 январда бошланган ҳатм шу ойнинг охирида ниҳоясига етади. Бизга етиб келган маълумотларга қараганда, ушбу ҳатм ўзбек қорилари тарихида Қуръони каримнинг тўлиқ тиловатининг тасмага ёзилган илк намунаси бўлган.

1974 йилнинг 20–26 август кунлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг таваллудига қамарий ҳисобда 1200 йил тўлиши муносабати билан Самарқанд шаҳрида «Имом Бухорий ва ҳозирги замон» мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилади. Унда юртимизнинг кўзга кўринган уламолари, қорилари билан бир қаторда дунёнинг йигирма етти давлатидан ташриф буюрган энг машҳур уламолар ва диний арбоблар ҳам иштирок этадилар. Анжуманда бошқа қорилар қатори Абдулмалик қори ака ҳам тиловат қилиб берадилар.

У киши форс-тожик ва рус тилларини ниҳоятда яхши билар, уларда ўз тилида сўзлашгандек сўзлашардилар. Шунингдек, Абдулмалик қори ака араб тилини ҳам пухта ўрганган, араб тилидаги эшиттиришларни ва китобларни қийналмай таржима қилар эдилар. У киши устозлари Абдулаҳад қори акадан Қуръондан ташқари, фиқҳий масалалардан ҳам таълим олган бўлиб, ҳатто устозлари Абдулмалик қори акага ўзи ўргатган илм асосида фиқҳий саволларга жавоб беришга ҳам ижозат берган эди.

Абдулмалик қори ака бир қанча шогирдлар ҳам тарбиялаганлар, уларнинг айримлари ҳофизи Қуръон бўлганлар. У кишининг Қирғизистон, Тожикистон томонларда ҳам шогирдлари бор эди. Таълим беришни кўпинча саҳар чоғида ташкил этар эдилар. Абдулмалик қори ака Қуръон ўқитишда, айниқса, тажвид қоидаларига амал қилишда ниҳоятда талабчан эдилар. Айрим шогирдларнинг айтишларича, улар «Басмала»нинг ўзини ўрганиш учун ўн беш кун устоз ҳузурига қатнаган эканлар.

Душанбелик Саид Нуъмон, Абдурауф, андижонлик Абдурауф ва Нуруллоҳ қорилар унинг кўзга кўринган шогирдларидан бўлганлар. Шунингдек, у кишидан Тошкент

ва Андижон шаҳарларидаги айрим ўз даврининг мансабдор шахслари ҳам таълим олишган.

Абдулмалик қори ака бир сафар Тошкентга келганларида қоринлари атрофида қаттиқ оғриқ туради ва Ойимга қайтадилар. Бу воқеа 1975 йилнинг 26 февралида рўй берган эди. Тун ярмида оғриқ кучайгач, «тез ёрдам» чақиришади. Шифокорлар беморни аввал Жалақудуққа, кейин Оламушук шифохонасига олиб боришади. Унинг кўричак касаллиги билан оғриганлиги аниқлангач, зудлик билан жарроҳлик столига ётқизишади. Аммо операция оғир кечади. Яра ўрнининг битиши ҳам қийин бўлади. Беморнинг қонида қанд миқдори кўпайиб кетганлиги дард устига чипқон бўлади. Шу ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлиб, Абдулмалик қори аканинг соғлиқлари кундан-кунга оғирлашиб боради. У киши гоҳ ўзларига келар, гоҳ ҳушларини йўқотардилар. Андижондан чақиртирилган шифокорлар беморни ўзлари билан шаҳарга олиб кетишади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Қори ака ўша шифохонада вафот этадилар.

Абдулмалик қори ака 39 ёшда, 1975 йил 9 март, якшанба куни охират диёрига сафар қиладилар. Жанозага келганларнинг сонини аниқлаш қийин эди. Турли жойлардан олиму фузалолар, устозу қорилар, мухлис инсонлар келишган, уларнинг кўз ёшлари тинмасди. Андижон шаҳридаги «Девонабой» марказий масжидининг имом-хатиби, Ҳофизи Қуръон, олим Ҳабибуллоҳ ҳожи дада йиғилган жамоатга тасалли бериб, мавъиза қиладилар ва жаноза намозини ўқиб берадилар.

Абдулмалик қори аканинг ўлимлари у кишининг яқинлари, дўстлари, мухлислари ва барча илм ва Қуръон аҳли учун ниҳоятда оғир мусибат бўлди. Бир нечта шоирлар ва шогирдлар томонидан марсиялар битилди. Воизлар мавъизалар айтдилар, қорилар хатми Қуръонлар қилиб, марҳум руҳига бағишладилар.

Биз қуйида мазкур марсиялардан бирини – Тошкентда истиқомат қилиб, вафот этган марҳум Салоҳиддин қори аканинг марсиясини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Унда шоир марҳум Абдулмалик қори аканинг фазлларни ниҳоятда ажойиб йўсинда ифода этган. Марсия матни чет эл

сафарида бўлиб, жанозада қатнаша олмаганлиги учун бир неча кундан сўнг фотиҳа ўқиш мақсадида марҳум хонадонига ташриф буюрган Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларининг овозларидан ёзиб олинган.

Салоҳиддин қори ака марсияси

Дариғо, булбули гўё учибдур бу гулистондан,
Эсиз, дурдонаи марғуб заминга тушди маржондан.
Саховат аҳли маҳрум бўлдилар бу яхши меҳмондан,
Жудо бўлмиш халойиқ хушсадо қориййи хушхондан,
Демишлар, алфироқу алфироқ, бағри эзилгондан.

Нидои «иржиъи» бирлан чақирмиш хожаси қулни,
Ажал сайёди сайд этди чамандан яхши булбулни.
Севиб қўйнига олди боғбон гулшанда бу гулни,
Туширди қалбимизга бу каби ҳижрони мушкулни,
Эди дилларга равнақ бахш этувчи чин ғазалхондан.

Тиловатга чиқорган эрди тилнинг комини қайраб,
Жило бергай эди дилларга у тўти каби сайраб.
Ҳама эл истимоъ айлар эди атрофида яйраб,
Илоҳий, руҳи покин яхшилар ёнида қил, ё Раб,
Муаттар айласин қабрини Тангрим ровҳу райҳондан.

Бузилди режаи матлаб чиқиб жадвал ҳисобидан,
Мақосид акси мавжуд ўлди даврон инқилобидан.
Қабули ҳусн ила топширди жон чекмай азобидан,
Сезолмай қолди ғайрилар анинг берган жавобидан,
Нечукким, ваъдаи Ҳақ аҳли Қуръон аҳли иймондан.

Ажаб маҳбуб эдинг, эл ичра кўп эрди харидоринг,
Касадлик кўрмади ҳаргиз азиз умрингда бозоринг.
Шариат услубидан ҳеч тажовуз этмади коринг,
Дилинг сандуқин очдинг, баҳра берди элга ийсоринг

Дилингда нақш ўлиб мусҳаф, тилингда эрди зикруллоҳ,
Ҳамон қабрингда мунисдир муқаддас бу Каломуллоҳ.
«Вала таҳзан, вала ховфан» эрур бу ваъдаи Аллоҳ,
Гувоҳинг оятуллоҳ бўлса, келгай номанг ўнг ёндан.

Басорат лаззатидан дунёда сен бенасиб эрдинг,
Фазилат боисидан кўп улуғларга қариб эрдинг.
Хусусан барча аҳбобингнинг қалбида ҳабиб эрдинг,
Мужаввид ҳам муфарриҳ, эл аро машҳур адиб эрдинг,
Ҳамиша яхши олқишлар етарди ҳар мусулмондан.

Ўқирдинг Ҳақ Каломини ажойиб хуш фасоҳатла,
Таъаннийю, тадаббур, жумла-жумла, оят-оятла.
Хусусан эҳтимоминг ҳарфу махражга риоятла,
Ажамдан то араб манзури хос ўлдинг тиловатла,
Чиқиб «аҳсанта-аҳсанта» садоси сенга ҳар ёндан.

Сенга мотам тўнин кийди тамоми аҳли Фарғона,
Мукаллаф бўлди руҳинг даргаҳи олийга меҳмона.
Малаклар пешвоз айлаб сени еткурди осмона,
Кўтарса рутбанг аълога эрурсан анда шодона,
Шафоат этгуси Қуръон агар изн ўлса Яздондан.

Тамоми ёру дўстинг хулқи хуш бирла яқин тортдинг,
Аларнинг кўнглига то борҳо меҳрингни ўрнатдинг.
Ҳамиша яхши афъолинг билан суҳбатга ўргатдинг,
Умуман бу жаҳонга сен келиб-кетмоқни ўхшатдинг,
Ҳама афсусда қолди, айрилиб сендек қадрдондан.

Отанг бирлан онанг сенсиз қоронғу бўлди рўзғори,
Етим қолди зану фарзандларинг, кимларни даркори.
Табассум бирла турган суратинг кетмас, аё Қори,
Лабинг очсанг такаллумга эди шуҳду-шакар жори,
Тилингда вирд ила машқинг ҳамиша эрди Қуръондан.

Ҳаётинг икки тўрт, уч ўн баҳорни сабзазор этмиш,
Хирад мисраъ ичинда фавти тарих ёдгор этмиш.
Чаман япроғи ..... булбул гузор этмиш,
Кечиб ўз ошиёнидан сафарни ихтиёр этмиш,
Тилаб оқ йўл Салоҳий «фи амониллоҳ» деди жондан.

Абдулаҳад қори дада 1880–81-йилларда Андижон шаҳрида таваллуд топган. Етти ёшда ҳофизи Қуръон бўлган. Унинг кўзида қандайдир касаллик бор бўлиб, 13–14 ёшга

етганда отаси Қушназар ҳожи уни бир хизматкори билан бирга даволатиш учун Петербургга жўнатади. Аммо у ерда ўтказилган жарроҳлик амалиёти сабабли бир йўла икки кўзи ҳам ожиз бўлиб юртига қайтади. Шунга қарамай, у ўз даврининг етук олими бўлиб етишади. Қатағон йиллари Ойимга қочиб бориб, ўша ерда жон сақлайди. Умрининг сўнгги йилларида Жалолободда яшайди ва ўша ерда вафот этади. У зот бизнинг қаҳрамонимиздан ташқари яна 3–4 та кўзи ожиз ва кўплаб кўзга кўринган қориларни тарбиялаган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф хазратлари 1952 милодий сана 15 апрель куни Андижон вилоятида таваллуд топганлар.

Ўрта мактабни тугатгач, Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасига ўқишга кирдилар. Сўнгра Тошкентдаги имом Бухорий номли Ислом олий маъҳадида таҳсилни давом эттирдилар. Олий маъҳадни битиришлари биланоқ «Совет шарқи мусулмонлари» журналида ишладилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф хазратларини Ливияга ўқишга юборди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари мазкур таҳсилни 1980 милодий санада имтиёзли тамомлаб, юртга қайтдилар. Сўнгра шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг ташқи алоқалар бўлимида ишлаб, айни пайтда Олий маъҳадда дарс бердилар. Кейин мазкур маъҳадда мудир ноиби, сўнгра мудир лавозимларида ишладилар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари диний идоранинг 1989 йилда бўлиб ўтган Умумий қурултойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси муфтийси лавозимига тайинландилар. Шайх ҳазратлари мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи муфтийси бўлдилар.

Шайх ҳазратлари сўнгги йилларда илмий ҳамда диний маданиятни ошириш борасидаги фаолиятларга ўзларини бағишлаганлар.

Шайх ҳазратлари қуйидаги халқаро ташкилотларнинг аъзосидир:

1. Маккаи Мукаррамадаги «Бутун Дунё Ислом Робитаси»нинг таъсис мажлиси аъзоси.

2. Бутун дунё тасаввуф уюшмасининг аъзоси.

3. Бутун дунё Исломий халқлари бошқарувининг бош котибияти аъзоси.

4. Бутун дунё даъват уюшмаси аъзоси.

5. Бутун дунё Уламолари кенгаши уюшмаси аъзоси.

6. Исломобод шаҳридаги Бутун дунё Ислом уюшмаси аъзоси.

7. Маккаи Мукаррамадаги Бутун дунё муфаккир уламолари йиғинининг ижроия қўмитаси аъзоси.

8. Бутун дунё масжидлар уюшмасининг аъзоси.

9. Иорданиядаги Оли Байт муссасасига қарашли Исломий фикрлар академияси аъзоси.

Шунингдек, шайх ҳазратлари Миср Араб Республикаси, Ливия Жамоҳирийяси ва Россия Федерациялари каби қатор давлатларнинг фахрий унвон ва мукофотлари билан тақдирланганлар.

Абдурашид қори Баҳромов – 1953 йил 8 январда Андижон шаҳрида туғилган, бошланғич диний таълимни падари бузруквори Абдулмўмин қоридан ўрганиб, 16 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олган, 1975–1979 йиллари Бухородаги Мир Араб мадрасасида, 1979–1981 йиллари Тошкент Ислом институтида таҳсилни давом эттирди. 1979–1997 йиллари Тошкент Ислом институтида мударрис ҳамда «Тилла шайх» жомъе масжидида имоми хатиб бўлиб хизмат қилди. 1997 йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфти лавозимига сайланди. Миср Араб Республикасининг Ал-Асхар университети малака ошириш курсида таҳсил олди. 2006 йили апрель ойида Миср Араб Республикасида ўтказилган анжуманда Ал-Атхар университетининг фахрий талабалигига қабул қилинди.

Мамлакатимизда ислом динининг асл моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш йўлида фидокорона меҳнат қилган, ҳофизи Қуръон Абдурашид қори Баҳромов қисқа ва сермазмун ҳаёти давомида кўп ҳайрли ишларга бош бўлди. Ул зотнинг хулқлари Қуръон билан зийнатланган эди. Қайси ҳолатда бўлмасин, одамларга очиқ чеҳра, ёруғ юз

билан муомала қиларди. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва миллий диний қадриятларимиз тарғиботига бағишлаб ўтказилган кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда иштирок этиб, маърузалар қилди.

Етук диний арбоб, ханафийликка оид асарлари ва савобли ишлари билан нафақат республикамизда, балки ислом оламида катта обрў-эътибор қозонган Абдурашид қори Баҳромовнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси мўмин-мусулмонлар қалбида ўчмас из қолдирди. У зотнинг фаолияти ислом динига ва мусулмонларга хизмат қилишнинг юксак намунаси эди. Ҳазратнинг ватанпарварлик, ҳалоллик, ҳақгўйлик ва эзгулик тамойилларига ҳамда ханафийлик тарғиботига йўғирилган намунавий ҳаёт йўли барчамизга катта ибрат мактаби бўлиб қолаверади. Абдурашид қори узоқ касалликдан 2011 йил 26 октябрда вафот этди. Аллоҳ таоло ул зотнинг охиратларини обод айласин.

Ҳасанхон қори Яҳёхон қори ўғли – 1981 йил 12 январда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 13 ёшида Қуръони каримни тўла ёд олган. Кўп йиллардан бери масжидларда мўмин-мусулмонларга таровеҳ намозларида Қуръонни ҳатм қилиб келмоқда. Ҳасанхон қори 2005 йил Саудия Арабистони Қироллиги Маккаи Мукаррама шаҳрида ўтказган халқаро Қуръон мусобақасида қатнашиб, юртимиз шаънини ҳимоя қилиб келди. 2009 йил Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан ўтказилган 19-Қуръон мусобақасининг республика босқичида биринчи ўринни олди. 2012 йили Тошкент Ислом институтини тамомлади. Ҳозирда Тошкентдаги Тўхта Бойвачча жоме масжиди ноиби вазифасида хизмат қиляпти. Юртимизда чоп этилаётган «Олтин Силсила» туркуми таҳрир ҳайъати аъзоси.

Ҳусанхон қори Яҳёхон қори ўғли – 1981 йил 12 январда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 13 ёшида Қуръони каримни тўла ёд олган. Кўп йиллардан бери масжидларда мўмин-мусулмонларга таровеҳ намозларида Қуръонни хатм қилиб келмоқда. Ҳусанхон қори Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан ўтказилган 2002 йилги Қуръон мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаб, умра сафари йўлланмаси билан мукофотланган. 2003 йил Эрон Ислом

Республикасида бўлиб ўтган халқаро Қуръон мусобақасида қатнашиб, юртимиз шаънини ҳимоя қилиб келди. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси томонидан ўтказилган 20-Қуръон мусобақасининг Республика босқичида биринчи ўринни олган. 2012 йили Тошкент Ислом институтини тамомлади. Ҳозирда Тошкентдаги Хўжа Аламбардор жоме масжиди ноиби вазифасида хизмат қиляпти. Юртимизда чоп этилаётган «Олтин Силсила» туркуми таҳрир ҳайъати аъзоси.

Илму фан заҳматкашлари. Истиқлол йилларида Андижон Ўзбекистоннинг илмий марказларидан бири бўлиб қолди. Президент Ислом Каримов юрт мустақилликка эришган экан, бундан буён илму фан ва Олий таълим бутун республика бўйича ривож топиши керак, бунда марказ ва чекка минтақада бу жараён бир хил тараққий этиши кераклигини таъкидлаган. Бу деган сўз ҳар бир вилоятда фан ҳам, олий таълим ҳам бир маромда ривожланиши демакдир. Собиқ шўролар даврида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари олий ўқув юртларининг биронтасида диссертация ҳимоя қилинадиган Ихтисослашган кенгашлар йўқ эди. Мустақиллик йилларида биргина Андижон шаҳридаги Олий ўқув юртларида 3 та Ихтисослашган илмий кенгаш самарали фаолият кўрсата бошлади. Бири Андижон Тиббиёт институти профессори Мамазоир Хўжамбердиев раислигида тиббий фанлар бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қиладиган Ихтисослашган кенгаш бўлиб, унда кўплаб номзодлик диссертациялари ҳимоя қилиниб олимлар сафига янги-янги тадқиқотчилар қўшилди.

1993 йил 26 мартида Бобур номли Андижон давлат университетида Ватан тарихи мутахассислиги бўйича профессор Р.Т.Шамсутдинов раислигида Ихтисослашган кенгаш очилди. Кенгаш 1993–1998 ва 2005 йилда фаолият кўрсатди. Бу кенгаш орқали Ватан тарихи мутахассислиги бўйича 20 га яқин диссертациялар ҳимоя қилинди. Андижон, Тошкент, Навоий, Қарши шаҳридаги олий ўқув юртларида ҳозирда проректор, декан, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатаётган тарихчи олимлар айни Андижон давлат университетидаги Ихтисослашган кенгашда диссерта-

ция ҳимоя қилганлар. Иқтисод фани йўналиши бўйича Андижон иқтисодиёт ва муҳандислик институтида Ихтисослашган кенгаш қисқа муддатда бўлса-да фаолият кўрсатди. Андижон олий ўқув юртларида магистратура, аспирантура ва докторантуралар очилиши ва фаолияти ҳам вилоят илмий салоҳиятини кўтаришда муҳим роль ўйнади.

Андижонлик иқтидорли олимлар республика марказидаги Ихтисослашган Кенгашларга ҳамда Олий аттестация комиссиясига аъзо бўлганликлари ҳам вилоятдаги илмий салоҳиятни кўтаришда муҳим омиллардан бири бўлди.

Андижонда Бобур ва бобурийларнинг бой ва бетакрор меросини ўрганиш борасида ҳам илм кишилари томонидан мустақиллик йилларида ибратли ишлар амалга оширилди. Бу ўринда табиатшунос олим, юртпарвар, ватанпарвар, шижоатли, журъатли инсон Зокиржон Машрабовнинг ташаббусини алоҳида қайд этиш лозим. Унинг саъй-ҳаракати билан 1992 йилдаёқ Бобур халқаро илмий-амалий экспедицияси ташкил этилди. Экспедициянинг биринчи илмий сафари (1992 йил 19 майдан 19 июлгача) Эрон, Туркия, Иордания, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Покистон, Афғонистон бўйлаб амалга оширилди. Экспедиция аъзоси профессор Р.Т.Шамсутдинов ўша 1992 йил октябрида Ҳиндистон сафарида бўлиб, кўплаб манба ва материаллар тўплаб келди, улар асосида «Бобур изидан», «Буюк бобурийлар сулоласи», «Буюк бобурийлар салтанати» номли китобларини нашр этди, вилоят телевидениеси орқали 5 та видеофильм тайёрлаб намойиш этди.

1993 йил 23 декабрдан Зокиржон Машрабов раҳбарлигида халқаро Бобур жамғармаси ўз фаолиятини бошлади. Жамғарманинг илмий экспедицияси 10 дан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб автомобилда илмий сафарлар уюштириб, 200 минг км дан ортиқ масофани босиб ўтди. Бобур ва бобурийлар қадамжойлари, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўплаб, уларни илмий истеъмолга киритди. Мазкур маълумотлар асосида 10 дан зиёд илмий ҳужжатли бадиий асарлар (З.Машрабов, С.Шокаримов «Асрларни бўйлаган Бобур» С.Жалилов «Бобурнинг Фарғона давлати», «Бобур ва Андижон», Қамчибек Кенжа

«Ҳинд сориға», Х.Султонов «Бобурнинг тушлари», «Бобурийнома», Т.Низом «Уч сўз») 10 га яқин ҳужжатли, видео фильмлар (Ф.Расулов «Бобур изидан», «Муқаддас қадамжолар», Т.Рўзиев «Бобур саломи», «Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция», Т.Ҳамидов «Ифтихор» ва ҳоказо) яратилди.

Бобур халқаро жамғармаси ташкил топганидан бери Бобурийлар, кейинчалик Темурийларнинг бой ва бетакрор меросини излаш, ўрганиш, уларни ўзбекчага ўгириш борасида кўплаб илмий сафарлар уюштириб катта кўламдаги эзгулик ишларини амалга оширди ва бу жамғарма бутун Марказий Осиё ва унинг ташқарисида маълум ва машҳур бўлиб кетди. Андижон шаҳри Бобурийлар тарихи, маданияти, меросига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказиладиган марказ бўлиб қолди. 2010 йили Бобур жамоат фонди Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарини ўзбек тилига таржима қилинган китобини нашр этилиши Ўзбекистон тарихи, жумладан, Андижон тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бобур жамоат фонди «Бобур энциклопедияси»ни тайёрлаб нашриётга топширди. Бу фонд кейинги вақтларда буюк Амир Темур изидан Россия Федерацияси, Кавказ орти мамлакатларига илмий сафар уюштириб, маълум натижаларга эришмоқда.

«Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси. Ўзбекистон миллий мустақиллик тараққиётининг ойдин йўлига чиқиш билан жамият ҳаётининг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар жараёни бошланди. Мамлакатда демократик давлат ва фуқаролар жамиятини қуриш сари улкан бунёдкорлик ва эзгулик ишлари кенг қулоч очмоқда. Шу тарихий жараёнда нодавлат ташкилотлари, муассасалари, уюшмаларининг ўрни ва роли бениҳоя ортиб бормоқда. Бу нодавлат тузилмалари ўз атрофига кенг халқ оммасининг турли хил қатламлари, ижтимоий гуруҳларини, миллатпарвар, ватанпарвар кишиларни жипслаштириб юрт иқтисодиётини, халқ фаравонлигини, маънавиятини юксалтириш борасида, давлат ва хукумат қарорларини, Президент Ислом Каримовнинг илҳомбахш ғояларини, юрт осойишталигини, тинчлигини, фаровон ҳаётни бунёд этиш-

ни таъминлашга қаратилган сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли фаолият кўрсатмокдалар. Маънавиятимизнинг, миллий истиклол мафкурасининг тамал тошларидан, устунларидан бири ўзбек миллатининг кўп минг йиллик бетакрор, жозибали тарихидир. Аммо ана шу тарихимизнинг айрим босқичлари, мазмун ва моҳияти, шакли-шамойили қарийб бир юз ўттиз йил ҳукмронлик қилган чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даврида сохталаштирилиб, бузилиб келинди, тарихимизнинг энг жўшқин, қайноқ саҳифалари, миллий қаҳрамонларимиз сир сақланиб келинди. Айни вақтда ҳукмрон мустамлакачиларнинг юртга, миллатга, Ватанга нисбатан олиб борган зулм, эзиш, хўрлаш, камситиш, ҳатто қатағон, қатлиом каби жирканч, қабиҳ ишлари афкор оммадан, дунё жамоатчилигидан яшириб келинди.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли фармойиши ва унинг асосида ўша йили 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қабул қилинган қарорида шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадийлаштириш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш ва нашр этиш вазифаси қўйилди. Тарихимиздаги ана шу ачинарли, ҳасратли, фожиали саҳифаларини битиш, бузилган тарихни ўз жойига қўйиш, халқни чин тарих билан қуроллантириш, ўтмишимизга нисбатан қилинган ва қилинаётган турли хил ички ва ташқи таҳдидлардан сақлаш ҳозирги даврда давлат сиёсати даражасига кўтарилган юмуш бўлиб қолди. Ана шу мураккаб, лекин шарафли вазифани бажаришда нодавлат тузилмаларининг ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Ўшандайлардан бири Андижондаги «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция ҳайрия жамғармасидир. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2001 йил 21 сентябрдаги 486 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтган. «Мерос» фаолиятининг асосий мақсади – чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даври қурбонлари, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағон қилинган, шаҳид кетган ватандошларимизнинг номини аниқлаш, чет

эллардаги турли манбаларни излаб топиш ва ўрганиш учун илмий-амалий экспедициялар уюштириш, унинг материалларини, натижаларини китоблар, монографик тадқиқотлар, архив ҳужжатлари, эсдаликлар тўпламлари тарзида яратиш ва бошқалардан иборат деб белгиланган. «Мерос» таркиби Бобур номидаги Андижон давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси аъзолари, аспирант, докторантлар, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги илмий муассасалар, архив ва музейлар, республика «Шаҳидлар хотираси» ҳайрия жамғармаси вакилларидан иборат тузилган.

«Мерос» Тошкентдаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш ва уни қайтадан бойитиш, жиҳозлаш, янгидан-янги экспонатлар билан тўлдиришда ҳам фаол хизмат кўрсатди. Унинг аъзолари Ўрта Осиёдан, хориждан келтирилган кўплаб манбалар, архив ҳужжатлари, аудио ва видео материаллар, суратлар, эсдалик ва хотираларни музейга туҳфа этдилар.

«Мерос» ўз фаолияти давомида 4 та дарслик, ўқув қўлланма, 200 дан ортиқ илмий мақолалар эълон этди. Газета ва журналлар, телевидение, радио орқали маънавий-маърифий, илмий, ўқув соҳаларда тарғиботчилик фаолияти олиб бормоқда.

Ҳозирда «Мерос» жамғармаси бутун интелектуал салоҳиятини Андижон тарихи ва қомусини яратишдек жуда долзарб вазифани бажаришга киришган. 2010 йилда «Шарқ» нашриётидан «Кўҳна ва навқирон Андижон» номли китоб-альбоми чиқди.

Ўз ўтмишини, миллатининг тарихини билиш ҳар бир юртдошимизнинг ички маънавий эҳтиёжидир. Уни қондириш Ўзбекистон тарихчилари янги авлодининг муҳим ва долзарб вазифаси ва бурчидир. Ана шу соҳада Андижондаги «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедицияси ибратли, хайрли ишлар қилмоқда.

Ўзбек тилшунослиги. Ўзбек тилшунослигининг фан сифатида шаклланишида андижонлик олимларнинг ҳам ҳиссаси катта. Хусусан, ўзбек диалектологияси, орфографияси, орфоэтияси, лексикографияси ва лексикологиясининг шаклланиши Олтинкўл тумани, Сарой қишлоғида тавал-

луд топган, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтида бўлим мудири бўлиб ишлаган профессор Собиржон Иброҳимов номи билан боғлиқдир. Унинг «Ўзбек тилининг Андижон шеваси», «Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси», «Навоий асарлари луғати (ҳамкор)» сингари асарлари ўзбек тилшунослигининг олтин фондига айланди. Андижонлик етук тилшунос кадрлар тайёрлашда ҳам самарали фаолият кўрсатди. Филология фанлари доктори Фатҳиддин Исҳоқов, филология фанлари номзодлари Азимжон Турғунов ва Аҳмаджон Жўрабоевлар бевосита Собиржон Иброҳимовнинг илмий маслаҳатчилиги ва раҳбарлигида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. С. Иброҳимовнинг шогирди Ф.Исҳоқов ўзбек тили тарихи бўйича катта илмий тадқиқот ишларини амалга оширди. Унинг Гулханийнинг «Зарбулмасал асари» номли ва «Бобур асарларининг қисқача изоҳли луғати» каби асарлари кенг илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Абдулҳамид Нурмонов – 1942 йилда Андижон вилоятининг Ўрмонбек қишлоғида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатиб, Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети) тарих-филология факультетида таҳсил олди. 1963 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)га ишга келди. Ушбу ўқув даргоҳидаги ярим асрлик фаолияти давомида А.Нурмонов ўзбек тилшунослиги ўқитувчилигидан профессор даражасига кўтарилди. Жамоатчи олим сифатида педагогика факультетида декан, махсус фанларни ўқитиш ва ўзбек тилшунослик кафедраларида мудир, университетнинг илмий ишлар бўйича проректори лавозимларида хизмат қилди. Ҳозирда тилшунослик кафедраси профессори, айни дамда Кадрлар малакасини ошириш маркази директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

А.Нурмонов 1973 йилда «Ўзбек тилидаги товуш ўзгаришларида экономия принципи» мавзусида номзодлик, 1983 йилда «Ўзбек тили синтаксисини система сифатида ўрганиш муаммолари» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Устоз 50 га яқин дарслик, рисола,

ўқув қўлланмалари, 500 га яқин илмий, маърифий-маънавий мақолалар муаллифидир.

Олимнинг *«Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка», «Гап ҳақидаги синтактик назариялар», «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси», «Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология», «Тилшунослик ва табиий фанлар», «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Лингвистик белги назарияси», «Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари», «Тилшунослик назарияси»; «Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari»* номли асарлари; ўрта мактабларнинг V–IX синф ўқувчилари учун *«Она тили»*, Қирғизистондаги ўзбек мактабларининг V, VII, IX, X, XI синф ўқувчилари учун *«Ўзбек тили»*, академик лицейлар учун уч жилдлик *«Ҳозирги ўзбек адабий тили»* дарсликлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Унинг *«Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари»* китоби 2010 йилги республика ўқув адабиётлари танловида биринчи ўринни эгаллаган.

Забардаст тадқиқотчи Абдулҳамид Нурмоновнинг илму фандаги ҳаёт йўли, эришган буюк илмий ижоди 2012 йили Тошкентдаги «Akademnashr» нашриётида босилган 72 табоқдан иборат уч жилдлик «Танланган асарлар» тўпламида ўзининг мужассам ифодасини топган. Олим ўзбек тилшунослиги фанида ўзига хос катта мактаб, мерос, бутун бир йўналиш яратиб фанда чинакам жасорат намойиш этди.

А.Нурмонов илмий асарлар яратиш, фан ютуқларини халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш билан бирга, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Олим ўзбек тилшунослигида ўзига хос мактаб ярата олди, яъни унинг раҳбарлигида 8 та докторлик, 30 дан ортиқ номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя килинди.

Абдулҳамид Нурмонов 1999 йилда «Шуҳрат» медали, 2002 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони, 2011 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Бу йил олим қутлуғ 70 баҳорни қаршилайди. Устознинг биз билан бир юртда яшаётгани, бир жойда ишлаётгани ҳаммамизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Андижонда ўзбек адабиёти, назарияси, тараққиёти, тарихи масалалари узоқдан бери тадқиқотчиларнинг изланиш мавзуси бўлиб келган. 1944 йилда Андижон ўқитувчилар институтида ташкил топган ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири бўлиб ишлаган Асқад Мухтор, Ражаб Жуманиёзов, Мирпошша Ҳабибов, Ҳошимжон Раззоқов, Аҳмаджон Маҳмудов, И.Г.Зиёева, Р.Р.Расулов, Абдулҳамид Нурмоновлар даврида бу фанда катта ўзгаришлар рўй берди. Кейинчалик кафедра Ҳалима Мусина, Исмоил Тўлаков томонидан бошқарилган. Кафедрада ўзбек ва хориж адабиётидан ўқув ва илмий иш олиб борганлардан Офтобхон Холботирова, Восит Саъдулла, Набижон Қобулов, Талат Маҳмудов, Абдулазиз Абдулҳамидов, Файзулло Дадахонов, Раҳимжон Алиев, Баҳром Жалилов, Абдулахат Жўрахонов, Турсуной Содиқова, Ханифа Солиҳова, Мунаввара Ёқуббекова ва бошқалар баракали ижод қилдилар. Улар ўзбек адабиётшунослигига муносиб ҳисса қўшганлар. Ҳозирда Андижон давлат университети Ўзбек адабиёт кафедраси мудираси профессор Салима Мирзаева раҳбарлигида ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалалари тадқиқ этилмоқда. Бу борада профессорлардан Д.Қуронов, Х.Солиҳова, доцент Б.Раҳмонов, Х.Каримов ва бошқалар самарали илмий фаолият олиб бормоқдалар.

Дилмурод Ҳайдаралиевич Қуронов 1960 йилда туғилган. 1978 йилда Андижон туманидаги 4-ўрта мактабни тамомлаган. Андижон давлат тиллар педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини 1987 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган, институтнинг рус ва чет эл адабиёти кафедрасида ўқитувчилик қила бошлаган. 1989 йилда ТошДУ кундузги аспирантурасига қабул қилинган. 1992 йилда профессор Умарали Норматов раҳбарлигида «Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми» мавзусида номзодлик, 1998 йилда эса «Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида)» мавзусида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1993 йилдан Бобур номидаги Андижон давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор вазифаларида ишлаб келади. 1999–2009 йилларда Андижон давлат университетининг филология факультетини декани, 2009 йилдан эса университетнинг «Илмий хабарнома» журнали бош муҳаррири вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Олим ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб республика матбуотида ўзининг илмий, адабий танқидий мақолалари билан фаол қатнашиб келади.

Унинг илмий ишларининг салмоқли қисми Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида профессор Озод Шарафиддинов раҳбарлигида бошланган Чўлпон ижодий меросини тиклаш борасидаги ҳаракатларда фаол иштирок этди, адиб асрларининг 2- ва 3-жилдларини нашрга тайёрлади. Олимнинг «Руҳий дунё таҳлили» (1995), «Истиқлол дарди. Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тадрижи» (2000), «Чўлпон поэтикаси» (2004) номли монографияларида Чўлпоннинг янги ўзбек насрчилиги тараққиётида тутган ўрни, унинг асарлари бадиияти масалалари атрофлича тадқиқ этилган. Аҳамиятлиси шундаки, у Чўлпон ижодини жаҳон адабиёти контекстида ўрганишга ҳаракат қилади, асарларининг ғоявий-мазмуний ўзига хослигини белгилаган ижтимоий-психологик омилларни очиб беради. Д.Қуроновнинг илмий фаолиятига хос хусусиятлардан яна бири тадқиқотларида жаҳон адабиётшунослигининг сўнгги ютуқларини қўллашга интилишда намоён бўлмоқда. Жумладан, Чўлпон ижодини ўрганишда у психоанализ, герменевтика таълимотларига таянди, тадқиқотларида структур таҳлил, семиотик таҳлил, микроанализ усулларини қўллади. Айни пайтда, мазкур усуллардан систем-комплекс ёндашув асосида фойдаланди-ки, бу Чўлпоннинг бетакрор поэтикасини илмий жиҳатдан асосли очиб беришга пухта замин бўлди.

Д.Қуроновнинг кейинги йиллардаги илмий изланишларининг асосий йўналишларидан бирини XX аср ўзбек адабиёти намояндаларининг асарларини янгича талқин қилиш ташкил этади. 1995 йилда ёзилган «Идеал ва бадиий ях-

литлик» (Ҳ.Усмонов билан ҳаммуаллифликда) мақоласини адабий меросга, адабий асарга муносабат масаласининг назарий томонларини ёритишга бағишланган дастурий асар дейиш мумкин. Кейинчалик шу мақолада баён қилинган ёндашув асосида у А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон асарларининг янгича талқинига бағишланган туркум мақолаларини эълон қилди. Ушбу мақолалар адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Уларда яқин ўтмишда яратилган асарлардаги эътибордан четда қолиб келган маъно қирраларини очишга интилиш бўлиб, бу иш давр контекстидан келиб чиқиб, ижодкор руҳияти ва бадиий ижод табиатига хос хусусиятларни англаган ҳолда амалга ошириладики, шу ҳол уларнинг илмий қимматини белгилайди.

Илмий фаолиятни педагогик фаолият билан бирга олиб борган Д.Қуронов олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратишга ҳам жиддий эътибор билан қарайди. Унинг «Адабиётшуносликка кириш» (2002, 2004, 2007) дарслиги, ҳаммуаллифликда ёзилган «Ғарб адабий танқидий тафаккури тарихи очерклари» (2006), «Адабиётшунослик луғати» (2010) каби китобларидан республика таълим муассасаларида кенг фойдаланилмоқда.

Д.Қуронов раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган З.Қосимова, номзодлик ишини ёқлаган А.Ҳамроқулов, адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари бўйича фаол тадқиқот олиб бораётган З.Мамажонов, М.Шералиева, Б.Мўминов, К.Шаҳобов, Х.Полвонова каби шогирдлари таълим соҳасида жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар. Андижонлик олимнинг адабиёт илми ва унинг ўтмишда ва ҳозирдаги ҳолатини чуқур англашда унинг қаламига мансуб қатор монографик тадқиқотлари фанга қўшилган жуда катта ҳиссадир.

Рустамбек Темирович Шамсутдинов – 1939 йил 1 майда Андижон шаҳрида туғилган. Андижондаги 30-ўрта мактабда, сўнг Жалолобод шаҳридаги 2-ўрта мактабда таълим олди. 1959–1963 йилларда Самарқанд Давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

1967–1970 йилларда Москвадаги собиқ Иттифоқ ФА Тарих институти аспирантурасида ўқиб, 1971 йил 4 мартда профессор И.Б.Берхин илмий раҳбарлигида номзодлик, 1987 йил 7 декабрда академик Ю.А. Поляков илмий раҳбарлигида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1966 йилдан Андижон давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, тарих факультети декани ўринбосари, декан, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимларида 2011 йил мартига қадар ибратли, намунали фаолият кўрсатиб келган. Ҳозирда Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи илмий семинарининг раҳбари, «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси раиси, Андижоннинг қадимги давридан ҳозирги кунгача тарихини яратиш ва тарғиб этиш Маркази раҳбари бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихидан темурийлар, бобурийлар мероси, жадидчилик, истиқлолчилик («босмачилик») ҳаракатлари, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, деҳқонларни депортация қилиш, совет режимининг қатағон сиёсати ва амалиёти, унинг оқибатлари, ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг қисмати, Андижон тарихи илмий йўналишлари бўйича 30 дан зиёд монографиялар, Ўзбекистон тарихидан 10 га яқин дарслик ва ўқув қўлланмалар 800 га яқин илмий мақолалар муаллифи, кўплаб халқаро, минтақавий илмий анжуманлар иштирокчиси. У «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб (2000 й.)», уч жилдлик «Ватан тарихи (2010 й.)», «Ўзбекистон тарихи (2011 й.)», 5 жилдлик «Қатағон қурбонлари (2005–2009 й.), 4 жилдлик «Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачевание, ссилка (1929–1959)» (2006 й.), «Қишлоқ фожиаси: жамолаштириш, қулоқлаштириш, сургун, Ўрта Осиё республикалари мисолида» (2005 й.), «Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати» (2005 й.), «Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати» (2009 й.), «Андижон тарихидан лавҳалар» (2008 й.), «Кўҳна ва навқирон Андижон» (2010 й), икки жилдлик «История Андижана в документах и материалах. 1876–1917 гг.»

(2009–2012 й.), «Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари» (2012 й.), китоблар муаллифларидан бири.

Олимнинг 80-йилларда Москвада эълон қилган илмий мақолалари ўша вақтда Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатлари тилларига таржима қилиб босилган. Унинг ёзувчи Ҳабибулло Турсунматов билан ҳаммуаллифликда 2005 йили «Шарқ» нашриётида босилган «Ёлқин» тарихий романи 2013 йил Бишкекда қирғиз тилида «Жалын» (Тарыхый роман) нашр этилди. Унда чор Россияси босқинига қарши матонатли жанг олиб борган Андижон фарзанди Алимқулнинг ҳаёт йўли ёритилган.

Халқаро илмий конгресслар (Боку, Анқара, Оксфорд) иштирокчиси, Шимолий Қиролина, Кембридж халқаро биографик институтлари ҳайъат аъзоси. Унинг илмий раҳбарлигида Б.Расулов, С.Ҳошимов, М.Абдуллаев, Ў.Убайдуллаев, А.Мамажонов, Х.Қурбонов, Б.Ботирова, М.Акбаровалар тарих фанлари номзоди деган илмий унвонга эришдилар. Улардан Б.Расулов Тарих ва ижтимоий фанлар факультети декани, М.Абдуллаев Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, Ў.Убайдуллаев ЎДЖКНА кафедра мудири, Х.Қурбонов Навоий педагогика институти Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимларида хизмат қилмоқдалар. Шунингдек, Р.Т.Шамсутдиновнинг илмий маслаҳатчилигида Б.Расулов, С.Ҳошимов, М.Абдуллаев, Э.Холмирзаевлар докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибдилар.

Иброҳимжон Абдуғаффорович Алимов – 1935 йил 5 апрель куни Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1953–1958 йилларда Москва давлат архив институтида таҳсил олган.

1958–1959 йиллари Ўзбекистон Марказий давлат архивининг катта илмий ходими, 1954–1964 йилларда Архив бошқармаси ҳужжатларидан фойдаланиш ва эълон қилиш бўлимининг мудири, 1965–1973 йиллари эса республика Марказий давлат архивининг директори лавозимларида ишлади. 1966 йилда «Тошкент вилоятида ер-сув ислоҳоти (1925–1926 йй.)» мавзуида номзодлик, 1980 йили «Хоразм ва Бухоро халқ республикаларида аграр ислоҳотларнинг та-

рихий тажрибаси (1920–1924 й.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

1986–1989 йиллари Андижон давлат педагогика институтида кафедра мудири, 1989–1996 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида «Ўзбекистоннинг 1940–1980 йиллар давридаги тарихи» бўлимининг мудири лавозимида, 1996–2001 йиллари эса Андижон давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимида, 2001–2008 йилларда шу кафедрада профессор бўлиб ишлади. 2008 йилдан ҳозиргача Андижон давлат университети Умумий тарих кафедраси профессори сифатида фаолият олиб бормоқда.

Устознинг илмий йўналиши Ўзбекистонда аграр муносабатлар, маориф тарихи масалалари ва архившунослик. Ўзбек ва рус мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон тарихи» (ҳаммуаллифликда), олий таълим муассасалари бакалаврлари учун ўзбек ва рус тилларида «Архившунослик», жами 60 дан ортиқ монография, дарслик, ўқув қўлланмалар, 300 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди.

И.Алимов раҳбарлигида 8 та докторлик ва ўндан ортиқ номзодлик диссертациялари тайёрланди.

И.А.Алимовнинг тарих фанини ривожлантиришдаги хизматлари, унинг педагогик ва ижтимоий фаолияти муносиб тақдирланди. Иброҳим Абдуғаффурович «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларига сазовор бўлди.

Андижондаги илмий жараёнда табиатшунос олимларнинг ўрни ва хизмати ҳам бениҳоя каттадир. Табий фанлар, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган андижонлик олимларнинг нуфузи нафақат водийда, балки бутун республика ва унинг ташқарисида ҳам маълум ва машҳурдир. Улардан айримларининг илмда эришган ютуқлари ҳақида айрим маълумотлар келтирамиз.

С.З.Зайнобиддинов – 1945 йил 22 декабрда Андижон вилоятининг «Андижон» нефтчилар шаҳарчасида туғилиб,

ўн бир йиллик ўрта мактабни олтин медаль билан битирди. 1970 йилда Россия ФАнинг «Яримўтказгичлар физикаси» институтида (ҳозирги Санкт-Петербургдаги Физика-техника институти) диплом иши сифатида «Кремнийдаги чуқур энергетик ҳолатли киришмаларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш» мавзуини танлади ва бу мавзу унинг келажакдаги илмий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

С.З.Зайнобиддинов илмий раҳбарлари – профессорлар А.Тешабоев, М.К.Баҳодирхонов, Б.И.Болтакс, В.И. Фистулларнинг ёрдам ва ҳамкорликлари билан устозлари С.А.Азимов, П.Қ.Ҳабибуллаев, С.Ҳ.Сирожиддинов, Т.А.Саримсоқовларнинг маслаҳат ва йўлланмалари туфайли компенсирланган кремний олиш технологиясини яратиш, кремнийдаги киришма атомлари ва нуқсонларнинг хоссаларини ўрганиш, уларни ташқи таъсирлар ёрдамида бошқариш, легирланган кремний ва ундан ясалган электрон асбобларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш ва амалга татбиқ этиш бўйича йирик тадқиқотлар олиб борди ҳамда салмоқли ютуқларга эришди. Унинг томонидан киришма атомлари ва кристалл нуқсонларининг ўзаро таъсирлашув жараёнлари механизмларини ўрганиш бўйича олинган тажрибавий ва назарий натижалар, легирланган кремний хоссаларининг ташқи таъсирларга чадамлилигини ошириш ёки, аксинча, ташқи таъсирларга ўта сезгир яримўтказгичли моддалар ёки структуралар яратиш соҳасида ишлаб чиқилган ихтиро ва таклифлар қаттиқ жисмлар физикаси назариясига қўшилган муҳим ҳисса бўлиш билан бир қаторда фанни амалиётга жорий этиш борасида янги имкониятлар яратди.

Илмий тадқиқот ишларининг фан ва амалиёт учун аҳамиятини эътироф этган ҳолда С.Зайнобиддиновга физика-математика фанлари номзоди (1977 йил), доктори (1987 йил) илмий даражалари берилди.

С.Зайнобиддинов ТошДУда 16 йил давомида «Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси» кафедрасини ҳамда 4 йил давомида физика факультетини бошқарди. 1996 йилдан 2003 йилгача Андижон давлат университети ректори вазифасини бажарди.

Олим 50 дан ортиқ ўқув-услубий асарлар, 150 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

С.Зайнобиддинов раҳбарлигида 4 та докторлик, 15 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Унинг илмий фаолияти ҳукуматимизнинг илм-фан соҳасидаги энг нуфузли мукофот – Беруний номидаги Давлат мукофотининг берилиши билан муносиб баҳоланди. «Олий таълим», «Ўрта махсус касб-таълим аълочиси» унвонларига эга бўлди. Халқаро Олий таълим Фанлар Академияси (Россия) ҳамда Халқаро таълим, фан, техника ва санъат академияси (АҚШ) С.Зайнобиддиновни ҳақиқий аъзоликка сайладилар.

Иброҳимжон Раҳмонович Асқаров – 1949 йил Андижон вилояти, Жалақудуқ туманида таваллуд топган. Андижон давлат педагогика институти биология-химия факультетининг химия бўлимини имтиёзли диплом билан битирган. Физиологик фаол бирикмалар синтези ва уларнинг биологик фаоллигини текшириш, товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлаш ҳамда кимё ўқитиш методикаси ва уни такомиллаштириш муаммолари мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Профессор Т.А.Мадумаров ва И.Р.Асқаровлар раҳбарлигида экологик тоза биостимулаторларнинг янги авлодини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунгача 60 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар, 30 дан ортиқ ихтиро ва патентлар, 550 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган.

Республика ўрта умумтаълим мактабларида проф. И.Асқаров 7–8–9-синф ўқувчилари учун ёзилган «Кимё» дарслигидан ва «Ўқитувчилар китоби»дан 7 тилда нашр этилиб фойдаланилмоқда. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш ҳамда божхона ҳуқуқи фанлари муаллифларидан бири.

Унинг раҳбарлигида 3 та фан доктори, 10 дан зиёд фан номзоди тайёрланди.

И. Асқаров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор.

Андижон қишлоқ хўжалик институти. Институтида қишлоқ хўжалиги муаммолари ечими устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган ғалла билан таъминлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастурдаги вазифаларни амалда бажариш учун республикамиз бўйича 2012 йилда 1337,4 минг гектар, 2013 йилда 1359,6 минг гектар ғалла майдонлари ажратилди. Ҳосилдорлик ўтган ҳосил йилида гектарига 53,6 центнерни ташкил этди. Етиштирилган ғалланинг қарийб 60 фоизи ғўза қатор ораларига экилган майдонлардан олинди. Республикада ғаллачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари сонини йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бугунги кунда мамлакатимизда пушталар орасига кузги буғдой уруғини агротехник талаб даражасида экувчи махсус сеялканинг шу кунгача йўқлиги уни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда ва бу ҳолат бугунги куннинг долзарб муаммолардан бири бўлиб колмоқда.

Ушбу муаммони хал қилиш мақсадида институт профессори, техника фанлари доктори Т.С.Худойбердиев раҳбарлигида «Ғўза қатор ораларига кузги буғдой экиш сеялка»сини, бундан ташқари, «Очиқ майдонларга кузги буғдойни экиш сеялка»ларини яратиш бўйича илмий мактаб яратилди ва юқоридаги сеялкаларнинг нусхалари тайёрланди.

Шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари томонидан қишлоқ хўжалигида пахта ва ғаллани зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, биология фанлари доктори Б.А.Сулаймонов ва «Ўсимликлар химояси ва карантини» кафедраси доценти М. Юсуповалар томонидан қишлоқ хўжалик экинларини ҳашаротлардан биологик усулда ҳимоя қилиш бўйича «Олтинкўзни кўпайтириш ускунаси» яратилди. Ҳозирда ушбу ускуна ёрдамида республикамизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликларида ғўзадаги ўсимлик битлари, трипелар, ўргимчаккана, тунлам

капалакларининг тухуми ва ёш қуртларига қарши олтинкуз фойдали ҳашароти кўпайтирилиб, пахта ва ғалла майдонларига тарқатилмоқда.

Ҳозирда «Ўсимликлар ҳимояси ва карантини» кафедраси доценти М.Юсупова томонидан «Трихограммани трихокарта усулида тарқатиш», шунингдек, «Биосервис» илмий ишлаб чиқариш марказида трихограмма, олтинкўз, бракон каби энтомафаглар ишлаб чиқарилиб, ғўза, ғалла, мева ва сабзавот экинларини биологик усулда ҳимоя қилиш кенг йўлга қўйилди. «Биосервис» илмий ишлаб чиқариш маркази вилоятимизнинг 10 ортиқ туманларини фойдали ҳашаротлар билан таъминлашда ўзининт ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Андижон давлат тиббиёт институти. Андижон тиббиёт фани ва унинг турли йўналиш ва тармоқлари ривож топган республикамизда ва унинг ташқарисида маълум ва машҳур бўлган илмий марказлардан биридир. Андижонда тиббий фанларнинг юзага келиши ва ривожида 1955 йилда Андижон давлат тиббиёт институтининг ташкил топиши билан боғлиқдир. Шундан бери бу фан бўйича кўплаб тиббий илм даргалари етишиб чиқди. Улар қаторида профессорлардан Юсуфбек Отабеков, А.И.Алимов, Соатқул Жумабоев, И.Мардерштейн, Н.Соколов, С.Ю.Турсунов, А.С.Пўлатов, В.Г.Сухатерин, И.Қосимхўжаев, Комилжон Мирзаев, М.Соатов, Мамазоир Хўжамбердиев, Неъматжон Мамасолиев, Алишер Шодмонов каби ажойиб фан кишиларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу каби олимларнинг тиббиёт илмига қўшган ҳиссаларини ёритиш алоҳида тадқиқот мавзуидир. Шу боис биз сўнгги вақтда илмий ҳаётда сермаҳсул фаолият олиб бораётган айримлари ҳақидагина фикр юритишни лозим деб билдик.

Турсунов Сайфитдин Юнусович – 1939 йили туғилган. Андижон давлат тиббиёт институтини 1962 йилда битирган. 1968 йили номзодлик, 1981 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1981 йили унга профессор унвони берилган. У 1969 йилдан буён ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. С.Ю.Турсунов 1990 йили Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби унвонига сазовор бўлган.

У 9 та ўқув дарслиги, 15 та монография, 135 та ўқув услубий қўлланмалар, бир неча рационализаторлик таклифлари ва 485 та илмий мақола, тезислар муаллифидир.

С.Ю.Турсунов 9 та фан доктори, 28 та фан номзоди тайёрлаган.

У Андижон профилактик кордиология мактабини, геронтология, тиббий деонтология марказларини, «Устоз-шогирд» мактабини яратган кардиолог олимдир.

С.Ю.Турсунов Ўзбекистон кардиологлари Ассоциацияси, Нью-Йорк фанлар ҳамда Халқаро экология ва ҳаёт Академияларининг академиги, С.П.Боткин номидаги халқаро мукофот совриндоридир.

У Ўзбекистонда ва МДҲ мамлакатларида ўтказилган кўплаб съездлар иштирокчисидир. У Москва, Стокгольм, Вена ва бошқа шаҳарларда ўтказилган Халқаро кардиологлар конгрессларида, республика анжуманларида кўп маротаба маърузалар билан қатнашган.

С.Ю.Турсунов 1989 йили Ўзбекистон меҳр-шафқат саломатлик жамғармасининг Андижон вилояти бўлимини раиси этиб тайинланиб, унда 15 йил самарали фаолият кўрсатган.

Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Соғлиқни сақлаш аълочиси» медаллари, «Мустақиллик нишони», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Джумабаев Эркин Саткулович. Жарроҳликда клиник лимфалогия масалалари, жарроҳлик гастроэнтерология, ошқозон-ичак трактида реконструктив ташрихлар, ўт-тош касаллигида билиодегистив ташриҳлар, қалқонсимон без жарроҳлиги, миниивазив жарроҳлик, жигар ва ўпка паразитар касалликлар жарроҳлиги, варикоз касаллигида томирларда ташриҳлар, куйик касаллигида реконструктив – тикловчи ташрихлар, ўқотар қуролдан жароҳатланганларни даволашнинг янги усуллари, тарқалган перитонитда даволаш усулларини ишлаб чиқариш бўйича 265 дан ортиқ илмий мақола, 6 та монография, 6 та ихтиро эълон қилган. Унинг илмий раҳбарлигида 4 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 3 нафари тиббиёт фанлари доктори тайёрланган.

Тинмай ўз устида ишлаб, янгиликларга интилиб ва атрофидаги мутахассисларни ҳам шунга жалб қилмоқда. У «Лимфология» бўйича бошлаган изланишларини давом эттирмоқда.

Тиббиёт фан доктори, профессор Марк Лазаревич Аграновский илмий йўналиши Эндоген психозларни эпидемиологияси, қарамликни даволашнинг психотерапевтик усуллари, Суицидология ва суицидлар профилактикаси, оилавий психиатрия масалаларига бағишланган. Шу илмий муаммолар бўйича 850 дан ортик илмий мақола ва асарлар яратган. Улардан «Общая медицинская психология ва психопатология» (2004, 2012), «Частная медицинская психология и психиатрия» (2005–2012), «Алкоголизм и алкогольные психозы. Наркомании» (2008), «Психотерапия алкоголизма» (2008), «Экстренная медицинскаяя помощь в чрезвычайных ситуациях» (под ред. Э.С. Джумабаева, 2009), «Социально-трудовой прогноз больных приступообразной шизофренией» (2012), «Профилактика суицидов в Андижанской области» (2012). «Профилактическая наркология» каби монографик тадқиқотлари катта қимматга эгадир. Бундан ташқари, олим 156 ўқув-методик ва илмий-амалий қўлланмалар муаллифидир. Шунингдек, у 5 та муаллифлик ҳуқуқи ва 5 та ихтирочилик патентни соҳиби. У биринчи марта алкоголизм ва наркомания касаллигини даволашнинг янги, юқори самарали усулларини «Двойное кодирование от алкоголизма и наркомании» ва «От табачной зависимости, от избыточного веса» номли китобларида ишлаб чиқди. Невроз касаллигини даволашда янги гипнотерапия усулини, шу жумладан, истерик неврознинг давосини ва психопатик шахсларда шахс ўзгаришларининг мукаммал психокоррекция усулларини ишлаб чиқди ва амалиётда қўллади.

Профессор М.Л. Аграновский юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг раҳбарлигида 1 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 12 та тиббиёт фанлари номзодлари тайёрланди ва улар соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Андижон кўҳна тарихи ва маданиятидан ташқари жаҳонгашта фарзандлари, олиму фузалолари, шоир ва адиблари билан ҳам машҳур.

Дилбар шоир, етук давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо (1483–1530)нинг она юрти Андижон Бобораҳим Машраб (1657–1711)[1] Моҳларойим Нодира (1792–1842), озодлик ва эрк куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1897–1937) каби бетакрор истеъдод соҳибларига ҳам бешик бўлган.

Андижонда Алихон Муллаохун ўғли Оразий (1869–1942), жангчи шоир Султон Жўра (1910–1942), Муҳаммадхон Мулла Исҳоқ қори ўғли Маҳжурий (1889–1973), Муллаҳошим Солиҳ ўғли Ҳайратий (1873–1964), Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий (1890–1980), Абдуваҳоб Сайфий (1898–1955), Абдулаҳад Анисий (1900–1970), Имомиддин Улфат (1906–1989), Комил Яшин (1909–1998), Тўхтасин Жалолов (1909–1984), Карим Аҳмадий (1911–1972), Восит Саъдулла (1914–1987), Ҳошимжон Раззоқов (1916–1982), Омонулло Боқир (1925–1986), Саида Зуннунова (1926–1977), Ҳайитбой Азимий (1926–1983), Рустам Раҳмон (1926–1994), Тўхташ Ашуров (1937–1994), Исмоил Тўлак (1947–2003), Усмонжон Шукуров (1946–2006), Муҳаммад Юсуф (1954–2001) каби адабиётимиз равнақига сезиларли ҳисса қўшган шоир ва адиблар яшаб ўтганлар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг шоир, адиб, публицист ва таржимон сифатида яратган асарлари унинг серқирра истеъдод соҳиби эканини кўрсатиб турибди. У тарихий мавзудаги романлари, достонлари, публицистик асарлари билан адабиётимиз ҳазинасини бойитаётган адибдир. Шунингдек, таниқли олимлар ва адиблар Ҳамидулла Болтабоев, Улуғбек Ҳамдам, Раҳмон Қўчқор, Шодмон Отабек, Минҳожиддин Мирзо, Абдунаби Бойқўзиев, Мунаввара Тошпўлатова каби ўнлаб ижодкорлар пойтахтда яшаб ижод қилиб келмоқдалар.

Вилоятда йигирма нафар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бор. Улар Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Холдор (1932), Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом

[1] Машрабнинг Андижонда туғилиб, бошланғич мактабдан сўнг Наманганга борганлиги ҳақида Малик Самарқандий, Боғистоний, Ҳандайлиқий, кейинроқ Ғафур Ғуломлар томонидан ёзиб қолдирилган.

(1938), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Турсуной Содиқова (1944), Қамчибек Кенжа (1946), Қобил Мирзо (1947), филология фанлари доктори, профессор Ҳанифа Солиҳова (1939), шоир ва адиблар Фарид Усмон (1946), Абдуҳалил Қорабоев (1941), Ҳабибулло Турсунматов (1943), Одил Абдураҳмон (1944), Одилжон Олимов (1944), Ҳалима Қорабоева (1946), Сотволди Ражабов (1946), Мунаввара Тиллабоева (1944), Омина Тожибоева (1948), Абдумутал Абдуллаев (1947), Ҳабиб Сиддиқ (1953), Замира Рўзиева (1957), Наби Жалолиддин (1962), Хуршидабону (1967)лардир.

Шу ўринда халқ шоири Тўлан Низомнинг мустақиллик достонларини, Олимжон Холдорнинг ғазалларини, Турсуной Содиқованинг насрий асарларини, Қамчибек Кенжанинг сафарномаларини, Замира Рўзиеванинг публицистик асарларини, Наби Жалолиддиннинг ҳикоялари ва «Ҳайём» романини, Хуршиданинг шеърлари ва «Самойинур» достонини адабий жараёнда воқеа сифатида эътироф этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошида «Бобур издошлари» номидаги адабий тўгарак фаолият юритади. Бўлим раҳбари, шоира Хуршида олиб бораётган ушбу тўгаракдан кўплаб ёш истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Уч юзга яқин аъзолари бўлган ушбу тўгаракда иштирок этаётган хўжаободлик ёш ижодкор Юлдузой Ўрмонова, олтинкўллик ёш таржимон Саидабону Абдусаломовалар Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Шоҳруҳ Жўраев, Садоқат Неъматова, Ҳамида Мамадалиевалар шеърият бўйича «Келажак овози» танловининг республика босқичи ғолиби, Нурилло Тўхтасинов, Зулфира Нўъмонова, Асмарбек Ҳакимовлар «Янги авлод» болалар фестивали республика босқичи лауреати бўлдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг Бўз ҳамда Шаҳрихон туманларида адабий мактаби фаолият юритади. Шунингдек, Нусрат Абдусалом (Андижон шаҳри), Акрамжон Ҳамрокулов (Пахтаобод), Наби Жалолиддин (Андижон шаҳри), Абдураҳим Бозорбоев (Марҳамат), Мўмин Саттор (Улуғнор), Абдулла Комил (Избоскан) каби ижодкорларимиз жамоатчилик асосида адабий тўгараклар

машғулотларини олиб бориб, Андижон адабий муҳити ривожига ҳисса қўшиб келмоқдалар.

2009 йилдан буён вилоятда «Шаҳрихонсой мавжлари» водий ёш ижодкорлари анжумани ўтказиб келинмоқда. Ушбу анжуман адабий мактаб сифатида кўплаб истеъдодларни кашф этаётганлиги ҳамда йил сайин иштирокчилар сони ортиб бораётганлиги қувончлидир. Пойтахтдан ва водий вилоятларидан келган устозлар сабоқларини олган ёшлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиладиган республика ёш ижодкорларининг «Истеъдод мактаби» семинарида иштирок этишга муваффақ бўлмоқдалар.

Адабий анжуманлар, ижодий учрашувлар, навоийхонлик, бобурхонлик, чўлпонхонлик кунлари, шеърият кечалари, мушоиралар вилоятда мунтазам ўтказилиб турилади. Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд куни эса ҳар йили 26 апрелда шоир туғилиб ўсган Марҳаматда вилоятнинг қатор туманларидан, республиканинг турли шаҳар, қишлоқларидан келган шоирнинг мухлислари иштирокида катта адабиёт байрамига айланиб кетади.

Буларнинг барчаси Андижонда адабий муҳит гуллаб-яшнаётганлигини намоён этади.

Маданий жараён. 1997 йилнинг 2 октябрь куни Андижонда оташнафас шоир, истиқлол куйчиси Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан шаҳарнинг Сой мавзесида Чўлпон боғи ташкил этилди. Боғнинг марказига унинг ҳайкали ўрнатилди, рамзий қабри барпо этилди. Айни пайтда шоир музейи, маънавият маркази ҳам фаолият кўрсата бошлади. Юбилей тантаналарида адабиётшунос Наим Каримов, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Неъмат Аминов, Иброҳим Ғафуровлар иштирок этиб, улуғ шоирнинг босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли, истиқлолни мадҳ этувчи шеърлари ҳақида сўз юритдилар. Муҳаммад Юсуф Чўлпонга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

2008 йилнинг август ойида Андижон фарзанди, шоҳ ва шоир, улуғ саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Андижон шаҳрининг

Бобур ва Амир Темур кўчалари кесишган жойда муҳташам Бобур майдони барпо этилди. Илгари Эски шаҳар ҳудудига Бобурмирзонинг отга миниб, олис манзилларни кўзлаб турган улуғвор ҳайкали ўрнатилганди. Президентимиз Ислом Каримов 2007 йили вилоятга қилган ташрифи чоғида Бобурнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таърифлаб, Андижонга кириб келган ҳар қандай меҳмоннинг кўз ўнгида биринчи бўлиб ушбу дилбар шахснинг сиймоси гавдаланиши лозимлигини айтди. Бобурмирзонинг бу ерга кўчириб келинган улуғвор ҳайкали худди узукка кўз қўйгандек майдонга ўзгача кўрк ва салобат бағишлади. Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан Андижонда ўтказилган «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро анжуман ушбу тантанага янада кўтаринкилик бағишлади. Унда биринчи бор Япония, Буюк Британия, Германия, Хитой, Туркия, Миср, Афғонистон давлатларидан келган таниқли бобуршунос олимлар Бобурнинг ҳаёти, ижоди, унинг ҳарбий юришларига бағишланган илмий маърузалари билан иштирок этдилар.

Илгари Андижоннинг Эски шаҳар ҳудудида 20 аср-нинг етмишинчи йилларида қурилган Марказий универмаг биноси фаолият юритган. У ўзига хос архитектураси, мураккаб конструкцияси ва пишиқлиги билан ана шу даврда қурилган бошқа бино ва иншоотлардан тубдан фарқ қилади. Мустақилликдан сўнг маълум муддат буюм бозори вазифасини ҳам ўтади. Уни бузиб ташлаш керак, деган фикрлар йўқ эмасди. Бироқ у 2008 йили хусусий тадбиркорнинг шахсий маблағи ва банк кредити ҳисобига қайта реконструкция қилиниб, замонавийлик ва миллийликни ўзида мужассамлаштирган маҳобатли иншоотга айлантирилди. Иккинчи ва учинчи қаватларга олиб чиқувчи эскалатор қайта тикланди. Қўшимча лифт ўрнатилди. Мустақилликнинг 17 йиллик байрами арафасида Ёшлар марказига айлантирилган ушбу бино тантанали равишда очилди. Бу ерда тантаналар зали, ахборот-ресурс маркази, ёшларни илмга, касб-ҳунарга ўргатувчи ўқув марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, марказда сузиш ҳавзаси, фитнес-клуб, тренажёр хоналари

фаолият юритади. У бир вақтнинг ўзида 2,5 минг нафар йигит-қизга хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Ёшлар йили деб аталган 2008 йилда Андижон шаҳрида Болалар шаҳарчаси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда ота-онасидан айрилган болалар учун ҳамма шароитларга эга бўлган 16 та уй қуриб битказилди. Уларнинг ҳар бирида 6 нафар бола бир оила бўлиб истиқомат қилади. Бу ерда эртаклар шаҳарчаси, амфитеатр, спорт мажмуаси, усти ёпиқ сув ҳавзаси мавжуд.

2008 йилнинг март ойида Андижон вилояти телерадиокомпанияси янги телестудиясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Андижон вилояти телевидениеси ва радиоси Фарғона водийсида алоҳида нуфузга эга. 1939 йили биринчи марта вилоят радиоси эшиттиришлари шаҳар радиотармоғи орқали тингловчиларга етказилган. 1991 йилга келиб вилоят телевидениеси кўрсатувларини эфирга узатиш йўлга қўйилди. Дастлаб у Андижон шаҳридаги А.Ҳайдаров кўчасидаги эски бинода, сўнг темир йўл вокзали ҳудудидаги собиқ сиёсий маориф уйида фаолият юритди. 2005 йилда эса унга Чўлпон шоҳкўчасида жойлашган собиқ «Ирстрой» трести биноси ажратиб берилди. Президентимизнинг мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ҳақида чиқарган қароридан сўнг Андижон ТРКга бюджет маблағи ҳисобига 2 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд замонавий телерадиоускуналар келтириб ўрнатилди. Бунга қадар кўрсатувлар ВХС тизимида тайёрланиб, эфирга бериларди. Вилоят ҳокимлигидан ажратилган 113 миллион сўм маблағ эвазига реконструкция ишлари амалга оширилиб, телестудия биноси барпо этилди. Кўрсатувлар компания учун ажратилган алоҳида канал орқали эфирга узатила бошланди. Эфир сифати яхшиланди. Илгари кунлик кўрсатувлар ҳажми кунига 4 соатни ташкил қилган бўлса, 2008 йилдан 12 соатни, 2011 йилнинг 31 декабридан бошлаб 18 соатни ташкил қилди. 2013 йилнинг май ойидан Андижон телевидениеси кўрсатувларини рақамли форматда эфирга узатиш йўлга қўйилди.

Шу йили Андижон шаҳрида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш дастурига асосан Бахт уйи биноси қурилиб, фой-

даланишга топширилди. Очилиш маросимида дастлабки 9 та ёш келин-куёвнинг никоҳи қайд этилди. Бу ерда яратилган шароитлар фақат никоҳни расмийлаштириш эмас, балки ёшлар анжуманларини ўтказиш имкониятини ҳам берди.

Бир пайтлар Избоскандаги Лўғимбек боғининг таърифи бутун Ўзбекистонга ёйилганди. Бу ерда дам олиш учун Тошкент шаҳридан, республикамиз вилоятларидан келаётган зиёратчиларнинг оқими узилмасди. Никоҳ маросимлари ҳам шу ерда ўтарди. Кейинчалик боғнинг шуҳрати сўниб, қаровсиз аҳволга келиб қолди. Андижон вилояти телевидениесининг «7 кун» ахборот-таҳлилий кўрсатувида мазкур боғнинг аянчли ҳолати ҳақида танқидий-таҳлилий лавҳа эфирга берилгач, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан уни қайта тиклашга киришилди. Хашарда вилоятдаги кўпчилик ташкилотлар, туман фермерлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари ходимлари фаол иштирок этишди. Бу ердаги кўл қайта тикланди. Худди илгаригидек ҳайвонот боғи ташкил қилинди. Ниҳоят унинг тарихий шон-шуҳрати қайти тикланиб, 2008 йилнинг май ойида «Хотира ва қадрлаш куни» байрамида тантанали равишда очилди.

2009 йили маърифатпарварлик ҳаракатининг асосчиларидан бири мулла Алихон Охунд Оразий таваллудининг 140 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Шаҳрихонда унинг уй музейи ташкил этилди. Оразийнинг даҳма-мақбараси қайта таъмирланди. Вилоят ўлкашунослик музейининг Шаҳрихон тумани бўлимида Оразийнинг ҳаёти ва ижодига оид энг нодир манбалар сақланмоқда.

2011 йили Андижонда башарият оламига илму урфон, зиё, маърифат улашган ҳазрати Бобур хотираси билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирокида «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида ўтказилган тантанали тадбирда Юртбошимиз совғаси – Бобурнинг озарбайжон тилига ўгирилган «Бобурнома» китобини андижонликларга топширди. Боку шаҳрида чоп этилган ушбу китоб озарбайжон ёзувчиси, таржимон Рамз Аскер томонидан Президен-

тимизга совға қилинган эди. «Бу зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка ишонч билан қарашга ўргатади», деб ёзган эди И. Каримов. Анжуманда сўзга чиққанлар энциклопедик аҳамиятга эга бўлган ушбу асарнинг аҳамияти ҳақида тўхталдилар. У шу кунгача жаҳоннинг 35 та тилига таржима қилинганлигининг ўзиёқ Бобур қолдирган бой маънавий мерос бутун инсониятнинг мулкига айланганлигини кўрсатиб турибди.

Андижоннинг ранг-тасвир олами. Андижон заминнинг гўзал ва мафтункор табиати, унинг танти, меҳнатсевар инсонлари ҳаёти, уларнинг урф-одатлари, меҳнатда эришаётган натижалари рассомларимизга ҳамиша куч ва илҳом бағишлаб келган. Ана шу боис уларнинг турли даврларда яратилган асарлари ғоявий-бадиий жиҳатдан пухталиги билан ажралиб туради. Уларнинг мўйқаламига мансуб ранг-тасвир, портрет, манзара, графика жанрларида яратилган асарлари республика миқиёсида ташкил этилаётган бадиий кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилмоқда. Уларнинг кўпи музейлардан жой олган.

Андижон рассомлик мактаби ҳақида сўз юритилганда моҳир рассом Нажмиддин Қозиев ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. У ўзининг ранг-тасвир ва портрет жанрларида яратилган асарлари билан ушбу мактабнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Кейинчалик Низомиддин Холиқов, Маҳаммаджон Қозиев, Эркин Воробьёв, Рустам Ўрозов, Муроджон Умаров каби истеъдодли рассомлар етишиб чиқдиларки, ўзбек бадиий санъати ривожида уларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва услуби бор. Тўқсонинчи йиллардан сўнг уларнинг ижодида туб бурилиш кўзга ташлана бошлади. Андижонлик рассомлар ўз полотноларига янги давр руҳини, кишиларнинг маънавий дунёсида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни олиб киришга ҳаракат қилмоқдалар. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган оддий инсонларимиз улар яратаётган асарларнинг бош қаҳрамонларига айланишмоқда.

Давлатимиз томонидан андижонлик мўйқалам усталарнинг меҳнати муносиб тақдирланяпти. Низомиддин Холиқов ва Обиджон Бакировлар Ўзбекистон халқ рассоми

деган шарафли унвонга сазовор бўлишди. Бу уларни янада жўшиб ижод қилишга ундамоқда.

Ўзбекистон халқ рассоми Обиджон Бакиров 1941 йили Андижон шаҳрида туғилган. У вояга етган муҳит санъатга жуда яқин эди. Жумладан, амакиси Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек театри ва киносининг ёруғ юлдузларидан Аббос Бакиров республикамизнинг энг машҳур санъаткорларидан бири ҳисобланади.

У классикага айланиб қолган машҳур ўзбек фильмларида суратга тушган бўлса-да, саҳнани тарк этмади. Бутун умри давомида Андижон театрида ижод қилди. Ёш Обиджоннинг санъат оламига кириб келишига ҳам амакиси сабабчи бўлган эди. У 1958 йилда вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ижрочи рассом бўлиб ишга киради. Сўнг маълум муддат Андижон тиббиёт институтида безакчи рассом бўлиб ишлайди. Ана шу илк фаолияти даврида унда ўқиб, таниқли рассомлар сафидан жой олиш мақсади пайдо бўлади. Ана шу мақсад ёш рассомни Тошкентдаги Беньков номидаги рассомлик билим юртига етаклайди. Уни тамомлагач Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўқишни давом эттиради. Бу ерда Раҳим Аҳмедов, Неъмат Қўзибоев сингари бир қатор таниқли рассомлардан ранг-тасвир сирларини пухта ўзлаштиради. Рассомлик соҳасида маълум билим ва малакага эга бўлгач, Андижонга қайтиб, қизғин ижодий жараёнга шўнғиб кетади.

О.Бакиров ўзининг ижодий фаолияти давомида юзлаб ранг-тасвир асарларини яратди. Уларнинг орасида портретлар алоҳида ўрин эгаллайди. «Абу Али ибн Сино», «Аббос Бакиров» сингари портретларда рассом бу улуғ сиймоларнинг маънавий дунёсини, уларнинг ички кечинмаларини ёрқин чизгилар орқали моҳирона тасвирлаган.

Ушбу жанрга мансуб бошқа бир қатор портретларда турли даврларда яшаб, ўзининг халол меҳнати билан эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонган Олим Қурбонов, Найни Маматқодиров, Турдихон Сатторова сингари машҳур инсонларнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган. Рассом автопортрет жанрида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Обиджон Бакиров ижодида манзара жанри алоҳида ўрин эгаллайди.

«Шоҳимардонда баҳор», «Туманликда», «Чўлда оқшом», «Жала» «Боғишамолда баҳор», «Ўрик гуллаганда» сингари ранг-тасвир асарларига боқиб, ўзингизни сўлим Фарғона водийсининг гўзал табиати, унинг улуғвор тоғлари, ҳар фаслда ўзгача тароват касб этадиган боғу роғлари, тошдан-тошга урилиб, шалдираб оқадиган дарёлари, турфа ранг гулларга бурканган ўтлоқлари оралаб юргандек ҳис этасиз. Улар томошабиннинг шу юртга, шу азиз Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини янада ошириб юборади.

Ижодкор натюрморт жанрида ижод қилар экан, дуч келган ҳар қандай нарсанинг суратини чизавермайди. Аввало ўша рассом чизмоқчи бўлган натюрморт рассомнинг қалбини ўзига ром қилган бўлиши керак. Ана шундагина у қўлига мўйқалам ушлайди. Шундан бўлса керак О. Бакировнинг натюрморт жанрида яратилган «Ўрик гули», «Қулупнайлар», «Настарин» каби асарлари томошабинни доимо фикрлашга, гўзалликни қалбан ҳис этишга ундайди.

Бундан ташқари, рассом мавзули асарларга ҳам кўп мурожаат қилади. Улар ўта мураккаб бўлиб, миллий удумларимиз ва маросимларимиз, тўйларимиз, турли даврларни ўзида мужассамлаштирган воқеликларга мурожаат қилиш орқали унинг асл мазмунини фалсафий қарашлар орқали ифодалаб берган. Мустақиллик рассом ижодида янги босқични бошлаб берди. У Андижон ва андижонликлар ҳаётида, уларнинг турмуш тарзида, онги- шуурида рўй бераётган улкан ўзгаришларни ҳаётий образлар орқали ифодалаб беришга ҳаракат қилмоқда.

Обиджон Бакировнинг ўзбек санъатини ривожлантиришга қўшаётган фидокорона меҳнати муносиб тақдирланиб. 1997 йили «Шуҳрат» медали, 2001 йилда эса Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Юксак санъат асарлари учун» кумуш медали билан мукофотланган. 2008 йили О.Бакиров «Ўзбекистон халқ рассоми» деган юксак номга сазовор бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллигининг чинакам меъмори бўлган муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг доно раҳбарлиги туфайли байроғида соҳибқирон Амир Темур ордени порлаб турган Андижон вилояти аҳолиси асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. Хомашё ўлкаси ҳисобланган Андижон қудратли индустриясига эга бўлган, барча соҳаларда каттадан-катта тажриба синовлари майдони, беқиёс ўзгаришлар ва улкан зафарлар макони сифатида танилди ва мустақилликнинг ойдин йўлидан тараққиёт сари шаҳдам қадам ташламоқда.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари ва ғамхўрлиги билан Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Асака автомобиль заводининг довруғи бутун мамлакат ва хорижга маълум ва машҳур бўлди. Эндиликда вилоят хомашё ишлаб чиқарувчи минтақадан саноати юксак ривожланган ҳудудга айланди. Деҳқончилик соҳасида ҳам юксак муваффақиятларга эришилди. Андижон вилояти республикада ғаллачиликни ривожлантириш марказига, ўзига хос синов майдонига айланди, ғалла уруғчилигининг асосий маркази бўлиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигидаёқ ғалла ҳосилдорлиги 35,2 центнердан 72,4 центнерга етказилди. 2001 йили давлатга сотилган 161373 тонна уруғлик, 90500 тонна товар дондан ташқари вилоят аҳолисига 116,5 минг тонна буғдой тарқатиб берилди, 992 минг тонна дон ижарачиларга берилди.

1995 йили бошланган плёнка остига чигит экиш технологияси республикамизда пахта етиштиришнинг «Андижонча усули» сифатида тан олинди. Андижон Ўзбекистон пахтачилигининг карвонбошчисига айланди. Уни етиштириш ва йиғиб териб олиш муддати 1,5–2 ойга қисқарди. 2001 йили мустақиллик кунигача пахта сотиш режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Шаҳрихон туманидаги ака-

демик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги ва бошқа ўнлаб хўжаликлар тажрибаси «Андижон усули»да пахта етиштириш йиғим-теримни барвақт якунлаш имкониятини беришлигини исботлади. Вилоят деҳқонлари 2001 йилнинг 14 сентябрь куни 305 минг тонналик хирмон бунёд этиб, йиллик шартномавий режани мамлакатда биринчи бўлиб бажардилар. Ана шу муносабат билан Юртбошимизнинг вилоят пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида мана бу сатрлар ёзилган: **«Вилоят деҳқонларининг илк бор мана шундай қисқа, тасаввур қилиш қийин бўлган муддатда – сентябрь ойининг биринчи ярмида давлат режасини шараф билан уддалаб, пахтачилигимиз тарихида янги саҳифа очгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.**

Бу ютуқ заминида ўз ерига меҳр қўйган, ўз ҳалол меҳнати самарасидан манфаатдор бўлган, олийжаноб ва заҳматкаш Андижон элининг омилкорлиги, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида орттирган билим ва тажрибаси мужжасам эканини алоҳида таъкидлаш лозим».

Бу даврда вилоятда янги саноат корхоналари, спорт иншоотлари барпо этилди, аҳолини турмуш даражасини кўтариш ва фаравонлигини оширишда муҳим ишлар олиб борилди. Андижон вилоятида тўпланган илғор ишлаб чиқариш тажрибалари мамлакат миқёсида оммалаштирилди. Бундай катта ташкилотчилик ва бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган Андижон вилоятининг ҳокими **Қобилжон Ғафурович Обидов** давлатимизнинг энг олий мукофоти, – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб Андижон вилояти республикамиз вилоятларига уруғлик ғалла етказиб берувчи асосий марказга айланди. Бу ерда ғалла етиштиришнинг ўзига хос мактаби яратилган эдики, буни ҳосилдорликнинг йил сайин ортиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин эди. Айниқса, 1996 йили вилоятда мисли кўрилмаган ғалла хирмони яратилди. Шаҳрихон туманидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси **Содиқжон Абдурасулов** буғдойнинг «Половчанка» навини парваришлаб,

унинг ҳар гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил олди. Шу йили Президентимиз Фармони билан С.Абдурасуловга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Содиқжон ака ўзига билдирилган бу юксак ишончни шараф билан оқлаб, нафақат Андижонда, балки бутун республикамизда ғаллачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Орадан уч йил ўтиб, яъни 1999 йилда андижонлик қаҳрамонлар сафи яна биттага кўпайди. У Марҳамат туманидаги собиқ Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи **Отахон Аламатов** эди. У 1947 йили Марҳамат туманининг Қорақўрғон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач хўжаликда бригада ҳисобчиси, унинг бошлиғи, жамоа хўжалаги раиси бўлиб ишлади. О.Аламатов буғдойнинг «Крошка», «Половчанка» навларини парваришлаб, иқлими анча салқин бўлган Марҳамат тумани шароитида юқори натижаларга эришди. Ҳосилдорликни гектар ҳисобига 75 центнерга етказди. Шу йили у пахтадан ҳам юксак хирмон яратди. Ўзбекистон Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган пахтакор О.Алматов кейинчалик туманда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

2008 йили Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллик байрами муносабати билан Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида Президентимиз Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги фермер хўжалиги раҳбари **Сиёсатхон Абдуллаева**нинг кўксига Ўзбекистон Қаҳрамони олтин юлдузини тақиб қўйди. У Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун давлатимизнинг ана шу юксак мукофотига сазовор бўлган эди. Юртбошимиз опа билан суҳбатлашар экан, 2007 йилнинг 15 июнь куни у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигидаги учрашувни эслатди. Қишлоқ кишилари ҳаётидаги кейинги ўзгаришлар билан қизиқди. Ҳар ишда пешқадам бўлаётган Андижоннинг тадбиркор, мард аёллари меҳнатига юқори баҳо берди.

«Умрим Андижон пахта далаларида ўтяпти, – деди қаҳрамонимиз Юртбошимизга ўз миннатдорчилигини бил-

дирар экан. – Илгари меҳнатни биз қилардик, роҳатини бошқалар кўрарди. Мустақиллик шарофати туфайли ернинг ҳам, мулкнинг ҳам, олинадиган даромаднинг ҳам эгаси ўзимиз бўлдик. Ҳақиқий мулкдорга айландик. «Олтин юлдуз» нафақат менга, балки бутун Андижон аёлларига берилган мукофот деб биламан».

Орадан икки йил ўтиб, яъни 2010 йили яна бир ҳамюртимиз Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган мактаб ўқитувчиси **Камолиддин Ғопиров** Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлди. У ўзининг бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишланган фидойи инсонлардан биридир. Ундан таҳсил олган ўқувчиларнинг 80–85 фоизи ҳар йили олий ўқув юртларига ўқишга киради. Қаҳрамонимиз ўзининг педагоглик фаолияти давомида ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга 7, 8, 9-синфларнинг «Кимё» дарслигини яратди. Ўқув дастурларини ишлаб чиқди. Жамоат ишларида ҳам доимо пешқадам.

К.Ғопиров Президентимиздан «Олтин юлдуз»ни қабул қилиб олар экан, «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир. Касблар ичида эса энг шарафлиси ўқитувчиликдир. Мен бундан кейин ҳам ўзимнинг бор билимим ва малакамни мустақил юртимизнинг муносиб фарзандларини тарбиялашга сафарбар этаман», деди. У Юртбошимизга берган ваъдасида қатъий туриб, қишлоқ ёшларига кимё, биология, математика, инглиз тили фанларини чуқур ўргатиш борасида янги изланишлар олиб бормоқда.

Ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бизнинг жамиятимизда унинг тараққиёти учун сарф қилинган ҳар қандай меҳнат муносиб рағбатлантирилади. Буни орадан бир йил ўтгач, 2011 йилда Асакадаги «GM-Uzbekistan» корхонаси бош технологи **Ҳасанбой Қосимов**нинг ишлаб чиқаришга янги инновацион лойиҳаларни жорий этишдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли номга сазовор бўлганлигидан ҳам кўриш мумкин. Ҳ.Қосимов Асака автомобиль заводининг биринчи кунидан бошлаб шу ерда ишлаб келади. Корхона дастлаб фаолият бошлаган 1996 йили вақти келиб Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи энг кучли 28 та давлат қаторидан ўрин эгаллай-

ди, деса биров ишонмаган бўларди. Давлатимиз томонидан ушбу корхонани ҳар томонлама ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар, қолаверса, Ҳасанбой сингари оддий ўзбек йигитларининг қаҳрамонона меҳнати эвазига бугун автомобилларимиз Осиё ва Европа мамлакатларини кезиб юрибди. «Ўзбек мўъжизаси» дея тан олинган ушбу машиналар жаҳоннинг 15 та давлатига экспорт қилинмоқда. Илгари енгил автомашина сотиб олиш учун одамлар йиллаб навбат кутишарди. Ҳозир ҳар бир ўзбек оиласида биттадан автомашина бор. Аҳоли ўта зич жойлашган Асака шаҳрида ушбу заводнинг қурилиши туфайли андижонлик ёшларнинг 7000 нафари юқори иш ҳақи кафолатланган доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

2012 йили Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра Асака туманидаги «Асака жилоси» фермер хўжалиги раҳбари **Содиқжон Турдиев**га Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Асли мутахассислиги иқтисодчи бўлган С.Турдиев узоқ йиллар мобайнида вилоятнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштиришда иштирок этди. Польша, Голландия, Германия сингари давлатларда бўлиб, қишлоқ хўжалигида иш юритиш усулларини ўрганди. Ўзи туғилиб ўсган Асака туманида 95 гектардан иборат фермер хўжалигини ташкил этиб, тўплаган тажрибаларини амалиётга кенг татбиқ этишга киришди. 2011 йили пахтадан 50 центнердан, 2012 йили ғалладан 85 центенердан ҳосил олишга эришди. Собиқ ширкат хўжалиги пайтида ушбу ерларда пахтадан аранг 28 центнер, ғалладан 40 центнер ҳосил етиштириларди. «Бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам инженер, ҳам иқтисодчи, ҳам сиёсатчи бўлиши керак», – дейди С.Турдиев.

Мустақиллик йилларида андижонликлардан етти нафарининг Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлишининг ўзи Президентимиз, давлатимиз томонидан вилоят меҳнаткашларининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.

АНДИЖОН МАҲАЛЛАЛАРИ: ЎТМИШДА ВА ҲОЗИРДА

Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маҳаллага нисбатан **«халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг ноёб усули»** деган таърифида олам-олам маъно мужассамдир.

Маҳалла аввал-азалдан халқимиз ҳаётининг ажралмас таркибий қисми, бир бўлаги бўлиб келган. Маъмурий бирлик, ўзини ўзи бошқариш усули бўлган маҳалла тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Сурхондарё вилоаятининг Музробод тумани ҳудудидаги Ўланбулоқсой ёқасига жойлашган жез даврига оид археологик ёдгорлик Сополлитепадан бир неча оила бирликларидан катта патриархал уруғ жамоаси ташкил этилгани, бундай уруғ жамоаларидан 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси бўлганлиги аниқланган. Академик Аҳмадали Асқаров ҳар бир патриархал жамоа маҳалласи қошида уларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кулолчилик цехи, металл эритиш устахоналари мавжуд бўлганини аниқлаган[1].

Ҳар бир жамоани сайлаб қўйилган Оқсоқол бошқарган. Оқсоқол маҳалла, жамоа ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилган.

Ана шундай маҳалла, жамоа бизнинг Андижонда ҳам бундан 2,5–3 минг йилдан бери мавжуддир.

«Маҳалла» атамаси арабча бўлиб, унинг маъноси ***«ўрин» – «жой»***ни англатади. Маҳалла турли минтақаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган.

Маҳаллалар кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тарихий, бадиий асарларда ҳам акс эттирилган.

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат нашриёти. Тошкент. 2004. 19–21-бетлар.

Тарихчи Наршаҳий **«Бухоро тарихи»** асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этган. Алишер Навоий ўзининг **«Ҳайрат ул-аброр»** асарида маҳаллани «шаҳар ичидаги шаҳарча» деб таърифлаган.

Маҳаллалар, айниқса, буюк Амир Темур салтанати даврида равнақ топган. Маҳаллалар аҳолининг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Мисол учун Андижонда яқин вақтларгача ҳам заргарлик, кўнчилик, пичоқчилик, кигизчилик, ширмонпазлик, темирчилик, эгарчилик, тақачилик ва бошқа номларда маҳаллалар бўлгани маълум.

Айни вақтда маҳаллаларимиз шахслар номи билан ҳам аталиб келинган. Ана шундай маҳаллалардан бири Бобо Таваккул бўлиб, бу жой номи «Бобурнома»да ҳам эслатилган. Асарнинг жой номлари кўрсаткичида Андижон шаҳридаги Бобо Таваккул, Қўштегирмон жойлари тилга олинган. «Бобурнома»да мана бу сатрлар келтирилган: «Хонлар Танбалнинг сўнггича-ўқ келиб, Андижоннинг навоҳисига туштилар. Улуғ хон Қўруқхоннинг ёнида (108 а) менинг улуғ онам – Эсон Давлатбегимнинг боғиғаким, Қўштегирмонга мавсумдур, тушти. Кичик хон Бобо Таваккул лангарининг ёвуғига тушти. Икки кундин сўнг Ўшдин келдим. Улуғ хонни Қўштегирмонда кўрдим»[1].

Айрим адабиётларда Бобо Таваккул Маҳдуми Аъзамнинг Андижонда туриб қолган авлодидан бўлиб, Нақшбандия тариқати йўлида ҳизмат қилган улуғ шахслардандир[2]», деб нотўғри ёзилган.

Маҳдуми Аъзам (асл исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий) 1463/64–1542 йилларда яшаб, фаолият кўрсатган улуғ аллома, йирик диний арбоб, нақшбандийлик раҳнамоси бўлган.

«Бобурнома»да Бобо Таваккул номи 1502–1503 йил воқеалари бобида тилга олинган. Бу вақтда Маҳдуми Аъзам

[1] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти.Тошкент. 2002. 93-бет

[2] *Жалилов Сайфиддин*. XV–XVI аср бошаларида Фарғона ва Андижон. Андижон, 2005. 34–35-бетлар.

37–38 ёшларда бўлган. Шундай экан, қандай қилиб Бобо Таваккул Маҳдуми Аъзамнинг Андижонда туриб қолган авлодларидан бўлиши мумкин? Чунки Таваккулнинг бобо бўлиши учун ёки юксак ном ва улуғ эҳтиромга, маълум бир жой унинг номи билан аталишига муносиб топилиши учун етарли ёшга ва мартабага эришиб улгуриши лозим бўлади.

Ушбудан маълумки, Бобо Таваккул номи Маҳдуми Аъзам яшаган даврдан олдинроқ пайдо бўлган ва у юксак эҳтиром ва улуғ номга эришиши учун бир неча ўн йиллар, балким юз йиллар керак бўлгандир. Масала ечимини топиш мақсадида Бобо Таваккул қабристони, масжиди атрофидаги маҳаллаларда яшаётган бир гуруҳ нуроний оқсоқоллар билан суҳбатлашдик. «Янги Яхши» маҳалласида яшаётган Адхамжон Аюпов Бобо Таваккулнинг Андижонга келиши Қутайба Ибн Муслим (660–715 йиллар) даврига тўғри келади, аҳоли яшаш учун қулай эмаслиги, хавфлилиги учун бу ерда яшамасликни таклиф қилишганда, бу табаррук зот «Бизники таваккал», «Аллоҳга таваккал», деб шу ерларни макон тутган. Бобо Таваккул шу ерда яшаб, шу ерда вафот этган. Айнан шу ерга дафн қилинган ва шу-шу бу ер қабристонга айланиб борган. Бу қабристоннинг «Бобо Таваккул» деб ном олиши бу ердаги биринчи қабр айнан шу кишиники бўлганлиги билан изоҳланади.

Бобо Таваккул билан бир қаторда Андижонда Бобо Саъдиддин ота, Қўчқорлик ота, Яканшиқ ота, Мирпўстин ота, Бобовул ота каби аждодларимиз бир даврда умр кечиришган.

– Ривоятларга қараганда, – дейди Адҳамжон Аюпов, – Бобо Таваккул Нур ота билан ака-ука ёки қондош бўлиши мумкин.

Мен бу айтганларимни катта дадамиз Абдувоҳид Эшондан эшитганман. Абдувоҳид Эшон катта бобомиз Учма Эшоннинг чевараларидан экан. Мен Абдувоҳид Эшоннинг опаси Ризвон бувининг невараси бўламан. Учма Эшон бундан 700 йиллар муқаддам яшаган деган фикрлар бор.

Шу маҳаллада истиқомат қилаётган Тоҳир ҳожи ота шундай дедилар:

Бу жойларда одамлар қадимдан яшаганликлари табиий. 1988 йилда бу ердаги масжид тарихини ёзганимда Бобо Таваккул ҳақидаги қуйидаги ривоятни келтирганман. «Яъни, ислом динини тарқатиш учун келган Ҳазрати Али издошлари орасида Таваккул деган одам бўлган экан. Бу инсон илмли, улуғ ва эътиборли кишилардан бўлган экан. Бобо Таваккул келиб ўрнашган бу атрофларда одамлар яшаган. Аммо Таваккул Бобо ўрнашган жой чакалакзор ва яшаш учун ноқулай, хавфли, бехосият бўлган. Шунга қарамай бу киши «Бизнинг борлигимиз Аллоҳга таваккал» деб, шу ерда қолиб, эрта тонгда жони узилган экан. У кишини айнан шу ерда дафн қилишиб, маҳаллий аҳоли учун ҳам бу жойдан қабристон сифатида фойдаланилган. Шу-шу бу қабристон «Бобо Таваккул» деб номланиб келади».

Бобо Таваккул манзилининг кейинги даврларга оид тарихига мурожаат қиламиз.

Фарғона вилояти бошқармасиниг 1889 йил 26 июлдаги 63–63-сонли «Масжид ва мадрасаларнинг вақф ерлари» бўйича ёзишмаларида Андижон шаҳри Бобо Таваккул даҳасига қарашли Миркомилбой Мирмўминбоевнинг мадрасасига тегишли вақф ерлари Андижон ва Ёрбоши волостларида эканлиги қайд қилинган.

Марғилон уезди бошлиғининг 1895 йил 22 октябрда Андижон шаҳри маъмуриятига йўллаган билдиргисида шаҳарнинг Бобо Таваккул даҳасидаги Ҳошимхон Халфа масжидига қарашли вақф ерлари ҳақидаги ишни юбориш сўралган. Унга жавобан Марғилонга 10-сонли вақф иши юборилган.

Бобо Таваккул шаҳримизнинг бир даҳаси номи билан аталгани ҳужжатларда акс эттирилган. 1904 йилнинг май–сентябрь ойларида Андижон шаҳар 2-бўлими полиция пристави Домбровский Бобо Таваккул даҳаси сарҳадидаги Девонабой мадрасасига бир неча бор ташриф буюрган, жумладан, 1904 йил 18 майда у ва Девонабой мадрасасидаги 26 нафар талабалар ва мадрасанинг катта мударриси Мулла Бобохон Абдуллабеков билан биргаликда мадраса мутаваллисини ўзгартириш масаласи билан шуғулланган. Ана шу 26 нафар талабаларнинг бири машҳур Отабек Қозининг

ўғли Фозилбек Отабеков бўлган. Бу инсон кейинчалик фаол жадидчи бўлиб, журналист, публицист сифатида кенг танилган. 1927 йили эса унинг қаламига мансуб «Дукчи Эшон» номли китоб Самарқандда нашр этилган. Фозилбек Отабеков ва 25 нафар мадраса талабалари Домбровский иштирокида Девонабой мадрасасининг қазо қилган мутаваллиси Мулла Муҳаммад Али Авазмуҳаммадовнинг ўрнига ўзаро келишиб, Бобо Таваккул даҳаси Қорабура жамоасидан Тошбоймирза Раҳимов бир овоздан мадрасанинг мутавалиси қилиб сайланган[1].

XIX асрнинг охирлари XX аср бошларида Фарғона вилояти ва унинг таркибидаги Андижон уезди бошқармасидаги ходимлар, ишловчилар орасида бирон бир ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, уйғур бўлмаган. Маҳаллий миллат вакиллари бир неча маҳалла, қишлоқ ва яйловлардан ташкил топган волостларга бошчилик қилганлар. Волост (даҳа, бўлис) бошлиқлари тартиб бўйича сайлов йўли билан сайланган. Волост бошқармаси таркибига бир қанча қишлоқ, шаҳарда эса маҳалла маҳкамалари кирган.

Андижон шаҳри бўйича 1908 йил 1 февралида маҳалла, жамоа маҳкамаси оқсоқоллигига, мингбошилигига сайловлар ўтказилиши белгиланади. Шунда Бобо Таваккул даҳаси[2], волости таркибидаги 10 та маҳалла маҳкамалари оқсоқоллигига, мингбошилигига номзодлар кўрсатилади. *Сойбўйи маҳалласига Мулла Раҳимбой Мулла Бобооҳунов (номзод қилиб Эшонхон Саидхўжаев),* ***Бобо Таваккул*** *маҳалласига* ***Масолиҳ Ҳамрабоев*** *(номзод қилиб Мулла Камолиддин Саидалихўжаев),* ***Қорабура*** *маҳалласига Неъматулла Маҳмудбоев (номзод қилиб Масолиҳ Масаидхўжаев),* ***Хиломлиқ*** *маҳалласига Мулла Раҳимбой Юнусохунов (номзод қилиб Нусратали Хайдаралиев (Хайдаталиев),* ***Чинор*** *маҳалласига Отабой Болтабоев (номзод қилиб Обайқўри ҳожи Отожанов),* ***Чувалачи*** *маҳалласига Мулла Асқарали*

[1] История Андижана в документах и материалах. (1876–1917 гг.). Том первый. Андижан 2009. стр. 204–205.

[2] Даҳа – маъмурий-худудий бирлик. Бир неча қишлоқлар ёки маҳаллалар бир даҳага бирлаштирилган, йирик шаҳарлар эса бир неча даҳага бўлинган. Даҳани оқсоқол «мингбоши» бошқарган.

Умаралиев (номзод қилиб Абдураҳимбой Хойзарбоев), ***Чордана*** *маҳалласига Тошмуҳаммад Умарбоев (номзод қилиб Абдураҳимхўжа Ахтамхўжаев),* ***Орифбек*** *маҳалласига Умаржон Мирзаримов (номзод қилиб Девонмуҳаммад Алиев),* ***Абушкин*** *маҳалласига Бобохон Дадахўжаев (номзод қилиб Мулла Тоштемир Назармуҳаммедов),* ***Қирлиқ*** *маҳалласига Абдукарим Маликбоев (номзод қилиб Мулла Ҳамроқул Каримқулхўжаев)* мингбошилик мансаби учун сайловга қўйилган. Ушбулардан маълумки, Андижонда Бобо Таваккул номи билан ҳам даҳа, ҳам маҳалла аталган.

1916 йил сентябрида Андижоннинг Уйлуқ, Олайлиқ, Қирлиқ даҳаларидан подшо Николай II нинг 25 июндаги Фармонига мувофиқ, фронт ортидаги мудофаа ишларида меҳнат қилиш учун 1000 нафар йигитлар мардикорликка сафарбар қилинган эди. Уларнинг ёши, яшаётган даҳаси, маҳалласи номлари кўрсатилган рўйхат[1] қимматли ҳужжатдир.

Уйлуқ даҳасининг Темирчи, Мадали Қози, Қора Мулла, Эскиғўза бозори, Дувахон, Қўйбозори, Мадқосим амин, Ёқубали хожи, Эскикаппон, Аркичи, Сарвонтепа, Сарой кўча, Тупроқхона, Шарифбойгузар, Эскиотбозори, Шолдирама, Жургун, Искандар мозор, Қўштепа, Ҳакимбек, Уразонтепа, Найзақайрағоч, Умарбек, Девонабой, Девонбек, Бешқайрағоч, Уйлуқ, Қуватхожи, Жалабек, Аҳмад ҳожи, Оқ масжид, Янги маҳалла, Тахта кўприк, Бобо Саъдиддин, Рўзиохунбой, Тутан маҳалла, Тегирмонтош, Қатортерак, Эскон кўча, Оқ гузар, Эскилик маҳаллаларидан 400 киши мардикорликка олинган.

Олайлиқ даҳасининг Такабой, Қум кўча, Чангалиқ, Яланғочқўрғон, Чоргузар, Дўх, Ёқубсаркор[2], Ҳожи маҳалла, Оқилхонтўра, Давронбек, маҳаллаларидан 100 нафар киши мардикорликка олинган.

Олайлиқсой даҳасининг Давронбек, Кўтактегирмон, Тожик, Тошҳовуз, Қорақўрғон, Қучқорлиқ мозор, Оқёр,

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзРМДА) И- 25 фонд, 1- рўйхат, 185-иш, 208–221-варақлар.

[2] Кигизчилар маҳалласи, шўро даврида Қизил карвон кўчаси деб юритилган.

Зулумбек, Эски кўнчилик, Собирхонтўра, Ирискулбек, Ёрмат қайрағоч, Дорезлиқ, Бобо Таваккул, Чордана, Чуқур кўча, Чекмозор, Гумбаз, Кўтарма, Тўқмоқ, Қорабура, маҳаллаларидан 200 киши мардикорликка олинган.

Қирлиқ даҳасининг Акробод, Яканшайх, Арава бозори, Айшоҳоним, Қодирқулбек, Тошлон, Маджиддин, Полосон, Тошкентлик, Қаландархона, Аълам домла, Ҳайдар Алибек, Гумбаз, Яккатол, Кичикгумбаз маҳаллаларидан 100 киши мардикорликка олинган.

Сой-Қирлиқ даҳасидаги Тошқалин, Чохрак, Эски арава бозор, Чувалачи, Оқмачит, Хўжа Рушной, Девонабой, Бурги, Янгибозор, Кўрпабозор, Худоёрхонқози, Маҳмудхонтўра, Қорабура, Майдон, Дарвозаоғзи, Орзиқулбек, Юмалоқ мозор, Абдулазиз Махсим, Чинортаги, Бақақуруллоқ маҳаллаларидан 200 нафар одам мардикорликка олинган.

Ушбу ҳужжатда Бобо Таваккул номи шаҳарнинг даҳаларидан бири экани қайд этилмаган, у Олайлиқ даҳасидаги Бобо Таваккул маҳалласи сифатида тилга олинган. Бобо Таваккул маҳалласидан ўнбоши қилиб Махсимбой (Масалибой) Отабоев (ёши 25 да), юзбоши ҳамда мирза бўлиб Ҳакимжон Йўлдошбоев (ёши 25 да), оддий ишчи сифатида Жалолбой Нуритдинов (ёши 24 да), Аҳмадбой Мусабоев (ёши 30 да), Ражаббой Ортиқбоев (ёши 25 да), Мирзааҳмад Мирзаумаров (ёши 28 да), Усмонбой Абдуллаев (ёши 31 да), Айсоқбой Тўхтахўжаев (ёши 31да), Бозорбой Аҳмадбоев (ёши 38 да), Абдуқаҳҳор Юнусхожиев (ёши 25 да), Умарали Зокирсўфиев (ёши 27 да), Қамбарали Холматбоев (ёши 26 да), Абраззоқ Йўлдашбоев (ўнбоши) (ёши 26 да), Мулла Абдулҳаким Ўсмоналиев (ёши 25 да), Тўлакбой Назарбоев (ёши 27 да) мардикорликка олинган[1]. Табиийки, бу инсонларнинг авлодлари, яқинлари ҳозирда Андижонда хусусан, ҳозирги Бобо Таваккул қабристони атрофидаги Яхши, Маҳдуми Аъзам, Майдон маҳаллаларида яшаётган бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бобо Таваккул маҳалласидан эл-юрт манфаати йўлида эзгулик ишлари қилишга муяссар

[1] ЎзРМДА, И-25-фонд, 1-рўйхат, 185-иш, 201–207-варақлар.

бўлган саховатли, ҳимматли инсонлар кўплаб чиққан. Улардан бири Мансурали Эгамбердибоевдир.

Қўлимизда унинг 1896 йил 16 июнда Андижон уезди бошлиғига йўллаган Илтимосномаси. Мансурали аввалида хасталикка учраган вақтида соғайиб кетиши билан умумхалқ фойдаси учун қандайдир эзгулик, яхшилик қилишни Аллоҳдан сўраб ният қилгани қайд этилган. Вақтлар ўтиб соғайиб кетгач, Аллоҳга берган ваъдаси устидан чиқиши учун фурсат келади. Куйганёр қишлоғига яқин Қорадарё кўпригини кучли сув оқими бузиб юборади. Кўприкни тиклаш учун қишлоқ аҳолисининг кучи етмайди. Кўприксиз эса аҳоли Андижонга доимий қатновдан маҳрум бўлган. Шу боис Мансурхон кўприкни ўз ҳисобидан қайта қуришга аҳд қилади. Ўз маблағи ҳисобидан, аҳолидан ҳеч қандай маблағ йиғмасдан кўприкни қўриб, ундан ҳаммани бепул фойдаланишларига эришишни мақсад қилади. Унинг Илтимосномасида шундай сатрлар бор: **«Ўзимни жуда бой киши деб ҳисоблашдан узоқдаман, аммо четдан ҳар қандай ёрдам олмай бу кўприкни қуришга етарли маблағга эгаман. Шу боис Сиз Олий ҳазратларидан сув оқими пасайиши билан кўприкни қуришга киришиш учун менга рухсат беришингизни сўрайман. Шуни ҳам маълум қиламанки, мен руслар қураётган кўприкдек мустаҳкам кўприк қуришни истайман»**. Шунингдек, Илтимосномада мустаҳкам кўприк қуришда вақтинчалик фойдаланиш учун қозиқ қоқадиган қурилма, қозиқоёқ қоқадиган катта болға бериб туришга рухсат бериш, мустаҳкам кўприк қуриш билан боғлиқ бошқа ишлар бўйича кимларга учраши лозимлиги, маҳаллий усталар шаҳар маъмурияти розилигисиз, кўрсатмасисиз бирор иш қилмасликлари, шу боис бу соҳада уезд бошлиғи бирор кўрсатма бериши сўралган.

Андижонда уезд бошлиғи Илтимоснома билан танишиб, ташаббусни қўллаб-қувватлаб, бу ҳақда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 1896 йили 22 июнда билдирги билан мурожаат қилади. Унда Андижон шаҳрида яшовчи сарт Мансурали Эгамбердибоев етарли даражада маблағга эга экани, фойдали иш қилиш нияти борлиги, Қорадарё учун

кўприк ниҳоятда зарурлигини, кўприксиз аҳоли дарёнинг у томонидаги шаҳар билан алоқада бўла олмаётганини эътиборга олиб, ўз ҳисобидан унга кўприк қуриш учун рухсат берилиши сўралади. Шунингдек, вилоятдаги ирригация мудири ихтиёридаги иккита чўянли машина тўқмоқ ва қозиқ қоқадиган қурилма билан таъминлаш ҳам сўралади. Кўприк конструкцияси ва миқдорини аниқлаб бериш борасида ҳам кўрсатма берилиши айтилган.

Билдиргида жаноб Томич Қорадарёга кўприк қуриб, кўприкдан ўтадиганлардан пул тўловини жорий этиш истаги ҳам Андижон уезд бошлиғи томонидан 1896 йил 17 майда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилгани эслатиб ўтилади. Бу илтимосларни вилоят раҳбарияти маъқуллайди. Масалани ҳал этиш учун вилоят қурилиш бўлими идорасига вазифалар юклатилади. Тез орада, 1896 йил 7 сентябрда Фарғона вилоят муҳандиси томонидан Андижонга, Мансурали Эгамбердибоевга Қорадарёнинг Куйганёр қишлоғига яқин жойида кўприк қуриш бўйича иккита чизма (тасвири, тархи) ва унга умумий тарзда шарҳлаб берувчи лойиҳа юборилади[1]. Қачон ва қандай қилиб Куйганёрда кўприк қурилгани ҳақида ҳозирча маълумотга эга эмасмиз.

Аммо Фарғона ҳарбий губернатори генерал-майор Сусанин, унинг ёрдамчиси А. Гиппиуснинг 1908 йил 30 июнда Андижон уезди бошлиғига йўллаган хатида Қорадарёнинг Куйганёр кўпригига яқин соҳилларни мустаҳкамлаш, кўприкдан фойдаланаётган волостлар аҳолисидан натурал солиқ олиш, дарё оқимидаги бузилган соҳилларни аниқлаб, уни тузатиш учун қанча ишчи, қанча материал зарурлигини билиб, иш олиб борувчи техник ходимларни юборишни талаб қилгани маълум. Бундан Куйганёр кўприги Мансурали Эгамбердибоев томонидан 1896–1908 йиллар оралиғида қурилган деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, шаҳримизда XIX аср охири XX аср бошларида қандай номларда маҳаллалар бўлгани, жумла-

[1] История Андижана в документах и материалах. (1876–1917 гг). Том первый. Андижан, 2009. стр. 123–124.

дан, Бобо Таваккул номли даҳа, маҳалла бўлгани, маҳалла мингбошилари номлари, шу Бобо Таваккул маҳалласидан 1916 йили мардикорликка олинганлар, маҳалладаги саховатпеша Мансуралининг Куйганёрда кўприк қуришдаги саъй-ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирдик. Эндиликдаги вазифа исми-шарифи маҳалла, ҳатто даҳа билан аталган сиймо Бобо Таваккул зотини, Бобо Таваккул маҳалласидан мардикорликка олинганлар тақдири, қисматини, зикр қилинган мингбошилар ҳаётини, боботаваккуллик Мансурали Эгамбердибоевнинг кўприк қуришдаги хизматини акс эттирувчи ҳужжатлар, материаллар, эсдаликларни қидириш, топиш ва уларни синчковлик билан ўрганишдан иборатдир.

Мустақиллик туфайли маҳалла мавқеи ва мақоми тубдан ўзгариб бормоқда ва маҳалла ўзининг иккинчи умрини кўрмоқда. Чунки, советлар ўзбекнинг маҳалласини тагтомири билан суғириб ташлай олмаган бўлса-да, унинг фаолият доирасини, таъсир кучини кескин чеклаб ташлаганди. Маҳалла идоралари жойлашган бинолар жуда ҳам кўримсиз бўлиб, унинг фаолият кўлами ниҳоятда чекланган эди. Маҳалла идорасининг қиладиган асосий иши одамларга шу ҳудудда яшашини тасдиқлайдиган маълумотнома беришдан иборат эди. Маҳалла билан ҳукумат органлари деярли ҳисоблашмасди ва давлат ва жамият бошқарув ишларига ҳам аралаштирмасди. Маҳалланинг ҳозирги жамиятимизда тутган ўрни ва аҳамияти истиқлол туфайли тамомила янги босқичга кўтарилди. Юртбошимиз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиб шундай ёзган: **«Маълумки, азалдан ўзбек маҳалласи чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан ҳабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар аввалам-бор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Ҳалқимизга хос ўзини-ўзи бошқариш тизимининг бу**

ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз[1]».

Истиқлол йилларида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. Улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди[2].

2013 йил 1 январь ҳолатига кўра Андижон вилоятида шаҳар-қишлоқ фуқаролар йиғинлари 97 та, улардаги маҳаллалар 867 тадир. Андижон шаҳрида 74 та, Хонобод шаҳрида 2 та, Андижон туманида 10 та, Асака туманида 8 та, Балиқчи туманида 9 та, Бўз туманида 3 та, Булоқбоши туманида 5 та, Жалақудуқ туманида 8 та, Избоскан туманида 9 та, Улуғнор туманида 4 та, Қўрғонтепа туманида 5 та, Марҳамат туманида 5 та, Олтинкўл туманида 8 та, Пахтаобод туманида 5 та, Хўжаобод туманида 4 та, Шаҳрихон туманида 12 та шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда[3]. Эндиликда маҳалла ҳаётининг энг қайноқ нуқтаси, жамият аҳолисининг турли тоифалари манфаатларини уйғунлигини таъминлайдиган, фуқароларнинг кундалик ҳаётида хилма-хил масала ва муаммоларни биргаликда ҳал қилинадиган обод бир маскандир. Маҳалла бошқарув шаклларидан биридир. У орқали фуқаролар ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Истиқлол йилларида Андижон маҳаллалари ҳудудида жами 721 та замонавий жиҳозланган маҳалла гузари бунёд этилди. Улар маҳалла ҳаётида муҳим ўринга

[1] *Каримов Ислом*. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». 2008, 58–59- бетлар.

[2] *Каримов И.* Кўрсатилган адабиёт... 59-бет.

[3] Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг намунавий маълумотлар базаси методик тавсиялар. (Андижон вилояти бўйича). Т.: «Ўзбекистон», 2013, 60–64-бетлар.

эгадир. Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини таъминлашда ҳам уларнинг хизмати каттадир.

Учрашувлар ва мулоҳазалар, кундалик тадбирлар, жонли суҳбатлар, шахмат ва шашка мусобақалари, долзарб мақолалар бўйича фикр алмашувлар, шеърхонлик ва китобхонлик, санъат кечалари ўтказилмоқда. Бу ўринда Андижон шаҳридаги Мирпўстин, «Шўрбулоқ», Андижон туманининг «Шарқ юлдузи», Чўлпон, «Хартум», Булоқбоши туманидаги «Ширмонбулоқ», Асака шаҳридаги «Дўстлик», Олтинкўл туманидаги Қайирма маҳаллалари гузарлари, замонавий биноси, маҳаллаларининг саранжом-саришталиги фуқароларнинг ахиллиги ва фаоллиги билан, ўз фаолияти билан ўзгаларга ибрат бўлмоқда.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ҳар йилги фуқаролар йиғини фаолиятига оид ўнлаб кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида Андижон шаҳридаги Имом Бухорий номидаги маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон Исмоилов, Сой маҳалла оқсоқоли Алижон Маҳмудов, Андижон туманидаги «Қайрағоч» маҳалласи оқсоқоли Муҳаммаджон Тўйчиев, Асака шаҳридаги Улуғбек номидаги маҳалла раиси Кимёхон Камолова, Булоқбоши туманидаги Янгиариқ маҳалласи раисаси Оминахон Раззақова, Марҳамат туманидаги Мингтепа маҳалласи раисаси Хайрихон Эгамбердиева фаоллик билан қатнашдилар.

Маҳалла фаолларидан Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари бўлмиш «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан Жалақудуқ туманидаги Усмонжон Каримов, «Дўстлик» ордени билан Андижон туманидан Икромжон Ашрабиев, «Шуҳрат» медали билан Хўжаобод туманидан Раънохон Мадраҳимова, Баликчи туманидан Комилжон Ҳайдаровлар тақдирланганлар.

Жалақудуқ туманидаги Тешиктош қишлоғи фуқаролар йиғини раисаси Арофатхон Икромова ҳам ана шундай фидойи инсонлардан. Бу қишлоқда бешта маҳалла бор, чиройли, шинам гузарлар шаҳар маҳаллаларидаги гузарлардан кам жойи йўқ.

Андижон маҳаллаларига тадбиркор ва ҳунармандлар яқиндан кўмак бермоқда. Ҳар қайси маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзига хос ишлаб чиқариш ва хизмат инфратузилмаси бор.

Андижон шаҳридаги 73 нафар маҳалла фуқаролар йиғинига Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 73 профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари, деканлар, проректорлар бириктирилган бўлиб, улар маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий сиёсий, маданий-маънавий, мафкуравий соҳаларда тизимли, мунтазам иш олиб бормоқда.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ ИШОНЧЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

«Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз[1]».

Мамлакатимизнинг, халқимизнинг эртанги куни бугун вояга етаётган ёш авлод тақдири билан бевосита боғлиқ. Ана шу боис мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилди. Ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, етук инсонлар бўлиб камолга етишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш, қалбида юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш таълим тизими олдида турган муҳим вазифага айланди. Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил жорий этилиши туфайли 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда келажакда муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

[1] *Каримов Ислом.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010, 30 январь.

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Илгари мактаблардаги мажбурий умумий таълим 11 йилдан иборат бўлиб, бола 18 ёшга тўлгандагина етуклик шаҳодатномасини қўлга киритарди. Уларнинг 20–25 фоизи олий ўқув юртларига кирган бир шароитда, қолган 75–80 фоиз йигит-қиз ҳеч бир ҳунарсиз катта ҳаётга қадам қўярди. Бирор мутахассисликни эгаллаши учун унга яна уч йил вақт керак бўлади. Шу алпозда ўсмир фақат 21 ёшга тўлгандагина бирор бир корхона ёки ташкилотга кириб ишлаши мумкин бўларди. Бой берилган вақт ва имконият унинг келажак тақдирига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Вилоятда дастлаб мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли бепул таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланган мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. 2004–2012 йилларда шаҳар ва туманлардаги 680 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. 16 та мактаб замонавий лойиҳалар асосида янгидан қурилди. 142 та мактаб капитал реконструкция қилинди. 439 та мактаб капитал, 83 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Ушбу мақсадларга 120,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Бугунги таълим тизимини илғор педагогик технологиялар ҳамда замонавий ўқув лабораторияларисиз тасаввур этиш қийин. Ана шу боис янги қурилган бугунги кун талаблари даражасида кайта таъмирланган мактаблар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Жумладан, таълим муассасаларининг 532 тасига кимё-биология, 547 тасига физика фанларидан замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, 400 тасига компьютер синф жамланмалари келтирилди. Бунинг учун 44,1 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Мактаб ўқувчиларининг билимини ошириш ва уларнинг маънавий дунёсини бойитиш билан бир қаторда болаларни жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга ҳам жиддий эътибор берилди. Ана шу мақсадда 2003–2012 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан жами 117 та спорт иншоотида қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди. Мактаблар қошидаги 67 та спорт зали,

20 та спорт иншооти реконструкция қилинди, 16 та сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди.

Инсонийлик, меҳр-мурувват жамиятимизга хос эзгу фазилатлардан бири. Бу таълим-тарбия жараёнида ҳам яққол намоён бўла бошлади. Яъни, мурувват уйлари ва мактаб-интернатларга бўлган эътибор кучайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки ўн йиллигида Андижон шаҳри, Қўрғонтепа, Избоскан, Булоқбоши ва бошқа бир қатор туманларда ушбу йўналишда фаолият юритувчи таълим муассасалари бюджет ва ҳомий ташкилотлар маблағи ҳисобига қайта таъмирланиб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган болаларнинг ўқиши ва яшаши учун зарур барча имкониятлар муҳайё қилинди. 2008 йили Андижон шаҳрида 110 ўринга мўлжалланган «Болалар шаҳарчаси» бунёд этилди. Шаҳарчада 16 та замонавий уй-жой, сузиш ҳавзаси, бокс ва гимнастика заллари, спорт мажмуаси, стадион, болалар майдончаси, ёзги амфитеатр ва мусиқа зали мавжуд. Болалар бу ерда уй шароитидан кам бўлмаган муҳитда оилаларга бириккан ҳолда истиқомат қилишади.

Вилоятда болаларнинг санъатга бўлган иқтидори ҳам доимо қуллаб-қувватланмоқда. Илгари шаҳар ва туманлардаги мусиқа мактаблари ўтган асрнинг 60-70 йилларида қурилган бўлиб, ташландиқ бир аҳволга келиб қолганди. Уларда концерт зали тугул, болалар шуғулланадиган дурустроқ хона ҳам мавжуд эмасди. Президентимиз ташаббуси билан ушбу муассасалар халқ таълими тизими тасарруфига ўтказилгач, кескин ўзгариш кўзга ташланди. Ушбу муассасаларга мусиқа ва санъат мактаби мақоми берилди. Шундан сўнг замонавий ўқув бинолари барпо этилди. Уларнинг ҳар бири замонавий ўқув хоналаридан ташқари концерт зали, ёш рассомлар учун кўргазмалар залини ҳам ўз ичига олган. Аввалги даврда, асосан, Европа мусиқа асбоблари ўргатилган бўлса, эндиликда болалар миллий мусиқа асбобларининг ҳамма турларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлдилар. Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Ғижжаки Бобурий» фирмаси томонидан ушбу мактабларга барча турдаги миллий созлар етказиб бериляпти. Болалар яратилган имкониятдан унумли фойдаланиб, республика ва

халқаро миқёсда ўтказилаётган фестиваллар, танловлар ва кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб, ўз маҳоратларини ошириб бормоқдалар.

Андижонлик мактаб ўқувчилари ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларининг республика босқичида фаол қатнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Қаердаки педагог билимли, ташаббускор бўлса, доимо янгиликка интилиб яшаса, ўша ерда ўқувчиларнинг ҳам билим даражаси юқори бўлади. Қўрғонтепа туманидаги 16-мактабнинг география фани ўқитувчиси М.Ҳурбоева, Пахтаобод туманидаги 21-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати немис тили фани ўқитувчиси Х.Аҳмаджонов, Андижон шаҳридаги 35-давлат ихтисослаштирилган мактабнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси С.Каримохунова, Шаҳрихон шаҳридаги 2-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси М.Абдурасулова, Улуғнор туманидаги 16-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси Н.Аҳмаджонова, Жалақудуқ туманидаги 7-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси М.Мирзаева каби педагоглар қўлида тарбия олаётган ўқувчилар ҳар йили ўтказилаётган фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларда юқори натижаларни кўрсатмоқдалар. Собиқ Иттифоқ даврида шаҳрихонлик мактаб ўқитувчиси М.Абдурасулов дарс жараёнида янгича педагогик технологияларни қўллаб, ўзига хос мактаб яратган эди. Мустақиллик даврида унинг издошлари сафи кенгайди. Бугунги педагогларимиз таълим-тарбия жараёнига янгиликларни кенг жорий этиш билан бир қаторда фанлар бўйича янги дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратмоқдалар.

Андижонлик халқ таълими фидойиларининг ҳалол меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида уларнинг 260 нафари давлат мукофотлари билан тақдирландилар. 1783 нафар ходим «Халқ таълими аълочиси» деган шарафли номга сазовор бўлди. 890 нафар педагог Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Илгари ёшларга билим беришда мамлакатимизда 10 йил-

лик мажбурий таълим тизими мавжуд бўлиб, битирувчиларнинг маълум қисми олий ўқув юртлари, техникумлар ҳамда ўрта махсус техника билим юртлари (СПТУ)га кириб ўқишарди. Қолган асосий қисми эса ҳеч қандай мутахассисликка эга бўлмаган ҳолда катта ҳаётга учирма бўларди.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Ана шу мақсадда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. 1998 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан вилоятда ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси ташкил қилиниб, жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этишга киришилди.

Шу йилнинг ўзида Андижон машинасозлик институти (собиқ муҳандислик иқтисодиёт институти) қошида Бўстон академик лицейи ташкил этилиб, янги типдаги ушбу муассаса мактабларни тамомлаган 150 нафар иқтидорли ёшларни ўз бағрига олди. Уларга аниқ ва табиий фанлар ҳамда хорижий филология йўналишлари бўйича пухта билим беришга киришилди. Шундан сўнг Қўрғонтепа касб-ҳунар лицейи енгил саноат касб-ҳунар коллежига, Асака тиббиёт билим юрти эса тиббиёт коллежига айлантирилди. 1998 йилнинг ўзида вилоятдаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида жами 57 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан учтаси янги типга мансуб эди.

1999 йилга келиб вилоятда кенг кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Натижада замонавий андозалар даражасида янги бунёд этилган яна 12 та коллеж ўз фаолиятини бошлади. Янги иншоотлар шарқ ва ғарб меъморчилик услубларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ўқув ва лаборатория хоналарининг кенг ва ёруғлиги, маҳаллий иқлим шароити тўла ҳисобга олинганлиги билан ҳам олдинги таълим муассасаларидан тубдан фарқ қиларди. Айни пайтда улар энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлар, лингафон қурилмалар билан таъминланди. Президентимиз И.Каримов ана шундай билим масканлари-

дан бири – Андижон туманидаги Оқёр саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Ўқувчиларга янада кенг қулайликлар яратиш борасида ўзининг таклиф ва кўрсатмаларини берди.

Шуниси эътиборлики, янги қурилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўзининг меъморий ечимига кўра бир-бирини сира такрорламасди. Олтинкўл, Андижон, Асака. Шаҳрихон, Жалақудуқ туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида қад кўтарган дастлабки бинолар ташқи кўриниши билан ўша жойнинг кўркига-кўрк, чиройига янада чирой қўшди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан мамлакатимизда дунёда бетакрор ҳисобланган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими жорий этилдики, унга асосан янги ҳаётга қадам қўяётган ўсмирларга 2–3 хилдаги замонавий касбларни пухта эгаллашлари учун кенг имконият яратилди. 2002 йилга келиб, ушбу таълим муассасаларининг илк қалдирғочлари ҳисобланган 3429 нафар йигит-қиз ўрта-махсус маълумотга эга бўлди. Улардан 286 нафари имтиёзли дипломларга эга бўлдилар.

Айни пайтда ўқувчиларга пухта билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш мақсадида ушбу тизимга энг малакали педагог-муҳандислар жалб қилиндилар. Улар орасида фан докторлари ва номзодлари, олий тоифали мутахассисларнинг борлиги таълим сифатини янада яхшилаш имкониятини берди.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. 2012 йилнинг баҳорида Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» стадионида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Унда вилоятдаги мавжуд ўрта мактабларнинг 9-синфи битирувчилари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этишди. Шу йили ўрта мактабларни 50 минг 827 нафар ўқувчи тамомлади. Улар фестиваль доирасида ўзлари танлаган касб-ҳунар коллежларида яратилган шарт-шароитлар

билан танишиб чиқишди. Йил охирида Ёшлар марказида ўтказилган «Тақдиримга битилгансан, мустақил Ватан!» ёшлар фестивалида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, вилоятдаги мавжуд тўртта олий ўқув юртининг 800 нафар йигит-қизлари иштирок этишди.

2013 йилга келиб вилоятда фаолият кўрсатаётган академик лицейлар сони 12 тага, касб-ҳунар коллежлари эса 117 тага етди. Ўқувчилар 98 та мутахассислик, 392 та ихтисослик бўйича таҳсил олмоқдалар. Ҳар йили уларни 150 минг нафардан зиёд йигит-қиз тамомлаб чиқмоқда. Улар давлатимиз томонидан берилаётган доимий эътибор туфайли кафолатланган иш жойлари билан таъминланган.

Вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 80 мингдан зиёд талаба таълим-тарбия топмоқда, уларга 5 мингдан зиёд малакали педагог таълим бермоқда. Ҳозирда Андижон вилоятида Бобур номли Андижон давлат университети, Тиббиёт, Қишлоқ хўжалик ва Машинасозлик институтлари – 4 та олий ўқув юрти мавжуд. Улардаги 20 минг талабага 1,5 мингдан ортиқ профессор ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқда.

Андижон давлат университети Ватанимиздаги кекса олий ўқув юртларидан биридир. Мазкур олий таълим муассасаси Фарғона давлат педагогика қошидаги Андижон кечки педагогика институти сифатида 1931 йили ташкил этилган, 1939 йилдан ўқитувчилар институти, 1953 йилдан бошлаб эса Андижон давлат педагогика институти сифатида фаолият кўрсата бошлади. Унинг моддий техника ва педагогик ходимлари базасида Наманган ўқитувчилар институти (ҳозирдаги Наманган давлат университети), 1955 йили Андижон тиббиёт институти, 1964 йили Андижон пахтачилик институти (ҳозирги Андижон қишлоқ хўжалиги институти), 1966 йили Андижон тиллар педагогика институти, 1981 йили Андижон иқтисодиёт институти (1992 йилдан Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти) ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 йил 15 мартда Андижон педагогика институти негизида **Андижон давлат университети** ташкил этилди. 1990 йил 19 апрелда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берил-

ди. Ҳозирда университетда физика-математика, филология, тарих ва ижтимоий фанлар, табиатшунослик ва география, хорижий тиллар, жисмоний маданият, педагогика факультетларида 23 та ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Университет таркибида 7 та факультет, 28 та кафедра, қадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази, магистратура, докторантура мавжуд. Университетда 6875 бакалавр, 119 магистр таълим олмоқда. Университет катта илмий салоҳиятга эга. Ҳозирда 511 профессор-ўқитувчилар, шундан 30 нафари фан докторлари, профессорлар, 200 га яқини фан номзодлари, доцентлар талабаларга билим бериб келмоқда. 14 нафар катта илмий ходим изланувчан фаолият кўрсатмоқда, улардан 3 нафари фан номзоди. Бу илм масканининг равнақи ва камолотига ўзининг бутун ақли заковати билан, жўшқин меҳнат ва ташкилотчилик фаолияти билан катта ҳисса қўшганлар қаторида 1957–2013 йиллар мобайнида ректорлик қилган профессор Ғ.Х.Абдуллаев, академик А.Қ.Қосимов, профессор С.Зайнобиддинов, профессор Т.А.Мадумаровлар хизмати ниҳоятда каттадир.

Айниқса, сўнгги 6–7 йилдан бери университетга раҳбарлик қилиб келаётган биология фанлари доктори, профессор Т.А.Мадумаровнинг саъй-ҳаракатлари, ўзига хос ташкилотчилиги, таълим-тарбия, илмий-тадқиқот, моддий техника база соҳаларига новаторларча муносабати, умумий ишга фидойилиги туфайли университет ҳар жиҳатдан равнақ топиб, республикадаги олий ўқув юртлари ичида алоҳида нуфузга эга бўлган, Фарғона водийсидаги олий ўқув юртларининг таянч билим даргоҳига айланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Университетнинг ўқув бинолари, талабалар турар жойлари, ўқув жараёнининг энг сўнгги замонавий ахборот технологияси билан жиҳозланганлиги, спорт иншоотлари, талаба ва профессор-ўқитувчиларга маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бўйича мислсиз катта ўзгариш ва ютуқлар қўлга киритилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу ишларни бажариш учун давлатимиз томонидан фақат, 2010–2011 йиллари 4,8 млрд. сўм маблағ сарфланди. 2012–2014 йиллар учун янги ўқув биноларини, талаба-

лар тураржойлари, ошхона, Ахборот ресурс маркази, спорт зал, ўқув жараёнини замонавий ахборот технологиялари билан жихозлаш каби соҳаларга давлатимиз томонидан 60 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилди. Бу катта маблағнинг ўзлаштирилиши оқибатида университет янада салобатли, салоҳиятли, кўркам қиёфага айланади ва университет халқаро стандарт даражасига кўтарилади. Университет ҳозирнинг ўзидаёқ нафақат республикада, балки хорижда ҳам танилган илм масканига айланди. Бу билим даргоҳининг Андижон вилояти, шаҳар ва туманларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-тарбиявий ҳаётида ҳам ўрни ва роли катта экани барчага маълумдир.

Маълумки, 1966 йил апрелидан Андижон давлат педагогика институти таркибидан хорижий тиллар факультети ажралиб, мустақил Андижон Тиллар институти сифатида фаолият кўрсата бошлади. Олийгоҳнинг шаклланиши ва ривожланишида ректор бўлиб хизмат қилган доц. М.И.Ҳабибов, таниқли жамоат арбоби, шоир, олим Ҳайитбой Азимов, филология фанлари доктори, профессор М.Умархўжаев ва бошқа бир қанча профессор-ўқитувчиларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Профессор М.И.Умархўжаев 1983–2000 йилларда ректор бўлиб ишлаган пайтда институт кўп жиҳатдан ривожланди. М.И.Умархўжаев немис тили мутахассислиги бўйича катта олим, олий таълим ва фанда моҳир ташкилотчи. Унинг раҳбарлигида 1 та докторлик, 3 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозирда 1 та докторантга илмий маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатмоқда, қатор ўқув қўлланмалар, кўплаб илмий мақолалар муаллифи.

2010 йили мазкур институт яна Бобур номли Андижон давлат университети таркибига қўшилди. Ҳозирда университет таркибида хорижий тиллар факультети самарали фаолият кўрсатмоқда.

Университетнинг таълим-тарбия, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий соҳалар бўйича эришган ютуқларида ҳозирда намунали фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилардан «Эл-юрт ҳурмати» орденига мушарраф бўлган профессор Абдулҳамид Нурмонов, Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган иқтисодчи, профессор И.Асқаров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор И.А.Алимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Р.Т.Шамсутдинов, профессор Х.Тўйчиев, ҳозирда улуғ ёшга кирган, лекин қизғин фаолият кўрсатаётган ходимлардан тарих фанлари номзоди, университетнинг фахрий профессори С.Жалилов[1], АРМ директори доцент Т.Насриддинов, доцент К.Зокиров, катта ўқитувчи Х.Солиев, университет проректорлари – Қ.Ғ.Парпиев (марҳум), А.Собиров, Р.Алиев, С.Думаев, М.Тўраевларнинг хизматлари каттадир. Университет профессор-ўқитувчилар таркибида аёлларнинг нуфузи ҳам каттадир. Улар орасида шоира, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ханифа Солиҳова, биология фанлари доктори, профессор Лола Саидбоева, филология фанлари докторлари Ш.Юсупова, Д. Набиева, С.Мирзаевалар самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Андижон тиббиёт институти – 1955 йили очилган. Унда республиканинг турли минтақалари ва Марказий Осиё мамлакатларидан 2300 дан ортиқ талаба ўқимоқда. Ҳозирда 55 та кафедра ва марказий илмий тадқиқот лабораторияси кўп тармоқли ўқув-тарбиявий, даволаш ва илмий тадқиқот фаолиятини олиб бормоқда. Институтда 505 га яқин илмий-педагогик ходимлар жумладан, 49 нафар фан доктори ва профессорлар, 177 нафар фан номзодлари ва доцентлар меҳнат қилмоқда. Ҳар йили 440–450 мутахассис шифокорлар институтни битирмоқда. Институтни битирганлар мамлакатнинг турли тиббий муассасаларида ишламоқдалар. Улардан кўпи таниқли олимлар бўлиб етишган, соғлиқни сақлаш бўйича йирик мутахассис ва ташкилотчилардир. Улар Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тиббиёт олий ўқув юртларида ва илмий тадқиқот муассасаларида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Институтда

[1] С.Жалиловнинг тадқиқотлари Ўзбекистон, хусусан, Андижон шаҳри тарихи ва Бобуршунослик билан боғлиқ. «Фарғона ерларининг суғорилиш тарихи», «Бобурнинг Фарғона давлати», «Салтанатни титратган кунлар», «Бобур ва Юлий Цезар», «Бухорийлар қиссаси», «Оқилона яшаш тарзи» каби 15 китоб ва 300 дан ортиқ мақолалар муаллифи.

талабаларга таълим-тарбия бериш ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Институтда 5 та факультет (даволаш, педиатрия, тиббий педагогика йўналиши, шифокорлар малакасини ошириш, олий тоифадаги тиббий ҳамширалар факультети) ва магистратура бўлими фаолият кўрсатмоқда.

1-курс талабалари морфологик фанларни ўрганмоқда. 3-курсдан клиник фанларни ўқиш, ўрганиш бошланади. Ўқиш муддати 7 йил. Институтда умумий профилли шифокорлар ва педиатр шифокорлар тайёрланмоқда. Талабалар 7 йил ўқиганларидан сўнг давлат имтиҳонларини топширадилар, шифокорлар қасамёдини тантанали қабул қилиб диплом оладилар. Институтни тугатгандан сўнг ёш шифокорлар мутахассислик бўйича ишлайдилар. Институтни аъло баҳолар билан битирган талабаларга клиник ординатурага ва магистратурага кириш имконияти берилади. Барча студентлар стипендия билан таъминланган, аълочи талабалар юқори даражадаги стипендия билан, энг аълочилари эса номдор стипендиялар билан, Президент стипендияси, «Абу Али Ибн Сино» стипендияси билан таъминланади. Талабалар ихтиёрида яхши жиҳозланган лабораториялар, маъруза заллари, компьютер синфлар ва ахборот ресурс маркази мавжуд. Усмон Алимов, Юсуф Отабеков, Раҳим Муҳаммедов, Соатқул Жумабоев, Мамазоир Хўжамбердиев, Алишер Шодмонов, Неъматжон Мамасолиев, Марк Аграновский, Сайфутдин Турсуновдек таниқли фан ва олий таълим ташкилотчиларининг институтнинг равнақ топишида хизматлари бениҳоя каттадир.

Андижон қишлоқ хўжалик институти. Андижон пахтачилик институти (ҳозирги Андижон қишлоқ хўжалик институти) 1964 йил 22 июнь собиқ Иттифоқ Министрлар Советининг Андижон пахтачилик институтини ташкил қилиш тўғрисидаги Қарори асосида ташкил топди. Собиқ Иттифоқда ягона ўқув юрти ҳисобланган пахтачилик институти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Андижон шохобчаси базасида очилган эди. Ўша даврда Ўрта Осиё республикаларида пахта етиштиришни илмий асосда ривожлантириш учун малакали мутахассисларга эҳтиёж жуда катта бўлган.

Институт собиқ Иттифоқ Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1964 йил 6 август буйруғи асосида ташкил этилган бўлиб, унинг биринчи ректори, доцент Ҳабибулло Саттаров 55 нафар профессор ва ўқитувчилар жамоаси билан институтда Ўрта Осиё республикалари, Жанубий Қозоғистон ва Озарбайжон учун ҳам пахтачилик соҳасидаги етук мутахассислар тайёрлаш ишларини йўлга қўйди. 1964 йил 8 августдаги 430-сонли буйруғига асосан ўша йилнинг 1 сентябрдан бошлаб турли йўналишларда 13 та кафедра ташкил қилишга эришилди.

Пахтачилик институтида биринчи ўқув йилида агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация факультетлари ва сиртқи бўлим иш олиб борди. Ҳозирги кунда иқтисодиёт ва бошқарув факультети ҳам ташкил қилинган.

Пахтачилик институти олимлари халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган масалалар бўйича ўқув илмий ишлаб чиқариш хўжалигининг ер майдонида комплекс тадқиқот ишлари билан ҳам фаол шуғулланиб, ишлаб чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар ва келмоқдалар.

Институт ўқув илмий ишлаб чиқариш хўжалиги Андижон вилоятининг Андижон тумани ҳудудида олий ўқув юртининг ёнида жойлашган бўлиб, умумий майдони 240 гектардан иборат. Хўжаликнинг асосий йўналиши пахтачилик ва дончилик бўлиб, бундан ташқари беда ва бошқа ем-хашак экинлари, сабзавот, мева ва узум маҳсулотлари етиштирилади. Институт ташкил топган йилларда чорвачилик, парррандачилик соҳалари билан ҳам кенг шуғулланилган.

Институт ўқув тажриба хўжалигининг ер майдонларида чигит плёнка остига экилиб, унинг агротехникаси тўла ўрганилиб, талабаларни ўз устида ишлашга жалб қилинмоқда. Бу амалиёт республикада «Андижон технологияси», «Андижон мактаби» номи билан донг таратиб келмоқда. Шу асосда вилоятнинг айрим хўжаликларида ипак қуртини ҳам плёнка остида боқиш мўлжалланмоқда.

Мустақил республикамиз қишлоқ ва сув хўжалик тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаётган Андижон қишлоқ хўжалик институти 1992 йилнинг 15 мартида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан Андижон пахтачилик институти негизида ташкил этилди ва профессор-ўқитувчилар жамоаси зиммасига тайёрланаётган мутахассислар салоҳиятини тубдан яхшилаш, жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш вазифаси юклатилди.

Андижон қишлоқ хўжалик институтида қатор янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Институтда «Агроинженерия», «Агроиқтисодиёт», «Агрономия», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Сув хўжалиги ва мелиорация», «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини», «Мева сабзавотчилик ва узумчилик», «Ипакчилик», «Зоотехния», «Касбий педагогик тайёргарлик», »Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси», «Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва унинг техник сервиси» каби 10 дан ортиқ таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. Институтнинг ҳар бири 150–200 талабага мўлжалланган саккизта маъруза хоналари телевизорга узатиш тармоқлари ва видеоқурилмалар билан жиҳозланган. Институт интернет тизимига уланган, электрон почта мавжуд, Ахборот ресурс маркази ўқув зали, видеотехникалар билан жиҳозланган. Алоҳида компьютер хоналари ташкил қилинган бўлиб унда Европа ва Осиё давлатларининг ўқув дастурлари, илмий мақолалар, адабиётлар олиш имконияти яратилган.
Мустақиллик даврида қишлоқ хўжалик институтида малака ошириш маркази жорий қилинди.

Институтда 5-сонли Республика лицей-интернати қишлоқ ёшлари орасидан иқтидорлиларини саралаб, уларни мамлакатимиз агросаноат комплекси учун етук кадрлар бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги қўшма буйруғига асосан 1995 йил 11 августда институт қошидаги лицей-интернати ташкил қилинди ва ҳозирда академик лицейга айланди.

Андижон қишлоқ хўжалик институти Европа Иттифоқининг TEMPUS танловларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2002 йили Нидерландиянинг Вагенинген университети координаторлигида TEMPUS-DESPES лойиҳаси амалга оширилган. Лойиҳада Австралиянинг Вена Аграр университети, Германиянинг Гамбург Техника университети ва Буюк Британиянинг Лусфаси колледжи Европадан ва Ўзбекистондан Тошкент Аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти иштирок этганлар. 2012 йилдан Италиянинг Аквила университети координаторлигида TEMPUS-EPASAT лойиҳаси бажарилмоқда. Андижон қишлоқ хўжалик институтининг юксалиш йилларида ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшган ректорлар профессор Пўлат Қирғизбаевич Ҳабибуллаев, Абдураим Худойбердиевич Мамадалиев, институтнинг биринчи талабаларидан бўлган профессор Толибжон Солиевич Худойбердиев, сўнг профессор Ойбек Ёқубжонович Ёқубжонов иш олиб бордилар.

Андижон машинасозлик институти – иқтисодчи ва муҳандислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Андижон шаҳрида Тошкент давлат Иқтисодиёт университетининг Андижон бўлими негизида, 1992 йилда барпо қилинган. Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти ҳамда Андижон муҳандислар тайёрлаш экспериментал ўқув ишлаб чиқариш маркази негизида 1995 йил 5 июнда ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги № ПК 1533-сонли қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 214-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 29 июлдаги 319-сонли буйруғига асосан Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти Андижон машинасозлик институтига айлантирилди.

Бу олийгоҳ ўз тараққиётида бир қанча босқичларни кечирди. Дастлаб 60-йилларда Андижон давлат педагогика институти ҳузурида Тошкент Халқ хўжалиги институ-

ти ўқув-консультация пункти сифатида фаолият кўрсатди. Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги тармоқлари, саноат корхоналари ҳамда савдо ташкилотларининг ривожланиши, янги саноат корхоналарининг қурилиб ишга туширилиши муносабати билан олий маълумотли иқтисодчи кадрларга бўлган эҳтиёж юзага келди. Натижада 1970 йили республика Олий таълим вазирлиги қарори билан Тошкент халқ хўжалиги институтининг Андижон филиали ташкил топди. Филиалнинг кечки ва сиртқи бўлимларида саноатда бухгалтерия ҳисоби, меҳнат иқтисоди ва уни режалаштириш, Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти, қишлоқ хўжалик иқтисоди, Саноат иқтисод, савдо иқтисоди, молия ва кредит ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлана бошланди. 1980–1981 ўқув йилидан саноат иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби молия, савдо иқтисоди йўналишлари бўйича кундузги бўлимга талабалар қабул қилина бошлади.

1992 йил 28 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан республикамиздаги бир қатор олий ўқув юрти филиаллари қаторида Тошкент Халқ хўжалик институтининг Андижон филиали ҳам мустақил Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институтига айлантирилди.

Институт ректори этиб иқтисод фанлари доктори, профессор Тоҳир Каримович Иминов тасдиқланди.

Бу олий ўқув юртининг шаклланиши ва ривожланишида биринчи раҳбар бўлиб самарали фаолият кўрсатганлар қаторида доцент Қ. Ю. Абдуллаев, профессор И.Н.Эрматов, профессор Т.Қ.Иминов, профессор А.А.Сотволдиев, профессор Р.Х.Саидаҳмедовни алоҳида қайд қилиш лозимдир. Шунингдек, бу илм даргоҳининг юксалишида олимлардан Насриддин Умаров, Шукур Маматқулов, Абдурауф Абдуллаев, Қиёмиддин Муфтайдинов, Муҳиддин Назаров, Иброҳим Қаюмов, Одилжон Олимжонов ва бошқаларнинг хизмати ниҳоятда каттадир.

Институтда 3 билим соҳасига тааллуқли 12 бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Техника, автоматика ва электротехнология ҳамда машинасозлик факультетларда 2400 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда.

Факультетлар таркибидаги 16 та кафедра бўлиб, улардан 10 таси мутахассислик кафедраларидир: ишлаб чиқаришни бошқариш, логистика ва маркетинг, машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш, ахборот технологиялари, электротехника, электро механика ва электро технологиялар, иқтисодиёт, машинасозлик технологияси, умумтехника фанлари, ер усти транспорт тизимлари, машинасозлик жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг эксплуатацияси, материалшунослик ва янги материаллар технологияси.

Асосий штатда ишловчи 181 нафар профессор-ўқитувчиларнинг 6 нафари фан докторлари, профессорлар ва 60 нафари фан номзодлари, доцентлар.

Охирги 3 йилда профессор-ўқитувчилардан 161 нафари малакасини оширган, 14 нафари қайта тайёрлашдан ўтган, улардан 5 нафари хорижда ўз малакаларини ошириб қайтган.

Касб таълими йўналиши талабаси Рушана Рустамова 2008 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Институтда 400 ўринга мўлжалланган 2 та талабалар тураржойи, 2 та футбол майдони, 2 та спорт зали, 3 та ошхона ҳамда тренежёрлар зали ва теннис корти талабаларга хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида илм-фан соҳасида янги авлод шаклланиб вояга етмоқда. Бундай авлод Андижон олий ўқув юртларида ҳам шаклланмоқда. Биргина Андижон давлат университетида тилшунослик, Ватан тарихи, биология, кимё, физика йўналишлари бўйича магистратура, аспирантура, докторантура мавжудки, илф-фанга қизиққан истеъдодли ёшлар ана шу фан йўналишлари бўйича фан магистри, фан номзоди, фан доктори илмий даражаларини олиш имконига эга бўлмоқдалар. Ана шундай билимли ва истеъдодли ёшлардан бири Азаматжон Раҳимов, Хуршид Қурбоновлар аспирантуранинг 2 йиллиги натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти кўрик-танловида қатнашиб, нуфузли ўрин эгаллаб, фахрий ёрлиқ ва пул мукофотларига сазовор бўлдилар. Аспирант Азаматжон Раҳимов

аспирантлик муддатининг 2 йили тўлиб-тўлмас диссертация ҳимоя қилди. 2-курс аспиранти Хуршид Қурбонов ўз илмий раҳбари билан ҳамкорликда Тошкентда, Бухорода бир нечта монографик тадқиқотлар, тўпламлар, мақолалар эълон қилди. Ҳатто Москвадаги нуфузли илмий журналларда мақолалари чоп қилинди.

Ватан тарихи, йўналиши бўйича магистрант Ҳикматилла Ҳошимов ўзбек-француз қўшма археологик экспедициясида қатнашиб, Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилоятларидаги неолит даврини ўрганди ва чет эл олимлари билан ҳаммуаллифликда илмий мақолалар эълон қилди.

Ақл-заковатли, билим ва ҳунарда ўз истеъдоди ва салоҳиятини намоён этаётган бундай ёшлар Андижонда кўплаб топилади. Мисол тариқасида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Зиёда Акбарова, Дилрабо Абдуллаева, Саида Қулматова, Дилфуза Матбобева, Президент стипендиантлари Шерзод Алимов, Дониёр Гилманова каби ўнлаб истеъдодли ёшларни келтиришимиз мумкин.

АНДИЖОН СПОРТИ

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди».

Ислом КАРИМОВ.

Истиқлол Андижон спортчилари ҳаётида ҳам мутлақо янги саҳифа очиб берди. Президентимиз Ислом Каримов андижонлик спортчи ёшларнинг жаҳон майдонларида қўлга киритган марраларини фахру ифтихор билан тилга олади. Юртбошимиз Андижон вилоятига «Амир Темур» орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда Андижон ёшларининг спорт соҳасидаги зафарларини шундай таърифлаган эди: **«Андижон ҳақида гапирганда, спорт ҳақида тўхталмасдан иложи йўқ, чунки вилоятда кейинги йилларда том маънодаги спорт мактаблари шаклланиб бормоқда. Андижон спорт мактабининг ёрқин намояндалари – олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, жаҳон кубоги ғолиблари Антонина Москолева ва Татьяна Левина каби халқаро майдонларда Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб келаётган моҳир спортчиларимиз билан бутун халқимиз ҳақли равишда фахрланади».**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялашни давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа сифатида белгилаб берди.

Чунки, собиқ Иттифоқ даврида спорт иншоотлари, асосан, марказ жойларга қурилган бўлиб, борлари ҳам жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб бермасди. Қишлоқ жойларда эса улар етишмасди. Мактабларнинг спорт заллари ҳам хаминқадар бўлиб, қишда совуқ, ёзда ўта иссиқ бўлгани

сабабли машғулот ўтказишнинг имкони бўлмасди. Устига-устак ёмғир ёки қор ёқса томидан тинмай чакки томиб турарди. Спорт жиҳозлари ҳам етишмасди. Илгари колхоз ва совхозлар тасарруфида бўлган стадионларнинг кўпи бузиб ташланиб, ўрнига пахта экилганди.

Ана шундай оғир бир шароитда Президентимиз ташаббуси билан спортнинг моддий базасини яратишга киришилди. Мавжуд спорт иншоотларини капитал таъмирлаш дастури ишлаб чиқилди. Спорт залларининг ҳажми меъёрий талаблар даражасига келтирилди. Ҳар бирида ечиниш ва ювиниш, тиббий кўрикдан ўтказиш хоналари ташкил этилди. Қишлоқ жойларда агар мактаблардаги спорт залларини ҳисобга олмаганда спорт иншоотлари умуман мавжуд эмасди. Шундан келиб чиқиб, вилоятнинг барча туманларида 5-типга мансуб замонавий спорт мажмуалари қурила бошланди. Айни пайтда умумтаълим мактабларининг номигагина ишлаб турган спорт заллари капитал ва жорий таъмирлашдан чиқарилди. Айрим мактаблар спорт залига умуман эга эмасди. Уларга манзилли дастурга асосан янги спорт иншоотлари қурилди.

Чекка ҳудудлардаги мавжуд стадионларни қайта таъмирлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди. Ҳашар йўли билан янги ўйингоҳлар қурилди. Асака туманидаги собиқ Бобур номли ширкат хўжалиги маблағи ҳисобига Ниёзботир қишлоғида 10 минг ўринга эга бўлган янги стадион қурилиб, қишлоқ болалари бу ерда спортнинг ўндан ортиқ тури билан доимий шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Бундай ишлар Улуғнор, Асака, Қўрғонтепа туманларида ҳам олиб борилди. Айни пайтда спорт иншоотларини жиҳозлар билан таъминлаш ҳаракати бошланди. Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» спорт буюмлари фабрикасини молиявий соғломлаштириш ҳисобига бу ерда ўндан ортиқ турдаги спорт жиҳозларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тўқсонинчи йилларда Андижон шаҳрида ушбу йўналишга ихтисослашган ўнга яқин кичик корхона ва фирмалар, спорт буюмлари билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этилди. Натижада болаларни спортга жалб этиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибига кирган пайтда халқаро миқиёсдаги спорт мусобақаларида қатнашган ўзбекистонлик спортчилар бармоқ билан санарли эди. Чунки, терма жамоалар асосан марказ ҳисобига тўлдириларди. Марказда эса спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидорини юзага чиқариши учун ёшларга ҳамма шароит яратиб қўйилган эди.

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатимиз иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган бўлишига қарамай йирик спорт иншоотларини таъмирлаш, замонавий лойиҳалар асосида янгиларини барпо этишга киришилди. Президентимиз ташаббуси билан келажакни ўйлаб амалга оширила бошланган бундай саъй-ҳаракатлар Андижонда ҳам кўзга ташлана бошлади. Жумладан, 1994 йилнинг охирида Андижон шаҳрида қурилиши бошланган теннис корти бир йилда фойдаланишга топширилди. 1995 йилнинг декабрь ойида ўтказилган, унинг очилиш маросимида республикамиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Ушбу мажмуа 1,5 минг томошабинга мўлжалланган очиқ ҳамда 300 ўринли ёпиқ кортлардан иборат эди. Бундан ташқари, бу ерда мехмонхона, халқаро анжуманлар, матбуот конференциялари ўтказишга мўлжалланган заллар мавжуд. Осиё теннис федерацияси томонидан мазкур иншоот юқори тоифага мансуб дея эътироф этилди. Орадан бир йил ўтгач, бу ерда «Фьючерс» халқаро турнирини ўтказиш йўлга қўйилди. Шундан буён ҳар йили май ойида Андижонга жаҳоннинг энг моҳир ракеткачилари нуфузли совринни қўлга киритиш учун келишади. Ушбу теннис кортлари вилоят ёшлари, теннис ишқибозлари ихтиёрига бериб қўйилган. Улар ўз маҳоратларини ошира бориб, республика ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Дастлабки йилларда вилоятда футболнинг оммавийлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Андижон шаҳридаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ёнида жойлашган «Наврўз» стадиони капитал таъмирланди ва бу ер вилоят миқёсидаги спорт тадбирлари ўтказиладиган марказга айланди. Собиқ «Халқлар дўстлиги» стадионида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, «Андижанка» аёл-

лар футбол жамоаси ихтиёрига берилди. Яратилган қулай шароит, спортга бўлган иштиёқ тез орадаёқ ўз натижасини кўрсата бошлади. 2009 йили «Андижанка» жамоаси аёллар футболи бўйича ўтказилган республика чемпионатининг биллур совринини қўлга киритди. Ушбу команда ўзининг бой ўтмишига эга. 1976 йилда «Буревестник» гандбол клуби негизида ташкил этилган эди. Тажрибали тренер Мирон Ким шогирдлари собиқ Иттифоқ даврида чим устида хоккей бўйича олий лигада қатнашиб, 4 марта мамлакат чемпиони бўлган, 8 марта бронза ва кумуш медалларни қўлга киритган. Шунингдек, «Андижанка» қизлари Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Европа чемпионатларининг совриндори бўлишган.

Дастлабки йилларда Андижонда спортнинг белбоғли кураш тури ҳам кенг оммалашди. Тошкент шаҳрида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида полвонларимиз юқори натижаларга эришиб 10 та олтин, 11 та кумуш ва 13 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Вилоятда спортнинг тараққий топиши ва унинг муҳим босқичлари ҳақида сўз кетганда бу ерда шаклланган ва дунё тан олган Андижон бокс мактабига алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ушбу мактабга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, ёшларнинг севимли мураббийси бўлган Валентин Анатольевич Золотарёв томонидан асос солинган эди. У андижонлик ўқувчилар орасидан меҳнатсевар, иродали, чидамли, сабр-тоқатли болаларни танлаб олиб, улар билан машғулотлар олиб боради. У ёш боксчилардан қатъий тартиб-интизомни талаб этарди. Мураббийни осон қўлга киритиладиган ютуқлар, тез эришиладиган ғалабалар қизиқтирмасди. Балки, шогирдларидан ана шу ютуқ ва ғалабаларни доимий таъминлаб беришга хизмат қилувчи куч, билим ва иродани талаб этарди. Тўқсонинчи йилларнинг бошида унинг шогирдлари республика чемпионатининг энг чўққисига кўтарилиб, 14 та вазн тоифасидан 11 тасида ғолиб бўлишганлиги халқаро мусобақаларга кенг йўл очиб берди.

– Менга бокс қўлқопини биринчи бўлиб Валентин Анатольевич кийгизган, – дея устозини хотирлайди Александр

Размахов. – Мен ундан бир умр миннатдорман, у туфайли ғалабага эмас, балки қатор ғалабаларга эришдим.

Ўша пайтда ҳар тонг шаҳар кўчалари бўйлаб югуриб юрган болаларни шаҳарликлар ҳозир ҳам яхши эсласалар керак. Улар кунига 4–5 чақирим югургач, тўғри шаҳардаги 50-мактаб спорт залига кириб кетишарди. Бу ерда бокс фидойилари В.Золоторев, М.Қўчқоров, А.Размаховлар томонидан ўқув ринги қурилган бўлиб, 50 нафарга яқин бола бокс машғулотларида қатнашарди. Орадан маълум вақт ўтиб, мана шу оддий ўзбек болалари орасидан Олимпиада, Жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари етишиб чиқдилар.

Муҳаммадқодир Абдуллаев ана шулардан биридир. У 1973 йил, 15 ноябрда туғилган. 13 ёшидан бокс билан шуғуллана бошлайди. Андижондаги Олимпия захиралари мактабида дастлаб Лочинбек Қўчқоров, сўнгра Марс Қўчқоров ва Александр Размаховлардан бокс сирларини ўрганади. 1990–1991 йилларда ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигининг ғолиби бўлган. 1995 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ўйинлари ғолиби бўлади. М.Абдуллаев 1997 йили Малайзия давлатининг пойтахти Куала Лумпурда ўтказилган Осиё чемпионатида ғалабага эришди. 1998 йилда эса Хитойда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати кубогини қўлга киритди. Банкокда ўтган 8-Осиё ўйинларининг олтин медали совриндори бўлди. 1999 йилда Хьюстонда жаҳон чемпионати ғолибига айлангач, Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олди. Ва ниҳоят 2000 йилда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларининг финал қисмида америкалик боксчи Рикардо Уильямсни 27:20 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чемпионликни қўлга киритди. Жаҳондаги энг нуфузли мусобақада биринчи бор Муҳаммадқодирни тарбиялаб, воя га етказган мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат мадҳияси янгради. Бу республикамизнинг жаҳон миқиёсида эришган катта ғалабаси эди.

Андижон бокс мактабининг ёрқин вакилларидан яна бири Ўткир Ҳайдаров 1974 йил, 25 январда туғилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марс Қўчқоров ва Александр Размаховлардан бокс сирларини ўрганган. Андижон бокс мактаби вакили. У 1999 йили АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. 2001–2003 йилларда жаҳон чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди. 2004 йилги Олимпиадада унга иккинчи ўрин берилди. 2006 йилнинг 19 апрель куни Непаль қироллиги Кубоги учун Банкокда ўтказилган мусобақада иштирок этди. Унда 20 та давлатдан келган 108 нафар энг кучли боксчилар қатнашишига қарамай, ўз вазн тоифасида қироллик кубогини қўлга киритди.

Мустақиллик йилларида Андижондан Сергей Михайлов, Ғайрат Аҳмедов, Баҳодир Султонов, Тимур Тўлаков сингари маҳоратли боксчилар етишиб чиқдилар, улар ҳам Олимпиада ўйинлари, Жаҳон, Европа, Осиё чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб, халқаро майдонларда республикамиз байроғини янада баланд кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Боксчиларимиз томонидан эришилган бундай катта ғалабада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Марс Қўчқоров, Александр Размахов, Алишер Абдуллаевларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар ўзларининг бор билим ва маҳоратларини боксчиларнинг янги авлодини кашф қилишга қаратмоқдалар.Ўзбекистон бокс федерациясининг 2013 йил 17 январда бўлиб ўтган йиғилишида М.Қўчқоров бокс бўйича республика терма жамоасининг бош тренери этиб сайланди.

2000 йилга келиб Андижон шаҳри улкан қурилиш майдонига айланди. Президентимиз ташаббуси ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 338-сонли қарорига биноан Андижон шаҳрида 2003 йилда Олимпия захиралари спорт коллежи барпо этилди. У 900 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий ер майдони 16,8 гектарни ташкил қилади. Коллежнинг универсал

спорт манежи ўзининг ҳажми ва мураккаб конструкциясига кўра Марказий Осиёда ягона бўлиб, хажми 5184 квадрат метрни ташкил қилади. Бир вақтнинг ўзида бу ерда 25 дан зиёд спорт тури бўйича машғулотлар ўтказиш имконияти мавжуд. Айни пайтда томошабинлар учун 1045 та ўриндиқ мавжуд.

Ушбу замонавий спорт иншоотининг жиҳозлари асосан чет эллардан, яъни Германия, Франция ва Бельгиядан келтирилган. Спорт иншоотининг пол тўшамалари Германиянинг «Политан» фирмаси мутахассислари томонидан ётқизилди. Франциядан эса спорт манежида ёз ва қишда бир хил ҳароратни таъминлаб берадиган кондиционерлар келтирилди.

Коллежга ўқувчилар 7 синфдан қабул қилинади. Ўқиш муддати эса 6 йил. Бу ерда, асосан, спорт усталигига номзодлар, Ўзбекистон ва вилоят терма жамоалари аъзолари, шунингдек, спорт разрядига эга бўлган ёш умидли спортчилар таҳсил олишади. Бундан ташқари, андижонликлар орасида спортни янада ривожлантириш мақсадида коллежда 25 та спорт тури бўйича тўгараклар ташкил қилинган. Машғулотлардан сўнг спортга қизиқувчи минг нафардан зиёд ёшлар ушбу тўгаракларда фаол иштирок этишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 244-сонли «Ўқувчи талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил тўғрисида»ги қарори Андижон вилоятида ҳам ўқувчи ёшлар ўртасида спорт бўйича мусобақаларни ташкил этиш ва уларда ғолиб чиққанларни республика мусобақаларида иштирок этишлари учун катта имконият уфқларини очиб берди. Қарорда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини таъминлаш Халқ таълими, Олий таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликларига, Миллий олимпия қўмитасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегиш-

ли вазирликлар, давлат қўмиталари ва жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилган.

2003 йили ҳашар йўли билан унга ёнма-ён равишда 20 минг томошабинга мўлжалланган «Соғлом авлод» стадиони ҳам қуриб битказилди. Ушбу иншоотларнинг очилиши 2003 йилнинг июнь ойида ўтказилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» республика мусобақаси тантаналарига қўшилиб, янада кўтаринкилик бағишлади. Унда Андижон вилоятининг спортчи ёшлари биринчи ўринни қўлга киритиб, Президентимиз совғаси – «Дамас» автомобилига сазовор бўлдилар.

Ёш спортчилар республика ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритаётган бир пайтда вилоятда спортни янада оммалаштириш мақсадида унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2003–2012 йиллар мобайнида вилоятда 126 та спорт иншооти қуриб битказилди. Ушбу мақсадларга 45 миллиард сўмдан зиёд жамғарма маблағлари сарфланди. Асосий эътибор вилоят марказидан олисда жойлашган қишлоқларга қаратилди. Барпо этилган ушбу иншоотларнинг 111 таси, бошқача айтганда 88 фоизи қишлоқ жойларда қурилганлиги эътиборлидир. Туманларда 5-типга мансуб янги спорт мажмуаларидан ташқари спорт заллари, сузиш ҳавзалари қурилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган тураржой массивларига замонавий мини стадионлар жойлаштирилди. Андижон туманининг Ўрикзор массивида қад кўтарган водий фаол ёшлари дам олиш оромгоҳи учун ёпиқ сув ҳавзаси қурилди. 2012 йилга келиб вилоятда фаолият юритаётган стадионлар сони 26 тага, теннис кортлари 62 тага кўпайди. 4 мингдан ортиқ спорт иншоотлари мунтазам фаолият юрита бошлади.

Буларнинг барчаси вилоятда спортнинг оммавийлигини таъминлашга хизмат қилди. Янги қурилишлар ҳисобига вилоятда фаолият юритаётган спорт секциялари сони 1550 тадан ортди. Ўғил-қизлар спортнинг 35 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғуллана бошладилар.

2010 йили Андижон яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилди. Бу ерда республика олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» мусобақалари ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлардан келган 868 нафар йигит-қиз спортнинг 12 та тури бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар. Мамлакатимизда қарор топган уч босқичли узлуксиз спорт тизимнинг муҳим бўғини ҳисобланган мазкур мусобақалар вилоятимизнинг 12 та спорт иншоотида ўтказилди.

Мусобақа якунига кўра биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ўрин Андижон вилояти, учинчи ўрин Навоий вилояти жамоаларига насиб этди. Ушбу мусобақа Ўзбекистон ёшларини дўстлаштириш билан бирга юртимизда ҳар томонлама соғлом, бақувват, интеллектуал салоҳиятли янги авлод шаклланганлигини кўрсатди.

Икки мингинчи йилларга келиб бутун республикамизда бўлгани каби Андижонда ҳам қизлар ўртасида спортни, айниқса, унинг бадиий гимнастика турини оммалаштиришга катта эътибор каратилди. Чунки у қизларнинг қаддиқомади келишган, чиройли ва ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишини таъминлайди. Жойларда қурилган 5-типга мансуб болалар спорт мажмуаларида гимнастика заллари ташкил қилиниб, ҳатто энг чекка қишлоқларда яшовчи қизлар ҳам спортнинг ушбу турига кенг жалб қилина бошлади. Яратилган шарт-шароитлар боис энг чекка ҳудудда истиқомат қилувчи улуғнорлик гимнастикачи қизлар орасидан Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқдилар. 2010 йили Андижон шаҳридаги «Олимпия захиралари» гимнастика спорт мактаби қайта реконструкция қилинди. Андижон биокимё заводи маблағи ҳисобига гимнастика зали қурилди. 2009 йили бу ерда 1800 нафар қиз гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 2800 нафарга етди. Шу йили Андижон шаҳрида неча йиллардан бери қаровсиз бўлиб ётган «Ямбол» спорт мажмуаси реконструкция қилиниб, ёшлар спорт саройига айлантирилди. Болалар бу ерда спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

2010 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ мавзесида янги қурилган болалар футбол мактабида бўлди. Бу ердаги шарт-шароитлар билан танишди. У уч қавватдан иборат маъмурий бино, 100 ўринли ётоқхона, машғулотлар зали, ўқув хоналари, ёриқ сув ҳавзаси, 3 та футбол майдонидан иборат. Мамлакатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан «Қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат қурамиз? Қачон ривожланамиз? Қачонки билими ва айни бир пайтда жисмонан соғлом бўлсак. Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш учун аввало фарзандларимизга муносиб шароит яратиб боришимиз керак», деди. Шундан сўнг Президентимизнинг «Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу ер ёш авлодни мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрловчи масканга айлантирилди. Айни пайтда шаҳарнинг Бўстон даҳасида «Андижон профессионал футбол» МЧЖ буюртмаси билан Болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилмоқда. У тўртта футбол майдони, ётоқхона, назарий ўқув хоналаридан иборат бўлади.

Вилоятимиз олий ўқув юртларида спортнинг юксак даражада ривожланганлигининг ёрқин исботини ҳар 3 йилда ўтказилаётган «Универсиада» натижаларидан ҳам билса бўлади.

2010 йил июнида Андижонда ўтказилган навбатдаги «Универсиада –2010» республика финал босқичида Андижон вилояти жамоаси мусобақаларда 220 очко жамғариб 2-ўринга кўтарилди. Андижон вилоят вакиллари спорт турлари бўйича жамоа ҳисобида 4 та олдин, 4 та кумуш, 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар, шахсий биринчиликларда эса 29 та олтин, 23 та кумуш ва 29 фронза жами 81 медаль қўлга киритилди.

2013 йил 6–9 июнь кунлари Бухоро шаҳрида «Универсиада – 2013» нинг республика финал босқичида Андижон

олий ўқув юртлари талабалари фаол иштирок этдилар. Андижонликлар 76 медаль соҳиби бўлишиб, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти вакилларидан сўнг фахрли учинчи ўринни эгалладилар. Вилоят жамоаси ҳар икки Универсиадада Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирландилар.

Универсиада иштирокчиларини шарафлаш маросими Андижон давлат университетида бўлиб ўтди. Бу ерда уларни устозлари, ота-оналари, дўстлари гулдасталар ва совға-саломлар билан кутиб олдилар. «Универсиада – 2013» совриндорларини вилоят ҳокими Шуҳрат Абдураҳмонов муборакбод этди.

Мусобақаларда аксарият медалларни сузувчиларимиз қўлга киритдилар (48 та). Айниқса, АДУ талабалари Раъно Омонова (3 та олтин, 3 та кумуш), Собитхон Амилов (3 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза), Диёр Абдумўминов (2 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза) каби ёшларнинг ютуқлари салмоқли бўлди.

Андижон қишлоқ хўжалик институти талабалари Муҳаммад Искандаров (90 кг.) ва Ҳусниддин Рўзиев (66 кг.) лар белбоғли кураш бўйича барча рақиблари устидан ғолиб чиқишиб, «Универсиада – 2013»нинг олтин медалларини қўлга киритдилар.

Сузиш, катта ва кичик теннис, енгил атлетика, белбоғли ва халқаро кураш, баскетбол бўйича қўлга киритилган совринли ўринлар вилоятимиз жамғармасига салмоқли очколар келтирди.

Андижонда от спорти ҳам ривож топган. Айниқса, мустақиллик йилларида бу соҳага катта эътибор берилди. Андижон чавондозлари 2002–2013 йиллари Жиззах, Пискент, Фарғона, Наманганда ўтказилган халқаро турнирларда Турғун полвон, Иброҳим полвон, Файзи полвон, Обид полвон, Толиб полвон, Бойназар полвон, Зокир полвон, Салоҳиддин полвон, Ваҳоб полвон, Шаробиддин полвон, Жума полвон, Абдусалом полвонлар фаол иштирок этганлар. 2003 йили Пискентда ўтказилган турнирда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон чавандозлари ишти-

рок этган. Бунда Андижон чавандозлари биринчи ўринни эгаллаган. 2011–2013 йиллари Намангандаги Ўзбекистон чемпионатида андижонлик спортчилар иккинчи ўринни эгалладилар.

Яқинда Россиянинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон талабаларининг «Универсиада»сида Андижон давлат университетининг беш нафар талабаси бокс мусобақаларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида унинг оммавийлигини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижаларини берди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлган ёшларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Улар спортда юқори натижаларга эришиш билан бирга халқаро мусобақаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон деб аталган жаннатмакон юртимизни бутун дунёга кўз-кўз қилмоқдалар.

БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИДИР

«Бизнинг бугунги эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз – халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган фуқаролар тотувлиги, миллатлараро дўстлик, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир».

Ислом КАРИМОВ

Андижонликлар тарихан бағрикенг, ўзга миллатларга ҳурмат билан қаровчи, байналмилал фазилатга эга кишилардир. 1921–1922 йилларда Россияда очарчилик авжига минган оғир дамларда бу диёр Самарадан келган оч-юпун кишиларни, эти устихонига бориб тақалган бегуноҳ болаларни ўз бағрига олди.

Собиқ Иттифоқ билан Япония ўртасидаги муносабатлар кескинлашуви натижасида узоқ Шарқдан 1937–1938 йиллари Ўзбекистонга 74 минг 500 нафар корейс миллатига мансуб фуқаролар келтирилганди. Уларнинг бир қисми Андижонга жойлаштирилган. Ўша советларнинг қатағон сиёсати авжига чиққан оғир кунларда салтанатнинг йирик марказларидан турли миллат вакиллари, ҳар хил касбдаги кишилар Андижонга сургун қилинган. ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар ҳам юборилган. Россия тарихидан муҳим ўрин эгаллаган машҳур князь Трубецкой авлодлари вакиллари, ҳатто 1931 йилнинг 3 июнидан 1990 йилнинг 3 майигача Москва ва бутун Россиянинг 14-патриархи бўлган патриарх Пимен – Сергей Михайлович Извеков ҳам 1938 йили Москва ёнидаги Дмитров лагеридан Андижонга сургун қилинган. У Андижон шаҳар умумий овқатланиш ташкилотида тиббий санитар инспектори бўлиб ишлайди. 1938 йилнинг августидан

Фарғона канали қурилишига сафарбар қилинади. Кейинчалик у Андижонда область санитария маорифи уйига мудирлик қилган. 1940 йили Андижондаги кечки педагогика институтининг адабиёт факультетига ўқишга кириб, унинг биринчи курсини битиради. Кейинчалик ундан қаердан ўзбек тилини биласиз деб сўрашганда шундай жавоб қилган: «Ҳа... ўрганишга тўғри келган эди... Ахир мен ишлаганман канал (Фарғона канали) қурилишида». Пименнинг шахсий архивида 1940 йили Андижон кечки педагогика институти томонидан берилган талабалик билети ҳамон сақланиб турибди. У ўқишни ўқитувчилик билан қўшиб олиб борган. 1940 йилнинг 25 октябрида Андижон шаҳридаги 1-сон ўрта мактабда ўқитувчи, кейинчалик эса ўқув бўлими бошлиғи бўлиб ишга тайинланади.

Патриарх Пимендан ташқари Андижонда бу ерга сургун қилинган православие черкови хизматчилари (дьякон, поп, епископ ва шу кабилар) ҳам яшаганлар. Иермонах Пимен институтнинг биринчи курсини тамомлашга улгурган. 1941 йилнинг 10 августида Қизил армия сафига чақирилиб Андижондан фронтга кетади. Уруш йиллари дизертирликда айбланиб 10 йилга ҳукм қилинади. Воркутада эса яна 10 йилга сургун қилинган. Аммо иккинчи жаҳон урушида Германия устидан ғалаба қозонилгач, у афв этилади.

1916 ва 1930 йилларда қозоқ қардошларга нисбатан геноцид қўлланилиб, улар қирғин қилинган оғир дамларда ҳам бутун Ўзбекистон каби Андижон халқи қардош, диндош қозоқ биродарларга иссиқ бошпана бериб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар. Андижонликлар қозоқлар билан шу қадар иноқлашиб кетганларки, шаҳарда алоҳида қозоқ маҳалласи ҳам бўлган. Эскилар ҳозир ҳам Оқгўр масжидидан бошланиб Янги турмуш кўчасигача чўзилган кўчани қозоқ маҳалласи деб билишади.

Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур автоном райони шаҳарларида ҳозир ҳам «Андижон кўчаси», «Ўзбек маҳалласи», «Андижон кўли» каби номлар билан аталиб келинган кўча ва маҳаллалар бор. Қўқон хонлиги, чор Россияси мустамлакачилиги даврида, совет режими кучайган 20–30-йилларда таъқиб, зулмдан безиб, кўплаб андижонлик-

лар у ерга бориб жойлашган. Андижоннинг машҳур бойи Аҳмадбек ҳожи Темирбеков ва бошқа бир қанча номдор шахслар ҳам қатағон қопқонига тушиб қолмаслик ниятида Ватанни тарк этиб, Қашқарга ўтиб кетганлар. Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида уйғурлар ва ўзбеклар Хитойдан яна советлар томонига ўтган. Уларнинг катта қисми Андижонда ўрнашиб қолишди.

1977 йилда Андижон шаҳар аҳолиси таркибида ўзбеклар 82,3 фоиз, руслар 4,9 фоиз, қирғизлар 4,3 фоиз, татарлар 3,7 фоизни ташкил қилган эди. Вилоятда, шунингдек, тожиклар, уйғурлар, арманлар, қозоқлар, корейслар, яҳудийлар ва бошқа кўплаб миллат вакиллари ҳам яшаганлар. 2000 йилга келиб эса вилоят аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар 88,8, қирғизлар 3, 8, татарлар 3,1, руслар 2 фоизни ташкил этди.

Андижонликлар бу бебаҳо неъматнинг қадрига етадилар ва уни асраб-авайлайдилар, чунки улар чор Россияси ва совет мустамлакачилиги давридаги юрт босқинчиларининг «бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» қабилида олиб борган сиёсатининг аччиқ, фожиали қисматларини яхши англайдилар. Ленинча миллий сиёсат ва халқлар дўстлиги шиорини ниқоб қилиб олган, миллатчилик буюк давлат шовинизмининг миллий қирғин, миллий адоват, низо ва надоматларнинг азоб-уқубатларини халқимиз ҳали-ҳамон унутганича йўқ. Истиқлол шарофати ила ҳар бир миллат вакили ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга бир ёқадан бош чиқариб, бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Бугунги кунда қутлуғ Андижонимизда юздан зиёд миллат ва эллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Уларнинг эркин яшаб, меҳнат қилиши, ўз миллий-маданий, диний, тарихий анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириши учун барча шароитлар яратилгандир. Энг аввало, фуқаролар ўз фарзандларига она тилида таълим-тарбия бериш имкониятига эга бўлдилар. Андижон вилоятида ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар қаторида 9 та қирғиз, 5 та рус, 42 ўзбек-рус, 24 ўзбек-қирғиз тилларида дарс олиб бориладиган мактаблар мавжуд.

Турли миллат вакилларининг ўз она тилида ахборот олиши кафолатланган, телекўрсатув ва радио эшиттиришлар ўзбек, рус, қирғиз тилларда олиб борилмоқда, ўзбек тилида 27 та, рус тилида 1 та, ўзбек-рус тилларида 5 та, ўзбек-рус-ингилиз тилларида эса 6 та газета ва 2 та журнал нашр этилмоқда. Андижон давлат университетининг ўзида ўзбек ва рус тилида «Андижон ёшлари» газетаси, «Илмий хабарлар» илмий журнали нашр этилмоқда. Андижонда диний бағрикенглик тамойилига алоҳида амал қилинмоқда, 184 та диний ташкилот, жумладан, 1 та мадраса, 181 масжид, «Барча авлиёлар» православ ҳамда «Тўлиқ Инжил» насроний черковлари очиқ ошкора фаолият олиб бормоқдалар.

Бундай имкониятлар туфайли турли миллат ва элат вакиллари вилоят ҳаётида, иқтисодиёт, илм-фан, тиббиёт, таълим, маданият, ва спорт каби жабҳаларда баҳамжиҳат, астойдил меҳнат қилмоқда. Улар орасида Андижоннинг тараққиётига хизмати сингган таниқли инсонлар, Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари соҳиблари тадбиркор ва ишбилармонлар, раҳбар ходимлар бор.

Бу ўринда қирғиз миллатига мансуб Қодиржон Маматов, татар миллати вакили Рафаиль Маҳсудов, корейс миллати вакили Мирон Димитревич Ким, рус миллати вакили Любовь Красильниковаларнинг ўз соҳалари бўйича олиб бораётган ибратли, шонли ишлари нафақат Андижон, балки республикага таниқлидир. Истиқлол йилларида Андижон вилояти бўйича 80 нафарга яқин рус, қозоқ, корейс, тожиқ, қирғиз, уйғур ва бошқа миллат вакиллари Ватанимизнинг фахрий унвонлари орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Вилоятда арман, корейс, рус, уйғур ва қирғиз миллий маданият марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу марказлар жамиятимизда дўстлик тотувлик, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса, Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни каби умумхалқ байрамларига бағишлаб, вилоят миқёсида ўтказиладиган барча тадбирларда улар фаол иштирок этмоқда.

ТИНЧЛИККА СОЛИНГАН РАХНА

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бутун республикамизда бўлгани каби Андижонда ҳам аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Тўқсонинчи йилларда инсонпарварлик тамойилларига асосланган Конституциямизни, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни кўра олмаган ёвуз кучлар Андижонда аҳолини, айниқса, ёшларни чалғитиб, диний экстремистик оқимларга жалб этиш ва шу орқали улар онгини ёт ғоялар билан заҳарлаш мақсадида зимдан ҳаракат олиб боришди.

1999 йилнинг август ойида экстремистик кайфиятдаги бир гуруҳ қуролланган шахслар Пойтуғ шаҳрининг Дўстлик кўчаси, 2-хонадонга тўпланишади. Таслим бўлиши ҳақидаги таклифга жавобан жангарилар ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларига қарата ўқ уза бошлайдилар. Отишмада вилоят ички ишлар бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги Бахтиёр Ҳошимов мардларча халок бўлди. Чет ўлкада тайёргарликдан ўтиб, ўз Ватанига, халқига қарши яширин қурол кўтариб келган жангарилар шу ернинг ўзида йўқ қилиндилар.

Бу ягона ҳолат эмасди. 2005 йилнинг 12 майидан 13 майига ўтар кечаси яширин фаолият юритиб келган «Акромийлар» диний-экстремистик гуруҳи аъзолари Андижон шаҳрида конституцион тузумга қарши қурол кўтариб чиқишди. Улар ярим тунда қилган жинояти учун жазони ўтаётган маҳбусларни жалб этган ҳолда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда вилоят ҳокимлиги биноларига ҳужум уюштириб, қурол ёрдамида уларни эгаллаб олишга ҳаракат қилишди. Қаршилик кўрсатган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларини отиб ташлашди. Яна кўплаб бегуноҳ

инсонларни гаровга олишди. Бу ҳам етмагандек ҳокимият қаршисида жойлашган Аббос Бакиров номли кинотеатр ҳамда Бобур номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрини ёқиб юборишди. Уларнинг мақсади тинч аҳоли орасида қўрқув ва ваҳима уйғотиш ва шу орқали ўзларининг жирканч мақсадига эришишдан иборат эди. Бироқ халқ уларга эргашмади. Кўчама-кўча юриб, митингга даъват қилишларига қарамай Эски шаҳардаги майдонга акромийларнинг оила аъзоларидан бўлак ҳеч ким тўпланмади. Ўз мақсадлари амалга ошмагач, террорчилар гаровга олинганларни олдиларига солиб Тешиктош қишлоғи томон юришди. Йўл-йўлакай жон сақлаш мақсадида тўдадан ажралиб яширинмоқчи бўлган бегуноҳ кишиларни отиб ташлашди. Тешиктош қишлоғига етиб боргач, чегара орқали Қирғизистоннинг Сузоқ районига ўтиб кетишди.

Ислом динида мусулмонларнинг гуруҳларга, фирқаларга бўлиниши қатъий ман қилинган. Шунга қарамай фуқаро Акром Йўлдошев Боғишамол даҳасида ўз атрофига гумашталарини тўплаб, «Акромийлар» диний-экстремистик гуруҳини тузади. Ушбу гуруҳ аъзолари пайғамбарларни тан олишмайди. Уларнинг низомида беш вақт намоз ўқиш, ҳажга бориш ҳам шарт эмас, деб кўрсатилган. Шунга қарамай ўзларини дин ҳимоячилари деб билган экстремистлар тинч аҳолига қарши қурол кўтариб чиқишди. Ёвуз мақсади йўлида болани отага, эрни хотинга, акани укага қарши қилиб қўйиш ушбу гуруҳ учун оддий ҳолга айланганди.

Яқинларига, киндик қони тўкилган она-Ватанига қарши қурол кўтариб, қўли қонга ботган экстремистлар андижонликларнинг нафратига учради. Улар ўз жиноятига яраша жазо олдилар.

Четда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, мустақил ривожланишни кўра олмайдиган ёвуз кучлар ҳамон мавжуд экан, фуқаролардан доимо огоҳ бўлиш талаб этилади. Буни 2009 йилнинг 25–26 май кунлари вилоятнинг Хонобод ва Андижон шаҳарларида рўй берган террорчилик ҳаракатларидан ҳам кўриш мумкин. Ярим тунда

Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти орқали мамлакатимиз ҳудудига яширинча ўтган бир гуруҳ қуролланган шахслар дастлаб Хонобод шаҳридаги давлат идораларига ҳужум уюштиришади. 26 май куни эса террорчилардан бири Андижон шаҳридаги назорат масканида ички ишлар ходимларининг эътиборига тушганини сезиб, белига боғланган қўлбола бомбани портлатиб юборади. Натижада ўзининг хизмат вазифасини бажараётган ички ишлар ходими Бахтиёр Холмирзаев шу ернинг ўзида ҳалок бўлади. Кейинчалик ўз юртига қурол кўтариб кирган ушбу шахс халқаро террорчилар гуруҳининг фаол аъзоси, 1982 йилда туғилган Камол Матқосимов эканлиги аниқланди. Илгари Хўжаобод тумани, Қурама қишлоғида истиқомат қилган К.Матқосимов 2002 йили пул топиш мақсадида Қозоғистоннинг Остона шаҳрига боради. Эътиқоди суст эканлигидан фойдаланган ташқи кучлар уни дарров ўзларига оғдириб, тайёргарликдан ўтказиш учун Покистондаги террорчилар лагерига юборишади. У ердан қайтиб келгач манқуртга айланиб қолган Камолнинг белига шаҳидлик камарини боғлаб, ўз юртига қарши қўпорувчилик ҳаракатини содир этиш учун юборишади. Қўпорувчилик ҳаракатининг яна бир қатнашчиси ва раҳбари Лочин Яқубов 1983 йили Пахтаобод туманида туғилган. Ҳамқишлоқлари кўзига қўй оғзидан чўп олмайдиган бўлиб кўринган Л.Яқубов ўзбекистонлик ёшларни Қозоғистонда ишлаш учун ёллаб, бу ерга келтириб олгач, экстремистик кайфиятдаги ноқонуний диний оқимларга жалб этиш билан шуғулланиб келган. У Хоноддаги қуролли тўқнашувларда фаол иштирок этади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов кишиларга далда бўлиш, уларнинг кўнглини кўтариш, рўй берган мудҳиш воқеанинг асл сабабини аниқлаш мақсадида Андижонга етиб келди. Бобур майдонида юртнинг кайвони оқсоқоллари билан учрашиб, Андижоннинг ҳар жабҳада юксалиб бораётгани, халқнинг фикри, дунёқараши ўзгараётгани ҳақида гапирди. Чиндан ҳам она-Ватан киндик қонимиз тўкилган муқаддас тупроқ ҳисобланади. Юртимизнинг гуллаб-яшнаётгани, халқимизнинг эмин-эркин

яшаб, ўз фаровонлигини яратаётганини кўра олмайдиган ёвуз кучлар ҳамон ғимирлаётган экан, ҳар бир киши ана шу тинчликни сақлаш учун масъул эканлигини ҳис қилиши лозим. Мудҳиш воқеалардан сўнг кишилар ўзлари яшаб турган маҳаллаларда туну кун навбатчиликлар ташкил этиб, бирон-та бегона шахсни кўча оралашига йўл қўймадилар. Душман ўз мақсади йўлида, энг аввало, оқ-қорани танимаган ёшлардан фойдаланади. Ана шу боис ёшлар тарбиясига, уларнинг юриш-туришига янада масъулият билан қараладиган бўлди. Ташқи кучларнинг асосий мақсади қўпорувчилик ҳаракатини содир этиш орқали кишилар, айниқса, ёшлар қалбига қўрқув ва саросима солишдан иборат эди. Аммо улар ўйлаганидек бўлмади. Андижон ёшлари бўлиб ўтган воқеалардан сўнг янада жипслашдилар. Уларнинг юксак орзулар мужассамлашган қалбларида саросима эмас, балки ғараз ниятли кучларга нисбатан чексиз нафрат ҳисси уйғонди. Андижон воқеалари туфайли бутун инсониятга хавф солаётган терроризм ўзининг асл башарасини яна бир бор намоён этди.

Тинчлигимизни кўра олмайдиган ёвуз кучларнинг мамлакатни ичкаридан туриб қўпориш ҳақидаги пуч ғоялари амалга ошмагач, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон аҳолиси жипс истиқомат қиладиган Фарғона водийсида миллатлараро зиддиятни юзага чиқариш орқали ушбу ҳудудда уруш оловини ёқишга уриниб кўришди.

2010 йилнинг июнь ойида ташқи кучларнинг қутқуси билан Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида яшовчи қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб фуқаролар ўртасида тўқнашувлар рўй берди. 10 июндан 11 июнга ўтар кечаси Хўжаобод туманидаги «Дўстлик» чегара постининг орқа томонида қирғизистонлик ўзбек миллатига мансуб минг нафарга яқин қочоқлар тўпланишди. Улар, асосан, хотин-қизлар ва болалардан иборат эдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг топшириғига асосан ҳукуматимиз томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли чегара ҳудудларида шартли йўлакчалар очилиб, ушбу қочоқлар республикамиз ҳудудига қабул қилина

бошланди. Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа туманларида чодир шаҳарчалар ташкил қилиниб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. Тоза ичимлик суви, иссиқ овқат, дори-дармонлар, гигиеник воситалар билан таъминланди. Қирғизистон воқеаларида жароҳатланган ва яралар бўлган оғир беморлар вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ва бошқа шифохоналарга ётқизилдилар. 11 июндан 13 июнь кунига қадар Қирғизистондан жами 75 минг нафар қочоқ қабул қилиб олинди. Уларнинг 95 фоизини аёллар ва болалар ташкил этди.

Албатта бир вақтнинг ўзида сон жиҳатидан вилоятнинг катта бир тумани аҳолисига тенг келадиган одамларни қабул қилиб олиш ва жойлаштиришнинг ўзи бўлмайди. Вилоят фаоллари, тиббиёт, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, қолаверса, оддий фуқаролар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай уларга сидқидилдан хизмат кўрсатишди. Чегара қишлоқларда истиқомат қилувчи оддий фуқароларимиз ўзлари яшаб турган уйларни қочоқларга бўшатиб беришди. Аксарият хонадонларда 10 нафардан 20 нафаргача бўлган қочоқлар истиқомат қилишди. Топганини улар билан тенг баҳам кўришди. Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали шифокорлари ўз вазифаларини кечаю кундуз сидқилидан бажариб, жасорат намуналарини кўрсатишди. Чегара туманлардаги вазият, қочоқлар лагерларида яратилган шарт-шароитлар Андижон вилояти телевидениеси орқали ҳар куни мунтазам ёритиб борилди. Бу ерга келиб қочоқларга яратилган шарт-шароитлар билан танишган БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси координатори Анита Ниради, БМТнинг «ЮНИСЕФ» халқаро болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жан Мишель Дельмат, Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Франсуэл Бланси, бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатига, бағрикенг ўзбек халқининг жасоратига юксак баҳо бердилар.

21 июнь куни Қирғизистон Республикаси вақтли ҳукуматининг гуманитар ёрдам ва қочоқлар бўйича махсус ва-

кили Айгуль Рисқулова, ушбу республика давлат чегара хизмати раиси Қурманоқул Матенов, Қирғизистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Қасимбек Мамбетов ҳамда Ўш области губернатори Сорунбек Жиянбековлар Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги «Дўстлик» чегара пости орқали Ўзбекистон ҳудудига ўтиб, бу ердаги қочоқлар лагерида вақтинчалик истиқомат қилаётган Қирғизистон фуқаролари билан учрашишди.

Ўш области губернатори Сорунбек Жиянбеков Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бухоро вилоятига қилган ташрифи чоғида Қирғизистонда рўй берган воқеаларга билдирган фикр-мулоҳазалари қўшни республика аҳолиси томонидан қизғин кутиб олинганлигини билдириб, бу бағрикенглик учун давлатимиз раҳбарига чуқур ва самимий миннатдорчилик изҳор этди. Қирғизистонда юзага келган мураккаб шароитда вазиятни тўғри тушуниб, кўрсатилган беқиёс ёрдам учун Ўзбекистон ҳукумати ва халқидан беҳад мамнун эканликларини алоҳида таъкидлади.

Қирғизистон Республикаси вақтли ҳукуматининг махсус вакили Айгуль Рисқулова Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасида асрлар давомида мустаҳкамланиб келган анъаналар, дўстлик ришталарини ҳеч ким, ҳеч қачон буза олмаслигини қатъиян таъкидлаб ўтганлигини чуқур ҳурмат билан тилга олди. Бу ўлмас қадриятлар ва миллатлараро тотувликни Қирғизистон ҳукумати ҳам юракдан ҳис этиб, уларни сақлаб қолиш учун бор куч ва имкониятини ишга солишини билдириб ўтди ҳамда Ўш ва Жалолобод областларида содир этилган нохуш воқеаларнинг олди олинмаганлиги учун Қирғизистон Республикаси вақтли ҳукумати номидан узр сўради.

Шу тариқа 2010 йилда андижонликлар яна бир оғир синовдан ўтдилар. Қирғизистондаги вазият ўз изига тушгач қочоқларни чегара орқали эсон-омон юртига кузатиб қўйдилар. Ушбу жараён ҳам юксак уюшқоқлик билан ташкил этилди. Президентимизнинг Фармонига кўра шу йили қочоқларни қабул қилиш ва кузатиш жараёнлари-

да фаол иштирок этган бир гуруҳ андижонликлар давлатимизнинг юксак мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Бўлиб ўтган воқеалар соғлом фикрловчи ҳар бир инсондан янада ҳушёр бўлиб, тажовузкор кучлардан мамлакатни ҳимоя қилишни, тинчликни асрашга бўлган фуқаролик масъулиятини янада оширишни тақозо этди. Юртбошимиз таъкидлаганидек халқимиз ғоятда ғурурли. Ғурури бор халқни эса ҳеч қандай куч енга олмайди.

АНДИЖОНЛИКЛАР БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг сиёсий, мафкуравий, тарихий жасорати ва бевосита саъй-ҳаракатлари билан бутун Ўзбекистондаги тарихий, маданий, меъморий обидаларга қайтадан жон ва руҳ бағишланди ва бу борада асрларга тенг эзгулик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бундан Андижон вилояти ҳам мустасно эмас.

Мисолларга суянамиз:

Собиқ совет тузуми даврида бор-йўғи 12 та масжид мавжуд эди, ҳозирда уларнинг сони 181 тага етди ёки бўлмаса кейинги 15 йил ичида Ўзбекистондан қарийб 50 минг киши Маккаи Мукаррамага бориб, муқаддас ҳаж сафарини адо этиб келган бўлса, шулардан 10 мингдан зиёди, яъни 5 дан 1 қисмини андижонликлар ташкил этади. Шу 2009 йилнинг ўзида юртимиздан 5200 киши ҳаж сафарига боришга муваффақ бўлди, уларнинг катта қисмини андижонликлар ташкил этади.

Андижонда улуғ аждодларимизнинг маънавий мероси орқали ёш авлод қалби ва онгига миллий анъана ва қадриятларимизни сингдириш уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларни камол топтириш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввалambор, Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой ва бетакрор меросини халқимизга қайтариб беришдек эзгулик ишларини қайд этмоқ лозим. Бу ҳақда ушбу рисоланинг буюк Бобурийлар мероси ҳақидаги бўлимида батафсил айтилган.

Мустақиллик йилларида ўтган асрнинг бошларида барпо этилган меъморий обидалар қаторида вилоятнинг бир қатор туманларида жойлашган масжид ва мадрасалар хам қайта таъмирланди. Шулардан бири Қўрғонтепа туманида жойлашган Мирзақул бўлиш масжид-мадрасасидир. Мирзақул

бўлиш 1861 йили ҳозирги Қўрғонтепа туманининг Чимён қишлоғида туғилган. Отаси Қушув додҳоҳ қирғиз-қипчоқ бойларидан эди. 1871 йили вафот этган.

Мирзақул болалигидаёқ ўзининг ўткир зеҳни, кишилар билан тез тил топиша олишлиги билан бошқа тенгқурларидан ажралиб турарди. Қушув додҳоҳнинг болалик дўсти Пўлат Амин Мирзақул 15 ёшга тўлганида ундаги қобилиятни сезиб мироббошиликка тайинлайди. Мирзақул бу вазифани аъло даражада бажариб, сувни халққа тенг бўлиб беради. Орадан бир йил ўтиб, уни элбоши қилиб тайинлашади. Мирзақул бу вазифани бажариш билан бирга савдогарликни ўрганади. Қўқон, Бухоро, Тошкент шаҳарларига, бу томони Ўш, Ўзган ва Қашқаргача боради. Маҳаллий бойлар билан келишиб, бўш турган Савай ерларини ўзлаштиради ва пахта етиштиради. Даромади ҳисобига саройлар ва уйлар қурдиради. Уйларга пахта етиштиришда ишлаган чорикорларни кўчириб киргизади. Саройларда кейинчалик машина-трактор станциялари ташкил топади.

Мирзақул катта майдонларни ўзлаштириб, пахта етиштиришни кўпайтиргач, териб олинган хомашёни дастлаб Андижонга Миркомилбойнинг пахта заводларига топширади. Кейинчалик эса Марғилон, Қўқон, Фарғона ва Тошкентгача сота бошлайди. Бойлиги кўпайиб эл орасида «Меҳрибон бой» деган ном олади. Чунки у етим-есирларга, қаровсиз қарияларга ўз ёрдамини аямаган. Андижон шаҳридаги Нўғай маҳалласида масжид қургач, обрўси янада ортади. Қўрғонтепа, Қорасув, Чимён, Шамолбоғ бўлислигига сайланади.

Мирзақул бўлиш Андижон шаҳрида яшовчи бойлар билан яқин муносабатда бўлган. Шаҳар қозиси Рустамбой шулардан бири эди. Рустам қози 1902 йилнинг декабрида қизи Сабохани унга никоҳлаб беради.

Андижон зилзиласидан сўнг у Қўрғонтепага қайтиб келади. Табиий офат туфайли бу ерда ҳам турар жойлар, масжидлар вайрон бўлган эди. 1908 йилнинг эрта баҳорида ҳамқишлоқларининг талабига асосан ўзи яшаган уйининг ёнида мадраса қуришга киришади. Асосан ҳашар йўли билан тикланган ушбу иморат учун ишлатилган қурилиш ма-

териалларини асосан шу ҳудудда яшаган бойлар етказиб беришган. Бино пойдеворига ётқизилган харсангтошлар аравада Имомотадан ташилган. Пишиқ ғишт ва оҳак маҳаллий хумдонларда тайёрланган. Пойдеворни кўтаришда уста Исахон ўғиллари билан иштирок этган. Сувоқчилар эса Хўжанддан чақирилган.

– Кексаларнинг хотирлашича ўша пайтда Мирзақул бўлишнинг ҳовлиси масжид қурилаётган жойнинг кунчиқар томонида жойлашган экан, – дейди «Амирқул бўлиш» жоме масжиди имом-хатиби Адҳамжон Жўрабоев. – Қурилиш бўлаётган пайтда уйнинг олдида айиқ терисидан тайёрланган пўстакка ёнбошлаб олиб ҳашарчиларнинг ишини зимдан кузатишни ёқтирган. Айтишларича, Мирзақул бўлиш баланд келбатли, қизил юзли, серсоқол киши бўлган.

Мадраса 1909 йили битказилиб, бу ерда болалар ўқийдиган диний мактаб ташкил қилинган. Ушбу мактаб то шўро тузуми ўрнатилгунга қадар фаолият юритган. 1927 йили Қўрғонтепа райони ташкил этилганида, унинг идоралари шу ерга жойлаштирилади. 1930 йили машина-тарктор парки тузилиб мадраси биноси унинг ишчиларига ётоқхона қилиб берилади. Шу тариқа 20 йил мобайнида бино МТС тасарруфида бўлади. 1974 йили бу ерда ўлкашунослик музейи ташкил топади. Ва ниҳоят, 1989 йилдан бери собиқ мадраса биноси Мирзақул бўлиш масжиди сифатида халққа хизмат қилиб келмоқда.

Маълум бир даврларда мадрасанинг кўча қисмидаги ҳужралар бузиб ташланган. Ҳозиргача уларнинг 18 таси сақланиб қолди. 2013 йилнинг эрта баҳорида «Мирзақул бўлиш» жоме масжидида бўлиб, хужраларнинг ўша пайтдаги шакл-шамойили деярли сақланиб қолганлигига гувоҳ бўлдик.

Қонида яратувчилик ишқи жўш урган Мирзақул бўлиш Андижон ва Қўрғонтепадан ташқари Марғилон шаҳрида ҳам масжид қурдирган. У 1936 йили 75 ёшида Жалолобод шаҳрида вафот этади. Унинг набираси Андақул Чимён қишлоғида яшаб 2011 йили вафот этган. Ёшлигида уни кўрган оқсоқоллар «Андоқулнинг бўйи етиб, Мирзақул бўлишнинг туси кириб қолибди», дейишган экан.

Буюк аждодларимиздан бири мумтоз шоир ва адиб, буюк истиқлолчи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон хотирасига атаб боғ мажмуаси ва уй музейи барпо этилди. Унинг номига аталиб ҳайкал ўрнатилди. Андижон давлат тиллар институтига, шаҳардаги ҳашаматли кинотеатрга шаҳарнинг обод кўчаларидан бирига юртдошимиз Чўлпон номи берилди. Хотира майдони қайта таъмирланди, Навоий маданият ва истироҳат боғи тубдан реконструкция қилинди, у ерда мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди.

Истиқлол йилларида тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, уларнинг тарихини ўрганиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Ҳозирда бутун Андижон тарихини қайта яратиш имкони туғилди. Жалақудуқ туманидаги Қутайба ибн Муслим ёдгорлиги, Ойим қишлоғидаги Тош масжид, Шаҳрихон туманидаги Гумбаз мажмуаси қайта тикланди. Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди бўлган Мулла Асомиддин билан боғлиқ Мирпўстинота, Балиқчи туманидаги Ғойиб бува каби тарихий ёдгорликлар обод қилиниб, табаррук қадамжойларга айлантирилди.

Вилоят ва шаҳар ҳокимлигининнг катта ташкилотчилиги ва саъй-ҳаракатлари билан саховатпеша юртпарвар, ишбилармон тадбиркорларнинг куч-ғайратлари билан сўнгги вақтларда кўплаб янги бинолар қад кўтарди, эскилари эса таъмирланиб замонавий ҳолатга келтирилди. Бу муҳташам бинолар Андижон шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, янада обод ва кўркам қилди. Буларнинг барчаси ҳар бир андижонликни ватанпарварлик ҳис-туйғусини уйғотиб, шаҳар ва унинг ҳусни жамолига маҳлиё қилиб, ўзи яшаб турган заминга бўлган меҳр-муҳаббатини янада мустаҳкамламоқда.

Бу ўринда Андижон вилоят ҳокимининг яқинда «Маданий мерос объектлари ва зиёратгоҳларни муҳофаза қилиш ҳамда туризмни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари тўғрисида»ги Қарори айни муддао бўлди. Унда севикли Андижонимизни жаҳонга кўз-кўз қиладиган жиҳатлари кўрсатиб берилган. Қарорда Андижон буюк саркарда ва маърифатли подшоҳ, шоир ва олим Бобурнинг киндик қони тўкилган шаҳар сифатида дунё сайёҳлари диққатини ўзига жалб этиши мумкинлиги алоҳида қайд қилинди. Шу боис

Бобур номи билан балан боғлиқ обида, ёдгорликлар, манбалар, эсдаликларни аниқлаш, уларни тартибга келтириш, сайёҳлар учун намойиш этадиган ҳолатни яратиш ва кенгайтириш вазифаси илгари сурилмоқда.

Андижон жаҳон кўрса арзигулик даражада табиий – жуғрофий иқлимга, жозибали табиатга, баланд-баланд тоғларга, мўътадил ҳавосига, шифобахш сувига эгадир. Шунингдек, сўнгги йилларда Андижон шаҳри қиёфаси, жамоли таниб бўлмас даржада ўзгариб кетди. Айтиш мумкинки, бу азим Андижон хоҳ Шарқдаги, хох Ғарбдаги гавжум ва обод шаҳарлардан асло қолишмайди. Анъанавий ва замонавий шаҳарсозлик маданиятимиз чет эллик меҳмонларни ҳам лол қолдирмоқда. Шунинг учун Андижон вилоятида халқаро туризмни яхши йўлга қўйиш, миллий-маданий ёдгорликлар, хушманзара гўшаларимизни янада кўркам ва обод қилиш зарур. Бунда ишбилармон, тадбиркорларимиз саховатпешалик қилиб, хусусий меҳмонхоналарни, хизмат кўрсатиш сервисини халқаро стандарт даражасига кўтаришлари лозим.

Андижонни жаҳонга кўз-кўз қиладиган яна бир катта имконияти – бу ҳунармандчилик, этнографик «шаҳарча»сидир. У ўхшаши йўқ миллий-маданий ва тарихий зиёратгоҳдир. «Шаҳарча»да тайёрланаётган буюмлар, турли асбобускуналар, маданий-маиший уй-рўзғор қуроллари нафақат ўзимизда, ҳатто чет элликларда бошқа бир «дунё» сифатида кучли таассурот қолдирмоқда. Ана шундай маданий ёдгорликлардан бири Мингтепадир. Бу тарихий-маданий ёдгорлик аллақачондан бери қадимшунослар, археологлар, тарихчилар, олимлар, адабиётшунослар ва журналистларни ҳайратга солиб келмоқда. Ҳатто бу тарихий ёдгорликни билиш, англаш учун япон тадқиқотчилари бир неча бор ташриф буюрганлар.

Вилоят ҳокимининг қарорида вилоят «Сайёҳлик ва экскурсиялар» бюроси, «Андижон турист МЧЖ» вилоят ўлкашунослик музейи, «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими, вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси, «Тасвирий ойна» ҳамда Ўзбекистон Журналистлари уюшмалари вилоят бўлими ўзаро ҳамкорликда Андижонда миллий ва халқаро туризмни

ривожлантириш юзасидан аниқ дастурлар ишлаб чиқиб, уни тезроқ ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий чоралар кўриш вазифа қилиб қўйилган.[1] Сўнгги 2–3 йил мобайнида Андижон шаҳрида жуда катта шаҳарсозлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди, шаҳар гузарлари, кўчалари, бозорлари, боғ-роғлари, спорт иншоотлари, маданий ва ўқув масканлари таниб бўлмас даражада мазмунан бойиб, шаклан ўзига хос гўзаллашиб бормоқда.

Андижонда оммавий маданий масканлар иши замон талаблари асосида ташкиллашган. Вилоятда 485 та кутубхона, 178 та клуб, 2 музей ва уларнинг 7 та филиали, 3 та театр, «Ўзбекнаво» гастроль бирлашмаси ҳамда «Ўзбек рақс», Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлимлари аҳолига хизмат қилмоқда. Андижон аввал-азалдан ўхшаши йўқ салоҳият соҳиблари, билимли, зукко, маърифатли, диёнатли, лафзли, ҳалол-пок инсонлар юрти бўлиб танилган. Бу заминда санъат, адабиёт, фан, инсоний, миллий ва диний фазилатлар ғоят қадрланади. Андижон бой тарихига бунёдкорлик ва эзгулик анъаналари ва тажрибаларига эга бўлган муқаддас диёрдир. Ҳар бир андижонлик эса уларни асраб-авайлаши турли бузғунчи тажовузлардан сақлаши ва келгуси авлодларга етказиши ҳам шарафли, муқаддас бурчидир. Шу боис ҳар биримиздан ҳушёрлик ва огоҳлик доимий фидойилик талаб қилинади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Биз элим деб, юртим деб ёниб яшамоғимиз» лозим.

Андижон тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Бу мустақиллик шароитидаги тараққиётимизнинг ҳозирги босқичига ҳам дахлдордир. Бу йилларда Андижон мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари каби, гуркираб ривожланмоқда, унинг иқтисодий салоҳияти кескин кўтарилди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур, ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Қисқа вақт ичида унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада тубдан ўзгарди.

[1] *Абдуллаев А.* Андижонни жаҳон кўрсин. «Андижоннома». 2009 й, 2 декабрь.

Вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 триллион 283 миллиард сўмни ташкил этди. Бу аввалги йилга нисбатан 9,6 фоизга ўсганлигини билдиради. Саноат ишлаб чиқариш сўнгги 2 йилда 23 фоизга ортди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши 17,3 фоизга оширилди, эксперт ҳажми 102 фоизни ташкил қилди.

Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 2008 йилда 29871 та янги ишчи жойи яратилди. Фақат 2008 йилда вилоятда 13 та қўшма корхона барпо қилинди, уларда 3300 нафар киши меҳнат қила бошлади.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам катта ишлар қилинди. Умумтаълим мактабларида 460512 ўқувчи таълим олмоқда. 577 та мактабгача таълим муассасаларида 50 минг нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Уларга ўз касбининг фидойилари бўлган 38 минг нафардан зиёд устоз-мураббийлар сабоқ бермоқдалар.

«Саломатлик – 2» ва «Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» дастури доирасида улар учун 2,5 миллиард сўмлик 60 га яқин тиббий жиҳозлар, оргтехника ва ўқув анжомлари сотиб олинди.

КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

2013 йилнинг 26 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Сессияни ўтказишдан мақсад вилоятга янги раҳбар сайлашдан иборат эди. Сабаби 2004 йилдан буён вилоят ҳокими лавозимида ишлаб, катта тажриба оширган, эл-юртга бош-қош бўлиб, вилоят эришган ютуқ ва марраларга муносиб ҳисса қўшган Аҳмаджон Усмонов кўп масалаларда оқсоқликка йўл қўйилаётган Тошкент вилояти ҳокими лавозимига кўрсатилган эди. Сессия қатнашчилари Аҳмаджон Усмоновга билдирилган ушбу ишончни Андижон элига билдирилган ишонч ва ҳурмат белгиси, ифодаси сифатида қабул қилдилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Депутатлар ва оқсоқоллар билан маслаҳатлашилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тавсиясига кўра шу вақтгача вилоят ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келган Шуҳратбек Абдураҳмонов Андижон вилояти ҳокими этиб сайланди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, вилоятда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиб берди.

– Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз қўлга киритаётган, жаҳон ҳамжамияти тан олаётган ютуқ ва марраларга эришиш йўлида бутун Ўзбекистонимиз қатори Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани, кўп соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини эътироф этиш, вилоят маркази, барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора обод бўлиб,

халқнинг ҳаёт сифати ва даражаси юксалиб бораётгани албатта барчамизни қувонтиради ва мамнуният етказади, – деди Юртбошимиз.

Ўзбекистон раҳбари вилоятда кейинги йиллар давомида амалга оширилган ишларга холисона баҳо бериб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган ютуқ ва натижаларга тўхталиб ўтди. Жумладан, кейинги етти йил мобайнида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2 баробар, саноат 2,9 баробар, қишлоқ хўжалиги 1,6 баробар, пуллик хизматлар 2,7 баробар, қурилиш ишлари 3,4 баробар ошган.

Президентимиз Андижон тажрибасини бутун республикага кенг тарғиб этиш лозимлигини таъкидлаб, шундай деди: **«Эътиборли томони шундаки, бундай ижобий ўзгаришларни бугунги кунда бутун Андижон вилоятида, қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Сизларнинг бундай ютуқлардан ғурурланиб, лекин уларга маҳлиё бўлмасдан, яна янги марраларни эгаллаймиз, доимо олдинга интиламиз, деган кайфият билан яшаётганингизни барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин».**

Сессияда Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш соҳасида янги тармоқлар пайдо бўлиши билан бир қаторда, саноат соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, технологик янгилаш, мавжуд маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Буни биргина Асака автомобиль заводи фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Бу корхона мамлакатимиз учун бутунлай янги бўлган замонавий автомобилсозлик тармоғининг шаклланишига пойдевор бўлиб, юксак технологияларни, илғор илм-фан ютуқларини ўзлаштиришда

намуна кўрсатди. Хусусан, 2008 йилдан бошлаб, жаҳон автомобиль саноатида етакчи ҳисобланган «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда ушбу заводда машҳур «Шевроле» бренди русумидаги автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани саноатимиз ривожида янги тарихий босқич бўлди. Айни шу асосда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг тури, технологик хусусиятлари тубдан яхшиланиб, мутлақо янги платформалар негизида «Ласетти», «Спарк», «Кобальт» каби 8 хилдаги замонавий автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Асака автомобиль заводининг иш бошлаши мамлакатимизда унга бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб берадиган машинасозлик корхоналари тармоғининг кенгайишига замин яратди. Биргина Андижон вилоятининг ўзида бундай корхоналар сони сўнгги етти йилда 47 тадан 108 тага, улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳажми эса 1 триллион 100 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу эса мазкур тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сонини 22 минг 400 кишига етказиш имконини берди. Мазкур тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, соҳани юксак малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Асака туманида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти негизида Андижон машинасозлик институти, Тошкент шаҳрида эса Турин политехника университети ташкил этилди.

Президентимиз ўз маърузасида вилоятда қайта ишлаш саноатининг юксалиб бораётганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Агар 2006 йилда вилоятда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 31,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам 40 фоизга етди. Шу ўтган даврда қиймати 66 миллион долларлик 19 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 45 минг тоннадан ортиқ ип-калава, қарийб 9 минг тонна трикотаж полотно, 9 миллион донадан зиёд тайёр тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватлар, энг муҳими, 3,5 мингта янги иш ўрни яратилди. 2006–2012 йилларда Андижонда пойаб-

зал ишлаб чиқариш 8,6 баробар, чарм-галантерея буюмлари 11 баробар, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13 баробар ўсгани ҳам вилоят иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир.

Вилоятда 2005–2012 йилларда 224,5 миллион долларга яқин чет эл инвестицияси, жумладан, 174 миллион 200 минг долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони эса 86 тани ташкил этди. Ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 79 фоизи, жами экспорт ҳажмининг эса салкам 89 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Вилоятда экспорт таркиби ҳам кескин ўзгариб, қайта ишланган ва тайёр маҳсулотлар улуши 87 фоиздан 95 фоизга ортди.

Сессияда Андижонда шаклланган деҳқончилик маданияти тобора юксалиб бораётганлиги эътироф этилди. Ўз ишининг чинакам фидойиси ва устаси бўлган андижонлик деҳқон ва фермерлар 2012 йили биринчилар қатори шартнома мажбуриятларини бажариб, 293 минг тонна пахта, 508 минг тонна бошоқли дон етиштириб бердилар.

Вилоятда кейинги олти йилда сабзавот етиштириш ҳажми 1,9 баробар, картошка – 2,2 баробар, полиз маҳсулотлари – 3,5 баробар, мева – 1,8 баробар, узум – 2,2 баробар ортиб, уларни қайта ишлаш ҳажми ўсаётгани айнан фермерларимиз ва деҳқонларимизнинг ишга ёндашуви ўзгариб, ўз ери, ўз мулкига эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётганининг натижасидир. Бундан ўсишни чорвачилик соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Сўнгги олти йилда қорамоллар сони 1,6 баробар, парранда 2,2 баробар, гўшт ва сут етиштириш 1,5 баробар, тухум етиштириш 1,8 баробар кўпайди.

Вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2008–2012 йилларда 6000 километрга яқин очиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 225 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари, Улуғнор мелиоратив насос станцияси, 180 та мелиорация иншооти, 365 та дренаж қудуқ ҳамда

бошқа объектлар қурилди ва реконструкция қилинди. Шу даврда вилоят бўйича салкам 55 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 120 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланган натижасида ғалла ҳосилдорлиги ўртача 6–8 центнерга, пахта ҳосилдорлиги 4–5 центнерга ортди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда охирги етти йилда қарийб 53 миллиард сўмлик 2 минг 300 дан ортиқ замонавий техника воситалари сотиб олинди. 2011 йилда Асака тумани тўлиқ мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган эди. Янги имкониятларни инобатга олган ҳолда, Республика озиқ-овқат корхоналари уюшмаси томонидан кейинги уч йилда вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган 27 та, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 48 та, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 140 та корхонани янгидан ташкил қилиш режалаштирилди.

Андижон халқининг изланувчанлиги, янгиликка интилиб яшаши, ташаббускорлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ўз ифодасини топди. 2013 йилда Андижон вилоятида мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 22 минг 200 тани ташкил этиб, ушбу соҳага аҳолининг 80 фоиздан ортиғи жалб этилди.

– Агарки Андижон халқининг 80 фоизи тадбиркорлик ҳисобидан яшаётган бўлса, қани, айтинглар, бу соҳага одамларни жалб этиш учун яна қандай даъват бўлиши мумкин? – деди Президентимиз сессияда сўзлаган нутқида. **– Эришилган мана шундай маррани маҳкам ушлашимиз керак. Такрор айтаман, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун мавжуд бўлган ҳар қандай сунъий тўсиқни олиб ташлаш лозим. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, вазирлар ва ҳокимлар буни чуқур тушуниб олиши шарт. Мен бир пайтлар эртанги кунимизни, келажакни ўйлаб, фермерлик ҳаракатига ўтганимизда, фермерларга қарата, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, олдин-**

га босаверинглар, ортингизда Президент турибди, деб айтган эдим. Бугун эса барча тадбиркорларга қарата айтмоқчиман: дадил қадам босаверинглар, ортингизда Президент турибди.

Сессияда Андижон вилоятида намунавий лойиҳалар асосида турар жой бинолари қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида эътироф этилди. Ўтган тўрт йил мобайнида Андижон вилоятида 89 та мавзеда 2 минг 115 та намунавий уй-жой барпо этилиб, кўплаб оилалар шаҳар шароитидан асло кам бўлмаган қулай уйларга кўчиб кирди. Ана шу массивларда қарийб 100 километрлик сув тармоғи, 61 километр электр тармоғи, 76 километр табиий газ тармоғи, 56 километр ички йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилганини таъкидлаш лозим.

Сессияда вилоятни электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш, транспорт хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида қиймати 1 миллиард доллар, қуввати 900 мегавольт бўлган иссиқлик электр станциясининг барпо этилиши Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларининг электр энергиясига бўлган бугунги эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имконини беради. Ангрен – Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳаси амалга оширилади. Айнан шу лойиҳанинг жорий этилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимиз темир йўллари тизими билан ишончли асосда бевосита боғлаш имконини яратади. Уни 2016 йили фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Сессияда вилоят аҳолисининг даромадлари йил сайин ошиб бораётганлиги қайд этилди. Ушбу даромадларнинг 54 фоизга яқини тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади. Аҳолимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганини вилоятда хонадонларнинг телевизор, холодильник, мебель билан таъминланиш кўрсаткичлари мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори экани, автомобилларга эга бўлган хонадонлар сони сўнгги 6 йилда ҳар 100 та оилага нисбатан олганда 19 тадан 30 тага етганидан ҳам кўриш мумкин.

– Шу ўринда юрагимда, қалбимда бўлган бир фикрни айтишни истардим, – деди Президентимиз ўз маърузасини якунлар экан, – **мен учун доимо яқин ва қадрдон бўлган Андижон аҳли эришган барча ютуқларни мен ҳамиша гўёки ўзимнинг ютуқларим, деб қабул қиламан ва бу билан фахрланаман. Ишончим комил, ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, ўзининг мустаҳкам иродаси, яратувчилик салоҳияти, она юртга улкан меҳри ва садоқатини намоён этиб келаётган Андижон халқи янги раҳбар атрофида бирлашиб, у билан бамаслаҳат иш олиб бориб, Ватанимиз равнақи йўлида барча куч ва имкониятларини сафарбар этади.**

Х О Т И М А

Мана Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири Андижоннинг бой ва кўркам тарихидан айрим лавҳаларни кўриб ўтдик. Биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, бу юрт ривожи ҳам ҳамма замонларда бир текис кечмаган. Бу ўринда тарихимиздаги ана шундай нотекисликлар ҳақидаги Ислом Каримовнинг мана бу фикрларини келтиришни жоиз билдик: «Темурийлар ҳукмронлигидан сўнг, яъни XVII асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликлар, урушжанжаллар гирдобида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан, балки ижтимоий-маънавий фикр ривожида ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум»[1]. Халқимизнинг ўз бошидан кечирган мустамлакачилик даврини таърифлаб, Юртбошимиз шундай деди: «Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз.

Лекин ана шундай даҳшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди.

[1] *Каримов Ислом*. Юксак маънавият – енгилмас куч. 50–51-бетлар.

Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балким миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди»[1]. Бу пурмаъно, концептуал фикр тўла-тўкис Андижоннинг ўтмиш тарихига бевосита дахлдордир. Бу юрт тарихи ҳам бутун Ўзбекистон тарихи билан узвий боғланган ва унинг ажралмас бир қисмидир.

Ўзлигини чуқур ва теран англаган миллатгина ўзининг тарихий тақдирида туб бурилиш ясаган санани ҳамиша зўр ифтихор ва фахр билан ёд олади, уни катта кўтаринкилик билан нишонлайди. Ўз тараққиётининг якунларини сарҳисоб қилади, истиқболдаги режаларини белгилаб олади. Қутлуғ миллий байрамимиз – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришган кун ўзбек халқи тарихидаги ана шундай саналардан биридир. Бундан 22 йил муқаддам – 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети эълон қилинган эди. Мустақилликка эришган Ўзбекистон бутун жаҳон олдида ўз келажагини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат деб эълон қилди. Бу табаррук кун Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихидаги порлоқ саҳифа бўлиб қолди.

Мустақиллик халқимизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданият ва анъаналарини, қадр-қимматини, диний эътиқодини, она тили ва маънавиятини, миллий тарихини қайта тиклаш имконини берди. Бу мустақиллик Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишига имконият яратди. Мустақиллик мамлакатимизнинг улкан табиий хомашё бойликларини эркин тасарруф этиш, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурслардан ҳамда юртимиз салоҳиятидан халқимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга имконият яратди.

[1] *Каримов Ислом*. Юксак маънавият – енгилмас куч. 25–26- бетлар.

Мустақиллик иқтисодиётни, ижтимоий соҳаларни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, ислоҳ қилишга катта туртки берди. Истиқлолнинг ҳаётбахш заминида янги демократик қадриятлар илдиз отишига, бошқарув тизимида кўппартиявийликни юзага келтиришга, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг асосий бойлиги бўлган эркин-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий, сиёсий, хўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғдирди.

Хуллас, истиқлол ўзбек халқи учун тараққиётнинг бутунлай янги уфқларини очиб берди. Халқимиз мустақиллик туфайли ўз келажагини ўз қўли билан яратадиган бўлди. Шу буюк бебаҳо неъмат туфайли халқимиз умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлди.

Мустақилликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Мустақиллик йилларида Андижон вилояти, жумладан, Андижон шаҳри асрларга тенг буюк бунёдкорликни, улкан ўзгаришларни, маънавий-мафкуравий юксалиш даврини бошдан кечирмоқда. Андижон ҳозирда бутун республикамизда кўзга кўринган энг салоҳиятли, нуфузли вилоятга айланди. Барча-барча соҳаларда буюк яратувчанлик, эзгулик ишлари амалга оширилмоқда. Бундай улуғвор ишларнинг бош меъмори Ислом Каримовдир.

Андижон вилоятида коммунал инфратузилмани ривожлантириш учун 1 триллион 696 миллард сўм маблағ ажратилганлиги мутлақо янги қиёфадаги Андижони яратиш имкониятини бермоқда. Унинг тарихий мавзелари қайта бўй кўрсатмоқда. Қутлуғ қадамжолар, тарихий-меъморий обидалар қайта таъмирланиб, обод зиёратгоҳларга айлантирилмоқда.

Чиндан ҳам XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига келиб Андижон шаҳри тарихида мутлақо янги давр бошланди. Бу ерда бирон та кўча, бирон та маҳалла, бирон та мавзе йўққи, у ерда нимадир қурилмаётган, қайсидир иншоот таъмирлан-

маётган бўлсин. Айниқса, «Ўзбекистон», Бобур, Навоий, Амир Темур шоҳкўчалари, шунингдек, «Истиқлол», «Миллий тикланиш», «Юксалиш» ва бошқа яна бир қатор кўчалар қайта таъмирлашдан сўнг ривожланган Европа давлатларидан сира қолишмайдиган энг замонавий қиёфа касб этди. Янги шаҳар ҳудудидаги «Истиқлол» кўчаси ўзининг қарийб 130 йиллик тарихи давомида бундай улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлмаганди. Бугун у қайта чирой очиб, андижонликларнинг энг севимли масканлардан бирига айланди. Янги бозор ҳудудидаги ўзгаришларни, ҳатто таърифлашга тил ожиз. Шаҳар бўйича жами қирқдан зиёд кўчада, шунингдек, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқларида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Тинч ва осойишта ҳаёт кечириш, яратувчанлик ва бунёдкорлик азал-азалданоқ андижонликларнинг қон-қонига сингиб кетган энг эзгу фазилатлардан бирики, бу бир неча минг йиллар мобайнида шаклланиб, ривожланиб, бугун ўзининг бутун бўй-бастини яққол намоён этмоқда.

Андижонликлар шаҳарнинг марказий кўчасидаги энг кўзга кўринадиган жойга бош ҳарфлар билан ёзилган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган шиорни илиб қўйишган. Ушбу шиор бир неча йил олдин Юртбошимиз томонидан ўртага ташланган эди. Чиндан ҳам андижонликлар Амир Темур, Мирзо Бобур сингари улуғ аждодларимиз ишини давом эттирган ҳолда кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, келажак авлод учун ўзларидан озод ва обод Ватан қолдирмоқдалар. Уларнинг жасоратли меҳнати эса тарих зарварақларига муҳрланмоқда.

МУНДАРИЖА

Муқаддима..... 3
Қадимги Андижон 18
Буюк Ипак йўлидаги Андижон..... 23
Андижон топоними 26
Андижон илк ва ўрта асрларда 31
Темур ва темурийлар даврида Андижон 36
Бобурнинг илк давлатчилик ва саркардалик фаолияти..... 43
Султон Сайидхон – Андижон ҳокими..... 58
Андижон фарзанди Бобур ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси …..... 66
Бобурийларнинг ҳозирги авлоди..... 80
Андижоннинг ўрта асрлар давридаги тарихий, меъморий обидалари нега бизгача етиб келмади?..... 90
Андижон Қўқон хонлиги таркибида..... 96
Амирлашкар Алимқул 112
Андижон матонати (1875–1876) 121
Мустамлакачилик бошқаруви..... 153
Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт..... 161
Озодлик кураши сарчашмаларида..... 177
Андижон тараққийпарварлари..... 216
1916 йилги Андижон қўзғолони..... 249
Андижондаги 1917 йил воқеалари..... 266
Андижон XX аср бошидаги иқтисодий, сиёсий бўҳрон исканжасида 271
Андижонлик озодлик курашчилари..... 277
Андижонда «орзудаги социализм» қуриш учун кураш..... 287
Коллективлаштириш ва унинг қурбонлари..... 290
Сургун қилинган андижонликлар..... 296
Маданий қурилиш..... 302
Андижондаги «катта террор» фожиалари..... 313
Катта Фарғона канали ва Андижон сув омбори қурилишида..... 317
Буюк ғалабага андижонликларнинг қўшган ҳиссаси..... 319
Андижон советлар истибдодининг янада кучайиши ва миллий

уйғонишнинг янги босқичи даврида (1946–1991 йиллар)..... 326
Элларни элларга боғлаб..... 363
Андижон мустақиллик йилларида.. 371
Саноат..... 393
Қурилиш ва бунёдкорлик..... 405
Қишлоқ хўжалиги..... 418
Андижон – ҳунармандлар юрти..... 434
Инсон манфаатлари йўлида..... 438
Илмий, адабий ва маданий жараён 446
Ўзбекистон Қаҳрамонлари..... 513
Андижон маҳаллалари: ўтмишда, ҳозирда..... 518
Буюк келажагимиз ишончли ёшлар қўлида..... 531
Андижон спорти..... 548
Бирлик ва ҳамжиҳатлик – тараққиёт омилидир..... 560
Тинчликка солинган рахна..... 564
Андижонликлар боқий қадриятларини эъзозлайди..... 571
Келажакка йўл..... 578

Хотима 585

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рустамбек Шамсутдинов, Абдураҳмон Исҳоқов

АНДИЖОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2013

Муҳаррир *Қодиржон Қаюмов*
Бадиий муҳаррир *Феруза Башарова*
Рассом *Пётр Аненков*
Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*
Саҳифаловчи *Лидия Цой*
Мусаҳҳиҳ *Шарофат Хуррамова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил

Теришга берилди 18.04.2013. Босишга 19.08.2013 рухсат этилди.
Бичими 60x90 $^{1}/_{16}$. «Times New Roman» гарнитураси.
Офсет босма. Шартли босма табоғи 37+2,5 зарв.
Нашриёт-ҳисоб табоғи 30,94+2,3 зарв. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3086

.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.